



ЧИНГИЗ  
АЙТМАТОВ



# **САРВҚОМАТ ДИЛБАРИМ**

**ҚИССАЛАР**

Ғафур Ғулом номидаги  
бадий адабиёт нашриёти  
Тошкент — 1969

Мазкур тўпلامга Ленин мукофоти лауреати Чингиз Айтматовнинг «Юзма-юз», «Жамила», «Бўтакўз», «Сарв қомат дилбарим», «Сомон йўли» ҳамда «Алвидо, Гулсари!» деган қиссалари киритилди.

Қайноқ қалб ҳарорати билан ёзилган бу машҳур қиссаларнинг ҳаммаси биргаликда жам бўлиб чоп этилиши ҳурматли китобхонларимиз учун яна битта муносиб тортиқ бўлса ажаб эмас, деб умид қиламиз.

**Айтматов Чингиз.**

Сарв қомат дилбарим. Қиссалар. (Қирғизчадан А. Рашидов таржимаси.) Т., Фафур Гулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1969.

544 бет. Тиражи 60000.

Айтматов Чингиз. Тополек мой в красной косынке. Повести.

С(Қирғ)

Индекс 7-3-3

# ЮЗМА - ЮЗ





Шамол учириб келган япроқлар кичкинагина станциянинг кечаси милтиллаб кўринган ёлғиз фонусига урилиб, парвонадек айланарди-да, қоронғида кўздан ғойиб бўлишарди.

Шу кеча теракларнинг япроқлари кўп тўкилиб турди. Шамдек терилган қалин тераклар шамолнинг зўридан уч-учларидан то илдизигача зарб еб, дам-бадам тебранишарди. Терак шохлари юқорида денгиз сингари чайқалиб шувиллашаркан, ўз бошларига тушган аллақандай оғир мусибат тўғрисида бир-бирлари билан ҳасратлашаётгандек туюларди. Дара бўйлаб эсган муздек шамол уларни бугун тунда бир йўла шипшийдам қилмоқчига ўхшарди.

Қорайиб кўринган Қоратоғ дарасида қоронғи тун. Даранинг энг пастки этагида жойлашган станция атрофи янада қоронғироқ. У кўзга ғира-шира кўриниб турарди. Қаттиқ уйқуга чўмган тун фақат станциядан поездлар нари-бери ўтгандагина ёруғдан кўзи қамашгандек сесканиб кетарди-да, яна ўша заҳотиёқ атрофни зулмат қопларди. Поездлар ўтиб кетгандан кейин, анча вақтгача станцияда қимирлаган жон йўқдек, теварақ атрофни чуқур сукунат чулғаб оларди.

Бу йил кузда эшелонларнинг кети узилмай ғарб томонга қатнаб турди. Мана ҳозир ҳам олисдан чангга ʒотиб, ҳориб-чарчаб келгандек, узун составли эшелон бир-бирига тақ-туқ урилиб, станцияга келиб тўхтади. Поезддан бирон кимса тушмади. «Бу қайси станция?» деб ҳеч ким қичқириб сўрамади ҳам: ҳориб келган бутун эшелон ширин уйқуда. Этигини дўқиллатиб, фонусини ола югурган станция навбатчиси паровозни кўздан кечириб бораётганда, охирги вагонларнинг биридан милтиқли дневальний бошини чиқариб қаради. Ташқарида, таниш дарада одатдагидек тунги шамол эсиб, станциянинг пастқам, ёлғиз оёқ кўчасининг нариги томонида шовиллаб оқаётган сув ер остидан қайнаб чиқаётгандек кўпикланиб турарди. Теракларнинг шатир-шутур тўкилаётган япроқлари киши қалбига ҳазин маъюслик бахш этарди. Ҳалиги одам қоронғида бировнинг шарпасини эшитгандек бўлиб, теракларнинг шувиллашларини анча вақтгача тинглаб турди. Шу маҳал муздек бир япроқ учиб келиб унинг юзини ялаб ўтганда, эти жимирлаб, сесканиб кетди-да, чироғи хирагина ёниб турган вагон ичига, кейин ташқарига яна назар ташлади. Атроф зим-зиё, ҳеч ким кўринмайди.

Бир оздан сўнг вагондан пинҳона ажралган бир киши югурганича ариқ бўйидаги буталар орасига энгашиб бориб, кўздан ғойиб бўлди. Ҳаял ўтмасдан «Чур-р-р» этган қаттиқ ҳуштак овози эшитилди. Милтиқли киши ўрнидан тура солиб югурди-ю, яна шу заҳотиёқ ўзини ерга ташлади-да, жим қолди. У ўзича: навбатчи ҳуштак чолиб, эшелонни жўнатаётган бўлса керак, деб ўйлади. Жим турган вагонлар, гўё бир-бирларини уйғотгандек тебранишиб, поезд ўрнидан кўзгалди.

Эшелон кўприкдан тақ-туқ ўтиб, туннелга яқинлашди. Орқадаги, ялт-юлт этиб турган қизил чироқлар кўздан ғойиб бўлганда, паровоз яна дамини ростлаб, бир оз тинчиган кичкина станция билан хайрлашаётгандек бор кучи билан девдек бўқирди. Унинг узоқ-узоқларга янграб кетган овози тоғ қояларигача етиб борди-да, ҳамма ёқни ларзага келтириб, теракларда турган захчаларни ҳам уйқусидан чўчитиб юборди. Своялар босилиб, безовталанган захчалар тинчигандан сўнг, поезддан тушиб буталар орасига яшириниб ётган киши сув остидан чиққандек энтикиб-энтикиб нафас



ола бошлади. Эшелон тобора узоқлашган сари ғилди-рактарнинг темир йўлга тақ-туқ этиб урилган овозлари ҳам йироқлашиб борарди.

Шу кеча терактларнинг япроғи тўкилиб чиқди. Қоратоғ дарасида қоронғи тун...

Кўзи ёригандан бери Саиданинг уйқуси қуш уйқусидек сергак бўлиб қолди. У ҳозир ҳам гўдакни қайта йўрғаклаб, липиллаб ёниб турган пилта чироқ ёруғида бешикка бағрини бериб, боласини эмизиб ўтирибди. Тўрда кўрпа устидан чопон-мопонларини қалин ёпиниб қайин онаси ётарди. Кампир кексайиб қолган, касал қўй сингари хириллаб йўталар, худога сиғинишдан бўлак нарсани билмасди. Ҳатто тушида ҳам нуқул «эй, парвардигор, ўзинг биласан...» деб қўярди. Шундай қилиб, Саида колхозга ишга кетганида, кампир эплаб-сеплаб боласига қарайди — бекор ўтирмайди. Шўрлик нима ҳам қилсин! Болани аёллар ишлаган жойга кўтариб бораркан, лаби-лунжи кўкариб, энтикиб турса ҳам, ўз ишидан нолимайди. Ёлғиз келинининг кўз очиб кўргани — набирасига у қарамай ким қарасин!

Тун аллақачон ярим кечадан оғиб кетган, бироқ кўзга ҳеч уйқу келмайди. Замона шундай бўлгандан кейин ухлаб бўлади дейсизми?! Уруш, даҳшатли уруш кетяпти. «Герман», «фашист», «чақириқ қоғози» деган ғалати сўзлар чиқиб қолди. Овулда кунига қий-чув, кунига буйинларига халта-тўрваларини осиб олган йигитлар... «Хўш! Хайр энди, йиғлаб-сиқтаб юрманглар!» деб телпакларини бостириб кийиб олган эркаклар тўп-тўп бўлиб аскарга жўнар эдилар. Уларнинг орқасидан йиғлаб қолган хотин-халажлар изиллашиб, аравалар олис кетгунча тепаликдан кузатиб туришар, сўнгра шумшайиб уйларига хомуш қайтар эдилар. Замона энди нима бўлади? Энди уларнинг ҳоли нима кечади? Аскарга кетганлар қайтиб келармикин?

Ўтган ёзда чўпон қизи Саида ўша овулга келин бўлиб тушганида, уларнинг уйи ҳали қурилиб битмаган эди. Тўрт девори тикланиб, усти ёпилгани бўлмаса, ҳали ишнинг энг оғири — сомон сувоғи, қум сувоғи турган эди. Улар аҳён-аҳёнда колхоз ишидан бўшаган пайтларидагина бундай ишларга қўл урардилар, холос. Балки Саиданинг бахти ҳам ўша пайтларда очилиб кетгандир... У қаллиғи билан том орқасида лой қориб юрган кезлардаги қувноқ кунларни қўмсар эди. Улар ариқдан

шилдираб оқиб келаётган илиқ сувни буриб қўйиб почаларини сонларигача шимариб олиб, тупроқ билан сомонни аралаштириб лой қоришиб юрганларида, қаллиғи Саиданинг бақувват қўлини сиқиб ушлаб, секингина билдирмасдан лой остидан унинг оёғини босиб тегишаркан, у шунчаки аччиқланиб кўярди:

— Қўйсангиз-чи, сизга нима бўлди. Онам кўриб қолса, уят бўлади!— дерди-ю, ўзи бўлса шу заҳотиёқ эркаланиб унинг бўйнидан осилиб, қиқир-қиқир куларди:

— Қўйсангиз-чи, э-э, юзингизнинг лойига бир қаранг-а!

— Ўзинг-чи, олдин ўзингга бир тамоша қил-а!

Шунда Саида ётган камзулчасининг чўнтагидан кичкинагина тошойначасини олиб, қаллиғига кўрсатмай, тескари бурилиб ўзига қарарди-да, лой сачраб қизариб кетган юзларини кўриб, ўзи ҳам шуни истагандек ёш болалар сингари яйраб куларди. Бетга сачраган лой ҳам гапми? Майли, сачрай берсин, ундан кишининг гўзаллиги кетиб қолмайди-ку!

Саида кечқурун ариқда чўмилиб, ўрик тагидаги тўшакка кирар экан, унинг муздек сувдан роҳатланган баданидан оқар сувнинг ёқимли тапти чиқиб турганини ва бундан ўзи ҳам алланечук хушрўй бўлиб кетганини сезиб ётарди... Улар ташқарида ётиб юрган ўша тунларнинг гашти ҳам ўзгача эди. Осмоннинг бир чеккасидаги булутлар билан чирмашган қорли тоғ қоялари устида чарақлаб ёнган бир тўда юлдузлар оқ садафдек товланиб кўринарди. Тоғдан эсган салқин шамол кўрпанинг паст томонидан сизилиб келиб, кишининг юзини силаб кетгандек бўларди. Бир бедана ариқнинг нариги ёғидан, ўрта ўримга келган беда орасидан шилдираб оққан сувга жўр бўлиб «питпилдиқ, питпилдиқ» деб сайрарди. Ариқ бўйидаги ялпиз ҳам атрофга хушбўй ҳид таратиб турарди...

Саида яна ётган жойида эрининг пинжига кириб, юмшоқ қўллари билан унинг бўйнидан эркаланиб қучар эди... Улар туни билан ширин-ширин хаёл нашъасини суришар: уй-жойни қуриб битказсак, мол-ҳол қилсак, рўзғор қурсак, сўнгра Саиданинг ота-оналарини чорлаб, уларнинг хизматида бўлсак, деб орзу қилар эдилар.

Саида турмушнинг ҳузур-ҳаловатини эндигина билла бошлаган эди. Иккаласи ҳам тенгқур, билаклари

айни кучга тўлган, бир-бирларига чунон ғамхўр ва меҳрибон эдилар. Ўз пешона терлари билан иморат солиб, эл қатори чироқ ёқиб, сонга қўшилган эдилар. Улар тонг отиб, кеч бўлганини ҳам билмасдилар.

Иморат сомон сувоғидан чиқар-чиқмас уруш бошланиб қолди. Шу, шу, орадан кўп ўтмай йигитлар аскарга жўнай бошлашди. Ширин-шакар кунлар тушда кўргандек ўтди-кетди.

Юракни ўртаб хайрлашган ўша кун худди кечагина бўлиб ўтгандек. Аскарга кетаётганларни овул четига кузатиб чиққанларида, кўпчиликдан ийманган Саида эри билан кўнгилдагидек қучоқлашиб хўшлаша олмади. Улар бир-бирига қўл беришибгина ажралишди. Қачонки, йигитлар кўздан узоқлашганларидан кейин Саида уятини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, эрини сўнгги марта қучоқлаб, ўпиша олмай қолгани ва «бўйимда бўлганга ўхшайди» деган хушxabарни бир оғиз айта олмаганидан қаттиқ куюнди. Ўша ўкинчли армон, ушалмаган орзу, тарқалмаган хумор ўшандан бери унинг қалбини тирнаб, изтиробга соларди.

Чироқнинг пилиги лип-лип этиб, аранг ёнмоқда. Гўдак кўкракни оғзидан чиқаргиси келмай, уйқу аралаш бир-икки тамшаниб қўярди-да, онасининг кўрагини ийдирарди. Бешикка энкайган Саида эса ўтган кунларни хотирлаб, хаёлга чўмарди.

Ташқарида деразани биров чертгандек бўлди. Кўзи эндигина илинган Саида бошини бирдан кўтариб олди-да, қулоқ солиб турди. Дераза яна эҳтиёткорлик билан секин чертилди. Саида дарҳол боласини эмчақдан чиқариб, бешикка ётқизди-ю, ёқасининг тугмаларини солиб, аста қадам ташлаб, деразага яқин келди. Эшик зимистон қоронғи, пастаккина деразадан ташқарида ҳеч нарса кўринмайди. Саида ижирганиб, титраб кетиши билан оқ сочбоғи шилдираб, елкасига илган чопони ерга чувалиб тушди.

— Ким у?— сесканиб сўради Саида.

— Мен... Эшикни оч, Саида!— деб босиқ овоз билан сабрсизланиб жавоб берди ташқаридаги одам.

— Сен кимсан?— шубҳаланиб яна сўради Саида ва деразадан ўзини четга олиб, лол бўлиб анграйиб қолди.

— Ҳой, бу менман, Саида, оч эшикни!

Саида деразага яна қадалиб қаради-да, бирдан бошини ушлаб, эшикка югурди. У қалтираган қўллари билан қоронғида эшик илгагини тополмай пайпасланиб, сўнгра уни шартта очиб юборди-да, овоз чиқармай рўпарасида турган кишини қучоқлаганча йиқилди.

— Энамнинг боласи! Энамнинг боласи!— деярди у шивирлаган овоз билан, сўнг тоқати тоқ бўлиб: «Исмоил!» деб унинг ўз отини айтиб, қувончдан ҳўнграб йиғлаб юборди. Худо уни қаердан етказди: унинг аскарга кетган умр йўлдоши омон-эсон қайтиб келибди! Ана у, оғзидан махорка ҳиди келиб турибди. Кул ранг шинелининг ёқаси таёқдек қаттиқ экан.

Исмоил нимадандир сескангандек, вужуди қалтираб, қўли билан Саиданинг бўйни ва бошини шошилинч равишда тез-тез силарди.

— Қани, ичкари кирайлик!— деди у, Саидани қучоқлаб остонадан уй ичига олиб кираркан.

— Ана холос!— деди Саида, ҳўшига келгандек.— Ия, вой шўрим, онамдан суюнчи олайн!..

— Жим!— Исмоил унинг қўлидан ушлаб олди.— Шошма, уйда ким бор?

— Ўзимиз, ўғлингиз бешикда!

— Қўя тур, ўпкални босиб олайн!

— Онам хафа бўлади.

— Сабр қил, Саида!

Саида ҳали ҳам кўзларига ишонмагандек қучоқ очиб Исмоилнинг бўйнидан қаттиқ қучиб олди. Қоронғида улар бир-бирларининг юзини кўрган эмас, бироқ кўрган-кўрмаганда нима — кигиздек қалин шинел остидан Исмоилнинг юраги дукиллаб ураётганини Саида бусиз ҳам яхши сезиб турарди. Унинг иссиқ ва совуқдан қотиб тўрлаб кетган лабларини у ҳозир тушида эмас, балки ўнгида ўпаётган эди.

— Қачон қайтдингиз? Бутунлай бўшаб келдингизми?— деб сўради ўзига келган Саида. Энтикиб турган Исмоил овози титраб, шошиб-пишиб гапирди:

— Станциядан тушганимга бир оз бўлди... Тура тур, мен ҳозир...

У шошилиб эшикка чиқди-да, саройга яширинча кириб, дарров қайтиб келди. Исмоил қўлига ушлаб олган милтиғини ташқари уйдаги шоҳларнинг остига тикиб юборди.

— Бу нима?— деди Саида.— Уйга олиб киравермай-сизми?

— Нафасингни чиқарма, секин!

— Бу нима қилганингиз?

Исмоил жавоб бермай Саиданинг қўлидан ушлаб:

— Юр, ўғлимни кўрсат!— деди.

\* \* \*

Ҳар кун оқшом юлғун аралаш кўм-кўк чий ва қамишзорлар билан қопланиб ётган кенг даладан Саида якка ўзи ўтин кўтариб келарди. У сойма-сой, қирма-қир, ўнқир-чўнқирлардан юриб ўтиб, овулнинг устига етганда, тепаликка ўтириб олиб, сўнгги бор дам оларди. Кўкраклари аралаш сиқиб танғиб олинган арқон ҳалқасини бўшатиб, юзидаги терини сидириб ташларди-да, гавдасини ёзиб, орқасидаги ўтин ғарамига суянганича бир зум кўзғалмай ўтирарди. Атроф туман, овул кўчаларида кетаётган араваларнинг тарақ-туриғи ва нари-бери ўтиб турган йўловчиларнинг гангур-гунгур овозлари эшитилиб турарди. Ғир-ғир эсаётган майин шабада қовурилган жўхори ҳидини аҳён-аҳёнда димоққа келтириб урарди.

Саида бу сафар дам олишга улгурганича йўқ эди, пастликдан паровознинг қичқирган овози янграб, катта куч билан дара томонга бирин-кетин чувалашиб ўтиб бораётган поезд вагонлари элас-элас кўзга чалиниб қолди. Саида паровоз қичқириғини эшитиши биланоқ ўзининг тепаликда ўтирганини пайқаб, атрофга аланглаб қаради-да, шошилиш равишда арқонни яна қайта тортиб боғлади. Паровознинг гудоги Исмоилнинг тунов кунги эшелондан тушиб қолиб, тунда қочиб келганини эслатиб, унинг кўнглини ғаш қилган эди.

Саида кўчага яқинлашиб бораркан, йўлда бирон кимса йўлиқиб қолишидан хавотирланар ва: «ойдин кечалар тезроқ ўтиб кетса-чи!» деб ўзича кўнглидан ўтказарди. Шундагина ҳар қандай шубҳалардан қутулар, Исмоилга овқат ҳозирлаш учун кунига ўтинга қатнашдан сзод бўларди. Хотин-халажлар ўтин бор ерга бизни ҳам олиб борасан деганларида, Саида уларга лом-мим демасди. Ҳаммани қўйиб, уларни ғорга эргаштириб бориб бўлармиди! Исмоил ўша ерда эмасми, худо асрасин, агар улар бирон нарсадан хабар топиб, шубҳаланиб

қолсаларми! Исмоил кундуз кунлари ғорда ётиб, ойсиз қоронғи тунларда яширинча уйга қайтарди. У уйга келган пайтларда ҳам деразаларни маҳкамлаб, эшик илгачини ичидан илиб ўтиришарди. Ҳар эҳтимолга қарши Саида сўрининг остидан ўра қазиб, унинг устини чий ва кигиз билан беркитиб, тайёрлаб қўйган эди.

Улар шу зайлда ҳаёт кечирар эдилар. Чала-чулпа эшитган қулоқлари овда бўлиб, кампир онаси бўлар-бўлмасга атрофга аланглаб, жияги қизил, хиралашиб қолган кўзлари билан ўғлига ачингандек ғамгин термилиб: «Эҳ, болам, шўрлик болам!» дегандек хўрсиниб йиғламсираб эди.

Исмоил овулда нима гаплар кетаётганлигини сўраб қўяр, ёки бўлмаса кўпинча чарчаган кишидек, бошини қуйи солиб, ўйлаш нима эканлигидан ҳали йироқ бўлган уч ойлик боласини қўйнига олиб, қаршисидаги қозонга, қачон қайнар экан, дегандек термилиб, қовоқ осиб ўтирарди. Ёруғ тушмасдан ўз ўрнига етиб олсин учун унинг овқатини эртароқ бериб жўнатиш зарур эди. Саида ўчоқ бошида ўралишиб юраркан, эри томонга лутфан қараб олиб, ўзича турли хаёлларга бериларди. У Исмоилга ачинар, ундан айрилиб, етим-есир бўлиб қолмасак эди, деб қўрқарди. Ёруғликка чиқмай ғорда ётаверганидан Исмоилнинг ранг-рўйи синиқиб шишиб кетган, иякларидеги ўсиб кетган соқоллари ҳам тикандек диккайиб турарди. Унинг кўзлари гоҳ айбдор кишидек аланглаб, гоҳ қорачиғидаги қора нуқталар ўтдек ёниб, еб қўйгудек ўқрайиб қарарди. Унинг вазоҳатини кўриб киши беихтиёр ҳангу манг бўлиб қоларди.

Исмоил илгарилари ҳам шундай эдимиз? Қуёшдан қорайиб кетган кучли мускуллари тердан йилтираб, эртадан кечгача чарчаш нималигини билмай ишларди. Ўшанда Саида иккалалари иморат қурдилар. Ўшанда турмуш кечириш қандай бўлиб, қандай қўйиши ҳеч кимнинг эсига ҳам келмаган эди. Улар ҳам бошқалар қатори колхозда ишлаб, бахтли ҳаёт қуриш, болали-чақали бўлиб, уларни вояга етказиш орзуси билан яшар эдилар.

«Иморатни битказсак, чорбоғни бегона кўзлардан девор билан ўраб олсак, айна муддао бўларди!» деб юрарди Исмоил. Энди-чи... Энди бўлса у қочқин. Ҳатто ўз уйига ҳам очиқ кела олмайди, тўн ёпиниб, ўғридек яшириниб келади. Келганда ҳам ўз уйи унга ўлан тўшак бўла олмайди, балки бошқа бирор бегона ерда ўтирган-

дек ҳадиксираб, қаттиқроқ сўзлашдан чўчиб, шивирлаб гапиришарди. Саида буларнинг ҳаммасини кўриб-билиб ўтирган бўлса ҳам, кўнглига олмасликка ҳаракат қиларди.

Эри ўғлини олиб, ўз ёнига келиб ўтирган ўша тунларда Саида бир соат бўлса ҳам ҳамма нарсани унутиб, бахтиёр ҳаёт кечиришни жон-дилидан орзу қиларди.

«Майли, қочқинчи бўлса, қочқинчи деяверсинлар, менга олтин боши омон бўлса бўлгани!»— деб, хамир ёя туриб ўзини ўзи юпатарди. Эркак киши нима қилса ўзи билади. «Ҳар кимга ўз жони азиз, бу урушда ўзини эҳтиёт қилган кишигина тирик қолади!»— деб Исмоилнинг ўзи айтмабмиди. Демак, унга ақл ўргатиш менинг вазифам эмас, ҳаммани қўйиб, суякни этдан ажратиб, уни ёмонотлиққа чиқаришга йўл кўярмидим. «Тушимга кирмаган, ота-бобом кўрмаган аллақаерларга, ернинг остидаги фронтга бориб жанг қилишни менга ким қўйибди. Бир кунлик умрим бўлса ҳам шу ерда ўтказаман!»— деб тўғри айтади у.

Ҳақиқатан ҳам фақат Исмоил билангина иш битармиди? Ҳеч кимга заррача зиёни тегмаган бўлса, қочса ўз бошини сақлаб қочиб юргандир. Бундан ҳукуматнинг хазинаси камайиб қолармиди! «Худо хоҳласа, бир амаллаб қишдан чиқиб олсак, ёз келиб довоннинг очилиши биланоқ Чотқолга кетамиз» дерди эри. У ерда — «Чўнг жиланда» Исмоилнинг туғишган, ишончли кишилари бор. У ерда сен келдинг-қўйдинг деб ҳеч кимнинг иши бўлмас эмиш. Ҳа, Чотқолгина эмас, ундан нарига бўлса ҳам майли. Исмоил ёнимда бўлса бас, барига кўнавераман. Қани энди қишдан омон-эсон чиқиб олсак. Уйда жўхори ҳам оз қолган, қишнинг ярмигача аранг етиши мумкин... Халқнинг турмуши илгаригидек эмас, танқислик, уларнинг ҳам ёзга етар-етмас донлари қолган...»

\* \* \*

Эрта билан ариқ бўйидаги шувоқларнинг учлари оқаришиб, қуврайларнинг қиров босган уруғлари ерга тўкилиб, лайлакқор бир ёғиб, бир тиниб, эриб ётган эди. Овул орасидаги экинзор ерларда ёйилиб юрган қўй-қўзиларнинг намли жунларидан қўнғир буғ кўтарилиб, улар-

нинг орқасидан қолишмай шақшақлашиб эргашиб юрган зағизғонлар қизил эт излашиб, бир қўйнинг устидан иккинчисига учиб кўнишарди. Тоғ орасига туманли қиш ҳам кириб келди. Уруш бўлса кундан-кунга кучайиб, яқин орада тўхтамайдиганга ўхшарди. Фронтга эса тобора кўпроқ одам жўнатилаётган эди.

Бу гал соқол-мўйлови эндигина сабза уриб келаётган ўн саккиз-ўн тўққиз ёшлардаги ўспирин йигитлар ҳам ёппасига жўнатилаётган эди.

— Бўталарим, кечагина яланг оёқ чопқиллаб юрган болалар бугун ҳадемай кап-катта бўлиб, ёшликнинг гаштини сурмай, дунёнинг ҳузур-ҳаловатини татимай жўнаб кетишаётир! Эҳ, ер юткур герман, ажалинг етмади, биз қутулмадик!— дейишиб, чол-кампирлар ҳасса-таёқларини судрашиб, букчайганларича бўза ичилаётган уй ёнидаги четанли аравалар атрофига тўпланишаётган эди. Бўзачининг уйдан болаларнинг қиз-келинлар билан сўнгги марта тўпланишиб кайф устида киши қалбини изтиробга солиб, ҳаяжонлантириб, қандайдир хониш билан куйлаётган овозлари эшитиларди.

— А-а, садағанг кетайлар, овозларингни эшитадиган кўнлар яна келармикин!— дейишиб кампирлар кўз ёши тўкарди. Саида ҳам уларнинг орасида ўтирган эди. Ҳали унинг яқин қайин иниси Жумабой ҳам ширакайф бўлиб келди:

— Юринг, янга, бўза буюриб келдик, ўша ердан хайрлашиб жўнамоқчи бўлдик.

— Юринг...

Саида Исмоилга обориш учун ёрғичоқда талқон туюб ўтирган эди. У боланинг кўнглини ўкситгиси келмай, нима дейишини ҳам билмай қолди:

— Сизларни кўчадан кузата қолайин, айланай, менинг у ёққа боришим уят-ку...

— Нимаси уят, ҳеч бўлмаса Исмоил акам учун кузатарсиз-ку, ҳозир у урушда ўт кечиб юргандир... Насиб қилиб учрашиб қолсак, янгам кузатиб қўйди, деб айтаман. Душманни енгиб ғалаба билан келсин, десангиз, юринг, ўз кўзингиз билан жўнатиинг. Менинг бошқалардан қаерим кам. Ҳаммани ота-онаси, ака-укалари жўнатишаётир, мени-чи?..

Саида унинг бу сўзларидан довдираб, нима деб жавоб қайтаришини билмай қолди. Унинг қизариб кетганини Жумабой ҳам пайқади:



— Ии, янга, қизик экансиз, шунга ҳам уялдингизми!  
Қани бўлмаса юринг, орқада қолмасдан юринг!

Ҳозир ҳам Саида унга тик қарай олмай, ўзини одамлар орасида ётсираб, айбли сезгандек, рўмоли билан оғзини беркитиб жимгина ўтирарди. Мана, эрта-индин ажал билан олишадиган бу ўспирин йигитларнинг сир бой бермай ўзаро чуғурлашиб, хиргойи қилиб ўтиришлари уларни кўзга айниқса оловдек кўрсатиб, туғишган оға-иниларни эслатарди. Дарҳақиқат, инсоннинг қадр-қиммати ҳам кўпинча шундай айрилиқ кунларда билинмайдими! Уларнинг фақат ўзлари ҳақида, ўз тақдирлари тўғрисидагина эмас, балки бунда қолаётган эл-юртининг тақдири ҳақида ўйлаётганларини ўйласанг, юрак-бағринг эзилиб, узилиб кетгандек туюларди.

Ана, бўзадан юзлари қизариб, лола ранг бўлиб кетган Жумабой қувончга тўлиб, бесўнақай гавдасини эплай олмай, қўлида коса ушлаганча тепаликда гандираклаб турибди. Унинг туғишган акаси — овул бахшиси Мирзақул чап қўлидан ажраб, яқинда фронтдан қайтган. У ҳозир овулда қишлоқ Советининг раиси бўлиб ишлайди. Мирзақулнинг ашулаларини ҳатто кўчада ўйнаб юрган майда болалар ҳам айтиб юришади. Уларни эшитсанг борми, этинг жимирлашиб, кўзингдан юм-юм ёш оқади. Жумабой ҳам ҳозир акасининг севимли ашулаларидан бирини чўзиқ овоз билан куйлай бошлади:

«...Эй-и-и!..

Олтмиш вагонни тиркаб,

Уқдек учган паровоз.

Овулимдан жўнаёпман,

Қадрдонлар, хайр-хўш!

Етмиш вагонни тиркаб,

Елиб учган паровоз,

Юртимдан кетаяпман,

Янгаларим, хайр-хўш!..»

— Оқ йўл, йигит! — деб ўтирганлар бир овоздан маъқуллашди. — Сени янгаларингдан жудо қилган душманни енгиб, омон кел!

Жумабой бошини юқори силтаркан, кучга тўлиб, ҳеч кутилмаганда улғайиб қолгандек бўлди-да, юзида ҳарбийларга хос жиддийлик акс этди. У деразадан кўриниб

турган тоғ чўққиларидан кўзини узмай, ўзининг киндик қони томган ер, униб-ўсган овулидан яна бир соатдан сўнг бутунлай йироқлашиб кетишини кўз олдига келтиргандек куйлашда давом этди:

«Эй-и-и!..»

Арис сари кетармиз

Олатоғдан кўз узмай.

Қорли чўққилар ҳам жилар

Биздан айрилиб қолмай!..»

Ўйга чўмиб ўтирган Саида ҳозир ҳамма нарсани унутган эди. Унинг назарида туннелдан анча нарига чўзилиб кетган қозоқ даштларидан тутунини бурқситиб елдек учиб бораётган поезд вагонлари эшикларига тўпланишиб олган йигитлар тобора ўзларидан узоқлашиб, секин-аста кўздан ғойиб бўлиб бораётган Олатоғга қараб ашула айтиб, қўлларини силтаб хайрлашаётгандек туюлди. Шунда Саида ўзини ҳам поезд билан бирга, худди ёнма-ён югуриб бораётгандек, кейин унга ета олмай орқада қолиб, гандираклар, симёғочларга суяниб қолгандек ҳис этди. У эмас, балки симёғочларнинг темир қўбиз сингари «бўтадай» бўзлаб ётгани қулоққа чалинарди.

Жумабойнинг ашуласини бутун вужуди билан берилиб тинглаган Саида, секин бошини кўтариб, атрофда ўтирган-турганларга бир сидра назар ташлаб чиқди. Гўё овул атрофига аждаҳо келиб қолгану, ўша ерга тўпланишаётган ёшлар ютиб юборгудек наъра тортиб бўкираётган афсонавий аждаҳо билан олишувга шайланаётгандек, халқ билан бирга йиғлагани йиғлаб, кулгани кулиб, бироқ бошга тушганни кўз кўрар, деганларидек, сеникименики демай, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик билан охирида ўйнаб-кулиб бир-бирларига яхшилик тилаётганликлари Саидага чексиз қувонч бағишлаб, унинг қалбини ҳаяжонлантириб юборди.

Қани энди, қўлидан келса-ю, Саида уларни ўз паноҳига олиб, ўзиёқ душманни тор-мор этиб ташласа. Хаёлида у ҳозир ўрнидан тура қолиб: «Эҳ, садағаларинг кетай сиздек болаларни. Эндигина гулдек очилган чоғларингда эл-юртдан ажраб, бўзлаганча бош олиб кетсаларинг! Рухсат беринглар, сизлар учун мен борайин!»—деб ҳаммага ошкора айтишни хаёлидан ўтказарди. Бироқ

шу заҳоти, Исмоилга талқон туйиб етказиш зарурлиги эсига тушиб қолди. Унинг хаёли гоҳ Исмоилда, гоҳ уйида, гоҳ ҳарбий хизматга жўнаётган кишиларда яшин тезлигида учиб юрарди.

Йигитлар ташқарига чиққанларида, аравалар атрофига тўпланишиб турган халойиқ ҳам аста-секин чайқалиб қўзғала бошлади.

Бурул соқол, чаноқ суяклари чиққан, қизил юзли йилқичи Парпи йиғин чеккасида отини гижинглатиб:

— Омин! Ота-боболарингнинг арвоҳи қўлласин, ғалаба ёр бўлсин сизларга!— деди. Кейин яна нимадир айтмоқчи бўлди-ю, бироқ чамаси келмай от ёлига энкайиб, туртиб чиққан елкаларини ирғаб-ирғаб, овулдан ташқарига йўртиб кетди. Афтидан, у номуси кучлилиқ қилиб, кўпчилиқ ичида кўз ёшини кўрсатмасликка ҳаркат қилди шекилли.

Қий-чув аралаш аравалар узоқлашиб, туман ичида кўринмай қолди. Бироқ музлаб қолган йўлдан кетиб бораётган арава ғилдиракларининг тақир-туқур овози анча вақтгача эшитилиб турди. Аравалар текис йўлга чиқиб олганларидан кейин, жимиб қолган болаларнинг:

«...Юртимдан кетаялман,  
Янгаларим, хайр-хўш!..»

деган овозлари яна акс садо бергандек қулоқлар остида жаранглаб, хотинларнинг кўнглини ўкситиб, чуқур изтиробга солган эди. Барчанинг кўнглида: «Буларнинг қайсиси келиб, қайси бири қоларкин?»— деган хаёл ҳукмрон эди. Саида алам ичида маъюсгина термилиб турган халқни кўриб:

«Эрим уйга йўлай олмай қочиб юрибди деб ношукурчилиқ қилмасам ҳам бўлади, ишқилиб, бир амаллаб ўз жонини омон сақлаб юрса бўлгани...» деб худога сўғиниб, ўзига тавба-тазарру қилаётган эди.

Овозлар тиниб, овул тинчлангандан сўнг, Саида халтадаги талқон билан бир-иккита нонни қўйнига тиқиб, ўроқ ва арқонларини олди-да, тезгина ўтинга чиқиб кетди. Бутун адирларни туман қоплаб олган, кўм-кўк тоғ бағирлари тун каби жимжит, «қағ» деган қарға, «кук» деган қушнинг овози эшитилмайди. Фақат шамолнинг секин вишиллаб келаётган илон сингари унда-бунда тўп-

тўп бўлиб ўсиб турган қамишларни сийпалаб ўтган овози-гина эшитиларди. Туман ичида бир аёл, қўрқув аралаш атрофга назар ташлаб, ўзининг энг яқин, энг меҳрибон кишиси ҳузурига шошиб бораётган эди.

\* \* \*

Кейинги пайтларда почтальон Қурмон оға кўча этагидаги иккала хонадонга йўламай, шошилган бўйича четлаб ўтадиган бўлиб қолган. Унга кўзи тушган Тўтиой, эридан хат келмаслигига кўзи етган бўлса ҳам, ўғирда туяётган машоғини қолдириб, қоқ суяк бўлиб кетган чайир қўлларини силтаб, бўғиқ, титроқ овоз билан қичқирди:

— О-ой, почтачи амаки, бизга хат борми?!

Шу маҳал кун қизиғида тош ўйнаб ўтирган Тўтиойнинг учала боласи бундан хабар топиб, шовқин солишиб, қийқиришиб, биридан бири ўзиб, физиллаганча югуриб қолишди:

— Ана, ана Қурмон амаким! Кўряпсанми!

— Отамнинг хати!

— Отамдан хат келди!

Почтальон чол доводи раб, уларга жавоб қайтараман дегунча болалар етиб келишиб, от тизгинидан, узанги боғларидан тортқилашиб, овулни бошларига кўтариб қийқиришарди.

— Қани отамнинг хати?

— Мен оламан?

— Йўқ, мен, мен оламан, Қурмон амаки, менга беринг!

— Вой тирранчалар-эй, бу хат эмас, деяпман-ку! Ў, қўқуй<sup>1</sup>, оой,— деярди шошиб қолган Қурмон.— Билмасдан бақираверасизларми?

Болалар аразлашгандек, нафасларини ичларига ютиб жим қолишди. Уларнинг кетишларини ҳам, қолишларини ҳам билмай, бирон нарса кутаётгандек ишончсиз термилиб туришларини кўриб, Қурмон оғанинг ҳам жаҳли чиқарди, ҳам ичи ачирди.

— Сиз, қароғларим, балки хатни яшириб қўйди, деб ўйлаётгандирсизлар, ишонмаётган бўлсаларинг, мана,

<sup>1</sup> Қўқуй — ачиниш.

ўзларинг ҳам кўринглар,— дегандек қўлини қўйнига солиб кўрсатади.— Мана, йўқ! Агар менинг ихтиёримда бўлса эди, сизларни бунда интизор қилиб қўймасдан, уларга кунига уч мартадан хат ёздириб турган бўлардим-ку! Иложи йўқда! Бугун келмаса, эртага келар, эртага бўлмаса, индин келар... Жимгина ўйнаб юраверинглар, худо хоҳласа, келаси бозорга олиб келаман... Бу тушимга ҳам кириб чиқди, назаримда, хат келиб қолаётгандек. Қани энди ўйланглар... Саида янгаларингга ҳам шундай деб айтиб қўйинглар, унга ҳам бозор кунни хат олиб келаман.

Чол отини буриб, йўлга тушаркан, ўзича ўйлаб борди.

«Ишқилиб, қариган чоғимда бола-чақанинг кўзига шумшук кўриниб қолмасам бўлгани-да... Бундан кўра, кетмон ишига қўйганлари ҳам маъқул эди!..»

Қурмон оға хаёл аралаш, одатдагидек отининг таниш хонадонларга бурилиб кетаётганини пайқаб қолиб, тезда тизгинини буриб олди-да, қоқилиб кетган отнинг бўйнига қамчи билан савалай бошлади:

— Ана, ана бўлмаса! Ҳе, ҳаром ўлгур! Хосиятсиз мол шундай бўлади!.. Хат келса ўзимоқ чопиб бормасмидим!

Саида тўқайдан ўтин кўтариб келганда, доим унинг олдига Тўтиойнинг ўртанча ўғли — отасининг фуфайкасини шалвиратиб кийиб олган ва олд тишларини ирвайтириб юрадиган Ҳасантой чиқиб турарди. Унинг ҳеч қандай борди-келди билан иши йўқ бўлиб, шумликни ҳам билмас, кишиларни ҳам ёқтирмасди.

— Саида янга, Исмоил акамдан хат йўқ, бизга ҳам келмабди! Қурмакем келаси бозорга олиб келаман деди! У туш кўрибди,— деярди у ажабтовур катта одамлардек. Соддадиллик билан айтилган бу сўзлар Саида учун қанчалик оғир туюлишини Ҳасантой билса эди!.. Саиданинг узоқ йўл босиб, не азоблар билан кўтариб келган ўтини шу чоқ яна зилдек салмоқланиб, эшик олдида беш-олти қадам қолганда у ҳолдан тойиб, деворни ушлаб, гандираклаганича ўтинни ерга ташлаб юборди-да:

— Э, худойим, ҳеч бўлмаса ўша етимларнинг отасидан бирор яхши хабар келса-чи!— деб ўзига ўзи гапирётгандек, бўйинларига ёпишиб қолган соч толаларини тартибга солишга ҳам ҳоли келмай, шалпайганича

деворга суяниб қолди. Саида Тўтиойнинг болаларига хат келса, нима учундир ўзини ҳам тасалли топаётгандек ҳис қилиб юрди. Баъзан кечалари Ҳасантойнинг ўша айтган сўзларини эслаб, Саида кўрқувга тушарди: Ҳасантой кўпдан бери «Исмоилдан хат олиб келдингизми?»— деб Қурмондан сўраб турарди. Исмоил бўлса Қурмонни кўрсанг, йўлда-чўлда, ҳар замонда хат-хабар сўраб тургин, деб Саидага уқтирарди.

Саида ҳам, Қурмонни кўрсам албатта сўрайман, деб кўнглидан ўтказиб кўярди-ю, бироқ ҳар сафар ҳам бунга юраги довламай, ўзини ўзи алдарди.

Тўтиой ҳам Саидаларнинг шундай ёнгинасида яшарди. Эл оёғи босилиб, овулга жимлик чўкканда, Саида Исмоилнинг кийимларини ювишга киришди ва тонг отгунча мижджа қоқмай уларни ўтга тоблаб қуритиб, эрта азонда ҳар кунгидек сувга чиқди. У остонадан ҳатлаб чиқиши биланоқ қор қалин тушганини кўриб, унинг бир тусда оппоқ оқариб ётганидан кўзлари жимирлашиб, кўнгли беҳузур бўлаётгандек туюлди. «Вой, кўзим тиняпти, наҳотки бўйимда бўлиб қолган бўлса?»— деган ўйга бориб, чўчиганидан қўлидаги пақирини ерга тушириб юборди. «Худойим, ўзинг сақла, эл-юрт кўрса нима дейди. Йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас, бу — туни билан ухламаганлик аломати!»— деб яна ўзига ўзи тасалли берди ва бу ҳақда қайтиб ўйламасликка, уни ёддан чиқаришга ҳаракат қилди. «Ундан кўра Исмоил ҳақида ўйлайин, унинг ҳоли нималар кечдийкин?..» Саида Исмоилни эслаганда кўнгли ғаш тортиб, безовталанарди. Мана, қаҳратон қиш ҳам келди, ёғин-сочин, изғирин-бўрон, ой далада ғорда ётиш осонми?

Дарвоқе, қиш биратўла қиличили қайраб келяпти. Куни кеча қорайиб, қуёш нурини шимириб ётган далалар бугун қор билан бир текис қопланиб, кўнғир тусли туман тоғ ён бағирлари бўйлаб эринчоқлик билан сузиб юрарди. Музлаган ариқ бўйидаги ёш толчалар эгилишиб, бутоқлари у ёқ-бу ёққа тебраниб турарди. Ҳавода бир маромда учиб юрган қонталаш, қора-қизғиш булутлар тобора қалинлашиб, осмон гумбази пасайиб, олам торайиб, кичрайиб қолаётгандек сезиларди. Туни билан ёғиб чиққан қор ҳозир майда-майда учқунлаб, вақт-вақти билан эсанг шамолдан чўчигандек ҳавода капалак сингари учиб юрарди. Овул сув сепгандек жимжит, совуқдан ҳеч кимнинг тургиси йўқ эди.

Саида уйдаги катта ола кигизни бир амаллаб Исмоилга элиб бериш ҳақида ўйлаб, пақирларини кўтарганича қор кечиб борарди. Шу заҳоти бирдан қор устидаги сой томонга қараб кетган изни кўриб қолиб, бу ким бўлса экан, дейишга улгурганича ҳам йўқ эди, рўпарадан сув кўтариб келаётган Тўтиой чиқиб қолди. Унинг оёғида ҳалпиллаган катта этик, ўзи бўлса ингичка, озғин, чопонини арқон билан эркакчасига сиқиб боғлаб олган эди. Тўтиой Саидани кўриши биланоқ пақирларини ерга қўйди-да, совуқдан увушиб, кўкариб кетган қўлларини уқлаганича туриб қолди.

— Сен кечаси билан ухламай чиқдинг шекилли, рангларинг синиқиб, кўзларинг киртайиб қолгандай.

— Шундай, бир оз бошим оғриб турибди,— деди Саида секингина ва яна шошилинич равишда қўшимча қилди:— Ухладим, шундай узоқ кечада ухламай нима ҳам қилардим?— Саида бу сўзларни айтишга айтди-ю, ўздан хавфсираб қолди: «Балки, Тўтиой кечаси ташқарига чиққан бўлса, туни билан кир ювиб чиққанимдан хабар топгандир. Ҳозир сўраб қолса нима дейман?»— Ҳақиқатан ҳам туни билан ухлай олмадим; болам кечаси билан тинмай йиғлаб чиқди, қийналганимча бор,— деди яна Саида сир бой бермай.

Шундайку-я, дегандек Тўтиой бошини чайқаб қўйди:

— Сен ҳам менга ўхшаб ёлғиз бошсан! Кампиринг уйдан чиқмайди. Ҳалиям эплаб-сеплаб болангни боқиб турганига шукур қилиш керак, ўз ота-оналаринг бўлса сендан йироқда, йилқи билан овора.

Тўтиой чурқ этмай, хомуш бўлиб турган Саидага қараб ўйчанлик билан хўрсиниб қўйди. Унинг бундай маъноли қарашларидан хотинларга хос юмшоқ кўнгиллиги ва ич-ичидан ачинаётганлиги сезилиб турарди. Уч болани боқаман деб эртаю кеч уриниб юрган Тўтиойнинг кўзлари кишига доим жиддий ўқрайиб қарарди, ҳозир эса унинг юмшаб, очиқ чеҳра, самимий илтифот билан мулойим термилишлари Саида қалбига илиқлик бахш этган эди. «Чамаси, қиз кезларида Тўтиой жуда гўзал бўлган кўринади. Ҳасантойнинг жовдираган ёқимтой кўзлари ҳам худди ойисиникини эслатарди. Бироқ буни ҳанузгача пайқамай юрган эканман!» дерди у ичида.

Тўтиой Саидага қараб афсуслангандек:

— Хат келмади деб қайғурасан, кўргулигимиз бор

экан, пешонада ёзилгани шу бўлса, қўлимиздан нима ҳам келарди! Мен уч етимча билан ўтирсам, сен бўлсанг турмушга чиққанингга ярим йил бўлмай, дунёнинг аччиқ-чучугини бирга тотмадинг... Янги фарзанд дунёга келса-ю отаси уни кўрмаса... Эй, нимасини айтасан... Ҳаммаси ҳам майли-я, икки энлик хат келмаётгани ёмон!.. Буни ўйласам ҳафсалам пир бўлади-ю, қўлим ишга бормай қолади... Мана, қиш ҳам кириб келди, болаларимнинг бўлса кийим-кечаги йўқ — яланғоч, бор ишонганимиз икки қоп жўхори қолди, холос, бу нима бўларди!— Тўти-ой тирқираб чиққан кўз ёшларини аччиқлангандек сидириб ташлаб, пақирларини кўтарганича одимлаб кетди.

Саида нима дейишини билмай, унинг орқасидан ҳангу манг бўлиб қараб қолди. Одамгарчилиги тоғ каби юксак бўлган бу муштдек, озғин аёлнинг инсонга бўлган меҳру муҳаббати, шижоати ва хушфеъллиги Саидани ғоят руҳлантириб юборди, яна бир чеккаси «сенинг тақдиринг ҳам меникига ўхшайди» деб раҳмдиллик қилаётгани уни қандайдир айбдан оқлаётгандек бўлди. Саида қалбини ҳаяжонга солаётган нозик ҳис-туйғуларни баён этишдан ўзини ожиз сезиб: «Мен нима ҳам қилардим, ҳар ким пешонасига ёзилганини кўради. Насиб қилса болаларнинг бахтига оталари қайтиб келар...» дейиш билан чекланди.

Тўтиойнинг эри Бойдали колхоз тузилгандан бери далада сувчилик қилган. Саида кечқурунлари ишдан қайтиб келаётганда ҳам қўшниси Бойдалининг сув тараб, экин суғориб юргани устидан чиқарди. У, почаларини тиззасидан юқоригача шимариб олиб, бақувват гавдалари билан у ер-бу ердан ҳаглаб ўтиб, сув тараб юраркан, ботиб бораётган қуёшнинг заррин нурлари тебраниб турган экинларнинг уч-учларини қучар, Бойдалининг қўлидаги катта кетмон эса ҳар қулочкашлаб урган сари кечки ҳавода яшин каби ярақлаб кетарди. Овулдагилар: «Деҳқон бобом миришкор сувчи, қўли гул!»— дейишарди у ҳақида гап кетганда. Ўрқачланиб оқаётган сувдан хотин-халажлар этакларини липаларига қистиришиб, қўл ушлашиб ўтаётганларида, нарида сув боғлаб юрган Бойдали ўзича хохолаб завқланиб куларди.

— Ҳой, қақиллаган қаламқошлар, алвастини кўрган-дек чўчийсизлар-а! Кўрқмасдан ўтаверинглар! Биронталаринг оқиб кетсаларинг, охири қўлимга келиб тушасизлар, эркатлиб қўяман.



Шунда тенгқур дугоналар:

— Ҳа, эркалатмай қуриб кет, сувинг тошиб кетгур!  
Анчайинда эркалатмаган, оқиб борганда эркалатарми-  
динг!— деб хандон отиб кулишарди.

Бойдали ҳам уларга қўшилиб далани янгротиб завқ  
билан хохолаб куларди.

Бир қарасанг ғира-шира ичида кенг дала бўйлаб Бой-  
далининг кетиб бораётгани кўринарди. Кетмонини елка-  
сига ташлаганича сафарда юрган сайёҳ баҳодирлардек  
Бойдали у ер-бу ердаги экилмай ола-була бўлиб қолган  
ерларини назардан ўтказиб, аста-секин олислаб, кўздан  
ғойиб бўларди. Бойдалининг табиати ҳам шалдираб оқ-  
қан шўх ариқ сувини эслатарди. Саида баъзан кўшнила-  
риникига кириб қолганда, юпқа лабларини қисиб, капгир  
билан қозон тубини тешиб юборгудек қалдиратиб ковла-  
ётган Тўтиойнинг нимадандир хафалангандек ўз бола-  
ларини уришаётгани ва нариги ёқда болаларига ўйинчоқ  
ясаб бериб ўтирган эрининг:

— Эй, хотин, уларни нега беҳудага уришаверасан,  
учала шунқорни ҳам ўзинг туққансан, мен учун бундан  
ҳам ортиқ давлат борми! Бошқалардан ёмон яшаётган-  
нимиз йўқ, шукур, уйлари бўлса бор, эл қатори еярга  
нони, киярга кийимини топиб турсам, яна нимага куйина-  
верасан!— деб тургани устидан чиқди.

Бойдали армияга кетгандан кейин кетма-кет хат ке-  
либ турди, бироқ кейинчалик Исмоилдан ҳам, Бойдали-  
дан ҳам хат узилиб, Қурмоннинг уларникига кирмай чет-  
лаб юрганининг боиси ҳам шундан. Бечора чол худди  
бўйнидан қарзини уза олмай қочиб юргандек, ношуд  
отининг биқинларига ниқтаб, йўртиб ўтадиган бўлган кун-  
дан бошлаб, қишлоқ Советининг раиси Мирзақул иккала  
хонадондан ҳам тез-тез хабар оладиган бўлиб қолди.  
Шунинг ўзиёқ Саиданинг кўнглига ғулғула солиб, кўнгли-  
ни ғаш қилиб қўйган эди. Балки Мирзақул Исмоилнинг  
қочиб юрганини сезиб қолгандир. Ундай деса, Мирзақул-  
нинг кўринишидан ҳеч нарса сезилмасди. Шу кунга қа-  
дар Исмоилнинг аскардан қочиб яшириниб юрганини  
овулда бирон кимса сезмаган эди.

Исмоил жуда эҳтиёткорлик билан иш кўрарди.

— Саида, замон бошқача, яна оғзи бўшлик қилиб  
бировга гапириб қўйма. Бошқалар тугул, ҳатто отам  
тирилиб келса ҳам, нафасингни чиқарма. Тушундингми!—  
деб доим уқтириб турар эди.

Мирзақул нари ўтиб, бери қайтганда, гўё иш билан келгандек, бу иккала хонадонга йўл-йўлакай кириб ўтарди. У аввало Тўтиойларникига кириб:

— Ҳой, Тўтиой! Бормисизлар?— деб қўярди от устида туриб.

Аскарга кетаётганда Мирзақул тулки телпагини бос-тириб кийиб олган, қора мўйловли, хушбичим, қувноқ йигитча эди. У билимдонлиги ва ўткир овози билан бутун овулдагиларни ўзига ром қилиб олганди. Бироқ фронтга бориб, бир қўлидан ажраб, ярадор бўлиб қайтгандан бери у бурунгисидек эмасди. Сўзларни кесиб сўзлаб, сал нарсадан жажли қўзғарди. У бўронда қўпорилиб, шох-бутоқлари қайрилиб, синиб ётган дарахтдек, бир елкаси бир оз қўйига осилиб, ич-ичига кириб кетган юзлари сарғайиб, чайир бўйинлари темирдек қотиб кетгандек кўринарди. Илгари қўбиз чертиб, кўйлаб юрган Мирзақул энди бўш қолган енгини чўнтагига қистириб олиб, соғ қўли билан қўбиз торларини чертаётгандек қизишиб кетганини ўзи ҳам сезмас, қўлини ҳавода ҳаракатлантираркан, хириллаган овози гоҳ ўйга чўмдириб, гоҳ ғазабга тўлгандай кучайиб, фронтда бошидан кечирганларини кўйларди.

Мирзақул Тўтиойнинг ҳовлисига келганда оралиқдаги баланд деворлардан бўй чўзиб, оёқларини узангига тираганича, эшик олдида киши билмас қандайдир иш билан гивирлаб юрган Саидага қараб қичқириб қўярди:

— Саида, жиянча катта бўлиб қолдимиз? Сақлаб қўйган тамакингдан менга ҳам битта ўраб кел-чи!.. Ишингни кейин битирарсан, қани бу ёққа кел...

Мирзақул: «Улардан хат оляписларми?» деб бир оғиз сўрамади ҳам. Овулда кимга хат келиб, кимга келмаётганини у ҳаммадан бурун биларди. Шу билан бирга, овулга келган хатларни аввало унинг ўзи кўздан кечирарди. Саида бундан хабардор бўлса ҳам, Мирзақулнинг овозини эшитган сари юрак олдириб қўйгандек, бесаранжом бўлаверарди. Мирзақулнинг Исмоилдан хат борми, йўқми, деб кўнгил учун бир оғиз сўрамагани Саидани қаттиқ шубҳага солиб қўйганди. Демак, Мирзақул нимадандир ҳадиксираяпти... Ҳайтовур, у бир гапни биледи...

Саида, қуришиб олиб қўйган тамаки япроқларидан уқалаб папирос ўради-да, уни ўтга тутантириб, сир бой

бермаслик учун ўзини ўзи дадиллантириб кўрсатгандек Тўтиойларникига олиб чиқди. Мирзақул уни кўриши биланоқ отдан тушиб, чекишга хумори тутгандек, папиросни бурқситиб тортиб, эсига келган гапларни шошмасдан сўзлайверди.

— Сен тамакининг миқтисини ғамлаб қўйган экансан, Саида!— деб мақтаб қўйди у йўл-йўлакай.— Исмоилга ҳам ундан посилка қилиб юбор. Бир чекиб, Толосни эслаб қўйсин...

— Юбораман-ку,— деди Саида, сўзи бўғзига тикилгандек. У яна ниманидир айтмоқчи бўлди-ю, лекин гапирришга бирор дурустроқ сўз тополмай, лабларини тишлади ва Мирзақул ҳамма гапни билади, деган хаёлда юраги «шиғ» этиб, юзлари лахча чўғ бўлиб ёнди. Ниҳоят у сабри чидамай, тутундан нафаси қайтгандек айёрлик қилиб йўталмоқчи бўлди:— Фу-ай, шунча ҳам аччиқ бўладими, эркаклар унинг нимасини яхши кўришади...

Саида бунга айтишга айтди-ю, лекин тунга билан қийналиб ухлаёлмай чиқди: «Ўринли сўзладимми, ёки сездириб қўйдимми? Эй худо, ўз паноҳингда сақла! Овозимни ўзгартмасликка, юзимни қизартирмасликка қанчалик ҳаракат қилмай, бари бир, уни кўрганда доддираб, тилим калимага келмай қолади... Наҳотки у сезган бўлса! Айб ўзимдан ўтди... Юрак йўқ менда, чумчуқчалик ҳам юрак йўқ!— деб ўзини ўзи қийин бошлади.— Яна посилка қил дегани нимаси? Ростакам айтдимикин ёки синамоқ учуми?...»

Мирзақул бошқа бир кун келганида ариқ бўйидаги толларни кўздан кечирди. Тўтиойдан ўпкалади:

— Бойдали толларни ҳар йили бутаб турарди. Бу йил уларга ҳеч ким қарамабди, таналари йўғонлашиб, туппа-тузук ишга ярайдиган бўлиб қолибди. Бутаб олиш керак, шохлари ўтин бўлади, акс ҳолда улар ўсмай қолиши мумкин...

Мирзақулнинг сўзлари Тўтиойга ёқмади шекилли, у Мирзақулга таажжублангандек қараб, оғир бир уқ тортиб қўйди:

— Эй, қуриб кетмайдими, бўйи ўсганда ўшанинг кимга кераги бор? Ўзи бўлмагандан кейин, тол тутул бошқа нарса ҳам кўзга кўринармиди! Колхознинг ишини ҳам битир, машоқ териб болаларни ҳам боқ! Ўликми, тирикми, иккала уй эгаларидан ҳам дарак йўқ, кўзимиз тўрт

бўлиб, бир амаллаб кун кечириб ўтирибмиз!— У лабини тишлаб, тескари қаради.— Сиз бўлсангиз толни гапирасиз...

Шу пайтда Саиданинг ранглари ўчиб, баданлари жи-мирлашиб, ерга кириб кетаёзгандек бўлди, гўё Мирзақул унинг бетга чопиб: «Сен, Тўтиой, ўзингни Саида билан тенглаштирма, унинг эри аллақачон аскардан қочиб келиб, ёрда яшириниб юрибди!»— деб бутун сиру асрорини очиб ташлаётгандек кўринди. Саида: «Мирзақул ҳозир шу ҳақда гапиради»— деб юраги теракнинг япроғидек дириллаб, кутиб турарди, бироқ Мирзақул яна юмшаб:

— Ундай дема,— деди Тўтиойга бафуржа сўзлаб.— Агар билсанг, инсон учун толнинг ўзигина эмас, ҳатто унинг кўланкаси ҳам керак.— Мирзақул бу сўзларни айтишга айтди-ю, хаёл суриб, негадир жаҳли чиққандек чайир бўйинлари қизариб кетди. Ниҳоят у, кўпдан бери айтмоқчи бўлиб юрган сўзларини энди юрагига сигдира олмагандек қизишиб, ўшқира бошлади.— Бир оз хат кечикиб келса, бас, аёлликка бориб, ҳар нарсани ўйлайверар экансизлар-да! Ундан кўра, том тепасидаги жўхори пояларни йиғиштириб олинглар, бўлмаса ёзга етмай чириб қолади! Болаларнинг насибасини қиймоқчисанлар? Қани, биттанг уларни сут-қатиқсиз қолдириб кўр-чи, бошларингни узиб олай, билиб қўйинглар буни! Якка эмасанлар, бир ишни эплай олмадингларми, қўшнингларни чақиринглар. Иккала хотин бир эркакча йўқмисанлар? Рус келинлари қўлларига милтиқ ушлаб, окопда ётиб, душманга қарши ўқ узишяпти, сенлар бўлсанг уйда ўтириб, хат йўқ деб зорланасанлар!..

Тўтиой бўзарганича жим ўтирарди. Саида эса тилга киргандек кутилмаганда:

— Биз бу ишларни битирамиз, жўхори пояларини ҳам ташиб оламиз, толларни ҳам бутаб қўямиз,— деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Балки Саида ҳозир илтифот билан хизматга тайёр эканлигини билдирмоқчи бўлгандир, ёки Мирзақулдан шубҳаланганидан енгилтаклик қилиб гапириб қўйгандир, ҳар қалай, у бу сўзларни чин кўнглидан чиқариб айтган эди. Яна бир томони: у Мирзақулни бошқа гапга алаҳситмоқчи бўлган бўлса, иккинчидан, гўё бу билан ўзини ҳам, Тўтиойни ҳам хижолатдан қутқармоқчи эди. Мирзақул эса бошқа ҳеч нарса демади-ю, ранглари ўчиб,

ғазабга тўлиб, Саидага негадир таажжуб билан тикилиб қаради. Афтидан, Саиданинг фикрига қўшилди шекилли. Сўнгра отига миниб йўлга тушди.

Уша куни Саида Тўтиойларнинг хўжалик ишларига кўмаклашар экан, бу билан аллақандай гуноҳдан ювилиб, кўпдан бери орзу қилиб кутиб юрган эзгу ниятига эришгандек, ўзини ғоят бахтиёр ҳис этди. Унинг турмушида кўпдан бери бундай қувончли дамлар содир бўлмаган эди. Шу топда Саида ўзини кучига куч қўшилаётгандек сезиб, ҳамма ишни ҳаш-паш дегунча битириб қўйгиси келарди. У ёрдамидан кўра зиёни кўпроқ тегаётган Тўтиойнинг болаларига ҳам ёмон гапирмас, аксинча, тенгқур кишилардек уларга очиқ кўнгил билан қараб, ҳайҳайлашиб, бирга ўйнаб, бирга кулгиси келарди. Аммо Мирзақулнинг ҳалиги сирли қарашлари ёдига тушганда Саиданинг қўли ишга бормаи, пешонасидан совуқ тер чиқаётгандек бўларди.

«Мирзақул менга нега бу тахлитда қаради? Бир нарсани фаҳмладими ёки менга шундай туюляптими?»

Шу-шу Саида Мирзақулни кўрди дегунча ваҳимага тушиб, безовталанаверарди. «Исмоил қаерда? Уни қаерга яшириб қўйибсан?»— деб сўраб қолишини кутиб юргандек, юраги дукиллаб урарди. Саида Мирзақулнинг юзига тикка қарашга ботина олмай, кўзларини ундан олиб қочиб, яна нима дер экан, нималар ҳақида гапираркин, деб сабрсизланиб кутиб турарди.

Кўрқувдан юраги қинидан чиқиб кетаётгандек тили қуриб, энтикиб нафас олаётган Саида, Мирзақул кетиши биланоқ уйига югуриб кириб, тишлари бир-бирига тегмай дир-дир титраётганига қарамай, бир чўмич муздек сувни симириб юборгандан кейингина бир оз тинчлангандек бўлди: «Йўқ, у сезмаган кўринади, тўғри, сезгани йўқ» деб далда излаб, бесаранжом бўларди. «Исмоилнинг қочиб юрганидан хабар топиб, синаш учун келиб, кузатиб юрибдими?— деб ўйларди у.— Ёки у-бу кишилардан сурштириб юрганмикин? Йўқ, у Исмоилнинг қаерда эканлигини билмайди, бир эмас, юз марта, минг марта излаб келсин, бари бир уни сездирмасликка ҳаракат қиламан! Бошқалар ўз фарзандларининг соғ-саломат қайтиб келишларини тилаб, зор қақшаб худога илтижо қилиб ётганларида, мен кўз очиб кўрган эримни ташлаб қўярмидим!.. Худо оҳимни эшитди, Исмоилни ўз ихтиёримга юборди...»

Қишнинг энг аёзли кунлари, чилла кириб қолди. Бир ҳафта сурункасига гувиллаб эсган шамол қорни қуюндек учириб, ўнқир-чўнқирларга тўплаган; совуқдан тарашадек қотиб музлаб қолган сўқмоқ йўллар эса киши юрганда оёқ остида чирсиллаб, ойна сингандек овоз чиқарарди. Совуқ билан бирга қўшилгандек турмуш ҳам кундан-кунга оғирлашиб борарди.

Саиданинг ташқаридаги уйга қамалиб олган беш-олтита товуғи бурчакда ҳурпайиб, бир-бирларининг пинжигига тиқилиб, эшикка чиқишга эринишар ва совуқдан азоб чекаётгандек кўзларининг оқини кўрсатиб, бир оёқлаб кишига ғамгин термилишарди. Уларнинг яшаши учун ҳам дон керак, бироқ илож қанча! Печканинг орқасида турган кичкина қопдаги жўхори ана-мана дегунча ерга чўкиб, кундан-кунга камайиб бораётганлигидан, Саида уни тишига тишлаб, яна тежаш мақсадида куздан бери тегирмонга боришини ҳам қанда қилган эди. Тегирмонда тортиб баракасини учиргандан кўра, уйда ёрғичоқда тортиб олган маъқул эмасми? Колхозга ишга чиққан кунлари Саида бир минут ҳам тинчимас, туни билан кўл тегирмонида ғалла тортиб чиқарди. Қодоқ босган кўллари ловиллаб ачишиб, икки букилиб, чўнқайганича пилта чироқ ёруғида кўзлари тиниб, қоронғилашиб кетаётганига қарамай, тегирмон олдидан нари жилмасди. Нима бўлса ҳам Исмоилга овқат тайёрлаши керак. У тортилган жўхорини элакдан ўтказиб, бир сиқимини боласининг овқатига олиб қўяр, қолган ундан Исмоилга нон пиширар, йиригини кампир иккаллари гўжа қилиб ичишарди. Улар шу зайлда кундагисини кунда тежаб-тергаб сарфлаб, ёзга чиқиб олиш ташвиши билан яшар эдилар. Шундай бўлгандан кейин товуққа дон қайда дейсиз! Саида уларни, ёзга чиқиб, боламнинг оғзига тухуми тегар, деб боқиб юрган эди, бироқ ёзгача улардан биронтаси ҳам қолмайдиганга ўхшарди. Гўшт бўлмаса, Исмоил кечалари уйга келганда Саида уларни биринкетин сўйиб бераверди. Қани энди иложи бўлса-ю, ундан каттароқларини сўйиб, Исмоилни бовлаб турса! Исмоилдан жонини ҳам аямасди-ку! Топган-тутганини тишига тишлаб: «Исмоил ичсин, Исмоил есин, ўзимиз бўлсак, ҳар ҳолда, уйдамыз, сув ичсак ҳам, кунимиз ўтар!» деб ўйларди у. Шундай бўлса ҳам Саида Исмоилни кўрди

дегунча томоғидан овқат ўтмай, юрак-бағри эзилиб кетарди.

Исмоил шинелининг устидан мойга бўкиб кетган тўнни гуппидай кийиб олиб, оғзи-ю бошини боғлаб, тентираган мусофирдек кир босиб, бит босиб, тутун ҳидини анқитиб келарди. Кирини ювиб, йиртиқ-ямоқларини ямаб ўтирган Саида, Исмоилдан мўлтиллаган кўзларини олмай раҳми келгандек: «Эҳ, бечорагинам, қаҳратон қишда, кимсасиз ой далада тирик жон кўрмай, ғорда ётавериб охири нима бўлар экансан? Уйда бўлганинда устингга гард ҳам юқтирмас эдим!» деб хаёлдан ўтказиб, умидсизликка бериларди. Исмоилнинг совуқдан қорайиб кетган юзлари кигиздек қотиб, қовоғи солиқ эди. Нима қилсин, қўли қисқа, бўлмаса бутун дунёга ўт қўйиб бўлса ҳам ўзининг эркин юриши учун ўч олган бўларди. Саида унинг кўнглини кўтариб, хафачилигини ёзмоқчи бўлгандек, атрофида парвона бўлар ва уни-буни гапириб, Исмоилнинг пинжига тикиларди. «Эр-хотин яхши кунларда ҳам, оғир кунларда ҳам бирга бўлиши керак!— деганлар деб ўйларди Саида.— Бошга тушганни кўз кўрар, деганларидек, ҳаммасига бардош бераман! Исмоилим омон юрса бўлгани. Бошқа нарса керак эмас, худо сақласин, кўзим тирик экан, ёт кишиларга сир бой бериб, ёмон хотин деган ном чиқармайман. Мана, Тўтиой! Бир ўзи муштдек-муштдек уч боласи билан эрининг ўлик-тиригидан хабарсиз, жўхори аталани қошиқлаб улашиб, у ҳам қаноат қилиб, сир сақлаб ўтирибди...»

Ўтган кунни Саида тамаки саройидан ишдан қайтиб келаётганда, орқасидан Мирзақул ҳам етиб келди:

— Ҳой, Саида, тура тур!— деди у. Гарчи Мирзақулнинг овозидан бирон шубҳа англашилмаган бўлса ҳам, хавотирланиб, юрагини ҳовучлаб юрган Саида турли ўй-хаёлларга бориб, титраган лабларини яшириб, оғзини рўмол билан беркитиб олди. Шу маҳал Мирзақул қандайдир зарур гапи бордек Саиданинг ёнига яқинроқ келиб, эгилганича унинг кўзларига тикилиб қаради. «О, худо, у ҳойнаҳой билиб қолганга ўхшайди!» деган мудҳиш хаёл Саидани чўчитиб юборди. «Қани, айт энди, нега анграйиб турибсан? Айт!» деб қичқириб юборишга оз қолди. Мирзақул жиддий тусда, аччиқлангандек салмоқ билан гапира бошлади.

— Саида, сенга туғишган яқин кишимиз бўлганинг учун айтиб қўядиган гапим бор,— деди у.

— Нима гап эди?— деб сўради Саида. Лекин у ўз овозини ўзи эшитмаган эди. У бу сўзларни овоз чиқариб айтганини ҳам, ёки ичида ўйлаб турганини ҳам сезмай қолди.

— Ҳой, сенга нима бўлди, Саида,— Мирзақул чўчиб кетди. У, Саида қолиб, бемавруд гапириб қўйганидан ўзи хижолат бўлиб қолди. Мирзақул Саидани қўрқитиб юборган эди.

— Ҳой, Саида, сен кўнглингга олиб, хафа бўлиб юрма, ҳеч нарса бўлгани йўқ... Фақат сенга шуни айтиб қўймоқчиманки, эртага омбордан жангчиларнинг болачақаларига озроқ ғалла ажратиб бермоқчимиз... Лекин ҳаммани ҳам рўйхатга киритишнинг иложи бўлмади... Сен ҳам рўйхатда йўқсан, ҳаммасига ўзинг тушунасан-ку, яна аразлаб юрма... Тўтиойга ўхшаган кўп болали оналарга бир эвини қилиб беш-ўн килодан улашдик. Мўлроқ бўлганда бошқаларга ҳам берсак қани эди... Эртага яна гап-сўз қилиб жанжаллашиб юрманглар... Сенга шуни айтиб қўяй деган эдим.

Буни эшитиб, Саиданинг кўнгли жойига тушди.

— Нега аразлардим!— деб аксинча ўзининг ғалла олмай қолганидан негадир мамнун бўлиб кетди. «Менга зарур эмас, яхшиси ўша Тўтиойга ўхшаган кўп болали оналарга беринглар, мен эса бир амаллаб кунимни кўрарман!» демоқчи бўлдию, бироқ додвираб қолиб гапиришга журъат этолмади.

— Яна мenden ранжиб, кўнглингга ёмон фикрлар келиб юрмасин, Саида... Менга қара! Келгуси сафар иложини топсак, албатта сенга ҳам берамиз... Кампирга ҳам шундай деб айтиб қўй. Мирзақул қишлоқ Советининг раиси бўлиб нима фойдаси тегди, деб орқаворатдан гапириб юрмасин... Ўз уруғларимизга ён босишни мен ҳам биламан. Буни овулда ўзинг ҳам кўриб юрибсан-ку...

Мирзақул бир зум ўйланиб қолиб, овулнинг қор босган томларига бир сидра қараб олиб, отини елдириб кетаётган ерида яна жilовини тортиб тўхтатди. У ҳозир Саидага ниманидир айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, яна ўз фикридан қайтди. Мирзақулнинг ҳозирги кўз қарашлари худди Тўтиойнинг ҳовлисида бўлгандек Саиданинг тинчини бузиб, танг қолдирди. Энди ҳамма нарса Саидага равшан эди. Мирзақулнинг жозибали кўз қарашлари Саидани эркалаб: «Айтмасам ҳам тушунишингни билардим. Мен сенга ишонаман... Бундан кейин ҳам



ишонаман... Сен ғоятда гўзалсан, олижанобсан... Билсанг, мен сени яхши кўраман... Кўпдан бери севаман сени...» деяётгандек туюларди.

Ногаҳон бундай сирнинг очилиши кўрқувдан ранги ўчиб оқариб кетган Саидани ҳангу манг қилиб қўйди. Кўзларини бақрайтириб, бошини юқори кўтариб олган Саида шу топда янада гўзал, янада назокатли кўринарди.

— Мен кетдим!— деди у чўзиқ оҳангда қатъий қилиб.

— Тура тур!— деди Мирзақул ва сўзининг калавасини тополмай қийналди. У кетмоқчи бўлиб от жоловини кўлига олди-да, яна уни бўш қўйди:— Тўхта, Саида!— деб такрорлади у.— Агар болангнинг овқатидан қийналиб қолсанг, эсингда бўлсин, тортиниб ўтирмасдан айтавер. Устимдаги шинелимни сотсам ҳам, ўғлингнинг овқатини топиб бераман!

Бошини қуйи солиб жимгина турган Саида, гоҳ унинг сўзларини чин қалбдан маъқуллаётгандек, гоҳ бир томони ундан чўчиётгандек ялт этиб қараб: «Мен сендан кўрқаман! Менга тега кўрма. Бу таҳлитда қарама ҳам, мен сендан кўрқаман!» деяётгани унинг юзларидан сезилиб турарди.

Мирзақул буни тушунди шекилли, чақнаган кўзлари гўё сузилгандек қовоқларини солиб олди. Аммо у тез орада яна аввалги ҳолига келиб, ўрталарида бирон гап ўтмагандек, вазминлик билан оҳистагина сўзлади:

— Бор энди, боланг йиғлаб қолгандир...

Саида худди биров қувлаётгандек, тезликда жўнаб қолди. Агар у уялмаганда, кўчанинг ўзиданоқ югуриб кетган бўларди. Саида бир оз юргандан сўнг орқасига қайта-қайта бурилиб қаради. Мирзақул бошини қуйи солиб, сув ёқалаб отини ўз ихтиёрига қўйиб шошилмай борарди. У шинелининг ёқасини кўтариб олганиданми, орқасидан қараганда букчайиб қолгани, майиб қўлининг курак суяги ҳурпайиб чиқиб тургани, айниқса ҳозир кўзга яққол ташланарди... «Ўзи не аҳволда-ю, яна шундай совуқда устимдаги шинелимни сотаман дейди...»— деб шивирлади Саида. Шунда унинг қалби тўсатдан энг ноёб ҳис-туйғуларга тўлиб, бутун вужудини қизғин ҳаяжон қоплаб олди. Ҳозир у Мирзақулнинг орқасидан югуриб бориб, ундан кечирим сўраб, илиқ сўзлар билан уни эркалатгиси келди... «Сен учун юрак-бағримни юз пора

қилайин, сухсүрдек қызлар овулда тўлиб ётганда, сен менинг нимага қизиқдинг? Уз эрим ёнимда юрганидан хабарсизмидинг?..»— демоқчидек бўлди.

Кўзларига ёш тўлган Саида фикр-хаёллари айқаш-уйқаш бўлиб, нима қилишини билмай довдираб қолди. У қаҳратон совуқдан дир-дир қалтираб, то уйга етгунча дам-бадам орқасига қайрилиб қараб, титраган лабларини рўмоли билан яшириб борди.

\* \* \*

Кеча овулга хунук хабар тарқалди. Тамаки саройида ишлаётган хотинлар ўзаро ниманидир гапиришиб, аллақандай кўнгилсиз воқеадан қутлари ўчиб, катта-катта тамаки тойларини кўтаришиб келаётган Тўтиойни кўрганларида ҳайрон бўлиб, кўзлари ер чизишарди. Тўтиой ўтиб кетиши биланоқ хотинлар унинг орқасидан яна термилишиб:

— А-а, бечора, бечорагина!— деб хўрсинишиб, юзларини енглари билан беркитганча, овоз чиқармай йиғлашарди. Улар орасидаги қора рўмолли хотин ўпкаси тўлиб, ўзини туюлмаб, пиқиллаб йиғлаб юборди:

— Бахтсиз етимлар, уволларинг германнинг бошига етсин!..

Кунларнинг бирида қишлоқ Советига Тўтиойнинг эри Бойдали Сталинград яқинидаги жангларда ҳалок бўлди деб хат келди.

Кейинги кунларда овулнинг дам у ерида, дам бу ерида эркакларнинг «Боврим-ой! Боврим-ой»<sup>1</sup> деган йиғи аралаш овозлари тез-тез эшитилиб турарди. Қон талаш юзларини юлиб, остонага тескари ўтириб олган хотинлар:

«...Кумушдан эди ю-ганинг-а а-а.  
Арслондек эди ю-рагинг-а-а-а.  
Юганинг қолди тақилма-а-я,  
Қорони тутдим бошим-га-а,  
Мардларинг қасос олмоқда-а-а-а,  
О-о-о-о-ха-а! Э-э-эй!»—

дейишиб овозлари битиб қолгунча, ярим кечага қадар фўгон чекиб йиғлашарди. Саида буларнинг ҳар бирини

---

<sup>1</sup> Б о в р и м — жигарим.

чуқур қалбдан ҳис этган сари ваҳимага тушиб, уввос солиб йиғлашаётган одамларнинг кўзига кўрингиси келмай, қўрқа-писа хотинлар орқасига яширинарди. У темир йўлнинг нариги томонидаги яйдоқ ерларга қочиб кетиб, бўтадек бўзлаётган симёғочларни қучоқлаб, ҳеч кимга кўринмай, ўзи ёлғиз нола тортиб йиғлагиси келарди.

Мана, энди Тўтиойнинг ҳам уйини қий-чув овози босиб, у ҳам юзларини тирнаб-юлиб дод солиб йиғламоқда, унинг болалари эса катта кишилардек белларини боғлаб, саф тортиб, ташқарида таёққа суюнишиб: «Вой, отам-эй, шўрлик отам-эй!» дейишиб чирқиллашиб йиғлашарди. Бечора Тўтиой бошига қора кун тушганидан шу пайтгача хабарсиз эди. Бойдалидан келган «қора хат» ҳали Мирзақулнинг ёнида эди. «Қора хат» билан бирга колхоз бошқармаси номига полк командиридан ҳам хат келган эди.

Бизнинг қўшинларимиз шиддатли ҳужумга ўтиб, душманнынг мина ўрнатиб, тўсиб қўйган сим тўсиқларидан ўта олмай, Волга қирғоғига яқин ерда қамалиб қолади. Шу пайт мина ўрнатилган сим тўсиқлари томон яқинлашиб боришга ҳеч ким ботина олмай, аскарлар ёмғирдек ёғилиб турган ўқ ичида қирилишига оз қолганда, Бойдали югуриб бориб, ўзини ўша сим тўсиқлари устига ташлайди. Миналар портлаганда, аскарлар ҳужумга ўтиб, душманни қувишга бошлайди...

Бу шум хабарни эшитиб, Мирзақулнинг уйига тўпланишган овул оқсоқоллари унинг азасини тутгандек маъюс ҳолда жимгина ўтиришарди. Ниҳоят почтачи Қурмон телпагини кўзига тушириб, ҳасрат билан шундай деб эсга олди:

— Ии-эх, бечора, бечора йигит! Билмай юрган эканмиз. Ҳурагида ўти бор азамат. Сув учун туғилган деҳқон боласи, унинг қўли теккан экинлар гулдек яшнарди... Нариди ўтиб, бери қайтганимда болалари этагимга ёпишиб, хат борми, деб сўраганларида, келаси бозорга олиб келаман, деб овутиб қўярдим. Энди билсак, мудҳиш хабар. Бу ҳам бўлса худонинг лойиқ кўргани... Энди илож қанча, ботирнинг ҳалокати — элнинг кулфати.

Мирзақул қариялардан беш-олтитасини тўплаб олиб, Бойдалининг ўлими ҳақидаги хабарни унинг бола-чақаларига қандай етказиш кераклигини сўраб, маслаҳат

қилди. «Ўлди деб хат келгандан кейин нима ҳам қилиш мумкин. Аммо шундай оғир йилларда аёли Тўтиой бел боғлаб, болаларини кўз қорачиғидек ардоқлаб, оч қолдирмай, эплаб боқиб турганда, Бойдали ҳалок бўлибди, деб қандай айта оламиз. Ўзи аранг яшаб турганда, бу хабарни айтсак, охирги умид-ишончидан ҳам маҳрум этган бўлмаймизми? Тўтиойнинг руҳи тушиб кетса, болаларига ким қарайди. Қўй, Мирзақул, буни ҳозир айтолмаймиз, журъатимиз етмайди. Пишиқчилик келсин, эл-юрт тўйинсин, сўнгра кузга бориб ҳаммамиз биргаликда худойисини ўтказиб, овулимиздан чиққан баҳодир ҳалок бўлди, деб хотирасини ҳурмат билан эслаб ўтамыз...»

Кексаларнинг бу маслаҳати овулдаги кўпчиликка маъқул тушди. Ҳали тамаки саройида аёлларнинг ҳеч нарсадан хабари бўлмаган Тўтиойга ачиниб, йиғлаётганларининг боиси ҳам шунда эди.

Тунда Исмоил уйига одатдагича қайтиб, Саида унга қўшниси Бойдалининг қисмати ҳақида гапириб берганда, у мийиғида алланарсалар деб тўнғиллаб, эгинни қоқиб қўйди.

Унинг бундай бесўнақай ва ҳаракатсиз туришидан: «Ия, ўлган эканми?» дегандек, ёки бўлмаса: «Ўлса ўлгандир. Уққа бошингни тутганинган кейин нима бўларди. Мен бошимни олиб бекорга қочиб юрганим йўқ? Аҳмоқ бўлмаса минага ўзини ташлармиди? Ундан нима фойда кўрди? Ажали етди холос!»— деган каби маънони уқиб олиш мумкин эди. Ҳайтовур, у хўмрайиб, бадҳоҳлик қилгандек, ёнида турган катта косадаги гўжани олиб, қулқуллатиб симириб юборди-да, тўймагандек қовоғини солиб:

— Яна борми?— деди.

Саида Исмоилни бундай ҳолатда кўриб, ҳайратда қолган ва: «Қаҳратон қишда бирда оч, бирда тўқ юриб, ўз жонини сақлаш билан овора бўлгандир...» деб ичида аяган эди.

Исмоилни кузатиб юборгандан кейин Саида алламаҳалгача ухлаёлмай ётди. Эшикда шамол увиллаб, қор учқунларини учириб, деразаларни чертарди. Совуқда тўнган ит овул чеккасида бир-икки ангиллаб, ғиншиб қўйди-да, сўнгра «сов-у-у-уқ, сов-у-у-уқ» дегандек улиди. Саиданинг аъзойи бадани қалтираб, ўша қор босган ой далада бўрон аралаш эсган шамолдан

чийиллашиб хуштак чолаётган қалин қамишзорлар орасидан ғорга кетиб бораётган Исмоилни кўз ўнгидан ўтказиб, қўрққанидан ўрnidан туриб кетди. Шу пайт Саиданинг боласи йиғлаб қолиб, уни эмкизиб бўлгандан кейин, яна хаёл суриб, уйқуга кетди. Бироқ уйқусида ҳам Исмоил ёдидан чиқмади... Тушида Саида илгаригидек янгидан келин бўлиб келгану, Исмоил иккаласи иморат қураётган эмиш. Исмоил белигача ечиниб олган бўлиб, куёшдан қорайиб кетган баданлари тердан йилтирарди. У Саидани қучоқлаб олиб, бағрига босади. Бундоқ қараса, устида солдатча кийими: Исмоил ҳозиргина аскардан келиб турган экан. Саида ўзида йўқ қувониб кетади. Бу манзара унга гўё ўнгидагидек бўлиб кўринади. Исмоил соғиниб, юрак-бағри ўртангандек, илиқ лаблари билан Саиданинг юзларидан қайта-қайта ўпиб олиб, липиллаб ёниб турган пиликни «уф» деб бир пуфлашдаёқ ўчиради... Саида жони ором олаётгандек баданлари жимирлаб: «Соғиндим сизни, беҳад соғиндим!»— деб унинг қулоғига шивирлайди... Кутилмаганда шувиллаб қуюн кўтарилади-да, Исмоил кўздан ғойиб бўлади. Саида унинг орқасидан қичқирганича югурарди. Бир маҳал қараса, ҳамма ёқ қор, ўзи эса ғорда ўтирган эмиш. Исмоил товук гўштини узиб-юлқиб, суяклари билан бирга чайнаб, Саидадан қизғангандек, ўқрайиб-ўқрайиб қарайди. Саида Исмоилга яқинроқ келиб, гапиришга оғиз жуфтлайди-ю, яна гапира олмай, кўнглидан ўтказди. «Мунча очкўзлик қилмасанг. Борига қаноат қилсанг-чи, тошни ютиб юборай дейсан-а, Исмоил!» Шу маҳал атрофдан қандайдир қичқирган овозлар эшитилиб, бир гала аскарлар ичидан милтиғини ўқталиб, қийқириб келаётган Бойдали ўзини тиканли сим тўсиқлари устига ташлайди. Ер-кўк ларзага келиб, ҳавони чанг-тўзон қоплаб олади. Ҳалиги аскарлар эса Бойдалининг жасадини қўлда кўтаришиб, олға томон югуришади. Саида қўрқув аралаш ғорнинг оғзини беркитмоқчи бўлгандек дик этиб ирғиб туриб кетади...

Эртаси эрта билан Саиданикига почтальон Қурмон оға чопиб келди, у айни вақтда қишлоқ Советининг хизматини ҳам адо этарди. Унинг этаклари икки ёққа тарвақайлаб кетган, қиёфасидан қандайдир ташвиш аломатларини фаҳмлаб олиш мумкин эди. Қурмон оға от устидан энгашиб, эшикни қамчи дастаси билан ура бошлади!..

— Саида, райондан ИНКУУ<sup>1</sup>нинг одамлари келиб, тезда сенинг идорага етиб боришингни сўрашяпти. Қани, тезроқ бўла қол!..

Саида эшикка югуриб чиқар экан, уларнинг нега чақираётганларини сўрамади ҳам. У, Қурмонни кўриши биланоқ юраги така-пука бўлиб, масалага дарҳол тушунган эди. Саида гарчи ўнгида фарёд кўтариб йиғламаётган бўлса ҳам, кўнглида «Айланай Исмоил, энди нима қиламиз?» деб фиғон чекаётган эди. Нариги ёқдан севиниб чопиб келган Ҳасантой, Қурмон оға хат келтирди, деб ўйладими:

— Исмоилдан хат келди. Саида янга! Суюнчи!— деб қичқирди-ю, ранги бўздек оқариб кетган Саидани кўриши биланоқ овози бўғзида қолди ва елкасини қисиб, бирон айб қилиб қўйган кишидек, четга бориб хомуш бўлиб туриб қолди.

— Э, шўрлик болам-а!— деди Қурмон оға. Унинг бу сўзи болагами, ёки Саидага қарата айтилдими, ким билди дейсиз. Қурмон оға отига қамчи босиб чоптириб кетди.

Саида қишлоқ Советининг идорасига қандай етиб келганини сезмай қолди. Қўрқувдан баданлари музлаб, қалтираган қўллари билан аранг эшикни очиб кирган эди. Қурмон оға айтгандек, стол ёнида тўппонча таққан, шинелли киши ўтирганини кўрди. Саида ўтирган кишининг юзига қарашга ботина олмай, ундан кўзини олиб, бошини ҳам қилганча яқинлашиб бораверди: «Исмоилдан энди айрилар эканман!» деган биргина хаёл уни банд этган эди. Бироқ орадан ҳеч қанча вақт ўтмай унинг тасавурида: «Исмоилни бермайман! Ҳеч кимга бермайман!» деган иккинчи бир кучли хаёл ҳукмронлик қиларди.

Саида қишлоқ Совети идорасига кириб келганда ҳам ўша хаёл устунлик қилиб: «Исмоилни бермайман! Ҳеч кимга бермайман!»— деб, онт ичгандек қақшаб ичида қайта-қайта такрорлаётган эди.

— Утиринг!— деди НКВД вакили Саидага. Лекин Сада буни эшитмай қолди.

— Утиринг!— деб иккинчи марта айтилганда, Саида кўр кишидек курсининг четини сийпалаб аранг ўтирди.

---

<sup>1</sup> ИНКУУ — НКВД.

НКВД хизматчиси у-бу гапларни бамайлихотир сўраб, уларни қоғозга ёзиб оларкан, бир лаҳза ўзича ўйлашиб ўтиргандан кейин, Исмоилнинг фронтга кетиб бораётганда беш отар милтиғи билан эшелондан тушиб қолиб, қочиб кетганини айтди.

— Эрингиз ҳозир қаерда?

— Билмайман, менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ,— деб жавоб берди Саида.

— Сиз, раҳм қилиб, айтмасликка онт ичган бўлсангиз ҳам, у бари бир ҳеч ерга қочиб қутула олмайди, охири қўлга тушади. Ундан кўра эрингизга, ўзингизга яхшиликни раво кўрсангиз, очигини айтинг. Эрингиз ўз ихтиёри билан озодликка чиқсин... Сиз бу ишда бизга ёрдам беринг.

— Билмайман, менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ! Аскарга олиб кетган ўзларинг, кейин нима бўлди, у ёғи менга қоронғи.

Вакил қанчалик кўп суриштирмасин, Саида билмайман, деб, ичида эса: «Худо лойиқ кўрган ёримни ўлимга итариб, ўзимга ўзим душманлик қилармидим! Бошимни кесиб ташланглар, ўлимдан кўркмайман, бироқ ҳеч нарсани айтмайман!» деб ўзини билмасликка солиб, ўжарлик қилиб ўтираверди. Сўроқ тугаб, Саида кўрқувдан дармонсизланиб қолган эди. У йиқилаёзгандек аранг эшиқдан чиқиб бораётганида, нариги ёққа отини боғлаб келаётган Мирзақулга кўзи тушди. Мирзақул қўлидаги папирос қолдиғини сипқариб тортиб, шошганича келаётган эди. У бугун ҳам қандайдир бошқача кўринарди: соқоли ўсиб, жағлари янада ич-ичига кириб кетган, эти қочиб, қотиб қолган елкаси бир оз пастга осилиб, эскириб кетган шинели остидан туртиб чиқиб турарди. Телпак четидан қоши аралаш тикилиб турган кўзлари эса жон азобида қийналаётгандек, кишига ўйчанлик билан термиларди. Мирзақул Саидани кўриши биланоқ тўхтаб, оёғига тикан киргандек унга қадалиб қаради.

— Айтдингми?— деди у қўли билан эшик томонни имлаб кўрсатиб.

— Нимани айтишим керак эди? Мен ҳеч нарсани билмайман?— деди Саида унга.

— Хў-ўш, айтмайман дегин!— Мирзақул жаҳли чиққандек жим қолди, сўнгра папиросини оёқ остига олиб тепкилаб, бошини чайқаб олди.

— Одамнинг яхши-ёмонлиги мана шундай пайтларда сезилар экан! Айтмай уни қаёққа олиб бормоқчисан? Номус борми сенда? Ватаним деган эркак — ҳаммамиз қолмасдан жўнадик, яхшиликками, ёмонликками, элу юртдан ажралмасдан. Буни сен тушунасанми? Гапир, ҳали ҳам кеч эмас, Исмоилни топ, эл қаерда бўлса, у ҳам шу ерда бўлсин.

Юраги зардобга тўлиб, жон талвасасида турган Саида, ҳеч ҳайиқмай Мирзақулни юлқилай бошлади:

— Тушунганда нима? Қочса қочиб кетгандир. Мен уни қаердан билай! Ҳар кимга ўз жони азиз, ўз бошини ўзи сақлаб юргандир, сенга нима, мунча чиранмасанг, йўлингни кесиб ўтгани йўқ-ку. Ёки ҳаммани ҳам ўзингга ўхшаб майиб-майриқ бўлиб келсин демоқчимисан?..

Саиданинг бу сўзлари Мирзақулнинг иззат-нафсига қаттиқ теккандек, кўзлари олайиб, чўлтоқ қўли дирк этиб силкиниб тушганда, киссасидаги бўш энги сурилиб чиқай деди.

— Де-демак, сенингча, мен Исмоилдан... ё-ёмонлигим учун... шундай ахволга тушиб қайтиб ке-ке-келган эканман-да! — деди у ҳар бир сўзини салмоқлаб, тугилиб. Сўнгра турган ерида орқасига хиёл тисарилиб, қўлидаги ўрилган қамчи билан Саиданинг бўйин ва боши аралаш савалай кетди. Саида ҳам парво қилмай тураверди.

У қулоғи остидан шип-шип ўтаётган қамчини пайқамаётгандек, гўё сеҳрлаб қўйилган қуён каби Мирзақулнинг соғ қўли аралаш энги ичидаги диркиллаб, қалтираб турган чўлоқ қўлидан кўзини узмай, мўлтайиб тураверди. Иккинчи бир қараганда Мирзақул қўлидаги қамчини тиззасига уриб синдирмоқчи бўлди-ю, бироқ чўлоқ қўли энг ичида яна дирк-дирк қимирлаб, бу ҳаракатдан ҳеч нарса чиқмагандан кейин, қамчини томининг тепасига улоқтириб юборди. Ўзи эса ўқ теккан киши сингари шинелининг бўш энгини чангаллаганича кўксига босиб, ариқни ариқ демай, қор уюмларидан сакраб, югурганича ташқарига чиқиб кетди. Унинг елкаси яқиндан тўқ қизил бўлиб кўриниб, фронтдан олиб келган орқасидаги эски сумкаси ёнбошига шалоп-шалоп уриларди.

Мирзақул олға томон чопиб кетганда, орқада мул-



зам бўлиб қараб қолган Саида қамчи урилган бўйнининг ловиллаб ачишаётганини эндигина сеза бошлаган эди. Қора тутун босиб келгандек изтироб ичида қолган Саида фарёд солиб йиғлагиси келарди.

У кўча бўйлаб бораркан, олдидан ураётган изғирин қор бўронини ҳам, ён-веридан тез-тез ўтиб кетаётган йўловчиларни ҳам пайқамай, ўзини кенг далада гангиб бораётгандек ҳис қилди. Қавариб, шилиниб кетган бўйни ловиллаб ачишиб, лабини тишлаганича атрофга ҳеч қарамай, хўмрайиб борар, бир-биридан аччиқ, бир-биридан изтиробли ўй-хаёлларга чўмиб, етти номуси ерга киргудек бўларди.

«У мени урди, савалади, шарманда қилди! Мен буни Исмоилга айтаман, ундан ўч олсин!» деярдди ва дарҳол яна ўз ҳукмидан қайтиб: «Йўқ, айтмайман, зотан, буни айтиб ҳам бўлмайди. Исмоил тутилиб қолиши мумкин, яхшиси дамингни чиқарма-ю, юрагингга тугиб қўй, у билан гапиришиб олишнинг ҳам мавруди келар! Туғишган — душман деганлари шу-да, ўз туғишганини кўрарга кўзи йўқ. Исмоил омон бўлса, қишни чиқариб, дозон очилиши биланоқ Чотқолга жўнаймиз. У ерда ҳеч кимдан яширинмай, элу юрт қатори эркин яшаймиз. Мирзақулнинг юзига иккинчи марта қарамаганим бўлсин!..»

Саида уйга қайтиб келди-да, бешик тебратиб ўтирган қайин онасини қучоқлаб ерга йиқилди. У жимгина ўтирган муштипар онанинг ориқ тиззаларига бошини қўйиб, номусдан изтиробга тўлган кўнглига эрк бериб, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлади:

— Она, Мирзақул мени урди! Айланай онажон, Мирзақул мени урди!

Юзларидан юм-юм оқиб тушаётган ёш томчилари томоғига тўлиб, узоқ вақт нола тортиб йиғлади. Шунда унинг қулоғига қайин онасининг йиғи аралаш аянчли овози узоқдан эшитилди.

— Онанг айлансин сендан, арзанда болам, жоним қурбон бўлсин сенга.. Умидимиз, ишончимиз сенсан! Кўзимизнинг оқу қораси, куч-қувватимиз ҳам сенсан.. Сен бор экансан, кўнглим тоғдек бўлиб, овуниб ўтирибман. У дунёю бу дунё сендан розиман... Бундай кўргиликларга чидаш бермай илож қанча... Мирзақул отабоболарини унутиб, ўз уруғларидан юз ўгирган бўлса, худо бордир, арвоҳ бордир...

Саида Исмоилнинг келар пайтини билиб, ярим кечада ўрнидан турди-да, уни овулнинг чеккасида кутиб олди. Исмоил бу сафар овулга кирмасдан, ўз қароргоҳига қайтиб кетди.

\* \* \*

Илк баҳор; қишлоқдагиларнинг кўпчилигида озиқ-свқат тугаб қолган пайт. «Овулда энди сигирлар туғиб, сут-қатиққа оғзимиз тегса, кейин думбул, арпа, сўнгра пишиқчиликка ҳам етиб олар эдик» деб гапиришар эдилар. Аммо айтишга осон, унғача озмунча вақт борми...

Саида учун турмушнинг энг оғир, энг машаққатли кунлари келди. У Мирзақул билан уришиб қолгандан кейин, Исмоил янада сергак бўлиб, ғордан чиқмай, уйига келишни ҳам бас қилиб қўйди. Саида топган-тутганини қўйнига тиқиб, пайтини топса кундузи ўтинга борганда, бўлмаса кечалаб Исмоилнинг олдига ўзи қатнардди. Бу ҳам майли-ку, лекин Исмоилнинг мечкай бўлиб шишиб кетгани уни ваҳимага солиб, қаттиқ ташвишлантириб қўйган эди. Исмоил қанча ичиб-емасин, тўйган-тўймаганини билмай, бирдек бўзрайиб ўтираверар эди.

— Дон-дундан уйда қолдими ҳеч, ёки ғорда ётавериб, охири очимдан ўлиб кетмайин тағин, яширма, ростини айт!— деди у.

— У нима деганингиз! Тани жонингиз соғ бўлса, бир бурда нон топилар...

Саида эртаси барвақт туриб, бултурги хирмон жойларига қараб йўл оларди. У ўзи билан бирга олиб келган тўрвасини ерга ёзиб қўярди-да, эрталабдан оқшомғача сомон шопирарди. Хирмон тагида қолган сомон орасидан битта-яримта буришқоқ майда буғдой доналари тушарди. Кун бўйи бир коса буғдой тўпласа, уни кечаси билан қўл тегирмонида тортиб, Исмоилга нон пиширарди. Шу таҳлитда яна неча кун тирикчилик ўтказишларини ким билсин. Саиданинг ишонгани — қўлидаги ёлғиз ғунажини. У туғиб берса, Исмоилга сут-қатиқ, мой бўларди!

Исмоил! Исмоил!.. Қачон бўлмасин инграб, бутун

дунё кўзига ёмон кўрингандек, бирон оғиз илиқ сўз айтмас, мақсадсиз, орзу-хавассиз, биқиниб яшарди. Унинг нималар ҳақида ўйлаётгани, эзгу ниятини билиш қийин эди. Гапирганда ҳам ўша довоннинг очилишига қанча вақт қолганини сўраб, кун санарди-ю, яна овқат ҳақида ўйларди, холос. Эт деганда оғзининг суви келарди. У туриб-туриб, совуғим ошиб кетди, жирим қуриб кетди, деб нолир эди. Исмоил бу сўзларни айтганда, бир лаҳза бўлса ҳам фикр-ёдидан аллақандай мудҳиш хаёллар кўтарилгандек, ўқрайган кўзларидан ўт чақнаб, анча вақтгача қовоқ солиб, жим қоларди. Ажаб, шундай пайтларда у нималар ҳақида ўйлар экан-а?..

Шу аҳволда ғорда ётавериб жинни-пинни бўлиб қолдимми, деб Саида қўрқиб кетди. «Энди нима қиламан?»— деярди у ачиниб. Балки ўғлини соғиниб қолгандир, деган хаёл билан Саида кунлардан бир куни боласини чўмилтириб, унинг кўйлак ва йўргакларини ювиб, овулдагиларга: «Бобосиникига ўйнагани кетяпмиз» деб болани ғорга кўтариб борди.

У бирга ўтиришган ота-боладан кўзини олмай, завқланиб қарар ва шу чоқ ўзини ҳам ғоят бахтиёр ҳис этарди. Саида орадан бир кунни ўтказиб, яна овулга қайтиб келди.

Ёз эрта кираётгандек бугун қуёш эрталабданоқ чарақлаб чиқиб, қиздира бошлади. Қирмоч боғлаб босилиб ётган қор бети чет-четидан ола-була бўлиб эриб, яхлаб қолган шудгор ерлардан буғ чиқиб турар эди. Водий бўйлаб майин шамол эсиб, гўё ҳаво илигандек, чўкинди қорлар остини ўйиб, шилдираб сув оқарди.

Атрофда чурқ этган тирик жон йўқ. Ҳув анови хирмондан димиққан илиқ ҳид келарди, кимдир биров тўпон ағдариб шопириб ётганга ўхшарди. Бу Саида эди: тўпонни қоплаб, очиқроқ ерга олиб борарди-да, «шамол отаси»ни чақириб, уни ҳавога сочиб шопирарди ва қум ичидан олтин заррачаларини излагандек яна уни титиб кўрарди. Бироқ, бу хилда ишлаш қанчалик майда, қанчалик зерикарли бўлмасин, Саида ундан бош тортмасди. Нима бўлса ҳам Исмоилни кўкламгача боқиб чиқиши керак, сўнгра худо ўша кунларга етказса, довон очилиб, йўл тушиб қолар...

Ёқимли баҳор қуёши танларни яйратиб, кишига ўз-

гача роҳат бахш этарди. Шу топда Саида бир зумгина тўхтаб, ўзича тотли хаёлларга чўмар, ҳатто очликдан кўнгли озиб бораётганини ҳам унутиб, аъзойи бадани қалтираб-титраётгандек сезиларди.

У келажак ҳақида орзу қиларди. Ҳув ана, олисда — мангу қор босиб оқариб кўринган тепаликлар орқасида Чотқол чўзилиб ётибди. Саида Чотқолни эслаганида, негадир, худди афсоналарда тасвирланганидек, кўз ўнгида ажойиб манзара гавдаланарди. Ёзин-қишин кўм-кўк бўлиб чайқалиб ётган яшил ўтлоқлар, сув бўйлари-рига қатор-қатор тизилган оқ ўтовлар, осмонга тутун тарқатиб, биқирлаб қайнаётган ичи тўла қозонлар... Улар мана шу ажойиб ўлкага — Чотқолга кетишади. У ерда Исмоилнинг тоғалари бор. Чотқолда Исмоилнинг аскардан қочиб келганини ҳеч ким билмас ва сўрамас ҳам эмиш. У ерда Мирзақулга ўхшаган ёмон кишилар ҳам йўқ эмиш. Чотқолга борганларидан кейин Исмоил колхозга чўпон бўлиб ишга киради, Саида эса, унга кўмаклашади. Мана шунга ўхшаш туганмас ўй-хаёллар...

«Ёзнинг келишига ҳам оз қолди! Кўпига чидаган, озига ҳам чидаш беради!— деб ўйлади Саида, тўпондан ажратиб олган бир сиқим буғдойни у кафтидан бу кафтига олиб ўйланиб.— Худо Исмоилни ўз паноҳида сақлаб, тилагига етказса, ғунажинни сотамиз-да, уни йўл озигига харжлаб, кампирни эшакка мингазиб олиб, кечасилаб жўнаб кетамиз. Ҳа, кетамиз, бу ердан албатта кетамиз!»

Кечқурун Саида талқон туйиб ўтирар экан, уйга ўт олгани Ҳасантой кириб қолди. Кейинги вақтларда унинг бўйи чўзилиб катта бўлиб қолгандек, устидан отасининг эски фуфайкаси сира тушмасди. Тўтиойнинг болалари ичида Саида ана шу ўртанчасини ҳаммасидан яхши кўрарди. Ўзи жуда ёқимтой, очиқ кўнгли эди.

— Саида янга, ойм ўтга юборди!— деди у, супрадаги уйилиб турган талқонга бир қараб олиб. Бола-да! Боланинг мўлтиллаган кўз қарашларига ким чидасин. Саида унинг қорни очиб турганини сезиб, иккала кафти тўлгунча талқон солиб берди. Бола талқонни оғзига солиб, ямлаб-ямлаб ютди-да, севинганидан миннатдорчилик билдирай дегандек, талқонга беланган лабларини чўччайтириб, илжайиб қўйди:

— Сигиримиз туққанда ойим бизларга оғиз сут пишириб беради. Сут ичамиз. Чақалоқжонга ҳам ундан олиб келиб бераман! У сут ичадими?

— Тилингдан янганг ўргилсин сенинг,— деб меҳри товланиб кетган Саида унинг кўзларидан, манглайидан ўпиб олди.— Сигирларинг туғсин, айланиб кетай, сўнгра оғиз сути ичамиз. Чақалоқжонга ҳам берамиз, унинг ҳам тиши чиқиб қолибди!

Ойиси ҳам, болалари ҳам отасининг ўлганидан хабарсиз хат кутиб юрганларини эслаб, Саида болага раҳми келиб, уни алаҳситгандек бўлди:

— Ойинг туриб юрадими, энди яхши бўлиб қолгандир!— деб иш орасида сўраб қўярди.

— Бугун яна бошим деб ётибди. Мен мактабга бормай қўя қолай десам, ойим, иккинчи синфга кўчолмай қоласан, отанг келганда уришади, деб рухсат бермади.

— Уришмасмиди, ёмон ўқисанг, албатта уришади-да...

Ҳасантой жим қолди-да, кўзига ёш олиб, катта кишилардек чуқур хўрсиниб қўйди.

— Қўй, кўп хўрсинма!— деб хитоб қилди чўчиб кетган Саида...— Насиб қилса, отанг келиб қолар... Лекин сен ҳадеб хўрсинаверма...

Бола ўт олиб кетганидан кейин, Саида мадори қуригандек дарҳол ўтириб қолди. Муштдек боланинг бундай ух тортиб хўрсиниши негадир унга жуда оғир туюлди.

«Бола бўлса ҳам, етим қолганини юраги сезиб турибди,— деб ўйларди у.— Тўтиой ҳам буни ўзича дилидан ўтказаётгандир, бироқ у сир билдирмасди. Бечора нима ҳам қилсин? Қўлида бирданига уч етим бола ёлғиз қолган. Уйда овқатлари йўқ. Колхоз берган озроқ дондун билангина бир амаллаб кун кечирадилар. Яқинда омбордан ярим қоп сули олиб келдилар. Йўқдан кўра шу ҳам бир мадад. Қараб ўтирган билан биров осмондан ташламаса. Улдим-бўлдим деб ётиб олса, болалари оч қолади. Биргина ишонганлари — ёлғиз сигир. «Ёр юткур, аксига олиб, бу йил ҳам кеч туғадиганга ўхшайди! Унинг туғишини кутавериб болаларининг кўзлари тўрт бўлди!» деб гапириб юрарди. Ўзи ҳам анчадан бери мазаси йўқ, касал. Қандай қилишар экан бечоралар? Яна бунинг устига, шўрлик Бойдалининг ўзини ўзи мина устига ташлаганини айтмайсанми? Бунга ҳам ўзининг

Ўта кўнгилчанлиги сабаб бўлган! Раҳматли яхши киши эди! Тўтиой бир оз сержаҳл бўлгани билан у ҳам яхши аёл... Ахир, юракка қил сиғмайдиган шундай кунларда осойишта яшаб бўлармиди... Эй, пешонага ёзилганини кўради-да... Ҳар кимнинг тақдири ўз пешонасига ёзилган. Биз бўлсак эртаю кеч Исмоилни қутқариш билан оворамиз... Агар бир иложини қилиб уни қишдан омон сақлаб чиқсам, Чотқолга борганимиздан кейин бахтимиз очилиб кетармиди... У куни Тўтиой: «Исмоилнинг қочиб юргани ростми?» деб кўққисдан сўраб қолди. Мен унга нима дея олардим. Билмадим, қочса бирон ёқда қочиб юргандир, балки қуруқ гапдир, ким билсин, деб қўя қолдим. Бошқа бировлар бўлса, Исмоилнинг қозоқда қариндош-уруғлари бор эмиш, у ўша томонларда қочиб юрган бўлиши мумкин, деб гапиришар эмиш. Майли, нима дейишса деяверишсин... Мирзақулнинг кўзига кўринмасак бўлгани, у душман, аяшни билмайди... Илгари уни яхши кўрар эдим, ҳали ҳам тасаввуримда ўша ушалмаган қора ният... Э, тангри, бандам десанг Мирзақулдан ўзинг асра...»

Боланинг ҳалиги уҳ тортиши, унинг мўлтиллаб аянчли қараши Саиданинг кўз олдидан сира кетмасди. Турли хил мудҳиш хаёллар унинг кўнглини чўктириб, аллақандай хунук хабар келишини кутаётгандек боши ғовлар, руҳи тушиб, безовта бўла бошларди. Саида шу пайтда нима қилишини билмай эшикка чиқди, ҳавонинг авзойи бузуқ, шамол туриб, уфқда қора тунда булутлар қалқишиб осмонни қоплаб келаётган эди. Теварак-атроф жимжит, тоғу тошлар ҳам кўринмайди. Осмонда сузиб бораётган тўлин ой булутлар орасида заъфарон юзларини кўрсатиб, яна дарҳол яшириниб оларди.

«Қор ёғяптими? Исмоилнинг аҳволи нима бўлди экан?»— деган хаёл билан Саида яна уйга қайтиб кирди.

Эрта азонда Саида одатдагича сувга чиқди. Яна ҳавонинг қовоғи солиқ бўлса ҳам, бир оз юмшаб, парча-парча сарғиш қор ёғиб турарди.

«Ий-й!..»— деб кўйди Саида бўйнига сирқиб тушган қор томчиларидан ижирганиб.

У пақирларини кўтариб эндигина одимлаётган эди, Тўтиойлар томонидан қий-чув йиғи овози эшитилиб, ундан-бундан от чопиб келаётган кишиларга кўзи тушди. «Яна қандэй фалокат юз берди экан?..» деганича

пақирини қолдириб, у ҳам ўша томонга югуриб кетди. «Бойдалининг азасини кузда ўтказамиз дейишган эди, биров айтиб қўйди шекилли, мунча изи чув» деб ўйлади у. Саида дарҳол девордан бурила қолиб, ҳовлига яқинлашганда, тўпланишиб дод солиб йиғлаётган халқни кўриб, хангу манг бўлиб қолди. Шу чоқ ғала-ғовур ичидан сочлари тўзиб, кўзлари аланглаб Тўтиой отилиб чиқди-да, йиғлаганича сарой томонга югуриб борди.

— Мана, айланайин халойиқ! Мана, кўринглар! Ўғри кулфни суғуриб, сигирни олиб кетибди. Шўрим қурсин, худо мени қўш қўллаб урди!..

— Оқшом уни ўзинг боғлаб, ўзинг қулфламаган эдингми!— деди биров ғала-ғовур ичидан.

— Ҳа, садағанг кетайлар, ўзим! Ўзим боғламай ким боғларди! Ҳатто елинини ҳам ушлаб кўрган эдим! Болаларим сут деб томоқлари тақилларди. Тўшакда ётганимга қарамай, ундан ўзим кўз-қулоқ бўлиб турардим!..

Саида бу сўзларнинг маъносини уқиб, воқеадан хабардор бўлгандан кейин, эси оғиб, зинграйганича жойида туриб қолди. Куни кеча Ҳасантойнинг ажабтовур катта кишилардек отасининг эски фуфайкасини кийиб олиб, жунжикиб ўтирганини ва алланимани худодан тилаётгандек оғиз сутини эслаб, уни орзиқиб кутиб юргани Саиданинг кўз олдидан нари кетмади. «Бу ким бўлди, уволдан қўрқмаган, қора ниятли ялмоғиз? Шунчаликка қўли қандай борди экан?»— деган биргина ўй уни эсанкиратиб қўйган эди. Саида қайноқ юзларига урилиб бўйни аралаш эриб тушаётган қор томчиларини ҳам сезмай, турган жойида тураверди. Ана, Тўтиойнинг болалари ойиларининг этагига чирқирашиб ёпишиб олишган: кичкинаси тўшакдан эндигина турган шекилли, яланг оёқ лой кечиб: «Ойи! Ойи!» деб қичқирарди. Тўтиой бўлса у билан иши йўқ, ўзи билан ўзи овора эди.

— Бойдали уйда бўлганда, ўғри кела олармиди. Уйда эркак бўлмагандан кейин шу-да...

«Боладан совуқ ўтиб, кўкариб кетди!» деган хаёл билан Саида чопиб бориб, уни дарҳол кўтариб олмоқчи бўлиб шайланиб турган эди, бироқ тўда ичидан почтальон Қурмон югуриб келиб болага бир қараб олди-да, уни қўйнига ўраб, ўйига кўтариб кетди. У Саи-

данинг ёнидан ўтиб бораркан, қўйнидаги болани илиқ нафаси билан иситиб, соқолидан сизиб тушаётган мунчоқ-мунчоқ сув қатрачалари товланиб, ўзича нимадан-дир норози бўлгандек тўнғиллаб қўйди:

— Сизларни ҳеч қачон ташлаб қўймаймиз, навбат билан кўтариб катта қиламиз...

Деярли бутун овул Тўтиойнинг ҳовлисига тўпланишган эди. Илгари ҳам овулда бундай воқеалар бўлиб турарди, лекин бунчалик одам йиғилишмасди. Ким мол йўқотиб, мол ўғирлатмаган дейсиз, бироқ бу сафар уларни молнинг йўқолишигина эмас, балки ғазабга тўлган энг нозик ҳис-туйғулар, инсонга бўлган меҳр ва муҳаббат туйғулари бу ерга ҳайдаб келаётган эди. Ана улар чет-четга чиқиб, қовоқ солиб ўтиришибди: «Бойдалининг етимларига қўл тегизган ким?..»

Боядан бери у ёқдан-бу ёққа чопиб, кўздан кечириб юрган Мирзақул, мана, йилқичи Парпи билан от чоптириб келиб қолишди. У отини гижинглатиб, қўлсиз енгини шалвиратганича, ҳовлига қуюндек учиб кирди.

— Қани, халойиқ, кўзғалинг! Отлиқлар отда, отсизлар пиёда сойма-сой изланглар! Йўқолган мол садқайисар, аммо бу ишни қилган муттаҳам итни топиш керак!

— Тўғри айтасан, тўғри!— дейишди кўпчилик.— Уғри олислаб кетгани йўқ... Агар сигирни сўйиб олган бўлса, гўшти топилар... Йўқса, уни эски қўрғонларга беркитиб қўйган чиқар!..

— Тўғри, тўғри! Ҳали сўйиб улгурмаган бўлиши керак. Кўрган одамлардан суриштиринглар!— деган қийқириқ эшитилди.

— Қани, жўнанглар, кечикмасдан жўнай қолинглар!

Мирзақул ҳовли саҳнидан чиқиб бораётган одамлар эрасидан фронтга бориб келган беш-олтита ярадор йигитларни чақириб олиб:

— Сизлар, йигитлар — солдатлар эмасми... Отга миниб, Жамбулга борадиган катта йўлни кузатиб чиқинглар.

— Э-ҳе, у ёққа боришга улов қани?

— Саройдаги отларни олинглар!— деди Мирзақул.

— Отлар ер ҳайдаш учун бойлоққа ташланган, раис ўзини осса осади-ю, уларни бермайди.



— Об-бо, гапни кўп чуватдинг-да!— деб бақириб берди Мирзақул. Унинг заҳри юзига чиқиб, чўлтоқ қўли билан боягидек яна силкиниб тушди.— Қани ҳозир жўнанглар! Финг демай, отларни эгарлаб, йўлга тушинглар.

Халқ тўлқинига қўшилиб, Саида ҳам овулнинг сиртига қараб югурди ва дарҳол ҳар томонга тарқалиб, ўнг-сўлидан бўлиниб кетаётган кишиларни, энкайганича отда чопиб бораётган Мирзақулни ва қулала сингари тулки телпагини бостириб кийиб олган йилқичи Парпини кўриб, ўтакаси ёрилгандек қўрқиб кетди ва бирдан: «Исмоилни топиб олишса нима бўлади?»— деган хаёл эсига тушди. Сўнг у нима қилишини билмай саросимага тушиб, ўсиб ётган ўша чийзорга югуриб кетди.

Ҳаво юмшаб, эриб кетаётган ҳўл қор кийимларни салмоқлатиб, юришни оғирлаштирар эди. Бағрини ерга бериб ястаниб ётган оқиш туман ўрнидан кўзғала олмай, мажоли қуриган каби кўнгилсиз кўринарди.

Саида Исмоилнинг қароргоҳидан хавотир олиб, уядаги болаларини кўриқлаган қуш каби зор қақшаб аланглаб атрофга назар ташлар ва ўзи томон босиб келаётган кишиларнинг кўринар-кўринмаслигидан хабардор бўлиб: «Худойим, ўз паноҳингда сақла. Энди нима қилсам, қандай қилсам экан? Болаларнинг бахтига сизгир топилиб қолса, улар зора овулга қайтишармиди. Ў, айланай парвардигор, ўша етимларнинг оҳини эшит, молларини қайтариб бер! Менинг ҳам болам бор, менинг ҳам оҳимни тингла, у ҳам етим қолмасин!..» деб қўлини кўксига қўйиб, худога сиғинар эди.

Саида минг хаёлга бориб, ўзини қўярга жой топа олмасди. Сигир топилиб қолса, улар овулга қайтишармиди, деган ҳалиги фикр уни банд этиб, бутун умиди ҳам, ишончи ҳам ўша бўлиб қолди. Демак, бирдан-бир йўл — сигирни излаб топиш, иложи борича тезроқ топиш керак.

Саида ўрнидан тура солиб, кўйлак ва чопонлари юлиниб, буталар орасини, тошларнинг остини шошиб-пишиб титкилай бошлади. Бироқ молдан дарак йўқ; ундан нишона ҳам кўринмайди. Ҳув анови ерда туман аралаш эски кўрғоннинг бузилиб ётган вайроналари қорайиб кўринмоқда. Сигир ўша ерга яшириб қўйилган бўлмасин? Югур, Саида, жонинг борича югур! Оёғингдан сув ўтиб, лойга беланганинга, устингдаги ки-

йимларинг шалпираганига қарама! Бўла қол, тезроқ етиб бор! Ана, ана, кўряпсанми, деворнинг панасидан сигирга ўхшаган бир нима кўриняптими? Ҳа, сигирга ўхшайди! Танаси йирик, қора-оладан келган эмасмиди, худди ўзи? Кутилмаган қувончдан Саида ҳаяжонланиб гангиб қолди: «Ҳозир тепаликка чопиб чиқиб, суюнчи, суюнчи деб қичқириб, халқни овулга бошлаб бораман. Сигирни эса Тўтиойнинг уйига етаклаб бориб, қозиғига ўзим боғлаб бераман! Бироқ ўша кўзимга кўринаётган ҳақиқатан ҳам сигирмикин, ёки кўзимга шундай кўриняптими? Худодей!»

Кўрғонга бир зумда етиб борган Саида тарвузи қўлтиғидан тушгандек шалпайиб, туриб қолди. Ҳалиги кўринган нарса сигир эмас, ағанаб ётган девор харобалари экан.

Бағрини ердан узаётган ҳалиги туман, эринчоқлик билан суза бошлади... Сарғиш қор бултурги тиканакларнинг уч-учларига ўрнашиб, эндигина ўсиб келаётган нозик майсаларни савалаб, уларни ўз оғирлиги билан эгиб, кўмиб ётган эди...

\* \* \*

Саида кечқурун чарчаб-ҳориб, аранг овулга етиб келганда, Тўтиойларнинг сарой эшиги ҳали ҳам эрталабгидек ҳувиллаб, карракдек очилган бўйича турарди.

Уйда бўлса куни бўйи ўпкаси тўлиб йиғлаган боласи кўзи оқига айланиб, ҳиқиллаб ётган эди. Худди аксига олгандек Саиданинг тошдек қотиб кетган сийнаси гарчи тўлиб тургани билан, боланинг оғзига солиб эмизса ҳам, бармоқлари билан сиқса ҳам анча вақтгача ийимай кўйди. Саида ўзини ҳам худди тери сергимай эгари олиниб, туни билан эшикка боғлаб қантариб кўйилган от каби совуқ еб, жағлари қаришиб қолгандек ҳис қиларди. Ҳувиллаб ётган уйнинг бир бурчагида кўлида боласи билан Саида, иккинчи бурчагида эса қайин онаси мунғайбгина ўтиришарди. Кейинчалик Саида уйку босган болани бешикка беллади-да, ечинишга ҳам ҳафсаласи келмай, ўтирган ерига мукка тушганича ётиб қолди.

Ярим кечада дераза чертилди. Саида сесканиб кетиб, бошини юқори кўтарди ва: «Сен кимсан?»— деб қич-

қириб юборишига сал қолди. Лекин унинг Исмоил эканлигини фаҳмлаб, баттарроқ чўчиб кетди: «Азбаройи худо, овул тўс-тўполон бўлиб ётганда, уни яна қандай шамол ҳайдаб келди!» Саида тура солиб, шошилини равишда эшикни очди-да, тез-тез шивирлай бошлади.

— Тезроқ бўла қол, овулда аҳвол ёмон!

Саида илгакни осиб қўйиб, қоронғида Исмоилни ичкари уйга етаклаб кирди. Сўнгра дераза пардаларини тўсиб, пиликни ҳали ёқмаган ҳам эдики, алланарса гурс этиб Исмоилнинг қўлидан ерга тушди ва у билан бирга Саиданинг юраги ҳам «жиз» этиб тушгандек бўлди. Саида дарҳол энкайиб, ерда ётган тўрвани сийпалай бошлаган эди, қўлига қандайдир юмшоқ нарса илинди. Бундай қараса, тўрвадаги гўшт экан.

— Хўш, бу сизмидингиз?— деди Саида шу заҳоти томоғи қақраб, бўғиқ овоз билан.

— Жи-им! Нафасингни чиқарма!— Исмоилнинг кўзи қоронғида ўтдек чақнаб, Саиданинг ёнига келди-да, унинг юзи аралаш оғир нафас олди:— Дамингни чиқарма, ишинг бўлмасин!

Саида жим турарди. Назарида аллаким уни кўкрагидан итариб юборди-ю, йиқилаёзгандек ўтирган жойида ер таяниб қолди. Саида шу топда гўё ўзини ҳаётдаги севимли кишидан ажралиб қолгандек, азоб-уқубатлар чекиб, кўз қорачиғидек ардоқлаб сақлаган меҳрибон кишиси унинг бутун умид ва орзуларини топтаб, ер билан яксон қилгандек ҳис этар ва ўрнидан тура солиб югуриб, боши оққан томонга — қирни қир демай, сойни сой демай фарёд кўтариб, қичқирганича ёруғ дунёдан безиб, аллақаёқларга қочиб кетгиси келарди. Бироқ ўрнидан туришга қурби етмасди. Аллакимнинг уйни ларзага келтириб, чексиз қайғуга чўмиб, бўзлаб йиғлаётган овози қулоқни қоматга келтирарди.

— Нега қарайсан, пиликни ёқ!— деди ниҳоят Исмоил. Аммо Саида ўз жойидан қўзғалмай ўтираверди.— Ҳой, нега анграясан, пиликни ёқ, деб сенга айтяпман!— деди у яна ва ёнига тиззалаб эмаклаб келаётган Саидани кўрди.

— Ўша етимларнинг насибасига човут солгандан кўра, ўзимизнинг ғунажинни сўя қолганингиз яхши эмасмиди!— деди у йиғи аралаш зорланиб.

— Минғиллайверма!— Исмоил унинг елкасидан уш-

лаб силтаб кўйди.— Менга ақл ўргатгандан кўра, ўзингни бил. Замонанг бўри бўлса, бўри бўл, деганлар. Шу замонда ҳар ким ўзим бўлсам дейди! Узгалар билан ишинг қанча, очдан ўлиб, тарракдек қотиб қолганинда ҳам, биров сендан ўлдингни, кўйдингни, деб сўрамайди... Олган олиб, юлган юлиб қолади... Сен бўлсанг беҳуда ташвиш тортяпсан!..

Саида ғиқ этмасди. Исмоил Саиданинг жавобсиз жимгина ўтирганини кўриб, жини кўзиди ва оғзидан ўтга тоблаб еган гўшт ҳидини анқитиб Саиданинг ёқасидан бўғиб олди.

— Нега нафасинг чиқмайди-а? Сенга айтяпман, нега жавоб бермайсан?.. Уз ғунажинимни сўйганимда, болаларга сутни қаердан топиб берар эдинг, ёки ўзганинг болалари ўзингникидан ҳам зиёд бўлиб қолдими? Ёки бўлмаса Чотқолга қандай етиб олар эдик, сен буларни ўйлаяпсанми? Кетишимизга оз қолганда, ўнқирда ётавериб очдан ўлсин демоқчимисан! Ёки сен учун бошқалар мендан ортиқ бўлиб кетдими?.. Шунча азоб торганим ҳам етар, бутун қиш бўйи совқотиб, тишимнинг кирини сўриб чиқдим... Вақти келганда ўғрилиқ ҳам қиламан, нафсимни тиймайман, очдан ўлиш учун аскардан қочганим йўқ! Ўлса бошқалар ўлаверсин... Бироқ мен бекордан-бекорга ўлишни истамайман!..

Ташқарида, қўшни кўчада хўроз қичқирди, уни кутиб тургандек, яна иккинчиси қанот қоқиб, ун кўшди. Исмоилнинг кетар маҳали бўлиб, ўрнидан турди ва:

— Ҳадеб вайсайвермасдан гўштни пишириб енглада, суюгини кўрсатмай овлоқ ерга кўмиб ташланглар, уқдингни?— деб қўлидаги папиросини қайта-қайта ичига тортиб чекди-да, қолдиғини оёқ остига ташлаб ўчириб, эшикка чиқиб кетди.

Аста-секин тонг отиб, уй ичи ёриша бошлади. Тонг ёришган сари, нариги ёқда печканинг остида бешикни қучоқлаб ўтирган оқ сочли аёл деразага қадалиб қараб, бир йўла ерга ҳам термиларди. Ташқарида бирон нарса борми, у нимага бунча термиларди? Нега унинг сочи бир кечадаёқ оқариб кетди? Аралашиб, чувалашиб кетган хаёллар деразани шарақлатиб синдириб, теварак-атрофни кезиб, ташқарида нималар бор-йўқлигини билишга ошиқарди. Дарвоқе, ана шу кичкинагина деразанинг нариги томонида бутун овул, элу халқ... Унда

почтальон Қурмон яшайди. Тўтиой болалари билан, Мирзақул, Исмоил... Ҳа, Исмоил ҳам яшайди...

«Бироқ сен бошқаларга ўхшамайсан, биз учун ёт кишисан... Бутун элу юртинг жон бериб, жон олиб, душман билан урушиб ётганда, сен бўлсанг қочиб юрсанг, ахир ўз элига ким душман бўлибди. Сени сақлайин деб юрган эканману, бироқ нафс балосидан қутқариш зарурлигини ўйлаб кўрмаган эканман...»

Кимдир чуқур хўрсиниб қўйди. Саида бурчакда кампир ўтирганини эндигина пайқаган эди. Иягини ориқ тиззалари орасига олиб, у ҳам қизил жияк босиб, хиралашиб қолган кўзлари билан нимадандир ранжигандек дераза томонга қараб термиларди. У туни билан бунда содир бўлган ҳамма воқеаларни кузатиб ўтирган эди, албатта.

Саида чопонини кийиб, боласининг йўргакларини рўмолга туғиб олди.

— Уйларингга кетяпсанми?— деб сўради кампир.

— Кетяпман!— деди Саида.

Қайин онаси «майлинг» дегандек жим қолди.

Болани кўтариб олган Саида, эшикка яқинлашиб борганда, ниманидир қиялмагандек, бурилганича туриб қолди.

Кўзларидан маржон-маржон бўлиб оқиб тушаётган ёш қатралари боласининг бетига томчилаб, у ҳам ётган ерида тамшаниб, ижирғиланиб қўйди. Бироқ шу заҳотиёқ ҳеч нарсани сезмагандек, яна ухлаб қолди. Саида ерда ётган ҳалиги гўшти тўрвани қўлтиғига қисиб, боласини кўтарганича, бўсағадан ҳатлаб эшикка чиқиб кетди.

Кампир бу сафар ҳам лом-мим демай ўтираверди.

Бир оздан кейин кампир ҳам уйдан чиқиб, эшигини очиқ қолдиргани бўйича тентираб аллақерга — даштликка чиқиб кетди.

\* \* \*

Кўм-кўк чийзорларни оралаб, боласини кўтариб олган Саида, унинг орқасидан отда Мирзақул ва милтиқли икки солдат кузатиб боришарди.

Бундан икки соат илгари туннель кўриқчилари командири қочқинни топишга ёрдам бериш мақсадида солдатларга қўшни қишлоққа — қишлоқ Совети раисининг их-

тиёрига боришга буйруқ берган эди. Саида бўлса бола-  
сини кўтарганича овулдан узоқлашиб, ўз уйлари томон  
кетиб борарди. Энди у бу овулга бошқа қайтиб кел-  
майди.

Орқароқда келаётган солдатлар ўзаро сўзлашаёт-  
ган эди:

— Сигирни ўғирлатган ўша аёл-ку, нима дейсан?

— Ўша бўлиши керак!

— Барака топкур, охири ўғрининг изидан ўзи туш-  
ганга ўхшайди, бироқ юк қилиб, бола кўтариб юргани  
нимаси?

— Ким билсин, ўзиям жуда нимжон кўринади. Ҳа-  
ли қишлоқ Советининг раиси келаётиб, отга миниб ол,  
қўлингда боланг бор, деса, чурқ этмай кетаверди.

Улар боши берк майда-майда қамиш япроқлари деп-  
синиб ётган жарликка етганларида, Саида бурилишда  
бир зум тўхтаб:

— Ана у ерда, қамишнинг орасида!— деб қўли би-  
лан кўрсатди. Ўзи бўлса ранглари ўчиб, бўйнидаги рў-  
мол тугунларини бўшатиб, ўтириб қолди ва нима қи-  
лишини билмай, боласини эмиза бошлади.

Мирзақулнинг орқасидан эргашиб бораётган сол-  
датлар ҳам ўша томонни кўзлаб, секин одимлаб бори-  
шаверди. Яна озроқ юриб, Мирзақул отдан тушмоқчи  
бўлган эди, рўпарадан Исмоилнинг қичқирган овози  
эшитилди.

— Ҳой, Мирзақул! Орқангга қайт! Мен энди ўл-  
ган одамман. Агар қайтмасанг, сени ҳам соғ қўймай-  
ман!

Мирзақул от узангиларини қоқиб овоз чиққан то-  
монга қараб қичқирди.

— Кўтар қўлингни, аблаҳ!

«Тарс» этиб чийзор орасидан беш отар милтиқ  
отилди. Ўрнидан дик этиб сакраб турган Саида, Мир-  
зақулнинг от бўйнига йиқилиб, ёлғиз қўли билан от  
ёлини тутамлаб, чўлоқ қўли билан унга ёрдамлашмоқ-  
чи бўлгандек мултанглатиб, охирида отдан қулаб тушган-  
ини кўрди. Шу маҳал ўзларини панага — тош орқасига  
олган иккала солдат чийзор оралатиб ўқ уза бош-  
лади. Рўпарасидан туриб отган Исмоилнинг ўқлари тош-  
га тегди-да, «чийиллаб» четга қайтиб, қулоқ остидан  
учиб ўтгандек туюлди. Сув сепгандек чуқур сукунат чўк-  
кан тоғ оралиғи беш отар милтиқларнинг овозидан лар-

зага келди. Шу чоқ солдатлардан бири жон талвасасида қичқирди:

— Эй маржа, куда! Назад, назад, убьёт!

Саида боласини кўтарган бўйича тўппа-тўғри Исмоилни кўзлаб бораверди. У ҳеч нарсани сезмагандек сесканмай кўкрак кериб рўйирост борарди. Саиданинг ҳайкал каби бир қолипда тумтайган қора-тўриқ юзларидан аллақандай ички бир кучни, адолатли ҳукмни уқиб олиш мумкин эди. Ҳазабга тўлган қаҳрли ва қайғули кўзлари эса Исмоилга: «Қани бу ёққа чиқ! Олдимга кел!» дегандек тик қарарди. Саида илгарилаб ҳар бир қадам ташлаган сари, шошиб қолган солдатлар нима қилишларини билмай:

— Эй, назад! Вернись сейчас! Вернись!— деб бақир шарди.

Бироқ Саида парво қилмай чийзор орасида ётган Исмоилни кўзлаб салмоқ билан юриб бораверди.

Ниҳоят тоғ оралиғига жимжитлик чўкди. Тошларнинг орасига беркиниб олган солдатлар ҳам, бериги ёқда юз тубан йиқилиб, ёлғиз қўли билан титраб-қақшаб ер тимдалаб ётган Мирзақул ҳам, абадий музлик билан қопланиб ётган ҳайбатли тоғ қоялари ҳам, хуллас, бутун борлиқ, шу чоғ данг қотиб, сукутга чўмиб, милтиқ қачон отилар экан, бола кўтарган аёл қачон кулаб тушаркин, дегандек, даҳшатли дамни кутиб турарди. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Ана, қамишларни шитирлатиб келган шамол Саиданинг рўпарасидан уриб: «Қайт, орқангга қайт!»— деяётгандек, унинг рўмолини учириб кетди. Бироқ Саида буни сезгани йўқ. У ҳозир ўлимни эслаётгани ҳам йўқ, инсоннинг буюк фазилати, одиллиги учун боласини кенг бағрига босиб, бошини юқори кўтарганича, Исмоил томон илгарилаб борарди. Солдатлардан бири сабри чидамай, ўрнидан туриб:

— Стой! Стой!— деб қичқира бошлади. Чамаси у, аёлнинг орқасидан югуришга ўзини чоғлаб турган бир пайтда, қамишлар орасидан кул ранг шинелли, соч-соқоллари ўсиб кетган киши сакраб чиқиб, милтиғини қўш қўллаб юқори кўтарганича, титраб-қалтираб аёлга томон интилди. Исмоилнинг кир босган юзларидан тер қуюлиб, Саидага яқинлашиб, юзма-юз келганида, кўзлари ўйнаб, илгариги Саидани эмас, қандайдир бошқа одамни, ўз куч-қудрати, афзаллиги ва одиллигини кўз-кўз қилибгина


қолмай, балки боласини кўтариб олган, сочлари оқариб кетган, яланг бош, хушқомат аёлни кўрди. Саида унинг кўзига юксакликда тургандек, ўзи бўлса, унинг ёнида ожиз ва нотавон бир кимсадек елкасини қисиб, ниманидир айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, бироқ Саиданинг ёшга тўлган кўзларини кўриб, қўлидаги милтиғини ёнидаги тошга уриб парчалаб, улоқтириб ташлади ва қўлини кўтарганича, милтиғини ўқталиб келаётган солдатлар қаршисига чиқди.

1957 й и л.





# ЖАМИЈА



Ҳар гал сафарга чиқишим олдидан кичкина ёғоч рамкага солинган сурат олдида туриш менга одат бўлиб қолганди. Эртага овулга жўнашим керак. Мана, ҳозир ҳам ўша суратга тикилиб, гўё ундан оқ йўл тилаётгандек кўзимни узолмай, узоқ термилиб қолдим.

Суратни ҳали бирон марта ҳам кўргазмага қўйганим йўқ. Овулдан қавм-қариндошларим келишганида кўриб қолишмасин, деб яшириб қўяман. Демак, суратда бирор ножўя нарса тасвирланган экан, деб ўйламанг тағин, унинг ийманадиган, шунингдек, бу бир нодир асар, «кўз тегади» дейдиган ҳеч жойи ҳам йўқ, шунчаки ўргамчикка чизилган бир сурат. Унда оддий дала манзарасининг айнан тасвири берилган, холос.

Суратнинг орқа планида сўлғин куз осмонининг чеккалари оқариб кўринади. Шамол парқу булутларни узоқ-узоқларга, қорайиб кўринган тоғ чўққилари сари ҳайдаб борарди. Суратнинг олд қисмида сарғиш либос кийган бепоён дала, кенг дарё тасвирланган. Ёғин-сочиндан кейин пўрсиллаб ётган, чеккаларидаги қамишлар бир-бирига айқашиб кетган йўлда икки йўловчининг оёқ излари кўзга ташланади. Йўловчилар узоқлашган сайин, оёқ излари хиралаша боради, гўё яна бир-икки қадам юриш-

са рамкадан чиқиб кетадигандек туюларди. Ҳа, айтмоқчи, йўловчилардан бири... Келинг, бир бошдан гапириб бера қолай.

Бу воқеа болалигимда юз берган эди. Улуғ Ватан уруши учинчи йилга қадам қўйган, айниқса Курск билан Орёл остоналарида даҳшатли жанглар борарди. Ушанда биз бир гала ўспирин болалар колхозда экин суғориб, арава ҳайдаб, ўт ўриб юрар эдик, хуллас, урушга кетган эркакларнинг оғир меҳнати бизнинг зиммамизга тушган эди.

Айниқса ҳосил йиғим-теримида ҳафталаб уй бетини кўрмасдик, кечаю кундуз хирмонда бўлардик ёки станцияга ғалла таширдик.

Станцияга қатнаб юриб, кўпдан бери уйдагиларни кўрмаганим учун ўроқнинг айна қизиган, саратон кунларининг бирида йўл-йўлакай уйга кириб ўтай, деб бўш аравамни йўлдан бурдим.

Биз азалдан кўчанинг бошидаги ёнма-ён тушган икки уйда турардик. Уларнинг баландлиги уч метрча келадиган, деворлари жуда пишиқ уйлардан иборат бўлиб, дарё томондаги дарахтлар билан ўралган ҳовли бизники эди. Мен катта уйнинг ўғли эдим. Акаларим урушга кетган, улардан хат-хабар йўқ эди. Иккаласи ҳам балоғатга етиб, айна уйланадиган вақтда кетишган. Кекса отам — дурадгор-уста. Тонг саҳарда намозини ўқирди-да, устахонага жўнарди, шу кетганича қош қорайганда келарди. Колхоздаги барча аравалар унинг қўлидан ўтарди. Уйда онам билан сингилчам қоларди, холос.

Бериги кичик уйда эса яқин қариндошларимиз туришарди. Қариндошимиз дейишимнинг боиси, орадан икки-уч авлод ўтиб кетган бўлса ҳам, улар билан азалдан мол-жонимиз бир эди. Ота-боболаримиз бирга кўчиб, бирга қўниб, жуда аҳил яшаган экан, бу одатни муқаддас билиб, биз ҳам орага совуқлик туширмай, апоқчапоқ бўлиб келардик. Колхоз тузилганда оталаримиз бир жойда ўтроқлашганлар. Бугина эмас, икки сув ўртасидаги Орол кўчада турувчиларнинг ҳаммаси бир отанинг фарзандлари эди.

Кейинчалик бериги уйнинг эгаси дунёдан ўтиб, хотини икки гўдак боласи билан қолди. Эски одат бўйича қариндош-уруғлар есирнинг бошини боғлаб қўяйлик, деб арвоҳ ва худони пеш қилиб, уни отамга никоҳлаб қўйганлар. Гарчи у уйнинг қозон-товоғи, мол-жони, чорбоғи

бўлак бўлгани билан, аслида биз бир хонадон эдик. Уларнинг ҳам икки ўғли аскарга кетган эди. Содиқ деган катта ўғли уйланиши билан кетганди. Улар, биз фронт-дамиз, деб онда-сонда хат ёзиб туришарди. Кичик уйда кичик ойим билан келини қолган эди. Мен уни доим «кичик ойи» деб чақирардим. Иккаласи ҳам эртадан қора кечгача колхозда ишлашарди. Кичик ойим (уни овулдагилар ишчан аёл, барака топсин, бунақаси топилмайди, деб мақташарди) бригадир билан ади-бади айтишиб ўтирмас, буюрган ишини қилаверар, юр деганига юраверар, анови ёш келинчаклар қатори ариқ чопишга ҳам, экин суғоришга ҳам йўқ демасди, қўлидан сира кетмон тушмасди. Худо билиб берганми, дейман, унинг келини Жамила ҳам серғайрат, бақувват бўлиб, бироқ феъли атвори сал бошқачароқ эди.

Жамила янгамни чин қалбимдан яхши кўрардим. Бир томони янгам, иккинчи томони мендан бир оз катта, лекин биз худди тенгқур дўстлардек эдик. Мени «кичкина бола» деб ўз укасидек эркалатганини айтмайсизми.

Хуллас, иккала хонадоннинг тирикчилигини, рўзғорини ойим билан сингилчам тебратиб турарди. Сингилчам жуда шўх қиз эди, лекин ўша оғир кунларда анча қуйилиб, ойимга жон-дили билан ёрдамлашганини сира-сира унутмайман. Икки хонадоннинг қўй-эчкиларига қараган ҳам ўша, тезак териб, ўтин-чўп ғамлаган ҳам ўша, домдараксиз кетган болаларини кўмсаб ғамгин хаёлларга чўмган ёлғиз ойимнинг кўнглига тасалли берган ҳам ўша эди. Энди, ҳар иккала оиланинг бошини қовуштириб, ризқ-рўзини сақлаган ҳам ойим, билармони ҳам ойим эди. У, ўлганларнинг арвоҳини ҳурматлаб, сеники-меники демай, икки хонадонга баравар қараб турган, овулнинг кўпни кўрган обрўли, диндор хотинларидан бири эди. Бизга тааллуқли ҳар қандай ишни ойим ҳал қиларди. Отам бўлса ҳеч кимнинг эсига ҳам келмасди. «Ҳой, уста акангга бормай қўя қол, унинг ғилдиракдан бошқа ҳеч нарса билан иши йўқ, ҳар икки рўзғорни ҳам бойвучча хотини тебратиб турибди; ўшанга бор» дейишардилар. Мен ҳам ёш бўлишимга қарамай, унча-мунча ишларга араллашиб турардим. Дарвоқе, акаларим армияга кетиб қолганидан, мен икки уйнинг дастёр йигити бўлиб қолгандим. Шунинг учун ҳам ўзимда қандайдир масъулият ҳис этардим. Бу ойимга жуда ёқарди, пишиқ бўлсин, ёғочдан бошқани билмайдиган отасига ўхшамай,

рўзгор ишларига аралашиб, кўзи пишсин, дер эди. Мен аравамни чорбоғнинг четига, кўланкага ҳайдаб келсам, қамчисини қанжигасига қистириб олган бригадир Урозмат оға билан ойим эшик олдида негадир айтишиб турган экан. Уларга яқинлашганимда ойимнинг овози эшитилди:

— Бормайди! Ахир, бу инсофдан эмас-ку. Худодан кўрқишсин! Хотин кишининг арава ҳайдагани нимаси. Худо ҳайрингни берсин, айланай, келинимга тегма, ўроғини ўриб юраверсин, шусиз ҳам ёлғизлик азобини тортиб, иккала хонадоннинг тирикчилигидан бош қаширга ҳам кўли тегмайди! Бунинг устига, бир ҳафтадан бери белим санчиб, анови жўхорилар қаровсиз қолди. Бахтимга, яхшиям ўша муштдек қизча бор экан...

Ойим одатича рўмол учларини кўйлагининг ёқаси остига қистириб эди.

Урозматнинг чайқала-чайқала тинкаси қуриди.

— Оббо сиз-эй,— деди у,— агар тўрт мучалим соғ бўлиб, кўлимдан келса, ўзимоқ илгаригидек қопларни аравага ирғитиб-ирғитиб, отларни чоптириб кетмасмидим! Иложи йўқ-да, ёш келинларга арава ҳайдатиб бўладими, десак, ўзи рози бўлган келинингизни сиз йўлдан урсангиз, бунақада план тўлармиди: бошлиқлар фронтга юбориладиган ғаллани нега тўхтатдинглар, деб столни муштраб, бизга дўқ урса, ахир нима қилайлик, сиз ҳам тушунинг-да!

Бригадир менинг қамчини судратиб келаётганимни кўриб, гўё миясига бир яхши фикр келгандек хурсанд бўлиб кетди.

— Агар келинимга йўлда-пўлда тентак аравакашлар тегажаклик қилади, деб кўрқсангиз, мана, қайин иниси бор-ку,— деди мени кўрсатиб.— Бу иним янғасига Ъировни яқин йўлатиш у ёқда турсин, қарагани ҳам қўймас. Сеит ҳам чакана эмас, азамат йигит-ку. Садағаси кетай, жонимизга оро кираётганлар мана шу болалар-да...

Ойим мени кўргач, бригадирнинг сўзини бўлиб, ялина бошлади:

— Қаёқларда тентираб юрибсан, болам? Сочларинг ўсиб, девонага ўхшаб кетибсан-ку. Отаси тушмагур боласининг сочини олишга ҳам кўли тегмайди... Ота эмиш...

— Ундай бўлса майли, бугун сочини олиб, чол-кам-пирлар ёнида бир дам олсин,— деди Урозмат чехраси очилиб,— Сеитжон, ука, бугун уйда қолиб, отларингга

бир оз дам бер. Эртага Жамилага арава берамиз, янгангни бирга олиб, унга ўзинг бош бўл. Сиз эса, онаси, Сеит бор экан, кўнглингиз тўқ бўлсин, камлик қилса янги келган Дониёрни ҳам қўшиб берай: ўзингиз биласизки, у бировга зиёни тегмайдиган хокисор одам... Ўзларича уч арава бир бригада бўлиб, станцияга қатнай беришсин, майли, буларнинг ёнига бошқаларни қўшмай... Хўш, Сеит, сен нима дейсан? Бу, ойинг, Жамилага арава ҳайда-тайлик, десак, кўнмаяпти. Қани, ўзинг бир нарса де-чи...

Бир томони, бригадир мени роса кўкларга кўтариб мақтагани, иккинчидан, катта кишилардек мендан ақл сўрагани, бунинг устига, янгам ёнимда арава ҳайдаб юрса қандай маза бўлади, деган болаларча хаёл билан ишбилармон одамлардек ойимга дедим:

— Ҳайдаса ҳайдайверсин, нима, бўри еб кетармиди!— деб худди катта аравакашлардек чирт эткизиб тупурдим-да, қамчини судраганимча салмоқ билан қадам ташладим.

— Э, жин урсин сени, бўри еб кетармиди, дейди-я! Қўй, болам, сен нимани билардинг!— деди ойим аччиқланиб.

— Ие, нега билмас экан, икки уйнинг азамаг йигити бўлади-ю, билмайдими!— деб юборди Ўрозмат. Ойим эндигина кўнганда яна айнаб қолмасмикин деган шубҳа билан нима деярини билмай шошиб қолди.

Ойим бўлса оғир бир уҳ тортиб қўйди.

— Э, худойим, шу тирноқдек боламизга ўзинг умр бер... Девдек азамат йигитларимиз қаерларда юрибди: улардан айрилиб, ўксиб қолмадикми...

Шундан кейин мен уларнинг гапини эшитмадим. Бора туриб уйнинг муюлишига бир қамчи урдим, кокиллари-ни селкиллашиб, кичкина қўлчалари билан шипиллатиб деворга таппи ёпаётган, менга очиқ чеҳра билан жилмайиб турган сингилчамга ҳам назар солмай ўтиб кетдим, даҳлизда турган чўян қумғонни энгаштириб, шошилмай қўлимни ювдим-да, қўлтиғимга артдим, кейин уйга кирдим-да, ҳаш-паш дегунча катта косадаги айронни шимириб ташладим, иккинчисини эса дераза олдига олиб бориб нон тўғраб едим. Ойим билан Ўрозмат ҳали ҳам ташқарида суҳбатлашиб туришарди. Бироқ, бу сафар улар ҳасратлашаётгандек кўринди. Ойим енглари билан йиғидан қизариб кетган кўзларини артиб, тасалли бераётган Ўрозматнинг сўзларини бош ирғаб маъқуллар, ич-

ичига ботиб кетган кўзлари билан дом-дараксиз кетган болаларини гўё кўрмоқчи бўлгандек олис-олисларга тикиларди. Ҳайтовур, анча дардлашиб кўнгли юмшаган ойим Жамиланинг арава ҳайдашига кўнди шекилли, бир оздан кейин бригадир рози бўлгандек йўрға байталини йўрттириб кетди.

Ўшанда бу ишнинг оқибати нима билан тугашини ойим ҳам, мен ҳам билмаган эдик.

\* \* \*

Жамиланинг икки от қўшилган аравани бемалол ҳайдаб кетишига ҳеч ҳам шубҳа қилганим йўқ. Чунки у ёшлигидан йилқичилар орасида ўсиб катта бўлган, тоғ этагига жойлашган Бақайир овулидаги йилқичининг қизи эди, Содиқ акам ҳам чавандоз бўлган экан; у бир куни яйловдаги чорвадорлар тўйи муносабати билан ўтказилган пойгада Жамилага етолмай қолган экан. Шундан кейин изза бўлиб, уни олиб қочиб кетганлигини билардим. Овсин-ажинлар бўлса, ҳечам-да, улар бир-бирларини яхши кўриб топишган, дейишарди. Ҳар қалай, нима бўлса ҳам улар уч-тўрт ой бирга туришган, кейин Содиқ акамни армияга олиб кетишган эди. Билмадим, ёшлигидан отаси билан бирга дала-даштларда йилқи ҳайдашиб, от чопишиб эрка ўсганиданми, ёки биттаю битта қиз бўлганлиги учунми, ишқилиб, Жамиланинг хатти-ҳаракатларида аллақандай жўшқинлик, эркакларга хос фазилат бор эди. Ҳар бир ишга астойдил киришар, бошқа келинлардек бошим, белим оғрияпти деб сира зорланмасди. Бироқ ўзи ҳам бировга ҳақини кетказмайдиган, айтишган билан айтишиб, сўкишган билан сўкишадиган ўжар аёллардан эди. Унинг овулдаги келинлар билан юмдалашган вақтлари ҳам бўлганди.

Ён-атрофдаги одамлар:

— Э, бу қандай жиппанглаган келин ўзи! Тушганига бир кун бўлмай, тилидан заҳар сочади-я!— деганларида, ойим:

— Майли, шуниси яхши! Келинимиз очиқ-ёриқ, сира бўш келмайди... Ана шундай кўнглида кири йўқ одам яхши, индамай юрган писмиқлардан қўрқиш керак, ҳамма фисқ-фасод ўшалардан чиқади,— деб жавоб қайтарарди.



Отам билан ҳалиги «ишчан» деган ойм бошқа қайин ота, қайин оналардек Жамилани туртмай, сўкмай, аксинча, ўз фарзандларидек эркалатишиб: «Худо ишқилиб ўзига инсоф берсин, тўғри юриб, тўғри турса бўлгани!»— дейишарди. Улар вояга етган тўрт ўғилларини армияга жўнатишиб, икки хонадондаги яккаю ягона келинини ранжитишадими. Бироқ мен оймнинг баъзи ишларига ҳайрон қолардим. Бошқаларни қўйиб турайлик, ойм бировларнинг қўлига қарайдиган аёллардан эмас эди. Ҳар йили куз келиши билан одати бўйича отам тайёрлаган олти қанотли қора ўтовни тикиб, арча тутатарди. Бизларни чизган чизиғидан чиқмайдиган қилиб тарбиялаб, ҳаргиз икки оиланинг бошини қовуштириб келарди. Оймнинг айтгани — айтган, дегани — деган эди. Аммо Жамила орамизда ажралиб турарди. Тўғри, у кампирлардан бир оз тортинар, уларнинг ҳурматини жойига қўяр, бироқ овулдаги кўпчилик келинлардек индамай бошини қўйи солиб ўтирмас, ёки тескари қараб пўнғилламас, кўнглида борини яшириб ўтирмай, шартта гапириб қўя қолар эди. Гаплари ўринли бўлса, ойм уни кўпинча маъқуллар, лекин ўшанда ҳам ўз гапини икки қилмасди. Назаримда, ойм уни бир сўзлиги, тўғрилиги учун ўзига яқин тутар, келажакда уни икки хонадоннинг бошини қовуштириб, рўзғорнинг ризқ-баракасини ўзидек сақлаётладиган уддабурон ўринбосар қилиб қолдириш ниятида бўлса керак.

— Худога шукур, тагли-жойли ерга тушдинг, болам. Бу ҳам бўлса сенинг бахтинг, буни сира ҳам ёдинда чиқарма. Хотин деган тангрининг берганига шукур қилиб, рўзғорида бирини икки қилиб юрса, шунинг ўзи катта давлат. Биз чол-кампир топган-тутганимизни ўзимиз билан бирга гўрга олиб кетармидик... Ўз қадр-қимматингни билсанг, сира кам бўлмайсан, доим мартабанг баланд бўлади, болам,— деб эслатиб турарди.

Тўғри, чол-кампирларнинг чўчиганича бор эди: Жамила жуда шўх, ёш болага ўхшарди. Бир қарасангиз ўзидан-ўзи кампирларга суйкалиб эркаланар, ё бўлмаса бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулар, ёки кўчадан кириб келадиганида худди ёш қизчалардек ариқдан ларсиллаб сакраб ўтар, ёхуд ўзича хиргойи қилиб юрарди. Кампирлар Жамиланинг бу қилиқларини ўзларича гап қилиб: «Ҳали бола-да, бора-бора қуюлиб қолади» деб қўйишарди.

Менга бўлса янгамнинг шунақалиги ёқарди. Баъзида икковимиз олишиб, курашиб, қувлашиб ҳам кетаверардик.

Жамила сарв қомат, бежирим аёл эди. Икки ўрим қора сочини бошига чамбарак қилиб ўриб, устидан танғиб олган оппоқ дурраси унинг буғдой ранг кулча юзига шундай ярашиб тушар эдики, асти қўяверасиз! Жамила кулганда унинг шахло кўзларида навқирон ёшлик барқ урар, шунда у беихтиёр қаддини ростлаб, шўх овул лапарларини куйлаб юборарди. Овулдаги йигитлар, айниқса фронтдан қайтиб келган йигитларнинг Жамилани кўз остига олишиб, тегишиб юрганларини неча бор пайқардим. Ҳангоматалаб янгам улар билан бемалол ҳазил-хузул қилишарди-ю, бироқ ҳаддидан ошганларнинг таъзирини бериб қўярди. Бари бир бу менинг иззат-нафсимга қаттиқ тегар, янгамни рашк қилардим. Шунинг учун ҳам ҳалиги «безориларга» ўзимни кўрсатиб қўяй деб: «Ҳой, билиб қўйинглар, бу менинг янгам бўлади-я, кўп пашша-хўрда бўлаверманглар» дегандек, уларнинг сўзини шартта бўлиб, виқор билан хўмрайиб қарардим. «Энди нима қилдик, бунинг янгаси экан-ку!» деб йигитлар масхара қилиб кулишганида, қизариб-бўзариб, азбаройи хўрлигим келганидан йиғлаб юборай дердим. Буни сезган янгам хурсанд бўлиб, кулгидан ўзини тиёлмай жилмайиб: «Ишларинг бўлмасин, нима, янга деган ерда қолибдими? Юр кетдик, қайиним!» деб уларнинг баттар қитиғига тегар, сўнгра бошини мағрур кўтарганча дадил қадам ташлаб кетарди. У йигитларнинг таъзирини берганидан ҳам хурсанд бўлиб, ҳам ўзига хўрлиги келиб, менга қараб бир кулимсираб қўярди. Балки у: «Э тентак, янгамга кўз-қулоқ бўламан дейсанми? Агар бузиламан десам, минг кўз-қулоқ бўлсанг ҳам бузиламан. Ахир мен чумчуқ эмасман-ку» деган хаёлга борганмикин? Мен ҳам ўшандай вақтларда айбдор кишидек ғинг демасдим. Аммо бир оздан сўнг янгам хиёл ёзилиб: «Оббо кичкина бола-ей, жуда ғалатисан-да!» деб мени яна бағрига босиб пешонамдан ўпарди.

Ҳа, чиндан ҳам янгамни ҳеч кимга раво кўрмай рашк қилардим, унинг қувноқлиги, ўзини эркин тутиши билан фахрланардим. Биз у билан жуда апоқ-чапоқ, бир-биридан ҳеч нарсани яширмайдиган сирдош дўстлардек эдик. Нега шундайлигини ўзим ҳам билмасдим. Уша кезларда овулда эркаклар жуда оз эди. Шу сабабли баъзи йигит-

лар кўкрак кериб, баландпарвоз гапириб, овулда «мендан бошқа йигит йўқ» дегандек, аёлларни ҳечам назар-писанд қилишмасди. Бир куни пичан ўримида, юр десам бўлди, орқамдан эргашиб келаверади, деб ўзига ишонганларнинг бири — узоқ қариндошимизнинг ўғли Усмон янгамга тегажаклик қилаверган эди, у Усмоннинг кўлини силтаб юборди-да, ғарам соясида ўтирган жойидан тураркан:

— Тур йўқол!— деб ўшқирди ва тескари қараб олди.— Қўлларингдан модабозлик қилишдан бошқа иш келармиди.

Ғарам остида талтайиб ётган Усмон қалин лабларини нафрат билан буриштириб тўнғиллади:

— Ол-а, мушукнинг бўйи шифтда осифлиқ турган гўштга етмай, пуф сассиқ деган экан... Шунга ўхшаб, кўп ноз қилаверма. Ичингда жон-жон деб турибсану, яна...

Жамила унга ялт этиб қаради-да:

— Жон-жон деб турсам тургандирман. Лекин пешонамга ёзилгани шу экан, нима қилай. Эй, аҳмоқ, бунинг куладиган жойи борми! Жон-жон дейиш у ёқда турсин, минг йил тоқ ўтсам ҳам сенга ўхшаган шумшукларга назаримни солмайман. Аҳмоқсан. Илгаригидек тинч замон бўлганда шундай деб бўпсан эди!— деди.

— Шунга айтяпман-да! Урушнинг касофати билан қамчи емай қутуриб юрибсан-да,— деди истеҳзо билан Усмон кўзларини ўйнатиб тамшанаркан.— Менинг хотиним бўлганингдами, нима қилишимни ўзим билардим!

Жамила лаблари дир-дир титраб, Усмонга еб қўйгудек бўлиб қаради, унга бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лекин «шу аҳмоқ билан айтишиб нима обрў топдим» деб ўйлади шекилли, жирканч билан «тфу» деди-да, ерда ётган паншаҳасини елкасига ташлаб, индамай нари кетди. Мен бериги томонда араванинг устидан ҳашак тушираётган эдим, Жамила мени кўриши билан бошқа томонга бурилиб кетди. Янгам менинг қай аҳволда эканимни сезган эди. Назаримда, янгамни эмас, мени ҳақорат қилишганларидек изза бўлиб, ғазабим қайнаб кетди. «Нега уларга ёндашасан, нега улар билан гаплашасан?»— деб янгамга жоним ачиди-ю, ичимда уни койидим.

Жамила ўша куни кечгача нохуш юрди, кулмади ҳам, гапирмади ҳам. Мен шоти аравани ҳайдаб ғарам олдига борганимда, Жамила мени гапирмасин деб атайлаб ишга

алаҳситиб, дилини ўртаётган ўй-фикрларини яширишга ҳаракат қилди, у паншаҳасини каттакон пичан ғарамига санчди-да, гўё тоғни ағдараётгандек уни ердан шартта кўтариб, юзини яширганича ғайрат билан пичанни аравага отаверди. Ундан узоқлашар эканман, қайта-қайта орқамга қайрилиб қарардим: янгам паншаҳа дастасига суяниб бир оз хомуш турар, ўйланиб қолар, кейин яна ишга тушиб кетарди.

Мен пешинда аравага охирги марта пичан босар эканман, Жамиланинг ботиб бораётган қуёшга узоқ тикилиб турганини пайқадим. Қуёш дарёнинг нариги ёғида, қозоқ даштларининг аллақаерида ўт ёқилган тандирнинг оғзидек алангаланиб, ҳолдан тойиб, осмонда сузиб юрган паға-паға булут парчаларини қизғиш рангга бўяб, бинафша ранг даштликка сўнгги шуълаларини сочиб, аста-секин уфқ орқасига ўтиб борарди. Жамила қўли билан қуёшни тўсиб, ўша томонда ажиб бир манзара бордек, кўзларини узмай, кулимсираб қараб турарди. Энди унинг чеҳраси очилиб, кўнгли анча кўтарилган эди.

Ушанда Жамила менинг айтмаган, лекин юрагимда тугилиб, тилим учиди турган: «Нега уларга ёндашасан, нега улар билан гаплашасан!»— деган таънамга жавоб бераётгандек:

— Ҳалиги гапларимни кўнглингга олма, кичкина бола,— деб қўйди, энг яқин сирдоши билан дардлашаётгандек.— Усмон ҳам одамми? Ит ҳам бир, у ҳам бир.

Жамила ботиб бораётган қуёшдан кўзини узмай, индамай қолди, кейин гўё менга эмас, ўзига гапираётгандек, яна шундай деди:

— Бундай кишилар кўнглингдагини билармиди... Буни ҳеч ким билмайди. Худо билсин, бундай эркаклар дунёда йўқдир ҳам!

Мен аравани қайтаришга ҳам улгурмасдан қарасам, Жамила аллақачон нариги томонда ишлаётган келинлар олдига югуриб бориб, улар билан чақчақлашиб, қувалашиб юрибди. Оловдек товланиб турган кечки шафаққа қараб кўнгли очилдими, ёки бугун яхши ишлаганидан хурсанд бўлдими, билмадим, ҳар қалай, кайфи чоғ эди. Ҳашак ортилган арава ўстида ўтирар эканман, Жамиланинг қўлларини кенг ёзганча оппоқ дуррасини ҳилпира-тиб чопиб бораётганини кўриб, кўнглим анча таскин топди: «Ҳа, Усмон ўзи киму, унинг сўзи нима бўларди?»

— Чух, жонивор, чух!— деб отга қамчи урдим.

Бригадир Ўрозмат оға айтгандек, сочимни олдириб кетайин деб отамнинг устахонадан қайтишини кутдим. Лекин у келгунча бекор ўтирмай деб Содиқ акамнинг хатига жавоб ёздим.

Дарвоқе, хат ёзишда бизларнинг ўзимизга хос бир таомилимиз бор. Армиядаги акаларим хатни отамнинг номига ёзишарди, почтальон бўлса уларни онамга берарди, хатларни ўқиб бериш, уларга жавоб ёзиш менинг вазифам эди. Хатни ўқий бошлашим биланоқ унда нималар ёзилганини дарров билиб олардим. Чунки ҳамма хатлар эгиз қўзилардек бир-бирига ўхшарди. Содиқ акам ҳар доим хатни «Соғинчли салом хат» деган сўздан бошларди. Кейин: «Етиб маълум бўлсинки, у томонда, яъни гуллаб-яшнаётган Толоснинг салқин ҳавосида соғ-саломат ўйнаб-кулиб юрган жондан азиз, меҳрибон отажоним Йўлчибойга»— деб саломни отамдан бошларди, кейин катта ойимни, сўнгра ишчан ойимни, ана ундан кейин қавм-қариндошларимизнинг соғлигини сўраб, энг охирида: «шунингдек хотиним Жамила ҳам эсон-омон юрибдими?»— деб бир оғиз қистириб ўтарди.

Ота-онаси, қавм-қариндошлари турганда дастлаб хотинини эсга олиш, хатни унинг номига ёзиш одобдан эмас, албатта, бу нарса фақат Содиққа эмас, балки, умуман эркак зотига тўғри келмайди. Бироқ биз шу икки энлик хат олиб турганимизга ҳам минг қатра шукур қиламиз, овулдагилар учун бу бир катта бахт эди. Ойим хатни менга икки-уч марта ўқитиб олгандан кейин, қозон-товоқ, иссиқ-совуққа уравериш ёрилиб кетган қўлларига олиб, гўё учириб юборишдан кўрққандек уни авайлаб уч бурчак қилиб буклаб қўярди.

— Э-э, тумордек хатларингдан онанг айлансин,— дерди у кўзига ёш олиб, оғир хўрсиниб.— Ота-она, қариндошларнинг аҳволини сўрайди-я? Ахир, биз уйдамыз-ку, бизни жин урармиди! Бахтимизга, ишқилиб, сизлар омон бўлинглар, худо ўз паноҳида сақласин. Икки энлик хат ёзиб: соғ-саломат юрибман, деб қўйсаларинг, шунинг ўзи ҳам катта ғанимат.

Ойим хатга яна бир оз термилиб қараб турарди-да, сўнгра уни сандиқдаги хатлар сақланадиган халтачага яшириб қўярди.

Агар шу пайт Жамила уйда бўлиб қолса, у ҳам хатни бир карра ичида ўқиб чиқарди. Жамила ҳар сафар хатни

қўлига олиши билан ўз-ўзидан қизишиб кетар, уни ҳарислик билан тез-тез ўқий бошларди. Лекин хатнинг охирига яқинлашган сайин юзидаги қувонч алангалари сўниб, ранги ўчиб, қошлари яна чимирилиб қоларди. Баъзида хатни охиргача ўқиб чиқишга ҳам сабри чидамай, ҳафсаласи пир бўларди-ю, ғинг демасдан, гўё қарз олган нарсагини қайтариб бераётгандек бўшашиб, хатни ойимнинг қўлига тутқазарди.

Хат сақланадиган халтачани сандиққа бекитаркан, келинининг тумшайиб қолганини пайқаган ойим унга тасалли берган бўларди:

— Хабар келганига қувониш ўрнига хафа бўлганинг нимаси, болам. Ёки фақат сенинг куёвинг аскарликка кетганми? Барчага баробар мусибат, сабр қил... Кўз очиб кўрган ёрини ким соғинмайди дейсан. Соғинсанг ҳам сир бой берма, ичингда сақла.

Жамила бўлса миқ этмасди. Лом-мим демаса ҳам, паришон чехраси гўё: «Эҳ, кошки эди тушунсангиз!» деяётгандек бўларди.

Содиқ акам бу хатини ҳам Саратовдан, госпиталдан ёзган эди. Худо хоҳласа, кузнинг ўрталарига бориб қоларман, дебди. Илгари ҳам шундай деб ёзганида биз жуда қувонган эдик.

Отам ишдан қайтгач, тезда сочимни олдирдим, уйда қолмай, отларни бедазорга қўйиб юбордим-да, ўзим ҳар кунгидек хирмонда тунадим. Раисимиз молларни бедазорга ёйишга рухсат бермасди, бироқ мен отларим яхши тўйсин деб уларни кўздан овлоқ жойдаги бедазорга тушовлаб қўярдим, Буни ҳеч ким билмасди. Бу сафар аравани хирмонда қолдириб борсам, пастликда яна тўрт от ўтлаб юрибди. Жаҳлим чиқиб, уларни чеккароқ жойга ҳайдаб юбормоқчи бўлдим. Бироқ отларнинг иккитаси бригадир айтган ўша Дониёрники эканини таниб қолдим. Мен, эртадан бошлаб баримиз бир бригада бўлиб, станцияга бирга қатнаймиз, деган ўй билан отларга текканим йўқ. Сўнгра хирмонга келсам, Дониёр ҳам шу ерда экан. У эндигина аравасининг ғилдираklarини мойлаб бўлиб, ўқнинг гайкаларини бураётган экан.

— Дониёр ака, отлар сизникими?— деб сўрадим ундан.

У менга бир қараб қўйди-да:

— Иккитаси меники,— деди.

— Қолган иккитаси-чи?

— Ҳалиги, ҳа, ёти нима эди, Жамиламиди, ўша кейиники. Айтмоқчи, у сенинг янганг бўладими?

— Ҳа, янгам бўлади.

— Бўлмаса, бугун кечаси Сеит қараб турсин, деб бригадирнинг ўзи ташлаб кетди.

«Яхшиям уларни ҳайдаб юбормаган эканман-а!»— деб қўйдим ичимда.

Кеч кириб, тоғдан эсган майин шабада ҳам тиниб, хирмон жимжит бўлиб қолди. Дониёр ҳам мен ётган сомон устига келиб ёнбошлади. Лекин кўп ўтмай яна ўрнидан турди-да, сой бўйига томон кетди. У тик жар ёқасига борди-да, бошини сал қийшайтириб, қўлларини орқасига қилганича туриб қолди. Орқасидан қараганда унинг гавдаси ой ёруғида кўзга аниқ ташланиб турарди. Дониёр, афтидан, мудроқ сокин тун уйқусини бузиб, тошлардан тошларга урилиб, шариллаб оқаётган сой сувининг мусиқий оҳангини ё бўлмаса бошқа бир қулоқ илғамас товушларни тинглаётгандек қимир этмай турарди.

«Одатича сой бўйига бориб тунамоқчи шекилли» — деб кулиб қўйдим мен ўзимча.

Дониёр овулимизга яқиндагина келганди. Пичан ўроғи энди бошланган кезлар эди. Бир куни битта бола чошиб келди-да, овулга бир ярадор аскар қайтди, лекин кимлигини ўзим ҳам билмайман, деб қолди. Овулда биров аскардан қайтиб келгудек бўлса, кўргани ҳамма ёпирилиб борарди. Аммо бу сафар фронтдан келган кишининг насл-насаби номаълум бўлгани учун, ўроқчилар тозаёям шов-шув кўтаришди.

— Бегона дейишади-ку.

— Бегона бўлса бизнинг овулга келармиди?

— Шуни айт-а.

Шундай қилиб, у ким экан, ўзимизнинг қариндош-уруғимиздан битта-яримтасининг боласи бўлмасин тағин, дейишиб, бир тўда одам овулга ҳам бориб келишди.

Кейин билишса, Дониёр асли шу ерлик экан. Айтишларича, у ёшлигидан етим қолиб, ҳар кимларнинг эшигида юрган, охири Чақмоқдаги қозоқ тоғалариникига кетиб қолган, шу-шу, болани излаб боргудек биронта ҳам жонкуяри бўлмаган экан. Шундай қилиб, у эл-уруғнинг ёдидан ҳам чиқиб кетган экан. Овулдан кетиб қолганидан кейинги ҳаёти тўғрисида эса Дониёр унчалик ёзилиб гапирмаганмиш. Бироқ ҳозир ўйлаб кўрсам, унинг тортмаган азоб-уқубатлари қолмаганга ўхшарди.

Турмуш бу муштдек болани не кўйларга солмаган, тирикчилик дардида у қаерларга бош урмаган. Дониёр кўп вақт Чақмоқ даштида кўй боқиб юриб, вояга етгач, жазирама чўлларда канал қазиган, янги тузилган пахта совхозларида пахта экиб, экин суғориб, охири Тошкент яқинидаги Оҳангарон шахталарида ишлаб, ўша ердан армияга кетган эди.

Хуллас, Дониёрнинг армиядан кадрдон овулга қайтиб келганига овулдагилар хурсанд бўлишганди; бечоранинг туз-насибаси узилмаган экан, мана охири ўз элига қайтиб келди! Шунча йил четда юрса ҳам, тилимизни эсдан чиқармабди-я. Бироқ тили сал-пал қозоқчага тортиб кетади, дейишарди.

«От айланиб қозиғини топади, деганлар. Туғишган ер, эл-юртни унитиш осонми! Келганингга биз ҳам, ота-боболарингнинг арвоҳи ҳам хурсанд; гирмонни енгиб, тинчлик бўлса, сен ҳам уй-жой қиларсан, бола-чақали бўларсан» — дейишарди кексалар. Улар Дониёрнинг етти пуштини суриштириб, унинг қайси уруғдан эканлигини, овулдаги баъзи бир туғишганларининг кимлигини ҳам айтиб беришди. Хуллас, овулдагилар: «Дониёр дунёга янги келгандек бўлди» дейишадиган бўлишди.

Орадан кўп ўтмай бир куни бригадир Урозмат шинелини елкасига ташлаб, чап оёғига сал оқсоқлаган новча, бўйни узун бир кишини эргаштириб келди. Йўрға байталани гижинглатиб келаётган пакана Урозматнинг ёнида ҳалиги новча аскар салмоғини ўнг оёғига солиб, орқада қолмай, тез-тез юриб келарди.

Бизлар, пичан ўрадиган машинада ишлаётган болалар Дониёрни биринчи кўришимиз эди. Дониёр яраси яхши битиб кетмаганидан оёғини буколмасди. Уни ўроққа ярмайдиган бўлгани учун биз билан бирга машинага қўйишди. Ростини айтсам, биз уни аввалига унчалик ёқтирмадик. Чунки Дониёр жуда одамови эди, гапиришганда ҳам унинг бутунлай бошқа, фақат ўзигагина маълум бўлган нарсалар тўғрисида хаёл сўраётгани, кишига тикилиб турса ҳам, кўнгли бошқа ёқда эканлиги шундай сезилиб турарди. У оғир хаёлга ботгандек анграйиб турарди. Буни пайқаган кишилар: «Бечора, фронтдан кейин ҳали ҳам ўзини ўнглаб ололмаса керак» деб юришди. Лекин Дониёрнинг ўзини тутишига, қўли қўлига тегмай чаққон ишлашига, ҳаракатчанлигига қараб, уни очиқ-ёриқ, ақлли, гапга чечан одам экан, деб ўйлайсан киши. Балки етимлик



азоб-уқубатини кўп тортганидан у меҳнатчан, лекин камгап, сир-асрорини ҳеч кимга айтмайдиган бўлиб қолганмикин? Эҳтимол, шундайдир. Серсовлат, бўй-басти келишган Дониёрнинг жағи бир-бирига ёпишиб кетган, қовоғи сира очилмас, кўзлари бир хилда ғамгин боқарди. Фақат доим учиб турадиган қошлари унинг юзига ҳусн бериб турарди. Гоҳо-гоҳо у қандайдир бир сирли товуш эшитгандек ҳушёр тортар, қошлари учиб, гўё бир нарсадан хурсанд бўлгандек кўзлари ярақлаб кетарди. Лекин биз бунинг сабабини билмасдик. Бугина эмас, унинг бошқа қизиқ одатлари ҳам бор эди. Қош қорайганда отларни аравадан чиқариб, овқат қачон тайёр бўларкин, деб ўчоқ атрофида дам олиб ўтирардик. Дониёр бўлса ёнимиздаги Қоровул тепага чиқиб, қоронғи тушганга қадар ўша ерда ўтирарди.

«У ерда нима бор экан? У кимни қўриқлайди, у нима-ни қўриқлаяпти» деб кулишардик биз. Кунлардан бирида мен ҳам қизиқиб унинг ёнига чиқиб ўтирдим. Бу ерда айтарли ҳеч нарса йўқ эди. Тоғ этаклари бўйлаб ястаниб ётган бепоён даштлик чуқур денгизга чўкиб бораётгандек, оқшом кўйнида йўқолиб борарди. Дониёр менинг келганимга парво қилмади. У чеҳраси ёришиб, бир тиззасини қучоқлаганича хаёл суриб ўтирарди. У мен англаб етмаган, маъносига тушунмаган аллақандай сирли товушларни бутун вужуди билан берилиб тинглаётгандек туюларди. Баъзан қошлари чимирилиб, кўзлари чақнаб, кучи танасига сиғмаётгандек тўлғанар, гўё ўрнидан ирғиб туриб қулочини ёзганча бутун борлиқни кўксига босиб қучоқламоқчи бўлаётгандек туюларди. Бир қарасанг, қаттиқ чарчаган одамдай яна бўшашиб, ғамгин бўлиб қоларди.

Колхозимизнинг пичан ўрадиган машиналари буралиб-буралиб оқаётган каттакон Гуркуров сойининг бўйларида худди шу Гуркуров сойидек гуркираб юрарди. Пичан ўроғи сойларнинг тўлиб-тошиб оқаётган даврига тўғри келди. Тошдан тошга урилиб, кўпикланиб, пишқириб оққан сув кеч кириши билан яна кўпаярди ва ярим кечага бориб шариллаб оққан овозидан қапада ётган еримда уйғониб кетардим. Қаймоғи олинган сутдек осмонда муздек шабада ғир-ғир эсиб, кўкдаги юлдузлар шуъла сочиб мўралаб турарди. Тун оғушида ҳайқириб оққан сой сувининг тўлқини яна ҳам кучлироқ сезилиб, гўё устимизга босиб келаётгандек туюларди. Биз қирғоқ-

дан олисда бўлсак-да, қапамизни сув оқизиб кетмасмикин, деган ваҳима беихтиёр кўнгилга ғулғула соларди. Дўстларим ҳеч нарсадан хабарсиз, донг қотиб ухлашарди, мен ташқарига чиқиб кетаман.

Тунда сой бўйи ҳам кўркам, ҳам ваҳимали бўлади. Ўглоқнинг у ер, бу ерида ўтлаб юрган отлар қорайиб кўринарди. Ҳамма ёқ жимжит. Отлар шабнам тушган ўтларга тўйиб, дам-бадам пишқиришар ва енгил мудрашарди. Сал нарида Гуркуров суви қутуриб, майда тол новдаларини эгиб, тошларни юмалатиб, сокин тун жимлигини бузиб, гўё ер қаъридан қайнаб чиқаётгандек даҳшат билан шариллаб оқарди. Шундай кечаларда мен доим Дониёрни эслардим. «Дарвоқе, Дониёр қаерда қолди экан?» деб сўрардим ўзимдан ўзим. У доим якка ўзи сув бўйидаги пичан ғарамлари устига бориб ётарди. «Нима бало, у кечаси кўрқмайдами, сувнинг шариллашидан қулоғи битмайдими?»— деган фикр хаёлимдан ўтарди. «У ҳозир ҳам ухлаётганмикин ёки уйғоқмикин? Тавба, ёлғиз сув бўйига бориб ётишнинг нима ҳожати бор экан? Бунинг нима ҳаловати бор? Қизиқ, сира одамларга қўшилмайди-я. У ҳозир қаерда экан?»—деб атрофга назар ташлаб, қулоқ соламан, ҳамма ёқ жимжит. Қирғоқ бўйлаб қия тепалик чўзилиб кетган, тоғ этакларига қоронғилик чўкмоқда, осмоннинг у ер-бу ерида юлдузлар милтиллаб кўринмоқда.

Овулга келганига бир неча кун бўлса ҳам, ўзини четга тортиб, ҳеч кимга қўшилмай юрган Дониёр ошна-оғайни орттира олмади. Бировга ёндашмас, жанжаллашиш, тортишиш нималигини билмас, бировга яхши ҳам гапирмас, ёмон ҳам гапирмас эди. Овулда яхшилик ҳам қилиб, ёмонлик ҳам қилиб, йиғилишларда сўзлаб, тўй ва маъракаларда қариялар билан ёнма-ён ўтириб, элнинг иссиқ-совуғига аралашиб юрган ўктам йигитлар қадр-қимматли бўлиб, дарров оғизга тушадиган, хотин-қизларнинг назарига илинадиганлар ҳам шулар бўларди.

Дониёрга ўхшаб эртадан кечгача тер тўкиб ишлайдиган, лекин ўзини бошқалардан четга олиб юрадиган, ўзи билан ўзи бўлиб, бировга зарари ҳам, фойдаси ҳам тегмайдиган кишилар тўғрисида: «Бир амаллаб кун кўриб юрган бечора-ку» дейишарди. Бизларга ўхшаган ўзи билармон, маҳмадана болалар эса ҳалигидек чинакам, асил йигитлардек бўлишни ҳавас қилиб, Дониёрнинг юз-кўзи олдида бўлмаса ҳам, орқасидан мазах қилардик. Унинг кўйлагини ўзи ювганига ҳам кулар эдик: у армиядан бит-

җа кўйлак билан келганлиги учун ҳам уни қурир-қуримас кийиб оларди. Бироқ, қизиғи шундаки, Дониёр мўмин-қобил бўлса ҳам, биз у билан бемалол, ботиниб гапириша олмасдик. Гап унинг катталигида эмас эди албатта. Чунки у, жуда нари борса, акаларим билан тенг келарди. Шунинг учун ҳам биз у билан сансираб гаплашар эдик. Нима, ўзимизни пастга урармидик. Гарчи Дониёр улўсифат бир одам бўлмаса-да, унинг шундай ҳеч ким билан гапиришмай, вазмин юришида қандайдир бир хосият бордек, шўх, шайтон болалар ундан ҳайиқиб туришарди.

Бунга қисман ўзим ҳам сабабчи бўлдимми дейман-да. Чунки мен одамлардан, айниқса фронтга бориб келганлардан кўрган-билганларини ипидан-игнасиғача гапириб беришни илтимос қилиб, уларни ҳол-жонига қўймасдим, саволман деганни ёғдириб юборардим. Шунинг учун ҳам мен «Сеит хира» деган лақаб орттирганман.

Дониёр келган дастлабки кунларда, мен ундан уруш тўғрисида кўп нарсаларни сўраб билиб оламан деб юрдим. Бир кун ишдан сўнг гулхан атрофида овқат ичиб дам олиб ўтирганимизда Дониёрдан сўраб қолдим:

— Дониёр ака, урушда кўрган-кечирганларингдан бир гапириб бермайсанми?

Дониёр ҳадеганда гапира қолмади. Чамамда, менинг бу гапим унга ёқмади шекилли.

— Уруш дейсанми?— деди у ва худди ўзига жавоб бераётгандек паст овоз билан кўшиб қўйди:— Урушнинг номи ўчсин, уни билмаганларинг яхши!

Дониёр нарида ётган хашакдан катта бир тутам олиб гулханга ташлади ва оловни тез-тез пуфлаб ёндирди-да, ҳеч кимга қарамай қўлларини ўтга тоблаб бошлади. У алангаланиб ёнаётган оловга тикилганча узоқ жим қолди.

Дониёрнинг нега бундай қилганини ким билсин, лекин унинг ўша икки оғиз гапидан ҳам урушни эртақдек эрмак қилиб гапириб бўлмаслиги, у одамнинг юрак-юрагига сингиб кетиши, у ҳақда гапириш ниҳоятда оғир эканлиги шундай сезилиб турарди. Уялганимдан бошимни ердан кўтара олмадим. Шу-шу Дониёрдан уруш ҳақида сўрамайдиган бўлдим. Болалар ҳам унга тегажаклик қилмайдиган бўлишди.

Бироқ, кўриниши тунд, одамга аралашмайдиган Дониёр ўзича якка-ёлғиз юравергани учун унинг армиядан келганлигининг қизиғи ҳам қолмади. Қай бир кишилар:

«Шунчаки бир одам-да» дегандек қилиб уни назарига илмас, бошқа бировлар эса ундан рўйирост кулиб, кўпчилик эса раҳми келиб: «Бошпанасиз, бир амаллаб жон сақлаб юрган бир ғариб-да... Колхознинг далада берадиган иссиқ овқати бўлмаса, тенти раб кетиб қолармиди... Ўзиям, қўйдек ювош экан...»— деб ачиниб гапиришарди. Бора-бора кишилар Дониёрга кўникиб қолишди шекилли, уни бошқа гап қилмайдиган бўлишди. Одамларнинг у билан иши бўлмайд қўйди.

\* \* \*

Эртаси саҳарлаб Дониёр иккаламиз отларни хирмонга олиб келдик, шу пайт Жамила янгам келиб қолди. У бизни кўриши билан узоқдан кичқирди:

— Эй, кичкина бола, қайсиси менинг отларим, бу ёққа ҳайдаб кел! Хомутлари қани?— деб умри бўйи аравакашлик қилган одамдек, ғилдираклари жойидамикин дегандек тепиб кўрар, у ёқ-бу ёғини синчиклаб кўздан кечирарди. Биз Дониёр билан отларни етаклаб, хирмонга яқинлашиб келганимизда, иккаламизнинг афти ангоримиз Жамилага ғалати кўринди шекилли, у бир кулимсираб қўйди, Дониёрнинг узун ва ориқ оёқларидан кўнжи кенг солдатча этиклари чиқиб кетгудек бўлиб шалвираб турарди, мен бўлсам, қорайиб, тошдек қотиб кетган оёқларим билан отни ниқтаб келардим.

— Ўхшатмагунча учратмас, деганларидек, жуда топишибсизлар-ку.— Шу-шу гўё бизнинг жиловимизни кўлига олгандек, у буйруқ қилаверди:— Қани тез-тез бўлинглар, урушда туриш йўқ, эртароқ салқинда жўнай қолайлик,— деб отларини аравага қўша бошлади.

Жамила, Дониёрнинг бори ҳам, йўғи ҳам билинмайди, дегандек, уни назарига илмасди. Гапиришса ҳам мен билан гаплашарди. У биздан қолишмай елиб-югуриб ишларди. Жамиладаги бу жасорат, айниқса ўзини катта олиб гапириши Дониёрга қаттиқ теккандек бўлди. Дониёр чаккаси тиришиб, уни ҳам ёқтирмагандек, ҳам ҳайратда қолгандек, тумшайиб тескариб бурилиб олди. Жамила буни пайқаган ҳам йўқ. Дониёр тарози устидаги қоплардан бирини индамай даст кўтариб аравасига ташлаганда, Жамила унга ёпиша кетди:

— Бу нима қилиқ, ҳар ким ўз билганича ишлайверадими! Қани, кўлингни бер, кўллашгани худо кўллайди! Ҳой кичкина бола, аравага чиқ, қопларни жойлаштир!

Жамила Дониёрнинг қўлидан шартта ушлаб, қопни икковлашиб кўтарганида, Дониёр уялганидан қип-қизариб кетди. Шундан кейин ҳам улар қопларни қўллашиб кўтариб босишди, қўллари бир-бирига чирмашиб, қоп устидан аста сирпаниб тушаркан, Дониёр ўнғайсизланиб унга қарамасликка ҳаракат қиларди. Жамила бўлса парвойи фалак, ҳар сафар тарозчи хотиннинг ёнига келганида, у билан ҳазил-ҳузул қилиб, ҳиринг-ҳиринг кулишарди. Жўнаш олдидагина у кўзини бир қисиб қўйиб, Дониёрга:

— Ҳой йигит, исминг нима, Дониёрмиди, кўринишдан эркакка ўхшайсан-ку, қани йўл бошла!— деди.

Дониёр бу сафар ҳам миқ этмади, Жамилага чўчигандек бир қараб қўйди-да, аравани ҳайдаб кетди. «Оббо шўринг қурғур-эй, мунча уялмасанг!»— деб ачиниб қўйдим унга.

Йўл олис, даштдан йигирма чақиримча йўл босиб, Қоратоғ дарасидан ўтиб, станцияга бориш керак. Шуниси яхшики, хирмондан то станциягача йўл қиялаб боради, отларга ҳам анча енгил эди. Улуғтоғ тоғининг этагидаги кўм-кўк дарахтлар ичига кўмилган овулимиз то дарадан чиқиб кетгунча, худди кафтдагидек аниқ кўриниб турарди. Даранинг этагидан эса темир йўл кесиб ўтади.

Шундай қилиб, биз ҳар куни станцияга ғалла ташиб юрдик. Овулдан эрталаб чиқиб, станцияга пешинда етиб борамиз. Тақир йўлдаги шағал арава ғилдираклари остида ғичирларди. Кун исиган сайин отларнинг яғринларидан тер қуйилиб оқарди...

Саратоннинг жазирама қуёши ҳамма ёқни қовжира-тиб куйдиради. Станцияга келсанг от-араванинг кўплигидан қадам босолмайсан. Тоғ этагидаги узоқ колхозлардан эшак ва ҳўкизларга ғалла ортиб келган болалар билан хотинларнинг кийимлари тердан шўри чиқиб, чанг босган бетлари қорайиб куйиб, шамолдан лаблари ёрилиб яланг оёқ, яланг бош ҳориб-толиб келардилар. Заготзернонинг ҳовлиси қий-чув бўлиб, унинг дарвозасига: «Ҳамма ғалла фронт учун!» деган шиор ёзиб қўйилганди. Пахса билан айлантириб олинган пастқам ҳовлининг ташқарисида вагонларни бир-бирига улаб юрган паровоз қайноқ буғ чиқариб, қумурсқадек тинмай ҳаракат қиларди. Сал на-ридан поездлар қулоқни кар қилгудек даражада бўқири-шиб ўтишади. Худди дарвоза олдида чўктирилган туялар ўрнидан тургиси келмай, жини кўзиб, кўпик сочиб овозининг борича бўқирарди.

Каттакон коппоннинг ичига ғалла тоғ-тоғ қилиб уйиб ташланган. Ғалла солинган қопларни орқалаб тахта трапдан ана шу уюмларнинг тепасига олиб чиқиб тўкиш керак. Коппоннинг қизиган тунука тоmidан чиққан бўёқ аралаш темир ҳиди буғдой чанги билан бирга қўшилиб димоғни қичитарди.

Уйкусизликдан кўзлари қизариб кетган омборчи паст-да қўлини пахса қилиб сўкинарди:

— Ҳой бола, кўзингга қара, устига чиқариб тўксанг-чи!

У нега сўкинади? Сўкинмаса бўлмайдими! Уша ерга олиб чиқиб тўкиш кераклигини ўзимиз ҳам биламиз-ку.

Биз бу ердагина эмас, балки даланинг ўзида, ерга дон ташланган кундан меҳнат қиламиз. Ёш-яланг, хотин, болаларимиз ёз бўйи тинмай парвариш қилади, комбайнчиларимиз ҳар куни юз марталаб бузиладиган, парти кетиб, шарти қолган комбайнни бир нафас ҳам тўхтатмай, саратоннинг жазирама кунларида ҳам даладан чиқишмайди. Ҳозир ҳам далада ўроқчилар тонг саҳардан қоронғи кечгача сизлаб оғриган белларини ёзолмай ғалла ўрмоқдалар, бир қарич болалар битта ҳам бошоқни қолдирмай териб олмоқдалар. Уша кунларда биз барча топган-тутганимизни фронтга жўнатамиз, бу бизнинг ғалабага кўшган тер билан қонимиздир.

Ҳали-ҳали эсимда, ёш бола эканман, забардаст йигитлар кўтарадиган катта-катта қопларни елкамга ташлаб, унинг бир бурчагидан маҳкам тишлаб трапдан юқоригача чиқар эканман, қовурғаларим майишиб, кўзларим тиниб кетарди. Қадам сайин трапнинг тахталари эгилиб, коппон ичидан кўтарилаётган чанг аралаш ғубор ўпкани қисарди. Неча марта ҳолдан тойиб, орқамдан сирғалиб тушиб бораётган қопни елкамдан ирғитиб, ўзим ҳам сакраб юборгим келарди. Лекин орқамдан ҳам қоп кўтарган одамлар келарди. У ҳам менга ўхшаган бир ёш боладир, ё бўлмаса тушиб-чиқиб юрган аёлларнинг биридир. Агарда уруш бўлмаганда бундай оғир юкни уларга ким кўтартириб кўярди. Шундай оғир ишга аёллар чидаш бераётганда нолишга ҳаққим борми?

Ана, олдинда Жамила янгам боряпти. Этагини қистириб олган, унинг буғдой ранг чиройли оёқ мускуллари таранг тортилиб, пайлари узилиб кетгундек бўлади. У гўё юкини енгиллатаётгандек букилиб, эгилиб оғир қадам

ташлаб борарди. Гоҳ-гоҳ у менинг қолдан тойиб бораётганимни сезгандек тўхтаб қоларди-да:

— Бўшашма, кичкина бола, оз қолди!— деб қўярди. Бироқ ўзи ҳам қаттиқ чарчаганидан овози бўғилиб чиқарди.

Буғдойни тўкиб, орқага қайтаётганимизда, доим Дониёрга дуч келардик. У одати бўйича ҳеч кимга қўшилмай, жимгина, салмоқ билан оёғини оқсоқланиб босарди. Биз унга ёндашганимизда, оғир тортган бўйини чўзиб, қистирилган кўйлагининг барини ёзиб келаётган Жамилага Дониёр энкайганича қовоқ остидан тикилиб ўтарди. У Жамилани гўё биринчи марта кўраётгандек ҳамиша ана шундай тикилиб қарарди. Лекин Жамила бунга сира эътибор бермасди. Бирга ишлаганмиздан буён уларнинг бирон марта ҳам очилиб гаплашганини кўрганим йўқ. Жамила баъзан шунчаки ҳазиллашиб, тегишиб кулиб гапирса, баъзида мутлақо иши бўлмасди. Бу унинг кайфиятига боғлиқ эди. Ҳуши келса, йўлда келаётиб Жамила менга: «Қани, чуқ де, кичкина бола, кетдик!»— дерди-да, ўтирган еридан сапчиб туриб, қийқириб, қамчинини ўйнатганча аравани ҳайдаб кетарди. Мен ҳам ундан қолишмасдим. Ҳаш-паш дегунча олдинда бораётган Дониёрни қувиб ўтиб кетардик. Дониёр орқада чанг-тўзон ичида қоларди. Аслида бу ҳазил бўлса-да, лекин бундай ҳазилга ҳамма ҳам чидайвермасди. Бироқ Дониёр ёнинг демас, ранжирмас эди. Биз чанг-тўзон кўтариб, унинг ёнидан тасиратусур қилиб ўтиб кетсак ҳам, у гўё айбдор кишидек мулойимгина кулимсираб, аравада тик турганича отларга устма-уст қамчи босиб бораётган Жамилага ажабланиб, индамай қараб қоларди. Унинг жаҳли чиқдимикин деб орқамга қайрилиб қараганимда, чанг қуюни ичида қолган Дониёрнинг мамнун бўлгандек Жамиладан кўзини олмай тикилиб турганини пайқардим. Унинг бу қарашида ўта кўнгилчанлик, олижаноблик билан бирга, юрагини куйдираётган аллақандай сирли бир ҳасрат борлиги сезилиб турарди. Жамиланинг бу қилиқларини, истехзоли кулишларини, ёнидан гўё менсимаган кишидек индамай ўтишларини Дониёр ҳечам кўнглига оғир олмас, барига чидаб, бир оғиз сўз қайтармас эди. Баъзида Дониёрга раҳмим келиб:

— Қўйдай ювош одамнинг дилини оғритганинг нимаси, янга?— десам, Жамила менга:

— Ке, қўй, шуни гапирма!— деб қўлини силтаб кулиб

қўярди.— Э, шунчаки бекорчиликдан ҳазиллашаман-да. Нима, бирон жойи камайиб қолармиди!

Бора-бора янгамга қўшилиб мен ҳам ҳазил-ҳузул қиладиган бўлдим. Чунки Дониёрнинг Жамилага маъноли тикилиб қарашлари менга ғалати туюла бошлади. Айниқса Жамила қоп кўтарганида Дониёр кўзининг қири билан унга тикилиб қоларди. Ҳар ким ўзи билан ўзи овора бўлиб, кўпчилик иш билан алаҳсиб, буни пайқамайди, деб ўйлайди шекилли. Аравакашлар қийқириғи, от-араваларнинг кўплигидан станциянинг худди бозорга ўхшаб кетган тўс-тўполон ҳовлисида Жамила қанчалик қийналмасин, сира бўш келмай елиб-югуриб ишлаганидан, қаҳқаҳа уриб кулганидан у ҳаммадан ажралиб кўзга яққол ташланиб турарди. Жамила арава четига қўйилган қопларни кўкрагини кериб елкасига оларкан, қоп-қора, қўнғир соч ўримлари ерга тегай-тегай деб кетар, салмоқ билан орқасига бурилганида эса, қисик кўзларининг қорачиғлари киприклари орасидан ялт этиб кўринарди. Ушанда қоп кўтарган Жамила коппоннинг эшигига етгунга қадар Дониёр уни зимдан кузатиб қоларди. Мен буни пайқаб юрардим. Ҳадеганда кўнглимга оғир олмаган бўлсам ҳам, лекин кейинчалик Дониёрнинг янгамга бундай зимдан назар ташлаб юриши менга ёқмади, ҳатто иззат-нафсимга теккандек бўлди: ҳеч кимга раво кўрмай, қизганиб юрсаму, Жамилага бошқалар қолиб, Дониёрбой кўз тикса-я. «Дониёрки Жамилага кўз тикдим, бошқалардан хафа бўлмасам ҳам бўларкан! Тавба!»— дердим жаҳлим чиқиб ўзимга ўзим.

Энди Дониёрни мўмин-қобил йигит деб аямоқ у ёқда турсин, ёмон кўра бошладим. Шундан кейин мен яна янгамга қўшилиб, уни масхара қила бошладим. Аммо, бу ҳазилимизнинг таги зил бўлди.

Ҳалла ташиб юрган қопларимиз орасида олачадан тикилган етти пудлик катта бир қоп бор эди. Ҳамиша янгам икковимиз уни коппонга олиб бориб ерга тўкардик, чунки уни бир киши кўтаролмасди. Бир куни хирмонда араваларга юк ортаётиб, янгам билан бирга ҳалиги катта қопни Дониёрнинг аравага ташладик-да, устидан бошқа қопларни бостириб қўйдик. Қани, нима қилар экан, деб ўйладик ўзимизча.

Хирмондан кун чиқарда жўнаб кетдик. Йўлда рус қишлоғида бировнинг боғига кириб, Жамила икковимиз олма ўғирлаб чиқдик-да, йўл-йўлакай қаҳқаҳлаб кулишиб



кетдик: Жамила бора боргунча Дониёрга «илиб ол!» деб олма отиб борди. Олма тугагандан кейин биз одатдагича уни чанг-тўзонда қолдириб, анча узоқлашиб кетдик. Дониёр дарадан чиқа беришдагина бизни қувиб етди, темир йўл берк экан, унинг очилишини кутиб туришга тўғри келди. Бу ердан то станциягача бирга келдик. Бу орада ҳалиги етти пудлик қоп ёдимиздан кўтарилиб кетибди, хаёлимизда ҳеч гап йўқ, ғаллани ташиб бўлай деб қолдик. Бир маҳал Жамила биқинимга туртиб, Дониёрни кўрсатиб бир кулиб қўйди. Дониёр арава устида турган экан. «Буни нима қилсам экан?» дегандек ҳалиги катта қопнинг у ёқ-бу ёғига қараб турарди. Сўнгра у Жамиланинг қиқир-қиқир кулаётганини пайқаб қолиб, бизнинг синамоқчи бўлганимизни сезди шекилли, қипқизариб кетди.

— Ҳой, иштонингни баланд кўтар, тушиб кетмасин тағин!— деб қичқирди Жамила.

Дониёр унга бир ўқрайиб қаради-да, қопни нари-бери суриб араванинг четига келтирди, сўнгра уни бир қўли билан суяб туриб, ерга сакраб тушди. Ҳаш-паш дегунча бўлмай, зилдек қопни бир силтаб елкасига олди-да, коп-пон томон юра бошлади. Биз, қани, нима қилар экан, деб ўзимизни гўлликка солиб, сир бермай турдик, бошқалар ҳам унга парво қилишгани йўқ. Ҳамма ҳам қоп кўтариб юришибди-да, ким билан кимнинг иши бор дейсиз. Аммо Дониёр трапга яқинлашганда Жамила унинг орқасидан югуриб кетди:

— Буни қаерга олиб боряпсан, эсинг жойидами ўзи, шу ерга ташла, нима, ҳазилни тушунмайсанми?

— Наридур!— деб Дониёр уни жеркиб солди.

Шохи синган Жамила ўнғайсизланиб, трапдан чиқиб кетаётган Дониёрнинг орқасидан кулиб қараб:

— Бу ўлармонни қаранглар, кўтариб кетди-я!— деб худди айбли кишидек илжайиб, ўзича тўнғиллаб қўйди. Гарчи Жамила ҳадеб қиқир-қиқир кулса ҳам, борган сари унинг кулгиси сунъийлашиб, ўзини ўзи зўрлаб кулаётгандек бўлиб туюлди. Дониёр қопни кўтариб борар экан, ярадор оёғига зўр келиб, оқсай бошлаганидагина, биз уни қандай азобга қўйганимизни тушундик.

Дониёрнинг оёғи ярадор эканини нега илгарироқ ўйламадик ахир? Эҳ, болалигим қурсин-а, шу гап мендан чиқди-я!

— Орқанга қайт!— деб қичқирди Жамила кулги ара-

лаш. Бироқ энди бунинг иложи йўқ эди. Чунки орқасидан ҳам қоп кўтарган одамлар келишаётган эди.

Мен эсимдан оғаёзиб, кейин нима бўлганини билмайман. Кўз ўнгимда ўша каттакон қора қопни кўтарган Дониёр. У, букилиб, трапдан ер бағирлаб юқорига чиқиб борарди. Ярадор оёғини авайлаб босар, унга зўр келмасин деб қанчалик уринмасин, бари бир, ҳар қадам ташлаганда оғриққа чидаёлмай, тишини тишига қўйиб, бошини чайқарди. У юқорилаган сари устидаги оғир қоп елкасига миниб олган бало-қазодек уни баттар босар, у тобора кўп чайқаларди. Янгам билан ўйламай қилган бу қилмишимизга азбаройи уялганимдан ер ёрилса-ю, ерга кириб кетгундек бўлдим, қўрққанимдан юрагим орқамга тортиб кетди. Қоп кўтарган Дониёр эмасу, гўё мен ўзимдек, оёқларим зирқираб, кўз ўнгим қоронғилашиб кетди.

Дониёр яна тўхтаб, қопни тишлади-да, кўзини юмди. Менинг ҳам бошим айланиб, ер ўпирилиб кетаётгандек бўлди. Бир нафас ҳеч нарсани билмай қолдим.

Кимдир билагимни чангаллаб, синдириб юборгудек сиқиб ушлади. Бундай қарасам, Жамила экан. Қўрққанидан мурдадек оқариб кетган, лаблари дир-дир титраб, кўзларини катта очганча Дониёрга термилиб турарди. Атрофимизни омборчи ва бошқалар ўраб олишибди. Улар ҳам нима гаплигига тушунмай, Дониёрга ҳайрон бўлиб қарашарди.

Мана, Дониёр юриб бораётиб сирғалиб кетаётган қопни ўнглаб олай деб бир силкиди-ю, лекин оғирликка ортиқ тоб бера олмай, чўккалай бошлади.

— Ташла! Ташла қопни!— деб қичқириб юборди Жамила. Дониёр қулоқ солмади. Орқада келаётганларга тегиб кетмаслиги учун қопни трапнинг четидан пастга ташлаб юборса бўларди. Бироқ у ўжарлик қилиб қопни кўтарганича тураверди. Жамиланинг овозини эшитиши билан яна оёқларини ростлаб, олдинга қараб илтилди. Бир-икки қадам юриб орқага тисарила бошлаганида, тарозибоннинг жон-пони чиқиб кетиб, овозининг борича қичқириб юборди:

— Ташла! Ташласанг-чи, ит эмган!

— Ташла!— деб бошқалар ҳам қичқиришди.

Дониёр бу сафар ҳам ўз билганини қилиб, чайқалиб-суриниб илгари босди.

— Йўқ, у қопни ташлайдиган эмас. Ўз айтганини қиладиган йигитга ўхшайди,— деди кимдир қўл силтаб.

Энди, фақат ҳалиги одамгина эмас, балки ёнимизда турган бошқа одамлар ҳам, унинг орқасидан қоп кўтариб бораётган кишилар ҳам бунда бир сир борлигини сезишиб, Дониёр қоп билан бирга қулаб тушмагунча уни ташламаслигига ишонч ҳосил қилишди.

Ҳамма бир зум жим бўлиб қолди.

Коппоннинг орқасида паровоз зир югуриб вагонларни бир-бирига уламоқда. Дониёр юқорига юк тортиб чиқиб кетаётган отдек илгарилаб борарди. У чайқалиб йиқиладигандек бўлса, шартта тўхтаб, куч тўплар, кейин яна олдинга қараб интиларди. Дониёрнинг орқасидан келаётган одамлар ҳам ноилож у тўхтаганда тўхтаб, у юрган-да юришарди. Уларнинг ҳам тинкаси қуриб, қора терга ботиб кетишганди. Бироқ улардан биттаси ҳам Дониёр билан сен-менга бормади. Улар тойғоқ йўлдан гўё бир-бирларига кўринмас ип билан боғлангандек турна қатор бўлиб жим боришарди. Борди-ю, биттаси тойиб кетгудек бўлса, бошқалар ҳам хароб бўладигандек туюларди. Уларнинг индамай қадам ташлашларида, бир хил чайқалишларида кучли ғайрат ва шижоат, ҳамкорлик сезилиб турарди: Дониёрнинг орқасидан келаётган аёлнинг оёғи чалишиб, йиқилишга сал қолди-ю, шунда ҳам у ўзига эмас, Дониёрга худодан мадад сўраётгандек унга раҳмдиллик билан термилиб қарайди. Мана, оз қолди. Дониёр яна бир зўр берса маррага етадигандек кўринарди. Лекин Дониёр яна гандираклаб, ярадор оёғи унга итоат қилмай қўйди. Агар у елкасидаги қопни ташлаб юбормаса, ўзининг ҳам қулаб кетиши мумкин эди.

— Югур! Орқасидан суяшиб юбор!— деб қичқирди Жамила менга. Ўзи бўлса гўё Дониёрни ушлаб қолмоқчи бўлгандек қўлларини олдинга чўзарди. Мен трапдан юқорига югурдим: қоп кўтарганлар орқасидан сиқилиб ўтиб, Дониёрга етиб олдим. У қўлтиғи остидан менга бир қараб олди. Бетидан тер қўйилиб, манглай томирлари бўртиб чиқиб, кўзига қон тўлиб кетган эди. Мен унга кўмаклашмоқчи бўлган эдим, Дониёр менга:

— Нарн тур!— деди зарда билан, кейин қопни бир силкиди-да, бор кучини тўплаб, яна олдинга интилди.

Дониёр қавариб, қадоқ бўлиб кетган қўлларини шаявиратиб, оқсоқланиб трапдан тушганда, пастдагилар лом-мим дейишмасдан йўл беришди. Фақат тарозибонгина ўзини тутолмай жаҳли чиқиб Дониёрни койиб кетди:

— Нима, сени жин урдими, ё эсингни едингми? Ёки

мени одаммас деб ўйладингми, ахир бир оғиз айтсанг, пастга тўктирардим-ку. Бундай оғир қопни кўтарсин деб сенга ким айтди?

— Ишинг бўлмасин, ўзим биламан,— деди Дониёр секингина, сўнгра, чирт эткизиб тупурди-да, араваси томон кетди. Орқасидан Жамила:

— Ҳазилни тушунмаган тентак!— деб пичирлаб қўйди.

Шундай деди-ю, бошини ердан кўтара олмади. Дониёр буни уқдими-уқмадими, ҳар қалай, янгам икковимиз унинг юзига тик қарай олмас эдик.

Йўл бўйи ҳам биронтамиз оғиз очганимиз йўқ. Дониёрнинг-ку камгаплиги ҳаммага маълум, сўзга нўноқ. Айниқса, бугунгисига тушунолмайд ҳайрон эдик, у биздан хафами, юз кўришмайдиган бўлдими, ё оқ кўнгиллик қилиб, ҳамма гапни унутиб юбордими, билмасдик. Бизнинг сукут сақлашимизнинг боиси бор эди: бир томони, уялганимиздан юзига қараёлмасак, иккинчидан, ҳазилимизни кўнглига оғир олиб юргани учун ундан хафа эдик.

Эрталаб ғалла қоплаётганда Жамила бу касофат қопни олди-да, уни чок-чокидан шир-шир йиртиб юборди.

— Ма, топган матоингни бошингга ур! Бригадирингга айтиб қўй, иккинчи марта бундай қопларни бера кўрмасин,— деб ҳалиги йиртилган қоп парчаларини тарозибоннинг олдига отиб юборди.

— Ҳой, ақлинг жойидами, бу нима қилганинг?

— Ҳеч нима!..

\* \* \*

Эртасига ҳар кунгидек станцияга келиб, қош қорайганда яна овулга йўл олдик. Дониёр олдинда кетиб борар эди. Унинг кўнглидаги хижили ёзилдими-йўқми, била олмадик, зотан, буни билиш осон эмасди. Худди ўрта-мизда ҳеч гап ўтмагандек, Дониёр индамай ишини қилаверди. Шуниси борки, ярадор оёғи кўпроқ лат еган бўлса керак, у қаттиқроқ оқсаб, айниқса қоп кўтарганда қийналиб юрди. Гарчи у ҳеч нарса демаса ҳам, унинг юриш-туриши гуноҳкор эканлигимизни эслатиб, кўнглимизни оғритар эди. Лоақал Дониёр сал-пал ҳазиллашиб, кулиб қараса ҳам майли эди, кўнглимиз равшан тортарди.

Жамила оддан тушса ҳам, эгардан тушмай, гўё кўнг-

лида ҳеч гап йўқдай ҳазил-ҳузул қилиб юраверди. Лекин ич-ичидан эзилиб, хафа бўлиб юрганини аниқ сезардим.

Мана, овулга кетиб боряпмиз. Латофатли ажойиб тун.

Сутдек ойдин август кечаларини ким билмайди дейсиз. Осмондаги юлдузлар узоқ-узоқлардан мўралашса ҳам, гўё улар шундай яқиндан ҳар бири ўзича нур сочаётгандек туюларди.

Юлдузлар чарақлаган шундай гўзал кечада биз дара бўйлаб келардик. Отлар гўё уйга шошилаётгандек тобора тез йўрғаларди. Майда шағал от туёқлари ва арава филдираклари остида ғирчиллаб, атрофга учиб чиқарди. Ғир-ғир эсиб турган майин шабада эрмананинг аччиқ иси билан ғарқ пишган ғалланинг хушбўй ҳидини димоққа келтириб урарди. Буларнинг ҳаммаси отларнинг терга ботган эгар-жабдуғидан чиқаётган ҳид билан қўшилиб бошни айлантитар эди. Йўлнинг бир томонида наъма-таклар билан қопланган қоялар қад кўтариб турарди, йўлнинг иккинчи томонида, пастликда, тол ва ёввойи терраклар орасидан Гуркуров жўш уриб оқарди. Орқада кўприкдан тарақа-туруқ қилиб ўтаётган поездларнинг янгроқ гудоги олис-олислардан ҳам эшитилиб турарди.

Бундай сўлим тунда йўл юришнинг ўзига яраша гашти бор. Тун қучоғида балиқдек сузиб бораётган отларнинг сағрисига қараб бориш, сон-саноксиз ҳашаротларнинг ёқимли «чир-чирига» қулоқ солиш, шамол димоққа ураётган хушбўй ҳидларни тўйиб-тўйиб шимириш қандай яхши!

Жамила олдимда кетиб борарди. У тизгинни бўш қўйиб, атрофга суқланиб қарар, ўзича аллақандай ашулани хиргойи қиларди. Бизнинг оғзимизга талқон олгандек жим келаётганимиздан Жамиланинг тоқати-тоқ бўлаётганини сезиб турардим. Шундай кечада жим юриб бўладими? Юрагида ўти бор одам шундай гўзал табиат манзарасини кўриб жим тура оладими?!

Йўқ, Жамила жим туролмади, у овозини барала қўйиб куйлаб юборди. Менимча, унинг яна бир бошқа нияти — Дониёрнинг кўнглини очиб, хафачилигини ёзмоқчи бўлса керак. Зотан, одамлар бир-бирларининг гуноҳларини кечирмасмикин деб иккиланиб турган пайтда қандайдир бир туртки керак бўлади-ку. Эҳтимол, Жамила шу фикрга боргандир, хуллас, у бир силкиниб қўйди-да, қалбидан қайнаб чиқаётган янгроқ овоз билан куйлаб юборди:

Шоҳи рӯмолинг боғлаб,  
Ёнимда юрсанг яйраб...

Жамила бундай шўх-шўх лапарларни жуда кўп биларди. Унинг ашуласи кишига ором бағишларди. Жамила, ашуласини бир зум бўлиб, олдинда бораётган Дониёрга кичқирди:

— Ҳой, бўшанг йигит, овозингни бир чиқарсанг-чи! Йигитмисан ўзинг?

Дониёр аравасини тўхтатди-да, орқасига қайрилиб:

— Куйлай бер, Жамила қулоғим сенда,— деб қўйди тортиниб.

— Нима, бошқаларнинг қўшиқ эшитгиси келмайди, деб ўйлайсанми?— деди кесатиб Жамила.— Айтмасанг— айтма, таранг қилишини қара-ю!

Шундан сўнг у «сен айтмасанг мен айтаман» дегандек, Дониёрга ўчакишиб яна ашулани олди. Унинг нима учун Дониёрни ашула айт деб қистаганини билолмадим. Гапга солмоқчи бўлдимикин? Шундай бўлса керак, чунки бир оздан кейин Жамила яна илтимос қила бошлади:

— Ҳой, Дониёр, умрингда бировни севганмисан?— деди-ю, нима учундир кулиб юборди.

Дониёр жавоб қайтармади, Жамила ҳам чурқ этмай қолди. Дара ичига бир нафас жимлик чўкди. Фақат ғилдиракларнинг дукур-дукур овози, отларнинг пишқиргани эшитиларди, холос.

«Жуда одамини топиб сўрадинг-да»— деб кулиб қўйдим мен.

Йўлни кесиб ўтиб, шарқираб оқаётган сойга етганимизда, Дониёр аравани секинроқ ҳайдаб, от тақаларининг кечувдаги кумушдек ярақлаган тошларга тегиб шақиллашига диққат билан қулоқ сола бошлади. Сўнгра «чуҳ» деб отларга бир қамчи урди-да, бирдан титроқ овоз билан:

Эҳ, Олатоғ, Олатоғ,  
Ота-бобом ўсган ер!

деб куйлаб юборди. Бироқ у яна тўхтаб, йўталиб қўйди, лекин кейинги икки мисрани юракдан чиқариб завқ билан айтди:

Эй, Олатоғ, Олатоғ,  
Оқ булут қалқиб кўчган ер!

Дониёр нимадандир чўчигандек яна жим бўлиб қолди. Киши деган уялмаса-да, нима энди, шу ҳам ашула

айтиш бўлдими, бундан кўра, айтмагани тузук эди. Худо билади, юзи олов бўлиб ёниб кетгандир. Негадир унинг учун ўзим ҳам мулзам бўлдим.

Лекин Дониёрнинг шу бир оғиз куйлашида ҳам қандайдир бир жозоба, нафосат борлиги аниқ сезилиб турарди. Ҳа, овози ҳам яхши эди.

«Қойилман!»— деб қўйдим ичимда ҳайратланиб. Жамила ҳам қичқириб юборди:

— Ие, дурустсан-ку, илгари қаерда юрган здинг? Қани айт, яхшилаб айт!

Дониёр миқ этмай келаверди. Олдимизда дарадан водийга чиқадиган жой оқариб кўринарди, ўша томондан шабада эсарди. Дониёрнинг ҳали бошлаган куйини яна давом эттиришини сабрсизлик билан кутардим. Дониёр яна куйлай бошлади, мен ўзимда йўқ қувониб кетдим.

Дониёр аввалига тортиниб-тортиниб секин куйлай бошлади. Аммо бора-бора овозини барала қўйиб, эркин айта бошлади, унинг ашуласи дарада қўнғироқдек янграб, узоқ-узоқлардаги қояларда акс садо берди. Дониёрнинг қўнғироқдек овозигина эмас, балки куйнинг оҳанраболиги, жўшқин ҳис-туйғуларга бойлиги ҳам кишини мафтун этарди. Бунинг нималигини ақлимга сиғдира олмай лол бўлиб қолдим: бу ашулачининг овозими, ё бўлмаса юракдан қайнаб чиқаётган бошқа бир нарсами? Киши қалбининг энг нозик торларини чертиб, унда эзгу ниятлар уйғотаётган бу нима ўзи? Ростини айтсам, бу саволга ҳозир ҳам жавоб бера олмайман.

Қани энди қўлимдан келса-ю, буларнинг ҳаммасини қоғозга битиб ўтирмай, иложи бўлса ўша ажойиб куйнинг ўзгинасини яратиб берсам.

Унда деярли сўз йўқ, лекин бу куй сўзсиз ҳам самимий, соф ниятли қалб эгасининг бутун қувончи, умидорзулари ва тилаklarини ифодалаб берарди. Мен умрим бино бўлиб бундай куйни эшитган эмасман. У қирғизчага ҳам, қозоқчага ҳам ўхшамасди, бироқ бу куйга азалдан бир-бирига қондош-жондош бўлган қирғиз билан қозоқ халқининг куйларидаги энг нафис, энг дилрабо оҳанглар сингдирилгандек бўлиб туюларди. Бу куй гоҳ қирғиз тоғларидек баланд-баландларга парвоз қилса, гоҳ поёни йўқ қозоқ далаларидек узоқ-узоқларга тараларди. «Ё тавба, Дониёрни шунчалик ашулачи деб ким ўйлаган эди»— дердим мен ўзимга ўзим.

Дарани босиб ўтиб кенг далага чиққанимиздан кейин, Дониёрнинг ашуласи қанот ёзиб, яна ҳам кучлироқ янгради. Бу дилрабо куй бир-бирига уланиб, бир-бири билан алмашилиб борарди. Бугун Дониёрга нима бўлди, тинчликми ўзи, ҳеч нарса тушуна олмасдим. Гўё у шу кунни, шу дами кўпдан бери орзиқиб кутгандек, қалбидаги бутун сир-асрорини тўкиб солди. Дониёрнинг нима учун меров одамдай элга кулги бўлиб юрганини, нима учун кечқурунлари Қоровул тепага чиқиб олиб ёлғиз ўйга чўмиб ўтирганини, нима учун киши илғамас товушларга қулоқ осганида, қошлари чимирилиб, кўзлари қувончга тўлганини энди бир қадар тушуна бошлаган эдим. У—қалбида юксак инсоний муҳаббат туғён урган бир инсон эди! Менимча, унинг севгиси бирор кишига ишқи тушиб, ўша одамга ато қилинган севги эмас, балки инсонни яратиб, уни камолга етказган кенг оламга, ёруғ дунёга бўлган чексиз, жўшқин севги эди! Ҳа, у бу севгини ўз қалбида ардоқлаб сақлаган, ана шу севги билан яшаган эди. Агар у шундай юксак қалб эгаси бўлмай, диди паст, юраги муз бир киши бўлганда эди, табиат уни қанчалик истейдодли қилиб яратган бўлмасин, бари бир, у бунчалик куйлай олмас эди.

Дониёрнинг куйи тунги дашт устида яна жўш уриб, мудроқ далани уйғотаётгандек бўларди. Кенг, бепоён дала ўзи яратиб, ўзи ардоқлаб ўстирган қадрдон куйчисининг ашуласига жим қулоқ солади. Буғдойзор ойдинда денгиз каби чайқалар ва мўл ҳосилдан дарак бериб, ўз ўроқчиларини кутарди. Йўл четида жойлашган эски тегирмон атрофидаги мирзатеракларнинг япроқлари ҳам нималарнидир шивирлашарди. Сойнинг нариги томонида, узоқ-узоқларда хирмончилар ўт ёқишиб, гўжа пиширмоқдалар. Ҳув ана, кимдир аллақандай иш билан қишлоққа шошиб кетмоқда. Олдинда қишлоқ боғи кўринар, шабада фарқ пишган олмаларнинг, айни гуллаган маккажўхориларнинг ёқимли ҳидларини ҳовлиларда ёйилган тезакларнинг ҳидига аралаштириб димоққа келтириб урарди.

Дониёр яна анча вақтгача куйлаб келди. Август туни унинг ашуласига маҳлиё бўлгандек жим қулоқ соларди. Ҳатто отлар ҳам гўё мароқли куйни бузишдан қўрққандек юришини секинлаштирганди. Кишига чексиз ором бахш этиб, завқ-шавқ билан куйлаб келаётган Дониёр айни авжига чиққанида, бирдан жим бўлиб, отларни чоптириб кетди. Ўзимча, Жамила яна унинг орқасидан эргашса



керак, деб ўйлаб, мен ҳам ҳозирланиб турдим, бироқ Жамила бошини куйи солганча чуқур хаёлга чўмиб, қимир этмай ўтирарди. У ҳавода учиб юрган ашула садоларига ҳамон қулоқ солаётгандек эди.

Дониёр шу бўйи тўхтамай, бир оздан сўнг кўздан ғойиб бўлди. Биз то овулга етгунча оғиз очмадик. Баъзида киши ўз дардини сўз билан ифодалашга ожиз бўлиб қолади.

Шу кундан бошлаб, ҳаётимизда қандайдир бир ўзгариш юз бергандек бўлди. Энди кўнглим аллақандай яхши нарсаларни қўмсаб, юрагим ғалати ҳис-ҳаяжонларга тўлиб, ўзимдан-ўзим хурсанд булиб юрдим. Эрталаб хирмондан жўнаб, станцияга келиб, ғаллани топшириб бўлгач, Дониёрнинг сеҳрли ашуласини қачон эшитаркинмиз, деб кетишга шошилар, ўша дамни сабрсизлик билан кутар эдик.

Унинг ашуласи юрак-юрагимга сингиб, қаерга бормай, қаерда турмай, қулоғим тагида жаранглаётгандек бўларди.

Тонг саҳарда туриб яланг оёқ, яланг бош шабнам тушган бедазор орқали ўтлоқдаги тушовланган отларнинг олдига бораётганимда ҳам бу куй менга ҳамроҳ бўларди. Тоғ орқасидан мўралаб кўтарилган қуёш худди менинг қувончимга шерик бўлгандек жилмайиб нур сочарди.

Олтин доналари каби кекса хирмончиларнинг паншахаларидан сачраб тушаётган буғдой доналарининг майин шилдирашида ҳам, кўкда парвоз қилиб юрган ёлғиз калхатнинг қанот қоқишида ҳам, хуллас, кўриб, уқиб, сезиб юрган нарсаларимнинг ҳаммасидан Дониёрнинг куйи эшитилаётгандек бўларди.

Кечқурун дарада арава ҳайдаб бораётганимизда мен ўзимни худди бошқа бир оламга кириб бораётгандек ҳис қилардим. Кўзларимни юмиб Дониёрнинг ашуласига қулоқ солар эканман, она сути билан қонимга сингиб, бир қаричлигимдан таниш бўлган манзаралар кўз ўнгимдан бирма-бир ўта бошларди: гоҳ овулнинг зумрад осмонидан паға-паға булутлар сузиб ўтишар, гоҳ ўтлаб юрган йилқилар уюри дукурлашиб, кишнашиб яйловда чопиб қолишар, қулунлар кокилларини ўйнатиб қоп-қора кўзларини жовдиратганларича оналарини қидиришиб қолар, гоҳ сурув-сурув қўйлар тепаликларда ўтлаб юришар, гоҳ қоялардан оқиб тушаётган шалола ойнадек ярқираб кўзларни қамаштирар, денгиздек мавжланиб

ётган қамишзорлар орасига чўкиб бораётган қуёшни лола ранг уфқ сари йўртиб бораётган ёлғиз отлиқ мана ҳозир қўли билан ушлаб оладигандек бўлиб туюларди, кейин ўзи ҳам қуёш билан бирга буталар орасига кириб ғойиб бўларди.

У, жонажон, бепоён далам! Қозоқ жондошимнинг ери билан пайванд бўлган азамат далам. Мана, тоғларимизни икки ёққа айириб ташлаб, қамиш ва шувоқларга кўмилиб, буюк бир денгиздек чайқалиб ётасан. Нималарга қодир эканлигингни ким билади сенинг! Қароғим, сиртингдан қараса қимирлаган жон йўқдек бўзариб ётганинг-ётган. Аммо кечагина қон-қардошларинг униб-ўсган бағрингда уруш бошланиб, душманлар ўлкамизга чанг солганда, қучоғингдаги гиёҳлар ёниб, довьорак чавандозларинг душман устига шердек ташланганда, мусаффо осмонингни иссиқ чанг қоплади, ер-кўк ларзага келди. Ушанда қирғоқнинг нариги бетидан от ўйнатиб келган қозоқ хабарчиси:

— Отлан, қирғиз, отлан! Ёв келди!— деб саратон куюни ичида яна қаёққадир отини елдек учириб кетди.

Ушанда кенг далам, дарёларим, тоғларим ларзага келиб, ўз элини отга мингизди. Йигитлар жангга отланганда осмону замин титраб, ёвни маҳв этишга чорлаб бонг урилди. Минглаб узангилар бир-бирига тегиб шақирлашиб, сон-саноксиз чавандозларнинг кўзларидан қаҳр ва ғазаб ўти чақнаб, эл билан, юрт билан хўшлашди. Уларнинг олдида қизил байроқлар ҳилпираб, орқада отларнинг тўғидан чиққан чанг орасида оналар ва жувонлар: «Кенг даламиз мададкор бўлсин! Хосиятли она ер мадад берсин! Буюк Манаснинг руҳи ёр бўлсин!»— деб бўзлаб қолишди.

Сенга жоним фидо, эй муқаддас далам, тоғларим! Элимга шу куч-қудратни сен ўзинг бердинг.

Мана шуларнинг барисини Дониёр куйга солиб, кўз ўнгимда ёрқин гавдалантириб, сермазмун кенг оламнинг бутун зеб-зийнати, кўркини очиб кўрсатди. «Ёпирай, буларнинг барини у қаердан ўрганди экан» деб ҳайрон бўламан. Ўзимча, чет ерларда кўп йиллар сарсон-саргардон бўлиб, ўз эл-юртини кўриш иштиёқи билан яшаган, шу қувончли дамни интизорлик билан кутган одамгина ўз она тупроғига шунчалик меҳр қўйиши, уни шу қадар сева олиши мумкин, деган фикрга келдим. Дониёрнинг бу куйларини тинглар эканман, унинг бошпана излаб ўт-

казган машаққатли етимлик йилларини ҳам, қонли жанг майдонларида босиб ўтган йўлларини ҳам кўз олдимга келтирар эдим. Эҳтимол, унинг она ватан ҳақидаги жўшқин куйлари ўшанда туғилгандир. Дониёрнинг ашулаларини тинглаб ўтириб, инсон боласи ўз она тупроғини шунчалик сева олганлиги учун ҳам, тиз чўкиб, ўша тупроқни худди ўз онангдек қучоқлаб ўпгинг келади. Ана шунда биринчи марта юрагимда қандайдир янги бир ҳис уйғониб, қалбимни ўртаб, қани энди ўша ернинг муқаддаслигини, унинг кўркини Дониёрчалик сеза билсам, сева билсам, унинг мадҳиясини Дониёрчалик тараннум қилолсам, деган бир ҳавас уйғонганлигини сездим. Ниманидир орзиқиб кутардим, лекин нималигини ўзим ҳам билмасдим, бунга ҳам хурсанд, ҳам хуноб бўлардим. Ушанда менда рассомлик санъатининг илк куртаклари пайдо бўлганини, келажакда ҳаётни бўёқлар, суратлар орқали тасвирлашга ҳавас уйғонаётганини билмаган эканман.

Мен болалигимдан сурат солишни яхши кўрардим, болалар ўқиш китобларидан кўчириб солган расмларимни кўришиб: «Вой, худди ўзи-я!»— дейишарди. Муаллимларимиз ҳам мактаб деворий газетасини менга топширишар эди. Лекин кейинчалик сурат солишни бир чеккага йиғиштириб қўйишга тўғри келди. Уруш бошланиб, акаларим армияга кетгач, мен ўқишни ташлаб, ўз тенгқурларим қатори колхозда ишлай бошладим, ўша вақтларда сурат солмоқ кимнинг ҳам эсига келарди дейсиз. Келажакда рассом бўламан деган ўйим йўқ эди, аммо Дониёрнинг куйлари мени ҳаяжонлантириб, ҳаётнинг бутун гўзаллигини сезишга илҳомлантирди...

Мен ўнгимда эмас, гўё тушдагидек бу тотли хаёлга берилиб, худди дунёга янги келиб, кўзим энди очилгандек атрофга суқланиб қарардим. Менинг учун бу жуда катта турмуш сабоғи эди.

Жамиланинг ўзгариб кетганини айтмайсизми! Олдинги шўх, ҳазилкаш, гапга чечан келиндан гўё асар ҳам қолмагандек эди. Унинг ўйноқи ўткир кўзлари энди гўё булутли кундаги қуёш сингари негадир ғамгин боқарди. Йўлда кетиб бораётганимизда Жамила доимо чуқур ўйга толар, лабларида билинар-билинмас табассум ўйнаб, у фақат ўзигагина маълум бўлган аллақандай латиф бир нарсадан ҳузур қилаётгандек, ундан суюнаётгандек туюларди. Баъзан эса, аксинча, хаёлини бир нарса бузгандек, қопни аравадан елкасига силкиб олиб, шу турганича қо-

тиб қоларди. У шу туришида, гўё қутуриб оқаётган сувга дуч келиб, уни кечиб ўтишини ҳам, ўтмаслигини ҳам билмай лол бўлиб турган одамга ўхшарди. Дониёрга эса у нима учундир яқин йўламай, унинг кўзига тушишдан қочиб, четлаб юрди. Жамила ўзини уни аввалгидек назарига илмаётгандек қилиб кўрсатишга қанчалик уринмасин, охири бир кунни сабри чидамай хирмонда Дониёрга гап отди.

— Устингдан кўйлагингни ечсанг бўларди. Ювиб берардим.

Кўйлакни сойга олиб бориб ювди-да, қуритиш учун ёзиб қўйиб, буришган жойларини текислаган бўлиб, уни анча вақтгача меҳр билан силади. Кўйлакнинг тўзиган жойларини қуёшга тутиб маънос тикилар, нимадандир койингандек бошини чайқаб қўярди.

Кейинги кунларда Жамила бир оз очилиб, қаҳ-қаҳ уриб куладиган, ҳазил-ҳузул қиладиган бўлди. Бир кун беда ўроғидан келишаётган бир тўп қиз-жувонлар билан йигитлар хирмонга бурилишди. Ораларидаги армиядан қайтиб келган йигитлар:

— Ҳой қизлар, буғдой нонни ўзларинг еяверасизларми, қани, бизнинг улушимизни беринглар, бўлмаса ҳаммангни сувга пишамиз!— дейишди ҳазиллашиб ва паншахаларини ўқталишди.

— Бизларни паншахалар билан қўрқитолмайсизлар. Мана бу қиз-жувонларни нима блан меҳмон қилишни ўзим биламан, сизлар туёқларингни шиқиллатиб қолинглар,— деди Жамила ўрнидан сапчиб туриб.

Йигитларнинг ҳафсаласи пир бўлди шекилли:

— Ундай бўлса, қиз-жувонинг билан барингни қўшиб сувга пишамиз,— дейишди баттар ўчакишиб.

Шу заҳотиёқ тапир-тупур олиша кетган ёшлар шовқин-сурон кўтаришиб, бир-бирини сувга итара бошлашди.

— Ушла, қўйиб юборма!— деб қичқирарди Жамила, ҳеч кимга бўш келмай, усталик билан чап бериб. Йигитлар ҳам шунча қиз-жувоннинг ичида фақат Жамилани кўзлари кўргандек, нима учундир, ҳаммаси ҳам унга ёпишар, тортқилашар, ҳар бири уни қучоқлаб бағрига босишга ҳаракат қиларди. Мана, уч йигит биргалашиб Жамилани ерга йиқитишди-да, оёқ-қўлидан кўтариб, сув бўйига олиб боришди.

— Ҳозир ҳаммамизни ўпасан, бўлмаса, сувга ташлай-

миз! Қани, бўл тез!— дейишиб хохолаб кулишган йигитлар уни энкайтира бошладилар.

— Қўйманглар, йигитлар, бўш келманглар!

Ичаги узилиб кулган Жамила балиқдек сирғаниб, қўлдан чиқиб кетар, хотинларни ёрдамга чақириб қичқирар, лекин улар қий-чув кўтаришиб, ўзларининг сувда оқиб бораётган рўмолларини ушлаш билан овора эдилар. Йигитлар хохолашиб Жамилани сувга отиб юборишди, осмонга сачраган сув томчилари худди кумуш доналаридек товланар эди. Ҳали ҳам кулгидан ўзини тўхтата олмаган Жамила сувдан чиқиб келар экан, унинг тўзғиган ҳўл сочи яна ҳам чиройига чирой кўшиб юборган эди. Чит кўйлаги баданига ёпишиб, сийнаси олмадай диркиллаб турарди. Жамила бўлса парвойи фалак, қиқир-қиқир кулар, уст-бошидан сирқиб тушаётган сувни ҳам пайқамасди.

— Уп, дарров ўп!— деб қисташарди йигитлар.

Жамила уларни ўпар, йигитлар уни яна сувга отишар, у бўлса гўё буни хуш кўргандек, сувдан чиқиб, сочини силкитиб, яна қотиб-қотиб куларди. Ёшларнинг бу қилиғига хирмонда кулмаган одам қолмади. Хирмон совураётган чоллар ҳам ўзларини йигирма беш яшар бўз болалардек ҳис қилиб, ажин босган юзлари севинчдан порлаб: «Ҳа, ҳа, бўш келма, ушла! Этадиган торт!»— деб кўпқарида улоқ тортишгандек завқ-шавқ билан қичқирар, шарақлаб кулишарди. Мен ҳам ўзимни тўхтата олмай қотиб-қотиб кулардим. Бу сафар янгамни кўриқлаш эсимга ҳам келмабди. Биргина Дониёр индамай, қовоғини солиб ўтирарди. Унга кўзим тушиши билан мен ҳам жим бўлдим. У хирмоннинг бир чеккасида ёлғиз ўзи ўтирган экан. Дониёр йигитларга еб кўйгудек ўқрайиб қарар, вазоҳатидан гўё ҳозир югуриб бориб Жамилани уларнинг кўлидан ажратиб оладигандек эди. Юзига тик боқишга ботинолмай, фариштадек пок деб билган Жамилани йигитларнинг қучоқлаб ўпиши, тортқилашиб ўйнаганлари Дониёрнинг кўнглига жуда қаттиқ ботди. Унинг бутун фикри-зикри, эс-ҳуши Жамиланинг ҳусни жамолида эди. Дониёр йигитлардан қанчалик қизғанмасин, хандон отиб кулаётган Жамиладан кўзини олмай, унинг бу қилиғига ҳам койиниб, ҳам мароқланиб, хўмрайган қовоқлари остидан мулойим боқиб, тишини тишига қўйиб ўтирди. Йигитлар Жамилага ҳар томондан ёпишиб, бетларини ўптирганларида, Дониёр қути учиб, туриб кетмоқчи бўлар, лекин оёқлари итоат қилмаётгандек қимир этолмас-

Дй. Бир вақт Жамила унинг қараб турганини пайқади шекилли, қаноти қайрилгандек бўшашиб, хиралик қилаверган йигитларни силтаб ташлади.

— Етар, ҳазилнинг таги зил бўлмасин тагин!

— Ие, сенга нима бўлди,— деб кимдир хохолаб куйиб, уни яна қучоқламоқчи бўлган эди, Жамила унинг кўрагидан итариб юборди:

— Нима ишинг бор? Нарн тур!

Кейин Дониёрга ялт этиб бир қаради-да, кўйлагини сиққани буталар орасига кириб кетди.

Дониёр билан Жамила ўртасидаги муносабатнинг қандай оқибатларга олиб келишини ўшанда мен билмаган эдим. Ростини айтсам, бу ҳақда чуқурроқ ўйлашга кўрқиб, кўпинча ўзимни бошқа нарсаларга алаҳситишга ҳаракат қилардим. Лекин Жамиланинг Дониёрдан четлаб юргани ва бунга ўзи яна ич-ичидан куйингани негадир кўнглимни ғаш қилар эди. Бундан кўра илгаригисидек ҳазиллашиб юраверса бўлмасмиди? Ўзим шундай дейману, бироқ кечалари овулга қайтаётганимизда Дониёрнинг ашуласини эшитарканман, уларни ўйлаб, қалбим қувончга тўлиб-тошар, ҳалиги ғамгин ўй-фикрлар хаёлимдан кўтарилиб; дунёнинг бутун лаззати шу ашулада деб билардим. Дарадан ўтиб, дарё бўйига чиққанимизда Жамила аравадан тушиб, пиёда юрарди. Мен ҳам аравадан тушиб юрардим, яёв юриб, мириқиб куй тинглаганга нима етсин! Бундай пайтда йўлдаги чанг-тўзонлар орасида эмас, худди осмонда, булутлар кўйнида кетиб бораётгандек бўласан киши! Аввал янгам иккаламиз арваларимиз ёнида борамиз, сўнгра аста-секин беихтиёр Дониёрга ёндашиб қолганимизни ўзимиз ҳам сезмай қоламиз. Қандайдир сеҳрли бир куч бизни Дониёр сари етакларди. Қоронғида унинг юз ифодасини, кўз қарашини кўришни истардик, наҳотки шу қадар юрак билан куйлаётган киши ўша ўзимизнинг камгап, одамови Дониёр бўлса! Юраги толпиниб, куйдан ором олган Жамила ҳар доим унга яқинлаб борганида Дониёр томон секин қўл чўзганини ўзи ҳам сезмай қоларди. Лекин завқ-шавқ билан куйлаётган Дониёр буни пайқамас эди. Унинг ўй-хаёли қаерлардадир, осмонда кезиб юргандек узоқ-узоқларга кўз тикиб, қўлларини кўксига қовуштирганча, куй охангига чайқалиб ўтирарди. Жамиланинг қўли шилқ этиб тушиб, арава четига текканда худди ҳушига келгандек қўлини тортиб олар ва йўл ўртасида серрайиб туриб қо-

ларди. Жамила ҳангу манг бўлиб, анчагача Дониёрга мўлтайиб қараб турар, кейин яна қадам ташларди.

Баъзан менга янгам икковимизни ҳам бир хил, аллақандай ажиб ҳис-туйғу ҳаяжонга солаётгандек бўлиб туюларди. Эҳтимол, бу ҳис-туйғулар икковимизнинг ҳам қалбимизда кўпдан буён яшириниб ётиб, энди вақт-соати келиб туғён ураётгандир.

Жамила иш билан алаҳсираб, унча сир бой бермасликка ҳаракат қиларди. Лекин хирмонда қолиб, қўли ишдан бўшади дегунча, Жамила ўтиргани жой тополмай каловланиб қоларди. Бекорчиликдан нима қиларини билмаган одамдек шу ўртада айланиб юрар, сўнгра хирмон совураётганларнинг ёнига борар, уларга ёрдамлашмоқчи бўлиб, уч-тўрт курак ғалла ташларди-да, кейин бирдан куражни четга ирғитиб, сомон ғарами олдига кетарди. У дам олмоқчи бўлгандек ғарам соясига ўтирарди-ю, гўё якка-ёлғиз ўтиришдан кўрққандек мени чақирарди:

— Бу ёққа кел, кичкина бола!

Мен, янгам ҳозир менга бутун сир-асрорини очиб, юрагидаги дардини айтса керак, деб кутардим. Лекин у ҳеч нарса айтмас, эркалиб бошимни ўз тиззасига қўяди-да, ўзи олис-олисларга узоқ тикилганча қалтираган иссиқ кафтлари билан сочимни, юзимни секин-секин силарди. Мен янгамнинг ташвишли, ғамгин чехрасига қарар эканман, негадир ўзимни унга ўхшатардим. Чунки унинг ҳам қалбини аллақандай бир ҳиссиёт ўртаётганини, унинг ҳам юрагида янги умид-орзулар уйғона бошлаганини сезиб қолгандим. Назаримда, Жамила бу оташин ҳисни қалбидан чиқариб ташлашга уринаётгандек бўларди. Бироқ ўз севгисини тарк этолмай, унинг барча заҳматларига чидашга мажбур бўларди. Мен ҳам унга ўхшаб, бир кўнглим Жамила Дониёрни севса яхши бўларди, деса, бир кўнглим, севмагани яхши, дерди. Ахир, минг қилса ҳам келинимиз-ку, акамнинг хотини-ку. Уни бировга қандай раво кўрай. Бироқ бу хил фикрларни дарров ҳаёлимдан чиқариб ташлашга ҳаракат қилардим. Жамиланинг тиззасига бош қўйиб ётиб, унинг сал очилган ғунча лабларига, ёш тўла шахло кўзларига термилиб қараш менга дунё-дунё роҳат бағишлар эди. Жамила ўшанда нақадар гўзал, нақадар латофатли эди. Қалбининг нақадар пок, беғуборлиги, ўй-хаёлларининг нақадар теран, ёрқин эканлиги унинг нур ёғилиб турган чехрасидан кўриниб турарди. Ўша кезларда мен шуларнинг ҳаммасини ўз кўзим би-

лан кўриб юрган бўлсам ҳам, аммо туб моҳиятига унча тушуниб етмаган эдим. Лекин ҳозир орадан қанча вақтлар ўтиб кетгандан кейин ўша воқеаларни эслаб, кўпинча ўзимга-ўзим савол бераман: балки севги деган нарса — инсон ҳар томонлама камолотга етиб, ақл-идроки тўлгандан кейин пайдо бўладиган бир туйғумикин? Бу ҳам шоир ёки рассом илҳомига ўхшаб инсонга куч-қудрат бағишлаб, янги орзу-умидлар, истиқбол сари етакловчи бир куч эмасмикин? Эҳтимол, ошиқликнинг бутун сири ҳам шундадир. Жамиланинг юзига қараб, баъзи пайтларда ўзим ҳам ҳис-ҳаяжонларига шерик бўлгандек, қандайдир сирли бир нарса юрагимга қувонч бағишлагандек бўлар эди. Ўрнимдан сапчиб туриб, югургим келар, овул четидаги кенг далага чиқиб юрагимга ғулғула солаётган ташвиш билан қувончнинг сири нимадалигини ер ва самодан қичқириб сўрагим келарди. Бир кун мен бу саволимга жавоб топгандек бўлдим.

Кунлардан бирида биз станциядан овулга қайтиб келаётган эдик. Қош қорайиб қолганди. Кўкда юлдузлар жимирларди, атроф жимжит, бу сукунатни Дониёрнинг водий бўйлаб янграган ашуласигина бузарди. Жамила икковимиз унинг орқасидан борардик. Дониёрнинг ашуласи бу сафар негандир ёлғизлик дард-аламларини ифода қилгандек жуда мунгли эшитилиб, киши қалбини поралар эди. Кўзимга қайноқ ёш келиб, томоғимга бир нарса тиқилгандек бўлди. Жамила бу сафар қўлларини Дониёр томон узатиб, унга яқин борди-да, аравага суяниб, бошини қуйи солганича индамай кетаверди. Дониёрнинг овози тобора кучайиб, тунги даштда янгидан тўлқинлана бошлаганда, Жамила бошини кўтариб аравага чиқиб олди. У Дониёр билан ёнма-ён ўтирди-да, қимирлашдан қўрққандек, қўлини кўксига қовуштирганча қотиб қолди. Қани, бу ёғи нима бўларкин, дегандек, мен ҳам улардан кўзимни узганим йўқ. Жамиланинг чиқиб ўтирганини Дониёр пайқамади шекилли, унга қарамай куйлайверди. Бир оздан сўнг Жамила қўлларини аста-секин Дониёрнинг елкасига ташлади-да, унга суяниб, бошини елкасига қўйди. Шунда Дониёрнинг товуши бир зум титради-ю, кейин яна ҳам кучайиб, қўнғироқдек янгради. У севги ҳақида куйларди.

Тонг отиб, гуллаган водий юзидан қора парда кўтарилганда, мен ўша кенг дала ўртасида севишган икки ёшни кўрдим.



Улар менга ҳеч назар солмасалар ҳам, кўз остидан қараб, сеҳрлангандек эргашиб борардим. Севишганлар мен билан иши бўлмай, фақат менигина эмас, балки бутун борлиқни ҳам унутиб юборгандек, жонга ором берувчи куй оқимида чайқалиб, бир-бирига термилишиб секин боришарди. Назаримда, Дониёр билан Жамила бутунлай бошқача бўлиб қолгандек эди.

Булар мен илгари кўрмаган-билмаган қандайдир янги, бахти кулиб боққан кишилар эди.

Ҳа, уларнинг бири, кўзи қоронғида ўтдек ёниб, эски кўйлагининг ёқасини очиб юбориб, дала-даштга янгроқ куй таратиб бораётган Дониёр эди.

Ҳа, иккинчиси, Дониёрга эркаланиб жимгина ўтирган менинг янгам Жамила эди! Унинг киприкларида севинч ёшлари милтирар, юзида бахт нури порлар эди.

Чинакам бахт шу эмасми? Дониёр ўзидаги она ватанга, ёруғ дунёга бўлган оташин, юксак меҳр-муҳаббатини ҳам, ана шу улуғ севги туғдирган дилрабо куйни ҳам Жамилага тортиқ этди. У Жамила учун, Жамила ҳақида куйларди. Ахир бахт дегани шу эмасми?! Уларга юрагимдан бахт-саодат тиладим. Дониёрнинг куйлари мени яна ҳаяжонга солди-да, бирдан, кутилмаганда миямга ғалати бир фикр келди: «Мен уларнинг суратини чизаман!»—дедим ўзимча ва гўё нодир бир нарса топиб олгандай ўзимда йўқ суюниб кетдим. Лекин шу заҳоти ўз фикримдан ўзим чўчиб кетдим: «Бу иш менинг қўлимдан келармикин, эплай олармикинман?» Лекин орзу-истак кўрқувдан кучли келди. «Ҳа, мен уларнинг суратини албатта чизаман, мен уларни худди ҳозиргидек бахтиёр қилиб тасвирлайман!» дердим.

Мен шундай ширин орзу-хаёллар оғушида маст бўлиб, атрофга назар ташлар эканман, август туни кўзимга яна ҳам гўзал кўриниб, дала гуллаб-яшнаётгандек бўлиб туюларди. Орзу-ниятимга худди ҳозир етадигандек бўлардим. Лекин энди билсам, ўшанда жуда ғўр, ёш бола эканман, келажакда қанчадан-қанча қийинчиликларга дуч келишимни билмаган эканман. Мен ўзимга, она ерни Дониёр кўзи билан кўра билиш, Дониёр қалби билан сева билиш керак, дердим. Мен унинг ажойиб ашулаларини бўёқлар ёрдамида ҳикоя қилиб бераман. Менда ҳам ўша тоғлар, далалар, майсазорлар, булутлар, дараларнинг жонли тасвири берилади. Бунинг учун жуда катта маҳорат кераклигини ўйламай, «бўёқларни қаердан олсам

экан, мактабдан сўрасам беришмас, ахир ўзларига керак-ку!»— деб ташвишланиб юрардим. Энди билсам, ўшанда чучварани хом санаб, болалик қилиб юрган эканман.

Дониёрнинг ашуласи нима учундир бирдан узилиб қолди. Бундай қарасам, Жамила Дониёрни маҳкам қучоқлаб, уни бағрига босиб олган экан. Бироқ, шу заҳотиёқ нимадандир чўчигандек тисарилиб, аравадан сакраб тушди. Дониёр шошиб қолганидан тизгинни тортиб аравани тўхтатди. Жамила тескари қараганича йўлнинг қоқ ўртасида серрайиб туриб қолди, сўнг бошини шартта бурди-да, йиғи аралаш:

— Нега қарайсан? Менда ниманг бор? Қарама менга, аравангни ҳайда, жўна!— деди-да, орқада қолган араваси томон кетди. Мен лол бўлиб, оғзимни очиб қолган эканман, янгам мени ҳам койиб берди:

— Хўш, сен-чи, сен нега анграйиб турибсан, аравангга мин! Бошимга битган бало бўлдиларинг-да!

«Қизиқ, унга нима бўлди, чап ёнидан турганми» деб ўйлардим йўл-йўлакай. Албатта, чуқурроқ ўйлаган одам Жамиланинг ростдан ҳам изтироб чекаётганини изоҳсиз ҳам тушунар эди: кўз очиб кўрган эри Саратов госпиталларидан бирида ётса, яқинда қайтиб бораман, деса, ахир бу осон гапми? Мен ҳеч нарса тўғрисида ўйлагим келмасди. Мен ўзимдан ҳам, Жамиладан ҳам хафа бўлдим, агар Дониёрнинг бундан кейин ашула айтмаслигини, унинг овозини бошқа эшитмаслигимни аниқ билсам, Жамиладан бутун вужудим билан нафратланган бўлардим.

Ҳозир ўлгидек чарчаб, кўнглим негадир ғаш бўлиб, тезроқ хирмонга етиб, сомонга чўзилсам дердим. Арава тинмай силкиниб, тинкани қуритар, тизгин қўлимдан чиқиб-чиқиб кетарди. Хирмонга етиб келганимизда бир амаллаб отларнинг хомутларини ечдим-да, уларни араванинг тагига ташлаб, кейин сомон ғарами устига бориб чўзилдим. Уша кеча отларни Дониёр тушовлабди.

Лекин эрталаб жуда хурсанд бўлиб турдим, кўнглим мусаффо тонг сингари равшан, қувончга тўла эди. Ҳа, мен Жамила билан Дониёрнинг суратини чизаман. Лекин «ўхшата олармикинман?» деган гумон бутун миямни чулғаб олган эди. Кўзимни юмиб, уларни қандай тасвир қилмоқчи бўлсам, ана ўшандай тасаввур этдим. Ўрнимдан ирғиб турдим-да, каттакон сой бўйига тушиб, қўлбетимни ювдим. Кейин ўтлоққа тушовланган отларни кўздан кечирдим. Эрталаб шудринг тушган муздек беда

оёқларимни савалаб, тиззамгача шилта ҳўл қилганди. Лекин мен буни писанд қилмай, олдинга чошиб борар, теварак-атрофдаги ҳар бир нарсани синчиклаб кўздан кечирар, ёдимда сақлаб қолишга уринар эдим. Мана, қуёш тоғ орқасидан кўтарилиб келар, ариқ бўйидаги ёлғиз кунгабоқар эса унга томон бўй чўзарди. Уни какралар ўраб олган, бироқ кунгабоқар бўш келмай кўкка интилар, сариқ гулли бошларини мағрур кўтариб, қуёш нурини шимиради. Мана, ариқнинг арава ўтган жойидан — филдираклар изидан сув жимираб оқмоқда. Сув ўртасида кўкариб турган бинафша ранг ялпиздан атрофга муаттар ҳид тараларди.

«Қани энди рассом бўлсам-у, мусаффо гўзал тонгни, кўк билан ўпишган азамат тоғларни, шудринг қўнган кўм-кўк бедазорни, ариқ бўйидаги бир туп кунгабоқарни суратга солсам!»

Бироқ хирмонга келишим билан бу ширин хаёлларимдан асар ҳам қолмай, кўнглим ғаш бўлди. Афтидан, Жамила ўтган кечаси ухламай чиққан бўлса керак, кўзлари киртайиб, қовоғидан қор ёғиб турарди. Менга у ҳеч нарса демади, қайрилиб қарамади ҳам. Хирмонга бригадир Урозмат келиб, энди отидан тушаётганида, Жамила унинг ёнига борди-да, салом-алик ҳам қилмай, томдан тараша тушгандек гапириб қолди:

— Аравангизни олинг! Қаёққа юборсаларинг ҳам майли, лекин станцияга ғалла ташимайман!

— Ие, сенга нима бўлди, Жамилахон, жин тегдими?— деди Урозмат ҳазиллашиб.

— Жин теккани йўғ-у, лекин бормайман дедимми, бормайман.

Урозматнинг жаҳли чиқди:

— Бу гапингни қўй, ғалла ташийсан, вассалом!— деди у қўлтиқтаёғини ерга дўқ эткизиб уриб.— Агар биров хафа қилган бўлса, айт, мана шу таёғим билан гарданига бир туширай. Бўлмаса, ишинга жўна. Ғалла менга эмас, фронтга керак, эринг ҳам фронтда-ку.— Бригадир жаҳл билан шартта бурилди-да, тез-тез одимлаб кетди.

Жамила ғинг деёлмай, қўлидаги қамчини ўйнатиб, айбдор одамдек, қизарганича туриб қолди. Бериги ёқда турган Дониёрни кўрди-ю, сир бой бермай, оғир хўрсиниб қўйди. Дониёр ҳамма гапни эшитди-ю, лекин сездирмади. У тескари қараганча хомут ипларини қаттиқ тортиб боғлай бошлади. Жамила ҳам хирмон ўртасида бир-

пас турди-да, сўнг: «Э, нима бўлса бўлар» дегандек қўл силтаб араваси томон кетди.

Уша куни биз овулга ҳар кунгидан барвақт қайтдик. Чунки бораётганда ҳам, келаётганда ҳам Дониёр отларини зовталаб ҳайдаб борди. Жамила ғамгин, гапирмас эди. Мен қақраган бийдай далани кўриб кўзларимга ишонмасдим: ахир куни кеча у худди афсоналарда тасвирлангандек гулаб-яшнаб турганди-ку... Кечаги ажойиб манзара, Дониёр билан Жамиланинг аравада ёнма-ён ўтирганлари сира кўз ўнгимдан кетмас эди. Гўё ҳаётнинг энг гўзал бир лавҳасини кўлимда ушлаб тургандек бўлардим. Уша ажиб бир лавҳа бутун фикри-ёдимни банд қилган эди. Уйлаган мақсадимга етмаганимча жоним тинч топмайдигандек эди. Хирмондаги ҳисобчининг бир варақ қалин қоғозини ўғирлаб олиб, ғарам орқасига яшириб, ғалла совурадиган курак устига қўйганимда юрагим чиқиб кетаётгандек дукиллаб бўғзимга тикилди. Отам мени биринчи марта от устига мингизгандаги каби «бисмилло!» дедим-да, қаламни қоғозга теккиздим. Анамана дегунча Дониёрнинг қиёфасини қоғозга чиза бошладим. Лекин бу ҳали мукамал бўлмаган, шунчаки ўргамчикка чизилган сурат эди. Лекин, Дониёрнинг қомаги ўзига анча ўхшай бошлаганида бошим кўкларга етиб, қаердалигимни, нима иш қилаётганимни ҳам унутиб қўйдим. Уша август туни, ястаниб ётган бепоён дала қоғоз бетиде жилолангандек, Дониёрнинг дилрабо куйи ҳозир ҳам қулоғим остида жаранглаб тургандек бўлди. Кўз ўнгимда солдатча кўйлагининг ёқаси очиқ Дониёр билан унинг елкасига бош қўйган Жамила гавдаланди. Бу менинг умримда биринчи марта чизган мустақил суратим эди! Мана арава, мана ёнма-ён ўтиришган Дониёр билан Жамила, мана бўш ташлаб қўйилган тизгинлар, мана қоронғида сағриси зўрага кўриниб йўртиб бораётган отлар, ундан нарида бийдай дала, узоқ-узоқларда юлдузлар милтиллайди... Ишга шунчалик берилиб кетибманки, кимнингдир тепамга келиб жаҳл билан қичқирганидан ҳушимга келдим. Қарасам, Жамила экан:

— Нима бало, кар бўлиб қолдингми?

У мени излаб юрган экан, шошганимдан суратимни беркитишга ҳам улгуролмай қолдим.

— Буғдойни аллақачон юклаб бўлдик, бир соатдан бери қичқирамиз-а, овозинг чиқса-чи!.. Қўлингдаги нима?— деб Жамила суратни мендан тортиб олди ва: «бу

нима қилиқ!»— деб авзойи бузилиб, қоғозга термилганича қолди.

Ушанда хижолатдан жуда мулзам бўлдим. Жамила суратга узоқ тикилиб турди-да, кейин ёшланган кўзлари билан менга маъюс боқиб:

— Шуни менга бергин-а, кичкина бола!— деди у секингина.— Сендан менга ёдгор...

Жамила сурат солинган қоғозни икки буклаб қўйнига солиб қўйди.

Биз йўлга чиқиб, овулдан анча узоқлашиб кетгунча ўзимга кела олмадим. Қалбимни шу қадар тўлқинлантирган ўша лавҳани чиндан ҳам қоғозда акс эттира олдими ёки бу бир туш-хаёлми деб гумонсирадим. Лекин шундай бўлса ҳам, қалбимнинг чуқур бир жойида чизган суратимдан фахрланиш ҳисси уйғониб, юрагим севинчдан тўлиб-тошар, яқинда бўёқ топсам, жуда кўп суратлар чизиб, мактабга илиб қўярдим, деган ширин хаёллар мени маст қиларди. Энди билсам, бу болаликка хос бир фазилат экан. Мен ўз хаёлларим билан банд бўлиб, жуда тез кетаётганимизни ҳам пайқабман. Чунки олдинда бораётган Дониёрдан орқада қолмайлик деб Жамила отларга устма-уст қамчи урарди. Кейинги пайтларда Дониёр аравасини ҳар қачонгидан ҳам тез ҳайдайдиган бўлиб қолганди.

Жамила Дониёр билан ёнма-ён борарди. У гоҳ ўннга, гоҳ сўлга қарар, баъзан эса бирон айб иш қилиб қўйгандек аянчли жилмайиб турарди. Буни кўриб мен ҳам жилмаярдим ва: «Чизган суратим янгамга ёқди шекилли, хафалиги тарқаб, кўнгли ёзилди. Жамила Дониёрга ашула айт деса, у албатта айтиб беради... Демак, бугун Дониёрнинг ашуласини маза қилиб тинглар эканман-да... Эҳ, тезроқ айта қолса экан»— деган ўй кўнглимдан кечарди!

Бу сафар биз станцияга анча барвақт етиб келдик, лекин отларимиз қора терга тушиб кетган эди. Тарози ҳам бўш экан, Дониёр аравадан туша солиб, қопларни таший бошлади. Унинг бунча шошиб-пишиб ишлашига, индамай тумшайиб юрганига ҳайрон эдик. Поездлар ўтганда, Дониёр тўхтаб қолиб, уларнинг орқасидан узоқ вақт қараб турар, негадир чуқур ўйланиб қоларди. Жамила ҳам гўё унинг кўнглидагини билмоқчи бўлгандек Дониёр боққан томонга қаради. Жамила аравасининг ёнига бориб Дониёрни чақирди:

— Бери кел-чи, Дониёр, қашқа отнинг тақаси тушай деб турибди, шуни юлиб ташлагин.

Дониёр отнинг туёғини тиззалари орасига қисиб, тақани юлиб олиб, қаддини ростлаётганида Жамила секин шивирлади:

— Нима, ҳеч нарсани тушунмайсанми дейман? Ё мендан бошқа қиз-жувон қуриб қолганми.

Дониёр қиё боқди-ю, лекин ҳеч нарса демади.

— Нима, менга осон деб ўйлайсанми?— деди Жамила хўрсиниб.

Дониёр Жамилага меҳр билан боқиб, алланима деди-ю, лекин мен эшитмай қолдим, чунки юганидан ушлаб турган отим бошини силтаб пишқириб юборди. Дониёр нимадандир мамнун бўлгандек қўлидаги тақани силаб, ўз араваси томон кетди. Мен унга қараб, наҳотки унинг юраги Жамиланинг ҳалиги сўзларидан таскин топди экан, деб ҳайрон бўлардим. Ахир «менга осон деб ўйлайсанми?» деган сўзининг нимасига хурсанд бўлади.

Биз қопларни ташиб бўлиб, энди овулга қайтмоқчи бўлиб турганимизда, ҳовлига эгнига ёғимланган эски шинель кийган, елкасига халта илиб олган бир ориқ ярадор солдат кириб келди. Ундан сал олдин станцияга бир эшелон келиб тўхтаган эди. Ҳалиги солдат чор-атрофга аланг-жалаңг қаради-да:

— Гуркуров овулидан ким бор?!— деб қичқирди. Бу ким бўлдийкин, деб ўйладим-да:

— Мен Гуркуровдан бўламан,— дедим.

Солдат қувониб кетди-да:

— Кимнинг боласисан, укажон?— деб сўраб олдимга келмоқчи бўлган эди, бирдан Жамилага кўзи тушиб, турган жойида донг қотиб қолди.

— Кариммисан?— деди Жамила шодланиб.

— Вой, Жамила, сингилжоним!— деб солдат Жамиланинг ёнига югуриб бориб, у билан қўш қўллаб кўриша кетди.

Бу келган йигит Жамиланинг узоқ қариндоши, ҳамқишлоғи экан.

— Буни қара, худди билгандек шу ёққа қайрилибман-а!— деди у ҳаяжон билан,— Содиқнинг ёнидан чиққанымга атиги беш кун бўлди, госпиталда у билан бирга ётдик, худо хоҳласа, у ҳам бир-икки ойда келиб қолади. Мен келаётганимда хотинингга хат ёзиб бер, ўз қўлим билан топширай деб хат ёздириб олгандим... Жуда

яхши қилган эканман-да, мана, омонатингни ол!— деб хурсанд бўлиб, солдат шинелининг ичидан уч бурчак хатни олиб, Жамилага узатди. Жамила хатни шоша-пиша олди-да, қувонганиданми, ё уялганиданми аввалига қизариб, сўнгра ранги қув ўчиб, индамай Дониёрга кўз қирини ташлади. У бояги хирмондагидек оёқларини кериб, аравасининг ёнида ёлғиз тураркан, Жамилага маъюс боқарди. Бу орада ҳар томондан югуриб келишган кишилар солдатни ўраб олиб, баъзиси қариндош, баъзиси ҳамқишлоқ чиқиб, ҳол-аҳвол сўрашиб қолишди. Жамила ўз ҳамқишлоғига миннатдорчилик билдиришга улгурмаган ҳам эдики, Дониёр унинг ёнидан аравасини тақиртуқур қилиб ўтди-да, чанг-тўзон кўтариб йўлга тушди. Кишилар унинг орқасидан:

— Нима бало, уни жин урдими? Эси жойидами ўзи?— деб қичқириб қолишди.

Солдатни ҳам таниш-билишлари олиб кетишди шекилли, ҳовлида янгам иккаламиздан бошқа ҳеч ким қолмабди. Биз Дониёрнинг араваси кўздан ғойиб бўлгунча, олисда кўтарилаётган чангга қараб турдик.

— Юр янга, уйга кетайлик,— дедим мен.

— Узинг кетавер!— деди Жамила.

Ана шундай қилиб, биз биринчи марта алоҳида-алоҳида кетдик.

Ҳавонинг димлигидан нафас олиш қийин эди. Ердан кўтарилган ҳарорат лабларимни қабарситиб, томоғимни қурийтиб юборди. Жазирама қуёш нури эрталабдан куйдириб, қовжиратиб ётган ер бети энди шўрхок туз билан қопланиб, аста-секин совиятгандек бўларди. Қуёш шўрхок ердан кўтарилаётган сароб сингари парда ичида уфқ сари чўкиб борарди.

Узоқда, уфқ тепасида қизил-сур булутлар йиғила бошлади. Баъзан кучли гармсел эсиб, отларнинг тумшуқларига чанг аралаш оқиш шўрхокларни келтириб урар ҳамда уларнинг чанг босган ёл ва думларини юлқиб, йўл бўйидаги эрманларни учириб кетарди.

«Ёмғир ёғади шекилли» деб ўйладим. Шунда ёлғизлик дарди ичимни ўртаб, элланимадан қўрққандек отларни жадал ҳайдаб кетдим. Менгина эмас, ҳатто узун оёқли тувалоқ қушлар ҳам бир нарсадан чўчигандек қамишзорлар орасига кириб яширинишди. Шамол жазирама иссиқдан қовжираган қариқиз япроқларини аллақерлардандир йўл устига учириб келарди. Биз томон-

ларда бундай ўсимликлар ўсмайди. Чамамда, бу япроқлар қозоқ чўлларидан учиб келган бўлса керак. Теварак-атрофда қимирлаган жон йўқ. Дониёр ҳам кўринмайди, орқада қолган Жамиладан ҳам дарак йўқ. Қуёшнинг охириги нури ҳам сўнди. Толиққан дала ҳам мудраб уйқуга кетди.

Мен хирмонга қош қорайганда етиб келдим. У ер тинч, ғир этган шабада йўқ. Дониёрни чақирган эдим, қоровул жавоб берди.

— У сойга кетди, нима ишинг бор эди?— деди-да, сўнгра бир ютиниб олиб, ўзича минғирлади.— Ҳавонинг димлигини-чи, ҳамма уй-уйига кетишди. Шамол бўлмаса, хирмонда иш бўлармиди...

Отларни бедазорга тушовлаб, сойга бурилдим. Докиёр одатдагидек тик тушган жар тепасида тиззасини қучоқлаб, бошини қуйи солганча жар остида сувнинг шовиллаб оқишига қулоқ солиб ўтирарди. Унинг мустар бўлиб ўтириши юрагимни эзиб юборди. Дониёрнинг ёнига бориб, уни маҳкам қучоқлаб, тасалли бермоқчи, илиқ сўзлар билан кўнглини кўтармоқчи бўлдим. Лекин нима ҳам дея олардим, уни қандай юпатаман ахир. Анчагача иккиланиб турдим-да, сўнгра хирмонга қайтиб кетдим.

Ушандан кейин ғарам устида ётиб анча вақтгача ухлай олмай, осмонни қоплаб келаётган булутларга қараб хаёл суриб кетдим: «Инсон ҳаёти нега бунчалик мураккаб, сира тушуниб бўлмайди-я». Жамиланинг бўлса ҳамон дараги йўқ. Нега бунча ҳаяллади экан, қаерларда юрганикин, деб араванинг ғилдирак товушларини эшитишга зор бўлиб қулоқ солиб ётдим. Қаттиқ чарчаган бўлсам ҳам, сира уйқум келмади. Тоғлар тепасидаги булутлар орасидан яшин ялт-юлт этиб чақнарди.

Дониёр келганда ҳали уйғоқ эдим. У нима қиларини билмай, қайта-қайта йўлга қараб, хирмонда бир оз айланиб юрди-да, сўнгра ёнимга келиб, ўзини юз тубан отди.

«Энди у овулда қолмайди, бошини олиб кетса керак» деб ўйлардим. Лекин бечора қаерга ҳам борарди? Бошпанасиз бир мусофир кимга ҳам керак? Бечорага қийин бўлди-да, энди нима қилар экан?

Энди кўзим илинган экан, хирмон томондан арава товуши эшитилди. «Жамила бўлса керак» деб ўйладим уйқуга аралаш.



Қанча ухлаганимни билмайман, бир вақт нақ қулоғим тагида шитирлаган товуш эшитилиб, биров келаётгандек бўлди. Қанот серпигандек қандайдир бир совуқ нарса бетимни силаб ўтди. Кўзимни очсам Жамила экан. Чўмилиб келган бўлса керак, кўйлагини ҳам ҳўллаб олибди, шунинг учун ҳам ёнимдан ўтаётганида салқин шабада эсгандек бўлди. Жамила тўхтаб қолди-да, у ёқ-бу ёққа аланглаб, Дониёрнинг бош томонига ўтирди.

— Дониёр, мана мен ўзим келдим!— деди у секин шивирлаб.

Атроф жимжит, осмонни гумбурлатиб яшин чақнади.

— Хафа бўлдингми? Қаттиқ хафа бўлдингми?

Яна жимлик чўкди, қирғоқдан тупроқнинг сувга «шўлп» этиб тушгани эшитилди.

— Лекин менинг айбим нима? Сенда ҳам гуноҳ йўқ.

Тоғлар устида яшин гумбурлади. Жамила чўчиб ялт этиб қараганида, яшин унинг юзини ёритиб юборди. Жамила атрофга бир қаради-да, ўзини Дониёр кўксига ташлади, унинг елкаси Дониёрнинг бақувват қўллари остида дир-дир учарди. Жамила ҳам ғарамга чўзилиб, Дониёр билан ёнма-ён ётди.

Кучли шамол сомонни кўкка совуриб, хирмон четида қийшайиб турган ўтовни ялаб ўтди-да, қуюн бўлиб осмонга кўтарилди. Чақмоқ булутлар орасида кўкимтир из қолдириб, қарағай сингандек қасира-қусур қилиб ҳамма ёқни ларзага солди. Аъзойи баданим титраб, ҳам кўрқиб, ҳам қувониб кетдим. Момақалдироқ, ёзнинг охирги момақалдироғи ёпирилиб келар, илк куз нафаси димоққа уриларди. Энди Жамилани ҳеч қандай куч тўсолмасди. У Дониёрга секин шивирлади:

— Чиндан ҳам гумонсирадингми, наҳотки мен сени унга алмаштирсам! У мени ҳеч қачон севган эмас, севмайди ҳам! Майли, ким нима деса деяверсин, лекин мен сеникиман! Ёлғизим, азизим, мен сени ҳеч кимга бермайман. Мен сени кўпдан бери севаман. Ғойибона ошиқ бўлиб келишингни интизорлик билан кўзим тўрт бўлиб кутгандим. Кутганлигимни билгандек, мана, сен ҳам мени излаб келдинг....

Жарлик орқасидаги сой қирғоқларидан ивиб сувга қулаб тушаётган тупроқ чақмоқ ёруғида кўриниб турарди. Дастлабки йирик ёмғир томчилари сомон устига шитирлаб ёға бошлади.

— Жамилам, жонгинам, севгилим, Жамилахон!— деб Дониёр қирғизча ва қозоқча энг нафис сўзлар билан ўз маъшуқасини эркалатарди.— Мен ҳам сени кўпдан бери севиб юрардим. Умримда кўрмаган бўлсам ҳам, оқопларда ётиб сени ўйлардим. Севган ёрим ватанимда эканлигини билардим. Бу сен экансан, Жамилам!

— Шунқорим, мард лочиним! Бу ёққа қара-чи, кўзларингга тўйиб боқай!

Ёмғир шаррос қўйиб берди. Қора уй тепасига ёпилган наमतлар худди қанот қоққан қушдек шамолда учиб кетди. Гоҳ қиялаб, гоҳ тик қуйган жала ерни орзиқиб кутгандек устма-уст ўпарди. Кетма-кет момақалдироқ гумбурлаб, бутун осмон қаърини тилиб ўтгандек бўларди. Узоқ-узоқлардаги тоғлар баҳор лолаларидек қизариб кўринарди.

Ёмғир кучая борди. Мен бўлсам, сомонга кўмилиб олиб, юрагимнинг дук-дук уришини сезиб ётардим. Мен ниҳоятда бахтиёр эдим! Ўзимни узоқ касалликдан кейин биринчи марта кўчага чиққан одамдек ҳис этиб, ҳар бир нарсага суқланиб қарар, гўё ҳаёт лаззатини энди билаетгандек эдим.

Ёғин ҳам, чақмоқларнинг ёруғи ҳам сомон остида ётган жойимга етиб борарди, лекин мен ўзимни жуда яхши ҳис этардим, уйқуга кетар эканман, ўзимча кулимсираб қўярдим. Қулоғимга чалинган шарпанинг нималигини билмасдим. Бу Жамила билан Дониёрнинг шивирлашими ё бўлмаса, тинаётган ёмғирнинг сомонга шитирлаб тушишими?

«Мана энди ёмғир тинмайди, ҳадемай куз ҳам киради!» дердим ўзимга ўзим. Нам сомон билан эрман ҳиди димоққа уриб, куздан дарак берарди.

Лекин бу кузда бизни нималар кутаётгани ҳақида ўйламабман.

\* \* \*

Уша кузда мен икки йиллик танаффусдан кейин яна мактабга қатнай бошладим. Дарсдан бўш вақтларимда кўпинча ҳалиги сой бўйидаги жар тепасига бориб ўтирардим. Хирмон ҳувиллаб бўшаб қолган эди. Бу ерда мен мактабдан олган бўёқлар билан ўзимнинг дастлабки этюдларимни чиздим. Чизган суратчаларимдан ўзимнинг ҳам кўнглим тўлмас эди. «Бўёқларимнинг мазаси йўқ.

Қани энди чинакам, асл бўёқлар бўлса!»— деб ўйлардим ичимда. Яхши бўёқларнинг қандай бўлишини билмасдим ҳам. Рассомлар ишлатадиган мой бўёқларни фақат кейинги вақтлардагина кўришга муяссар бўлдим.

Бўёқ ўз йўли билан-у, лекин муаллимларнинг гапида ҳам жон борга ўхшарди: рассом бўлиш учун ўқиш керак. Бу гап тўғрилигини билиб турсам ҳам, ўқишимга сира кўзим етмасди.

Ўқиш қаёқда дейсиз: акаларим дом-дараксиз кетган бўлса, мен икки ўйнинг ёлғизгина дастёри бўлсам, ўқишга юборишармиди. Шунинг учун ўқиш тўғрисида оғиз ҳам очмасдим. Лекин ўқишни қўмсаб, боролмаслигимга ич-ичимдан ачинардим, бунинг устига, бу йил кузнинг бу қадар кўркам келишини айтмайсизми!

Кўлингдан келса, ўтирсанг-у, чизсанг, ажойиб сурат чиқарди-да.

Гуркуровнинг суви камайиб, қозондек-қозондек тошлар туртиб чиқиб, уларнинг усти ям-яшил, сап-сарик йўсин билан қопланганди. Эрталабки изғириндан яланғоч толчаларнинг нозик таналари қизариб кетганди, бироқ теракларнинг сап-сарик япроқлари ҳали тўкилмаган эди.

Йилқичиларнинг ёзи билан ўт ёқилавериб тутундан қорайиб кетган ўтовлари катта сойнинг у ер-бу ерида кўзга ташланарди. Ўтовдан буралиб-буралиб чиқаётган кўк тутун худди тўй-тўйлаган хотинлардек овулма овул сузиб юришарди. Тойчалар атрофга ёйилиб кетган оналарини қидиришиб, зўр бериб кишнашарди. Энди тойчалар кишнагани-кишнаган. Чунки бияларни то баҳоргача уярда сақлаш қийин. Тоғлардан қайтган моллар ҳосили йиғиб олинган далаларда пода-пода бўлиб юришарди. Дашт саҳни туёқ изидан илма-тешик бўлиб кетган эди.

Бу йил ҳам куз кузлигини қилди: ҳамма ёқни тўзитиб изғирин шамол қўзғалди ва осмоннинг авзойи бузилиб, қор аралаш ёмғир ёға бошлади. Бир ҳафта сурункасига ёққан ёмғир бир кун сал тиниши билан, мен Гуркуров томонга қараб жўнадим. Тошлоқдаги бир туп тоғ четани қип-қизил чўғдек ёниб, «мени суратга ол» дегандек бўй чўзиб турарди.

Мен сой бўйидаги буталар орасида сурат чизиб ўтирганимда, қош қорайиб қолган эди. Бир вақт бошимни кўтариб қарасам, нариги соҳилда икки киши турибди, дарёнинг саёз жойидан кечиб ўтишган бўлса керак. Уларнинг Дониёр билан Жамила эканини дарров танидим. Мен

уларнинг жиддий ва ташвишли юзидан кўзимни уза олмай, тикилиб турдим. Дониёр ҳар галгидек дадил қадам ташлар, юрган сайин шинелининг бари оҳори тўкилган солдатча этигининг қўнжларига шартиллаб тегарди. Жамила бўлса эгнига бозорга борганда киядиган парча-парча қизил гуллик кўйлагини, чийбахмал чопонини кийиб, бошига оппоқ жун рўмолини ўраб олганди. Биз қўлига тугунчак кўтариб, иккинчи қўли билан Дониёрнинг халтасидан ушлаб бормоқда. Улар йўл йўлакай нималар тўғрисидадир ўзаро гапиришиб боришарди.

Уларнинг овулимизни ташлаб, қаёққадир кетишаётганини сезиб, юрагим «жиз» этиб кетди.

Мана, улар жарликдан ўтиб, қамишзор оралаб кетиб борарди. Мен бўлсам, худди бир нарчасини йўқотган кишидек уларнинг орқасидан қараб, нима қиларимни билмай қолдим. Қичқирайин десам, нафасим сиқилиб, овозим чиқмайди.

Қуёш тоғлар ёқалаб сузиб бораётган булутларга қизғиш нурларини сўнгги бор сочди, атрофни қоронғилик қоплай бошлади.

Дониёр билан Жамила орқа-олдиларига қарамай, темир йўл разъездини кўзлаб тез одимлаб боришмоқда. Бора-бора уларнинг қоралари узоқлашиб, бир оздан кейин қамишзор орасига кириб, бутунлай ғойиб бўлди.

Ана ўшандагина мен ўзимга келиб, орқаларидан овозимнинг борича:

— Жамила-а-а-а!— деб қичқирдим.

Дала устида анча вақтгача: «а-а-а» деган акс садо эшитилиб, бир оздан сўнг тинар эди.

Яна бир марта жаҳл билан:

— Жамила-а-а-а!— деб қичқирдим-да, сўнг уларнинг орқасидан югуриб қолдим. Сувни сув демай, оёқ яланг, бош яланг, уларнинг орқасидан қувиб борардим, уст-бошим жиққа ҳўл бўлганди. Шунга ҳам қарамай, яна тезроқ чопа бошладим. Бирдан оёғим нимагадир чалиниб кетди-да, юз тубан йиқилдим. Бошимни кўтармай, икки қўлим орасига олиб, ўксиб-ўксиб йиғлаб юбордим. Кўз ёшларимдан намланган майин тупроқ қўлимни, бетимни музлатиб, ғира-шира қоронғилик кўнглимга ғул-ғула солгандек, ўпкам қисилиб, аччиқ-аччиқ йиғладим. қамишлар гўё менинг қайғу-ҳасратимга ҳамдард бўлгандек тинмай шитирлашар эди.

— Жамила! Жамила!— дердим мен ўпкамни босолмай пиқ-пиқ йиғлаб. Мен энг яқин, энг азиз одамларим билан хайрлашар эдим. Мана ҳозиргина, ерда ётиб, ўзим ҳам Жамилани севиб қолганлигимни тушундим. Бу менинг илк, болаликдаги севгим эди.

Юзимни кўз ёшидан ҳўл бўлиб кетган енгимга артиб, яна анчагача йиғлаб ўтирдим. Мен фақат Жамилалар билангина эмас, балки ўзимнинг болалик даврим билан ҳам хайрлашар эдим.

Қоронғида тимирскиланиб уйга келганимда ҳовлимизда шовқин-сурон авжида эди; ит эгасини танимасди. Кимдир отга эгар урарди. Безори Усмон бўлса, ҳар кунгидек маст, отини гижинглатиб, овозининг бориचा бақирарди:

— Айтмаганмидим, мана оқибати нима бўлди. Йўлчибой ота шармандайи шармисор бўлди. Қани кетдик, бу саёқ ит, чала қозоқни ушлаб бўйнини узмасам, отимни бошқа қўяман. Ун йилга кесилсам, кесиламан-у, лекин ҳар қандай яланг оёқнинг хотинларимизни олиб кетишига йўл қўймайман. Қани кетдик, йигитлар! Қаерга ҳам борарди дейсан?

Улар қайси томонга кетишаркин деган фикр хаёлимдан ўтди-ю, юрагим шув этиб, аъзойи баданим музлаб кетди. Нима қиларимни билмай, отлиқларнинг орқасидан мен ҳам овул чеккасигача югуриб бордим-да, уларнинг разъезд томонга эмас, станцияга олиб борадиган катта йўл томонга қараб бурилиб кетганларини кўриб, жоним ўрнига тушди. Сўнгра уйга қайтиб келдим-да, йиғлаганимни ҳеч ким билмасин, деб, отамнинг тўнига ўралиб ётдим.

Овулда ҳар хил миш-миш гаплар тарқалди. Ҳамма хотинлар Жамилани қоралашарди:

— Аҳмоқ-да! Ақли бўлса туз ичган жойига туфлаб, санқиб юрган бир мусофирга эргашиб кетармиди.

— Шунисига куяман-да! Унинг нимасига қизиқди экан дейман-да! Эски шинели билан, тешик этигидан бўлак ҳеч балоси йўқ эди-ку!

— Қўтан-қўтан қўйи бормиди! Уйи йўқ, жойи йўқ, насл-насаби бетайин бир дайди-да! Майли, увовли ўзига, ҳали аттанг дейди... Бу танноз хотиннинг ҳолини ўшанда кўрармиз.

— Тавба, Содикдан ортиқ эрни топиб бўпти.

— Қайин онасини айтмайсанми, қайин онаси-чи? Бун-

дай ювош қайин онани қаердан топади! Узига-ўзи қилди, жувонмарг, майли!

Бурунги янгамни, Жамилани қораламай, унинг қилмишини тўғри деб топган ёлғиз мен бўлсам керак. Дониёрнинг эски шинели билан тешик этигидан бошқа ҳеч нарса бўлмас ҳам, лекин унинг маънавий бой, қалби юксак одамлигини мен билмаганда ким билади. Жамила Дониёрнинг этагини ушлаб кетиб, ўз бахтини топтади, деган гапларга ишониш у ёқда турсин, аксинча, мен, у ўз бахтини энди топди, деб ишонардим. Фақат ойимга ачинардим, холос. Жамила билан бирга унинг бутун куч-қуввати кетгандек эди. Ойим ҳамгин бўлиб, ўзини анча олдириб, қадди букилиб қолди. Оҳ, бечора ойим. Ҳаёт оқими баъзида эскилик илдизига шафқатсиз болта уриб, янги бахт сари интилишини ойим тушунмаса керак-да. Агар бўрон азим чинорни таг-томири билан қўпориб ташласа, у қайтиб қаддини ростлаёлмайди... Ойимнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан унинг олдинги куч-қуввати қолмаганлиги сезилиб турарди. Илгарилари у ҳеч кимдан игнага ип ўтказиб беришни илтимос қилмас, қарилик ғурури бунга йўл қўймас эди. Бир куни уйга кириб келсам, ойим игнанинг кўзини тополмай, қийналиб йиғлаб ўтирибди.

— Ма, ипни ўтказиб бер-чи!— деди у қалтираган қўллари билан игна ва ипни менга узатиб. Сўнгра оғир хўрсинди-да, кўз ёшларини артиб, ўзича минғирлади:— Э-э, шўрлик келиним, кўра-била туриб ўзингни ўтга ташладинг-а. Уйимизнинг тўри сеники, еганинг олдинда, емағанинг кетингда эди... Узингни ўзинг жувонмарг қилдинг... Бизни доғда қолдириб кетдинг... Нега кетдинг? Уйимизда нима камчилик кўрддинг... Шўрлик Жамила...

Ойимнинг шундай мунғайиб ўтирганини кўриб, ўзимни тутолмай, беихтиёр: «Йўқ, ойи, у шўрлик эмас!»— деб қичқириб юборгим келди-ю, лекин ўзимни босдим. Ойимни маҳкам қучоқлаб, Дониёрнинг кимлигини, уни жонимдан азиз кўришимни айтиб, йиғлаб юборишимга оз қолди. Лекин бу сўзларни айтишга тилим борармиди. Бу гапим билан ойимни бир умрга хафа қилган бўлардим.

Лекин бари бир бу бегуноҳ «қилмишларим» сир бўлиб қолмади.

Орадан кўп ўтмай Содиқ акам армиядан қайтиб келди. Ростини айтганда, у кўринишда унчалик сир бой берма-

са ҳам, лекин номусдан қаттиқ куйиниб, жиғибийрон бўлиб юрди. Усмонлар билан ичишиб қолгудек бўлса:

— Кетган бўлса садқайисар! Сарсон-саргардон бўлиб юриб, охири бир кун очидан ўлади-кетади. Хотинман деганинг тўлиб ётибди, чертиб-чертиб олиш мумкин. Олтин бошли хотиндан, бақа бошли эр яхши!— дерди жаҳл билан.

— Гапинг-ку тўғри-я!— деб жавоб қайтарарди Усмон.— Афсуски, ўшанда қўлимга тушмади-да: унисининг ичак-чавоғини ағдариб, бунисининг сочларидан отга боғлаб судратардим! Эҳтимол, улар жанубда, пахта дала-ларида, ё бўлмаса қозоқ ерларида тентиб юришгандир. Саёқлик Дониёрга касб бўлиб қолган. Шунисига доғманки, буни ҳеч ким билмай, ҳеч ким сезмай қолган-а, қандай бўлганига кишининг сира ақли етмайди-я... Бу ишнинг ҳаммасини ўша қанжиқнинг ўзи қилган, исини ҳам чиқармади-я, лаънати, бўлмаса мен уни нақ!...

Бундай гапларни эшитганимда қоним қайнаб, муштаримни қисардим. Кучим етса, ўша Усмоннинг башарасига туфлаб: «Пичан ўроғида адабингни бергани эсингдан чиқмабди-да... Энг ярамас, энг разил одам сенсан-ку!» деган бўлардим.

Бир куни уйда мактаб деворий газетасига сурат чизиб ўтирган эдим, ойм ҳам печка олдида чўққайиб ўт ёқиб ўтирарди, бехосдан эшик очилиб, уйга ранги кўкариб, ғазабидан кўзларига қон тўлган Содиқ акам кириб келди. У мени устимга ёпирилиб келаётганда, елкасига ташлаб олган шинели ерга тушиб кетди.

— Буни сен чиздингми?— деб сўради у бир варақ қоғозни тумшуғимга тиқиб. Қоғоздаги суратни кўриб юрагим орқамга тортиб кетди: бу ўша хирмонда ўтириб қаламда чизган Дониёр билан Жамиланинг сурати эди. Суратга кўзим тушиши билан, гўё улар менга қараб туришгандек бўлди. «Қизиқ, Жамила буни нега ташлаб кетдийкин? Уни бир ерга яшириб қўйган-у, кейин эсидан чиқариб кетган бўлса керак!»— деб ўйладим ичимда.

— Ҳа, мен чизган эдим!— дедим.

— Бу-чи, бу ким ўзи?

— Дониёр.

— Э, аблах, сотқин!— деб ўшқирди Содиқ акам менга ва суратни майда-майда қилиб йиртди-да, оёғи остига олиб топтаб, кейин эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди.

Уй ичига оғир жимлик чўкди.

— Сен буни билармидинг?— деб сўради ойим бир маҳал.

— Ҳа, билардим.

Ойим печкага ўт ёқиб ўтириб, менга шундай таъна ва ҳайрат назари билан қарадики, мен нима қилишимни билмай, бош бармоғини узиб олгудек бўлиб:

— Мен уларнинг суратини яна чизаман!— дедим.

Ойим ғинг демай бошини маъюсгина чайқаб, ерга боқди.

Ерда сочилиб ётган суратга қараб, ичимни ўтдек ўртаётган хўрликка ҳеч чидай олмадим. Майли, мен оиламиз, уруғимиз учун «сотқин» бўлайин, бироқ, мен одамгарчиликка, ҳақиқатга, ҳаёт ҳақиқатига хиёнат қилганим йўқ, аксинча, адолат тарафдори бўлдим. Менинг кўнглим соф, ниятим холис эканлигини ҳеч ким билган эмас, буни одамларга ҳам айтиб бўлмайди, бошқалар тугул, ҳатто ойим ҳам буни тушунмас эди, албатта.

Ойим индамай ўтираверди. Изза бўлганимдан кўзларимга ёш келди, йиртиб ташланган сурат парчалари гўё жонлидай ерда айланиб юрарди, Дониёр билан Жамиланинг ёрқин қиёфаси сира кўз ўнгимдан кетмас, Дониёрнинг ўша август кечаси айтган оромбахш қўшиқларини яна эшитаётгандек бўлардим. Уларнинг овулдан кетганларини эслаганимда, ғайратга тўлиб, мен ҳам улар каби ўз истиқболим йўлида қийин сафарга отланишга қатъий бел боғладим.

— Мен ўқишга кетаман!— дедим ойимга.— Рассом бўлгим келади, рассомлик ўқишига бораман, отамга ҳам айтиб қўйинг...

Мен, ҳозир ойим урушда ҳалок бўлган акаларимни эслаб, фарёд кўтариб йиғласа керак, деб ўйлаган эдим. Лекин, бахтимга, ойим йиғлагани йўғ-у, фақат ғамгин, эшитилар-эшитилмас қилиб гапирди.

— Майли, ўзинг биласан, борсанг бора қол... Учирма қанот бўлганларингдан кейин, гапимизга кирармидиларинг, ҳар қайсинг ўз билганларингни қиласизлар. Биз нимани биламиз, балки сизларнинг билганларинг тўғридир, балки жуда катта одам бўлиб кетарсанлар... Ҳозир замон ўзи шунақа-ку. Майли, боравер... Эҳтимол, ўша ёқларга борганингдан кейин, сураткашлик яхши касб эмаслигини ўзинг тушуниб оларсан... Уйингни, ота-онангни унутма, насиҳатим шу...



Шу кундан бошлаб кичик уй ўз-ўзидан бўлиниб кетди. Ҳадемай мен ҳам ўқишга жўнадим.

Рассомлик мактабини битириб, ўз маҳоратимни ошириш учун яна Ленинград академиясига ўқишга борганимда, ўз диплом ишимни топширдим. Бу диплом иши — кўпдан бери орзу қилиб, юрагимда сақлаб юрган суратим эди.

Албатта, сизлар бу суратда Дониёр билан Жамила тасвирланганини дарров фаҳмлагандирсизлар. Улар даладаги ёлғиз оёқ йўлдан ёнма-ён кетишар эди. Дониёрнинг шинели шамолда елпиниб, юзидан севинч балқиган Жамила унинг халтасидан ушлаб олганди.

Уларнинг олдида Дониёр куйлаган поёнсиз, ёруғ, кенг дала ястаниб ётарди. Ҳозир оламда Жамила билан Дониёрдан бахтли одам бўлмаса керак!

Тўғри, суратимни ҳар томонлама мукаммал, бекамикўст ишланган деб айтолмайман, ахир, маҳорат деган ўз-ўзидан дарров келмайди-ку. Бу — оғир, машаққатли меҳнат меваси... Лекин бари бир бу сурат мен учун дунёда энг азиз, энг қимматли нарса эди. Чунки ўзимдаги санъатга бўлган барча меҳр-муҳаббатим, ихлосим, завқимни мен биринчи марта ана шу суратга бергандим.

Мана энди анча тажрибали бўлиб қолган бўлсам ҳам, баъзан чизган суратларим кўнглимдагидек бўлиб чиқмайди, ўзимга ёқмайди, ўшанда ўз кучимга ўзим ишонмай, гумонсираб қоламан. Шундай оғир дамларда ўша сурат — Дониёр билан Жамила мени ўзига чорлайди. Уларга узоқ тикилиб, ҳар гал улар билан маслаҳатлашгандек бўламан.

«Ҳозир қаердасиз, қайси йўлдан кетяпсиз? Ҳозир даламизда янги йўллар кўп. Қозоғистондан тортиб Олтой ва Сибирга қадар чўзилиб кетган! Ҳозир у ерларда чўлни бўстонга айлантириш, янги ерда янги турмуш қуриш учун кўплаб азаматлар мардона меҳнат қилмоқдалар! Балки сизлар ҳам ўша ёққа кетгандирсизлар! Ундай бўлса, оқ йўл! Сафарларинг бехатар бўлсин! Жамила, менинг Жамилам, сен бошингни баланд кўтариб, кенг даладан мағрур қадам ташлаб кетдинг... Ҳозир ҳам ўшандаймисан, ҳозир ҳам йўл юришдан толиқмайсанми? Ё ўз кучингга ўзинг ишонмай, чарчаган, иккиланиб қолган кунларинг ҳам бўладими? Бўш келма, бардам бўл, Дониёрдан мадад ол! Дониёр сенга севги, вафо, она ер, ҳаёт

тўғрисидаги жўшқин куйларини куйлаб берсин! Ушанда кўз ўнгингда кенг дала гуллаб, август тунисидаги кучли бўрон гувилласин! Олис йўлдан қўрқма, Жамила, сенинг йўлинг бахт йўлидир, сен ўз бахтингни топдинг!»

Мен уларга қараб, Дониёрнинг овозини эшитаман, демак, Жамила иккиси мени сафарга чорлайди. Ҳа, мен йўлга чиқишим керак! Ҳа, кенг дала бағридан ўтиб, овулимга бораман! Туғилиб ўсган ерим — куч-қувватим! Мен ундан янги-янги бўёқлар топаман. Чизган суратимнинг ҳар бир бўёғидан, ҳар бир лавҳасидан Дониёрнинг куйи эшитилиб турсин! Чизган суратимнинг ҳар бир бўёғида, ҳар бир чизиғида Жамиланинг қалби уриб турсин!

1958 йил.

# БҮТАКҮЗ





«Куш учса бу ердан қаноти куяр,  
От ўтса бу ердан туёғи синар.  
Қирқ кун эгарингдан тушмасдан ерга  
Чўл бўйлаб чопасан чўмилиб терга...»

(Қирғиз халқ эртақларидан)

I

Булоқдан эндигина ярим челақ сув олган ҳам эдимки,  
дашт бўйлаб кучли қийқириқ янгради:

— Ҳе-э-эй! Академик, тумшуғингга туширама-ан!

Мен қулоғимни динг қилиб, тошдек қотиб турардим.  
Аслида исмим Камол бўлиб, бу ерда менга Академик  
деб лақаб қўйишган эди. Ҳа, ўйлаганимдек бўлиб чиқди.  
Нариги томондан тракторнинг «тир-р» этган овози эши-  
тилмасди. Тумшуғимга туширмақчи бўлган одам Абу-  
бакир эди. У яна дағдаға солиб роса сўкадиган бўлди-да,  
ҳатто мушт кўтаришдан ҳам тоймаслиги мумкин. Чунки  
мен сув етказиб беришга улгура олмас эдим. Трактор-  
лар иккита эди, мен бўлсам якка ўзимман. Шунга қа-  
рамай, манови якка от-аравада уларга сув ҳам, ёнилғи  
ҳам, мой ҳам, яна бошқа бало-баттарларни етказиб бе-  
ришим керак эди. Тракторлар бўлса бу атрофда яккаю  
ягона ҳисобланган булоқдан ҳам, ёнилғи цистерналари  
сақланадиган бирдан-бир шийпонимиздан ҳам борган  
сайин олислашиб борарди. Шийпонни ҳам яқинроққа кў-  
чиришга уриниб кўрдик, аммо қаёқда дейсиз, у ҳам сув  
билан боғлиқ-да. Абубакирга ўхшаганлар бўлса бунни ту-  
шунишни ҳам истамайди: «Тумшуғингга соламан!— деб  
бақиргани-бақирган.— Мен бу ерда оғзидан сўлаги оқиб

юрган ландовур студентни деб бекорга вақт ўтказишга тоқатим йўқ»— дейди.

Мен эса у ўйлагандек студент ҳам эмасман. Ҳатто институтга киришни хаёлимга ҳам келтирмаганман. Мактабни тугатишим биланоқ шу ерга — Анорхой даштига келган эдим. Бизни бу томонга юбораётганларида, мажлисда ҳаммамизни, шу жумладан мени ҳам: «қўриқ ерларни забт этувчи донгдорлар, янги ўлкаларни кашф этувчи қўрқмас ташаббускорлар!» деб аташган эди. Дастлаб шунақа эдик, энди-чи?.. Айтишга ҳам уяласан киши: «Академик». Бу лақабни менга Абубакир қўйган эди. Бунга ўзим айбдорман. Кўнглимдагини яшира олмайман, худди ёш боладек ўз-ўзимга гапириб, хаёлларга берилиб кетаман, кейин одамлар мендан кулиб юришади. Лекин улар бунинг учун мен эмас, мендан кўпроқ тарих ўқитувчимиз, ўлкашунос Олдиёров айбдор эканини билсалар эди... Шу ўқитувчимизнинг гапига кириб, энди роса таъзимни еяпман...

Шу аснода, бочкани тўлдирмасданоқ сойлик бўйлаб йўлга тушдим. Аслини айтганда, бу ерларда сира йўл йўқ эди. Мана шу ёлғиз оёқ йўлни ҳам аравада қатнайвериб ўзим солган эдим.

Қорамтир, кенг дала этагида трактор турарди. Унинг кабинаси устида Абубакир ўтирарди. У ҳавода муштини ўйнатиб, ҳамон мени сўқар, гўрдан олиб гўрга тиқарди.

Мен отга қамчи босдим. Бочкадаги сув чайқалиб елкамга сачрар, аммо мен буни писанд қилмай, отни баттар қамчилар эдим. Абубакир ҳозир таъзимни берса керак. Бу ерга юборишларини ўзим илтимос қилганман. Ҳеч ким мени мажбур этгани йўқ. Бошқа йигит-қизлар Қозоғистонга, газеталарда ёзилаётган ҳақиқий қўриқ ерларга кетишган. Мен бўлсам бир ўзим Анорхой даштига келибман. Бу ерда шу йил баҳорда биринчи марта иш бошладилар. Шунда ҳам атиги иккита трактор билан ишга киришилди. Ўтган йили агроном Сорокин — у бу ерда ҳаммамизнинг бошлиғимиз ҳисобланади — бир ерга баҳори арпа экиб, синаб кўрган экан. Айтишларига қараганда, ҳосил ёмон бўлмабди. Агар иш шу зайлда давом этса, эҳтимол, Анорхой даштида ем-хашак масаласини ҳал қилиш мумкин бўлиб қолар.

Бироқ ҳозирча эҳтиёткорлик билан иш кўриш керак эди. Анорхой саратонда қақраб кетарди: ҳатто тиканлар ҳам турган жойида қовжираб қоларди. Эрта кузда мол-

ларини шу ерга қишлоғга ҳайдаб келган колхозлар эса, ҳали экиш-тикишни бошламай: «қани кўрайлик-чи, бошқалар нима қиларкин?» деб кутиб турардилар. Бунинг устига, биз бу ерда озмиз, бор-йўғи: икки тракторчи, икки прицепшик, ошпаз аёл, сув ташувчи, яъни мен ва агроном Сорокин. Қўриқ ерларни забт этувчилар армияси мана шулардан иборат эди. Ким билсин, эҳтимол бизнинг ҳақимизда ҳеч ким ҳеч нарса билмас, биз ҳам оламда нималар бўлаётганидан беҳабар эдик. Гоҳо Сорокингина бирор янгиллик топиб келарди. У отда яқин атрофдаги чўпонлар ҳузурига бориб, рация орқали бошқалар билан жанжаллашиб, қилинган ишлардан ҳисоб берар эди.

Гап бундай экану, мен бўлсам қўриқ ерларни, чексиз даштларни кўраман деб юрибман! Дарвоқе, бунинг ҳаммасига тарих ўқитувчимиз Олдиёров сабабчи бўлди-я. Шу одам бизга Анорхой даштини бошлаб таърифлаган эди: «Асрлар бўйи қўл урилмай, Қўрдай ён бағирларидан тортиб то Балхашнинг қамишзорларигача чўзилиб кетган Анорхой дашти эрману шувоқзорлар билан безаниб, савлат тўкиб ястаниб ётибди. Афсоналарга қараганда, қадим замонларда уюр-уюр йилқилар Анорхой тепаликларига адашиб, дом-дараксиз йўқолиб кетаркан. Сўнг ёввойилашиб кетган отлар тўдалашиб узоқ вақтлар дайдиб юришар экан. Анорхой — ўтмишнинг тилсиз гувоҳи бўлиши билан бирга, даҳшатли жанглар майдони, кўчманчи саҳройи қабилаларнинг макони бўлган. Бизнинг замонамизда эса Анорхой даштлари бой ва саҳий чорвадорлик ўлкасига айлантирилиши керак!..» ва ҳоказо ва ҳоказо, шунга ўхшаш сўзлар.

Ўша кезларда Анорхойни картадан кўриш қандай завқли эди: у кафтдеккина жойни эгаллаб ётарди. Энди-чи? Энди бўлса мен бу лаънати аравани тонгдан кечгача у ёқдан бу ёққа тарақлатиб ҳайдаганим-ҳайдаган. Кечқурун ҳолдан тойиб, юз машаққат билан отни аранг аравадан чиқараман-да, олдига той-той қилиб боғланиб, машинада келтирилган пичандан ташлаб қўяман. Сўнг ошпазимиз Алдей нима берса ҳам еб оламан-да, ўтовга кириб мукка тушганимча тошдек қотиб ухлаб қоламан.

Дарҳақиқат, Анорхой эрмана-шувоқзорлар билан безаниб, савлат тўкиб ётарди. Қани энди вақт бўлса-ю, бу чексиз даштларни соатлаб кезиб, унинг гўзаллигидан баҳраманд бўлсанг.

Ҳаммаси ҳам майли-ю, аммо бир нарсага ҳайрон эдим: Абубакирга менинг нимама ёқмай қолди экан; у мени нега бунчалик ёмон кўраркин? Агар мен бу ерда ўзимни нималар кутаётганини илгаридан билсайдим... Мен ҳар қандай табиий қийинчиликларга чидашга тайёрман. Ахир, бу ерга меҳмонга келганим йўқ-ку. Бироқ, негадир, бирга яшаб, бирга ишлашимиз лозим бўлган одамлар ҳақида сира ўйламаган эканман. Ҳамма ерда ҳам одам — одам-ку, деганман-да...

Мен бу ерга машинада икки кунда етиб келдим. Мана бу тўрт ғилдиракли аравани ҳам мен билан бирга олиб келишди. Уша пайтда унинг дастидан шунчалик азоб-қубатда қолишимни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

Ахир мен бу ерга прицепшик бўламан деб келган эдим-ку. Бир баҳор тракторда ишлаб, уни ўрганиб олиб, тракторчи бўлиб қоламан, деган орзуда эдим. Районда ҳам менга худди шундай дейишган ва шу орзу мени Анорхойга бошлаб келганди. Бу ерга келиб қарасам, прицепшиклар етарли экан, мени сув ташишга қўйишди. Бошдаёқ бу ишни рад этиб, уйга қайтиб кетишим мумкин эди. Нега десангиз, мен ҳозиргача араванинг шотисини ҳам, бўйинтуруқни ҳам ушлаб кўрмаган эдим. Умуман шу кунга қадар ҳеч қаерда ишлаганим ҳам йўқ эди. Фақат шанбаликлардагина қанд заводида онамга кўмаклашардим. Отам фронтда ҳалок бўлган экан. Мен уни эслай олмайман. Шунинг учун ҳам мустақил ҳаёт бошлашга қарор қилган эдим... Нима бўлса ҳам иссиғида қайтиб кетишим керак эди-я. Лекин уялдим. Бу ерга келиш олдидан мажлисда қанча дув-дув гап бўлди, ахир. Онам ҳам рози бўла қолмади; у менинг врач бўлишимни орзу қиларди. Аммо мен ўз фикримда қатъий туриб олдим, сизга ёрдам бераман, деб кўндирдим. Чўлга боришга қатъий бел боғлаб, тезроқ йўлга чиқишга ошиқардим. Энди дарров қайтиб борсам одамларнинг юзига қандай қарайман? Хуллас, аравада сув ташишга тўғри келди. Аммо бошимга тушган кулфатларнинг боиси бу эмас эди.

Бу ёққа келаётганимда, йўл-йўлакай, машина устида тик турганимча, чор атрофга суқланиб боқардим, мана, қадимий афсонавий Анорхой дашти! Машина ясси тепаликларда, эндигина яшил тусга кириб келаётган дашт юзида гранг қўзга чалиниб турган йўл бўйлаб елдек учиб борарди. Ерлар қор наmidан буғланиб ётарди. Нам



ҳавода бултурги томирлардан эндигина ниш уриб чиқаётган Анорхой ёвшонларининг аччиқ ҳиди димоққа урилиб турарди.

Қаршидан эсаётган шамол кенг даштликдан табиатнинг бир олам шовқинини ва соф баҳор нафасини олиб келарди. Биз уфқ сари елиб борардик, у эса олис-олисларда, майса билан қопланган тепаликлар остида орқасига тисарилиб, Анорхой даштининг кўз илғамас кенгликлари сари имлаётгандек, тобора узоқлашиб кетмоқда эди. Шунда мен гўё ўзимни ўтмиш замонларнинг садоларини эшитаётгандек сезгандим. Ер гўё минг-минг туёқлар остида ларзага келиб гувилларди. Саҳройи кўчманчиларнинг сон-саноқсиз отлиқ аскарлари найза ва байроқларини кўтариб, океан тўлқинлари сингари даҳшатли ҳайқириқ, ғала-ғовур билан елиб югуришарди. Кўз ўнгимда даҳшатли жанг манзараси намоён бўларди. Темир жаранглаб, одамлар қий-чув кўтаришар, отлар бир-бирларини тишлаб, тепишарди. Менинг ўзим ҳам, қаердадир, мана шу қайноқ жанг ичида юрардим гўё... Аммо жанг суронлари тиниб, баҳор фасли кириши билан Анорхой даштида оқ ўтовлар ёйилиб кетар, кишлов устида тезак тутунлари осмонга ўрмалар, чор атрофда қўтон-қўтон қўйлар, йилқи уюрлари ўтлаб юрар, туя карвонлари қўнғироқларини жаранглатиб қаёқдандир келиб, қаёққадир йўл олар эди...

Паровознинг узоқ-узоқларга таралган чўзиқ овози мени ҳушимга келтирди. Ёлини ҳилпиратиб, думини ёйиб, елдек учиб бораётган пойгачи от каби, вагонлар устига тутун буруқсатиб паровоз ўтиб борарди. У узоқдан менига худди шундай туюлганди. Поезд борган сари кичрайиб, қора чизикдек бўлиб қолганди ва ниҳоят кўздан ғойиб бўлганди.

Биз даштда жойлашган якка-ёлғиз разъезд ёнидаги темир йўлни кесиб ўтиб, яна йўлимизда давом этдик...

\* \* \*

Манзилга етиб келган дастлабки кунларда ўзимни осмондан тушиб қолгандек ҳис қилдим. Йўлда хаёлимни банд этган манзаралар ҳамон кўз ўнгимдан кетмасди. Дала шийпонининг яқинидаги тепалик устида қадимий ёдгорлик — хотин кишининг ҳайкали турарди. Кул ранг,

қўпол йўнилган бу гранит парчаси неча асрлар мобайнида ерга чуқур ботиб, қўриқчи сингари, йироқларга боқиб турарди. Унинг ёмғир ва шамол таъсиридан лат еб, бир оз қийшайган ўнг кўзи, қорачиғи оқиб, пучайиб қолгандек, қовоқлари остидан хўмрайиб туриши кишини ваҳимага соларди. Мен унга узоқ вақт синчиклаб қараб турдим, сўнг ўтовга келиб, Сорокиндан сўрадим:

— Уртоқ агроном, сизнингча бу ерга манови ҳайкални ўрнатган ким?

Сорокин қаёққадир кетишга отланаётган эди.

— Қалмоқлар ўрнатган бўлса керак,— деди у отга мина туриб ва жўнаб кетди.

Кошки, у вақтларда мени бундай жавоблар қаноатлантира олса! Ҳали яхши танишиб улгурмаган бўлсам ҳам, тракторчи ва прицепшиқларга мурожаат қилдим:

— Йўқ, бу тўғри эмас. Қалмоқлар бу ерга ўн еттинчи асрда келишган. Бу қабр устидаги ҳайкал бўлса ўн иккинчи асрга мансуб. Афтидан, бу хотин ҳайкалини мўғуллар ғарбга қилган буюк ҳужумлари даврида ўрнатишган бўлса керак. Биз қирғизлар ҳам улар билан бирга Енисей соҳилларидан бу ёққа — Тянь-Шань ўлкаларига келиб қолганмиз. Бизгача бу ерда қипчоқ қабилалари, уларга қадар эса малла сочли, тиниқ кўзли одамлар яшаган...

Тарихни яна ҳам чуқурроқ ковлаштирардим-у, аммо трактор ёнида турган комбинезонли йигит сўзимни бўлди. Бу Абубакир эди.

— Ҳой, тирранча!— деб қовоқ остидан менга ғазабли ўқрайди у.— Жуда олим кўринасан. Қани бу ёққа кел, ўтовдан шприц билан тавотни олиб чиқ.

Мен бўлсам унга шприц билан солидолни олиб келибман.

— Эҳ, академик!— деди у менсимаган бир оҳангда тишини қисиб ва қизариб кетган кўзлари билан еб қўйгудек бўлиб.— Биз саводсизларга лекция ўқишни биласану, отни туядан ажратолмайсан.

Шу-шу «Академик» бўлиб қолдим. Мана мен ҳозир ўз аравам билан Абубакирга яқинлашмоқдаман, унинг жағи ҳамон тинмасди. У шудгор ичидан лойга ботиб мен томон югуриб келаётир.

— Бунча тошбақага ўхшаб судралмасанг! Яна қанча куттирмоқчисан?! Бўғиб ташлайман сен итваччани, она сути оғзидан кетмаган битта академик камайса камайибди-да.

Мен тракторга хомушгина яқинлашдим. Ҳзимни оқлаш учун нима ҳам дея олардим? Ахир, трактор менинг айбим билан тўхтаб қолган. Хайриятки, прицепшик аёл — Қалипа менинг ёнимни олди:

— Кел энди, ўзингни бос, Абубакир! Бақириш-чақиришдан нима фойда? Уни қара, бечоранинг рангида ранг қолмабди. Шўрлик жуда қийналиб кетибди,— деди-да, қалтираб турган қўлларимдан челақни олиб, радиаторга сув қуя бошлади.— Бусиз ҳам жонини жабборга бериб ишляпти-ку. Кўряпсанми, қора терга ботиб кетибди...

— Менга нима!— жеркиб ташлади Абубакир.— Уйда ўтириб китобини ўқийверсин эди!

— Майли, бас қил энди!— Тинчитишга уринарди Қалипа.— Мунча баджаҳл бўлмасанг! Яхши эмас!

— Агар киши бунақаларнинг ҳаммасини кечираверса ўзини балога қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Планинг бажарилишини сендан эмас, мендан сўрайдилар. Бу хумпар олим жонимни ҳалқумимга келтираётгани билан кимнинг иши бор, ахир!

Менинг олимлигим мунча дастак бўлиб қолди. Нега ҳам ўқиган эканман, қаёқдан ҳам тарихчи Олдиёровни эслай қолдим.

Мен бу ердан тезроқ қайтиб кетишга шошилардим. Ахир саҳронинг у бурчи ҳам бизга ўхшаганларга мунтазир бўлиб турибди-ку. У ерда тракторчи Садабек ишлайди. У ёши анчага бориб қолган, жиддий киши, жаҳли чиқса ҳам бақириб-чақиравермайди.

Орқамдан трактор моторининг овози эшитилди. Абубакирнинг тракторига жон кириб юриб кетди. Мен сал енгил тортиб, намиққан фуфайкада жунжикиб турардим. Бу Абубакир мунча баджаҳл, мунча заҳар экан-а? Ҳали қари ҳам эмас, ўттиздан сал ошган. Тўғри, юзи анча хунук, ёноқ суяклари бўртиб чиққан, қўллари арслон панжасидек бақувват, аммо ўзи анча хушқомат, кўзлари бўлса важоҳатли, совуқ, сал нарсага қонга тўлади. Жони бўғзига келади. Бундай пайтларда эҳтиёт бўлмасанг, сени ғажиб ташлайди.

Яқинда бир воқеа бўлди. Оқшомдан ёмғир бошланиб, тун бўйи савалаб чиқди. Ивиб кетган кигиз устидан бир маромда чакиллаб оқиб тушаётган томчилар қандайдир мунгли оҳангда кишига ниманидир шивирлаётгандек туюларди. Ёмғир эрта билан ҳам тинмади. Биз ўтовда ўтиравериб бекорчиликдан зерикиб кетдик. Агроном

Сорокин қаергадир кетган эди — шундай кунда ҳам унинг иши бошидан ошиб-тошиб ётарди. Чорвачилик учун ҳам жавобгар-да. Шу сабабли у бирор дақиқа тиним билмас, эртаю кеч умри эгарда ўтарди.

Ёмғир бир оз пасайганда Садабекнинг кичик укаси — прицепшик Эсиркеп менинг отимга минди-да, чўпонлар олдига жўнади. Алдей билан Қалипа бўлса челақларни кўтариб, булоқ бошига сувга кетишди. Утовда биз уч киши — Абубакир, Садабек ва мен қолдик.

Таъбимиз хира, ҳар биримиз ўз ишимиз билан банд эдик. Абубакир оёқларини узатиб ёнбошлаганича папирос чекарди. Садабек ўчоқ олдидаги тўқим устига ўтириб, бигиз ва мумланган пишиқ ип билан эски этигини ямарди. Мен бурчакка тиқилиб олиб китоб ўқирдим.

Ўтовнинг ичи зах эди. Ивиган наमतдан қўй ҳиди келарди, тепадан аҳён-аҳёнда чой сиёқли сув томчиларди. Ташқарида эса ҳалқоб сув юзига шовиллаб ёмғир ёғарди.

Абубакир зерикиб эснади, қўлларини қирсиллатиб керишди, у ёқ-бу ёққа қарамай, қовоғини осганча, қўлидаги папирос қолдиғини улоқтирганди, кигизнинг бир чеккасига бориб тушди. Намат тутаб, жизғинак ҳиди чиқа бошлади. Садабек папирос қолдиғини олди-да, кулга ташлади.

— Эҳтиёт бўлиш керак,— деди у чарм орасидан тупкланган мумли ипни ўтказаркан,— нима, жойингдан қўзғалполмайсанми?

— Ҳа, нима бўпти,— деб жаҳл билан бошини кўтарди Абубакир.

— Намат ёниб кетай деди.

— Оббо, матойингни қара-ю,— менсимай тиржайди Абубакир.— Илма-тешик этигингни ямаяпсанми, ямай-вер, бошқаси билан ишинг бўлмасин!

— Гап бойликда эмас. Бу ерда сен бир ўзингмас, ўз уйингда ҳам эмассан.

— Ўз уйимда эмаслигимни биламан! Уйимда бўлсам сен билан гаплашиб ҳам ўтирмас эдим. Тушундингми, маймун башара. Худонинг қаҳрига учрамасам, сургун қилингандек, сену сенинг хотинингга ўхшаш аҳмоқлар яшайдиган Анорхойга келиб қолармидим...

Садабек мумланган ипни куч билан силтаб тортди. Бигиз унинг қўлидан отилиб чиқиб орқасига тушди. У Абубакирга нафрат билан узоқ тикилиб турди, сўнг бир

қўлида этик, бир қўлида таранг тортилган ипни ушлағанча, ғазаб билан олдинга интилди.

— Майли, сенинча, мен аҳмоқман, бу ерга ҳаммамизни боқиш учун мен билан бирга келган хотиним ҳам аҳмоқ бўлсин!— Оғир нафас олиб гапирарди у.— Бошқа ҳамма анорхойликлар ҳам, сенинча, сургун қилинган кишиларми? Нима, уларни бу ерга сен ҳайдаб келганмисан? Қани, жавоб бер, эси паст!— деб бақирди у ва ўнг қўли билан нағалли этигининг қўнжидан ушлаганча ўрнидан ирғиб турди.

Абубакир бир чеккада ётган ключга ўзини отди, калласини елкалари орасига олиб, уришга ҳозирланиб турди.

Мен қўрқиб кетдим. Вазият жуда қалтис эди. Улар бир-бирини ўлдириб қўйиши ҳам ҳеч гап эмасди.

— Қўй, Абубакир!— дедим югуриб бориб.— Уни урма! Қўй, Садабек, шу билан тенглашиб ўтирма!— деб, оёқлари остида ўралашиб, саросимада ялиниб-ёлвордим.

Садабек мени бир чеккага итариб юборди. Улар жангга ҳозирланаётган арслондек, ўтов ичида гир айланишарди. Бирдан бир-бирига ташланиб қолишди, Абубакирнинг қўлидаги ключ Садабекнинг боши устида ялтиллади. Аммо Садабек шу заҳоти чап бериб, иккала қўли билан ключни ушлаб қолди. Абубакир кучли эди. У ўз рақибини ерга йиқитиб, остига босиб олди, иккаласи хириллашиб, сўкишиб, юмалашганча олишиб кетишди. Мен югуриб бориб Абубакирнинг қўлидан чиқиб кетган ключга бутун гавдам билан ташландим, ниҳоят, уни олганимча ўтовдан чиқиб қочдим...

— Алдей! Қалипа!— сув олиб қайтаётган аёлларга қараб қичқира бошладим.— Тезроқ, тезроқ, улар уришишяпти, бир-бирини ўлдириб қўяди.

Аёллар челақларини ташлаб, мен томон югуришди. Биз ўтовга етиб келганимизда Садабек билан Абубакир ҳамон ерда ағанашиб ётишарди. Уст-бошлари йиртилган, юз-кўзлари қонга бўялган. Зўрға ажратиб қўйдик. Алдей эрини судраб эшикка олиб чиқиб кетмоқчи бўлди. Лекин Абубакир бир зарб билан Қалипанинг қучоғидан чиқиб кетди.

— Ҳа, маймоқ ит, сеними, ҳали тўхтаб тур!.. Сен мурдор ҳали оёғим остига йиқилиб тавба қиласан, ўшанда Абубакирнинг кимлигини билиб оласан!

Паст бўйли, қотмадан келган Алдей унга яқин келиб, юзига тик боқиб гапира бошлади.

— Қани, тегиб кўр-чи! Кўзларингни ўйиб олайки, ўзингни-ўзинг танитай қолгин!

Садабек бамайлихотир хотинининг қўлидан ушлади:

— Қўй, Алдей, садқайи гап кетсин у...

Мен бу орада ташқарига чиқиб, тўполонда отиб юборилган гайка ключини қидириб топдим-да, ўтовдан нарироқ бориб, уни тош ҳайкал ёнига кўмиб қўйдим. Ўзим бўлсам, ўтирдим-у бирдан йиғлаб юбордим. Паст, бўғиқ йиғидан бутун вужудимни қалтироқ босган. Мени ҳеч ким кўрмас эди, ўзим ҳам қандай ҳолатга тушиб қолганимни билмас эдим. Фақат ўша тош ҳайкалгина, гўё дардимни тинглаётгандек, бўм-бўш қолган кўз чаноғи билан менга хўмрайиб боқиб турарди. Атрофда туман билан қопланган нам, сокин ва ҳорғин чўл ястаниб ётарди. Унинг кўҳна ва чуқур сукунатини бирон шарпа бузмасди, ёлғиз менгина кўз ёшларимни артар, ҳамон пиқиллаб йиғлаб ўтирардим, мен бу ерда узоқ, жуда узоқ вақт, то қош қорайгунча ўтирдим.

Ёвшонлар билан безанган чўлда мен ана шу зайлда яшардим... Куч-қувватим борича меҳнат қилардим. Лекин, шунга қарамай, ҳамон ишим ўнгидан келмасди. Мана ҳозир Абубакирдан яна яхшигина дакки едим. Оқибат нима бўлади — ўзим ҳам билмайман. Аммо умидсизликка тушиш ҳам ярамайди. То йиқилгунча ўз ўрнингда маҳкам турмоғинг керак.

— Қани, Серко, қимирла! Илдамроқ! Иккимиз ҳам тетик бўлайлик, ишдан қолмайлик...

## II

Эртаси куни одатдагидан барвақтроқ, тонготарда турдим. Кеча ўтовда ётиб ўзимча шундай аҳд қилган эдим: бор кучимни ишга солиб, шундай ишлайинки, бирон киши койишигина эмас, ҳатто таъна ҳам қила олмасин. Ўзимнинг бошқалардан кам эмаслигимни бир кўрсатиб қўяй.

Даставвал ёнилғини келтириб, бакларга ўзим қўйиб чиқдим. Сўнгра, иш бошлангунга қадар тракторларнинг радиаторларини сувга тўлдириб қўяй деб аравам билан булоқ томон жўнадим, ундан кейин нонушта қилиб олишга улгуриш ва бирор дақиқани ҳам зое кетказмай яна сув ташиш керак. Хуллас, ҳозирча иш мен ўйлагандек бораётганди.

Бу орада ғира-шира, оқимтир туман қоплаган уфқ ортидан аста-секин қуёш бош кўтара бошлади. У гўё чексиз чўзилиб кетган Анорхой даштларига назар ташлашдан чўчиб, анча вақтгача ўрнидан кўзғалмай турди. Сўнг яна бир қараганимда қиё боқиб, жамолини кўз-кўз қилаётгандек кўринди. Қуёш тиғ ураётган пайтдаги дашт манзарасидан гўзалроқ нарса бўлмаса керак! Гўё улкан ложувард денгиз ўз қирғоқларидан кўтарилиб чиққану, шу бўйича мовий тўлқинлари музлаб қолгандек, ундамунда қуйқа тортиб қолган қисмлар тўқ-кўк ва сарғиш тусда жилваланарди.

У, Анорхой, ў бепоён дашт! Нега сукут сақлайсан, нималар ҳақида хаёл сурасан? Асрлар бўйи нималарни сир сақлаб келяпсан, келажакда сени нималар кутяпти?

Мен бор-йўғи бир сувчиман, лекин бунга ўксинмайман. Ҳали мана шу ерларга ҳам, машиналарга ҳам ўзим ҳукмрон бўламан. Ахир иккита тракторимиз, бу ерда қилинаётган ишларнинг ҳаммаси — ишнинг бошланиши, холос. Мен, тадқиқотчиларнинг Анорхой даштида катта ер ости дарёлари бор, деган фикрини аллақерда ўқиган эдим... Эҳтимол, бу ҳали тахминдир, аммо, нима бўлса ҳам, ишончим комилки, кишилар бу ерларга сув келтирадилар. Анорхойда кўм-кўк боғ-роғлар шивирлашиб, соя-салқин ариқлардан сувлар шарқираб оқади, дашт шамоли майин эсиб, олтин буғдойзорлар ҳосилини кўз-кўз қилади. Бу ерда шаҳару қишлоқлар бунёдга келади. Бизнинг авлодларимиз бу чўлни фахр билан Анорхой бўстони деб атайдилар. Яна бир неча йиллардан сўнг бу ерларга менга ўхшаш бирор ўспирин йигит келганда, эҳтимол, унга сув ташувчи арава билан чўл бўйлаб кун бўйи санқиб юришга ва қандайдир бир бадфеъл ўзбошимчанинг сўкишларини эшитишга тўғри келмас.

Лекин, ҳар ҳолда, мен унга ҳасад қилмайман, чунки мен бу ерга биринчи бўлиб келганларданман!..

Аравани тўхтатиб қўйиб, эрталабки Анорхой кенгликларини тамоша қилдим. Мана шу дамда ўзимни ер юзидаги энг бахтиёр, энг кучли, ҳатто энг гўзал одам деб ҳис қиламан. Ҳа, Анорхой ерлари саноат ўлкасига айланади!..

Ниҳоят, уфқ ортидан заррин нурларини сочиб, баркашдек қуёш кўтарилди.

Куннинг бошланиши ёмон эмас. Моторлар ҳам ишлаб турибди. Сувни пешма-пеш ташиб келтиришга ҳам улгуряпман. Аммо ҳали кечга узоқ...

Сувга қатнаб юрганимда бир вақт булоқ бошида қўй-қўзиларнинг кичик бир қўтонини учратиб қолдим. Уларни бу ерга бир қизча ҳайдаб келган экан. У қўйларни булоққа яқинлаштирмай, ариқчада суғормоқда эди. Қаёқдан келиб қолди у? Эҳтимол, биздан этакроқдаги қўш тепалик ортидан, сойлик томонидан келгандир. Чўпонлар ўша ёқда ўрнашган эди. Қизнинг чеҳраси менга танишдек туюлди. Мен қайси бир журналда худди шу қизга ўхшаш, кокили пешонасига тушиб турган ёшгина хитой қизнинг суратини кўрган эдим. Балки шунинг учун ҳам мен уни қаердадир учратгандек бўлаётгандирман.

Биз бир-биримизга жимгина қарадик. Менинг кутилмаганда бу ерда пайдо бўлиб қолганим унга қанчалик ғайри табиий туюлган бўлса, унинг бу ерга келиб қолиши ҳам менга шундай кўринди. Бироқ ҳеч нарса бўлмагандек аравадан сакраб тушдим-да, ишбилармон кишилардек, булоқдан сув олиб бочкани тўлдира бошладим.

Шу маҳал қўйлар ҳам сув ичиб бўлишди, қиз уларни бир чеккага ҳайдай бошлади. Ёнимдан ўтиб кета туриб:

— Бу булоқнинг оти нима?— деб сўради мендан.

Мен ҳозир сув олганимда лойқаланиб қолган, нурсиз жилваланиб турган булоқ кўзига термилганимча ўйланиб қолдим. Дарвоқе, яккаю ягона булоғимизнинг бирон номи бўлса керак, ахир? Мен ҳамон ўйланиб турарканман, бу орада сув тиниб, булоқ юзи равшанланиб, туби қуюқ кўк тусга кирди.

— Бўтакўз!— дедим қизга қайрилиб.

— Бўтакўз булоғи?— қизча пешона сочини бир силкитиб, табассум қилди.— Жуда гўзал экан оти! У ҳақиқатан ҳам бўталоқнинг кўзига ўхшайди, ўйчан кўринади.

Биз гапга киришиб кетдик. Қиз бизнинг томонлардан экан. У, ҳатто ўқитувчим Олдиёровни ҳам таниркан. У, бу кимсасиз чўлда нотаниш қиз оғзидан севимли ўқитувчининг номини эшитиш қандай яхши! Эҳтимол, у ҳам Анорхойга ана шу муаллимнинг гапи билан келгандир. Қиз ўтган йили мактабни, бизникини эмас, бошқа мактабни тамомлаб, ҳозир сақмончи—қўйларнинг қўзилаш даврида чўпон ёрдамчиси бўлиб ишлаётган экан.

— Қўраמידаги қудуқнинг суви шўр,— деди қиз.— Мен бу ерда булоқ борлигини эшитгандим. Ўзимнинг



ҳам оқин сувларни кўргим келиб кетди, қўзиларим ҳам зилол сув қанақа бўлишини билишсин дедим! Қўзиларни боқиб, катта қилиб чўпонга топшираман, кейин университетга ўқишга кетаман...

— Вақт-соати етса мен ҳам ўқимоқчиман,— дедим.— Бироқ мен механизация мактабига кираман. Мени аслида бу ерга тракторда ишлаш учун юборишган эди, мана эса, шунчаки, вақтинча...— деб бочкани кўрсатдим унга.— Вақтинча ёрдамлашяпман... Сув ташигани бошқа бировни юборишлари керак.

Мен бу гапни чакки айтиб қўйдим, оғзимдан чиқиб кетганини ўзим ҳам сезмай қолдим. Уялганимдан аъзойи баданимдан иситма чиқиб кетди, аммо яна шу ондаёқ музлаб кетдим — узоқдан Абубакирнинг ёқимсиз овози эшитилди:

— Ҳе-э-эй, академик, жағингга тушираман!

— Оббо, кўп гапириб юборибман-ку!

— Нима бўлди?— ҳайрон бўлиб сўради қизча.

— Ҳеч нима. Шундай, сувни олиб бориш керак,— дедим қизариб.

Қизча қўзиларини келган йўли билан ҳайдаб кетди. Абубакир шудгорнинг узоқ чеккасида, трактор кабинасидан туриб муштани ҳавода силкитганича, томоғини йиртиб бақирарди.

— Кетяпман-ку, ахир, кетяпман! Овозингни ўчирсангчи! Одам деган бегона қиз олдида шунчалик ҳам бақирадими!— дедим ғазаб билан ва отни чоптириб кетдим.

Бочкадаги сув шалоп-шулуп чайқалиб, сачраб, бошимдан оёғимгача шалаббо қилди. Тўкилса тўкилаверсин, менга деса бир томчиси ҳам қолмасин! Мен бундай хўрликка ортиқ чидаёлмайман!

Абубакир кабинадан сакраб тушди-да, яна ўтган сафаргидек менга ташланди. Мен жиловни тортиб, отни таққа тўхтатдим-да:

— Агар сен шунақа бақираверадиган бўлсанг, ишни ташлайману кетаман,— дедим жаҳл билан.

У кутилмаганда бу гапдан довдираб қолди, лекин хўштак чолиб юборди-да, етти пуштим қолмай сўка бошлади.

— Сен лапашанг академиксиз ҳам Анорхой бор эди, бундан кейин ҳам ўт тушкур бу чўл қуриб кетмайди! Йўқол бу ердан тезроқ! Энди сен қолган эдинг менга тил тегизмаган, иштонсиз студент!

Мен аравадан сакраб тушиб, қамчини трактор орқасига улоқтириб юбордим-да, одимлаб кетдим.

— Тўхта, Камол! Ундай қилма! Қаёққа борсан, тўхта!— деб орқамдан қичқирди Қалипа.

Бу гап мени баттар қизиштирди, қадамимни яна тезлаштирдим.

— Тўхатма уни, қўявер, қуриб кетсин!— Абубакирнинг овози эшитилди орқамдан.— Усиз ҳам эвини қилармиз!

— Сен одам эмассан, ваҳший ҳайвонсан, нима қилиб қўйдинг!— деб Қалипа унга дашном бера бошлади.

Уларнинг аллавақтгача жанжаллашгани қулоғимга чалиниб турди.

Мен тобора олдинга интилиб, қадмимни тезлаштириб борардим. Қаерга боришим — аҳамиятсиз. Атрофда тирик жон йўқ, тўрт томоним қуп-қуруқ дала. Булоқни, дала шийпонини орқада қолдириб, тош ҳайкал турган тепаликни ҳам босиб ўтиб кетдим. Дарғазаб бўлиб тиржайиб турган тош кампир бўм-бўш қолган қоп-қора ва нурсиз кўзлари билан мени кузатиб, узоқ асрлар давомида ерга қандай ботиб турган бўлса, ҳозир ҳам шу таҳлитда бақрайиб турарди.

Мен ҳеч нарсани ўйламай кетиб борардим. Фақат биргина истагим бор эди, у ҳам бўлса — кетиш, иложи борича бу ердан тезроқ кетиш. Бу лаънати Анорхой даштини елкамнинг чуқури кўрсин.

Кўз ўнгимда ҳувиялаб ётган қуруқ чўл. Барча паст-баландликлар, қиру сойлар, чор атрофдаги ҳамма нарса бир-бирига ўхшарди. Бу жонсиз, бир-бирига ўхшаш манзарани ким яратди экан? Нега таҳқирланган, хўрланган мен бу аччиқ шувоқзор, шўр босиб ётган бепоён кенгликларни кезиб чиқишим керак экан? Қаёққа назар ташлама — қуп-қуруқ, жонсиз биёбон, яйдоқ дала. Бу ерда одамзод учун нима бор? Унинг яшаши учун бошқа жой қуриганми? Эрталабки ўй-хаёлларим энди менга жуда кулгили бўлиб туюларди.

Мен ўзимнинг ожизлигимни, бошпанасизлигимни ва хўрсинганлигимни бутун вужудим билан ҳис этиб: «Мана сенга ёвшонзор гўзал даштлару, мана сенга Анорхой ўлкаси!» деб ўзимдан-ўзим кулардим.

Тепамда осмони фалак, теварак-атрофим чексиз дашт, ўзим эса гўё бу ерга аллақаердан келиб қолганману эгнимдаги қавилган фуфайка, оёғимдаги кирза этик

ва ранги ўчиб кетган шапкада муштдек одамга ўхшаб кўринардим.

Шу ҳолатда йўлсиз кетавердим. «Бирор ерда темир йўл изига чиқиб қоларман,— деб ўйлардим ўзимча.— Сўнг бирон разъездда юк вагонларига осилиб оларман. Одамлар олдига бораман...»

Ортимда туёқларнинг дукур-дукурию, отларнинг пишқириғи эшитилганда ҳам ҳатто қайрилиб қарамадим. Бу Сорокин эди, албатта. Чунки ундан бошқа одам бўлиши ҳам мумкин эмасди. Ҳозир ҳойнаҳой койиб беради, сўнгра ялинади. Майли, нима бўлса бўлар! Лекин орқамга қайтмайман, қайтишни хаёлимга ҳам келтирмайман.

— Тўхта!— хитоб қилди пастроқ овоз билан Сорокин.

Мен тўхтадим. Сорокин терга ботган отида менга яқинлашди. Малла қошлари остидаги кўм-кўк, ўткир кўзлари билан менга жимгина тикилиб турди-да, сумкасига қўл солиб, ундан бир қизил қоғоз олди — бу даштга келган кунимоқ, зўр ифтихор билан унга топширган комсомол йўлланмам эди.

— Ма, буни қолдириб кетиш мумкин эмас,— у йўлланмани хотиржамлик билан менга узатди.

Мен унинг боқишида на таъна, на дашномдан асар кўрмадим, у мени айбламасди ҳам, ачинмасди ҳам. Бу қараш — мушкул ишларни бажариб, ҳар қандай тасодифий қийинчиликларга кўниб қолган одамнинг жиддий нигоҳи эди. Сорокин кафти билан ҳорғин, соқол босган юзларини артиб оларкан:

— Агар разъездга бормоқчи бўлсанг, ҳув анови сойлик томон ўнгроққа қараб юр,— деб кўрсатди у менга ўша томонни ва отини буриб, секингина орқасига қайтиб кетди.

Мен ҳайрон бўлиб унинг орқасидан қараб қолдим. Нима учун у мени уришмади, нега бу ерда қолишга ундамади? Нега у бошини қуйи солганча, от устида мунчалик ҳорғин ўтирибди? Оиласи — хотин, бола-чақалари аллақайларда, узоқда қолган. Ўзи бўлса бу ерда йил — ўн икки ой чўлни кезиб юргани-юрган. У қанақа одам ўзи, бўм-бўш Анорхойнинг нимаси қизиқтираркин уни?

Нима сабабданлигини ўзим ҳам билмайман-у, бироқ унинг орқасидан аста-секин эргашиб боравердим.

Кечқурун биз ҳаммамиз ўтовда тўпланишдик. Ҳеч ким чурқ этмасди. Уртага сукунат чўккан, фақат гулхандаги ўтинларгина чарс-чарс ёнарди. Бунинг ҳаммасига

айбдор мен эдим. Ҳамон ҳеч ким оғиз очмасди. Лекин Сорокиннинг хафақон ва жиддий чехрасида унинг нимадир демоқчи эканлиги сезилиб турарди.

— Хўш, энди нима қиламиз?— деди Сорокин ниҳоят ҳеч кимга қарамай.

— Нима бўпти, Анорхойни сел босибдими?— деди Абубакир заҳарханда қилиб.

Шундан сўнг Садабек оҳиста ўрнидан туриб, жимгина ўтовдан чиқиб кетди. У Абубакир билан бўлган муштлашишдан сўнг у билан гаплашмас, афтидан, ҳозир ҳам гапга аралашмоқчи эмас эди. Унинг укаси, прицепшик Эсиркеп ҳам ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, аммо фикридан қайтиб, яна жойига ўтирди.

Абубакир у билан ҳам чиқиша олмасди. Бир куни илтимосимга кўра Эсиркеп мени Садабекнинг тракторига биркитилган плугга ўтқазди-да, ўзи сув ташийдиган аравага чиқди. Бироқ у сувни бир оз кечиктириб келтирган экан, Абубакир унга ҳам дўқ урибди. Аммо Эсиркеп ўзини ҳақоратлашга йўл қўймабди. Чунки у ҳам беллашадиганлардан эди. Ахир у мендан уч ёш катта-да.

Абубакирнинг гапига ҳеч ким жавоб бермасди.

— Бу ерда ўйлаб ўтиришнинг нима ҳожати бор,— деб қўшимча қилди у.— Ишни ким тўхтатган бўлса ўша жавоб бераверсин.

— Гап ким ҳақу ким ноҳақ эканлигида эмас!— деб жавоб қилди Сорокин унга қарамай.— Бу ерда бир ёш йигитнинг тақдири ҳал бўляпти, у энди нима қилиши керак?

— Тақдир эмиш!— деди Абубакир ғижиниб.— Бунақа академикларнинг тақдири аллақачон ҳал бўлган, булар бир пулга қиммат, қўлидан иш келмайди!— у менсимай қўлини силтаб қўйди.— Хўш, ўзинг ўйлаб кўр-чи, Сорокин, булар нимага ярайди? Биз ўз кучимиз билан ғалла етиштирганимизда, улар ўн йиллаб ўқиб юришди. Уларни биз боқдик, кийинтирдик, хўш, нима натижа чиқди, мактабда буларга нимани ўргатишди? Машинани билишмаса, отга бўйинча солишни эплай олмаса, ҳатто айилни ҳам дурустроқ тортолмаса... Нега энди мен унинг учун тер тўкишим керак экан. Унинг олимлигини бошимга ураманми, тош ҳайкалларнинг сирини билса билибди-да, нима бўпти! Қўлидан бирон иш келмаса. Бас, шундай экан, ўзгаларни ҳам ишдан қолдирмай, туёғини шиқиллатиб жўнаб қолсин! Сен ҳам, Сорокин, менга ёпиша-

верма, мен ёлғиз ўзим сменачисиз ишлаяпман, ҳеч кимдан тап тортадиган жойим йўқ! Агар ортиқча кўринаётган бўлсам — эртагаёқ бу ердан ғойиб бўлишим мумкин. Аммо тилимни тиймайман: мен бунақа академикларни бир тийинга олмайман!..

— Бас қил!— деди Сорокин, ҳамон Абубакирнинг юзига қарамай, унинг сўзини чўрт кесиб.— Буни биз сениз ҳам биламиз. Гап бунда эмас. Қани, айт-чи, Камол, ўзинг нима демоқчисан?

Мен ҳадеганда жавоб қайтаролмадим. Абубакирнинг гапларини тинглаб ўтириб, унинг сўзларида ҳам жон борлигини англадим. Аммо бу сўзларнинг ҳаммаси ғайирлик ва адоват билан айтилган сўзлар эди. Нега? Ахир мен қўлсиз-оёқсизманми, ёки Абубакир қилган ишни ҳеч қачон қила олмайдиган, ўтакетган ландовурманми? Ёки саводлигим менга халал беряптими? Мен буни тушуна олмасдим. Бироқ, шундай бўлса ҳам, Сорокиннинг саволига иложи борича бамайлихотир жавоб беришга уриндим.

— Мен бу ерга прицепшик бўлиб ишлаш учун келганман. Менга мана шуниси аҳамиятли. Эгар-жабдуқни бўлса уддалай оламан. Буни ҳамма билади, ҳатто Абубакирнинг ўзи ҳам билади. Бундан кейин ҳам худди шундай ишлайверишим мумкин эди. Аммо сув ташишни хоҳламайман. Хоҳламайман, вассалом!

— Бизда бошқа иш йўқ,— деди Сорокин.

— Демак, кетишим керак экан-да!— деб таъкидладим.

Қалипа менга қаради-да, ғамгин хўрсиниб қўйди:

— Камол, мен ўз ўрнимни сенга бериб, сенинг араванга сув ташийверардим-у, аммо сен бунга кўнмайсан-да...

Бу кутилмаган гап бўлди. Қалипа ўзининг раҳмдиллигиданми, ёки Абубакирнинг бақриб сўкинган пайтларида, хижолат тортиб, ҳар вақт нима биландир унинг қўполлигини юмшатишга ва билинтирмасликка ҳаракат қилганимданми, ҳайтовур, шу сўзларни айтишга журъат этганди. Мен ҳам ўйлаб-нетиб ўтирмай қизиқ устида:

— Кўнаман!— деб юбордим.

Утов сув сепгандек жим бўлиб қолди. Гулхандаги ўтиннинг чирс-чирс этиб ёнаётганигина эшитиларди. Ҳамма ҳайрон бўлиб менга қаради. Балки мени, эси ҳушини йиғиб олиб, сўзидан қайтар, деб ўйлашаётган-

дир?.. Чунки, оқибат шундай бўлиб чиққан эдики, мен ўзимни ўзим мени ҳеч қачон кўролмайдиган ва менга ҳеч қандай яхшилиқни раво кўрмайдиган киши чангалига тутиб бергандим. Лекин бошқа ҳеч нарса демадим. Айтилган сўз — отилган ўқ. Сорокин менга яна бир синовчан назар ташлади-да.

— Шу гапинг гапми?— деб сўради.

— Ҳа!

— Менга бари бир!— деди Абубакир ва гулханга қараб тупурди.— Аммо олдиндан айтиб қўяй:— Сал гап бўлса, калланга тушираман!— унинг менсимай истехзо ва адоват билан ўкрайган кўзлари қоронғида совуқ чақнади.

— «Сал гап бўлса» деганинг нимаси? Нега элдан бурун дўқ қиялсан!— деди ҳозиргача ўзини тутиб ўтирган Эсиркеп ортиқ чидай олмай.— Эплаб кетади, бу шунчалик мушкул ишми, донишмандлигингни қара-ю! У менинг плугимда ишлаган.

— Сендан ҳеч ким сўраётгани йўқ, бировнинг ишига аралашма. Ҳали кўрамиз. Тракторга ҳам, ишга ҳам мен жавобгарман...

— Бас қил!— деди Сорокин норозилик билан Абубакирнинг сўзини бўлиб ва менга қараб:— Эртадан ишга туш,— деди-да, ўрнидан туриб, эшик томон юрди.— Хайр, энди дам олинглар.

Ўша кеча деярли ухлай олмадим. Абубакир билан ишимиз қандай бўларкин? Ахир ҳозиргача у билан аҳён-аҳёндагина учрашардим, эртадан бошлаб эса тун-кун унинг ихтиёрида бўламан. Аммо шунга қарамай, гарчи прицепшиқнинг вазифаси чидам ва сабр-матонатни талаб қилса ҳам, мени унча чўчитмасди. Албатта керакли жойларда плуг тишини илдам ва аниқ кўтариб туширишга кўникишим керак эди: токи тракторнинг ҳаракати бирор минут ҳам тўхтаб қолмасин. Ундан ташқари, мен тракторчига ҳамма ишда — машинани ювиб артишда ҳам, ремонт қилишда ҳам ёрдамлашим керак бўларди. Қани, Абубакир сўраган ключиними, болтними, гайкасиними ёки яна бошқа зарур нарсаларни дарҳол топиб бермай кўр-чи...

Кейин билсам, Алдей ҳам мижжа қоқмабди. У қоронғи кечада ёнимга келиб ўтирди-да, бошимни силади:

— Ўйлаб кўрсанг бўларди. Камол, сен ўзинг оқ-

кўнгил, ювош одамсан. У билан чиқиша олмассан, унинг кўнглидагини ҳам топа олмассан. У сени қийнаб кўяр.

Мен унинг кўнглини топмоқчи эмасман! Қийноқларига бўлса, кўникиб қолганман.

— Майли, ихтиёр ўзингда, ўзинг биласан,— деди у паст товуш билан ва хўрсинганича ўз жойига кетди.

### III

Абубакир билан биринчи кунданоқ тўқнаша бошладик.

— Уйқу элитиб прицеп остида қолсанг, мен жавобгар эмасман!— Абубакирнинг иш олдидан айтган бирдан-бир сўзи шу бўлди.

Бироқ ухлаш хаёлимга ҳам келмасди. Бутун хаёлим аниқ ва бениқсон ишлаш билан банд эди. Фалокат босиб тишлар остига тушиб кетиш мумкин, деган хаёл билан доим қийналгандан кўра, яхшиси, ҳозироқ бу ишдан бош тортиш маъқул эди-ю, бироқ...

Рама устида икки ёққа керишган оёқларим тагидаги кронштейнларга пўлат тишлар маҳкам бириктириб қўйилган эди. Плуг тишлари қўриқ ер қатламларининг буғланиб ётган бағрини бирин-кетин тилиб, ағдариб, ёнма-ён қиялаб боришарди. Трактор ёвшонларни босиб-янчиб, тинимсиз гуриллаб, ғилдирак занжирларини шалдиратиб шаҳдам юриб борарди.

Абубакир орқасига бир марта ҳам қайрилиб қарамасди, мени борми-йўқми деб ҳам қизиқмасди. Мен фақат унинг йўғон бўйнини кўриб турардим. Бу билан гўё у менинг то ишни ташлаб кетмагунимча ёки сабр-тоқатимга ишонч ҳосил қилмагунча синамоқчидек эди. Эҳтимол, у мени ҳолдан тойдириб, бу ишдан воз кечтириш учун тракторни тинимсиз қувиб ҳайдаётгандир. Ҳеч қанақа амортизацияси бўлмаган қаттиқ темир курсида, чанг-тўзон ва мотордан чиқаётган газдан нафаси бўғилиб ўтириш нақадар маза эканлигини Абубакир яхши билади. Аммо мен таслим бўлишни ўйламасдим. Ҳоят катта куч билан ишлаётган асаблар, кўз-қулоқлар ва плуг штурваллини маҳкам ушлаб олган қўллар — менинг туриш-турмушим шундан иборат эди. Иш давомида фикр этмай ўтирдим: у жаҳл билан тракторни тошлоқ ерларга солиб

юборганида ҳам, плуг дам-бадам жўяклардан сакраб чиқиб кетиб, тишлари чақмоқ тошларга урилиб учқунлар сачраганида ҳам ва ҳатто ўтирғичдан сакраб-сакраб кетганимда ҳам ғинг демадим.

Кечқурун Абубакир тракторни ишдан тўхтатганда шундай чарчаган эдимки, умримда бунчалик бўлган эмасдим. Оғиз-бурним, кўз-қулоқларим — ҳаммаси чанг ва қум билан тўлган эди. Мукка тушиб, шу ердаёқ ухла-сам дердим. Лекин қимир этмай Абубакирнинг буйруғини кутиб турдим.

— Лемехни кўтар!— деб қичқирди у кабинадан бо-шини чиқариб. Ўзи эса тракторни шудгордан чиқарди-да, моторни ўчириб, плуг ёнига келди ва эгилганча плуг тишларининг дамини кўздан кечирди.

— Алмаштириш керак, ўтмаслашиб қолибди. Эрта-лабгача тайёр бўлсин!— деди.

— Хўп,— дедим мен.

— Запас тишларни қолдириб, тракторни плугдан аж-ратиб қўй.

Мен унинг талабини бажаргач, жимгина шийпон то-мон кетди. Орқасидан қараб қоларканман, унинг хатти-ҳаракатига фақат аччиғланибгина қолмай, ҳатто унга ҳа-сад ҳам қилаётганимни сездим. У гўё сира чарчамаган-дек, бамайлихотир, лапанглаб кетиб борарди. Менинг-ку албатта жонимни олди-я. Бироқ унинг ўзи ҳам тинчи-мади, ахир. Ишнинг кўзини билишини қаранг-а, аблаҳ-нинг!

Мен бир хўрсиниб қўйдим-да, ўтин-чўпларни териб қучоқ-қучоқ қилиб плуг ёнига уя бошладим. Тунда плуг тишларини алмаштириш учун гулхан ёқиш керак эди. Каттагина ўтин ғарамини тайёрлаганимдан кейин кечки овқатга кетдим.

Нақадар мушфиқ ва меҳрибон бу Алдей! Мен ўзимга олиб қўйилган шилпилдоқни индамай ер эканман, унинг менга ич-ичидан ачиниб қараб турганини кўрсангиз эди. Баҳузур ўтириб овқатланишга вақтим йўқ. Мен ундан ҳар эҳтимолга қарши сақлаб қўйиладиган фонусни сўрадим.

— Бу сенга нима учун керак?— деди у фонусни бе-ра туриб.

— Керак, плуг тишларини алмаштираман.

— Ахир, шу ҳам иш бўлди, бу қандай гап!— деб бақирди у Абубакирга қараб.— Бунга йўл қўймайман! Муштдек болани таҳқирлашга ҳаққинг йўқ.



— Менга нима, қўймасанг қўйма,— деб қўрслик билан жавоб қайтарди Абубакир ёта туриб.

— Аралашма!— деб жеркиб берди Садабек хотинини. — Камолнинг ҳам ўзига яраша ақли бор.

— Ҳечқиси йўқ, Камол, сенга ўзимиз ёрдамлашамиз. Кетдик, Эсиркеп!— деди Қалипа ва мен билан бирга кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди.

— Керак эмас, ташвишланманглар. Ўзим уддалайман,— дедим-да, фонусни кўтариб ўтовдан чиқиб кетдим.

Атрофни сукунат, чексиз зулмат қоплаб олганди. Мен, сув ичиб олайин, деб булоқ томон қайрилдим. У қоронғи, сокин чуқурлик ичида секин-аста биқирлаб қайнар ва зулмат оғушида йилт-йилт товланиб, атрофга салқинлик таратарди. Ҳақиқатан ҳам у бўталоқнинг кўзини эслатаркан, қўққисдан ўша сақмончи қиз эсимга тушиб қолди. Уша кезде унинг исмини ҳам билиб ололмаган эканман. Қаерда экан ҳозир ўша хушовоз, сочлари жингалак қиз?

Плуг олдига етиб келгач, дарҳол ишга киришдим. Тишларни имкони борича юқорига кўтариб, ўт ёқа бошладим. Фонуснинг ҳам албатта фойдаси тегди. Гайкаларни бураб бўшатиб олдим-да, йўқотиб қўймаслик учун шапкамга солиб қўйдим. Бутун тун бўйи плуг остида ётиб ишладим. Гайкаларни бураб чиқариш жуда мушкул, ўнғайсиз эди. Чунки улар қўл бормайдиган жойларга ўрнатилган бўлади. Бунинг устига, гулхан ҳам дам-бадам ўчиб қоларди. Мен плуг остидан ўрмалаб чиқиб, ётган жойимда ўтни пуфлаб ёндирардим. Қанча вақт ўтганини билмайман, аммо ҳамма тишларни алмаштириб бўлмагунимча тинмадим. Шундан сўнг кўз ўнгим қоронғилашгандек бўлди, оёқларимни аранг судраб трактор олдига етиб олдим-да, кабинага кириб ётдим. Шилинган-тилинган, жонсиз қўлларимдан олов чиқиб, зирқираб оғирди.

Эрта тонгда мени Қалипа уйғотди. У сув ташувчи аравада келганди.

— Радиаторга сув қўйиб бўлдим. Кел, ювин, Камол, қўлингга сув қўйиб юбораман,— деди Қалипа.

У мендан ҳеч нарсани сўраб-суриштириб ўтирмади, мен ҳам унинг бу ишидан миннатдор бўлдим. Бировларнинг раҳмдиллиги ҳамма вақт ҳам ёқавермайди. Юз-қўлимни ювиб бўлгач, Қалипа аравадан тугунчада овқат ва

бир шиша квас келтирди. Қовурилган дондан тайёрланган нордон, муздак квас жуда лаззатли бўлиб, ҳовурингни чиқариб юборарди. Бу, албатта, Алдейнинг ғамхўрлиги эди.

Абубакир ҳам келди. У ҳеч нарса дегани йўқ. Ишимдан бирор нуқсон тополмагач, нима ҳам дея оларди. Жимгина бориб тракторни плуг олдига ҳайдаб келди. Мен плугни тиркадим. Сўнг яна ишга киришдик.

Шу кундан бошлаб плугни дадил бошқарадиган бўлдим. Ўзимга ишонч ҳосил қилдим. Модомики, биринчи синовдан ўтдимми, энди охиригача чидайман!

Қаршимда кабина деразачасидан ҳамон ўша йўғон, чайир бўйин кўриниб турарди. Трактор ҳам бир текисда, шиддат билан гуриллаб, олға босарди. Мен ҳам. Бир маромда, штурвалга маҳкам ёпишганимча, илгарилаб борардим.

Пешинга келиб Абубакир кутилмаганда трактор моторини ўчирди.

— Туш, танаффус,— деди у.

Биз трактор соясида, ерда жимгина ўтирардик. Абубакир папиросини асабий тишлаб, чайнаб чекарди. Сўнг комбинезон ва кўйлагини ечди-да, қуёшда тобланмоқчи бўлиб кийимлари устига ётди. Унинг елкалари кенг, муқуллари таранг тортиб турарди. Менинг ҳам қуёшда тоблангим келиб кетди. Кўйлагимни ерга ёзиб, эндигина чўзилмоқчи бўлган эдим, Абубакир бошини кўтариб менга хўмрайиб қаради-да:

— Орқамни қашиб қўй!— деб буюрди ва гўё мен унинг буйруғини дарҳол бажаришимни олдиндан билгандек, зилдай бошини қўли устига қўйиб ётди.

Мен жим туравердим.

— Эшитяпсанми, йўқми?— бошини кўтармай ғазаб билан елкаларини силкитди у.

— Қашламайман!

— Мен айтдимми, қашлайсан!— у ўрнидан даст турди-да, қўлларини белига тираб олдимга келди.— Хўш? Яна қанча кутишим керак?

Мен бир оз орқага тисарилдим.

— Сен доим мен ишчиман, мен ҳаммани боқаётибман, деб кўкрагинга урганинг-урган. Аммо сен фақат ишлаётганлигинг учунгина ишчисан, чин кўнглингдан ишчи эмассан. Сен аслида бой бўлишинг керак эди!

— Бой ҳам бўлсам бўлардим! Лекин сен менинг жаҳлимни чиқараверма,— деди-да, тўсатдан бурнимга бир чертиб юборди.

Мен сакраб ўрнимдан турдим-да, мушт кўтариб унга ҳамла қилдим. Абубакир худди шуни кутиб турган эди. Сўнги кунларда кўнгида тўпланган бутун нафратини муштига жамлаб шунақаям туширдик, мен соққадек думалаб кетдим. Аранг тиззамда туриб, беихтиёр ғазаб билан яна Абубакирга ташландим. Унинг ҳар зарби менга оёқдан қулатарди.

— Мен сенга мушт қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман! Асабга тегишни ҳам кўрсатиб қўяман!— деди у чўяндек мушти билан устма-уст тушираркан.

Аммо мен ҳам ўрнимдан қайта-қайта туриб, овоз чиқармай, жон-жаҳдим билан унга ёпишардим. Ҳар гал юзини — ваҳший башарасини мўлжаллаб урмоқчи бўлардим, лекин у қорнимга, биқинимга, кўкрагимга аниқ мўлжал билан туширар эди.

Мен яна ўрнимдан туриб, секин унга яқинлаша бордим. У қўлини кўтарди ва худди қассоблардек томоқ қириб, қулочкашлаб гарданимга яна бир мушт туширди. Мен чурқ этмай, лабларимни маҳкам тишлаб, ерда чўзилиб ётардим.

— Ётибсанми, академик? Қани ҳидлаб кўр-чи, ердан ниманинг иси келаркин!— деди у оғир нафас олиб, ёрилган лабларидаги қонни тупириб ташларкан.— Бу сенинг тош ҳайкаллар ҳақидаги лекциянг эмас.

У оёқларимиз остида топталган кийимлари томон кетди ва гўё ишни қойил қилиб қўйган кишидек, кийимини қоқиб, бамайлихотир кийина бошлади. Менинг бу жангда ҳам ғолиб чиққанлигимни сезмас эди. Ҳа, гарчи мен ер тишлаб ётган бўлсам ҳам, енгилмаган эдим. Ҳақиқат учун куч, мушт ишлатиш ҳам мумкин эканлигига ишондим. Кимки сени урса, сен ҳам уни уришинг мумкин ва зарур экан. Бу мен учун ғалаба эди.

Абубакир комбинезонини кийгунча нафасимни ростлаб ўзимга келиб олдим. У моторни ёндириш биланоқ сакраб ўрнимдан турдим-да, тезлик билан кийимларимни кийдим ва плугга чиқиб, ўз ўрнимга ўтириб олдим.

Трактор гуриллаб шудгор бўйлаб юриб кетди. Уша бесўнақай чайир бўйин кабина деразасидан ҳамон кўришиб турар, мен ҳам плуг штурвалига ёпишганча борардим.

## IV

Ҳаётимизда баъзи ўзгаришлар бўлиб ўтди. Уруғлик ташиш учун бизга қўш оти билан яна битта арава беришди. Яна бир киши ҳам келди. Энди сув ташувчи учун ҳам анча енгиллик туғилган эди. Садабекни эса Эсиркепнинг тракторларини экишга тайинлашди, биз эса Абубакир билан ер ҳайдашда эдик.

Яна бир жуда муҳим янгилик бўлди.

Бундан бир неча кун аввал, тушки овқатдан кейин биз аравада далага кетаётганимизда, мен булоқ бўйида сақмончи қизни кўриб қолдим. Аравадан сакраб тушдим. Аравакаш отларни тўхтатмоқчи бўлганди-ю, лекин Абубакир қўймади:

— Ҳайдайвер, йўлингдан қолма!— деб буюрди у но-рози оҳангда.

Мен қиз томонга югурдим, қўйларини ўз ҳолига қўйиб, у ҳам менга пешвоз келаверди. Мен ёнига етмасдан тўхтадим, чунки иш бошлангунча ўша жойда бўлиш учун аравага етиб олишим керак эди.

— Салом!— деб қичқирдим узоқдан.

— Салом!— деб жавоб берди қиз ҳам ва жойида тўхтаб қолди.

Уни кўриб жуда қувониб кетдим, лекин ҳадеганда бирон гап айтишга журъат этолмай турдим.

— Аравангиз қани, нега кўринмай кетдингиз? Ҳозир қаердасиз?— деб сўради қиз.

— Мен ҳозир трактордаман!— деб қичқирдим ғурур билан.— Биз ҳу-ув анови даладамиз! Кечирасиз, мен жуда шошиляпман!

— Чопинг, чопинг!— деб қўлини силкитиб қолди у менга.

Араванинг кетидан югура кетдим. Орқамга бир қайрилиб қараб қўйдим. Қиз ҳалиги жойда орқамдан қараб турарди. Арава тўхтамай кетиб борарди. Қизнинг қўл силкиб хайрлашиб қолганидан, бунинг устига, баҳор чоғи кенг саҳро қўйнида елиб бораётганимдан ўзимни бениҳоя бахтиёр ҳис этдим...

Эртаси куни у биз ишлаётган ерда пайдо бўлиб қолди. Яқингинадаги тепанинг устида қўй-қўзиларини боқиб юрарди. Лоақал бирор дақиқага бўлса ҳам унинг олдига бирам боргим келардики, лекин бу Абубакир деганингиз менга рухсат берармиди. Бунақа ишлар унинг қўлидан

келмайди. Бу ҳақда мен ундан илтимос ҳам қилмадим.

Келгуси гал, қиз яна тепаликда пайдо бўлганида Абубакир билан биз тириллаб турган трактор ёнида эдик. Абубакир моторнинг қаеринидир текшираётганди.

— Нега бу қизча тез-тез келадиган бўлиб қолди?— деб сўради у.

— Билмадим.

— Оти нима унинг?

— Билмайман.

— Эҳ, академик,— деди у ерга тупуриб. Кейин қиз томонга қараб қўйди.— Ўзиям ажойиб нарса кўринади.

Мен унга ғазаб билан қарадим.

— Бор, ўрнингга ўтир!— деб бақириб берди у. Биз ишга тушиб кетдик.

Бу орада қиз тепаликда ўтлаб юрган қўй-қўзиларини биз ишлаётган жойдан юз метрча нарироқдаги очиқ майдонга ҳайдаб тушди. Қани энди унинг олдига чопиб борсаму, суҳбатлашиб, пешонасига тушган жингалак сочларига тикилиб бирпас ўтирсам...

Трактор тўсатдан тўхтаб қолди. Абубакир кабинадаги бошини чиқариб:

— Ричагни боғла! Бу ёққа кел!— деб қичқирди.

Мен плуг устидан тушиб, ҳайрон бўлган ҳолда унинг олдига келдим. У одатда иш пайтида мени кабинага яқинлаштирмасди.

— Ўтир,— деди ўз ўрнини менга бўшатиб.— Ҳайдашни ўрган!

Мен анграйиб қолдим. Буни ундан сира кутмаган эдим. Абубакирга нима бўлди, наҳотки у мени ёқтириб қолган бўлса? Нима бўлса ҳам, ўйлаб ўтирмай, буйруғини бажаришга шайландим.

— Педални бос. Улағични бура, ҳа, шундай. Энди педални секин бўшат. Ричагларни маҳкам тут.

Трактор гуриллаб жойидан кўзғалди. Сўнгра мол қўраси ёнбошидаги ерни ҳайдай бошладик. Севинганимдан теримга сиғмай кетдим. Мен ҳозир ҳеч нарсани ўйламасдим, оламдаги ҳамма нарсани унутгандим. Хаёлимда фақат бир нарса — тракторни маҳкам тутиш, уни бошқариш, механизмларини миридан-сиригача билиб олиш орзуси ҳукмрон эди. Мен буни қачондан бери ҳавас қилиб юраман, ахир. Мана энди қудратли трактор менинг қўлларимга итоат қилиб, филдиракларини шақирлатиб,

ерни ўпирганича олға юриб бормоқда. Шунда ўзим ҳам гўё механизмга айланганману, бутун диққат-эътиборим зарур ҳаракатларни бажаришга қаратилган эди.

Мол қўрасининг этагига етганда тракторни яхшигина бура бошладим. Тўғри, прицепщик бўлмаганидан, бурилишда анчагина ер ҳайдалинмай қолди. Аммо бунга ташвишланмаса ҳам бўлади: Анорхойда ер озмунчами!

Шу тарзда далани бир неча марта айланиб чиқдик. Энди юрагим унча ҳовлиқмай, ўзимни анча эркин ҳис қилардим.

— Қўрқма, академик!— деб бақирарди қулоғимга Абубакир.— Мен бирпасга бир ерга бориб келаман. Агар бирон нарса бўлса, моторни ўчир!..

У юриб бораётган трактордан сакраб тушди-да, устидаги чангни қоқиб, сақмончи қиз томон йўл олди. Бу маҳал қиз анча ёнгинамизга келиб қолган эди. Мен шундагина Абубакирнинг ниятини сездим. Маълум бўлишича, у мени кабинага ғаразгўйлик билан ўтқазган экан.

Абубакир қизнинг ёнида туриб, у билан бамайлихотир сўзлашарди. Унга нима ташвиш... иш бўлса бажариляпти, трактор ёнида, бирон нарса бўлса дарҳол югуриб келиши мумкин.

Унинг бу хатти-ҳаракати менга ёқмади. Лекин, шунга қарамай, ҳозир машинани бошқараётганлигимдан хурсанд эдим. Кабинада туриб қизга қўл силтаб, унга бирон илиқ гап айтишни истардим. Қани энди шу ерда Абубакир бўлмаса! У қизга нималар деяётган экан? Қиз унга нималар деб жавоб беряптикин? Ҳар қалай, эҳтиётлик билан муомала қилса яхши бўларди.

Мен бир ярим соатча, то қиз қўйларини ҳайдаб кетгунга қадар трактор ҳайдаб туришимга тўғри келди. Абубакир келгач, унинг чехрасида иши ўнгидан келганлигини билдирувчи бирон аломат сезмадим. Йўқ, унинг башарасидан бемаъни такаббурлик, ҳайвонликдан бошқа ҳеч нарсани уқиб бўлмасди.

— Жойингга бор, академик,— деб елкамга урди у ва бесўнақай лабларини буриб илжайди.

Мен ҳеч нарса демай, трактордан сакраб тушдим.

Бизнинг қизчамиз эртаси куни ҳам келди. Абубакир яна мени кабинада қолдирди-да, ўзи ўша томонга қараб кетди. Қиз келмаганда ҳам маъқул бўларди. Мен тракторни ташлаб кета олмасдим. Лекин бефарқ ҳам қарай олмасдим.

«Қандай қилиб уни огоҳлантирсам экан? — деб ўйлардим мен кабина ичидан улар томонга ташвиш билан назар ташлаб.— Унинг Абубакир билан учрашуви яхши эмас. Аммо кишиларнинг бир-бири билан сўзлашувини қандай ман этиб бўлади? Ҳар бир киши ким билан муомала қилаётганини ўзи яхши билиши керак...»

Бу гал қизча тезда қайтиб кетди, бундан мен беҳад хурсанд бўлдим. У қўй-қўзиларини тобора тезроқ ҳайдаб, орқасига қарамай жадал кетиб борарди. Мен ундан хаёлан уэр сўраб, ўз-ўзимга дер эдим: «Кечир мени, азизим. Тез қайтиб кетиб яхши қилдинг. Биз яна дийдор кўришамиз. Учинчи марта тракторда қолмайман, олдинга қанот боғлаб учиб бораман, ҳозирча майли, йўлингдан қолма, кокилли сулув қиз... Мен ҳатто исмингни ҳам билмайман...»

Аммо менинг келгуси учрашув ҳақидаги умидим рўёбга чиқмади. Қиз бошқа кўринмади. Уни иккимиз ҳам бир-биримизга билдирмай уч кун кутдик. Абубакир янада қаҳрлироқ ва қўполроқ бўлиб қолди. Энди менга рўйирост нафрат билан қарайдиган бўлди. Бироқ мен ҳам энди унга бўяган нафратимни яширмасдим. Унинг ўша куни бирон қўпол гап билан қизнинг иззатнафсига теккани аниқ эди. Қизни аллақандай ёвуз кучдан ҳимоя эта олмаганимдан ўзимни айбдор ҳис қилардим. Мен шундай қарорга келдим: иложи бўлса қизни топиб, у билан ҳамма нарсани юракдан самимий гаплашиб олам.

Кўнглим ана шу учрашувни орзиқиб кутарди.

Айни ўша кунлари далада ёғингарчиликда қолдик. Ёмғир тўсатдан бошланиб, шиддат билан ёға бошлади. Бу даштнинг дўл аралаш кучли жаласи эди. Ҳаво гулдураб, ер юзи ана-мана дегунча қайнаб турган пуфакли кўлмакчалар билан қопланди. Аммо Абубакир ҳамон тракторни тўхтатмас эди. У, аксинча, тракторни яна тезроқ ҳайдарди, орқасига қайрилиб ҳам қарамасди, мен бўлсам дўл аралаш жала остида шумшайиб ўтирардим.

Ҳайдалган ер қатламлари ёмғирдан кўпчиб, энди аввалгидек плуг тишларидан кўчиб тушмасди. Лой плугга, раманинг устки қисмларига, менинг оёқларимгача чиқиб кетганди. Трактор филдираклари ёпишқоқ лой билан тўлиб қолмаганда, Абубакир уни ҳали-бери тўхтатмасмиди ҳам.

Ниҳоят, у моторни ўчирди, кабинада ялпайганича па-  
пирос чека бошлади. Эҳтимол, у мени ҳам кабинага ки-  
ритишни илтимос қилиб қолар, деб ўйлаётгандир. Аммо  
менга энди бари бир эди. Бошдан-оёқ шалаббо бўлиб  
ивигандим. Плугдан тушмай, ёмғир остида кийимларим-  
нинг лойини ювиб ўтиравердим. Ёмғирдан сақлайдиган  
бирдан-бир нарсам — айрим фикрлар ёзилган, ўқиган  
китобларимдан баъзи кичик парчалар кўчирилган ён  
дафтарчам эди. Мен уни қўнжимга тиқиб қўйдим.

Ёмғир тўхтади, ҳаво бир зумда чарақлаб очилиб кет-  
ди. Осмон саҳий баҳор селидан ювиб-таралган мусаффо  
ва гўзал даштнинг давомидек туюларди. Чексиз Анорхой  
даштлари киши кўзига поёнсиз, янада яшнаб кетгандек  
кўринарди. Осмон гумбази бўйлаб Анорхой узра кама-  
лак тортилди. У оламнинг у чеккасидан бу чеккасига  
қадар чўзилиб, дунёдаги жамики нафис бўёқларни ўзида  
муҳасамлаштириб, осмону фалакда турар эди. Завқ-  
шавқ билан чор атрофга боқдим; бепоён зумрад ос-  
мон, товланиб турган камалак, кул ранг ёвшонзор дашт-  
лик! Ер юзи тезгина селгиб борар, тепада бир бургут  
икки қанотини қимир эткизмай баланд осмонда гир айла-  
ниб учиб юрарди. Гўё уни ўзи ва қанотлари эмас, балки  
ернинг оташ нафаси ва кўйдирувчи ҳарорати шу қадар  
юксакликка кўтаргандек туюларди.

Шунда мен, ўзимни яна бақувват ҳис этдим, руҳим  
янада тетиклашиб, Анорхой диёри ҳақидаги орзу-ўйла-  
рим тағин жонланиб кетди. Ҳа, энди мен шундай мавқени  
эгаллаган эдимки, энди ҳеч ким менинг орзуларимнинг  
рўёбга чиқишига тўсқинлик қила олмасди, Анорхойнинг  
порлоқ келажагига бўлган ишончимни ҳеч ким сўндира  
олмасди. Мен шоир эмасман, бироқ баъзан шундай вақт-  
лар ҳам бўлардики, мактаб деворий газетасида шеърла-  
рим ҳам чиқиб қоларди. Мана ҳозир ҳам этигим қўнжи-  
дан дафтарчамни олиб, хаёлимга келган лапарнамо сатр-  
ларни дарҳол қоғозга тушира бошладим:

Қўрдай қирларининг орқа ёғида  
Асрлар уйқуда ётар Анорхой:  
Қишда бўронларнинг зўрини қўзғаб,  
Ёзда ёниб турган олов фуркар жой.

Истиқболи порлоқ, ишонгум унга —  
Бу кун узоқ эмас, ҳа, яқин жуда!



Анорхой қучоғи тўлажак гулга,  
Ёвшондан асар ҳам қолмайди бунда.

Мен шеъримнинг чала, ширасиз чиққанини ўйламасдим. Кўнглимни бошқа нарса хиралаштираётган эди: бу мисралар қалбимда туғён ураётган ҳис-ҳаяжонларимнинг юздан бирини ҳам ифодадай олмасди. Орзу-истагим, қувончларимни ифода эта оладиган ноёб сўзлар қидириб бошим қотди. Аммо шу пайт биров кўлимдан дафтарчамни юлқиб олди. Мен орқамга ўгирилиб қардим.

— Ишқий номалар тўқияпсанми!— деди Абубакир ўзини четга олиб, заҳарханда билан.— Қизчани шеър билан ўзингга ром қилмоқчимисан?..

— Бу ёққа бер дафтарчани. Бировнинг хатини ўқиш яхши эмас!— дедим мен унга.

— Яхшими, ёмонми — сен менга ўргатма! Ўзим биланман. Лекин менга яқинлашма!

— Ҳа-ҳа, ҳали шунақами!— дедим-да, мен тракторнинг ёнига чопиб бориб, кўлимга кључни олдим.

— Ҳой, ҳой!— деб дўқ урди Абубакир.— Ма, ола қол топган бисотингни.— У дафтарчамни қайтариб берди-да, қаҳ-қаҳ уриб кулиб, бутун даштни бошига кўтарди:— Истикболи порлоқ эмиш! Ҳа-ҳа-ҳа! Жуда ҳам аҳмоқсан-э, академик! Ҳақиқатан ҳам сенга ўхшаганларни бу ерга ҳайдаб келиш керак экан: токи дунёнинг пастбаландини билиб олинглар!.. Ўйлаб топганини қара-я: истиқболи порлоқ эмиш! Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳали у сенга қанақа истиқболи порлоқ жой эканини кўрсатиб кўяди! Бу ерда бир қиш ишлаб кўр, ўшанда бошқачароқ куйлай бошлайсан...

— Мен қолиш-қолмаслигимни сендан сўраб ўтирмайман! Менинг ғамимни емай кўя қол, ўзингни ўйла!

— Нимани ўйлар эканман?— деди Абубакир жаҳл аралаш ва мен томон яқинлашиб кела бошлади.— Менинг ўз фикрим ўзим билан, мен қаерда бўлсам ҳам ҳақимни ажратиб оламан.— Кейин у нарироққа қайтиб кетмоқчи эди-ю, лекин ниманидир эслаб, яна тўхтаб қолди. Менга юзма-юз келди-да, бўғиқ овоз билан шундай деди:— Сен, академик, ҳалиги қиз ҳақидаги хом хаёлларингни миянгдан чиқар, умидвор бўлма... Йўқса, уриб майиб қиламан!

— Буни ҳали ўйлаб кўрамиз.

— Яна такрор айтяпман, уни хаёлинга келтирма!

Қизишиб кетган, бошқаларга нафрат билан қарашга ўрганиб қолган, ҳозир эса эс-ҳушини бутунлай йўқотиб қўйган бу одамнинг аҳволига менинг ичим ачиди. Унга оҳиста дедим:

— Сен кап-катта одамсан. Баъзан туппа-тузук гапларни айтасан. Аммо бундай гапларни, афтидан, тушунмасдан гапирасан шекилли! Шунинг унутмагинки, ҳеч ким бировга ўйлаш, иташ, орзу қилишни ман эта олмайди. Инсоннинг ҳайвондан фарқи ҳам ана шу фикрлаш қобилиятига эга бўлишида.

Сўзларим унга таъсир этдим, ҳар қалай, индамай турди. Фақат қовоғини осганча трактор олдига борди-да, бор кучи билан ручкани айлантди, мотор дарҳол гуриллаб ўт олди. Яна иш бошлашимиз лозим эди...

Шу соатдан бутун орзуларим яна вужудимни чулғаб олди. Мен уларни курашда қўлга киритгандим, улар яна менга ҳамроҳ бўлди.

Кечқурун ҳамма ётишга тайёргарлик кўраётганда, мен ўтовдан чиқиб булоқ томон йўл олдим. Негадир, ўша томон мени ўзига тортарди, ўша ерда танҳо бўлишни истардим.

Осмон гумбази юлдузларга торлик қилиб, гўё улар уфқдан ерга томон силжиётгандек туюларди. Кўпчилиги бош устида ғуж-ғуж бўлиб, ҳозир тубсиз бўлиб кўринаётган кулча шаклидаги ҳовузча сатҳига тўпланишган эди. Улар сувда жилваланиб, ҳусни жамолларини кўз-кўз қилишарди. Уларни ҳовучлаб, лаҳча чўғдек қирғоққа сепиб юборгинг келади. Сувнинг шилдираб оқаётган жойида улар ҳам сув билан бирга оқиб, майда тошчаларга араллашиб, марварид доналари сингари товланарди. Сувнинг сокин, ўйчан оққан жойларида эса юлдузлар осмондаги каби порлаб турарди. Хаёлимдан шундай фикрни ўтказдим: даштдаги чашма баъзи кўнгли очиқ ва орзу-истаклар билан тўлиб-тошган, гўё бутун оламни ўзида мужассамлаштирган инсоннинг руҳий ҳолатини эслатар экан.

Мен булоқ бўйида ўтириб тунги сокин даштни тамоша қилдим, уни бутун вужудим билан ҳис этдим, хаёлан қайта тассаввур этдим. Бу ширин хаёлларимни кимга айтай, кимга изҳор этай? Изоҳлашим қийину, аммо сочи пешонасига тушиб турган, номи номаълум қиз менга худди ана шу одамдей туюларди. Фақат ўшагина кўнғ-

лимдагини тушуна олар, фақат ўшагина ҳис-ҳаяжонларимга шерик бўла биларди. Эҳтимол, бунинг сири бизнинг биринчи марта шу булоқ бўйида учрашганимизда ва унга Бўтакўз деб ном қўйган кезларимизда пайдо бўлгандир.

Қаерда экан ҳозир у... Менинг хаёлларим ўзи билан банд эканлигини билармикин? Яқинда ерни ҳайдаб бўла-миз, шунда мен уни излаб топаман, бу ерга, булоқ бўйига олиб келиб, Анорхой ўлкаси ҳақида ҳикоя қилиб бераман. Шеър билан эмас, йўқ, масхара қилмасин, тағин. Анорхой чўлининг келажагини ўзимча қандай тасаввур этган бўлсам, шундайлигича сўзлаб бераман.

Бу ердан кетаётиб яна юлдузлар тўла осмонга суқланиб қарадим. Нимаики кўрсам, кўзларим қувончга тўларди. Аммо шу маҳал тепалик устида хотин кишининг аввалгидек беўхшов ва нурсиз тош ҳайкали кўринди. Назаримда, у ҳозир ҳам атрофдаги ҳамма нарсалардан бе-хабар, оқиб тушган нурсиз кўзини қисиб, олисларга руҳсиз боқиб турарди.

Ой ҳам чиқди, мен ҳайдалган ернинг нариги томонида секин жилиб келаётган иккита шарпани сезиб қолдим. Бу кийиклар эди. Қаёққа кетишаётганикин? Эҳтимол, сув ичгани келишиётгандир. Кийиклар ҳайдалган ернинг чеккасига келиб, нефть ва темир ҳиди анқиб турган шудгорга ўтишга журъат этолмай, таққа тўхтаб қолишди. Улар кумуш ранг товланган ой нурида шу бўйича қимир этмай узоқ туришди. Шохлари тарвақайлаб кетган эркак кийик, яғрини пастроғи ургочи кийик, ойдинда иккаласининг ҳам катта-катта кўзлари ялтираб турарди. Енгил бошларини сергаклик билан юқори кўтариб, бир-бирининг пинжига кириб туришарди. Улар шу тарзда узоқ қотиб турдилар. Кийикларнинг бу туриши: даштликка нима бўлди, эски сўқмоқ йўллар қаёққа йўқолди, қандай куч бу ерларни ағдар-тўнтар қилиб ташладийкин, деяётгандек эди.

Улар ҳайдалган ердан ўтишга журъат этишолмади. Орқага қайтишди, хипча белларида ойнинг кумуш шуъласи хиёл акс этиб турарди.

Улар бемалол узоқлашсин, деб, мен яна бир оз ўтирдим. Сўнг ўтовга қайтиб келиб, қоронғида ўз жойимни пайпаслаб топдим-да, алламаҳалгача ухлаёлмай чўзилиб ётдим.

Шу пайт қулоғимга пичирлаган овоз эшитилиб қолди.

Абубакир билан Қалипа бирга ётишганди. Эҳтимол, илгари ҳам шундай бўлгандир, бироқ мен буни билмасдим. Қалипа энтикиб йиғлар, алланарсаларни гапирар эди. Лекин мен нималигини тушуна олмадим.

— Бўлди, бас энди, етар,— деди Абубакир уйқу аралаш,— шаҳарга борсак, ҳаммасини тўғрилаймиз. Бир-икки кун ётасану... шу билан ҳаммаси жойида бўлиб кетади. Шунинг учун бекорга қайғуришнинг нима кераги бор.

Қалипа алам билан жавоб қайтарди:

— Бунинг учун ташвишланаётганим йўқ. Ўзимдан нафратланаман, нега мен сендек бир одамни севиб қолган эканман. Ниманга учдим сенинг, ҳайронман. Кошки сен одамларга бирор яхшилик қилган бўлсанг. Нима бўлиб сенга бир итдек ёпишиб қолганимни билмайман.

— Пушаймон қилмайсан, иш тугагач, сени дарҳол олиб кетаман.

— Йўқ, пушаймон қиламан, умр бўй пушаймон қилиб ўтаман. Лекин нима бўлса ҳам кетаман. Ёлғиз қолишни истамайман...

— Секинроқ гапирсан-чи! Яқинроқ ёт, ҳа, аллақачаноқ шундай қилишинг керак эди... Бутун ёстиқни ҳўл қилиб ташлаганингни қара...

Мен бошимни буркаб олдим. Дилимни сиёҳ қилувчи гапларни эшитмаслик учун тезроқ ухлаб қолгим келди.

## V

Қуёш кун сайин қиздираётган эди. Сорокин тез-тез қатнайдиган бўлиб қолди. Сураътни ошириш зарур эди. Вақт қисталанг, тупроқ эса тобора қуриб боряпти. Биз яна беш кунча ер ҳайдашимиз керак. Экувчиларнинг ҳам шунча кунлик иши қолган.

Сорокиннинг айтишича, куздан бошлаб бу ерларни шудгор қила бошлаймиз, келаси йил эса бу ерга жуда кўп тракторлар келтирилиб, махсус РТС ташкил этилади. Сорокин ҳамма ишни режа билан олиб борарди. У ҳар куни чўлми, ундаги жарлик, сойликлару, пастқам ерларни айланиб юрарди. Даштни шунчаки билибгина қолмай, унинг ҳар бир қаричигача ўрганиб олган, бу ерларнинг ҳаммаси унинг миясида ўрнашиб қолгандек эди.

Энди, Анорхойда қиш қаттиқ келган пайтларда, илгаригидек машина ва самолётларда ем-хашак ташиб юрмаслик керак. Сорокин бунинг ҳам иложини топади.

Биз Абубакир билан ярим кечагача ер ҳайдаймиз. Далада тунаб, тонг отиши билан яна ишга киришамиз. Иш шу қадор оғирки, Абубакир менга тегажаклик ҳам қилмай қўйди. Худди у мени кўрмаётгандек эътибор ҳам бермасди. Аммо яширин адовати хўмрайган кўзларидан сезилиб турарди. Бу энди менинг учун хавfli эмас эди. Мен ўз ишимни қилиб, ўз орзу-умидларим билан яшар эдим. Тепалик остидаги сойликка, чўпонлар олдига борадиган ва у ерда жингалак сочли қизчани излаб топадиган куннинг келишини орзиқиб кутардим.

Ўша кунлар биз янги бир катта майдонни ҳайдашга киришган эдик. Ўз ишингдан қаноатлансанг, кўнглингга ёққан иш билан банд бўлсанг, бирор янгиликка қадам қўйиш доим мароқли бўлади. Мактабда ўқиб юрган кезларимда ҳам дафтарнинг янги саҳифасидан ёзишни яхши кўрардим. Эрталаб ҳали ҳеч ким юрмаган қор устидан чопиб юришни, биринчи бўлиб из қолдиришни севардим. Баҳорда ҳали ҳеч ким юрмаган тоғ ён бағирларига чиқиб, илк баҳор очилган лолаларни теришга ошиқардим. Бунда кишига ҳузур бағишлайдиган, ўзига мафтун этадиган қандайдир сир бор. Бепоен Анорхой даштида, ҳозиргача инсон қадами етмаган ерда янги из қолдириш ҳам менинг учун худди дастлабки сатрдек, ҳали из тушмаган оппоқ қордек, қўл урилмаган лоладек туюларди.

Рама устида туриб олиб, плуг тишларининг оёғим остидаги биринчи жўяклар ҳосил қилишини завқланиб тамоша қилардим. Кўзни қамаштирадиган ялтироқ тишлар сира тиним билмай ер бағрини тилиб, қатламларни секин-аста ағдариб боради.

Чеккадаги плуг тиши остидан, гўё тўлқинлар устида балиқ ўйноқлаётгандек нимадир тўсатдан ялт этиб кетди. Тишнинг ялтироқ юзида ўт бўлиб ёнди ва дарҳол эгат орасида ғойиб бўлди. Мен шу заҳоти плугдан сакраб тушдим-да, ўзимни ўша жойга отдим, тупроқ остидан чўзиқ шаклдаги оғир металл парчасини олдим. Бу шу қадар гўзал нарса эдики, ҳаяжонланганимдан қўлларимни ёзиб қичқириб юбордим:

— Олтин!

Овозимни эшитган Абубакир менга қайрилиб қаради ва тракторни тўхтата солиб, ерга сакраб тушди.

— Нима топдинг?

— Олтин! Қарагин, Абубакир, олтин!

У мен томон аввал секин-аста, сўнг бирдан шошиб юра бошлади. Мен бу олтин рангли чиройли нарсани кафтимда тутиб унга узатдим.

— Қани! Наҳотки олтин бўлса!— деб, у мен узатган нарсани кўлига олди ва у ёқ-бу ёғини кўриб, енги билан артди.— Ҳе, бу ерда олтин нима қилсин,— деди бўғиқ овоз билан. Кейин кутилмаганда ранги ўчиб кетди.— Олтин бўлиши мумкин эмас...— Абубакир металл парчасидаги лойларни тирноғи билан тушириб, зўрма-зўраки илжайди. Кўзларимга боқмай, истар-истамас металлни менга узатди.

— Нега олтин бўлмас экан!— дедим жаҳл билан!— Бунинг оғирлигини кўр, 800 граммча келади, XII асрда бу ерларда мўғуллар яшаган. Улар бу ерга келишдан олдин Хитойни забт этиб, кўплаб олтин олиб чиқиб кетганлар. Эҳтимол, бу ҳам ана шу тарзда шу ерларга келиб қолгандир.— Мен бу гапларни топган нарсам ҳақиқатан ҳам олтин эканлигини тасдиқлаш учун айтдим. Ана шу ишонч билан маст бўлиб, хом хаёлимни давом эттирдим. Узимни ҳам, ҳайратда қолган Абубакирни ҳам сўзларимнинг тўғрилигига ишонтирмоқчи бўлдим.— Биласанми, бу нарса неча асрлардан бери ер остида ётибди? Бўлак металл бўлса аллақачон занглаб кетарди. Бу эса зангламаган, ҳақиқий олтин. Бир вақтлар бу ерда — Анорхой кўчманчи қабилалари ўзаро жанг қилганлар. Бу ерларда қанақа жанглар бўлганини билсанг эди! Бу нарса ўша замонлардаги хонлар қиличининг дастаси бўлса эҳтимол. Мана, ўзинг ҳам ушлаб кўр, ушлаш учун қандай қўлай.

Абубакир парчани олиб, кўлида салмоқлаб кўрди.

— Олтин бўлмаса ҳам, қизиқчилик учун биладиган кишиларга кўрсатиш керак,— деди-да, уни чўнтагига солиб қўйди.— Яна сен буни плугдан тушириб қўйма, менда турсин.

— Ҳа, майли,— деб рози бўлдим мен.

Абубакир оғирлашган чўнтагини ушлаганича трактор томон кетди.

Биз яна ишни давом эттирдик. Мен топган нарсамни қандай қилиб ўқитувчим Олдиёровга эсдалик учун етказишни ўйлардим. Унда бунақанги буюмлар кўп эди. У менинг бу топган буюмимни кўрса, албатта бирор қизиқ нарсани ҳикоя қилиб берарди. Кейинчалик мен чарчаб

қолиб, олтинимни унутдим. Тракторнинг безовта ҳаракати мени жуда эзиб қўйди: ҳозир Абубакир машинани жуда ғалати қилиб ҳайдаётганди. Гоҳ иккилангандек секин юргизар, гоҳ моторни қаттиқ гуриллатиб шиддат билан ҳайдарди. Тракторнинг трубасидан бурқсиб чиққан қора тутун ҳайдалган ерга ним ранг бўлиб ёйилар эди.

Биз кечгача шу ҳолда ишладик. Қуёш ботган бўлса-да, дала ёруғ эди. Абубакир кабинадан бир неча бор бош чиқариб, менга аллақандай сирли қараб қўйди. Мана у тракторни ҳам тўхатди.

— Бу ёққа кел!— деб қўл силкиди у.

Мен кабинага чиқдим. Абубакирнинг ранги рўйи ўчиб, кўзлари саросималик билан чор атрофга алангларди. У пешонасидаги терларни артиб, мотор овози аралаш шундай деди:

— Қичқирай десам овозим етмасди, сен бор, ричагларни ўрнатгин-да, кейин тракторни бир оз ўзинг ҳайда. Тобим қочиб турибди, негадир мазам йўқ. Соф ҳавода айланиб келай-чи, зора тузалиб қолсам...

— Бор, боравер,— дедим мен.

Плуг олдига бориб қайтиб келгунимча Абубакир трактордан тушди. У ранги оқариб, бирданига ўзгариб кетган эди. Икки букчайганича аста қадам ташлаб, индамай бир чеккага қараб йўл олди.

«Ҳа, у қаттиқ касал бўлиб қолганга ўхшайди. Эҳтимол, қорни оғриётгандир, ана, қорнини ушлаганича букчайиб кетяпти»— дедим мен кўнглимда ва тракторни ҳайдаб кетдим.

Трактор бир текисда жадаллаб юриб кетди. У яна менинг ихтиёримда эди. Ҳар галгидек ҳаяжонланиб, машинани тўғри ҳайдашга интилардим. Картанинг у бурчига етиб, тракторни бурдим-да, орқамга қайтдим. Қош қорайиб, совуқ туша бошлаган эди. Олдинга диққат билан қараб: «Яна икки марта айлангач, тракторнинг чироларини ёқаман» деб кўнглимдан ўтказдим. Олдинда, тепаликнинг ён бағрида кимдир тез-тез қадам ташлаб узоқлашиб борарди. Кейин у пастга чопиб тушиб, кўздан ғойиб бўлди. Мен унинг елкасинигина кўриб қолдим. Бу Абубакир эди. Унга нима бўлди? Қаёққа югуриб кетди у? Эҳтимол, бирор нарса кўриб қолгандир. Даланинг ўртасига бориб кабинадан бошимни чиқарган ҳолда, бир дақиқа у кетган томонга қараб турдим. Аммо энди Абубакир кўринмасди. У қаёққа кетдийкин? Ахир, у касал эди-

ку? Қизик. Тракторни тўхтатдим-да, моторни секин юргизиб қўйдим.

— Абубакир! Ҳой, Абубакир-и-ир!— деб қичқирдим. Ундан садо чиқмади. Шундан кейин овозим барала эшитилсин деб моторни бутунлай ўчириб қўйдим.

— Абубакир-и-ир! Қаерга кетдинг, жавоб бер!— деб қичқирдим чўлга қараб.

Лекин оқшом қўйнида кенг дала сукут сақларди.

Унинг аҳволи оғирлашиб қолган бўлса-чи? Хаёлимда у ғужанак бўлиб тўлғаниб, қаддини ростлай олмай, ерда юмалаб ётгандек эди. Трактордан сакраб тушдим-да, жоним борича чопиб кетдим. Тепаликдан ошиб тушиб у ёқ-бу ёққа қарадим. Ҳеч ким кўринмасди. Кейин бир баланд тепалик устига чиқиб қарасам, текис далада кетиб бораётган Абубакир кўриниб қолди. У анча узоқлашиб кетган эди. Мен яна:

— Абубакир-ир-ир! Қаёққа кетяпсан?— деб қичқирдим. Бироқ у орқасига қайрилиб қарамади, кўп ўтмай эса, худди ер ютгандек кўздан ғойиб бўлди.

Мен яна бир оз турдим-да, маъюсгина орқамга қайтдим. Уфқ шуъласининг сўнгги тиглари кўкда заиф жилваланарди. Дашт саҳнини қоронғилик қоплади.

Изтиробга тушиб, паришонхотир юриб борардим. Бу сукунат менга бирдан ғалати бўлиб туюлди. Гўё дашт менинг қадам ташлашларимга, фикру ўйларимга қулоқ солиб тургандек эди. Мен Абубакирни ўйлардим. Бу ўлкада ўтмишда бўлган воқеаларни гапирганимда Абубакир мени масхара қилар, гапларимга ишонмасди. Энди бўлса бу лаънати олтин ҳақида қаёқдаги гапларни гапирсам ҳам ҳангу манг бўлиб қолди... Йўқ, бундай кишилар ҳушини йўқотмайди! Аслида, у аллақачонлардан бери бир ёмон фикрда юрган экан чоғи. У бу ҳақда баъзан шундай гапларни гапириб, Сорокинни қўрқитмоқчи ҳам бўларди. У бу ердагиларнинг ҳаммасини ёмон кўрарди. Ҳамма билан бир-бир уришиб чиққанди. Хўш, Қалипа-чи? Абубакир ҳаммадан ҳам кўра ундан тезроқ қутулишни ўйларди. Бу ҳомиладор хотиннинг ишқини Абубакир бошига урармиди. Маошни кутиб юрган экан шекилли, ма-на, кеча маошни ҳам олди; ёнида катта пул; у ҳеч қачон пулини ўтовда қолдирмай, доим ўзи билан бирга олиб юрарди. Демак, у бир оз пул тўплаган, бунинг устига, мен топган нарса олтин бўлиб чиқсами...

Хаёлимни Қалипанинг овози бўлди:



— Абубакир-и-и-ир! Қаёқдасизлар!

Тунда ишлашимиз учун у бидонларда сув келтирганди.

— Қаёққа кетиб қолдинглар?—деб Қалипа мени ташвишланиб қарши олди.— Юрагимни ваҳима босиб кетди! Кутяпман-кутяпман, трактор турибди-ю, сенларнинг даракларинг йўқ!

Мен унга нима ҳам дер эдим. Гапнинг ростини айтдим-қўйдим:

— Абубакир ишни ташлаб кетиб қолди.

— А... Нега?.. Нима учун?— деб сўради Қалипа дудуқланиб.

— Билмадим.

Унга олтин ҳақида оғиз очмадим. Абубакирнинг бу ишидан уялиб кетган эдим.

— Демак, кетибди-да?..— Қалипа бир оз жим турди-да, сўнг аравадан бидонни шиддат билан кўтариб зўрға ерга туширди:— Бу сувни нега олиб юрибман-а?— деди довираганча ўзига-ўзи.

Мен бидонни кўтариб, радиатор ёнига олиб бордим. Қалипа эса кабинага юзини қўйиб аччиқ-аччиқ йиғлай бошлади.

Кўнглим бузилиб кетди. Уни қандай қилиб юпатишни билмадим.

— Балки қайтиб келар,— дедим ўз гапимга ўзим ҳам ишонмай.

— Мен унинг учун йиғлаётганим йўқ,— деди у ўпкаси тўлиб, кўз ёшлари билан ювилган юзини менга ўгириб.— Ишонардим, орзу қилардим! Лекин кимга ишониб юрган эканман? Нимани орзу қилиб юрган эканман?— деб тўсатдан фиғон кўтарди у ва унинг дардли овозининг акс садо-си бутун даштни қоплади.— Ишчан йигит деб ўйловдим, бадфеъллиги бора-бора йўқолиб кетар деб умид қилгандим. Яхшилик билан, меҳр-муҳаббат билан унинг қалбини юмшатмоқчи бўлувдим. У бўлса ҳеч нарсани тушунишни истамеди. Қандай келган бўлса, шундайича ғойиб булди. Алам қилади одамга, билсанг эди, шундай алам қиладики!..

Мен маъно ва гаранг бўлган ҳолда жим турардим. Қалипанинг аҳволига жуда ачиндим. У қандай қилиб мана шундай одамни севиб қолганлигини тушуна олмасдим... Аммо Абубакир бугун Қалипани ташлаб кетиб, ҳақиқий бахтдан ажралганлигини билса эди, унда Қалипа

эмас, балки унинг ўзи қиш бўронида қолган бўридек бў-  
кириб йиғларди.

Қалипа аравага ўтирди-да, хомушгина қайтиб кетди.

Анорхой дашти жимгина ухлаб ётарди. Узоқ-узоқ-  
лардан паровоз гудоги ёвшон буталари узра аранг етиб  
келарди. Эҳтимол, Абубакир юк поездига осилиб кетаёт-  
гандир. Кетавер, аблах, сенинг йўлинг ўша ёқда! Анорхой  
сенсиз ҳам тураверади, сенсиз ҳам ишимизни бажараве-  
рамиз.

Мен уни бошқа эслашни истамасдим. Ишга киришиш  
керак эди. Мен моторни ёндириш учун анча уриндим.  
Кейин кабинага ўтирдим, чироқларни ёқиб юбордим.  
Энди ҳамма иш учун ўзим жавобгар эдим. Қани энди  
ўша дилбар қиз ҳозир ёнимда бўлса-ю, бу ёввойи ёв-  
шонзор дашт ажойиб Анорхой ўлкасига айланажагини  
ҳикоя қилиб берсам...

# САРВҚОМАТ ДИЛБАРИМ

(ИККИ ҲИКОЯДАН  
ИБОРАТ ҚИССА)





## МУҚАДДИМА УРНИДА

Касбим журналист бўлганлиги сабабли Тянь-Шанда тез-тез бўлиб туришга тўғри келарди. Бундан бир ярим йил муқаддам, баҳор кунларидан бирида мени шошилинч суратда редакцияга чақириб қолишди. Бу вақт мен Тянь-Шань областининг маркази Норинда эдим. Автостанцияга етиб келсам, бундан бир неча минут илгари автобус жўнаб кетган экан. Навбатдаги машинани яна беш соатлар чамаси кутиш керак эди. Хуллас, бирорта йўловчи машинада кетишга уриниб кўришдан бошқа илож қолмаган эди. Шу мақсадда шаҳар чеккасидаги тош йўлга қараб югурдим.

Муюлишдаги бензин колонкаси олдида бир юк машинаси турарди. Шофер машинага эндигина бензин қуйиб бўлган экан. Севиниб кедим. Кабина ойнасига халқаро қатнов белгиси «SU» «Совет Иттифоқи» деб ёзиб қўйилган эди. Демак машина Хитойдан Рибачьедаги чет эллар билан алоқа қиладиган транспорт автобазасига келаётган экан. У ердан истаган вақтда Фрунзегга кетиш мумкин эди.

— Сиз ҳозир жўнайсизми? Мени ҳам Рибачьегача олиб кетсангиз!— деб илтимос қилдим шофердан.

У ўгирилиб, елкаси оша менга қараб қўйди-да, қаддини ростлаб, хотиржамгина:

— Йўқ, оға, иложим йўқ,— деди.

— Ўтиниб сўрайман, мени зарур иш билан Фрунзегача қиртиришибди.

Шофер менга яна хўмрайиб қаради.

— Тушунапман, аммо хафа бўлманг, оға. Ҳеч кимни олмайман.

Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Кабинаси-ку бўш, бир кишини олиб кетса нима қиларкин. Шошилиб турганимни, нафасим бўғизимга тиқилиб кетаётганини кўриб турган бўлса.

— Мен журналистман. Жуда шошиляпман. Истаганингизча ҳақини тўлашим мумкин...

— Гап пулда эмас, оға!— деб сўзимни шартта бўлди шофер. Сўнгра жаҳл билан баллонни тепиб кўрди.—Бошқа сафар бепул ҳам олиб кетаман. Аммо ҳозир сира иложим йўқ. Мендан ранжиманг. Ҳадемай бошқа машиналаримиз ҳам келиб қолади, хоҳлаганингизга тушиб кетишингиз мумкин, лекин мен олиб кета олмайман...

Йўлда кабинага бировни олса керак, деб ўйладим ва:

— Кузовда-чи?— деб сўрадим.

— Бари бир... Кечирасиз мени, оғажон.

Шофер соатига бир қаради-ю, жўнашга шошилди.

Жуда бошим қотиб, елкамни қисиб қўйдим-да, боядан бери будка дарчасидан бизни жимгина кузатиб турган бензинчи кекса рус аёлига ҳайрон бўлиб қарадим. У гўё: «Тегманг, уни ўз ҳолига қўйинг» деяётгандек бош чайқарди. Қизиқ.

Шофер кабинага ўтирди ва оғзига тутатилмаган папиросни қистириб, моторни юргизиб юборди.

У ҳали ёш, ўттизлар чамасидаги, бир оз букчайган, аммо баланд бўйли йигит эди. Унинг руль чамбарагини ушлаб олган салмоқдор, чайир қўллари, ғамгин, ўйчан кўзлари эса чарчаб-ҳориганидан салқиб кетган қовоқлари хотирамда сақланиб қолди. Йўлга тушишдан олдин у юзини кафти билан силади ва чуқур хўрсиниб қўйди, тоғ оралаб кетадиган йўлга ташвишланиб назар ташлади. Машина елдек учиб кетди.

Тянь-Шань шоферлари кўринишдан баджаҳл бўлсалар ҳам, жой бўлса йўловчиларнинг илтимосини ҳеч қачон рад этмас эдилар. Бу гал эса қандайдир тушуниб бўлмайдиган қайсар бир шоферга учраб қолдим.

Бензинчи аёл будкадан чиқди. Афтидан, у мени юпат моқчи бўлди шекилли:

— Хафа бўлманг, ҳозир сиз ҳам кетасиз,— деди.

— Шошиб турмаганимда майли эди-я!..— деб тўн-гилладим алашимга чидай олмай.

— Модомики шундай экан...

— Нима эди?

— Йўқ, шунчаки айтдим-да!— деб аёл кимгадир ачингандек қўл силтади ва шлангни колонжа олдига йиғиштириб кўяр экан, хўрсиниб қўйди:— Бу воқеанинг тарихи узоқ...

Мен жим турардим.

— Йигит бечоранинг бошига ташвиш тушган. Бир вақтлар у биз билан шу ерда, довондаги базада яшарди.

Бензинчи аёлнинг гапини охиргача тинглаш менга насиб бўлмади. Йўловчи «Победа» келиб қолди, биз йўлга тушдик.

Юк машинасига ҳадеганда етиб ололмадик, фақат Дўлан довони этакларидагина етиб олдик. У ҳатто кўпни кўрган Тянь-Шань шоферларига ҳам рухсат этилмайдиган ғоят тезлик билан учиб борарди. Машина бурилишларда ҳам тезлигини камайтирмай, қоялар остидан ғувиллаб ўтиб борар, шиддат билан баландликларга учиб чиқар ва бирдан худди ағдарилиб кетгандек пастга томон шўн-ғир, яна бир зумда устига ёпилган брезентнинг чеккалари шалоп-шалоплаб бортга урилиб ҳилпирганича олдинда пайдо бўлар эди.

Бари бир «Победа» «Победа»лигини қилди. Биз юк машинасини қувиб ўта бошладик. Мен ўгирилиб қардим: бу одам мунча умидсизликка тушган, қаёққа бунчалик елиб кетяпти? Шу пайт ёмғир аралаш дўл шаррос қуйиб берди. Бизда довонда бундай ёғингарчилик тез-тез бўлиб туради. Қиялиб, чапарастасига ураётган дўл аралаш ёмғир томчилари орасидан ранглари оппоқ оңариб кетган, папирос тишлаб олган, жиддий тусдаги қиёфа кабина ойнаси орқасидан лип этиб кўриниб ўтди. Унинг қўллари руль чамбарагида тез-тез ҳаракат қиларди. Кабинада ҳам, кузовда ҳам ҳеч ким йўқ эди.

Мана шу тасодифий учрашувдан сўнг орадан кўп ўтмай мени Қирғизистоннинг жанубига, Уш областига командировкага юборишди. Одатдагича, биз журналистларнинг вақтимиз ҳамма вақт зиқ бўлади. Оқшом поезд жўнаши олдидан вокзалга чопганча етиб келдим ва ва-

гонга сакраб чиқиб, ўз купемга кирдим, хадеганда деразадан ташқарига қараб ўтирган пассажирга эътибор ҳам бермабман. Назаримда, бу купега иккаламиздан бошқа ҳеч ким чиқмайдиганга ўхшарди. Ҳамроҳим менга қайрилиб қарамади ҳам. У бошини ойнага қадаганча, ё шунчаки ташқарига тикилиб ўтирарди, ёки бўлмаса алланималар ҳақида ўйларди.

Поезд тезлигини ошира борди. Радиодан музика овози янгради: таниш куй ижро этилаётган эди. Бу қирғиз классик куйи менга доим ғира-шира оқшом пайти даштда кетиб бораётган ёлғиз отлиқнинг ашуласини эслатарди. Йўл узок, бепоён дашт. Эгарда ўтириб хаёл суриб, биронта ашулани аста хиргойи қилинса ҳам бўлади. Хиргойи қилганда ҳам қалбдан чиқариб куйласанг. Ахир, от туёқларининг тапир-тупур садолари остида ёлғиз ўзи хиргойи қилиб бораётган йўловчининг қалбида турли хил ўй-хаёллар озмунча бўлади дейсизми?.. Ариқдаги сув майда ялтироқ тошчалар устидан шилдираб оқаётгандек, қўбиз торларидан оромбахш майин куй аста-секин тараларди. Қўбиз адирлар орқасига ёнбошлаётган қуёш ҳақида, ҳар ёққа салқинлик таратаётган майин шабада ҳақида, йўл ёқалаб кетган кўм-кўк ёвшон ва сап-сарик чаловларнинг секин-секин тебраниб гул чангларини тўкаётгани ҳақида куйларди. Дашт ҳам чавандознинг ашуласини тинглайди ва у билан бирга ўйлаб, бирга куйлайди...

Эҳтимол, ҳозир биз поездда елиб бораётган бу ердан ўша чавандоз ҳам қачонлардир юргандир... Балки ўшанда, худди ҳозиргидек, дашт уфқида шафақ секин-аста оч-сарик тусга кириб, сўна борган, тоғ бағридаги қор эса худди ҳозиргидек қуёшнинг сўнги шуълаларини эмиб, пушти рангга кирган-у, яна дарҳол хиралашиб сўниб қолгандир.

Дераза ортидан боғ-роғлар, токзорлар, қулф уриб ётган кўм-кўк маккажўхори далалари ўтиб борарди. Янги ўрилган барра йўнғичқа ортилган қўш отли арава темир йўл чорраҳаси томон йўртиб борарди. У шлагбаум олдида тўхтади. Қуёшда қорайган, ранги унниқиб кетган йиртиқ майка кийиб, иштонини тиззасигача шимариб олган аравакаш бола ўрнидан турди-да, поезд томон ҳавас билан боқиб, илжайганича кимгадир қўл силтади.

Радиодан таралаётган куй поезднинг тарақа-туруқиға жўр бўлиб, кишини ҳайратга соларли даражада бир-бири билан уйғунлашиб кетарди. Отнинг дукура-дукури рельс-



ларнинг туташган жойига урилаётган ғилдирак товуши билан алмашингандек эди. Қўшним бўлса қўлини столчага тираб, кўзларини ҳамон ташқаридан узмай ўтирарди. Назаримда, у ҳам ўзича ўша танҳо отличнинг ашуласини унсиз куйлаётгандек эди. У хафами ёки бирор нарса ни ўйлаяптими, ҳар қалай, унинг қиёфасидан бошида қандайдир чуқур қайғу, юрагида ўчмас алам борлиги сезилиб турарди. У ўзини шу қадар унутган эдики, купеда менинг ўтирганимни ҳам пайқамасди. Мен унинг юзини кўришга интилдим. Қаерда учратган эдим бу одамни? Ҳатто буғдой ранг қўллари, узун ва бақувват бармоқлари ҳам таниш кўринади.

Ниҳоят уни танидим: бу мени машинасига олмаган ўша шофернинг худди ўзгинаси эди. «Бирон ёққа ўз иши билан кетаётган бўлса керак»— деб ўйладим ва шу билан хотиржам бўлдим. Чамадондан китоб олдим. Ўзимни унга танитишимнинг ҳожати бормиди? Эҳтимол, у аллақачонлар унутиб юборгандир. Шоферларга йўлда озмунча йўловчи дуч келади дейсизми.

Шундай қилиб, биз яна анча вақтгача ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб, жим кетдик. Кеч кириб, қош қорая бошлади. Ҳамроҳим чекмоқчи бўлиб ёнидан папирос чиқарди ва гугурт чақиш олдидан чуқур хўрсиниб қўйди. Сўнгра бошини кўтарди-ю, ҳайратланиб менга қаради ва шу заҳотиёқ қизариб кетди. Таниди.

— Салом, оға!— деди у айбдор кишидек кулимсираб. Мен ҳам унга қўл чўздим.

— Узоққа кетяпсизми?— деб сўрадим.

— Ҳа... Узоққа!— деди у папирос тутунини таратаркан ва бир оздан кейин қўшиб қўйди:— Помирга.

— Помирга! Демак ҳамроҳ бўлар эканмиз-да. Мен Ушга кетяпман.

— Мен ҳам худди ўша томонга.

— Жуда соз бўлди, зерикмас эканмиз.

— Эҳтимол,— дея ишончсизлик билан тўнғиллади у.

— Дам олганими? Ёки ўша ёққа ишга жойлашмоқчимисиз?

— Ҳа, шунга ўхшашроқ... Чекасизми?— деб папирос узатди у.

Биз папиросни тутатиб, бир оз жимиб қолдиқ. Дастлаб бошқа ҳеч қандай гапимиз қолмагандек туюлди. Ҳамроҳим яна хаёлга чўмди. У бошини қўйи солиб, поезд ҳаракатига мос тебраниб борарди. У, назаримда, биринчи уч-

рашганимиздагига қараганда жуда ўзгариб кетгандек кўринди. Анча ўзини олдириб қўйган, пешонасидаги уч қатор ажин янада ичкарироқ ботиб кирган, чимирилган қошлари эса юзига ғамгин соя солиб тургандек эди. У тўсатдан бошини кўтарди-да, қийиқ қўй кўзларини менга тикиб:

— Сиз ўшанда мендан қаттиқ хафа бўлгандирсиз-а, оға?— деб сўради маъюс жилмайиб.

— Қачон? Негадир эслолмаяпман,—мен унинг ноқулай аҳволга тушиб қолишини истамас эдим. Ростини айтганда, ўтган иш хафа бўлишга арзимасди ҳам. Лекин у менга шундай бир самимият билан тикилиб турардики, менинг тезда икром бўлишдан бошқа иложим қолмаган эди.—Э, ҳа... унга анча бўлди-ку... Арзимаган гап эди, эсимдан ҳам чиқиб кетипти. Бунинг нимаси бор экан. Йўлда ҳар хил ҳодиса содир бўлиши мумкин. Сиз ўша учрашганимизни ҳали эслаб юрибсизми?

— Бошқа вақтда бўлганда, эҳтимол, унутиб юборган ҳам бўлардим. Лекин ўша кунни унутолмайман...

— Нима бўлган эди? Бирор фалокат юз берганмиди?—деб сўрадим мен ундан беихтиёр, унинг ўша кунги машинани қандай бошқараётганини эслаб.

— Йўқ, нима десам бўларкин? Фалокат юз бермаган эди!—деди у бир оз дурустроқ сўз танлаб, сўнг кулиб юборди, тўғрироғи, ўзини кулишга мажбур қилди.—Ҳозир бўлса, истаган томонингизга машинада сайр қилдириб келар эдим-у, аммо кўриб турибсиз, ўзим ҳам йўловчман...

— Ҳечқиси йўқ, от бир босган изидан минг марта юради, дейдилар-ку, эҳтимол, вақти-соати келиб, яна йўлда учрашиб қолармиз...

— Агар насиб қилиб учрашиб қолсак, албатта ўзим зўрлаб кабинага чиқариб оламан,—деди у бошини силкиб.

— Демак, келишдикми?—деб ҳазиллашдим мен.

— Сўз бераман, оға!—деди у хурсанд бўлиб.

— Шундай қилиб, нега ўшанда мени олиб кетмаган эдингиз?

— Нега дейсизми?—деди-ю, шу ондаёқ маъюс бўлиб қолди.

У тарвузи қўлтиғидан тушгандек жим қолиб, папирос тутунини жон-жаҳди билан торта бошлади. Мен ўринсиз савол берганимни пайқаб қолиб, гапни бошқа ёққа бу-

ришга интилдим. Бироқ вақт ўтганди. У папиросини ўчирди-да:

— Иложим йўқ эди... Ўғлимни ўйнатиб олиб юрган эдим...— деди зўр-базўр ғўлдираб.

— Ўғлимни?— Ҳайрон бўлдим мен.— Каттагинами у?

— Йўқ!— дея жилмайди у, энди унинг кўзлари менга табассум билан боқарди.— Ҳали ёш, энди бешга қадам кўйди...

— Нима, у сизни бирон жойда кутиб турганмиди?

— Ҳа, довонда.

— Хўш, кейин нима бўлди?— мен ҳали ҳам ҳеч нарса тушуна олмаётган эдим. Қизиқ, нега ўғли у ерда бўлади, умуман боланинг бу гапга нима алоқаси бор?

— Биласизми... Гап бундай... Сизга қандай тушунтирсам экан...— деб у пешонасига сизиб чиқаётган тер қатраларини артди, ҳаяжонини босиш учун яна чекди, сўнг менга жиддий тикилди.

Ана шундай қилиб мен шофернинг ўз тақдири ҳақидаги ҳикоясини эшитишга муяссар бўлдим. Лекин у ҳеч кимга, айниқса менга — журналистга ўз ҳаёти тўғрисида батафсил гапириб бермаслигига қаттиқ ишонардим. Кейинроқ билишимча, бу одам дуч келган йўловчига юрагидаги сири-асрорини тўкиб соладиган одамлардан эмас экан. Аммо шофернинг бошидан кечирган саргузаштлари шундай эдики, унинг хоҳиш-истагидан қатъий назар, воқеани бирма-бир айтиб беришга мажбур эди. Акс ҳолда мен ҳатто Тянь-Шань йўлида орамизда бўлиб ўтган арзимас ҳодисани ҳам тушуниб етмаган бўлардим.

Манзилга етгунча ҳали вақтимиз кўп эди. Поезд ўшгача деярли икки кеча-кундуз юради. Мен уни шоширмасдим ва турли саволлар бериб, гапини ҳам бўлавермасдим. Киши ўз кечинмаларини қайта бошидан кечириётгандек ҳис этиб, гоҳ сўзи оғзида қолиб тўхтаб, гоҳ ўйланиб, энтикиб ҳикоя қилиб берса — жуда мароқли бўлади. Аммо унинг ҳикоясига кўшилиб кетмаслик учун мен ўзимни зўр-базўр тутиб турардим. Чунки мен кутилмаганда шуни билиб қолдимки, шароитга кўрами ёки ўзимнинг ҳар нарсага аралашиб кетаверадиган журналистик касбимга кўрами, ҳар ҳолда, шахсан бу йигит ҳақида бўлмаса ҳам, тақдир унга учратган, аммо шоферга унча таниш бўлмаган кишилар тўғрисида унча-мунча нарса билардим. Шунинг учун ҳам мен унинг ҳикоясини давом эттиришим, баъзи тафсилотлар билан тўлдиришим,

унга номаълум бўлган кўп нарсаларни сўзлаб беришим мумкин эди (дарвоқе, қиссанинг иккинчи ҳикоясида худди мана шу тафсилотлар баён этилади), аммо мен буни шофернинг ҳикоясини охиригача тинглаб бўлганимдан кейин айтиб беришга қарор қилдим. Сўнгра эса бу фикримдан ҳам қайтиб, унга ҳеч нарса гапирмадим. Шундай қилганим яхши бўлди, деб ўйлайман. Нега? Чунки бу тафсилотларни кейинроқ, қиссанинг энг охирида сўзлаб беришни лозим кўрдим.

Модомики, асосий мавзудан четлашиб кетган эканман, шунга кўра бу ўринда бир лирик чекиниш қила қолай.

Эҳтимол, ўқувчилар «Икки ҳикоядан иборат қисса» деган ғалати сарлавҳачага эътибор қилишгандир. Ҳа, дарвоқе, шундай. Бу шунчаки авторнинг хоҳиши билан бўлган нарса эмас. Маълумки, одатда, агар зарурат туғилса, адабий асарларни бўлим, боб ва қисмларга ажратилади. Ҳикоя эса, ўз-ўзидан маълумки, алоҳида мустақил адабий асардир. Бироқ бу ерда гап форма ҳақида кетаётгани йўқ.

«Бу воқеанинг тарихи узоқ!»— деган эди бензин колонкасидаги аёл. Ҳақиқатан ҳам мен сўзлаб бермоқчи бўлган воқеа жуда узоқ ва, эҳтимол, одатдаги ҳикояларга мутлақо ўхшамас. Мен бу ҳақда аллақачон автор тилидан кичкинагина қисса ҳам ёзгандим. Яъни, ташқаридан кузатиб туриб, воқеа-ҳодисалар ва кишилар характерларини чизиб бергандим. Шундай қилиб, тасвирланаётган ҳаёт қайновида автор сифатида ўзим ҳам қатнашгандим. Қиссани ўқиб чиқиш учун ўртоқларимга берарманми, бирданига устимга дўлдай таъна ва танбеҳлар ёғила бошлади. Айтилган фикрлар ҳеч бир-бирига тўғри келмасди: баъзилар мени ҳақ, автор ўз қаҳрамонларига нисбатан шундай позицияда бўлиши керак, дейишса, баъзилар мени койишиб, ғазабланиб, автор ноҳақ, асарни бундай эмас, бошқачароқ ёзиш керак эди, дедилар. Айниқса қиссанинг хотима қисми кўпчиликнинг аччиғини келтирганди. Хуллас, улар ҳар тўғрида баҳслашишарди. Ахлоқ ҳақида, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари ҳақида тортишишиб, ё уларни қоралашар, ё маъқуллашарди. Аммо кишиларнинг ҳаётга нисбатанги бу шахсий қарашлари билан боғлиқ бўлган барча эътирозлари менга, авторга қаратилган бўлиб, гўё буларнинг ҳаммаси менинг хошим билан рўй бергандек эди.

Ўртоқларимдан қайси бирининг фикри қанчалик

тўғри ёки нотўғри эканлигини муҳокама қилиб ўтиришни ўз зиммамга олмайман, таҳлил қилиш ниятим ҳам йўқ. Бироқ узоқ фикр юритишлардан сўнг шундай хулосага келдим, яъни қиссани ҳаётда қай тарзда эшитган бўлсам, худди шу тарзда ёзишим керак. Мен бу қиссани икки кишидан эшитганман, шунинг учун ҳам қисса икки ҳикоядан ташкил топган. У икки кишининг бошидан кечирганларидир. Мен нимани эшитган бўлсам — шунигина ёзаяман. Яхшиси, қаҳрамонларнинг ўзлари ҳикоя қилиб бера қолишсин.

## 1. ШОФЕР ҲИКОЯСИ

...Буларнинг ҳаммаси ҳеч кутилмаганда юз берди. Уша кезларда мен моторлаштирилган қисмда ҳарбий хизматни ўтаб бўлиб, армиядан эндигина қайтиб келган эдим. Ҳарбий хизматга боргунимча ўн йилликни тамомлаб, шоферлик қилардим. Ўзим болалар уйида тарбияланганман. Дўстим Алибек Жонтурин мендан бир йил олдин ҳарбий хизматдан бўшаб келиб, Рибачьедаги автобазада ишлаётган эди. Хизматни ўтаб бўлгач, мен ҳам тўппа-тўғри ўша автобазага келдим. Биз Алибек иккимиз Тянь-Шанда ёки Помирда ишлашни доим орзу қилиб юрардик. Автобазада мени яхши кутиб олишди. Ётоқхонага жойлаштиришди. Ҳатто бирор ери ҳам лат емаган яп-янги «ЗИЛ» машинасини беришди. Тўғриси айтсам, машинамни одамни севгандек севардим. Мотори жуда кучли, ажойиб машина эди. Шундай бўлса ҳам биз унчалик ортиқча юк билан юрмасдик. Тянь-Шань йўлини ўзингиз яхши биласиз— бу автотрасса дунёдаги энг баланд тоғли йўллардан бири, қанчадан-қанча даралар, довонлар бор. Тоғда сув истаганча топилади, шунга қарамай, ҳамма вақт эҳтиётдан сув олиб юришга тўғри келарди. Эҳтимол, кузовнинг олди бурчагидаги устунчага осиб қўйилган сувли камерага кўзингиз тушган бўлса керак. Юк оз бўлса ҳам олис ва ўнқир-чўнқир йўлларда мотор тез қизиби, радиатор эриб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун доим сув олиб юриш керак. Дастлаб мен ҳам қандай бўлмасин машинага кўпроқ юк ортиш чораларини кўзлаб, узоқ вақт бош қотирдим. Бироқ ҳеч нима чиқмади. Ҳар қалай, тоғ тоғлигини қилади.

Шундай бўлса ҳам ўз ишимдан кўнглим тўқ эди. Бу ернинг ўзи ҳам, табиати ҳам менга ёқарди. Автобазамиз

шундайгина Иссиқкўлнинг қирғоғида жойлашган эди. Бу ерга чет эллик туристлар ҳам келиб туришарди. Улар кўл соҳилида сеҳрлангандек бир неча соатлаб тамоша қилиб туриб қолишарди, ана шундай пайтларда мен, ўзимча: «Қаранг, Иссиқкўлимиз қандай ажойиб! Бунчалик гўзал, бунчалик кўркем манзарани топа олиш мумкинми?..» — деб фахрланардим.

Дастлабки кунларда негадир бир оз сиқилиб юрдим. Баҳор, ишлар қайнаган пайт, сентябрь Пленумидан кейин дастлабки кунларданоқ колхозчилар қурилиш ишларини авж олдириб юборишган эди. Улар бутун вужуди билан ишга шўнғиб кетишганди-ю, аммо техника етишмасди. Шунинг учун ҳам автобазадаги машиналарнинг бир қисмини колхозларга ёрдамга юборишарди. Айниқса ишга янги кирганларни, шу жумладан мени ҳам нуқул ўша ёққа юборишарди. Трассага ўтиб, энди йўлга кўнқидим деганда, яна у ердан олиб овулларга ҳайдашарди. Ишнинг қанчалик муҳим ва зарур эканлигини тушунардим. Аммо мен ҳар ҳолда шоферман, машинага жоним ачирди-да. Машина эмас, балки мен ўзим ўнқир-чўнқирлардан сакраб отилиб, қишлоқ бўйлаб лой кечиб бораётгандек бўлардим. Йўллар шунақанги расвоки, бунақасини ҳатто тушингизда ҳам кўрмагансиз.

Кунлардан бирида янги молхона учун колхозга шифеъ олиб бораётгандим. Бу овул тоғ этагида жойлашган бўлиб, унга борадиган йўл ҳам худди ана шу тоғ ён бағридаги дашт бўйлаб ўтарди. Машина бемалол бораётган эди, йўл ҳам селгиб қолган экан. Бироқ овулга етай деб қолганимда, машинам бирдан қандайдир ариққа тикилиб қолди. Бу йўл баҳордан бери юрилавериш шунчалик афдар-тўнтар қилиб ташланган эдики, ҳатто туя чўкиб кетса ҳам топиб олиш қийин эди. Ундай қилиб кўрдим, бундай қилиб кўрдим, машинани турли томонга ҳайдаб кўрдим — ҳеч нарса чиқмади. Лаънати лой уни қаърига шунчалик тортиб кетган эдики, худди қисқичда тутиб тургандек, ҳеч қаёққа қўзғатмасди. Бунинг устига рулни жаҳл билан қаттиқ буриб юборган эканман, машинанинг қаеридир шилқ этиб чиқиб кетди. Яна унинг остига киришга тўғри келди. Ҳамма ёғим лойга беланиб, қора терга тушиб, йўлни оғзимга келган сўзлар билан сўкиб ётган эдим, кимнингдир шу томон юриб келаётган оёқ шарпасини эшитиб қолдим. Ётган жойимдан менга фақат резинка этиккина кўринарди. Этиклар яқинлашиб келиб, қаршимда қимир

этмай тураверди. Жаҳлим чиқиб кетди. Нимани тамоша қилади-я, цирк борми бу ерда!..

— Қани, тепамда турма, йўлингга равона бўл!— деб қичқирдим машина остидан. Эскириб, гўнг тегиб ифлос бўлиб кетган кўйлак этагига кўзим тушиб қолди. Назаримда, аллақандай кампирга ўхшади, овулга олиб бориб қўяр, деб кутиб турган бўлса керак.

— Йўлингдан қолма, кампир!— дедим унга яна.— Бу ерда ҳали анча рақт айланишиб қоламан, кутавериб тоқатинг тоқ бўлади...

У бўлса:

— Мен кампир эмасман!— деди.

У бу сўзларни қандайдир ишончсизлик билан уялинқираб айтган эди.

— Кимсан бўлмаса?— дедим аччиғим чиқиб.

— Қиз боламан.

— Қиз боламан?— деб этикларига яна кўз қиримни ташладим. Жеркиб берганлигим учун хижолат тортиб, бу ёғини ҳазилга бурдим:

— Чиройлимисан?— деб сўрадим.

Этиклар кетишга ҳозирланиб, четга қараб одимлай бошлади. Шунда мен дарров машина остидан чиқдим. Қарасам, ҳақиқатан ҳам қошлари жиддий чимирилган ва каттакон, кўринишидан отасиники бўлса керак, камзулини елкасига ташлаб олган қизил дуррачали, нозиккина бир қиз турибди. У менга жимгина термилиб турарди. Мен бўлсам ерда ўтирганимни ҳам, лой ва балчиққа беланганимни ҳам унутиб юбориб:

— Чакки эмас! Чиройли экансан-ку!— дея унинг бошидан оёғигача назар ташлаб чиқар эканман, илжайиб қўйдим. У ҳақиқатан ҳам гўзал эди.— Шу оёқларингга туфличалар бўлсам!— деб ҳазиллашдим ўрнимдан турарканман.

Қиз тўсатдан шартта бурилди-да, орқасига қайрилиб ҳам қарамай, жадаллаганча кета бошлади.

Нима бўлди унга? Хафа бўлдимми? Ҳазил-мутойиба қилиб ўтиришнинг вақти эмас! Эс-ҳушимни йиғиб олдим, ортидан югуриб етиб олмоқчи бўлдим, кейин яна орқага қайтиб, асбобларни тезда йиғиштириб олдим-у, кабинага ирғиб чиқдим ва машинани гоҳ олдинга, гоҳ орқага зарб билан ҳайдаб тебрата бошладим. Фақат биргина нарса — унга етиб олишни ўйлардим, холос. Мотор эса зўр бериб тириллар, машина силкинар эди. Бироқ у

жойдан бир қадам ҳам силжимасди. Қиз бўлса борган сари узоқлашиб борарди. Мен лойга ботиб, турган жойида дириллаб айланиб ётган ғилдиракларнинг остига қараб:

— Қўйиб юбор! Қўйиб юбор деяпман! Эшитяпсанми?— деб бақирардим, кимга қичқираётганимни ўзим ҳам билмай.

Жонимнинг борича акселераторни сиқдим. Машина ўкириб секин-аста олға силжий бошлади ва қандайдир бир мўъжиза билан ботқоқдан отилиб чиқди. Ўзимда йўқ қувониб кетдим! Машинани йўлга чиқариб, рўмолча билан юзимдаги лойни артдим ва сочларимни силаб тартибга солдим. Қизга ёнма-ён келгач, машинага тормоз бердим, бунчалик журъат қаердан пайдо бўлди менда, ўзим ҳам билмайман, ўриндиқда ўтирган еримда ёнбошлаганча абжирлик билан кабина эшигини шартта очдим-да:

— Марҳамат!— деб эҳтиром билан қўл узатдим.

Қиз тўхтамади. «Ана холос!»— дея бошимни қаший бошладим. Бояги жасорат ва эҳтиромдан асар ҳам қолмаганди. Мен унга яна етиб олдим. Бу гал узр сўраб, илтимос қила бошладим:

— Хафа бўлманг! Мен, ахир, шунчаки...Ўтиринг!

Аммо қиз лом-мим демади.

Шунда мен уни қувиб ўтиб, машинамни йўлга кўндаланг қилиб қўйдим-да, кабинадан сакраб тушиб, ўнг томонга югуриб ўтдим, эшикни очиб, уни ушлаб туравердим. У, оббо, мунча ёпишиб олди бу тентак, дегандек ҳадиксираб менга яқинлашди. Мен ҳеч нарса демадим, нима ҳам қила олардим. Бош эгиб кутиб туравердим. Менга раҳми келдими ёки шунчакими, ҳайтовур, бир бош чайқаб қўйди-да, индамай кабинага чиқиб ўтирди.

Биз йўлга тушдик.

Мен индамай ўтирардим, қандай гап бошлашни ўйлардим. Қизлар билан биринчи марта учрашаётганим йўқ, шундай бўлса ҳам ҳозир у билан гаплашишга юрагим дов бермай турарди. Нега шундай-а? Руль чамба-рагини айлантирар эканман, унга зимдан қараб қўярдим.

Қоп-қора нозик ва майин сочлари кўнғироқ-кўнғироқ бўлиб бўйнига тушиб турарди. Камзули эса елкасидан сирғалиб тушиб кетди, уни тирсаги билан тутиб турарди, ўзи бўлса менга тегиб кетишдан қўрқиб, нарироқ сурилиб ўтирди. Қарашлари жиддий бўлса ҳам, умуман



қиёфасидан меҳрибонлик ва самимийлик сезилиб турарди. Юзлари ойдек, ранги тиниқ эди. Пешонасини тириштириб, чимирилмоқчи бўларди-ю, бироқ удалай олмасди ва йўл-йўлакай эҳтиёткорлик билан менга қараб-қараб қўярди. Кўзимиз кўзимизга тушиб қолди. У жилмайиб қўйди. Ана шундан кейин мен гап бошлашга қарор қилдим:

— Сиз у ёқда, машина олдида нега тўхтаган эдингиз?— деб оғзимга келганини сўраб қўя қолдим.

— Сизга ёрдамлашмоқчи эдим.

— Ёрдамлашмоқчи?— деб кулиб юбордим.— Дарҳақиқат, ёрдамингиз тегди! Агар сиз бўлмаганингизда кечгача ўша ерда қолиб кетган бўлардим... Сиз доим шу йўлдан юрасизми?

— Ҳа. Фермада ишлайман.

— Жуда яхши!— деб қувониб кетдим, аммо дарров ўзимни ўнглаб олиб, сўзимни тўғрилаб қўйдим.— Йўл жуда яхши!

Худди шу пайт машина чуқурликка тушиб, қаттиқ силкинган эди, елкаларимиз бир-бирига тегиб кетди. Мен томоқ қириб қўйдим, кўзларимни қаёққа яширишни билмай қип-қизариб кетдим. У эса кулиб юборди. Шунда мен ҳам ўзимни тутиб туролмай хохолаб кулиб юбордим.

— Мен бўлсам колхозга бормайман деб юрибман-а?— дедим кулги аралаш.— Агар йўлда сизга ўхшаган ёрдамчи учрашни билганимда эди, диспетчер билан ади-бади айташиб ўтирмаган бўлардим... Эҳ, Илёс, Илёс!— дея ўзимни ўзим койидим.— Бу менинг исмим,— деб тушунтирдим сўнг қизга.

— Менинг исмим Асал...

Биз овулга яқинлаша бошладик. Энди йўл анча текис эди. Мен машинани яна қичаброқ ҳайдадим. Шабада кабина деразасига урилиб, Асалнинг бошидаги дуррачасини юлқилар ва сочларини тўзитар эди. Биз чурқ этмасдик. Иккимиз ҳам илиқ ҳислар қучоғига чўмиб борардик. Тирсаги тирсагингга тегай-тегай деб ўтирган мана шу қиз ҳақида бундан бир соат илгари сен ҳеч нарса билмасдинг, энди бўлса нима учундир фақат унинг тўғрисида ўйлагинг келади. Шундай пайтларда машинани ҳайдаш ҳам жуда осон, жуда мароқли бўлар экан... Асалнинг кўнглида нималар кечаётганини билмасдим, аммо унинг кўзлари табассум билан порларди. Эҳтимол, у

ҳам менга ўхшаб ҳеч қачон ажралмаслик учун узоқ ва тинимсиз юришни истаётгандир. Бу менинг орзу-хаёлларим, албатта. Шу чоқ машина овул кўчаларидан ўтиб бораётган эди. Шунда Асал машинада кетаётгани тўсатдан эсига тушиб қолгандек:

— Тўхтатинг, тушаман!— деди чўчинқираб.

Мен машинага тормоз бердим.

— Етиб келдик шекилли? Шу ерда турасизми?

— Йўқ,— деди у негадир ҳаяжонланиб, безовтала-ниб.— Яхшиси, шу ерда тушиб қўя қолай.

— Нега энди? Тўппа-тўғри уйингизга олиб бориб қўяман!— деб унинг эътироз билдиришига имкон бермай, машинани яна ҳайдаб кетдим.

— Шу ерда тушаман,— деди Асал ниҳоят,— Раҳмат!

— Марҳамат!— дедим аранг, сўнг:— Агар эртага машинам яна бояги ерда тиқилиб қолса, ёрдам берасизми?— дедим ҳазил аралаш жиддийлик билан.

У жавоб беришга улгуролмади. Яқиндаги ҳовлининг кўча эшиги очилиб, алланимадан ташвишланган кексагина аёл югуриб чиқди.

— Асал!— деб қичқирди у, нимадандир огоҳлантир-моқчи бўлгандек, қўли билан оғзини беркитиб.— Қаёқларда дайдиб юрибсан, худо кўтарсин сени! Бор, тезроқ кийимларингни алмаштир, совчилар келишди!

Асал уялиб кетди. Елкасидан камзулини ҳам тушириб юборди, сўнгра уни ердан олди-да, итоаткорона онаси орқасидан кетди. У эшик олдида борганда орқасига бир қайрилиб қаради, аммо шу заҳотиёқ эшик «тақ» этиб ёпилди.

Мен кўчадаги қозиқда боғлоғлиқ турган эгарланган ва узоқ йўл юриб терга ботиб келган отларни эндигина пайқабман. Ўтирган еримдан туриб, девор оша ҳовлига қарай бошладим. Ўчоқ бошида хотин-халаж уймалашиб юришарди. Катта рух самовардан бурқсиб тутун чиқиб турарди. Икки киши айвонда янги сўйилган қўй терисини шилмоқда. Хуллас, совчиларни кўнгилдагидек кутиб олишаётган эдилар. Менинг бу ерда қиладиган ишим қолмаганди. Бориб юкларни туширишим керак эди.

Автобазага кеч кирганда қайтдим. Машинани ювиб, гаражга киритиб қўйдим. Бу ерда анча вақтгача ўралашиб юрдим, машинанинг у ёқ-бу ёғини кўздан кечириб, тузатган бўлдим. Бугунги воқеани кўнглимга шунчалик яқин олганимни негадир ўзим ҳам тушунмасдим.

Бутун йўл бўйи ўзимни ўзим дам койирдим, дам юпатардим: «Хўш, сенга нима? Қанақа аҳмоқсан ўзинг? Ахир у сенинг киминг бўлади ўзи! Қайлигингми? Ё синглингми? Тасодифан йўлда учрашиб қолиб, уйига олиб бориб қўйибсан, хўш, нима бўпти! Гўё илгаридан бир-бирларингни севиб юргандек куйинишингни қара-ю! Эҳтимол, у сенинг ҳақингда ўйлашни ҳам истамас. Сенга жуда кўзи учиб тургани ҳам йўқдир! Ахир қизнинг айттириб қўйган куёви бўлса, сен унинг кими бўласан, ҳеч кими! Йўлда учраган бегона шофер бўлсанг, сенга ўхшаган шоферлар сон-саноқсиз-ку, ахир... Яна бировларнинг ишига аралашишга нима ҳаддинг бор: улар қуда-анда бўлишяпти, яқинда тўй қилишади, уларнинг ишига тумшуғингни суқиб нима қиласан? Ҳаммасига тупур. Сенинг ишинг нима? Яхшиси, рулингни айлантириб юравер!..»

Аммо, бутун бало шунда эдики, ўзимни ҳар қанча аврасам ҳам, у қизни ёдимдан чиқара олмасдим.

Машина олдида қиладиган ишим ҳам қолмади. Ётоқхонага борсам бўларди. У ерда шовқин-суронли, гавжум жой — қизил бурчак ҳам бор. Менинг у ёққа боргим йўқ. Кўнглим ёлғиз бўлишни истарди. Қўлларимни бошим остига қўйиб, машина қанотига чалқанчасига ётдим. Ёнгинамда, машина остида Жонтой деган шофер ивирсиз юрган эди. У чуқурдан бошини чиқарди-да:

— Сенга нима бўлди, чиройли йигит? Хаёл суряпсанми?— деди масхараомуз тўнғиллаб.

— Ҳа, пул ҳақида!— деб шартта кесдим гапини.

Мен уни ёқтирмасдим. У уччига чиққан хасис, айёр ва ҳасадгўй йигит эди. У бошқаларга ўхшаб ётоқхонада турмасди. Аллақандай бир аёлникида ижарага турарди. Айтишларича, унга уйланишга ваъда берганмиш, нима бўлса ҳам уй-жойлик бўлиб олади-да.

Мен тескари ўгирилиб олдим. Ҳовлида, машиналар ювиладиган жойда йигитларимиз қий-чув кўтариб, ҳазил-ҳузул қилишяпти. Кимдир кабинага чиқиб олиб, навбат кутиб турган шоферлар тўдасига қарата брендспойтдан вишиллашиб сув сепмоқда. Улар бутун автобазани бошларига кўтариб қаҳ-қаҳлашарди. Отилиб чиқаётган сув шунчалик кучли эдики, бориб урилган одамани бемалол гандираклатиб юборарди. Бояги йигитни кабина устидан туширишмоқчи бўлишар эди-ю, аммо у турган жойида ирғишлаб, гўё автоматдан ўқ ёғдираётгандек, кишиларнинг орқаларига сув билан савалаб, бош кийимла-

рени учириб юборар эди. Бирдан отилиб чиқаётган сув осмонга кўтарилди-ю, куюш нурлари остида камалакка ўхшаб эгилиб туша бошлади. Қарасам, диспетчеримиз Хадича турибди. Сув эса унинг устидан учиб ўтмоқда. Бироқ у қимир этмасди. Хадича ўз кадр-қимматини биларди, ҳамманинг ўзига суқланиб қарашини ҳам севарди. У ўзини қандай тутишни яхши билар, унча-мунча одамни ўзига осонликча яқин йўлатмасди. Ҳозир ҳам у ишонч билан, ҳеч нарсадан чўчимамай, қани сепиб кўр-чи, ожизлик қиласан, дегандек, парвойи фалак турарди. Этикли оёқларини кериб, шпилькаларни оғзида тишлаб, кулимсираганча уни сочларига қадарди. Майда, кумушсимон сув заррачалари унинг боши узра тушаётган эди. Йигитлар қаҳ-қаҳлашиб, кабина устидаги йигитни гижгижлашарди.

— Хадичани чўмилтириб кўй!

— Бир бопла!

— Кўлидан келмайди!

— Қочиб қол, Хадича!

Йигит журъат эта олмай, отилиб чиқаётган сув оқими-ни юқорилатиб-пастлатиб ўйнарди. Унинг ўрнида мен бўлганимдами, бошидан оёғигача сувга чўмилтирардим, шунда ҳам у менга ҳеч нарса демаган бўларди, куларди-қўярди, холос. Мен бунга мақтанчоқлик қилиб айтаётганим йўқ. Хадичанинг бошқаларга қараганда менга қандайдир бошқача муносабатда эканини доим сезиб юрардим. У мен билан гаплашганда бошқачароқ: мулойим, сал тантироқ бўлиб қоларди... Ҳазиллашиб тегажаклик қилсам ҳам, бошини силасам ҳам унга ёқиб кетарди. Унинг доим мен билан баҳслашиб, жанжаллашиб қолиб, яна дарҳол, ҳатто ноҳақ бўлсам-да, таслим бўлишини яхши кўрардим. Баъзан уни кинога олиб тушардим, уйи ётоқхона йўлида бўлгани учун кузатиб ҳам қўярдим. Унинг олдига, диспетчер хонасига тўппа-тўғри кириб бораверардим, бошқалар эса фақат туйнукча орқали мурожаат қилишарди.

Аммо ҳозир Хадича ҳам кўнлимга сиғмасди. Майли, у эркалигини қилаверсин.

Хадича сўнги шпилькасини қадаб бўлди:

— Бас, етар энди шунча ўйнашганинг!— деди у амирона.

— Хўп бўлади, ўртоқ диспетчер!— деб кабина устидаги йигит кўлини чаккасига қўйиб честь берди-ю, ҳукми-ни осонлик билан бажо келтирди. Атрофдагилар хоҳоллашганича йигитни кабина устидан судраб туширдилар.

Хадича эса биз турган гаражга қараб келаверди. У Жонтойнинг машинаси ёнида тўхтаб, кимнидир излай бошлади. У хийла пайтгача мени пайқамади. Орамизда гаражни хона-хона қилиб ажратиб турувчи сим тўрлар бор эди. Жонтой чуқурдан бошини чиқариб:

— Салом, сулув қиз!— деб саломлашди.

— Э, Жонтой...

У кўзларини лўқ қилиб, Хадичанинг оёқларига тикилиб турарди. Хадича эса энсаси қотгандек елкасини қимтиб қўйди-да:

— Хўш, намунча тикиласан?—деб этикчасининг учи билан Жонтойнинг иягига сал туртиб қўйди.

Бошқа одам бўлганда, эҳтимол, уни сўкиб берган ёки ранжиб қолган бўлармиди. Бу бўлса гўё бўса олгандек оғзи қулоғига етиб, чуқурга шўнғиб кетди.

Хадича тўсиққа яқинлашаркан, менга кўзи тушиб қолиб:

— Дам оляпсанми, Илёс?— деди.

— Ҳа, пар тўшақда ётгандек!

У юзини сим тўрга қадаб, менга тикилиб қаради ва секингина:

— Диспетчерхонага кир,— деди.

— Хўп.

Хадича кетди. Ўрнимдан туриб, кетишга ҳозирландим. Жонтой яна бошини чиқарди:

— Яхши нарса-я!— деди қўлларини ишқалаб, менга кўз қисиб.

— Аммо сенинг тенгинг эмас!— деб гапнинг пўскалланини айтдим-қўйдим.

Мен унинг жаҳли чиқар, мен билан уришиб кетар, деб ўйлаган эдим. Уриш-жанжал ишқибозларидан эмасман-у, аммо қалбим шу даража азоб чекаётган эдики, ўзимни қўярга жой топа олмай турган эдим.

Бироқ Жонтой хафа бўлишни хаёлига ҳам келтирмади:

— Ҳечқиси йўқ!— деб тўнғиллади у.— Омон бўлсак, кўрармиз...

Диспетчер хонасида ҳеч ким йўқ эди. Нима бало? Қаёққа йўқ бўлди у: ичкари киришим билан эшик ёпилди. Орқага ўгирилдим-у, кўкрагим Хадичанинг кўкрагига қадалиб, тўқнашиб қолдик. У бошини орқага ташлаб, эшикка суяниб турарди. Кўзлари киприклари остида чақнарди. Қайноқ нафаси юзимга уриларди. У менинг қучоқлаб

олишимни, ўпишимни кутиб тургандек эди. Ўзимни тута олмай қолдим. У томон интилдим-у, яна шу заҳотиёқ орқага тисландим. Бу гап қанчалик ғалати туюлмасин, мен ўша дақиқада ўзимни Асалимга хиёнат қилаётгандек ҳис этдим. Бундай фикрнинг жуда кулгили эканлиги хаёлимга ҳам келмади.

— Нега чақирдинг?— деб сўрадим норози оҳангда. Хадича ҳамон менга жимгина боқиб турарди.

— Гапир, нима?— дедим тоқатим тоқ бўлиб.

— Наҳотки нимагалигини билмасанг?— деди у дили оғригандек.— Негадир қиё боқмайдиган бўлиб қолдинг. Ёки бошқа биронтаси топилиб қолдимиз?

Мен довдираб қолдим. Нега мендан ўпкалаяпти? Қаёқдан била қолдийкин?

Шу пайтда туйнукчанинг зулфини шиқиллаб қолди. Жонтой бошини тикиб мўралади. У қисик кўзларини ўйнатиб тиржайиб турарди. Пойламоқчи бўлибди-да! Эҳ, кўнглимда нималар борлигини билганда эди, бундай қилмаган бўларди!

— Марҳамат, ўртоқ диспетчер!— деди у ичиқоралик билан Хадичага қандайдир қоғозни узатаркан.

Хадича жаҳл билан унга хўмрайиб қаради-ю, қоғозни олмади. Алам билан юзимга тўрсиллатиб гапира кетди:

— Сен учун йўлланмани ким олади? Алоҳида таклиф қилишларини кутиб юрибсанми?

Хадича қўли билан мени четлатиб, стол томон тез ўтди.

— Ма!— деб йўлланмани узатди.

Мен уни олдим. Эрталик йўлланма яна ўша колхозга берилган эди. Юрагим муз бўлиб кетди: Асалнинг қай аҳволдалигини била-кўра туриб, яна ўша ёққа бораманми... Нега ўзи доим мени колхозма-колхоз ҳайдашгани-ҳайдашган?

Ғазабим қайнаб, қизишиб кетдим.

— Яна колхозгами? Яна гўнгу ғишт ташишгами? Бормайман!— деб йўлланмани столга улоқтирдим.— Бас, шунча лой кечганим етар. Бошқаларни ҳам юборишсин!

— Бақирма! Нарядинг бир ҳафталик! Лозим бўлса, тагин юборишади!— деди Хадича менга.

Мен эса хотиржамлик билан:

— Бормайман!— дедим қатъий.

Ҳар галгидек ҳозир ҳам Хадича бирдан шаштидан тушиб қолди.

— Хўп, майли. Мен бошлиқлар билан гаплашиб кўраман,— деди.

У столдан йўлланмани олди.

«Демак бормайдиган бўлдимми?— дея ўйладим мен.— Энди Асални ҳам ҳеч қачон кўрмайманми?» Баттароқ қийнала бошладим. Негадир тезда ўз ҳукмидан қайтдим— да, яна у ёққа боришга аҳд қилдим. Агар шундай қилмасам, кейин умр бўйи афсусланиб юришим менга аён бўлди. «Майли, нима бўлса— бўлсин, аммо бораман!..»

— Майли, бу ёққа бер!— деб йўлланмани тортиб олдим.

Туйнукчадан мўралаб турган Жонтой пиқиллаб кулиб юборди— да:

— Овулдаги бузимга салом айтиб кўй!— деди.

Мен ҳеч нарса демадим. Тумшугига бошлаб туширсанг! Эшикни тарақлатиб ёпдим— да, ётоққа кедим.

Эртаси йўлда кетаётиб чор тарафга назар ташлаб, кўзларим тўрт бўлди. Қани у? Қани энди унинг сарвнот қомати кўрина қолса. Қизил дуррачали сарв қоматим! Эҳтимол, резинка этик, отасининг камзулини кийиб олган дерсиз! Бекор гап! Мен унинг қанақа эканлигини ўз кўзим билан кўрганман!

Унинг нимаси мени ром этди, қалбимни нега бунчалик ўртаяпти?

Теварак-атрофга назар ташлаб бормоқдаман. Йўқ, ҳеч қаерда кўринмайди. Бу сафар эмас, турган-битгани азоб бўлди. Қани у, уни қандай топсам экан? Овулга етдим, сўнгра қишлоқ кўчаси бўйлаб ҳайдадим, унинг ҳовлисига яқинлашарканман машинани секинлатиб, охири тўхтадим. Эҳтимол, у уйдадир? Қандай чақираман, унга нима дейман? У билан яна учрашиш менга насиб этмас экан— да. Юкни олиб бориб ташлаш учун машинага газ бердим. Юкни туширишяпти— ю, кўнглимда ҳамон умид учқунлари ёнмоқда. Балки қайтишда учратиб қоларман? Бироқ қайтишда ҳам учратмадим. Шундан кейин машинани ферма томон бурдим. Уларнинг кўҳна фермаси анчагина чеккада, овулдан узоқда экан. У ерга етиб келиб, бир қиздан сўрадим. У, Асал йўқ, бугун ишга чиқмади, деди. «Демак, йўлда мен билан учрашмаслик учун атайин ишга чиқмаган» — деб ўйладим— да, жуда хафа бўлиб кетдим. Автобазага ҳамгин бўлиб қайтдим.

иккинчи куни яна йўлга чиқдим. Аммо энди уни учратишни хаёлимга ҳам келтирмасдим. Дарвоқе, менинг унга нима керагим бор? Агар қиз унаштирилган бўлса, уни безовта қилишдан нима фойда? Аммо негадир бундай бўлишига сира ишонгим келмасди. Ахир овуллари-мизда ҳанузгача қиз билан йигитни бир-бирига кўрсатмай, орқаворатдан фотиҳа қилиб юбораверадилар-ку! Бу ҳақда неча марта газеталарда ҳам ўқидим. Бироқ ёзган билан фойдаси қанча? Тўйдан кейин ноғора чолишнинг фойдаси йўқ, фотиҳани бузиб бўлмайди. Унаштирилгандан кейин гап тамом. Фотиҳани бузиш — хайрли иш эмас, икки ёшнинг турмуши бузилди деган гап... Мана шундай ўй-хаёллар миямда чувалашиб кетганди...

Ўша кезлар айти баҳор чоғи эди. Тоғ этакларида лолалар товланарди. Болалигимданоқ мен бу чўғдек қипқизил гулларни севардим, яланг оёқ чопқиллаб юриб қучоқ-қучоқ лола терсанг-у, унга келтириб берсанг! Аммо, қани энди у, топиб кўр-чи...

Бир маҳал, қарасам, Асал. Кўзларимга ишонгим келмайди! Утган гал машинам тиқилиб қолган жойнинг нақ ўзгинасида, бир четда, харсанг тош устида ўтирибди. Бировни кутиб ўтирганга ўхшайди. У чўчиб ўрнидан турди ва саросимага тушиб, бошидан дуррасини юлқиб олди-ю, қўлида ғижимлай бошлади. Асал бу сафар чиройли кўйлак ва туфли кийиб олган эди. Йўл шунчалик олис бўлса ҳам, у пошнаги туфли кийиб олибди. Машинани тўхта-тишга шошилдим. Юрагим эса така-пука бўлиб ўйнардди.

— Салом, Асал!

— Салом,— деди у секингина.

Мен кабинага ўтиришга ёрдамлашмоқчи бўлдим, у бурилиб, йўл бўйлаб аста юриб кетди. Демак, кабинага чиқишни хоҳламаяпти. Машинанинг эшигини очганимча у билан ёнма-ён секин ҳайдаб кетавардим. Шу зайлда, у йўл чеккасида, мен эса рулда жимгина борардик. Мен нима ҳақда гапиришни ҳам билмасдим, бир пайт у:

— Кеча фермага келган сизмидингиз?— деб сўраб қолди.

— Ҳа, нима эди?

— Шунчаки ўзим. У ерга борманг.

— Сизни кўрмоқчи эдим.

У ҳеч нарса демади.

Миямдан эса ўша лаънати унашиш сира нари кетмасди. Нима бўлганини билгим келарди. Аммо сўрашга



тилим бормасди. Юрагим дов бермасди. Унинг нима деб жавоб беришидан чўчирдим.

Асал менга қараб қўйди.

— Уша гап ростми?

У бош ирғади. Руль қўлимдан чиқиб кетаёзди.

— Тўй қачон?— деб сўрадим.

— Яқинда,— деди у оҳиста.

Машинани ғизиллатиб, бошим оққан томонга кетиб қолишимга сал қолди. Тезликни ошириш ўрнига аксинча қилиб қўйибман. Мотор бекорга гуриллаб айланарди. Асал чўчиб ўзини четга олди. Мен эса ҳатто ундан узр ҳам сўрамабман, ўша маҳал узр сўраш эсга келармиди.

— Энди бошқа учрашмас эканмиз-да?— дедим.

— Билмадим. Учрашмаганимиз маъқулроқ.

— Мен эса, мен бари бир... Истасангиз-истамасангиз доим сизни излайман!

Биз яна жим қолдик. Эҳтимол, иккимиз ҳам бир нарса ҳақида ўйлаётгандирмиз, аммо иккимиз икки йўлдан кетаётгандек, гўё ўртамизда менинг унга яқинлашишимга, унинг эса менинг кабинамга ўтиришига имкон бермайдиган қандайдир девор тургандек эди.

— Асал!— дедим.— Мендан ўзингизни тортманг. Сизга ҳеч ҳам халал бермайман. Сизни узоқдан кўриб юрман. Майлими?

— Билмадим, балки....

— Ўтиринг, Асал.

— Йўқ, майли, кетаверинг. Овулга яқинлашиб қолдик.

Шундан кейин ҳам биз учрашиб турдик, ҳар сафар учрашганимизда гўё тасодифан тўқнашиб қолгандек бўлардик. Юришимиз ҳам аввалгидек. У йўл четидан, мен эса кабинада борардим. Жуда алам қиларди, аммо нима қила олардим, бировни зўрлаб кабинага чиқариб бўлмайди-ку, ахир.

Куёви ҳақида оғиз очмасдим. Ноқулай аҳволда қолиши мумкин, қолаверса, сўрашни ҳам истамасдим. Аммо сўзларидан тушунишимча, Асал уни яхши билмас экан. У она томондан бир оз чатишган экан, ўзи эса узоқда, тоғдаги ўрмон хўжалигида яшармиш. Бу оилалар қадимдан бир-бирлари билан қиз беришиб, қиз олишиб, шу билан авлодма-авлод қариндош-уруғчилик алоқаларини сақлаб келишаркан. Бизда эса бундай уруғ-аймоқчилик жуда ҳурмат қилинади. Асалнинг ота-онаси уни бегонага беришни хаёлларига ҳам келтирмасди. Мен ҳақимда сўз ҳам

бўлиши мумкин эмасди. Мен ким бўлибман? Аллақандай келгинди, таги-зотининг тайини йўқ бечора бир шоферман-да. Очиғини айтганда, ўзим ҳам қиздан умидеор бўлиб оғиз очолмаган бўлардим.

Уша кунлари Асал камгап бўлиб қолди. Ғам-ғусса чекиб, доим алланималар ҳақида ўйлаб юрарди. Менинг эса бутун умид ва ишончларим совурилган эди. Унинг тақдири ҳал бўлмоқда, учрашиш ҳам бефойда эди. Бироқ биз худди ёш болалардек, гапиришганда бу ҳақда сўз очмай, четлаб ўтардик ва у билан шу тахлитда учрашавардик, чунки учрашмасдан турулмас эдик. Иккаламизга ҳам бусиз яшаш мумкин эмасдек туюларди. Аммо бизни олдинда нималар кутаётганини тасаввур ҳам қила олмасдик.

Орадан беш кун ўтди. Шу куни эрталаб автобазада йўлга тайёргарлик кўраётган эдим. Бир ўртоғим келиб, сени диспетчерхонага чақиришяпти, деди. Чопиб кетдим.

— Суюнчи бер!—деди қувонч билан Хадича.— Сени Синьцзян йўлига ўтказишди!

Мен турган еримда қотиб қолдим. Синьцзянга мени биринчи марта юбораётганлари йўқ эди. Шундай бўлиши турган гап эди, аммо кейинги кунларда менга умрбод колхозга қатнашим шартдек бўлиб қолганди.

Хитойга қатнаш кўп кунлик йўл, ким билсин, Асални кўришга вақт топа олармикинман. Уни хабардор қилмасдан тўсатдан ғойиб бўлиб кетаманми?

— Сенга маъқул тушмади дейман-а?— деди Хадича.

— Колхоз нима бўлади?— дедим ҳаяжонланиб.— У ердаги ишлар ҳали тамом бўлгани йўқ-ку.

Хадича елкасини қисиб қўйди:

— У ёққа боришни илгари ўзинг истамаган эдинг-ку.

«Оббо, қўлга туширди-ю!»— деб ўйладим мен ва жаҳлим чиқиб:

— Илгари истамаган бўлсам истамагандирман-да!— дедим.

Стулга ўтирдим, нима қилишимни билмай қолдим.

Жонтой югуриб кириб келди. Маълум бўлишича, менинг ўрнимга уни колхозга юборишаётган экан. Мен сергакланиб турдим. Жонтой бош тортса керак, чунки қишлоққа қатнаганда норма камайиб кетар эди. Бу эса қўлга оз пул тегади деган сўз. Аммо у, билмадим, нима учундир, йўлланмани олди, яна бунинг устига мамнун бўлиб:

— Хоҳлаган томонингга юборавер, Хадича, дунёнинг нариги чеккасига бўлса ҳам майли! Ҳозир овулда қўйлар-

нинг айна қўзилаётган пайти, сенга ҳам олиб келайми?— деди. Кейин бу ёқда мен ўтирганимни кўриб:— Кечирасан, халақит бердим шекилли,— деб қўйди.

— Йўқол бу ердан!— деб ўшқирдим, бошимни кўтармасдан.

— Хўш, нега ўтирибсан, Илёс!— деб елкамга туртди Хадича.

— Колхозга мен боришим керак, мени юбор, Хадича!— деб илтимос қилдим ундан.

— Ақлинг жойидами ўзи: иложим йўқ, наряд тамом бўлган?— деди-да, менга ташвишланиб тикилди.— Намунча колхозга қатнагинг келиб қолди?

Мен ҳеч нарса демай, чиқиб кетдим. Гаражга келдим. Жонтой мени масхара қилгандек ёнимдан машинасини физиллатиб ўтиб кетди, қаноти билан уриб кетишига сал қолди.

Машина ёнида алламаҳалгача ивирсиб юрдим, аммо бирон илож топа олмасдим. Юк ортिलाдиган станцияга бордим. У ерда бир тўда шоферлар навбат кутиб туришган эди.

Ўртоқларим папирос чекишамиз деб қақирришди, аммо мен кабинадан чиқмай ўтиравердим. Кўзимни юмдим-у, Асалнинг йўлда мени беҳуда кутиб ўтирганини кўз ўнгимга келтирдим. Бир кун кутар, икки кун, уч кун... Сўнг менинг ҳақимда нима деб ўйлаши мумкин? Қўрқоқ, қочиб қолди, деб ўйласа-я!

Менинг навбатим эса яқинлашмоқда эди. Олдимдаги машинага юк орта бошлашди. Кран қандайдир катта-катта яшиқларни кузовга туширмоқда. Яна бир оздан кейин кран остига менинг машинам туриши керак. «Кечир мени, Асал!— деб ўйладим мен.— Кечир мени, гўзалим, сарв қоматим! Сени огоҳлантиролмадим!» Аммо шу пайт тўсатдан миямга оддийгина бир фикр келиб қолди: ахир мен у ёққа аллақачоноқ бориб, унга айтиб қайтишим мумкин эди-ку. Йўлга бир неча соат кечикиб чиқсам, осмон қулаб ерга тушмас? Автобаза бошлиғига кейинчалик тушунтирарман, балки тушунар, тушунмаса бир оз койир, ҳайфсан эълон қила қолар, ёки жуда зўр келса — ишини олар. Аллақачон шундай қилишим керак эди! Кетдим!

Машинамни орқага юргизмоқчи бўлиб, дарҳол моторни юргиздим. Аммо ортимда машиналар тирбанд эди. Бу орада олдимдаги юк ортилган машина ўз жойини бўшатди. Навбат менга келди. Мен сал ҳаяллаб қолдим.

— Машинангни келтир! Ҳей, сен!— деб бақирди кранчи менга қараб.

Юк олиш учун машинамни олдинга силжитдим. Краннинг ҳартуми тепамга яқинлашиб келмоқда. Бўлди, иш тамом! Экспорт юки билан бирон ёққа жилиб кўр-чи. Нега ахир шуни илгарироқ ўйлаб кўрмабман-а? Сафарга жўнатувчи киши келиб, ҳужжатларга белги қила бошлади. Мен кабинанинг орқа деразачасига қарадим. Тепадан кузовга контейнер тебраниб тушмоқда эди. У борган сари кузовга яқинлашиб келаверди.

Ана шунда мен:

— Пўшт!— деб қичқирдим-да, машинани шиддат билан контейнер остидан олиб қочдим. Хайриятки, мотор ўчирилмаган эди. Орқадан қичқирқ, ҳуштак ва сўкиш овозлари эшитилди. Бироқ мен эътибор бермасдан машинани омборлар, тахлаб қўйилган ёғочлар ва кўмир уюмлари ёнидан ғизиллатиб борардим. Пастқам йўллар билан шаҳардан чиқиб олдим ва тоғ этагига, кимсасиз йўлга етиб келгач, рулга маҳкам ёпишиб олдим. Машина елиб борарди. «ЗИЛ» гоҳ у томон, гоҳ бу томон чайқалиб кетарди. Аммо биз бунга кўникиб қолган эдик.

Кўп ўтмай Жонтойни қувиб етдим. Олдинга ўтиб кетмоқчи бўлиб сигнал бердим. У кабинадан бошини чиқариб хўмрайиб қаради. Довдираб қолиб, кўзлари қинидан чиқиб кета ёзди: мени таниди. Аблахни қаранг! Бировнинг шошилаётганини кўриб тургандан кейин унга йўл бериш керак-да. Аммо у-чи, йўл бергиси келмайди, бошимни айлантирмоқчи. Шунда мен машинани четга бурдим-да, уни тўғри пайкал билан қувиб боравердим. Жонтой ҳам машинасини қистай бошлади. Энди у йўлга чиқиб олишга имкон бермасди. Биладики, атрофда ҳаракат қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортадиган бирон кимса йўқ. Бунинг устига, ҳозир уни ҳеч нима қила олмаслигимни билади. Шу зайлда учиб борардик: у йўлда, мен пайкал ичи билан. Иккаламиз ҳам рулга ёпишиб олганмиз, йиртқиқлардек бир-биримизга кўз олайтирамиз, сўкина-миз.

— Сен қаёққа? Нега?— деб бақирди у менга.

Мен унга мушт ўқталиб дўқ қилардим. Ҳар ҳолда менинг машинам юксиз эди. Уни қувиб ўтдим, орқамга қайрилиб қарасам, у энди шошмай, тинчгина келарди. Ҳа, иблис, менга деса баттар бўл.

Асални ҳеч қаерда учратолмадим. Овулга келиб, машинани уларнинг ҳовлиси олдида тўхтатдим. Худди пиёда чопиб келгандек нафасим бўғизимга тиқила бошлади. Ҳовлида ҳам, кўчада ҳам ҳеч ким кўринмасди. Фақат эгарланган отгина қозиққа боғлоғлиқ турарди, холос. Нима қилсам экан? Кутишга аҳд қилдим. Машинани кўриб кўчага чиқар, деб ўйладим ўзимча. Гўё бир нарсани тузатаётгандек моторни очиб, у ёқ-бу ёғини қарай бошладим, аммо ўзим бўлсам эшикдан кўзимни узмасдим. Унчалик узоқ кутмадим: эшик очилиб, ичкаридан Асалнинг онаси ва тўладан келган, қора соқолли, икки қават тўн кийган чол чиқди. Қўлида ажойиб қамчи. Афтидан, у ҳозиргина чой ичган бўлса керак, терлаб-пишиб, бўрсиб кетганди. Улар от боғланган қозиққа яқинлашдилар. Асалнинг онаси иззату икром билан узангини ушлаб туриб, чолнинг эгарга чиқиб олишига ёрдамлашди. Билсам, у совчини кузатаётган экан.

— Биз сиздан хурсандмиз, қуда!— деди у.— Аммо биздан ҳам кўнглингиз тўқ бўлсин. Ўз қизимиз учун ҳеч нарсани аямаймиз. Худога шукур, қўлимиз қуруқ эмас.

— Э-э, бойвучча, хафа бўлмаймиз,— деди у эгарга тузукроқ ўрнаша туриб.— Олло таоло ёшларга умр берсин. Яхшилик қилсак бегонага эмас, ўз фарзандларимизга қиламиз. Худога шукур, биринчи марта қудалашаётганимиз йўқ. Хўп, омон бўл, бойвучча. Шундай қилиб, жума кунига келишдиг-а!

— Ҳа, жума куни кутамиз. Жума — улуг кун. Оқ йўл сизга. Қудамга салом айтинг!

«Нега улар жума куни ҳақида гапириб қолишди?»— деб ўйладим мен. «Бугун қанақа кун? Чоршанба... Наҳотки жума куни олиб кетишса? Эҳ, қачонгача эски урф-одатлар биз ёшларнинг ҳаётимизни поймол этади?»

Чол отини тоғ томон йўрттириб кетди. Асалнинг онаси отлиқ узоқлашиб кетгунча кутиб турди, сўнгра менга томон ўгирилиб, хўмрайиб қаради.

— Нега бу ерда пашшахўрда бўлиб қолдинг, хў такасалтанг?— деди у.— Бу ер сенга карвон сарой эмас! Туёғингни шиқиллатиб қол! Қани жўна, эшитяпсанми? Сенга айтяпман.

Демак аллақачон сезиб қолибди.

— Машинам бузилиб қолди!— дедим ўжарлик билан пўнғиллаб ва белимгача капотнинг остига шўнғиб кетдим.

Йўқ, уни кўрмагунимча ҳеч қаёққа кетмайман, дердим ўзимча.

Кампир жавраб-жавраб кириб кетди.

Мен капотнинг остидан чиқдим-да, машина зинасига ўтириб олиб, чека бошладим. Қаёқдандир кичкинагина қизча пайдо бўлиб қолди. У бир оёқлаб ҳақкалаб машина атрофидан гир айлана бошлади. Қизча сал Асалга ўхшарди. Унинг синглиси эмасмикин?

— Асал кетиб қолди,— деди у, ўзи эса ҳамон сакраб-сакраб ўйнарди.

— Қаёққа?— деб ушлаб олдим уни.— Қаёққа кетди?

— Мен қаёқдан билай! Қўйвор!— деб қўлимдан юлқиниб чиқди-да, қочиб кетаётиб тилини кўрсатиб қўйди.

Капотни тақ этиб ёпиб, рулга ўтирдим. Қаёққа борай, уни қаердан излай? Вақт ўтиб кетяпти, қайтишим керак. Мен орқага қайтдим, даштга етиб келиб, ариқдан ўтиш жойида машинани тўхтатдим. Нима қилиш кераклигига сира ақлим етмасди. Кабинадан тушдим-да, ерга ағанаб ётдим. Юрагим сиқила бошлади. Асални ҳам топа олмадим, сафарни ҳам барбод қилдим. Орқага қайтишнинг фойдаси йўқ. Бўлар иш бўлди. Нима бўлса бўлар. Уйга ботдим, кўзимга ҳеч нарса кўринмас, қулоғимга ҳеч нарса эшитилмасди. Шу кўйда қанча вақт ётдим, билмайман. Ҳар қалай, анчагина ётган бўлсам керак. Кейин, нима учунлигини ҳали ҳам билмайман: бир маҳал бошимни кўтардим. Машинанинг нариги томонида туфлича кийган оёқлар тўхтади. Уша! Дарров танидим. Шундай қувониб кетдимки, ўрнимдан туролмай, чўккалаганча ўтириб қолдим. Бу сафар ҳам биз ўша жойда — биринчи марта учрашган ерда кўришдик.

— Йўлингдан қолма, кампир!— дедим машина остидан «туфличалардан» кўз узмай.

— Ҳеч ҳам кампир эмасман-да!— деб ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарди Асал.

— Кимсан бўлмаса?

— Қиз боламан!

— Қиз боламан? Чиройлимисан?

— Қараб кўринг-чи!

Иккаламиз ҳам бараварига кулиб юбордик. Мен сакраб туриб, унга томон отилдим. У ҳам менга қараб югурди. Юзма-юз тўхтадик. Бахтиёр болалардек қувнаб кулардик.

— Гўзалларнинг гўзали!— дедим мен. Қўлтиғида ик-

кита китоб, эгнида калта енгли кўйлак, юзлари гул-гул ёниб, шабадада тебраниб турган нозиккина сарв дарахтига ўхшарди у.

— Менинг бу ердалигимни қаёқдан билдинг?

— Кутубхонадан келаётган эдим, қарасам, йўлда сизнинг машинангизнинг излари!

— Ростданми?

Мен учун бу «севаман» сўзидан ҳам азизроқ, қимматлироқ эди. У ҳам менинг ҳақимда ўйлар экан, ҳатто машинанинг изини ҳам таниркан, демак, мени севар экан-да. Орқадаги чап ғилдиракнинг покришкаси икки хил эди, қиз ана шундан хабардор экан.

— Мен изга кўзим тушиши биланоқ бу ёққа югурдим, кўнглимда сиз худди шу ерда кутиб тургандек бўлавердингиз!

Мен унинг қўлидан ушладим:

— Бу ёққа чиқ, Асал, бир оз айланамиз.

У жон деб рози бўлди. Энди у ҳам, мен ҳам гўё бутунлай бошқа одам эдик. Барча ташвишу ғам-ғуссалар унутилиб, улардан асар ҳам қолмаган эди. Кўзимизга самою ер ва иккимиздан бошқа ҳеч нарса кўринмасди, биз бахтиёр эдик. Кабина эшигини очиб, уни ўтқаздим, ўзим эса рулни тутдим.

Йўлга тушдик. Йўл бўйлаб боравердик, қаёққа ва нега — ўзимиз ҳам билмасдик. Аммо биз учун бунинг аҳамияти йўқ эди. Ёнма-ён ўтирсак, бир-биримизга кулиб қарасак, қўлга қўл тегиб турса, бунинг ўзгача гашти борда. Асал менинг солдатча шапкамини тўғрилаб қўйди. Мен уни икки йилдан бери кийиб юрган эдим.

— Шундай кийсангиз ярашаркан!— деди у ва эркаланиб елкамга суйкала бошлади.

Машина даштда қушдек учиб борарди. Бутун борлиқ ҳаракатга келгандек эди. Тоғлар, даралар, дов-дарахтлар — ҳамма-ҳаммаси бизни қарши олишга ошиқарди. Қаршимиздан шамол урилар — биз олға қараб елиб борардик, қуёш бизга табассум билан боқарди, чунки биз қувнаб-кулиб борардик. Ҳаво ёвшон ва гул-лолаларнинг хушбўй ҳидини таратарди, чунки биз тўйиб-тўйиб нафас олаётган эдик.

Яккаю ёлғиз қабр устидаги кўҳна гумбаз харобаларида ўтирган чўл калхати кўтарилиб, қанотларини силкиб-силкиб машина билан биргама-бирга йўл бўйлаб ер бағирлаб учиб борарди.

Йўлда кетаётган икки чавондоз чўчиб кетиб, ўзларини четга олди. Кейин дағдаға билан қийқириб орқамиздан от қўйди.

— Ҳе-ей, тўхта! Тўхта!— деб қийқириб, ер ўпиб чошиб келаётган отларини қамчилашарди. Уларнинг ким эканлигини билмасдим. Балки Асалнинг овулидандир. Аммо биз уларни тез чанг-тўзонда қолдириб кетдик.

Олдинда қандайдир арава йўл четига бурилди. Аравада ўтирган йигит билан қиз ўринларидан қўзғалиб чўккалашди-да, қўлларини бир-бировларининг елкасига ташлаганча иккинчи қўлларини силкиб қолишди.

— Раҳмат!— дея кабинадан қичқирдим уларга.

Дашт тамом бўлиб, катта йўлга чиқиб олдик. Филдираклар остида асфальт ғувиллай бошлади.

Машина бизни кўл томон элтарди. Мен уни шартта йўлдан четга бурдим-да, тўппа-тўғри кўриқ ерга солдим, ўт-ўланларни босиб-янчиб қирғоққа томон ҳайдадим. Тепаликда, нақ сув тепасида тўхтадик.

Ў, Иссиқкўл, қирғиз диёрининг сўнмас қўшиғи. Бу денгиз ошиқ-маъшўқлар ҳақидаги афсона ва қўшиқлар диёри эканлигига ишонмай бўладими, ахир. У шу дамда мавжланиб, қатра ғуборсиз, ранг-баранг товланиб турарди.

Кўкимтир тўлқинлар ўркач-ўркач бўлиб, гўё кўл ушлашиб олишгандек, сарғимтир қирғоқлар сари елиб-югурарди. Тоғлар ортида қуёш ботмоқда, сувнинг этаклари кўзни қамаштириб, пушти ранг касб этган эди. Узоқларда осмон гумбазига бош урган қорли тоғларнинг оч бинафша ранг тизмалари кўзга чалинади. Бу тизмалар устида кул ранг булутлар сузиб юрарди.

— Уни қара, Асал! Оққушлар!— деб қичқириб юбордим мен. Оққушлар Иссиқкўлга фақат кузда учиб келишиб, шу ерда қишлашади. Баҳорда эса бу ерга жуда камдан-кам келишади. Одамларнинг айтишича, булар шимолга кўчиб кетаётган жануб оққушлари эмиш. Уларнинг келиши яхшиликдан, бахтдан дарак берар эмиш...

Оққушлар галаси оқшомги кўл узра учиб юришарди. Қушлар гоҳ юқорига кўтарилар, гоҳ қанотларини ёйиб пастга сузишарди. Улар сувга қўнар, қанотлари билан шалоплатиб уриб, кўпириб турган сув томчиларини узоқларга сачратардилар-да, яна осмонга кўтарилардилар. Сўнг-ра улар турна қатор тизилиб, бир текисда қанот қоқишиб, тунамоқ учун кўрфазнинг қумлоқ соҳиллари томон учиб кетишарди.



Биз кабинада ўтириб, кўлни жимгина тамоша қилардик. Гўё ҳамма нарсани ҳал қилиб қўйгандек, шундай дедим:

— Ҳу-ув анови қирғоқдаги тунука томларни кўряпсанми, у бизнинг автобазамиз бўлади. Мана бу бўлса,— деб кабинани кўрсатдим,— бизнинг уйимиз!— дедим-да, бирдан кулиб юбордим. Уни қаёққа ҳам олиб борардим.

Асал кўзларимга тикилиб, ўзини кўксимга ташлади. У менинг пинжимга тикиларкан ҳам йиғлар, ҳам куларди.

— Жонгинам, азизим! Менга ҳовли-жойнинг кераги йўқ! Фақат ота-онам, кейинчалик бўлса ҳам, қачон бўлмасин мени тушуниб, гуноҳимни кечирингса бўлгани. Улар мендан умрбод хафа бўлишади, буни яхши биламан... Аммо айб мендами, ахир...

Тезда қош қорая бошлади. Кўкни булутлар қоплаб олди, кўлга сокинлик чўкиб, энди қорайиб кўринарди. Тоғ тизмаларига гўё электр пайвандчи ўтириб олгандек, бирдан ўт чақнаб, кўзларни қамаштирар ва яна ўчар эди. Момақалди роқ босиб келаётган эди. Оққушларнинг йўлларини ўзгартганлари ҳам бечиз эмас. Тоғда ёғингарчиликка дуч келишларини олдиндан сезганлар.

Мана, момақалди роқ гўмбурлади. Ёмғир шаррос қуя бошлади. Кўл чайқалиб, тўлқинланиб қирғоқларга урила кетди. Бу биринчи баҳор момақалди роғи эди.

Бу — бизнинг бирга ўтказган биринчи тунимиз эди. Кабина устидан, ойналардан ёмғир пақирлаб сув қўйгандек оқиб, сизиб тушарди. Олис-олисларга чўзилган оч яшил яшинлар қоп-қора кўлга сузиб тушарди. Биз эса бир-биримизнинг пинжимизга кириб, шивирлашиб гаплашардик. Асалнинг чўчиганиданми, ё совуқ қотганиданми, сал титраётганини сезиб турардим. Уни камзулим билан ўраб, қаттикроқ кучоқладим. Шунда ўзимга ўзим жуда кучли, улкан одамдек бўлиб кўриндим. Ўзимда шунчалик меҳр ва муҳаббат борлигини ҳеч қачон сезмаган эдим, бировга меҳрибонлик ва ғамхўрлик қилиш шунчалик завқли эканини ҳам билмасдим. Унинг қулоғига: «Ҳеч кимга, ҳеч қачон сени хафа қилдириб қўймайман, қизил дуррачали сарв қоматим!»—деб пичирладим.

Ана-мана дегунча ёмғир ҳам анча шаштидан тушиб қолди. Аммо чайқалиб ётган кўл ҳамон бешик-бешик бўлиб тўлқинланар, ёмғир шивалаб ёғарди.

Мен кабина токчасидаги сафарда олиб юриладиган радиоприёмникни олдим. Ўша кезлардаги менинг топган-

тутганим шу эди. Музыка тинглашни жуда яхши кўраман, шунинг учун ҳам приёмникни доим ўзим билан бирга олиб юрардим. Унинг у ёқ-бу ёғини созлаб, керакли тўлқинни тутдим. Ҳозиргидек эсимда: ўша кеча театрдан «Чўлпон» балетини олиб эшиттиришмоқда эди. Балетда куйланаётган ёқимли ва кишини ўзига тортувчи қудратли музыка садолари худди ўша ашулада куйланган чин севги каби тошлар оша, чўққилар оша кабинага оқиб келаётган эди. Бутун зал ҳаяжонга келган, гулдурас қарсақлар билан артистларни олқишлар, тамошабинлар уларнинг номларини айтиб қичқиришар эди, эҳтимол раққос ва раққосаларнинг оёқлари остига гуллар отишаётгандир. Аммо, менимча, театрда ўтирганлардан биронтаси ҳам биз каби — тўлқинлар мавжланиб, шиддат билан қирғоққа урилаётган кўл соҳилида, шаррос ёмғир остида кабинада ўтирган ошиқмаъшуқлар сингари завқ-шавққа тўлиб ҳаяжонланаётган бўлмаса керак. Бу бизнинг балетимиз, биринчи кечамиздаги биринчи балетимиз эди. Ўз бахтини излаб кетган қиз — Чўлпоннинг тақдири бизнинг қалбимизга нақадар яқин эди. Менинг Чўлпоним — тонг юлдузим мен билан бирга, ёнгинамда ўтирибди. Ярим кечага бориб у елкамга бошини қўйганича ухлаб қолди, мен эса алламаҳалгача ўзимни боса олмай, ширин хаёллар оғушига чўмдим. Унинг юз-кўзини, бетларини аста-аста силар, тиниб-тинчимас Иссиқкўлнинг қандай тўлғанаётганини, хўрсиниб чуқур нафас олаётганини тинглар, кузатар эдим.

Эрталаб биз автобазага етиб келдик. Яхшигина дакки едим. Аммо бундай қувончли воқеа муносабати билан кечирдилар. Кейинчалик менинг юк ортувчи кран остидан қандай қочиб қолганимни эслашиб, анчагача кулиб юрдик.

Мен сафарга — Хитойга жўнашим керак эди. Асални ҳам ўзим билан бирга олволдим. Уни йўлда дўстим Алибек Жонтуриннинг уйида қолдирмоқчи бўлдим. У оиласи билан бирга довондаги базада, Нориннинг шундай ёнгинасида яшарди. Бу жой чегарадан унча узоқ эмас эди. Бу йўлдан юрганда доим уникига тушиб ўтардим. Алибекнинг хотини яхши аёл эди, уни жуда ҳурмат қилардим.

Биз йўлга чиқдик. Биринчи навбатда йўл ёқасидаги магазиндан Асалга унча-мунча кийим-кечак олдик. Унинг эғнида биргина кўйлагини-ю, қўлида кутубхонадан олган икки дона китобидан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Булардан ташқари, каттакон, гулдор шолрўмол ҳам сотиб олдик. Бу ишимиз жуда яхши бўлган экан. Йўлда биринчи учратган

кишимиз кекса шофер, оқсоқолимиз Ўрмат ака бўлди. У олисданоқ менга тўхта деб ишора қилди. Машинага тормоз бериб тўхтатдим. Кабинадан тушиб, саломлашдик:

— Ассалому алайкум, Ўрмат ака!

— Ваалайкум ассалом, Илёс! Қўлингга бахт қуши қўнибди, худойим бахт берсин, ували-жували бўлинглар!— деб оқ фотиҳа берган бўлди менга.

— Раҳмат! Қаёқдан била қолдингиз, Ўрмат ака?—деб таажжубландим мен.

— Э, ўғлим, хушxabарнинг садағаси кетай. Бутун трасса бўйлаб оғизма-оғиз кўчиб юрибди.

— Йўғ-э!— деб баттарроқ таажжубландим.

Йўл устида туриб гаплашардик, Ўрмат ака ҳатто машинага яқин ҳам келмади, Асалга кўз қирини ҳам ташламади. Яхшиямки, буни Асалнинг ўзи фаҳмлаб қолиб, бошига рўмолини ташлаб, юзини беркитди. Шунда Ўрмат ака мамнунлик билан жилмайди-да:

— Мана бу ишинг жойида!— деди у ва кабинага яқинлашиб келиб, Асалга боқди.— Раҳмат, қизим, ҳурмат қилганинг учун, раҳмат. Бундан буён сен бизнинг келинимизсан, автобазадаги ҳамма оқсоқоллар келинисан, қизим. Ҳали улар йўлда учраб қолишади. Мана, Илёс, кўрмана. Келинни қуруқдан-қуруққа кўрсатмайдилар,— деб у пул узатди. Мен қўлини қайтара олмадим, йўқса хафа қилиб қўярдим.

Биз хайрлашдик. Асал ҳамон бошидан рўмолини олмасди. Одатдагича тагли-тахтли қирғиз оиласига тушган келиндек, у одамлар билан учрашганда уятчанлик билан юзини беркитарди. Ўзимиз ёлғиз қолганимизда эса ўзаро кулишардик, бошига рўмол ташлаб олган Асал менга янада гўзалроқ бўлиб кўринарди.

— Жонгинам, қани, кўзларингни кўтар, мени бир ўпиб қўй-чи,— дедим унга.

— Мумкин эмас, оқсоқоллар кўриб қолишади,— деди-ю, шу заҳотиёқ кулги аралаш, гўё биров кўриб қолмасин деётгандек, эҳтиётлик билан чаккамдан ўпиб олди.

Йўлда борарканмиз, яна ҳам қизиқроқ ҳодисаларга дуч келдик. Автобазанинг трассадаги ҳамма шоферлари учрашганда бизни қайта-қайта тўхтатишиб табриклашарди, бахт-саодат тилашарди. Уларнинг кўпчилиги йўл-йўлакай гул териб, гулдаста ясабгина қолмай, ҳатто совғалар тайёрлаб қўйишга ҳам улгуришибди. Билмадим, кимнинг ақлиги келди экан бу. Бу фикрни ҳойнаҳой рус

йигитларимиз ўйлаб топишган бўлса керак. Улар қишлоқда тўй бўлиб қолса, машинани бошлаб безатадилар. Ҳозир ҳам улар машинамизга қизил, кўк, яшил ленталар тақиб, шойи дурралар, гулдасталар ила бошладилар. Машинамиз турли-туман рангларга фарқ бўлиб, чўғдек товланганиб турган бўлса керак. Асал иккимиз ғоятда бахтиёр эдик, мен дўстларимнинг бу илтифотидан қалбдан фахрланардим. Дўст кулфатда синалади, дейдилар. Менимча, улар бахтли дамларда ҳам синаладилар.

Йўлда энг яқин дўстим Алибек Жонтурин ҳам учради. У мендан икки ёш катта. У — калласи катта, норғул йигит эди, ўзи анча ёш бўлса ҳам, сермулоҳаза, оғир, вазмин йигит бўлиб, ажойиб шофер эди. Базада уни жуда ҳурмат қилишарди. Алибекни профком қилиб ҳам сайлашганди. Қани, у нима деркин, деб ўйлаб турибман.

Алибек машинамизга жимгина қаради-да, бош тебратиб қўйди, сўнгра Асалга яқин келиб, қўл бериб саломлашди ва уни табриклади.

— Қани, йўлланмангни бу ёққа бер-чи!— деди у. Мен бундай кутиб олар деб ўйламаган эдим. Ҳеч нарсага тушунмай, қоғозни жимгина узатдим. У авторучкасини олди-да, йўлланмага кўндалангига тўлдириб, бурчакма-бурчак қилиб йирик ҳарфлар билан ёза бошлади: «Тўй сафари, № 167!»

— Нима қиялсан?— деб довираб қолдим.— Ахир, бу ҳужжат-ку!

— Тарихий бўлиб сақланиб қолади!— деб кулимсиради у.— Нима, бухгалтерияда ўтирганларни одам эмас деб ўйлаялсанми? Энди қўлингни бер!— деб мени маҳкам қучоқлаб ўпди. Биз хоҳолаб кулиб юбордик. Кейин машиналаримизга қараб юра бошладик, аммо Алибек мени тўхтатиб:

— Қаерда турадиган бўлдинглар?— деб сўраб қолди. Мен елкамни қисиб қўйдим.

— Мана бизнинг уйимиз!— деб машинани кўрсатдим.

— Кабинадами? Эҳтимол, болаларингизни ҳам ўша ерда боқарсизлар?.. Менга қара, доводдаги уйимизга жойлашавринглар, база бошлиқлари билан ўзим гаплашман. Биз ўз уйимизга кўчиб ўтармиз.

— Уйинг ҳали битмаган-ку?

Алибек Рибачьеда, автобаза яқинида уй қурмоқда эди. Бўш вақтларимда мен ҳам унга ёрдамлашиб турардим.

— Ҳечқиси йўқ! Озгина иши қолган, аммо ундан ортиқроғини умид қилмай қўя қол, ўзинг биласан, уй-жой масаласи анча чатоқ.

— Хўп, раҳмат! Бизга шунинг ўзи ҳам кифоя.

— Хуллас, бизниқига тушинглар, қайтишда эса мени кутиб тура тур. Мен етиб келаман, кейин хотинларимиз билан ҳамма нарсани ҳал этиб оламиз!— деб Асал томонга қараб кўз қисиб қўйди.

Ҳа, энди тузғиқ тўрва бўйинга илчнди.

— Тўй сафарингиз ҳайрли бўлсин!— деб қичқириб қолди Алибек орқамиздан. Оббо хумпар-э! Сафаримиз тўй саёҳати эканига ўзимизнинг ҳам фаҳмимиз етмабди-я.

Ҳамма ишимиз ўнгидан қелаётганига биз хурсанд эдик. Фақат бир учрашувгина кайфиятимни бир оз бузди.

Йўлда, муюлишлардан бирида тўсатдан олдимиздан Жонтойнинг машинаси чиқиб қолди. У аллақаяқдандир қелаётган эди. У ёлғиз эмас эди. Кабинада Хадича ўтирарди. У менга қўл силкиб қўйди. Мен машинага шартта тормоз бердим. Машиналар борти бортига тақалиб тўхтади. Жонтой деразадан калласини чиқариб:

— Намунча ясан-тусан қилиб олибсан, тўйми дейман?— деди.

— Тўй бўлганда қандоқ!— дедим мен.

— Йўғ-э?—деб ишонқирамай сўради у чўзиб ва Хадичага қараб қўйди.—Биз бўлсак сени излаб юрибмиз!— деган сўз оғзидан чиқиб кетди унинг.

Хадича қандай ўтирган бўлса, шундайича ҳангу манг бўлиб, ранги ўчиб, қотиб қолганди.

— Салом, Хадича!—дедим унга хушмуомалалик билан. У жимгина бош ирғаб қўйди.

— Ҳали ёнимдаги қайлигим дегин?—нима гаплигини эндигина англаган эди Жонтой.

— Йўқ, хотиним,—деб эътироз билдирдим-да, Асалнинг елкаларидан қучоқладим.

— Э, ҳали шунақа де?— деб Жонтой кўзларини баттароқ олайтирди. У хурсанд бўлишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмасди.— Э-э, табриклайман, чин қалбимдан табриклайман...

— Раҳмат!

Жонтой разилона тиржайиб:

— Жуда учар экансан! Қалинсиз қўлга туширгандирсан-а?— деди.

— Аҳмоқ!— деб сўқдим уни, машинани ҳайдаётиб,

Аблаҳни қаранг-а! Шунақа одамлар ҳам бўлади-да дунёда. Яна ҳам боплаб сўкмоқчи бўлдим. Кабинадан бош чиқариб қарадим: олдинда йўл сўл томонга кескин бурилади-да, тепаликка кўтарилади. Шундай қарасам, Жонтой машина ёнида туриб, чаккасини қашлаб, Хадичага алланималар деб қичқириб, мушт ўқталиб дўқ урарди. Хадича бўлса йўлдан четга, дала томонга югуриб кетяпти. Чопиб-чопиб бориб, гуп этиб йиқилди-да, бошини қўллари билан бекитди. Ораларида нима гап бўлганини билмасам ҳам, кўнглим ғаш бўлди, гўё бунга мен ҳам айбдордек, унга раҳмим келди, ичим ачиди. Асалга ҳеч нарса демадим. Унинг кайфиятини бузгим келмади.

Бир ҳафтдан кейин Алибек хотини билан яшаган довондаги уйга жойлашиб олдик.

Уйчамиз унча катта эмас эди: икки хона ва бир даҳлиз. Бундай уйлардан у ерда бир нечта эди. Уларда шоферлар оилалари билан ҳамда ёнилғи пунктининг ишчилари яшарди. Уйимиз тор бўлишига қарамай, яхши жой эди, йўлнинг шундай ёқасида, Норин дарёси ҳам жуда яқин эди. Ҳар қалай, область маркази-да. Кинога, магазинга бориб келиш жуда ўнғай, касалхона ҳам бор... Яна шу жиҳатдан ҳам қулай эдики, довондаги бу база йўлнинг қоқ ўртасида эди. Биз асосан Рибачье билан Синьцзян ўртасида қатнардик. У томонга ўтганда ҳам, бу томонга ўтганда ҳам йўл-йўлакай уйга тушиб дам олиш, ҳатто тунаб қолиш ҳам мумкин эди. Мен деярли ҳар куни уйга кириб ўтардим. Мабодо йўлда тутилиб қолсам-да, бари бир, ярим тунда бўлса ҳам уйга етиб келардим. Асал доим мени кутиб ўтирарди, хавотирланарди, то келгунимча мижжа қоқмасди.

Биз энди уй-рўзғор учун зарур унча-мунча буюмларни сотиб ола бошладик. Хуллас, турмушимиз аста-секин яхшиланиб бормоқда эди. Асал ҳам ишлаши керак деган қарорга келдик. Унинг ўзи қаттиқ туриб олди: овулда туғилиб ўсган эмасми, иш жони-дили эди. Аммо кутилмаганда янги бахтга эришдик: Асалнинг она бўлишига оз қолган эди. Негадир, биз буни ҳадеганда пайқамабмиз. Асалнинг кўзи ёриган куни мен Хитойдан қайтиб келаётган эдим. Жуда шошилиб, ҳаяжонланиб кетяпман. Асал Нориндаги туғруқхонада ётган эди. Келсам, ўғил туғибди.

Унинг олдига кирмоқчи бўлдим, бироқ ҳар қанча тўшунтирсам ҳам қўйишмади. Лекин бари бир хурсанд

эдим. Машинага ўтирдим-да, тоғма-тоғ физиллатиб ҳайдаб кетдим. Ўзимни тута олмай, машинани тобора қаттиқроқ қувардим. Бу қишда бўлган эди. Теварак-атрофда фақат қорли қоялар. Атрофимдан оқ, қора ранг ғириллаб ўтаверганидан кўзларим жимирлашиб кетарди. Дўлан довонининг тепасига елдек учиб чиқдим. Осмон ўпар улкан баландлик, булутлар ер бағирлаб сузиб юргандек эди, пастдаги азамат тоғлар ҳам унинг қаршисида пак-пакана бўлиб кўринарди. Мен кабинадан сакраб тушиб, дара ёқасига чопиб бордим ва соф ҳаводан ўпкамини тўлдириб нафас олдим-да, бутун олам эшитгудек қилиб қичқирдим:

— Э-й, тоғлар! Мен ўғил кўрдим!

Назаримда тоғлар ҳам ларзага келгандек бўлди. Улар менинг сўзларимни такрорларди ва дарадан дарага таралиб, узоқ вақтгача акси садо бериб янграб турди.

Ўғилчамизни Самад деб атадик. Унга мен шундай деб ном қўйдим. Самад бизнинг эрмагимиз бўлиб қолди: Самад, бизнинг Самад жилмайди, унинг тишчалари чиқиб қолди. Хуллас, ҳамма ёш ота-оналардек биз ҳам уни севиб ардоқлар эдик. Биз бир-биримизни севардик, аҳил ва иноқ яшардик, сўнгра эса... Сўнгра бахтсизлик юз берди...

\* \* \*

Бу бахтсизликка қандай йўлиқиб қолганимни ҳозир қайтадан баён этиш анча мушкул. Ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб, чигаллашиб кетди... Ўзим-ку биламан-а, аммо бундан нима фойда...

Бу одам билан ҳеч қачон учрашмаган эдик. Унинг бу ишларга ҳеч қандай алоқаси ҳам йўқ эди. Мен буни шунинг учун гапиряпманки, ҳақиқатан ҳам на у, на мен бир-биримизнинг бу ёруғ дунёда шундай яшаётганимизни билмас эдик. Бир куни йўлда тасодифан учрашиб қолдик ва бу бизнинг сўнги учрашувимиз эмаслигига ўзимиз ҳам шубҳа қилмай ажралишган эдик. Бор гап шу...

Кеч кузда сафарга кетмоқда эдим. Ҳаво кишини зериктирадиган тунд эди. Осмондан қорми, ёмғирми, қандайдир майда заррачалар ёғарди. Туман худди сумалак сингари тоғ ён бағирлари бўйлаб чўзилиб кетган эди. Бутун йўл бўйи кабина ойнасини артиб турадиган чўткани муттасил ишлатиб қўйишга тўғри келди. Мен тоғ оралаб

хийла ичкарига кириб бориб, Дўлан дово­нига яқинла­шиб қолган эдим.

Эҳ, Дўлан, Дўлан, Тянь-Шаннинг баҳайбат бели. Умримнинг қанчадан-қанча саҳифалари у билан боғлиқ! Қатнов йўлимизнинг энг оғир, энг хавфли қисми ҳам шу ер эди. Йўл илон изи бўлиб, гоҳ у ёққа бурилади, гоҳ бу ёққа. Чархпалакда учгандек тобора қиялаб юқорига кўтарилиб, булутларни ғилдирак билан янчиб ўтаётгандек бўласан. Гоҳ сени ўтирғичга сиқиб, орқага жипслаб кўяди, гоҳ рулга ёпишганин­гча машина сени пастга олиб қо­чади. Бунинг устига кутурган туядек ҳавосини айтмайсан­ми. Ёзми-қишми. Дўланда бари бир. Бир зумда дўлми, ёмғирми савалаб кетади, ёки бўлмаса шунақаям қор бў­рони туриб берадики, бир қадам наридаги нарсани ҳам кўра олмайсан. Мана шундай бизнинг оқ сочли Дўлан!.. Аммо биз тяньшанликлар унга кўникиб қолганмиз, кў­пинча, тунда қатнардик... Мен буларни ҳозир ҳикоя қилиб беряпман, у ердан қатнаб юрган пайтларда эса бу ҳақда ўйлашга ҳам вақтинг бўлмасди.

Дўлан яқинидаги даралардан бирида юк машинасига қувиб етиб олдим. Бу «ГАЗ-51» машинаси эканлиги аниқ ёдимда. Тўғрироғи, қувиб етганим йўқ, унинг ўзи тўхтаб турган экан. Икки киши моторни текшириш билан овора эди. Улардан бири йўл ўртасига бамайлихотир чиқди-да, кўлини кўтарди. Йўлни тўсиб қўймаслик учун улардан ўтиброқ тўхтадим. Олдимга жиққа ҳўл брезент плаш кий­ган, бошига копышон ёпинган киши келди. Ёши қирқларга бориб қолган, кўнғир мўйлови солдатчасига чўткасимон қилиб қирқилган, қовоғи солиқроқ, кўзлари эса мулойим тикиларди.

— Йўл участкасига элтиб қўй, йигит,— деди у менга.— Мотор ишламай қолди, трактор келтира­миз.

— Қайси участкага?— деб сўрадим. Чунки йўл туза­тиш участкалари кўп эди, бундай участкалар деярли ҳар ўн беш-йигирма километрда бўларди.

— Дўландаги, метеостанцияга етмасдан бир оз бе­рироқдагисига.

Метеостанция дово­ннинг энг баланд ерида, йўл ту­затиш участкаси эса етти километрлар чамаси пастда, йўлдан сал четроқда, бурилишда жойлашган эди.

— Утиринг,— дедим,— олиб бориб қўяман. Балки ўзимиз бирор иложини топар­миз?— деб кабинадан чиқ­дим. Улар трактор деб то кеч киргунча сарсон бўлмасин



учун бир амаллаб ёрдам бергим келди. Йўл тузатувчиларга азбаройи ҳурматим туфайли шундай қилгим келарди: ахир улар албатта биз учун захмат чекаптилар-да.

— Нима ҳам қила олардинг, олов олмаётибди,— деди шофер очик турган капотни бекитаркан, маъюслик билан. Бечора совуқ еб, жунжикиб, кўкариб кетибди. Бу ерлик шоферлардан эмаслиги кўриниб турибди, пойтахтдан келаётган бўлса керак. У довдираб атрофга алангларди. Улар участкага Фрунзедан нимадир олиб келишаётган эди. Нима қилиш керак? Миямга бир қизиқ фикр келиб қолди. Аввал довонга бир қараб қўйдим. У ёқда ҳавонинг авзойи бузук, булутлар пастлаб сузарди. Ниҳоят бир қарорга келдим. Ҳайлаган фикрим жуда зўр бўлмаса ҳам, мен учун ўша пайтда ғоят катта революцион воқеа бўлиб кўринган эди.

— Тормозинг жойидами?—деб сўрадим шофердан.

— Ана холос... тормозсиз юриб бўладими! Мотор ишламаяпти деяпмиз-ку сенга!..

— Тросинг борми?

— Хўш, бўлса-чи!

— Бу ёққа келтир, машинамга ула.

Иккаласи ҳам жойларидан жилмай, ишонқирамагандек менга тикилиб туришарди.

— Нима бало, ақлингдан оздингми?— деди шофер секингина.

Характерим шунақа, билмадим, бу яхшими, ёмонми, Бироқ бундан қатъий назар миямга бир фикр келдим, бўлди, куйиб-ёниб кетсам ҳам, бари бир уни амалга оширмагунча қўймайман.

Мен шоферга ялиниб-ёлвора бошладим.

— Жон дўстим, кел, улай қолайлик? Худо урсин, етказиб қўяман.

— Қўйсанг-чи!— деб қўл силтади у.— Нима, бу ерда шатакка олиш мумкин эмаслигини билмайсанми. Буни ўйламай ҳам қўя қол. Бор, йўқол, йўлингдан қолма!..

У гўё энг муҳим ва энг катта илтимосимни рад қилгандек, шунақаям алам қилдики менга.

— Эҳ, эш-шак, қўрқоқ!— деб машинамга қараб юрдим.— Қани юринг, кетдик!— деб чақирдим мўйловли кишини. Кейинроқ билсам, у йўл тузатадиган усталардан экан.

— Тура тур!— деб тўхтатди мени йўл тузатувчи ва юзимга бир тикилди-да, шоферга қараб:

— Тросни келтир,— деди.

У каловлаб қолиб:

— Ўзингиз жавоб берасиз?— деди йўл тузатувчига.— Машина сизнинг ихтиёрингизда, Бойтемир ака.

— Ҳаммамиз жавобгармиз!— деди у қисқа қилиб.

Менга бу гап ёқиб қолди. Бундай кишиларга тезда ҳурматинг ортади.

Биз ҳалиги машинани шатакка олиб йўлга тушдик. Дастлаб дурустгина юриб боравердик. Сўнгра Дўланга яқинлашаверганимиз сари йўл ҳам тобора юқорига — тоққа томон кўтарилиб, гоҳ ён бағирлар бўйлаб, гоҳ тик қиялик бўйлаб пастлаб борарди. Юриш қийинлашди. Мотор инграб, қулоқ остида фақат гувиллаган овозгина эшитиларди. Йуқ, қанчалик нолиш қилиб инграма, бари бир бор қувватингни ишга соламан. Дўланда юриш қанчалик мушкул бўлмасин, бари бир машиналарда озми-кўпми ортиқча қувват сақланиб қолишини илгаридан пайқаб юрардим. Йўлнинг ёмонлигини назарга олиб, ҳамма вақт нормадаги юкнинг етмиш процентини юклашар эди. Кўрсатма шундай эди. Лекин ўша пайт мен бу ҳақда ўйламагандим, албатта. Уйлаб ўтиришнинг вақти ҳам эмасди-да. Кураш олдидан спортчиларда ғалабага зўр ишонч кучи пайдо бўлганидек, менда ҳам ҳозир худди шунингдек мўъжизакор куч жўш урарди. Уйлаган фикримни синаб кўриш, мақсадга эришиш, машинани манзилга етказишда уларга ёрдамлашишдан бўлак мақсадни кўзла-масдим. Аммо буни амалга ошириш осон иш эмас экан.

Остимдаги машина қалт-қалт титраб, зўриқиб, сўнги кучларини сарфламоқда эди. Нам ҳаво кабина ойналарига урилиб, уни хиралаштирар, тозалов чўтқаси зўрға ар-тиб улгурарди. Қаёқдандир булутлар ёпирилиб келиб, нақ ғилдираклар остида ўрмалашиб, йўл узра суза бош-лади. Йўл ҳам муюлишларда тикка кўтарилиб, кескин бурилиб кетарди. Қаёқдаги ишни бошлаб қўйганим учун ўзимни ўзим койий бошладим: одамларга шикаст етказиб қўймасам эди. Машинадан кўра ўзим кўпроқ қийна-либ кетдим. Уст-бошимни: шапка, фуфайка, камзул, тўр кўйлагимни — ҳаммасини ечиб ташладим. Биргина кўй-лакда ўтирибман-у, ҳамма ёғимдан худди ҳаммомда ўтиргандек буғ кўтариларди. Ҳазил ишми: шатакдаги машинанинг ўзи қанча-ю, устига-устиак яна озмунча юки борми, яхшиямки, Бойтемир зинада турганди. Менга овоз билан, орқадагига имо-ишора қилиб, ҳаракатни

бошқариб борарди. Қинғир-қийшиқ, паст баланд йўллар бўйлаб тирмашиб, ўрмалаб борарканмиз, ҳойнаҳой фалокатдан ўзини сақлаб қолиш учун, сабр-тоқати чидамай, охири сакраб тушиб қолса қорак, деб ўйлаган эдим. Аксинча, у қимир ҳам этмади. Тоғ тепасига қўнган бургутдек маҳкам ўрнашиб олиб, кабинага ёпишиб турарди. Унга қарадим: юзлари гўё тошдан йўнилгандек осойишта, сув томчилари бетларидан, мўйловидан сирқиб тушиб, кўнгли энгил тортаётгандек эди.

Биз яна бир катта қиямаликдан ошсак, маррага етардик. Шу пайт Бойтемир деразага энгашиб:

— Эҳтиёт бўл, олдинда машина келяпти! Унгроққа ол,— деди.

Мен машинани ўнгроққа олдим. Тоғ тепасидан юк машинаси тушиб келаётган эди. Жонтойники! Энди тамом, хавфсизлик инженери роса бопплайдиган бўлди: Жонтой чақиб беради. У борган сари яқинлашиб келмоқда эди. Рулга ёпишиб олган, хўмрайганча пастга томон тушиб келарди.

Биз ёнма-ён келиб қолдик. Кабина деразалари рўбарў келганда Жонтой ўзини орқага олди ва малла ранг тулки тумоқли бошини таънаомуз тебратиб қўйди. «Ҳе, иблис! Тилинг қичиган бўлса, оғзингга сиққунча гапиравер!»— деб ўйладим ичимда.

Тепаликка ҳам чиқиб олдик, йўл пастга томон жуда қиялаб кетарди, довондаги ана шу сўнгги маррани ҳам қўлга киритсак, йўл тузатиш участкаси ҳовлисига буриламиз. Машинани ўша томонга бурдим. Ҳар ҳолда судраб олиб келдим-ку! Моторни ўчирдим, қулоғимга ҳеч нарса кирмасди. Қулоғим битиб қолибди. Назаримда, мен эмас, балки бутун борлиқ чуқур уйқуга чўмгандек бўлди. Чурқ этган овоз йўқ, Бойтемир ерга сакраб тушгандагина қулоғим эшита бошлади. Кабинадан аранг судралиб чиқдим ва шу захотиёқ зинага ўтириб қолдим. Нафасим қисиларди, мадордан кетган эдим, бунинг устига довоннинг ҳавоси сийрак эди. Бойтемир югуриб келди-да, елкамга фуфайкани ташлаб, бошимга шапкани бостириб кийгизди. Нариги машинадан ранги оқариб, дами ичига тушиб кетган ҳалиги шофер ҳам секингина оқсоқланиб келаверди. У олдимда чўққайиб ўтирди-да, сигарета узатди. Қўлларим қалтираб, сигаретани олдим. Ҳаммамиз чекиб олганимиздан сўнг ўзимизга келдик. Менда яна ўша лаънати ёввойи куч жўш уриб кетди.

— Хе-е, қалай!— дедим мен.— Кўрдингми!— Шофернинг елкасига бир туширгандим, у ўтириб қолди. Сўнг учовимиз ҳам ўрнимиздан сакраб турдик-да, бир-биримизнинг орқамизга, елкамизга тушира кетдик. Узимиз эса қаҳ-қаҳлаб кулиб, алланималар деб қувонч билан қичқириб, бақиришиб тўполон кўтардик...

Ниҳоят тинчланиб, яна чека бошладик. Мен кийимларимни кийиб, соатимга қарадим-у, кетишим кераклиги лоп этиб эсимга тушиб қолди.

— Хўп, мен борайин!— дедим.

Бойтемирнинг қовоғи осилди:

— Йўқ, уйга кирамиз, меҳмонимиз бўласан!— деди.

Менинг эса бирон дақиқа ҳам вақтим йўқ эди.

— Раҳмат!— деб миннатдорчилик билдирдим.— Иложим йўқ. Уйимга кириб ўтмоқчиман, хотиним кутиб ўтиргандир.

— Қола қолсанг нима бўларди? Бир шишани қоқиб ташлардик,— деди кўндирмоқчи бўлиб янги дўстим — Шофер йигит.

— Қўй, зўрлама!— деб унинг сўзини бўлди Бойтемир.— Хотини кутаётган экан. Исминг нима сени?

— Илès.

— Майли, борвер, Илès. Раҳмат сенга бизни қутқарганинг учун.

Бойтемир машина зинасида туриб мени то йўлгача кузатиб қўйди. У индамай кўлимни қисди-да, машинадан сакраб тушиб қолди.

Тоғ тепасига кўтарилаётиб, кабинадан бошимни чиқариб қарадим. Бойтемир ҳамон йўлда турарди. Қўлида шапкасини ғижимлаб, калласини қуйи солганича алланималар ҳақида ўйларди.

Бор гап шу, ана шундай қилиб биз ажрашдик.

Аммо ўша кеча туни билан қийналиб чиқдим. Шамоллаб қолган эканман. Уйга келганимда ҳеч нарсани сезмаган эдим. Тезда овқатланиб олдим. Асалга воқеани батафсил гапириб ўтирмадим. Лекин йўлда одамларга ёрдамлашганим учун кечикиб қолганимни айтдим, холос. Мен ўз ҳаётимни қаллиғимдан яширмасдим. Аммо, менимча, бундай нарсаларнинг ҳаммасини айтавериш ҳам зарур эмас эди. У бусиз ҳам мендан доим хавотир олиб ўтирарди. Бундан ташқари, мен бундай ножўя ишларни такрорлаш ниятида ҳам эмас эдим. Ҳаётимда бундай воқеа бир бўлди, доvon билан куч синашиб кўрдим, бас.

Эҳтимол, йўлдан оғриб қайтмаганимда, буни эртасигаёқ унутган бўлар эдим. Уйга бир амаллаб етиб келдим-у, ҳолдан тойиб йиқилдим. Нима бўлди, қандай бўлди, билмайман. Ҳадеб алаҳлардим, гўё машинани шатакка олиб, Дўланда келаётгандек бўлавердим. Кучли қор бўрони юзимга урилар, нафас оқолмай қийналардим, баранка худди пахтадан ясалгандек, айлантирсам қўлларимга ёпишиб қоларди. Олдинда эса чеки-чегараси йўқ довон. Машина радиатори тинмай гувиллаб кўкка қараб тирмашиб борар ва яна баландликдан пастга томон шувиллаб тушиб кетар эди... Афтидан, бу касаллик довони бўлса керак. Уни мен учинчи куни енгиб, енгил торта бошладим. Яна икки кун ётдим. Ўзимни яхши ҳис этардим, ўрнимдан турмоқчи ҳам бўлдим, аммо Асал ҳеч кўнмади. Тўшақда яна икки кун ётишга мажбур қилди. Унга қарарканман ҳайратда қолдим. Мен касал бўлдимми, ёки уми? Шунчалик қийналиб ташвиш тортибдики, киши таниб бўлмайди: кўзларининг ости кўкимтир ҳалқа-ҳалқа бўлиб, озиб кетибди, қаттиқроқ пуфласанг йиқилиб кетаётгандек, бунинг устига, қўлида боласи. Йўқ, бунақаси кетмайди, деган қарорга келдим. Талтайиб ётишга қаққим йўқ. У дам олиши керак. Ўрнимдан туриб, кийна бошладим.

— Асал!— деб чақирдим секин. Ўғилчам ухлаб ётарди.— Қўшнилар билан гаплашиб кўр, кўнишса Самадни қолдириб, кинога бориб келамиз!

У каравот ёнига чопиб келди-да, мени яна ётқизиб қўйди. Худди биринчи марта кўраётгандек мендан кўзини узмасди. Кўз ёшларини тутишга уринарди-ю, аммо улар киприклари остида йилтираб, лаблари титрарди. Асал кўксимга юзини қўйиб, йиғлаб юборди.

— Сенга нима бўлди, Асал? Нима бўлди?— деб додираб қолдим мен.

— Сизнинг соғайиб кетганингиздан ўзимда йўқ хурсандман.

— Ўзим ҳам хурсандман, аммо йиғлашнинг нима кераги бор. Сал мазам қочса қочибди-да. Қайтага уйда сен билан бир неча кун бирга бўлдим, Самад билан ҳам ўйнаб хумордан чиқдик.— Ўғлимнинг аллақачон эмаклай бошлаган, энди эса юришга шайланаётган энг яхши, энг ширин чоғлари эди.— Ростини айтсам, яна бир шундай касал бўлсам қанийди!— дедим ҳазиллашиб.

— Қўйсангиз-чи шунақа гапни, кераги йўқ!— деб жеркиб берди Асал.

Шу пайт каравотчада ухлаб ётган ўғилчам уйғониб қолди. Асал уни илиққиналигича кўтариб келди. Учовимиз каравотга ағанаб, тўполон қилиб ҳазиллашардик, Самад эса айиқчадек у ёқдан-бу ёққа ўрмалаб, бизни тепкилар эди.

— Мана кўряпсанми, қандай яхши!— дедим унга.— Сен бўлсанг? Тура тур ҳали, яқинда ота-отаннинг олдига — овулга борамиз. Қани гуноҳимизни кечирмай кўришсин-чи. Самадни кўрибоқ завқланиб кетиб. ҳаммасини унутиб юборишади...

Ҳа, овулга кечирим сўраб бориш ниятида эдик. Аммо аввало отпуска олиш, сўнгра Асалнинг ота-онасидан тортиб барча қариндош-уруғларигача совға-саломлар тайёрлаш лозим эди. У ёққа қуруқдан-қуруқ боришни истамас эдим.

Бу орада қиш ҳам кириб қолди. Тянь-Шаннинг қиши қаттиқ бўлади. Кучли довул, қор бўронлари ва тоғдан қор кўчиш ҳодисалари тез-тез бўлиб туради. Бундай пайтларда шоферларга ташвиш яна ортарди, йўл тузатувчиларга эса яна ҳам қийинроқ бўларди. Улар тоғлардан кўчиб турадиган қор уюмларига қарши кураш олиб борар ва қор ўпирилиб тушиши мумкин бўлган хавфли ерларни олдинданоқ портлатишиб, дарҳол йўлни тозалаб қўйишар эди. Тўғри, ўша йилги қиш бир оз тинчроқ ўтган эди. Ёки менга шундай кўрингандир, чунки иш шунчалик кўп эдики, унча-мунча нарсаларга эътибор бермасдик. Уша йили бизнинг автобазага кутилмаганда катта қўшимча топшириқ беришди. Аниқроғи, бундай катта топшириқни олишга биз шоферлар ўзимиз сабабчи бўлган эдик, шахсан мен унинг ташаббускори эдим. Мен бунга ҳозир ҳам афсусланмайман ва маъқул иш қилганман, деб ҳисоблайман. Аммо, назаримда, менинг барча мусибатларим худди шундан бошлангандек туюлади. Воқеа бундай бўлган эди.

Бир уни кечқурун автобазага қайтиб келаётган эдим. Асал мендан Алибек Жонтуриннинг хотинига кичик бир тугунча бериб юборди. Мен машинани уларнинг уй томон буриб, сигнал бердим. Алибекнинг хотини чиқди. Унга ҳалиги тугунчани бераётиб.

— Алибек уйдами?— деб сўрадим.

— Йўқ, ҳали келганича йўқ.

— Қаёқда у, йўлдами?

— Йўғ-а, бугун йўлга чиққани йўқ, кейинроқ борар-

миш. Нимагадир у ёқдан-бу ёққа зир югуриб юрибди. Айтишча, хитойлик ишчилар автобазага телеграмма юборишган эмиш.

— У ёқда нима гап бўлибди?

— Завод учун асбоб-ускуналарни тезроқ етказиб беришни илтимос қилишибди.

— Қанақа асбоб-ускуна? Синьцзянда қурилаётган кишлоқ хўжалиги машиналари заводи учунми?

— Билмадим, Илёс. Ўзинг эшитиб қоларсан.

— Ҳозир Алибек қаердайкин?

— Қаерда бўларди. Юк тушириш станциясида-да, ҳамма ўша ерда. Эшелонлар келганмиш.

Мен ҳам машинани ўша ёққа томон ҳайдадим. Нима гап ўзи, аниқлаб олай дедим-да. Мана, етиб ҳам келдим. Бизнинг юк тушириш станциямиз дарада, кўлдан сал берида жойлашган бўлиб, темир йўлнинг сўнги станцияси эди. У ерда ғала-ғовур, ғира-шира қоронғи, ҳеч нарсани пайқаб бўлмасди. Дара томондан эсаётган кучли шамол симёғочлардаги чироқларни тебратар, шувиллаб шпалларни ялаб ўтарди. Вагонларни бир-бирига тиркаб юрган паровозлар у ёқдан-бу ёққа қатнаб турарди. Энг чеккадаги йўлда турган кран илгакларини кўтариб, тебранганича, вагонлардаги сим ва тунука тасмачалар билан танғиб, михлаб ташланган яшикларни тушираётган эди. Янглишмабман. Бу Синьцзяндаги машинасозлик заводига юбориладиган транзит юклар эди. У ерда йирик иншоот қурилаётганди. Авваллари ҳам биз у ёққа баъзи асбоб-ускуналарни олиб борган эдик.

Автобазамиз машиналаридан талайгинаси шу ерда экан. Бироқ ҳали уларнинг биронтаси ҳам юк ортмай турарди. Ҳамма шоферлар ниманидир кутишаётгандек эди. Улар кабиналарда, машина зиналарида ўтиришарди. Баъзилар шамолдан паналаниб, яшикларга суяниб олишганди. Мен улар билан саломлашдим. Бирон кимса менга эътибор ҳам бермади. Папиросларини тутатишиб, сукут сақлаб туришарди. Четроқда ўтирган Алибекни кўриб қолдим. Унинг олдида бордим.

— Салом, Алибек!

— Салом!

— Нима қияпсизлар? Телеграмма олибсизларми?

— Ҳа. Заводни муддатидан илгари ишга туширишмоқчи.

— Хўш, нима бўпти?

— Энди гап бизда қолди.

— Ростданми?

— Кўряпсанми, бутун йўл ёқалари юкка тўлиб кетибди. Ҳали яна келади. Буларни қачон ташиб улгурамиз? Бу ҳақда ўйлаяпсанми? Одамлар бизга ишониб, у ёқда кутишмоқда!.. Уларга ҳар бир кун ғанимат.

— Сен буларни нега менга гапиряпсан? Менинг бу ишларга нима дахлим бор?

— Нима дахлим бор?! Бу нима деганинг, ё бошқа мамлакатдан келганмисан? Ёки бизга нақадар муҳим иш топширилганини тушунмайсанми?

— Азбаройи худо, ақлдан озибсан!— деб ажабланиб, ўзимни четга олдим.

Шу пайт яшиқлар орқасидан овозлар эшитилиб қолди. Автобазамиз бошлиғи Омонжўлов кўринди. У камзулининг этаги билан шамолни тўсиб, пана қилиб папирос тутатди—да, сўнгра индамай ҳаммамизга бир-бир назар ташлаб чиқди.

— Гап мана бундай, ўртоқлар,— деди у,— министрликка телефон қилиб кўраман, балки ёрдам беришар. Аммо бунга орқа қилиш керак эмас. Нима қилиш кераклигини ҳозирча ўзим ҳам билмай турибман.

— Буни уддалаш қийин, ўртоқ Омонжўлов!— деди кимдир.— Юклар жуда оғир, қўпол, ортишга ҳам, жойлаштиришга ҳам ноқулай. Кузовга икки-учтадан ортиғи сизмайди. Мабодо кечаю кундуз ишлаганимизда ҳам, худога шукур, кўкламгача етадиган иш бор.

— Ҳамма гап шунда—да,— деди Омонжўлов.— Аммо иложини тапишимиз керак. Хўп, ҳозирча уй-уйимизга тарқалайлик. Сизлар ҳам ўзларингизча ўйлаб кўринг!

У газикка ўтириб, жўнаб кетди. Шоферлардан биронтаси ҳам жойидан қўзғалмади. Улар негадир шошилмасдилар. Қоронғи бурчакда ўтирган аллақандай киши, ҳеч кимга мурожаат қилмай, ўзича дўриллиб гапирди:

— Бўлмағур иш! Икки оёқни бир этикка тиқиб бўлмайди! Бу ҳақда илгарироқ ўйлаш керак эди!— деб ўрнидан туриб, папирос қолдиғини ўчирди—да, машинаси томон кетди.

Уни бошқа шофер қувватлади:

— Бизда доим шу аҳвол, иш қисталанг келдимми, бўлди, қутқаринглар, жон оғайнилар, деб дарҳол шоферларга осилишгани-осилишган.



Одамлар унга ўшқириб беришди:

— Бу халқаро иш-ку, Исмоил, сен бўлсанг бозорчи шаллақи хотинларга ўхшаб вайсаяпсан-а!

Мен мунозара-тортишувларга кўшилмай турардим. Аммо бирдан миямга бир фикр келиб қолди: довонда машинани қандай шатакка олганим ёдимга тушди. Чидаб тура олмадим-да, ҳар вақтдагидек қизишиб кетиб:

— Уйлаб ўтиришнинг нима кераги бор!— деб ўртага отилиб чиқдим.— Машиналарга прицеп улаш керак!

Ҳеч ким қимир этмасди. Баъзилар ҳатто менга қайрилиб қарамади ҳам. Бундай фикрни фақат телбаларгина айтиши мумкин эди.

Жонтой секингина ҳуштак чолиб қўйди:

— Кўрдингларми!

Мен унинг овозидан танидим. Турган еримда ҳар томонга аланглайман, бўлган ишни бирма-бир сўзлаб бергим келяпти. Аммо қандайдир сўлақмондай йигит яшиқ устидан тушиб, қўлқопини ёнидаги шеригига берди-да, олдимга яқин келиб, ёқамдан ушлаб, ўзи томон тортиб:

— Қани, «уфф» де-чи!— деди.

— Уфф!— деб пуфладим мен.

— Кайфи йўқ!— деди у ёқамни бўшатаркан, ҳайрон бўлиб.

— Бўлмаса, жинни-минни бўлгандир-да,— деди ҳалиги йигитнинг шериги уни қувватлагандек ва иккаласи ҳам машиналарига ўтиришиб, жўнаб кетишди. Бошқалар ҳам кетишга ҳозирланиб, ўринларидан жимгина қўзғалишди. Ҳеч қачон бунчалик кулги, бунчалик мулзам бўлмаган эдим! Ер ёрилмади-ю, ерга кирмадим.

— Тўхтанлар! Қаёққа кетяпсизлар!— деб шоферлар орасида аланглаб, у ёқдан-бу ёққа югура бошладим.— Мен ҳазил қилаётганим йўқ, ҳақиқатан ҳам прицеплар улаш мумкин...

Кекса, оқсоқол шоферлардан бири жаҳли чиқиб, олдимга келди-да:

— Мен бу ерда шоферлик қила бошлаган пайтларимда сен ҳали иштончанг юрган гўдак эдинг. Тянь-Шань танца майдони эмас, сенга жуда раҳмим келяпти, халқ ўртасида масхаробозлик қилма!— деди.

Одамлар мени масхара қилишиб, машиналарига тарқала бошладилар. Шунда мен бутун станцияни бошимга кўтариб бақирдим:

— Сизлар шофер эмас, хотинчалишларсиз!

Буни бекор қилган эканман, бошимга бало орттириб олдим.

Ҳамма тўхтаб, бераварига менга қараб ёпирилиб кела бошлади:

— Нима дединг, аблаҳ! Кўпчиликнинг ҳаёти билан ўйнашмоқчимисан!

— Новатор! Мукофот олмоқчи!— деб шовқин солди Жонтой. Ғала-ғовур зўрайиб кетди, одамлар мени исканжага олиб, яшиқларга қисиб қўйишди.

— Масхара қиляпсанми ҳали!

— Сол тумшугига!

— Мишиғингни артиб олсанг-чи!

Дўппослаб, дабдала қилиб ташлашса керак, деб ўйлаб, ердаги ётган тахтани қўлимга олдим.

— Қани, четроқ тур, йўл бер!— деб ҳуштак чолиб, кимдир ҳаммани итариб-суриб кела бошлади.

Бу Алибек эди.

— Жим!— деб бақирди у.— Сен, Илёс, тушунтириб гапир! Тезроқ сўзлай қол!

— Э, нимани гапирман!— дедим мен нафасим бўғизимга тикилиб. Чунки ҳали оғиз очишга улгурмасданоқ юлиб-тортқилашиб, тугмамдан биронтасини ҳам қолдиришмай узиб юборишганди.— Мен довонда бир машинани юки билан шатакка олиб, йўл тузатувчилар участкасигача обориб қўйганман. Бор гап шу.

Йигитлар ишонмагандек жим бўлиб қолишди.

— Хўш, торта олдингми?— деб сўради кимдир шубҳаланиб.

— Ҳа, бутун Дўландан то участка ҳовлисигача тортиб бордим.

— Ҳо, жуда зўр-у!— деди кимдир ажабланиб.

— Узича валдираяпти-да!— деб эътироз билдирди иккинчи бири.

➤ Фақат муттаҳамларгина валдирайди. Буни Жонтой ҳам кўрган. Ҳой, Жонтой, қаёқдасан? Айт! Қандай учрашганимиз эсингдами?..

Аммо Жонтойнинг овози чиқмасди. У ер ёрилиб, ерга кириб кетгандек, ғойиб бўлди-қўйди. У аблаҳдан нафратланиб юрганим бечиз эмас эди. Ҳозир буни ўйлаб турадиган вақт эмасди. Одамлар баҳслашиб кетди. Мени қувватлаган одамлар ҳам бўлишди. Бироқ қандайдир бир шаккок чиқиб, бирданига уларни фикрларидан қайтарди-қўйди:

— Бекорчи гап сотишнинг нима кераги бор!— дея тўнғиллай бошлади у.— Биров бир ишни бир марта қилса қилибди-да! Бундай ҳодисалар озми! Биз ёш болалар эмасмиз. Трассамизда прицеплар улаб юриш ман этилган. Бунга ҳеч ким рухсат ҳам бермайди. Меҳнат хавфсизлиги инженерларига шундай деб кўр-чи, нима деркин: шунақаям бопласинки, додингни худога айтгин. Сизларни деб жавобгарликка тортилишни хоҳламаса керак... Гапнинг ўғил боласи шу.

— Э, қўйсанг-чи!— деб гапга аралашди бошқа биров.— Рухсат бермайди деганинг нимаси! Мана, Иван Степанович ўттизинчи йилларда полуторка машинада довонни биринчи бўлиб очган. Унга ҳам ҳеч ким рухсат бермаган эди. У ўз билгича қилганди бу ишни. Мана ўзи, ҳали ўлганича йўқ...

— Ҳа, дарвоқе, шундай бўлган эди,— деб тасдиқлади Иван Степанович.— Аммо ҳозир шубҳаланиб турибман: ахир бу ердан ҳатто ёзда ҳам ҳеч ким прицеп билан ўтган эмас, ҳозир эса қиш...

Шу пайтгача индамай ўтирган Алибек гапга аралашди:

— Етар шунча тортишганимиз. Илёснинг таклифи ҳали синаб кўрилмаган нарса бўлса ҳам, ўйлаб кўриш керак. Лекин сен айтганча эмас, Илёс, прицепни улаймиз-у, кетавермаймиз. Бундай қилиш ярамайди, олдин бунга ҳозирлик кўриш, ҳаммасини жиддий ўйлаб чиқиш, маслаҳатлашиш ва синаб кўриш керак. Қуруқ сўз билан ҳеч нарсани исботлай олмайсан...

— Исботлайман!— дедим мен унга.— Сизлар ўйлаб, фол очиб бўлгунларингизча, мен исботлаб бераман! Ана ўшанда ишонч ҳосил қиласизлар!— деб бурилиб машина томон юрдим ва автобазага жўнаб кетдим.

Ҳар кимнинг ўз хулқи, феъл-атвори бор. Уларни бошқариб туриш керак, албатта, бироқ бунга ҳамма вақт ҳам муяссар бўлавермайди киши. Руль бошқариб бораётган бўлсам ҳам, на остимдаги машинани, на йўлни ҳис этардим. Дард-алам, хафагарчилик ва асабийлик бутун вужудимни эгаллаб олганди. Бояги сўзлар борган сари иззат-нафсимга қаттиқ тегиб, юракни ўртаб, тутактираётган эди. Йўқ, мен сизларга исботлаб берганим бўлсин! Одамнинг сўзига ишониш кераклигини исботлаб бераман, унинг устидан қулиш қандайлигини кўрсатиб қўяй, эҳтиёткорлик билан орқа-олдинга қараб иш кўриш қанақа

бўлишини бир исботлаб берай! Алибекка ҳам қойилман: ўйлаб кўриш, тайёрланиш, синаб кўриш керакмиш! У ҳамиша шунақа ақлли, эҳтиёткор! Аммо мен учун булар бир пул! Мен бу ишни хамирдан қил суғургандек бажариб, кимлигимни кўрсатиб қўяман!

Машинани гаражга қўйганимдан кейин ҳам унинг атрофида анча вақтгача ўралашиб юрдим. Сиртдан қараганда тинчланиб қолганга ўхшасам ҳам, кўнглим безовта эди. Мен фақат бир нарса ҳақида — ўзимнинг ҳақ эканлигимни қандай қилиб эртагаёқ исботласам экан, деб ўйлардим. Фикримни исботлаш, сўзлаб бериш учун бошлиқлар олдига боришни, уларнинг эътирозларини тинглашни энди хоҳламас эдим. Йўл битта: прицеп билан довонга қараб жўнаш. Мен буни қандай бўлмасин бажаришим керак эди. Аммо прицепни менга ким берарди, уни автобазадан Тянь-Шань йўлига олиб чиқишга ким рухсат этарди?

Шундай ўй-хаёллар билан гараждан чиқиб, ҳовли бўйлаб секин юра бошладим. Кеч кириб қолган эди. Фақат диспетчерхонада чироқ ёниб турарди. Мен тўхтаб қолдим: э, диспетчер-чи. Диспетчер ҳаммасини тўғрилаб бериши мумкин-ку! Ҳамма иш унинг қўлида. Мен диспетчерхона томон шошилдим. Чамамда, бугун Хадича навбатчилик қилаётган бўлса керак. Шундай бўлса яна ҳам яхши. У менинг истимосимни рад этмайди. Рад этиши ҳам мумкин эмас. Рад этган тақдирда ҳам, ахир, мен жиноят қилмоқчи эмасман-ку. Аксинча, у ҳамма учун фойдали, ҳамма учун муҳим бўлган ишни амалга оширишда менга ёрдам беради, холос.

Диспетчерхонага яқинлашар эканман, анчадан бери илгарилардагидек эшикдан тўғри кириб боравермаётганлигим ва туйнукча орқали мурожаат қилаётганлигим эсимга тушиб, иккиланиб қолдим. Шу пайт эшик очилди. Остонада Хадича турарди.

— Сенинг олдинга келаётган эдим, Хадича. Яхшиямки, шу ерда экансан!

— Мен кетяпман.

— Хўп, юр, уйинггача кузатиб қўяман.

Хадича таажжубланиб, менга шубҳаланиб қаради-да, жилмайиб:

— Кетдик, — деди.

Биз ташқари чиқиб, кўча бўйлаб кета бошладик. Кўча зим-зиё қоронғи эди. Кўл томондан тўлқинларнинг шо-

виллагани эшитилиб турар, изғирин шамол эсарди. Хадича қўлтиғимдан ушлаб, совуқ шабададан паналаб пинжимга тиқила бошлади.

— Совуққа қотяпсанми?— деб сўрадим.

— Сен билан бирга бўлсам совуққа қотмайман!— деди у.

Хадича яна бир нима демоқчи бўлиб оғир жуфтлади-ю, бироқ жим қолиб, яна кифтимга ишқалана бошлади. Бунга қадар ҳаяжонланиб турган эдим, энди бўлса негадир тинчланиб, ўзимни эркин сеза бошладим.

— Эртага қай маҳал навбатчилик қиласан, Хадича?

— Иккинчи сменада.

— Сенда бир ишим бор. Жуда муҳим. Бари сенга боғлиқ...

Йўлда унга ҳаммасини айтиб бердим. Аввалига гапимга қулоқ солгиси ҳам келмади, бироқ мен уни ҳамон ишонтиришга интилардим. Чироқ остида, муюлишда тўхтадик. Хадича бир қарорга келолмай турарди.

— Эҳ, Илёс!— деди у ташвиш билан кўзимга боқиб.— Бекор шундай қияпсан!

Аммо мен нима десам ҳам, унинг бажаришини тушуниб турардим. Унинг қўлтиғидан ушлаб:

— Бекорга эмас. Менга ишонавер! Ҳаммаси жойида бўлади. Хўш, келишдикми?— дедим.

У хўрсиниб қўйди.

— Сен айтганингдан кейин, нима ҳам қила олардим!— деди-да, хўп дегандек бош қимирлатди.

Мен беихтиёр унинг елкасидан қучоқлаб олдим.

— Асли йигит бўлиб туғилишинг керак экан-да, Хадича! Хўп, эртагача хайр!— деб қўлини қаттиқ қисдим.— Кечгача ҳамма қоғозларни тўғрилаб қўй, хўпми?

— Намунча шошилмасанг!— деди у қўлимни бўшатамай туриб. Сўн-ра бирдан ўзгариб қолди.— Майли, бо-равер... Ётоқхонагами?

— Ҳа, Хадича.

— Хайрли тун!— деди у.

Эртасига бизда техника кўриги бўлди. Автобазадаги одамлар диққинафас бўла бошлади: инспекторлар доим бемавруд тиқилинч қилишади-да, нуқул бирон нарсадан айб топиб, акт тузишгани-тузишган. Қанчалик даҳмаза, қанчалик ташвиш. Аммо уларнинг ўзлари эса жуда оғир, совуққон одамлар. Планга мувофиқ автобазани техника

кўригидан ўтказишлари керак эди, шунга кўра улар бамайлихотир ўз ишларини бажараётган эдилар.

Ўз машинадан кўнглим тўқ эди, аммо ремонт қилаётган кишидек ўзимни четга тортиб туравердим. Хадича навбатчиликка ўтгунча вақтни чўзиб туриш керак эди. Ҳеч ким мен билан гаплашмас, ҳеч ким кечаги ҳодисани эслатмас эди. Одамлар буни хаёлига ҳам келтирмасди: ҳамма техник кўриқдан тезроқ ўтишга, йўлга тушишга ва бекор кетган вақтнинг ҳиссасини чиқаришга ошиқарди. Аммо, бари бир кўнглимдаги доғ ёддан кўтарилмасди.

Техника кўригидан тушдан кейин ўтдим. Инспекторлар ҳам кетишди. Ҳамма ёқ бўшаб, ҳувиллаб қолган эди. Ҳовлининг ичкарисиди очиқ ҳавода прицеплар турарди. Улардан баъзан текис йўлларда, ички қатновда фойдаланилар эди. Мен прицепларга қандай бориш қулайроқ эканини кўздан кечириб, улардан бирини — энг четкисини мўлжаллаб қўйдим. У оддийгина тўрт филдиракли аравага ўхшарди. Унинг ҳамма ҳикмати мана шу. Аммо шуни деб қанчалик ҳаяжонга тушдим... Ўша пайт мени нима кутаётганини билмас эдим. Шунинг учун ҳам яхшигина овқатланиб, бирор соат бўлса ҳам мизғиб олиш мақсадида хотиржамгина ётоқхонага кетдим. Йўл жуда хавфли эди. Бари бир ухлай олмадим. Вақтни илондек тўлғаниб ўтказдим. Қош қорая бошлагач, автобазага бордим.

Хадича бўлса аллақачон келиб турган экан. Ҳамма нарса тахт эди. Мен уни беҳуда ташвишлантирмаслик учун ортиқча такаллуф қилиб ўтирмасдан йўллангани олдим-да, гаражга шошилдим. Югуриб кетяпман-у, хаёлимдан: «Тамом! Энди бу ёғини бир кўрсатиб қўяй сизларга!»— деган фикрни ўтказдим. Машинани бурдим ва тислаб бориб прицепга тўғриладим, сўнгра моторни секин юргизиб қўйдим-да, теварак-атрофни кўздан кечириш учун кабинадан чиқдим. Бирон кимса кўринмайди. Фақат ремонт устахонасидаги дастгоҳларнинг тақир-туқури-ю, кўл тўлқинларининг қирғоққа урилишидан кўтарилган шалоп-шулуп овозлари эшитилиб турарди. Осмон сукунат ичида тургандек туюлса ҳам, биронта юлдуз кўринмасди. Ёнимда отор секин тириллаб турарди, менинг юрагим ҳам гуп-гуп урарди. Чекмоқчи бўлдим-у, лекин палиросни шу заҳотиёқ четга отиб ташладим, кейин...

Дарвоза олдида мени қоровул тўхтатди:  
— Тўхта, қаёққа!— деди у.

— Юк ортишга, оқсоқол,— дедим мен ўзимни бе-  
парво кўрсатишга уриниб.— Мана чиқишга пропусқа.

Чол қоғозга синчиклаб тикилди-ю, аммо фонус ёруғи-  
да ҳеч нарса ўқиёлмади.

— Вақтимни олма, оқсоқол!— дедим сабрим чида-  
май.— Иш қолиб кетяпти!

Юк ортиш тинчгина ўтди. Яхшигина юк ҳам олинди:  
кузовга ҳам икки, прицепага ҳам икки бўлак юк олиб  
йўлга чиқдим ва фақат шундан кейингина кўнглим жойи-  
га тушиб, чека бошладим. Сўнгра машинага қулайроқ  
ўтириб олдим-да, чироқни ёқиб, тўла газ бердим. Машина  
чироқидан таралаётган ёғду атрофни қоплаб олган қо-  
ронғилик чокини сўкиб борарди. Йўл бўм-бўш эди. Ма-  
шинани энг юқори тезликка қўйиб ҳайдашим мумкин эди.  
Орқада шарақлаб келаётган прицеп енгилгина ва бир  
текисда елиб бораётган машинага деярли халал бермас-  
ди. Тўғри, бурилишларга келганда машина йўл чеккасига  
сурилиб кетарди ва рулни бошқариш ҳам анча қийинла-  
шар эди. Аммо бу одатланмаганликдан, кейинчалик кў-  
никиб кетарман, деб ўйлардим. «Дўланни забт этман!  
Синьцзянга ҳам бораман!»— деб қичқирдим ўзимга-  
ўзим ва от устида энкайиб чопиб бораётгандек руль чам-  
барагига ёпишиб олдим. Йўл равон келган ерлардан ило-  
жи борича тезроқ ҳайдаб ўтиш ва тун ярмида Дўланга  
ҳужум бошлаш ниятида эдим.

Баъзи вақтларда тезликни мўлжалимдагидан ҳам оши-  
риб ҳайдардим. Аммо тоғ бошлангандан кейин секинроқ  
ва эҳтиёткорлик билан юришга тўғри келди. Бу мотор-  
нинг қуввати етмаслигидан эмас, албатта. Тепаликка чи-  
қишга қараганда, пастликка тушиш анча қийин эди. При-  
цеп нишабликдан ўқдай ғизиллаб келиб, машинага зарб  
билан урилар ва унинг тинчгина тушишига халақит берар  
эди. Ҳар қадамда тормоз бериб, тезликни камайтириш  
ва рулни зийраклик билан бошқариб туришга тўғри ке-  
ларди. Бошда ўзимни дадил тутдим, унча-мунча нарсага  
эътибор бермасликка ҳаракат қилдим, лекин борган сари  
хавотирланиб, асабларим бузила бошлади. Ҳали йўлда  
яна қанчадан-қанча тепалик ва нишабликлар учрайди,  
Буларни санаб чиқиш ҳеч кимнинг хаёлига келганмикин!  
Шундай бўлса-да, руҳимни туширмадим. Бу ерда ҳолдан  
тойишдан бошқа ҳеч нарса кўнглимга таҳдид солмасди.  
«Ҳечқиси йўқ,— деб овулардим ўзимни-ўзим.— Довонга  
чиқиш олдидан нафасимни ростлаб оламан. Довондан

албатта ошиб ўтаман!» Бироқ, мен нега ўша кузда машинани шатакка олганимдагига қараганда ҳозир кўпроқ қийналяпман, деб ўйлаб ўтирмадим.

Дўлан тобора яқинлашиб келмоқда. Чироқ нурлари қоп-қора тун қўйнига чўккан улкан даранинг қояларини сийпалаб ўта бошлади. Қорли қалпоқларини бостириб кийиб олган бу қоялар йўл устида осилиб турарди. Чироқ нурларида паға-паға қор парчалари ялтираб кўрина бошлади. «Юқоридан шамол учириб тушаётган бўлса керак»— дедим ўзимча. Аммо қор парчалари кабина деразаларига ёпишиб, эриб, пастга сирқиб тушарди. Демак, қор ёғяпти. У сийрак ёғаётган бўлса ҳам, нам қор эди. «Бунисига бало бормиди!..»— дедим ғижиниб. Ойна тозалайдиган чўткаларни ишга солдим.

Довоннинг дастлабки баландликлари бошланди. Мотор одатдагидек ўзининг мунгли кўшиғини куйлай бошлади. Унинг зўриқиб бир оҳангда гувиллаши қоронғида ўрмалаб бораётган кўнғиз боласини эслатарди. Ниҳоят маррага етиб келдим. Энди олдинда пастга қараб, қиялаб кетган олис йўл. Мотор овози пасайиб, машина кўйга қараб туша бошлади. Мана энди у ён-бу ёнга қараб тебраниб бормоқда. Мен прицепнинг орқада лапанглаб, йўл-йўлакай машинага шарақлаб келиб урилаётганини сезиб, ҳалқаларнинг туташган еридан ғижирлаб чиқаётган металл овозларини эшитиб турардим. Бу ғижирлаш овози ғашимни келтириб, белимни, билакларимни сирқиратиб оғритаётгандек бўларди. Ғилдираклар тормозга итоат қилмай, нам қор тўшамида сирғалиб борарди, машина сирғалиб бир силкиниб кетган эди, рули қўлимдан чиқиб кетди-да, шақир-шуқур қилиб, йўл бўйлаб, қиялаб пастга томон физиллаганча тушиб кета бошлади. Шунда мен дарҳол рулни буриб, машинани тўхтатдим. Бу ёғига юриш амри маҳол эди, оёқ-қўлимда жон қолмаганиди. Машина чироғини ҳам, моторни ҳам ўчирдим. Таёқдек қотиб қолган қўлларим худди ясама қўлдек пастга шалоп этиб тушди. Мен ўриндиқ суянчиғига ўзимни ташлаб, тошдай қотиб ўтирар ва хириллаб нафас олаётганимни ўзим ҳам эшитиб турардим. Шу таҳлитда бир неча минут ўтириб, нафасимни ростлаб олдим-да, папирос чека бошладим. Чор атрофим қоп-қоронғи зимистон, даҳшатли сукунат. Фақат кабина тешикчаларидан шамол ғувиллаб кириб турарди. Олдинда нималар кутаётганини тасаввур қилишдан юрагим ваҳимага тушарди. Бу ердан юқорига



қараб қиялик бўйлаб баланд-паст, қинғир-қийшиқ йўллар давом этарди. Бу — мотор ва қўлларнинг азоби. Бу — тоғ ён бағирлари бўйлаб илон изи йўллар билан юқорига тинимсиз ўрмалаб чиқиш демакдир. Олдинга — юқорига — орқага, яна илгарига — олдинга — орқага, яна ва яна... Аммо ўйлаб ўтиришга вақт йўқ, қор гупиллаб уриб турибди.

Моторни юргиздим. Машина қаттиқ ўкириб, баландлик сари қўзғалди. Тишимни тишимга қўйиб, тинимсиз равишда илон изи йўлларни аста-секин босиб ўтавердим. Ниҳоят, тепаликка ҳам чиқиб олдим. Энди тик қиямалик, йўл тузатувчилар участкасига бурилиб ретадиган муюлишга қадар бир текис нишаблик, ундан кейин эса довонга сўнги хужум бошланади. Бир амаллаб пастга тушиб олдим ва тўрт километрча чўзилиб ётган тўғри йўлдан машинани елдек учириб бориб, юқорига кўтарила бошладим. Мана у олға интилиб тобора юқорилашиб бормоқда... Аммо бояги тезлаб келаётгани кўпга бормади, тезлик борган сари пасая борди. Моторни иккинчи, сўнгра биринчи тезликка қўйиб ҳайдадим. Рулни маҳкам ушлаганча, ўзимни орқага ташладим. Булут парчалари орасидан юлдузлар мўралашиб қарашарди. Машина жойидан қимир этмас ва у ёғига тортолмасди. Ғилдираклар бир ерда ғириллаб айланиб, четга суриларди, мен акселераторни жон-жаҳдим билан босдим.

— Қани, яна! Яна озгина! Қимтиб юбор!— деб қичқириб юбордим.

Чўзиб-чўзиб инграётган мотор титраб-қалтираб дириллай бошлади-да, бирданига ўчди-қолди. Машина секингина орқага кета бошлади. Жон ҳолатда тормоз бердим, тўхтамади. Прицепнинг оғирлиги билан борган сари тезроқ сирғалиб, пастга томон ғилдираб тушаверди, ниҳоят, машина қояга урилиб, таққа тўхтади. Ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. Кабина эшигини очиб, ташқарига қарадим. Худди ўйлаганимдек! Падарига лаънат! Прицеп йўл ёқасидаги ариққа тушиб кетган эди. Энди уни ҳеч қандай куч билан чиқариб бўлмасди. Ўзимни йўқотиб, довидраганимча, яна моторни юргиздим, зўр бериб машинани олдинга қараб ҳайдай бошладим. Ғилдираклар ўз ўрнидан қўзғалмай ғириллаб айланарди. Машина бор кучи билан илгарига қараб интилди, бутун танаси дириллаб кетди-ю, аммо жойидан силжимади. Мен машинадан сакраб тушдим-да, прицепга томон чопиб бордим. Унинг

ғилдираклари ариққа чуқур ботиб кетган эди. Нима қилиш керак? Бошим қотиб қолган эди, ғазаб билан прицепага отилдим, унинг ғилдирагини қўлларим ва бутун гавдам билан итара бошладим. Сўнгра кузовнинг остига кириб, бошим сирқираб оғриб кетгунича йиртқиш ҳайвон сингари бўкириб, прицепа елкам билан йўлга суриб чиқаришга уриниб кўрдим, аммо қаёқда дейсиз! Ҳолдан тойиб, йўлга юз тубан йиқилдим ва қор аралаш лойни қучоқлаб, аламимдан йиғлаб юбордим. Кейин ўрнимдан турдим-да, гандираклаганимча машина зинасига келиб ўтирдим.

Йироқдан моторнинг гувиллаган овози эшитилди. Икки чироқча баландликдан пастдаги текис йўлга ёғду сочиб тушаётган эди. Бу шофернинг кимлигини ва ярим тунда тақдир уни қаёққа ва нима учун ҳайдаётганини билмасдим, аммо бу чироқлар гўё мени қувлаб етиб, ушлаб оладигандек сесканиб кетдим. Қароқчи сингари прицепа илгагига қараб югурдим, уни машина билан улаб турган металл ўқни суғуриб олиб, четга улоқтирдим ва кабинага ирғиб чиқиб, прицепа ариққа қолдирганимча, машинани юқорига қараб елдек учириб кетдим.

Қандайдир тушуниб бўлмайдиган даҳшатли қўрқув таъқиб этарди мени. Орқамдан келаётган машина назаримда худди изма-из қувиб етиб келаётгандек туюларди. Машинани шунчалик тез ҳайдардимки, азбаройи йўлни ёд билганимдан бирон ерга уриб ҳам олмадим. Агар кўзларимни боғлаб қўйганларида ҳам худди шундай қилган бўлардим.

Тонг отарда довондаги базага етиб келдим. Нима қилаётганимни ўзим ҳам англамай, ақлдан озган кишидек, эшикни мушт билан қоқа бошладим. Эшик ланг очилди, Асалга қарамай, бошдан-оёқ лойга беланганимча уйга кирдим. Энтикканимча аллақандай бир нам нарсанинг устига ўтирдим. Бу курси устига ўйиб қўйилган кир уюми экан. Папирос олиш учун қўлимни чўнтагимга тикқан эдим, қўлимга машина калитлари илинди. Мен уни жаҳл устида кучим борича четга улоқтирдим ва бошим шилқ этиб тушди, уриб пўла қилиб ташлангандек, тинка-мадорим қуриб, шалпайганимча ўтирардим. Кўзларим полда. Стол ёнида Асал ўз оғирлигини яланг оёқларининг дам унисига, дам бунисига солиб турарди. Унга нима ҳам дея олардим? Асал полда ётган калитларни олиб, стол устига қўйди.

— Ювиниб оласизми? Кечқуруноқ сув иситиб қўйганман,— деди у секингина.

Мен бошимни секин кўтардим. Совуқ қотган Асал нозиккина қўлларини кўксига қўйиб, тунги кўйлақда қаршимда турар эди. Унинг қўрқув босган кўзлари ташвиш ва ачиниш билан менга боқарди.

— Довонда прицепни ағдариб юбордим,— дедим бегона товуш билан.

— Қанақа прицеп?— деб сўради у тушунмасдан.

— Темирдан ясалган, яшил рангли, 02—38 номерли! Қанақа бўлса ҳам бари бир эмасми!— деб қичқирдим жаҳл билан.— Ўғирлаб олгандим уни, тушунасанми? Ўғирлаб олгандим.

Асал секингина «вой!» деб юборди-да, каравотга ўтириб қолди.

— Нега?

— Нега бўларди?— унинг ҳадеганда гапга тушунавермагани менинг жигимга тегарди.— Довондан прицеп билан ўтмоқчи эдим! Тушундингми? Ўз фикримни амалда исботламоқчи эдим... Мана энди уйим куйди!

Мен юзимни кафтларим орасига олганча ўтирардим. Иккаламиздан ҳам бир мунча вақт садо чиқмади. Асал шартта ирғиб турди-да, кийина бошлади.

— Нега ўтирибсиз энди?— деди у жиддий қиёфада.

— Нима қилишим керак?— деб ёлдирадим мен.

— Автобазага қайтиб боринг!

— Қандай бораман! Прицепсиз-а?

— У ерда ҳаммасини тушунтириб берасиз!

— Эсингни едингми!— Тарс ёрилиб кетишимга сал қолди, хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа тез-тез юра бошладим.— Қайси юз билан прицепни у ерга судраб бораман? Кечирасизлар мени, хато қилиб қўйдим, дейманми?! Оёқларига бош уриб ялиниб-ёлворгани бораманми? Йўқ, бормайман! Билганларини қилишсин! Ҳаммасига тупурдим!

Менинг бақириқ-чақириғимдан каравотда ётган ўғилчам уйғониб кетиб, йиғлаб юборди. Асал уни қўлига олган эди, бола баттарроқ қичқира бошлади.

— Қўрқоқсиз!— деди Асал секингина, лекин қатъий қилиб.

— Нима-а!— дея ғазабдан ўзимни тутолмай мушт ўқталганча унга ташландим, қўл кўтаришга кўтардим-у, аммо уришга журъат этолмадим. Унинг ҳайратланиб бо-

қиб турган шахло кўзлари мени танг қолдирди. Мен унинг чақнаб турган кўз қорачиқларида ўзимнинг даҳшатли ва буришиб-тиришиб кетган турқимни кўриб турардим.

Уни кўполлик билан бир четга силтаб юбориб, эшик томон шиддат билан бориб, уни тарақлатиб ёпганимча, ташқарига чиқиб кетдим.

Ташқари аллақачон ёришиб қолган эди. Куннинг ёришиб кетгани менга қаттиқ таъсир қилди; кеча бўлиб ўтган ҳамма қилмиш-қидирмишларим менга янада мудҳиш, янада хунук бўлиб кўринар, ўзимни бир умр тузатиб бўлмайдиган хато қилиб қўйгандек ҳис қилардим. Ҳозирча биргина нажот йўли бор бўлиб, бу ҳам бўлса лоақал машинадаги юкни ўз жойига элтиб қўймоқ зарур эди. У ёғига нима қилишни билмайман...

Орқага қайтишда уйга кириб ўтмадим. Асал билан жанжаллашиб қолганимдан эмас. Усиз ҳам мулзам эдим. Ҳеч кимга кўринмасликка ва ҳеч кимни кўрмасликка уринардим. Бошқаларни билмайман-у, бундай ҳолларда ёлғиз бўлишни ва бошимга тушган ташвишни бошқаларга сездирмасликни истардим. Кимга кераги бор бунинг? Агар қўлингдан келса, ҳамма кулфатларинг адо бўлгунча сабр-тоқат қил, чида...

Кечаси йўловчилар тунайдиган уйда тунаб қолдим. Туни билан ухлаёлмай алаҳсираб чиқдим. Тушимда довонда прицепни қидириб юрган эмишман. Унинг излари бормиш-у, ўзи йўқ эмиш. Ҳар томонга зир югуриб, прицеп қаёққа қойиб бўлди, ким олиб кетди, деб сўраб-суриштириб юрганмишман. Мен қайтаётганимда, у ҳақиқатан ҳам ўша бехосият ерда — турган жойида йўқ эди. Фақат излари бор эди, холос. Қайтариб олиб кетишибди. Кейин билсам, прицепни автобазага Алибек судраб келган экан.

Прицеп орқасидан ўзим ҳам эрталаб автобазага етиб келдим. Шу кунлар ичида қорайиб кетибман, кабина ёнига қадаб қўйилган кузатув ойначасига қараб ўзимни ўзим танимай қолдим.

Автобазада ҳаёт одатдагича эди. Фақат менгина, гўё бегона кишилардек, машинани дарвоза томон ийманибгина ҳайдаб келиб, секингина ҳовлига кириб бордим ва машинани гараждан нарироқда, бир чеккада тўхтатдимда, кабинадан чиқмай ўтиравардим. Атрофга кўз югуртириб чиқдим. Одамлар ишларини йиғиштириб қўйишиб,

ҳар томондан менга қараб тикилиб туришарди. Эҳ, қани энди лип этиб қайрилсанг-у, бошинг оққан томонга қочиб қолсанг. Бироқ ҳеч ёққа қочишнинг иложи йўқ эди. Кабинадан чиқишга тўғри келди. Бор жасоратимни тўплаб, ҳовлидан юриб, диспетчерхона томон йўл олдим. Ҳазимни хотиржам тутишга, шахдам қадам ташлашга уринардим, аммо аслда эса саф тортиб турган кишилар олдидан ўтаётган гуноҳкор солдатдек юриб борардим. Ҳамманинг мени ҳўмрайиб кузатиб турганини сезиб турардим. Ҳеч ким мени чақирмади ҳам, мен билан саломлашмади ҳам. Уларнинг ўрнида бўлганимда, эҳтимол, мен ҳам шундай қилган бўлардим.

Остонага қоқилиб кетдим. Гўё юрагим ҳам қоқилиб кетгандек бўлди: эҳ, Хадича ҳақида ўйламабман-у, уни шарманда қилдим! Энди нима дейман унга?

Коридорда нафасимни ростлаб, пешонамдаги терни артдим. Бошимни кўтариб, у ёқ-бу ёққа қарасам, рўпарамда деворий газетамиз «Чақмоқ» саҳифасидаги плакат менга тикилиб турарди. «Уят сенга!» деб йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйилган сўзлар остида тоғ орасида қолдириб кетилган прицеп тасвирланган эди...

Мен тескари ўгирилдим. Юзларим шапалоқ егандек ловиллаб ёнарди. Диспетчерхонага кирдим. Хадича телефонда ниманидир гаплашаётган эди. Мени кўриб гапидан тўхтаб, трубкани жойига осиб қўйди.

— Ма!— деб бадбахт йўлланмани столга отдим.

Хадича ачинган қиёфада менга қаради. Фақат шаллақилик қилиб, йиғлаб юбормаса бўлгани деб ўйладим. «Ҳозир эмас, кейин, бўлак бирор ерда!» деб ёлворардим ичимда. У ҳам мени тушунди, ҳеч нарса демади.

— Шовқин кўтаришдими?— деб сўрадим секин.

Хадича бош ирғаб қўйди.

— Ҳечқиси йўқ!— дедим ғижиниб, унинг руҳини кўтариш учун.

— Сени катта йўлдан олишди,— деди у.

— Олишди? Бутунлайми?— дедим кулимсираган бўлиб.

— Бутунлай олишмоқчи эдилар — ремонтга... Аммо йигитларимиз сенинг ёнингни олишди... Ҳозирча ички рейсларга ўтказишди. Бошлиққа учра, сени чақиртиришган эди.

— Бормайман! Менсиз ўзлари ҳал қилишаверсин. Пушаймон қилмайман...

Мен хонадан чиқдим. Бошимни қўйи солганимча, коридордан аранг чиқиб кетдим. Кимдир менга пешвоз келарди. Мен унга йўл бериб, ўзимни четга олдим. Бу Алибек эди. У мойга беланган қўлларини ҳам артмай гараждан келаётган экан. Мен унинг ёнбошидан ўтиб кетмоқчи эдим, аммо Алибек йўлимни тўсди.

— Йўқ, шошма!— деб мени бурчакка қисди. Кўзларимга тикилиб, ғазаб билан шивирлади:— Хўш, ишлар қалай, азамат? Исботладингми? Итфеъллигингни кўрсатдинг!

— Ишимиз жўнашиб кетсин девдим-да,— деб пўн-ғилладим мен.

— Ёлғон!

— Нима ёлғон!

— Ёлғиз ўзинг шуҳрат қозонмоқчи бўлдинг! Узинг учун тиришдинг! Бироқ муҳим ишни барбод қилдинг. Мана энди, шулардан кейин ҳам прицеп билан юриш мумкинлигини исботлаб кўр-чи! Аҳмоқ! Шуҳратпараст! Эҳтимол, бу сўзлар менинг ўрнимда бошқа одам бўлганида ақлини йиғиб олишга мажбур этармиди, аммо менга энди бари бир эди: ўз фикримни ҳали ҳам исботлаб, мақсадга эришишим мумкинми, йўқми, бунга бепарқ қарардим. Агар мен шу пайтгача ўзимча ич-этимни еб юрган бўлсам, энди шу дақиқадан бошлаб кишиларнинг аччиқ тазйиқларини ва менга нафрат билан қарашларини бутун вужудим билан ҳис қила бошладим. Мен гўё уларнинг кўзига ўзимнинг шон-шуҳратимни орттиришга уринувчи шуҳратпараст бир кимса бўлиб кўринаётган эдим. Ҳақиқатда эса бу мутлақо шундай эмасди. Аммо факт фактлигича қолади.

— Четроқ тур!— деб нарига итардим Алибекни.— Сенсиз ҳам юрагим сиқилиб турибди!

Эшикка чиқдим. Совуқ, изғирин шамол ҳовли саҳнидаги қорни учуриб ййнарди. Одамлар мен томонга кўз қирини ташлашиб, ёнимдан жимгина ўтиб кетишарди. Нима қилиш керак? Маҳкам тугилган муштаримни чўнтагимга тикиб, дарвоза томон юрдим. Музлаб қолган кўлмакчалар оёқ остида ойна сингари чирсиллаб синарди. Оёғимга тавот мойидан бўшаган банкача тўғри келиб қолди. Жоним борича уни дарвозадан кўча томон тепиб юбордим-да, ўзим ҳам ортидан боравердим.

Кун бўйи шаҳарча кўчалари бўйлаб дайдиб юрдим, кимсасиз ҳувиллаб ётган пристанда тентирадим. Иссиқ-

кўлда пўртана қутуриб, қирғоққа боғлаб қўйилган баржалар сув бетида чайқалиб-қалқиб ётарди.

Бир маҳал қарасам, сув транспорти бошқармасининг чойхонасига келиб қолибман. Ёлғиз ўзим дераза ёнига бориб ўтирдим. Олдимда — стол устида оғзи очилган бир шиша ароқ билан тарелкада қандайдир закуска турарди. Биринчи стаканни ичишим биланоқ кайфим тарақ бўлиб, оёғим остига анқов кишилардек термилиб ўтирдим. Менинг кўнглим ҳам зангори тутунга чўмиб, маст-аластларнинг палапартиш гапларига тўлган шу чойхона сингарди хира ва ғаш эди.

— Нега ғамгин кўринасан, йигит!— бехосдан бошим узра кимнингдир ёқимли ва хиёл истеҳзоли овози эшитилди. Бошимни аранг кўтардим. Ёнимда Хадича турарди.

— Ҳа, бир ўзинг ича олмаяпсанми?— деб илжайиб ёнимга ўтирди у.— Қани, бирга ичайлик бўлмаса!

Хадича стаканларга ароқ қуйиб, биттасини менга суриб қўйди.

— Ол!— деди у, гўё биз бу ерга анчайин ўтириш ва ичиш учун келгандек, ғурур билан ҳаёсизларча кўз қисиб.

— Сен нимага суюнъяпсан ўзи?— деб сўрадим норози оҳангда.

— Нима, йиғлайми бўлмаса? Сен турганда менга бошқа нарсанинг кераги йўқ, Илёс! Мен сени сабрли, чидамли деб ўйлаган эдим. Кел, нима бўлса бўлар!— деб секингина кулиб қўйди у ва ёнимга яқинроқ сурилди, қоп-қора нозли кўзларини сузиб, қўлидаги стаканни чўқиштирди.

Биз ичдик. Мен папирос тутатдим. Кўнглим бир оз ёришгандек бўлди: куни бўйи биринчи марта жилмайишим эди.

— Қойилман сенга, Хадича!— дедим ва унинг қўлини қисдим.

Дарвоқе, Хадича ўша кеча жуда очилиб кетган эди.

Кейин кўчага чиқдик. Қош қорайиб қолган эди. Кўл тарафдан эсаётган шўх шамол дарахтларни ва чироқларни тебратиб ўйнарди. Оёқ остимиздаги ер ҳам унга таассуф қилгандек чайқаларди. Хадича қўлтиғимдан тутиб, мени етаклаб борарди; у меҳрибонлик билан ёқамни кўтариб қўйди.

— Мен сенинг олдингда айблиман, Хадича!— дедим ўз гуноҳим ва миннатдорчилигимни яшира олмай.— Аммо шуни билиб қўй— мен сени ҳеч кимга хафа қилдириб қўймайман... Ҳаммасига ўзим жавоб бераман...

— Буларни унутиб юборасан, жонгинам!— деди у.— Ўзинг ҳам тиниб-тинчимангансан-да... Доим қаёққадир елиб югурганинг-югурган. Мен бўлсам сенга ачинаман. Ўзим ҳам илгари шунақа эдим. Ҳаётдан илгарилаб кета олмайсан, ундан насиб қилганини ол... Тақдир билан ўйнашиб нима қиласан...

— Бу ҳар кимнинг тушунчасига боғлиқ!— дея эътироз билдирдим, сўнгра ўйлаб кўриб:— Эҳтимол, сен ҳақлидирсан...— деб қўйдим.

Биз Хадича яшайдиган уйнинг шамолга тескари томонида тўхтадик.

— Мана, уйга ҳам етиб келдим!— деди у.

Мен кетмоқчи бўлардим-у, бироқ у ердан сира жиллолмасдим. Энди иккимиз ўртамизда бир-биримизни боғлаб турувчи қандайдир бир нарса бор эди. Хадичанинг самимийлиги, менга нисбатан ҳамдардлиги ва унинг олдида ўзимни қарздор кишидек сезаётганлигим дарҳол кетишимга йўл бермаётган эди. Бунинг устига, ҳозир ёлғиз қолиб, ётоқхонага боришдан ҳам чўчиётган эдим. Ҳақиқатан у ҳозир жуда очилиб кетган бўлса ҳам, баъзида шундай захар бўлиб қоладики, ундан ўзингни беихтиёр четга тортишга ҳаракат қиласан.

— Нега ўйланиб қолдинг, жонгинам?— деб сўради Хадича.— Чарчадингми, йўлинг олислик қиялпими?

— Ҳечқиси йўқ, бир амаллаб етиб оламан. Хайр.

У қўлимни ушлаб кўриб:

— Вуй-й, музлаб қолибсан-у! Тўхта, иситиб қўяй!— деди-да, қўлимни пальтоси остига яшириб, қаттиқ кўксига босди. Мен қўлимни тортиб олишга, қизнинг бу қайноқ меҳр-муҳаббатига қаршилиқ кўрсатишга журъат эта олмадим. Қўлим остида унинг юраги гўё кўпдан орзиқиб кутиб юрган ўз улушини талаб қилаётгандек дуқиллаб урарди. Ҳа, дарвоқе, мен маст эдим, аммо ҳеч нарсани тушунмайдиган, сезмайдиган даражада учиб қолган эмасдим, албатта. Мен секингина қўлимни тортиб олдим.

— Кетдингми?— деб сўради Хадича.

— Ҳа.



— Хўп, хайр!— деб Хадича хўрсинди-да, қайрилиб, эшик томон тез юриб кетди. Қоронғида эшикнинг тақ этиб ёпилгани эшйтилди. Мен ҳам йўлга тушдим-у, бироқ бир неча қадам юрганимдан сўнг тўхтадим. Бир маҳал қарасам, яна ўша эшикчанинг олдига келиб қолибман, бунинг қандай бўлганини ўзим ҳам билмайман. Эшикни итардим. Хадича мени шу ерда кутиб турган экан. У бўйнимга ташланди, лабларимдан ўпиб, маҳкам қучоқлаб олди.

— Охири қайтдинг-а!— деб пичирлади у, сўнгра кўлимдан ушлаб, уйига етаклади.

Ярим тунда уйғондим, анча вақтгача қаерда эканлигимни билолмай ётдим. Бошим қаттиқ оғрирди. Биз бир каравотда ёнма-ён ётардик. Бадани иллиқина, ярим яланғоч Хадича пинжимга кириб олганди. У елкам узра бир маромда тинчгина нафас оларди. Мен ўрнимдан туриб, дарҳол бу ердан кетмоқчи бўлдим. Сал қимирлаб кўйдим. Хадича кўзлари юмуқлигича мени қучоқлаб олди. У силлиқ, юм-юмалоқ тиззасини кафтимга кўйди.

— Кетма!— деб шивирлади қулоғимга. Сўнгра бошини кўтариб, қоронғида кўзларимга тикилди-да, энтикиб-энтикиб пичирлай бошлади:— Энди сенсиз яшай олмайман! Сен меникисан! Ҳар вақт ҳам меники эдинг! Бошқа ҳеч нарса билмайман, билишни ҳам истайман! Мени севсанг бўлгани, Илёс! Сендан бошқа нарса талаб қилмайман... Аммо сендан воз кеча олмайман, тушуняпсанми, ўз орзуларимдан воз кеча олмайман!..— деб йиғлаб юборди. Унинг кўз ёшлари юзимга юмалаб туша бошлади.

Мен қолдим. Тонгга яқин уйкуга кетдик. Қарасак роса ухлабмиз. Ташқарида кун ёришиб кетган эди. Тез кийиндим, ёқимсиз, ташвишли бир ҳис юрагимни сиқиб нохуш қиларди. Йўл-йўлакай қалта пўстинимни кийиб, шошилиб ҳовлига чиқдим, пўстинимнинг тугмаларини қадарканман, ўзимни лип этиб кўча эшикка урдим. Теварак-атрофга назар ташладим, деворнинг муюлишидан малла ранг тулки тумоқ кийган одам тўппа-тўғри мен томонга келаверди. Эҳ, уни кўргани кўзим, отгани ўқим йўқ-да! Жонтой ишга кетаётган эди, у бу ерга яқин жойда яшарди. Икковимиз ҳам бир лаҳза серрайиб қолдик. Мен ўзимни кўрмаганликка солдим. Шартта бурилдим-да, автобазага қараб кетавердим. Жонтой орқамдан

маънодор йўталиб қўйди. У орқамдан қорни ғарч-ғурч босиб келмоқда эди. Унинг бу шиддатли ғарч-ғурч одимлашида қанчалик заҳархандалик, бировнинг бахтсизлигидан севиниш борлиги равшан англашилиб турарди. Биз то автобазага қадар шу тахлитда олдинма-кейин юриб келдик.

Мен автобазага кираверишдаги йўлакка келганда қадимимни тезлаштирдим ва гаражга бурилмай, тўғри идо-рага қараб кетдим. Коридорнинг бирор ерида тўхтаб, сал нафасимни ростлаб олишим керак эди.

Бош инженернинг кабинетидан одамларнинг гангургунгур овозлари хиёл эшитилиб турарди. Бу ерда одатдагидек эрталабки қисқа йиғин ўтмоқда эди. Агар прицеп воқеаси одамлар хаёлидан кўтарилиб кетган бўлса эди, ҳозир бу ерга жон деб кирган бўлардим. Қани энди мен ҳам кириб дераза тоқчасигами, бошқа ергами чиқиб олиб, оёқларимни чалиштирганча папиросимни чекиб, ҳузур қилиб ўтирсам, ёнимда ўтирган ҳамкасабаларим билан у ёқ-бу ёқдан гаплашсам, эрталабки нарядни эшитсам, шоферларнинг иш соҳасидаги бирор арзимаган нарса юзасидан беғараз сўкишишларини ва тортишувларини тинглаб ўтирсам... Шу пайтгача булар инсон учун шунчалик зарур, шунчалик азиз эканини ҳеч тасаввур этмаган эканман. Гарчи шундай бўлса-да, шоферларнинг тўпланишиб ўтирганларини кўрганимда уларнинг кўзларига кўринишга журъат эта олмасдим. Қўрққанлигимдан эмас, йўқ, қўрқоқлик қилганим йўқ. Мени кўпроқ ўша муваффақиятсизликдан ғазабланиш, умидсизликка тушиш ва улар олдида беҳаёларча кўрсатган ботирлигим, ожиз қайсарлигим ташвишлантираётган, яна буларнинг устига-устак, Хадича билан тасодифан тунаб қолганим мени изтиробга солаётган эди. Одамлар ҳам менинг қилмишимни ҳали-бери унутмайдиганга ўхшайди. Ичкарида худди менинг ҳақимда сўз борарди. Аввал ичкаридан эшитилиб турган гапларга эътибор бермадим. Аммо бирдан кимнингдир ғазаб билан бақириб гапираётган товуши эшитила бошлади:

— Бу қандай бемазагарчилик! Уни судга бериш керак, сизлар бўлсангиз уни хаспўшлаб ўтирибсизлар! Тағин баъзилар уялмай-нетмай, тўғри ўйлабди, деб уни ҳимоя қилишяпти! Ахир, прицепни довонга ташлаб келибди-ку!..

Уни бошқа овоз бўлди:

— Тўғри! Бунақаларнинг кўпини кўрганмиз. Ақл ўргатишга жуда уста. Шухрат орттирмоқчи бўлибди, кўнгли мукофот истаб қолибди. Қаранг, автобазага яхшилик қилмоқчи эмиш! Бироқ ҳаммаси чаппасидан кетди!

Одамлар тортиша бошлади. Ғовур-ғувур зўрайиб, ҳеч нарсани англаб бўлмади қолди. Мен нари кетдим: тирқишдан гап пойлашни ўзимга эп кўрмадим. Йўлланма олиш учун диспетчерхонага қараб йўналдим.

— Мен қазёққа бораман?— деб сўрадим ўша куни навбатчилик қилаётган қиздан.

Ҳозирча мени аввалги жойимда қолдиришибди. Афтидан, ҳали менинг масалам узил-кесил ҳал этилмаган кўринарди.

Коридор бўйлаб орқага қайтдим. Шоферларнинг хонадан гур этиб ташқарига чиқаётганларини эшитиб, қадимимни тезлатдим. Улар ҳамон вағир-вуғур гаплашишарди. Алибек йўл-йўлакай кимгадир қизишиб уқтирарди:

— Прицепга тормозларни ўзимизда ўрнатамиз. Компрессордан шлангани суғуриб ташлаб, ўрнига колодкани жойлаштириш унча қийин иш эмас-ку! Анови Илёсми? Илёс, тўхта!— деб чақирди у мени.

Мен тўхтамай, гаражга қараб кетавердим. Алибек менга етиб олди-да, елкамдан ушлаб тортиди.

— Уҳ, сени қара-я! Тушуняпсанми, ахир ишонтирдим-да! Тайёргарлик қилавер, Илёс! Шерик бўлиб борасанми! Синаб кўрамиз! Прицеп билан!

Менинг дилим ранжиди: мени ёмонотлиқдан қутқармоқчи бўлибди, омадсиз ўртоғини шатакка олар эмиш! Шерик эмиш! Мен унинг кўлини елкамдан силтаб ташладим:

— Прицепингдан ўргилдим!

— Намунча зарда қилсан! Ўзингдан кўр! Мен сенга шунчаки гапирётганим йўқ — биз унча-мунча нарсаларни ўйлаб кўйдик, одамлар билганларини айтишди, қолаверса, довонда ташлаб келган прицепингни ўзим тортиб келганман... Бирон иш чиқиб қолса керак...

— Қилсанг, ўзинг қилавер, мени ўз ҳолимга қўй, бор.

— Қўйсанг-чи, шунча жиннилик қилганинг етар. Ишни ярим йўлда ташлаб кетиш яхши эмас! Ҳа, ростданам, унутаёзибман. Володька Ширяев сенга ҳеч нарса демас дими?

— Йўқ, уни кўрганим йўқ. Нима эди?

— Ия, бу қанақаси бўлди! Қаёқларда юрибсан ўзинг? Асал йўлга чиқиб, ким кўрингандан сени сўрайди, хавотир олиб ўтирибди! Сен бўлсанг!..

Турган еримда оёқларим чалишиб кетди, юрак уришим худди тўхтаб қолаётгандек, ўзимни шу қадар оғир сездимки, ҳатто ўлимимга ҳам минг марта рози бўлдим. Алибек бўлса энгимдан тортиб, ҳамон прицеплар учун ясаладиган қандайдир мосламалар ва яна алланималар ҳақида тушунтирарди. Жонтой бир чеккада қулоқ солиб турарди.

— Ўз ҳолимга қўйсанг-чи?— деб қўлимни тортиб олдим.— Мендан нима керак сенларга! Судга бўлса судга беринглар! Шу ёғи ҳам етар! Ҳеч қандай прицепнинг кераги йўқ менга! Ҳеч кимга шерик ҳам бўлмайман! Тушундингми?

Алибекнинг қовоғи осилди, пешонаси тиришди:

— Ўзинг бошлаб, ўзинг ўт қалаб, энди биринчи бўлиб думингни хода қилиб қочмоқчимисан? Шунақами?

— Қандай тушунсанг, шундай тушунавер!— дедим-да, шартта бурилиб, гараж томон кетдим.

Машина олдига келдим, қўлларим қалтирарди, нима қилишни билмасдим. Нима учундир машина остидаги чуқурга сакраб тушдим-да, сал ўзимни босиб олиш учун териб қўйилган ғиштларга ёнбошладим.

— Менга қара, Илёс!— тепамдан шивирлаган овоз эшитилди.

Бошимни кўтариб қарадим: буниси яна ким бўлди! Тумоқ кийиб олган Жонтой менга айёрона тикилганча чуқур тепасида худди қўзиқориндек чўнқайиб ўтирарди.

— Уни жуда бопладинг-да, Илёс!— деди у.

— Кимни?

— Алибекни-да, активистни! Нақ нишонга урдинг! Дарров нафаси ўчди-қолди, бўлмаса бу новатор қулоқни батанга келтирарди.

— Хўш, сенинг қанчалик ишинг бор?

— Нима ишим борлигини ўзинг ҳам тушуниб турган бўлсанг керак. Биз шоферларга прицепнинг кераги йўқ. Унинг оқибати қандай бўлишини биламиз: бирортаси ишлаб чиқариш нормасини оширади, йўлни қисқартади, кейин ҳаммаларинг ўша илғор даражасига кўтарилинлар дейилади-ю, бироқ юк ташиш учун тўланадиган ҳақни кесиб қоладилар. Хўш, ким ўз чўнтагига зарар келтиришни истайди? Бир кунлик шуҳрат, обрў кимга керак?

Биз сендан хафа бўлаётганимиз йўқ. Ҳа, кўнглинг тўқ бўлсин...

— Биз деганинг кимлар?— деб сўрадим ундан бамай-лихотир бўлишга интилиб. Аммо бирдан босиб келган ғазабдан юрагим сиқилиб кетди:— Машинани шатакка олиб кетаётганимда нега нафасингни чиқармай ўтиб кетганингни энди англадим! Олисни кўзлабсан-у, аммо тумшугинг остидан нарини кўролмабсан, сенингча бошқалар ҳеч нарсани тушунмайди. Ўзингча мени аҳмоқ деб ўйлаяпсан шекилли! Биз деганинг — сенми?— деб сўрадим яна.

— Фақат менгина эмас,— деди Жонтой кўзларини пирпиратиб.

— Ёлғон, мағзай бит! Сени деб қасддан прицеп билан юрганим бўлсин! Танимда жоним бор экан, айтганимни қиламан. Сен билан ана ўшанда гаплашаман. Қани, туёғингни шиқиллатиб қол-чи!

— Ҳай-ҳэй, ҳаддингдан ошма!— деб ўдағайлади Жонтой.— Сенинг ҳам қанақалигингни яхши биламиз... Бироқ ўйлаб кўр... Ановига келсак, давринг келганда юриб қол...

— Ҳе сени!..— деб жаҳл устида қичқириб юбордимда, жони қаҳрим билан жағига туширдим.

У хандақ чеккасида қандай ўтирган бўлса, шундайича орқасига ағанаб тушди. Тумоғи ҳам учиб кетди. Мен хандақдан мушукдек сакраб чиқдим-у, унга ташландим. Аммо Жонтой ўрnidан туриб олганди, у ўзини чеккага олиб қочиб, бутун ҳовлини бошига кўтариб додлай бошлади:

— Безори! Каззоб! Мушт билан қўрқита олмайсан мени! Сенинг ҳам адабингни бериб қўядиган куч топилар! Ҳаддингдан ошма, зараркунанда!..

Ҳар томондан одамлар югуриб кела бошладилар. Алибек ҳам чопиб келди.

— Нима гап? Нега урдинг уни?

— Ҳақиқат учун!— дея баттароқ бақира бошлади Жонтой.— Ҳақ гапни юзига айтганим учун! Прицепни ўғирлаган ҳам ўзи, довонда ағдариб ташлаб кетиб, ишни барбод қилган ҳам ўзи, яна бошқалар виждонан унинг хатосини тузатмоқчи бўлишса, у тумшукқа солади! Энди у бу ишдан манфаатдор эмас, чунки обрў ва шон-шухратни қўлдан бой бериб қўйди!..

Алибек мен томон юрди. Рангида қони йўқ, оппоқ оқариб кетган, ғазабдан тутилиб-тутилиб гапирарди.

— Аблах!— деб кўкрагимдан итариб юборди у.— Алам қилганидан довон учун қасд оляпсанми! Ўйлама, сенсиз, қахрамонларсиз ҳам ишлай оламиз!..

Мен индамай туравердим. Бирон нарсани тушунтириб берадиган ҳолим йўқ эди ҳозир. Жонтойнинг ҳаддан ташқари сурбетларча айтган ёлғон-яшиқ сўзларидан шунчалик изтиробга тушган эдимки, ҳатто бирон оғиз сўз айтолмай қолдим. Уртоқларим менга ўқрайиб туришарди. Жонтой бўлса лабидаги қонни тумоғи билан артиб, ҳамон ўкирарди.

Мен машинага сакраб чиқдим-да, автобазадан ташқарига ҳайдаб кетдим.

Йўлда ичиб олдим. Таъбим жуда хира эди. Ўзимга нисбатан бўлган қаҳру ғазабни бартараф эта олмас ва сўнгги кунларда бўлиб ўтган ҳамма қилмишларимни унута олмас эдим. Асални эсласам, виждон азобида яна қийналардим.

Дастлаб йўл бўйидаги магазинчалардан бирига кириб чиқдим, фойдаси бўлмади, сўнгра йўл-йўлакай яна бир тўхтаб, тўла стаканни паққос урдим. Шундан кейингина сал енгиллашдим. Кўприклар, йўл бўйидаги белгилар ва қаршидан келаётган машиналаргина кўз ўнгимдан лип-лип ўтиб борарди. Кўнглим анча ёришгандек бўлди. «Эҳ!— дея ўйлардим ўзимча.— Бўлганича бўлар. Сенга нима етишмайди, машинангни ҳайдаб юрибсан бўлди-да, Хадичанинг бу ишларга нима дахли бор, сенга у нима ёмонлик қилди, бошқалардан унинг қаери кам? Ёшгина, чиройли, дилбар аёл бўлса. Сени жон-дилидан яхши кўради. Сен учун ҳар нарсага тайёр, сен бўлсанг у ҳақда бўлмағур турли хаёлларга бориб юрибсан. Ахир у билан ўтказган тунинг ёмон бўлдим. Яхшилиқни билмаган аҳмоқ!»

Кечқурун уйга қайтиб келдим. Калта пўстинимни бир кифтимга кийиб олганимча, эшик олдида гандираклар турибман: мен баъзан рулни бошқариш осон бўлсин учун ўнг енгимни ечиб олардим. Бу болалигимдан одат бўлиб қолган, болалар билан тош отиб, кимўзар ўйнаганимизда ҳам шундай қилардим...

Асал кўзи тушиши билан менга отилди. Аммо қай аҳволдалигимни кўриб, қўрқиб, ҳайрон бўлиб туриб қолди.

— Сизга нима бўлди, Илёс?— Сўнгра гап нимада эканлигини англади шекилли:— Вой, нега турибсиз? Чарчадингизми, совуқ қотдингизми? Қани ечининг!— деди.

Асал ёрдамлашмоқчи бўлиб қўлини чўзди, бироқ чурқ этмасдан унинг қўлини ўзимдан нарига суриб қўйдим. Номус қилаётганимни қўполлик билан бекитишга тўғри келди. Қоқиниб-сурилиб борарканман, ниманидир тарақлатиб тепиб юбордим-да, ўзимни гурс этиб стулга ташладим.

— Бирор нарса бўлдими, Илёс?— деди Асал менга яқинлашиб келаркан, маст-аласт кўзларимга ташвиш билан тикилиб.

— Нима, сен ҳали билмайсанми?— деб бошимни қуйи солдим; яхшиси унинг юзига қарамайин. Мен, Асал ҳозир ўпкалаб, тақдирдан нолий бошлайди, деб кутиб турардим. Ўзимни оқламай, ҳар қанча койиса ҳам тинглашга тайёр эдим. Аммо у гўё уйда йўқдек чурқ этмасди. Мен секингина кўз қиримни ташладим. Асал орқасини ўгирганча дераза ёнида турарди. Гарчанд унинг юзини кўрмаётган бўлсам ҳам, изтироб чекаётганини ва кўзларида ёш милтиллаб турганини сездим. Унга жуда раҳмим келиб кетди, юрагим эзила бошлади.

— Биласанми, Асал, мен сенга бир нарсани айтмоқчи эдим,— деб гап бошладим журъатсизлик билан.— Шуни айтмоқчиманки!— нафасим бўғзимга тикилиб ортиқ сўзлай олмадим. Қилган гуноҳимга қирор бўлишга юрагим дов бермади. Йўқ, у мендан буни ҳеч қачон кутмаган, айта олмайман. Унга раҳмим келганди, аммо бекор қилган эканман. Ўша дақиқада ўзимни-ўзим енга олмадим.— Биз, эҳтимол, бу яқин орада сизларникига, овулга бора олмасак керак,— деб гапни бошқа ёққа бурдим.— Кейинчалик вақти-соати билан борармиз... Ҳозир бундан кўра зарурроқ ишлар бор...

— Хўп, майли! Кейинроқ борармиз, шошадиган жойи йўқ!— деди Асал ва кўз ёшларини артиб, олдимга келди.— Ҳозир бу ҳақда ўйламай қўя қолинг, Илёс. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Яхшиси, ўзингизни ўйланг. Жуда ўзгариб қолдингиз. Сизни ҳеч тушуна олмай қолдим, Илёс...

— Хўп, бўпти!— деб унинг гапини бўлдим, юраксизлик қилиб қўйганимдан жаҳлим чиқиб.— Чарчаганман, уйқум келяпти.

Мен ёлғон-яшиқ сўзларни янада кўпроқ гапириб қўймаслик, орадаги соф севги кўзгусига доғ тушириб қўймаслик учун тезроқ ётиб ухлашим керак эди. Асал ҳам уни-муни сўраб бошимни қотириб ўтирмасди. Мен воқеани бир бошдан оқизмай-томизмай айтиб бермоқчи бў-

либ, бир неча бор ҳозирландим-у, бироқ орадан вақт ўтган сари иқрор бўлишдан узоқлаша бордим. Билсам, ҳаммасининг ўз мавруди — вақти-соати бор экан. Кайфим тарқалгач, бўлиб ўтган воқеаларни унга энди ҳеч қачон очиқчасига гапириб бера олмаслигимни тушундим. Нега бундайлигини ўзим ҳам билмасдим.

Орадан бир кун ўтгач, қайтишда довоннинг нариги томонида Алибекни учратиб қолдим. У прицеп билан келаётган экан. Дўлан ишғол этилган эди.

Алибек мени кўра солиб, юриб келаётган ерида кабинанинг ўнг эшигидан сакраб тушди-да, қўл силкий бошлади. Мен тезликни камайтирдим. У йўлда беҳад хурсанд ва ғолибона турарди.

— Салом, Илёс! Бу ёққа чиқ, чекишамиз!— деб қичқирди у.

Мен унга яқинлашиб тормоз бердим. Алибекнинг кабинасида ёшгина йигитча — иккинчи шофер ўтирарди. Машинанинг филдиракларига занжирлар ўраб боғланган. Прицепларда пневматик тормоз. Буни мен дарҳол пайқаган эдим. Бироқ тўхтамадим. Менга жуда алам қилган эди. Уддасидан чиқибсан — қойил! Лекин мени тинч қўй.

— Тўхта, тўхта!— деб Алибек орқамдан югура бошлади.— Ишим бор, тўхта, Илёс! Эҳ, шайтон, сенга нима бўлди?.. Хўп, майли! Ўзинг биласан...

Мен машинани тезлатдим. Қичқирма. Бизнинг бир-биримизда ҳеч қандай ишимиз йўқ. Менинг ишим аллақачон расво бўлган. Яхши қилмадим, энг яқин дўстим Алибекдан ажралдим. Ахир у ҳақ эди, ҳамма нарсада ҳақ эди, буни энди тушуниб етдим. Аммо ўша пайтда менинг қанчалик асабларимни бузган, қанчалик умримни сарфлаган нарсага у алам қиларли даждада жуда тез ва жуда оддий йўл билан эришганлигини кечира олмасдим.

Алибек чуқур мулоҳазали ва жиддий йигит эди. У ҳеч қачон довонга менга ўхшаб партизанлик қилиб бормасди ҳам. Бунақанги ҳаракатлар унинг табиатига ёт эди. Унинг куч-қуввати, эътибори ҳам худди мана шунда эди. У машинани шерик билан бирга ҳайдаб тўғри қилди. Улар машинани йўлда навбатма-навбат ҳайдашлари, довонни янги кучлар билан қўлга киритишлари мумкин эди. Довонда ҳал этувчи нарса — мотор, ирода ва инсон қўллари. Бунинг устига, Алибек билан шеригининг манзилга бориб келишда бекор кетадиган вақти деярли икки марта қисқарар эди. Буларнинг ҳаммасини



у ҳисобга олди, машина компрессоридан прицепга бир вақтда ҳаракат қила оладиган тормоз ўрнатди. У энг оддий нарсани — занжирларни ҳам унутмади, улар билан олдинги фидиракларни танғиб қўйди. Хуллас, у фақат «ура!» қичқириғи билан эмас, балки шай бўлиб, тўла қуролланган ҳолда довонга ҳужум қилди. Ана шу йўсинда Дўландан машиналар прицеплар билан ўтадиган бўлиб қолди.

Алибекдан кейин довондан бошқалар ҳам прицеплар билан юришга кириша бошлашди. Ҳаммаси эмас, албатта, аммо одатдагидек ҳар бир ишда ҳам асосий нарса унинг бошланишида-да, ахир. Бу орада машиналарнинг сони ҳам ортиб қолганди, қўшни автобазадан ёрдам юборишганди. Бир ярим ҳафта давомида кечаю кундуз Тянь-Шань трактида машиналарнинг гувиллаши тинмади. Хуллас, қанчалик оғир, қанчалик машаққатли бўлмасин, бизникилар хитойлик ишчиларнинг илтимосини белгиланган муддатда адо этишди, уларни уялтириб қўйишмади. Мен ҳам кўпчилик қатори ишладим. Буларни, энди, ҳамма ишлар изига тушиб, орадан шунча йиллар ўтиб кетгандан кейингина айтяпман. Ўша қизғин кунларда эса мен эгарда ҳали мустаҳкам ўтира олмас ва ҳаёт отини ҳам унчалик бошқара олмасдим...

Довон ортида Алибек билан учрашганимиздан сўнг автобазага келганимда, кеч кириб қолган эди. Ётоқхонага қараб йўл олдим, аммо йўл-йўлакай марказий кўча томон бурилдим. Яна чойхонага. Ўша кунларда менинг ҳушдан кетгунча ичиб, ўлгудек маст бўлгим, лоақал бир лаҳза бўлса ҳам ҳамма-ҳаммасини унутиб, тошдек қотиб ухлагим келарди. Мен ўзимни зўрлаб бўлса ҳам жуда кўп ичдим, аммо ароқ менга деярли таъсир этмади. Мен чойхонадан баттар хафа бўлиб, ғазабим қайнаб чиқдим. Тун ярмида шаҳарчада дайдиб юрдим ва нима қилаётганимни ўйлаб-пўйлаб ўтирмасдан Береговая кўчасига, Хадичанинг уйига қараб қайрилдим. У ҳам мени кутиб ўтирган экан.

Кейин ҳам аҳвол ана шундай давом этаверди. Мен икки олов ўртасида қолгандим. Кундузлари ишда, автобазада қолган кечаларим эса дарров Хадичаникига югуриб қолардим. Оёғим уникига тортиб турарди, у билан ўзимни хотиржам ва эркинроқ ҳис қилардим. У ерда гўё ўзимдан, одамлардан ва ҳақиқатдан яширингандек бўлардим. Назаримда ёлғиз Хадичагина мени тушунадигандек

ва севадигандек туюларди. Уйимга келганимда эса иложи борица тезроқ жўнаб қолишга ҳаракат қилардим. Асал, азиз Асалгинам! Агар у ўзининг оқ кўнгиллилиги ва софдиллиги билан мени уйдан тобора узоқлаштираётганини билса эди. У шу фазилатлари билан мени тезроқ кетиш учун баҳона топишга мажбур қиларди, чунки унга муносиб эмаслигимни, мен учун у қилган барча нарсаларга ўзимнинг сазовор эмаслигимни кўра-била туриб бу ерда ортиқ тура олмасдим. Мен уйга бир неча бор маст бўлиб келдим. Аммо у бирор марта ҳам таъна қилмасди. Ҳали-ҳалигача унинг менга нисбатан шундай муносабатда бўлганини тушуна олмайман: бўшлиги, иродасизлигиданми, ёки, аксинча, ўта бардошлилиги ва инсонга нисбатан ишончи туфайлими! Ҳа, у албатта менинг ўзимни қўлга олишимни, муваффақиятсизликлар устидан ғолиб келишимни ва яна аввалги ҳолимга қайтишимни кутар, бунга ишонар эди. Аммо ундан кўра мени койигани, бор ҳақиқатни еиждонан айтиб беришга мажбур этгани яхшироқ эди. Эҳтимол, Асал менинг юрагимни ўртаб тирнаётган нарсалар фақат ишдаги кўнгилсизликларгина эмаслигини билганида, мендан жавоб талаб қилган бўлармиди?.. У шу кеча-кундузда менинг ҳаётимда нималар содир бўлаётганини тасаввур эта олмасди. Мен эса унга жуда ачинардим, юрак сирларимни очишни доим галга солардим. Натижада, шу тахлитда иш кўриб, унинг олдида, муҳаббатимиз олдида, оиламиз олдида бажаришим лозим бўлган бурчимни адо этишга улгура олмай қолдим.

Сўнги марта учрашувимизда Асал мени қувонч билан, шавқ-завқ билан кутиб олди. Юзлари гулгун очилиб, кўзлари табассумдан порлар эди. У калта пўстиним ва этигимни ечирмасданоқ тўғри ичкарига судради.

— Буни қаранг, Илёс! Самад энди типпа-тик туряпти!

— Ростданми? Қани у?

— Ҳув ана — стол тагида!

— Полда эмакляб юрибди-ку.

— Мана ҳозир кўрасиз! Қани, ўғлим, қандай туришингни адангга бир кўрсатиб қўй! Қани тур, тура қол, Самад!

Самад ундан нима истаётганликларини тушунгандек бўлди. У стол остидан қувониб эмакляб чиқди-да, каравот ёнида тўхтади, уни ушлаб, зўрға тикка турди. У жилмайиб, нозик оёқларида бир оз каловлаб турди-да, кейин ўшандай жилмайганича гуп этиб полга ўтириб қолди.

Чопиб бориб, уни қучоқлаб олдим-да, баданидан ёқимли сут ҳиди анқиб турган гўдакни бағримга босдим. Худди Асал каби нақадар қадрдон ва азиз эди бу ҳид.

— Секинроқ, Илёс, нафаси қайтиб кетади!— деб Асал қучоғимдан Самадни тортиб олди.— Хўш, энди нима дейсиз? Қани, энди ечининг. У тез кунда каттакон бўлиб қолади, шунда ойиси ҳам ишга боради. Ҳаммаси ўрнига тушади, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, шундаймасми, ўғилчам? Сиз-чи,— деб Асал кулимсираб, маъюс кўзлари билан менга боқди. Мен стулга ўтирдим. У ўзининг мана шу бир оғиз сўзи билан сўнги кунлар ичи айтмоқчи бўлиб юрган, лекин айтолмай юрагида сақлаб келаётган барча гапларини баён этганини пайқадим. Бу сўзларда илтижо ҳам, таъна ҳам, умид ҳам мужассамлашган эди. Мен ўша ондаёқ унга бор гапни сўзлаб беришим ёки тезроқ бу ердан чиқиб кетишим зарур эди. Яхшиси, кета қолай. У беҳад бахтиёр эди ва ҳеч нарсадан шубҳаланмасди. Мен ўрнимдан турдим.

— Мен кетдим,— дедим.

— Қаёққа?— дея сесканиб кетди Асал.— Бугун ҳам қолмайсизми? Лоақал чой ичиб олсангиз-чи.

— Иложим йўқ. Кетишим керак,— деб тўнғилладим мен.— Ўзинг биласан, ҳозир иш жуда қистов...

Йўқ, мени уйдан ҳайдаётган нарса асло иш эмас эди. Ваҳоланки, йўлга эрталаб чиқишим керак эди.

Қоронғида машина ёнига келиб, кабина ўриндиғига ўзимни гурс этиб ташладим ва аламимдан инграб юбордим, моторни юргизиш учун калитни ўз ўрнига тушира олмай, анча вақтгача тимирскилаб ўтирдим. Сўнгра йўлга чиқдим, деразаларда милтиллаб турган чироқлар орқада қолиб, то кўздан ғойиб бўлгунча ҳайдаб бордим. Дарада, кўприкдан ўтишим биланоқ машинани йўлдан четга буриб, бутазорда тўхтатиб, чироқларини ўчирдим. Шу ерда тунашга аҳд қилдим. Чўнтагимдан папирос олдим. Гугурт қутисида биттагина гугурт чўпи қолган экан. У лов этиб ёнди-ю, ўчиб қолди. Папиросни ҳам қутичага қўшиб кабина ойнасидан улоқтириб юбордим, бошимга калта пўстинни тортиб, оёқларимни йиғиштирганимча ўриндиқда букчайиб ётиб қолдим.

Қоп-қоронғи ва баҳайбат тоғлар устида ой хирагина нур сочиб турарди. Дарада шамол ҳазин гувиллар, очилиб турган кабина эшигини у ёқдан-бу ёққа тебратар эди. У шамолда оҳистагина ғижирларди. Кабинада ётар

эканман, ўзимнинг бутунлай яккаю ёлғизлигимни, одамлардан, оиламдан ва автобазадаги ўртоқларимдан ажралиб қолганлигимни ҳали ҳеч қачон ҳозиргидек чуқурроқ сезмаган эдим. Бундан буён бу тахлитда ҳаёт кечириш мумкин эмас эди. Ўзимга-ўзим сўз бердим: сафардан автобазага қайтиб келишим биланоқ, Хадича билан гаплашаман, ундан мени кечиришини, икковимиз ўртамизда бўлиб ўтган ҳамма нарсаларни унутишини илтимос қиламан. Шундай қилсам, виждонан, ҳаққоний ва тўғри иш тутган бўламан.

Бироқ ҳаёт бу фикримни бошқачасига ҳал этди. Мен шундай бўлишини ҳеч қачон ўйламаган ва кутмаган эдим. Орадан бир кун ўтгач, эрталаб довондаги базага етиб келганимда, уйда ҳеч ким йўқ эди. Эшик лангиллаб очилиб ётарди. Дастлаб, Асал бирон ёққа: сувгами, ўтингами чиққан бўлса керак, деб ўйладим. У ёқ-бу ёққа қарадим. Хонада ҳамма нарса ивирсиб ётарди. Олов ёқилмаган, қора печкадан қандайдир ёқимсиз совуқ уриб турар, уй ҳувиллаб ётарди. Самаднинг каравоти ёнига бордим — бўм-бўш.

— Асал!— деб шивирладим даҳшат аралаш. «Асал!» деб шивирлаб акс садо берди деворлар.

Мен эшикка ўқдек отилиб чиқдим.

— Асал!— деб қичқирдим ҳовлида туриб. Ҳеч ким жавоб қилмади. Қўни-қўшнилари мизникига югурдим, бензинколонкага чопиб бордим, ҳеч кимдан аниқроқ жавоб ололмадим. Одамларнинг айтишича, кеча боласини танишлариникида қолдириб, ўзи кун бўйи қаёққадир кетибди ва тунда қайтиб келибди. «У, воқеадан хабар топиб кетиб қолган!»— деган даҳшатли хаёлдан чўчиб кетдим.

Умримда ҳали ҳеч қачон Тянь-Шань тоғларидан машинани ўша, мен учун бахтсиз бўлган кундагидек тез ҳайдамаган бўлсам керак. Мен нуқул қаердадир анови муюлишдан кейин, ёки анови дарада, ёки яна қаердадир йўлда унга етиб оладигандек бўлавердим. Гўё бургутдек парвоз қилиб, кетиб бораётган машиналарни қувиб етардим ва уларга ёнма-ён келиб машинага тормоз берардим-да, кабина ва кузовларга кўз югуртириб чиқиб шоферларнинг сўкиш-койишлари остида машинани яна илгарилаб елдириб борардим. Мен шу вазиятда радиатордаги сув қайнаб кетмагунча уч соатлар чамаси машинани бетўхтов елдек учириб ҳайдадим. Кабинадан сакраб тушдим-да, радиатор устига қор соча бошладим, сўнгра

йўл ёқасидаги пастликдан сув олиб чиққани югурдим. Сувни дарҳол қўйдим. Радиатордан буғ кўтарилар, машина эса пойгадан чиққан отдек уфурарди. Рулга энди ўтирмақчи ҳам эдимки, Алибекнинг қаршидан келаётган автоприцепига кўзим тушиб қолди. Қувониб кетдим. Гарчанд биз гаплашмай, саломлашмай юрган бўлсак ҳам, мабодо Асал уларникида бўлса, бари бир у буни менга айтиши керак-ку. Мен йўлга югуриб чиқиб, қўлимни кўтардим-да:

— Тўхта, тўхта, Алибек! Тўхта!— деб қичқирдим.

Рулни бошқариб бораётган навбатчи йигит Алибекка савол назари билан қаради. Алибек эса хўмрайганича тескари бурилиб олди. Машина тўхтамасдан ўтиб кетди. Машина филдиракларидан кўтарилган қор тўзони орасида қолиб, анча вақтгача қўлимни кўтарганча туриб қолдим. Сўнгра юзимни артдим. Майли, олмоқнинг бермоғи бор-ку, ахир! Бироқ ҳозир ундан хафа бўладиган даражада эмас эдим. Демак, Асал уларникига бормапти. Бу кўнглимни баттарроқ ғаш қила бошлади. У ўз овулига кетган бўлса керак, бошқа борадиган жойи йўқ. У ота-онаси олдига қайси юз билан бордийкин ва нима деди экан уларга?

Тезда овулга жўнашим керак.

Юкни туширгач, автобаза ҳовлисига кириб ўтирмадим. Машинани кўчада қолдириб, ҳужжатларни топшириш учун диспетчерхонага югуриб кетдим. Бораётиб йўлакда Жонтой билан тўқнашиб қолдим. Унинг ёнидан ўтиб кетдим, у бўлса ортимдан жирканч ва ҳаёсизларча тиржайиб қолди.

Ҳаллослаб диспетчерхонанинг туйнукчасига бошимни суқдим-да, Хадичанинг олдига йўлланмани ташладим. У менга ғалати қилиб бир қараб қўйди. Унинг кўзларидан қандайдир безовталиқ ва ўзини гуноҳкор кишидек сезаётганлиги ногоҳ сезилиб кетди.

— Тезроқ олсанг-чи!— дедим мен.

— Бирон нима бўлдимми?

— Асал... уйда йўқ, кетиб қолибди!

— Ростданми?— деди ранглари оппоқ оқариб кетган Хадича ва ўрнидан турди-да, лабларини тишлаб:— Кечир, кечир мени, Илёс! Ҳаммасига мен, мен...— дея бошлади.

— Нимага мен-менлаб қолдинг! Тушунтириброқ гапирсанг-чи, қани айт барини!— деб диспетчерхонанинг эшигига қараб отилдим.

— Буларнинг ҳаммаси қандай бўлганини ўзим ҳам билмай қолдим, гапларим рост, Илёс. Кеча йўлакда турувчи қоровул туйнук эшикчасини тақиллатиб, бир қиз келиб, сени сўраяпти, деди. Қоровул уни бу ерга чақирди-да, ўзи чиқиб кетди. Мен уни дарҳол танидим. У жимгина менга тикилиб қаради: «Шулар ҳаммаси ростми?»— деб сўради. Мен, мен эса довдираб қолиб, кўққисдан: «Ҳа, рост. Ҳаммаси рост. У мен билан бирга!»— деб юборибман. У чўчиб кетиб, туйнукчадан бошини шартта тортиб олди. Мен эса бошимни столга шилқ этиб ташлаганимча, жинниларга ўхшаб: «Меники у! Меники!»— деб хўнграб йиғлаб юбордим. У коридордан югуриб чиқиб кетди, кейин уни кўрмадим... Кечир мени.

— Шошма-шошма. У қаёқдан билдийкин?

— Жонтой айтган. Ўша, у менга ҳам дўқ қилиб юрарди. Унинг аблаҳлигини билмайсанми ахир!

— Биламан. Бироқ у бу гал ҳақиқатни айтибди.

— Сен, Илёс, бор, уни қидириб топ. Мен энди сизларга халақит бермайман. Бирон ёққа бош олиб кетаман...

Машина мени қишки чўл бағридан олиб борарди. Йўлни қалин, кўкимтир муз қоплаб ётарди. Шамол қор уюмларининг ёлларини тараб, ариқ бўйларидаги қорларни қуюн қилиб учуриб, ўзи билан олис-олисларга олиб кетарди. Узоқдаги тоғ этақларида шамолда нураган деворлар ва япроқлари тўкилиб шипшидам бўлиб қолган овул боғлари элас-элас қорайиб турарди.

Колхозга кечқурун етиб келдим. Машинани менга таниш бўлган хонадон олдига келиб тўхтатдим, нафасимни ростлаб олиш учун папирос тутатдим, сўнг унинг қолдигини ўчириб ташладим-да, сигнал бера бошладим. Аммо Асал ўрнига елкасига пўстин ташлаб олган онаси чиқди. Мен кабина эшигини очиб, зинага тушдим ва секингина:

— Салом, опа!— дедим.

— Ҳа-а, сенмидинг!— деб ғазаб билан жавоб қилди у.— Қилар ишни қилиб қўйиб, тагин мени опа дейишга қандай тилинг борди? Йўқол бу ердан, башаранг курсин. Саёк, муттаҳам, лўли? Боламнинг бош-кўзини айлантириб олиб қочибди-да, яна уялмай-нетмай бурнини тортиб келганини қара-я! Беномус! Эл-юрт олдида шармандан шармисор қилдинг...

Кампир оғиз очдиргани қўймасди. У мени оғзига келган аччиқ сўзлар билан тинмай қарғар эди. Унинг бақи-

риқ-чиқариғини эшитиб, қўшни ҳовлилардан эркак-аёллар ва болалар тўплана бошладилар.

— Халойиқни чақирмасимдан, бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол! Башаранг қурсин, турқингни сира кўрмайин!— ғазабга тўлган она пўстинини ерга улоқтириб ташлади-да, менга томон хезлаб кела бошлади.

— Ҳой, яхшиликча жўнаб қол бу ердан!— деди аллақандай бир киши йўлга томон қўлини ишора қилиб дағдаға билан.

Йўлга тушишдан бошқа илож қолмаган эди. Ахир мени Асал ҳатто кўришни ҳам истамагандан кейин, кетиш керак эди-да. Машинамга тош ва таёқлар отила бошлади. Болалар мени овулдан ана шундай ҳайдаб қолишди. Нега шундай қилишди экан? Эҳтимол, улар мени бу кампирни ҳақорат қилиб, хафа қилган деб ўйлашдимикин? Ёки бирон каллакесар деб ўйлашган бўлса керак...

Ўша тун кўл бўйида узоқ дайдиб юрдим. Ой нурида жилоланаётган кўл тўлқин уриб, ўзини қўйишга жой топа олмасди. У, Иссиқкўл, мангу қайноқ кўл! Ўша тун муздек совуқ эдинг, илтифотсизлик билан қарши олган эдинг. Мен тўнтарилиб ётган қайиқ устида ўтирардим. Қирғоқдаги саёзликлар сари ўркак-ўркак бўлиб ёпирилиб келаётган тўлқинлар зарб билан этикларимнинг кўнжига урилар ва пишқириб яна орқага қайтар эдилар.

Сўнг аллаким менга яқинлашиб келди-да, елкамга секингина қўлини қўйди. Бу Хадича эди.

\* \* \*

Бир неча кундан кейин биз бирга Фрунзе шаҳрига жўнаб кетдик, Анорхой дашти яйловларини ўзлаштириш бўйича қидирув ишлари олиб бораётган экспедицияга мен шофер, Хадича ишчи бўлиб ўрнашдик. Мана шундай қилиб янги ҳаёт бошланди.

Экспедиция билан биргаликда Анорхой чўлининг ичкарасига, нақ Балхаш бўйларигача етиб бордик. Агарда ундан ҳам олисларга бориб қолганимизда ҳам, бари бир, орқага қайтмаган бўлардим. Ўтмиш билан алоқани узадиган бўлгандан кейин, бир умрга узмоқ керак.

Дастлабки пайтлар дард-аламимни иш билан енгдим. Иш эса истаганча топиларди. Уч йилдан, ортиқроқ вақт ичида бутун Анорхой даштини кезиб чиқдик, қудуқлар

қазидик, йўллар ўтказдик, йўл устида базалар қурдик. Хуллас, ҳозирги Анорхой баланд-паст адирлардан иборат бўлиб ёвшон билан қопланиб ётган ва ҳатто киши куппа-кундузи адашиб, боши ва оёғи қаёқда эканлигини топа олмай ҳафталаб, ойлаб тентираб юрадиган илгариги ёввойи дашт эмас. Ҳозир у ерлар маданий дам олиш жойлари, уйлар ва қўшарлари бўлган чорвадорлар ўлкасига айланган. Дон экишади, ҳатто чорва учун пичан тайёрлашади. Тўғри, ҳали Анорхойда қўл урилмаган ишлар кўп, биз шоферларни бўлса қўяверинг, уларнинг иши ҳамма вақт бошидан ортиб ётади. Бироқ мен у ердан қайтиб келдим. Ҳали кўп ерлари нообод, одамлар кам яшайдиган даштда яшаш оғирлигидан ёки бўронли қишда, йўлсиз чўлда тентираб юриш қийин бўлганлиги учун эмас. Бу қийинчиликларнинг бари вақтинчалик нарса, албатта. Агар инсон мустаҳкам ўрнашиб олса, чўлни ўзига бўйсундира олади, у ерга ўзи ҳам кўникиб қолади, чўлни ҳам ўзига мослаштира олади. Хадича иккимиз қийинчиликлардан қўрқмасдик, турмушимиз ҳам ёмон эмас эди, бир-биримизни ҳурмат қилардик. Аммо ҳурмат бошқа-ю, муҳаббат бошқа. Агар бири севиб, иккинчиси севмаса, унда бу ҳам, менимча, кўнгилдагидек ҳақиқий турмуш бўлолмайди. Ё инсон ўзи шундай тузилганми, ё фақат мен табиатан шунақаманми, билолмадим, ҳар қалай, менга доимо бир нарса етишмасди, унинг ўрнини иш билан ҳам, дўстлик билан ҳам, сени севгувчи аёлга нисбатан эътибор ва ғамхўрлигинг билан ҳам алмаштириб ёки ўрнини тўлдириб бўлмасди. Мен Асалнинг олдига боришга яна бир бор уриниб кўрмай, шошмашошарлик қилиб кетиб қолганим учун кўпдан бери ичичимдан ўкиниб юрардим. Анорхойда ўтказган кейинги ярим йил мобайнида бўлса Асал ва ўғилчамни соғиниб юрак-бағрим эзилиб кетди. Тунлари ухлай олмай чиқардим. Самаднинг кулиб, нозик оёқчаларида зўрға тик тургани кўзимга кўринаверарди. Унинг илиқ тапти ва гўдакларга хос майин ҳидини гўё бутун умрга сингдириб олгандайман. Қадрдон Тянь-Шань тоғлари, мавжланиб ётган мовий Иссиқкўл, илк ва сўнгги муҳаббатимни топган тоғ этакларидаги жонажон даштлар мени ўзига тортарди. Хадича буларнинг ҳаммасини биларди, бироқ мен уни ҳеч нарсада айбламаганимдек, у ҳам мени бирон нарсада айбламас эди. Нега ҳам айблардик. Биз бирга яшай олмаслигимизни ниҳоят тушунган эдик.



Уша йили Анорхойда баҳор эрта келди. Адирларни қоплаб ётган қорлар тезда эриб, кунлар исиб, ўт-ўланлар кўкара бошлади. Даштга жон кира борди, у иссиқлик ва намликни эмиб буғланиб ётарди. Тунлари ҳаво шиша-дек мусаффо бўлар, осмонда юлдузлар чарақларди.

Биз пармалаш вишкаси ёнидаги чодирда ётган эдик. Ҳар вақтдагидек уйқу келмасди. Кутилмаганда аллақа-ёқлардан паровознинг қичқирган овози зўр-базўр эшитилиб, чўл сукунатини бузди. Унинг бу томонларга қай тарзда етиб келганини айтиш қийин. Қозоқ темир йўли биздан дашт бўйлаб ярим кунлик йўл нарида. Ёки менга бу товуш шунчаки эшитилгандек бўлдими, билолмайман. Бироқ юрагим жиз этиб кетди. У мени йўлга чорларди. Шунда мен:

— Бу ердан кетаман, Хадича,— дедим.

— Тўғри, Илёс. Ажралишимиз керак,— деди у.

Биз ажралишдик. Хадича Шимолий Қозоғистонга, кўриқ ерларга жўнаб кетди. Эҳ, худо, унинг бахтиёр бўлишини чин юракдан истардим. Мен Хадичанинг кўнглидаги одамани топишига, балки ўзи ҳам сезмай-билмай туриб уни излаб юрган йигит билан учрашишига ишонгим келарди. У биринчи эридан ёлчимади. Унга кўнглисиз бўлиб, ажралишиб кетди. Шунингдек мен билан ҳам ўз бахтини тополмади. Агар мен ҳақиқий, чинакам севги нима эканлигини, севиш ва севилишнинг маъносини тўла англаб етмаганимда, эҳтимол, у билан турмуш қуриб кетган бўлар эдимми!.. Дарвоқе, бу шунақанги нарсаки, унинг нега бундай бўлиши керак-у, нега ўзгача бўлиши мумкин эмаслигини изоҳлашга ожизлик қилиб қоласан киши.

Хадичани станциягача олиб бориб, поездга ўтқазиб юбордим ва то орқада қолиб кетмагунимча вагон билан ёнма-ён чопиб боравердим. «Сафаринг хайрли бўлсин, Хадича, орамизда ўтган яхши-ёмонни унут!»— деб шивирлаб қолдим сўнгги марта.

Турналар Анорхой осмонидан жанубга томон учиб борарди, мен эса шимолга, Тянь-Шань томон борардим...

\* \* \*

Манзилга етиб келдим-у, ҳеч қаерда тўхтамасдан, тўппа-тўғри овулга жўнадим. Чамадонимни район меҳмонхонасида қолдирдим. Йўловчи машина ҳам жуда

қулай келиб қолди: у тоққа, геолог-разведкачилар ху-  
зурига кетаётган экан. Мен кузовда борар эканман, ҳеч  
нарсa ҳақида ўйламасликка уринардим, бутун вужудим-  
ни бир вақтда ҳам қўрқинч, ҳам қувонч чулғаб олган  
эди. Биз тоғ этагидаги дашт йўлидан, Асал билан учраш-  
ган ўша қадрдон йўлдан кетаётган эдик. Аммо у энди ил-  
гариги торгина қишлоқ йўли эмас, балки шағал ётқизил-  
ган, бетон кўприклари ва йўл белгиларига эга бўлган кенг  
ва теп-текис кўча бўлиб кетибди. Мен ҳатто аввалги  
оддий йўлчадан асар қолмаганига бир оз ачингандек ҳам  
бўлдим. Машинам тиқилиб қолган ариқни, Асал ўтирган  
ўша харсанг тошни ҳам таниёлмай қолдим.

Овулга етмасданоқ кабина тепасини қоқа бошладим.

— Нима гап?— деб бошини чиқариб сўради шофер.

— Тўхтат, тушаман.

— Ўрта йўлда-я? Ҳозир етамиз-ку.

— Раҳмат! Яқин қолди,— деб машинадан ерга сакраб  
тушдим.— Бу ёғига пиёда бора қоларман.— У менинг қа-  
ёққа ва нега келаётганимни қаёқдан билсин. Пул узат-  
дим.

— Қўй!— деди у.— Шоферлардан — ҳамкасабалар-  
дан олмаймиз.

— Ушла буни, шоферлигим пешонамга ёзиб қўйилга-  
ни йўқ-ку.

— Юриш-туришингдан сезиб турибман.

— Хўп, майли, кетавер бўлмаса, саломат бўл!

Машина йўлга тушди, у ҳовлилар ортидаги кўчага ки-  
риб кўздан ғойиб бўлди. Мен эса эс-ҳушимни йиғиш-  
тиролмай ҳамон йўл устида турардим. Шамолга чап бе-  
риб сигарета тутатдим. Сигаретани лабимга келтирар  
эканман, бармоқларим дир-дир титрарди. Бир неча бор  
босиб-босиб ичимга тортдим-да, сўнгра ғилдирак изига  
ташлаб топтаб, йўлга равона бўлдим. «Мана, етиб ҳам  
кўлдим»— деб ғулдирадим ўз-ўзимга. Бошқа айтадиган  
гапим ҳам йўқ эди. Юрагим фикр-хаёлларимни босиб  
кетмоқчидек гурс-гурс урар, гўё бир нарсани болғала-  
ётгандек қулоғим шанғилларди.

Овул ажабтовур ўзгариб, хийла кенгайиб қолибди,  
янгидан солинган кўпгина шифер томли бинолар пайдо  
бўлибди. Кўчаларга симёғочлар ўрнатилиб, симлар тор-  
тилибди, колхоз бошқармаси биноси олдидаги симёғоч-  
да радио гапирарди. Болалар мактабга чопқиллаб ке-  
тишяпти. Улардан сал каттароқ болалар эса университет-

ни битирган ёш ўқитувчилари билан (бу кўкрагидаги значогидан кўриниб турарди) бир гала бўлишиб, алланималар ҳақида ўзаро гапиришиб боришарди. Эҳтимол, уларнинг орасида менга тош ва таёқлар отиб қолган болалар ҳам бордир. Майли, ҳечқиси йўқ, ўша кезларда ҳали улар ёш бола эмасмиди.

Гарчанд мени бу ерда ҳеч ким танимаса ҳам, биров сезиб қолмасин, деб, кўчанинг бир чеккасидан шошиб борардим.

Мана ўша самбиттолли ва паҳса деворли ҳовли. Тўхтаб, нафасимни ростладим. Қўрқув ва ташвишдан баданим музлаб, кўча эшиги томон қатъиятсизлик билан юриб бсравардим. Тақиллатдим. Қўлида портфель кўтарган қиз чопиб чиқди. Бу — менга тилини кўрсатиб қочган ўша қизча эди. Энди у мактабга борадиган бўлиб қолибди. Қиз шошилиб турарди. У менга ҳайрон бўлиб қаради-да:

— Уйимизда ҳеч ким йўқ!— деди.

— Ҳеч ким йўқ?

— Ҳа, ойим лесхозга меҳмон бўлиб кетди... Дадам тракторларга сув ташияпти.

— Асал-чи, қаерда у?— деб кўрқа-писа сўрадим-у, шу замониёқ оғзим қақраб кетаётганини сездим.

— Асал?— деб ажабланди қиз.— Асал аллақачон кетиб қолган...

— Кейин ҳеч келмадими?

— Ҳар йили поччам билан бирга келади. Ойим уни жуда яхши киши деб мақтайди.

Қиздан бўлак ҳеч нарса ҳақида суриштириб ўтирмадим. У мактабига чопиб кетди, мен эса орқага қайтдим.

Бу янгилик мени шу қадар ранжитдики, унинг кимга ва қачон турмушга чиққани энди менга бари бир эди. Билиб нима ҳам қилдим? Бироқ ўтган йиллар орасида нима учундир Асал бошқа бировга турмушга чиқиб кетгандир деган фикр ҳеч қачон хаёлимга ҳам келмаган эди. Ахир шундай бўлиши ҳам мумкин эди-ку. Ҳеч қандай дом-дараксиз бир неча йиллаб қорамни кўрсатмай кетганимдан кейин, ҳаммани қўйиб мени кутиб ўтирармиди...

Овулдан чиқибоқ, ҳеч қандай машинани кутиб ўтирмасдан, тўғри йўл ёқалаб кетавердим. Агар бирор машина қувиб етганида ҳам уни тўхтатмас эдим. Ҳар қалай бирон ёққа юришим керак эди, қаёққа бўлса ҳам —

дунёнинг нариги чеккасига бўлса ҳам менга бари бир эди энди.

Мен бир вақтлар Асални олиб кетган йўлдан борардим. Аммо йўл бурунгича эмас — яхшилаб шиббаланиб, шағал ётқизилганди. Фақат даштгина илгаригисича: атрофда қоп-қора шудгор-у, ўриб олингандан кейин қолган сарғиш поялар кўзга ташланарди. Бепоён дашт Иссиқкўлнинг нурли ҳошиядек ажралиб турган узоқ қирғоқларини ёриб кириб, тоғ ён бағирларидан тортиб то уфққа қадар ястаниб ётарди. Қорлар эриб, яланғочланиб қолган ер намга тўйиб кўпчиб ётарди. Аллақаяёқларда тракторлар тириллаб, баҳорги шудгорлаш бошлаб юборилганидан дарак берарди.

Роса хуфтонда районга етиб келдим, тунни меҳмонхонада бир амаллаб ўтказдим-да, эрталаб автобазага боришга аҳд қилдим.

Қаёққадир, ўзга ўлкаларга кетишдан энди фойда йўқ эди. Ҳамма орзу-истакларим барбод бўлиб, ҳаммасидан маҳрум бўлган эдим. Энди шунчаки яшаш-у, иш-лашдан ўзга илож қолмаган эди — у ёғи нима бўлишини ким билсин.

Тянь-Шань трактидан машиналар одатдагидек турна қатор тизилишиб у ёқдан-бу ёққа қатнаб турарди, бироқ мен ўзимизнинг автобаза машиналаридан биронтасида кетишни маъқул кўрдим. Мана, таниш машиналардан бири яқинлаб келмоқда. Қўл кўтардим.

Кабинада ўтирган шофер ҳадеганда мени пайқамай қолди. Катта тезлик билан келаётган машина ғизиллаб ўтиб кетди-ю, бироқ шу заҳотиёқ таққа тўхтади. Мен чамадонимни қўлга олдим. Шофёр кабинадан чиқди. Мундай қарасам, полкдошим Эрмак, у стажировкани армияда менинг қўлимда ўтаган эди. Эрмак ўша кезларда ҳали ёшгина йигитча эди. У менга қараб жимгина жилмайиб турарди.

— Танимаяпсанми?

— Сержант... Илёс! Илёс Алибоев!— Ниҳоят эслади у.

— Худди ўзи!— деб илжайдим-у, аммо ўзимга жуда алам қилиб кетди, одамлар зўр-базўр танигандан кейин, жуда ўзгариб кетибман-да.

Биз йўлга тушдик. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб бордик, армияда хизмат қилган йилларимизни эсладик. Ишқилиб, менинг турмушим ҳақида гап очиб, суриштириб қол-

маса бўлгани, деб чўчиб турардим. Аммо Эрмак афтидан ҳеч нарсадан хабарсиздек кўринарди. Мен бир оз тинчландим.

— Уйга қачон қайтинг?— деб сўрадим мен.

— Ишлаётганимга мана икки йил бўлди.

— Алибек Жонтурин қаерда?

— Билмадим. Мен келсам, у кетиб қолган экан. Айтишларича, Помирнинг аллақаеридаги автобазада бош механик бўлиб ишлаётган эмиш...

«Қойилман, Алибек! Қойилман сенга, дўстим! Пухта йигитсан!»— деб ундан беҳад хурсанд бўлдим. Демак, охири ўз мақсадига эришибди-да, у армияда хизмат қилиб юрган кезларидаёқ автомобиль ва йўл техникумида сиртдан ўқиб юрган эди. У институтни ҳам сиртдан тугатишни орзу қилиб юрарди.

— Бошлиқларинг Омонжўловми?

— Йўқ, янги одам. Омонжўлов министрликка кўтарилиб кетди.

— Сенингча қалай, мени ишга олишармикин?

— Нега энди олишмасакан, олишади албатта. Биринчи класс шоферсан, ахир армияда ҳам яхшилар қаторида эдинг-ку.

— Қачонлардир шундай эдим,— деб тўнғилладим мен.— Жонтойни-чи, биласанми уни?

— Бизда унақа одам йўқ. Ҳеч қачон эшитмаганман ҳам.

«Ҳа, автобазада озмунча ўзга, ишлар бўлмапти...»— деб хаёлимдан ўтказдим. Кейин сўрадим:

— Прицеплар билан ишлаш қалай. Довондан олиб ўтпайсизларми?

— Ҳа, бемалол ўтиб юрибмиз,— деди у эътиборсизгина.— Юкнинг қанақалигига боғлиқ. Зарур бўлса тиркаб олишади-ю, кетишаверади. Ҳозирги машиналар жуда бақувват эмасми...

Бу прицеплар менга нақадар қимматга тушганини у билмасди. Анорхой даштида ишлаб юрган кезларимда ҳам бу ҳодиса ҳақида кўп бош қотирардим. Бу ишда биргина мен айбдорманми ёки яна қандайдир бўлак сабаблар ҳам бормикин? Агар бундай ўйлаб қаралса, бу жуда оддий, унча бош қотириб ўтирадиган иш эмас эди. Қанчалик оғир ва қанчалик қийин бўлмасин, Дўландан прицеп улаб ўтиш мумкин эканлиги охири исботланди-ку, эндиликда, агар зарурият туғилиб қолса, бемалол

олиб ўтиляпти-ку. Аммо бари бало шундаки, бирор янгилик ўзининг ишда қўлланилишини талаб этаётгандек, эшигингни қоқиб турган тақдирда ҳам ўз вақтида сезиб ололмаймиз. Нега одамлар менинг таклифимга шунчалик ишончсизлик билан қарашди? Бу таклифни тоғ шароитида амалга ошириш ҳақиқатан ҳам қийинлигидан ташқари, яна бизнинг трассада машиналардан фойдаланиш ва юк ташиш қонун-қоидалари иструкцияси ҳам бор эди, унда довондан прицеп улаб ўтиш ман этилганди. Худо билади, бу иструкция қачон ишлаб чиқилган экан. Эҳтимол урушдан аввал, полуторкаларга мослаб тузилгандир. Бу бечора полуторка прицеп у ёқда турсин, ҳатто ўзи теп-текис йўлдан аранг юрарди. Эндиликда ҳеч қандай иструкциянинг ҳожати йўқ эди. Янги маркали, жуда бақувват замонавий юк машиналари вужудга келди-ю, аммо қоғоздаги нарсалар эса то ҳаётнинг ўзи ўчириб ташламагунча эскилигича сақланиб келаверади. Майли, бу кичкина ва алоҳида бир масала, дейлик, бироқ шунга ўхшаш нарсалар бошқа, янада муҳимроқ ва янада каттароқ ишларда юз бериб қолиши мумкин-ку, ахир. Эндику ўртоқларимнинг юк ортиш станциясидаги беодоблигим учун салкам дўппосламоқчи бўлганларидан хафа эмасман-а. Лекин ўша вақтда худди ана шу нарса менинг жаҳлим чиқиб кетишига ва қизиқ устида ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмай, прицепни довонга олиб кетишимга сабаб бўлган эди-да...

Хуллас, ўзимнинг кадрдон автобазамга қайтдим. Биринчи куни Эрмак ўз уйига таклиф қилди. Яхшигина кутиб олди. Учрашганлигимиз шарафига бир оз ичамиз деди. Аммо мен ичмадим, кўпдан бери ичмасдим, ичиш ниятим ҳам йўқ эди.

Автобазада ҳам яхшигина кутиб олишди. Ишга қабул қилишди, ётоқхонада яшай бошладим. Мени танийдиган ошна-оғайниларимнинг жиғимга тегиб, уни-муни сўраб-суриштиравермаганларидан жуда хурсанд бўлдим. Кўриб турибдиларки, бир кимса қаёқлардадир тентираб юриб, яна ўз ўртоқлари ҳузурига қайтиб келиб, виждонан ҳалол ишляпти — жуда яхши. Ўтган ишни қўзғашнинг нима ҳожати бор? Ўзим ҳам ҳаммасини унутишга, бир умрга унутишга ҳаракат қилардим. Мен бир вақтлар оилам билан яшаб турган ўша довондаги база олдидан ўтиб бораётиб, атрофга назар ташламай, ҳатто бензоколонкадан бензин ҳам олмай, физиллаганимча ўтиб ке-

тардим. У ерда бир дақиқа бўлса ҳам ушланиб қолмаслик учун тўхтамасдан четлаб ўтардим. Аммо бари бир мени ҳеч нарса қутқара олмади, ўзимни-ўзим алдай олмадим.

Автобазага қайтганимга ҳам анча вақт бўлди. Трасса мени ўзига жалб этиб олди, унга яна кўникиб қолдим. Машинани ҳар оҳангга солиб ҳайдардим, моторни барча тезликларда ва баландликларга чиқишда синаб кўрдим. Қисқаси, ўз ишимни билардим ва унга шўнғиб кетдим.

Ўша куни Хитойдан қайтиб келаётган эдим. Бамайлихотир, ҳеч нарсани ўйламай папирос чекиб, руль чамбарагини айлантирганча, ҳар томонга назар ташлаб келардим. Айти баҳор, теварак-атроф кишини ўзига мафтун этарди. У ер-бу ерга ўтовлар тикилаётган эди: чорвадорлар баҳорги яйловларга чиқишаётган эдилар. Ўтовлар узра кўтарилган кўкиш тутунлар кўкка бўй чўзишарди. Шамол безовталаниб кишнаётган от овозини олиб келди. Қўй-қўзилар йўл ёқасида ўтлаб юришарди. Болалик чоғларим эсимга тушиб кетди, кўнглим хиёл ғаш тортди... Кўлга яқинлашиб келганимни биламан, бирдан чўчиб, сесканиб кетдим: оққушлар!

Шу билан ҳаётимда иккинчи марта Иссиқкўлда баҳорги оққушларни кўришим эди. Кўм-кўк Иссиқкўл узра оппоқ қушлар гир айланишиб парвоз қилишарди. Тўғри бораётиб, нимагалигини ўзим ҳам билмай, машинани йўлдан кескин бурдим-да, худди ўтган сафаргидек, қўриқ ерни кесиб, кўлга томон ҳайдай бошладим.

Ў, Иссиқкўл, Иссиқкўл, қирғиз диёрининг сўнмас қўшиғи! Нега мен яна ўша кунни, Асал билан сув бўйида, тепаликда тўхтаган кунни эсладим-а! Ҳа, ҳозир ҳам ҳаммаси аввалгидек: оқ-кўкиш тўлқинлар гўё қўл ушлашиб олгандай саф тортишиб ўркач-ўркач бўлиб, сарғиш қирғоқларга мингашар эдилар. Ётоғига йўл олган қуёш тоғлар ортига аста-секин ботиб бормоқда, этакдаги сувлар эса қонталашгандек қизғиш тусда товланарди. Оққушлар тантанавор чағирлашиб чарх уришарди. Улар бирдан қанот қоқиб юқорига парвоз қилардилар-у, яна қанотларини ёзиб чувиллаб пастга сузиб тушар, сувга тўш уриб, қат-қат ҳалқачалар ҳосил қилардилар. Ҳа, ҳамма ҳаммаси айнан ўша манзаранинг ўзи-ю, аммо ёнимда Асал йўқ эди, холос. Ҳозир қаерларда юрибсан, қизил дуррачали сарв қоматим?

Кўл бўйида алламаҳалгача қолиб кетдим. Кейин автобазага қайтиб келдим, ундан чиқиб, сабр-тоқатим туғаб, кайфиятим тағин бузила бошлади. Юрагимда қўзғалган дард-аламларни босиш учун яна чойхонага бордим. Чойхонадан жуда кеч қайтдим. Атроф қоп-қоронғи, осмонни булут қоплаган эди. Қувурдан отилиб чиқаётгандек дарадан гувиллаб эсаётган кучли шамол қутуриб дарахтлар қадини эгиб-букар, симёғочлардаги симларга урилиб чувиллар ва майда тошчаларни киши юзига келтириб урар эди. Кўл эса чайқалиб тўлғанарди. Мен ётоқхонага зўр-базўр етиб олдим-у, ечиниб ўтирмасдан ўзимни каравотга ташладим.

Эрталаб бошимни кўтара олмасдим, сирқираб оғрирди. Ташқарида юракни сиқувчи қор аралаш ёмғир шивалаб ёғарди. Ишга боришга ҳафсалам келмай, уч соатлар чамаси ағанаб ётдим. Бундай ҳодиса, яъни ҳаттоки, ишнинг ҳам кўнглимга хуш келмаётганлиги ҳаётимда биринчи марта содир бўлаётган эди. Аммо кейин ўзимдан-ўзим уялиб кетдим-у, йўлга чиқдим.

Машина мажоли қуригандек имиллаб борарди, тўғрироғи, ўзимнинг табиатим хира эди. Бунинг устига, ҳаво ҳам айнаган эди. Қаршимдан кабиналари ва бортлари қорга ботган машиналар чиқиб турарди. Демак, довонда қор ёғаётган экан. Майли, ёғса ёғаверсин, менга нима, бўр н туриб бермайдими, менга бари бир, нимадан қўрқаман, нима бўлса бўлар...

Авзойим жуда бузуқ эди. Тепамда турган кўзгучага қараб кўнглим айнаб кетди: соқол-мўйловим ўсиб кетган, худди касалдан тургандек юзларим сўлғин, қоғоғим шишган эд . Йўлда бир оз тамадди қилиб олсам бўларди, эрталабдан бери туз тотганим йўқ, аммо овқатга иштаҳам йўқ бўлса ҳам, ичишдан қочмасдим. Узингга бир марта эрк бердингми, бас, кейин тўхтатиб олиш қийин. Биринчи стакандан сўнг анча тетикланиб, ўзимга келдим. Машина ҳам енгил юриб бораётгандек бўлди. Кейин яна йўлда югуриб кириб юз грамм ичиб чиқдим, кейинроқ бунинг устига яна озроқ отиб олдим. Йўл ғириллаб ортда қолиб борар, ойна тозаловчи чўткалар у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Машина билан жангга кириб бораётгандек эгилиб олиб, оғзимдаги сигаретани чайнардим. Қаршидан келиб, кабина ойналарига кўлмак сувларни сачратиб, ғизиллаб ўтиб кетаётган машиналарнигина кўрардим, холос. Мен ҳам тезликни ошира бордим, кеч кириб



қолган, тоққа келганимда зим-зиё тун эди. Мана шу ерга келганда ароқ ўз кучини кўрсата бошлади. Мадорим қуриб, кўзим тиниб, йўлни кўриш тобора қийинлаша борди. Кабина ичида димиқиб кетдим, кўнглим айнай бошлади. Ҳали ҳеч қачон бунчалик маст бўлмаган эдим. Юзимдан шаррос тер қуйиларди. Ҳзимни машинада эмас, гўё олға томон шиддат билан тун бағрини ёриб бораётган иккала чироқ нурлари ўртасида ўтириб кетаётгандек ҳис қилардим. Нурлар билан биргама-бирга мен ҳам гоҳ ёруғлик тушиб турган чуқурликка зарб билан отилиб тушар, гоҳ титраб-қалтираб қоялар устида ўрмаловчи нурларга тирмашиб юқорига кўтарилар, гоҳ нурлар кетидан қувлаб у ёқдан-бу ёққа югураётгандек бўлардим. Ҳар дақиқа сайин ҳолдан тойиб боравердим. Бироқ ҳар қанча оғир бўлса ҳам тўхтамасдим, чунки рулдан кўлимни уздимми, бас, машинани энди бошқара олмаслигимга ақлим етиб турарди. Ҳша пайтда довоннинг қаерида бораётганимни аниқ эслаёлмайман. Оҳ, Дўлан, Дўлан, Тянь-Шаннинг ҳайбатли бели! Сенда юриш мунчалар мушкул! Айниқса тунда, яна мен сингари кайфи ошган шофер учун!

Машина аллақандай баландликка зўр-базўр кўтарилди-ю, бирданига пастликка, тоғ этагига қараб шўнғиди. Кўз ўнгимда тун гир-гир айланиб, ҳамма ёқ ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Қўлларим энди менга итоат қилмай қўйганди, руль чамбарагидан сирғалиб тушар, тезлик ричагини тутта олмас эди. Борган сари машинанинг тезлиги ошиб, пастга томон учиб борарди. Сўнг алланимага урилди шекилли, тарақа-туруқ, шарақлаган овозлар эшитилди. Чироқлар ўчиб, кўз ўнгимни зим-зиё қоронғилик босди. Қалбимнинг аллақаерида «Мана, аварияга ҳам учрадинг!»— деган фикр ялт этиб кетди.

Шу кўйда қанча вақт ётганлигимни билмайман. Бир пайт қулоғимга пахта тиқиб қўйилгандек бир овоз аранг эшитилди. «Қани ёрит-чи!» Кимнингдир қўллари елкамни, бошимни ва кўкрагимни пайпаслаб кўрди. «Тирик, аммо ўлардек маст»— деди ўша овоз. Бошқаси эса: «Йўлни бўшатиш керак» — деди унга.

— Қани, дўстим, сал сурил-чи, рулни менга бер, машинани четга олайлик!— ҳалиги қўл елкамган секингина туртарди.

Мен инграб, рулдан зўрға бошимни кўтардим. Пешонамдан қон оқарди. Кўкрагим эзилиб шикастланган экан, қаддимни кўтаришга йўл қўймасди. Тёпамдаги киши

гугурт чақиб, юзимга қаради. Сўнгра яна иккинчи марта гугурт чақиб, яна тикилди-да, кўнғир мўйловлари остидан ҳайратланиб жилмайди.

— Дўстим, сенга нима бўлди! Бу қанақаси?— дерди у хафаланиб ғамгин оҳангда қоронғилик орасидан.

— Машина... қаттиқ шикастланибдими?— дедим хирллаб қон аралаш туфлаб.

— Йўқ, унчалик эмас. Фақат бораётиб зарб билан сурилиб кетган-у, кўндаланг бўлиб қолган, холос.

— Ундай бўлса ҳозир жўнаб кетаман, йўлда турмайман!— деб ўзимга итоат қилмай қўйган қалтироқ қўлларим билан моторни юргизмоқчи бўлиб стартерни бошишга уриндим.

— Тўхта!— деб у мени маҳкам қучоқлаб олди.— Майнабозчилик етар. Чиқ бу ёққа. Тонг отгунча ухлаб ол-чи, эртага у ёғини яна кўрармиз...

У мени кабинадан тортиб чиқарди.

— Камол, сен йўл тирбанд бўлиб қолмасдан машинани чеккага чиқариб қўй, кейин нима бўлганини аниқлармиз!— деди у ҳамроҳига, ўзи бўлса қўлларимни бўйнига солиб, қоронғида қаёққадир етаклади. Биз узоқ юрдик, у одам мени жимгина етаклаб борарди, мен иложи борича ўзим юришга ҳаракат қилардим, бироқ тезда толиқиб қолавердим, шунда у одам яна қўлтиғимга кириб етаклашда давом этарди. Шу йўсинда биз аллақандай хонадонга етиб келдик. Бояги киши қўлтиғимдан тутиб туриб, уйга киришимга ёрдамлашди. Кираверишдаги хонада керосин чироқ ёниб турарди. У киши мени табуреткага ўтқазиб, устимдан калта пўстинимни еча бошлади. Шундагина мен унинг юзига қарадим. Уни танидим. Бу йўл тузатувчи уста, довонда машинани шатакка олганимда учрашган ўша Бойтемир эди. Мен жуда уялиб кетдим, лекин шунга қарамай, севиндим ҳам, энди узр сўраб, ташаккур изҳор этмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган ҳам эдимки, шу пайт полга бир нима тарақлаб тушди. Мен қайрилиб қарадим ва елкаларимдан улкан тош босиб тургандек ўрнимдан хиёл кўтарилдим. Остонада, сочилиб ётган ўтинлар олдида тошдек серрайиб қотиб қолган Асал турарди.

— Бу нимаси?— деб пичирлади у. «Асал!»— деб қичқириб юборишимга сал қолди, аммо унинг яқинлашмай, бегона қиёфада тикилиб турганидан оғиз очолмай қолдим. Уят ва номусдан ўт бўлиб ёниб, бошимни қуйи сол-

дим. Хонага бир зум юракни ёриб юборгудек оғир сукунат чўкди. Агар Бойтемир бўлмаганида, билмадим, нима бўларди. У ҳеч нарса бўлмагандек бамайлихотир мени ўрнимга ўтқазди.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, Асал,— деди у хотиржамгина.— Шофер бир озгина шикастланибди, тузалиб кетади... Сен, яхшиси, йод берсанг бўларди бизга...

— Йод?— энди унинг овози ўз ҳолига қайтган, майнлашган ва ташвишли эди.— Йодни қўшнилар олиб кетишган эди... Ҳозир олиб чиқаман!— дея Асал эс-ҳушини йиғиб олди-да, югуриб ташқарига чиқиб кетди.

Мен қимир этмай, лабларимни тишлаганимча ўтираддим. Кайфим тарқаб, бир зумда ҳушимга келиб қолдим. Энди чакка томирларим лўқиллаб ура бошлади.

— Аввал ювиш керак,— деди Бойтемир пешонамдаги шилинган жойларни кўздан кичираркан, кейин челақни кўтариб ташқарига чиқиб кетди. Қўшни хонадан кўйлақчанг, яланг оёқ беш ёшлар чамасидаги бир бола мўралаб қарарди. У ётган жойидан туриб келган бўлса қарак, катта-катта синчков кўзлари билан менга термилиб боқарди. Мен уни дарҳол танидим. Қандай таниганимни ўзим ҳам билмайман, ҳар қалай, ўғлим эканини сездим, қалбим сизди буни.

— Самад!— деб шивирладим кутилмаган учрашувдан овозим бўғилиб ва унга қараб интилдим. Шу пайт остонада Бойтемир пайдо бўлди, мен уни кўриб, негадир бир чўчиб тушдим. Чамаси ўғлимнинг отини атаб чақирганимни эшитиб қолган бўлса керак. Худди ўғирлик устида қўлга тушгандек, ўзимни жуда ноқулай сеза бошладим. Хижолат тортаётганимни сездирмасликка интилиб, пешонамдаги шилинган ерни қўлим билан бекитганимча:

— Бу сизнинг ўғлингизми?— деб сўрадим. Нега шунақа деб савол бердим-а? Бу хатоим учун ўзимни ҳозиргача кечира олмайман.

— Менинг ўғлим!— деди мезбонга хос хушмуомалалик билан Бойтемир. У қўлидаги челақни полга қўйди-да, Самадни кўтариб олди.— Менинг ўғлим, албатта, ўз ўғлим, шундай эмасми, Самад!— дерди у ўғлини ўпиб ва мўйлови билан унинг бўйинларини қитиқлаб эркалаб. Бойтемирнинг овозида ва ўзини тутишида сохталикдан асар ҳам йўқ эди. Унинг барча хатти-ҳаракатлари шунчалик табиий эдики, гўё менинг ўрнимда менинг ролимни адо этаётгандек эди.— Ҳа, тойчоғим, нега ухламаяпсан?

Ҳамма нарсадан хабардор бўлсанг-а, қани, ўрнингга чоп-қилла-чи!

— Ойим қани?— деб сўради Самад.

— Ҳозир келади. Ана келяпти. Бор энди, ўғлим, ухла.

Асал жимгина югуриб кирди ва бизга сергаклик билан тезгина назар ташлаб чиқди-да, йодли шишачани Бойтемирга бериб, ўғлини олиб кетди.

Бойтемир намланган сочиқ билан юзимдаги қонни артди.

— Бирпас чидайсан энди!— деб ҳазиллашди у шилинган жойларимга йод суркаркан ва жиддий суратда:— Бу ишинг учун сени ўтда куйдирса ҳам бўларди-ю, майли, энди, меҳмонимизсан-да... Мана, тамом, қутулдинг, битиб кетади. Асал, бизга чой қўйиб юборсанг бўларди.

— Ҳозир!— деди Асал, ўғлини аллалай туриб.

Бойтемир полга ёйилган кигиз устига икки қават кўрпача солиб, ёстиқ қўйди.

— Бу ёққа ўтиб ўтир,— деди у менга.— Ёнбошла, бир оз дамингни ол...

— Ҳечқиси йўқ, раҳмат!— деб ғўлдирадим мен.

— Ўтир, ўтиравер, ўз уйингдек бемалол ўтиравер!— деб қаттиқ туриб олди у.

Буларнинг ҳаммаси ғўё тушимда бўлаётгандек эди. Мана ҳозир ҳаммаси ошкор бўлади, қани энди ер ёрилса-ю, ерга кириб кетсанг, деган кўрқув ва ташвишдан юрагим тарс ёрилиб кетаёзгандек эди. Чунки мен бу ерга нақадар аянчли аҳволда: маст, ифлос ва қонга бўялган ҳолда келганимни пайқаган эдим. Уф, онам нега туққан экан мени-я!

Асал бизга қарамасликка ҳаракат қилиб, самоварни олди-да, ташқарига олиб чиқиб кетди.

— Мен ҳозир сенга ёрдамлашиб юбораман, Асал!— деди Бойтемир унинг орқасидан. У Асалнинг кетидан энди чиқмоқчи бўлиб турган эди, Самад яна ўрнидан ирғиб турди. Унинг мутлақо ухлагиси йўқ эди.

— Сенга нима бўлди, Самад!— деб меҳрибонлик билан бош чайқади Бойтемир.

— Амаки, сиз тўппа-тўғри кинодан чиқдингизми?— деб сўради ўғлим жиддий, олдимга яқинроқ келиб.

Мен унинг нима ҳақда гапираётганини тушунмадим, Бойтемир бўлса хохолаб кулиб юборди.

— Вой, тентаг-эй,— деб куларди Бойтемир боланинг ёнида чўккалаб ўтирганича.— Тоза ичакларни уздинг-ку.

Биз конга кино кўргани бориб тураемиз!— деди у менга мурожаат қилиб.— У ҳам биз билан бирга боради.

— Ҳа, мен кинодан чиқдим!— деб умумий кулгига кўшилдим.

Аммо Самад қовоғини солиб олди-да:

— Ёлғон!— деди.

— Нега энди ёлғон бўларкан?

— Бўлмаса, анови уришадиган қиличингиз қани?

— Уйга ташлаб келдим...

— Менга кўрсатасизми, амаки? Эртага кўрсатасизми?

— Хўп, хўп, кўрсатаман. Қани, бу ёққа кел-чи, сенинг отинг нима, Самад-а, тўғрими?

— Самад. Сизнинг отингиз нима, амаки?

— Меникими...— дея нафасим ичимга тушиб кетди.— Менинг отим Илёс амаки,— дедим зўр-базўр.

Бойтемир шошиб қолди:

— Сизлар бу ерда гаплашиб ўтира туринглар, биз ҳозир чой қайнатиб келамиз.— У остонада тўхтади.— Сен, Самад, бориб ёт, кеч бўлиб қолди.

— Дада, яна озгина ўтира қолай!— деб ёлворди Самад.

— Ҳа, майли!— деб рози бўлди Бойтемир.

Самад олдимга келди. Мен унинг қўлларини силадим: у менга ўхшарди, жуда ўхшарди. Ҳатто қўллари ҳам, кулгиси ҳам худди меникига ўхшарди.

— Катта бўлганимда қим бўласан?— деб сўрадим мен қандай бўлмасин ўғлимни гапга солмоқчи бўлиб.

— Шофер бўламан.

— Машинада юришни яхши кўрасанми?

— Жудаям... Қўл кўтарсам, ҳеч ким мени машинаси-га чиқармайди...

— Эртага мен сени ўйнатиб келаман. Бўптими?

— Бўпти. Мен сизга ўзимнинг ошиқларимни бераман!— У ошиқларини олиб келиш учун нариги хонага чо-пиб кириб кетди.

Дераза ортида самовар карнайидан ўт чиқиб турарди. Асал билан Бойтемир алланималар ҳақида гаплашишарди. «Самадимизнинг нима деганини эшитганимдами, ичагинг узиларди»— деди Бойтемир қувонч билан тараша ёраётиб. Қизиқ, Асал ҳам айтарли бирон нарса бўлмагандек хотиржамгина жавоб берди: «Ҳа! У шунақа, нимани кўрса, шуни гапираверади!»

Самад архар терисидан ясалган халтачадаги ошиқларни пишиллаб кўтариб келди-да, олдимга сочиб ташлади:

— Танлаб олинг, амаки!— деб у ранг-баранг бўёқларга бўялган ўз бойлигини намойиш қила бошлади.

Мен эсдалик учун биттасини олмоқчи бўлдим-у, аммо журъат эта олмадим. Эшик очилиб, қайнаган самоварни кўтариб Бойтемир кирди. Унинг кетидан Асал кўринди. У чой дамлагунча, Бойтемир бизнинг олдимизга юмалоқ хонтахтани келтириб қўйди-да, дастурхон ёзди. Биз Самад билан ошиқларни йиғштириб, уларни яна халтачага солиб қўйдик.

— Ўз бисотини кўз-кўз қиляпти, ах, мақтанчоқ!— деб севиб тортқилади Бойтемир Самаднинг қулоғидан.

Орадан сал ўтмай биз самовар атрофида ўтириб чой ича бошладик. Биз бир-биримизни гўё ҳеч қачон кўрмагандек ва билмайдигандек ўтирардик. Шунинг учун бўлса керак, ўзимизни хотиржам тутишга, камроқ гаплашишга тиришардик. Фақат Самадгина ўзини эркин тутарди. У Бойтемирнинг тиззасига чиқиб олиб, пинжигга тикилганича бошини сарак-сарак қилиб ўйнардик.

— У-ух, доим мўйловингиз одамни қитиқлайди-я, дада!— деб типирчиларди у ва ўзи унга ёпишиб чаккасини мўйловига тегизар эди.

— Эҳтиёт бўл, чойга куйиб қоласан!— деб огоҳлантирди Бойтемир.

Ҳали бу гўдак атрофида ўтирган биз катталарнинг ҳар биримиз ҳозир ўз ўй-хаёлларимиз билан банд эканлигимизни фаҳмламас эди. Бизнинг тақдиримиз бугун фавқулодда тўқнашиб қолиши кимнинг хаёлига келибди дейсиз. Буларнинг ҳаммаси нима билан тугалланар экан?..

Бошқа одамни «дада» деб эркаланаётган ўз ўғлим билан ёнма-ён ўтириш менга осон дейсизми? Висолида қанчалар азоб ва изтироб чекканим Асал, менинг азиз Асалим рўпарамда ўтирган бўлса-ю, кўзларига тик қарашга жураёт эта олмасам. Қандай қилиб бу ерга келиб қолдикин у. Севиб қолиб турмушга чиқдимикин? Гўё мен унга мутлақо бегона, мутлақо нотаниш кишидек, у ўзини танимасликка солаётган бўлса, мен буни қаёқдан билайин ахир? Наҳотки у мендан шу қадар нафратланган бўлса? Бойтемир-чи? Наҳотки у менинг аслида ким эканлигимни пайқамаётган бўлса? Самад иккимиз бир-биримизга ўхшашимизни наҳотки сезмаётган бўлса? Нега у

довонда машинани шатакка олганимиздаги учрашувимизни ҳатто эсламади ҳам? Ё унутдимикин?..

Уйқуга ётганимизда мен ўзимни янада оғирроқ сездим. Менга шу ернинг ўзига, кигиз устига ўрин солиб беришди. Мен деворга қараб ётардим, чироқ пилиги хиёл гасайтирилган. Асал бўлса идиш-товоқларни йиғиштирмақда эди.

— Асал!— деб чақирди Бойтемир секингина қўшни хонанинг қия очиқ турган эшигидан.

Асал унинг олдига борди.

— Кўйлагини ювиб қўйсанг бўларди,— деди у.

Асал стулдан қонга беланган катак-катак кўйлагимни олди-да, юва бошлади. Бироқ шу заҳотиёқ ювишдан тўхтади. Бойтемир томонга ўтгани эшитилди.

— Радиаторнинг сувини тўкиб қўйдиларингми?— деб сўради у шивирлаб.— Тағин музлаб қолмасин...

— Тўкилган, Камол тўкиб ташлади!— деди Бойтемир ҳам шивирлаб.— Машина деярли лат емаган... Эрталаб ёрдамламашиз...

Мен эса машина ҳақида ўйламабман ҳам: на радиатор ва на мотор кўринарди кўзимга.

Асал кўйлакни ювиб бўлиб, уни печка тепасига ёяр экан, чуқур хўрсиниб қўйди ва чироқни ўчириб, чиқиб кетди.

Уйни қоронғилик қоплади. Ҳаммамизнинг ҳам ухламай ётганимизни сезиб ётардим. Ҳар биримиз ўзимизча ёлғиз ўй-хаёлларимиз билан эдик. Бойтемир ўғли билан бир каравотда ётибди. У нималардир деб Самадни эркалар, уйқусида типирчилаб тепкиланса, кўрпани устига тортиб ёпиб қўяр эди. Асал гоҳо-гоҳо оғир хўрсиниб қўярди. Унинг қоронғида худди ёмғирда қолган тошдек йилтираётган кўзлари менга кўриниб турарди... Улар, балки, ёш билан тўладир. Нима ҳақда, ким ҳақида ўйлаётганикин? Энди у бир эмас уч киши ҳақида қайғуриши керак эди... Эҳтимол, у ҳам худди мен сингари бир-биримизга боғлаб турувчи ўша ўтмиш кунларни, лаззатли ва изтиробли дамларни хотиридан бир-бир ўтказаётгандир. Аммо энди унинг висолига етолмайман, шунингдек унинг ўй-фикрларини ҳам билолмайман. Кейинги йиллар ичида Асалнинг ўзи ҳам, кўзлари ҳам ўзгариб кетган эди... Энди бу кўзлар аввалги, ишонч билан боқиб, меҳр, соддадиллик билан порлаб турувчи ғуборсиз кўзлар эмас эди. Улар вазмин ва жиддийлашган эди. Бироқ Асал мен учун

ҳамон ўша дашт кучоғида яйраб ўсган сарв қоматлигича қолган эди. Унинг ҳар бир хислат, хусусият ва хатти-ҳаракатлари мен учун таниш ва қадрдон эди. Бу эса бир ала-мимни икки қилиб, қалбимни ўртаб тирнарди. Аламимдан ёстиқ бурчагини тишлаганимча ғинг демай ётардим. Тонггача мижжа қоқмадим.

Деразадан кўкда сузиб юрган ой булутлар орасидан ёғду сочар, дам-бадам ўз жамолини кўрсатиб қўярди.

Эрта тонгда Асал билан Бойтемир хўжалик ишлари билан ҳовлига чиқиб кетганларида мен ҳам ўрнимдан турдим. Жўнаш керак эди. Секин одимлаб бориб Самад-ни ўпдим-да, тезда хонадан чиқиб кетдим.

Асал ҳовлида тош ўчоққа ўрнатилган катта қозонда сув иситмоқда эди. Бойтемир ўтин ёрарди. Биз у билан бирга машина томон кетдик. Жимгина папирос чекишиб борардик.

Машина кечаси йўл чеккасидаги бетонли устунчаларга урилган экан. Улардан иккитаси таги-туғи билан қўпори-либ ётарди. Машинанинг чироғи синган, қаноти ва олдинги қисми пачақланган, ғилдирағи бир томонга хиёл қийша-йиб кетганди. Биз буларнинг ҳаммасини лом ва болға билан озми-кўпми тузатдик. Сўнг моторни юргизолмай узоқ вақт азоб чекдик. Мотор доводна музлаб қолган эди. Картерни машъал ёқиб қиздирдик, кейин икки кишилашиб ручкани айлантира бошладик. Елкаларимиз тўқнашиб, кафтимиз ручка дастасини айлантиравериб қизиб кетди, бир-биримизнинг юзимизга илиқ нафасимиз уриларди, иккаламиз ҳам бир ишни бажарар эдик, эҳтимол, ўй-хаёл-ларимиз ҳам бир ердан чиқар.

Моторнинг ўт олиши жуда қийин бўлди. Иккаламиз ҳам ҳансирай бошладик. Шу орада Асал икки челақ иссиқ сув келтирди ва уларни жимгина олдимга қўйди-да, ўзини четга олиб турди. Сувни радиаторга қўйдим. Сўнгра яна Бойтемир билан биргаликда ручкани бир-икки айлантириб юборган эдик, ниҳоят, мотор ишлаб кетди. Мен кабинага ўтирдим. Мотор нотекис, узилиб-узилиб ишларди. Свечаларни текшириш учун Бейтемир капот остига кирди. Шу чоқ пальточасининг тугмалари қадалмаган Самад ҳансира-ганича чопқиллаб келиб қолди ва машина атрофидан ғизиллаб чопа бошлади. Чунки у машинага миниб сайр қилиш иштиёқида эди. Асал уни тутиб олди-да, қўлидан маҳкам ушлаб олганча, кабинанинг ёнига ўтиб турди. У менга таъна қилгандек, шунақа ҳам алам ва ачиниш билан



термилдики, ўз гуноҳимни ювиш ва уларни яна ўзимга қайтариш учун шу дамда лозим бўлса ҳар нарса қилишга тайёр эдим. Мен кабинанинг очиқ эшигидан энгашиб қарадим:

— Асал! Ўғлимизни олиб ўтир! Ўтган галгидек машинага ўтқазиб олиб кетаман, бир умрга олиб кетаман! Ўтир!— деб мотор шовқини остида ёлворардим унга.

Асал ҳеч нима демади, жиққа ёшга тўлган кўзларини жимгина четга буриб, «йўқ» дегандек бош чайқади.

— Ўтирайлик, ойи!— дея унинг қўлидан тортқилади Самад.— Ўйнаб келамиз!

У ўғлини силтаб ташлади ва уни қўлидан қўймай нарига етаклаб кетди. У бошини қуйи солганча атрофга назар ташламай борарди. Самад эса орқага тортқилар, кетгиси келмасди.

— Тайёр!— деб қичқирди Бойтемир капотни ёпиб, кейин асбоб-ускуналарни менга узатди.

Йўлга тушдим. Яна қўлим рулда, яна йўл, тоғ-тошлар, машина мени учуриб олиб кетмоқда, унинг мен билан қанчалик иши бор...

Асал билан ўғлимни довонда ана шу йўсинда топдим, биз шу хилда учрашдик ва ажрашдик. Чегарага бора-боргунча ва қайтишда бутун йўл бўйлаб ўйлаб ўйимга ета олмадим. Чеки-чегараси йўқ ўй-хаёллардан чарчаб кетдим... Энди бу ерлардан бошим оққан томонга қараб бош олиб кетишим керак эди, бу ерда қолишим мумкин эмас эди.

Бунга мен қатъий қарор қилдим, шу хаёллар билан орқага қайтдим. Довондан ошиб ўтдим ва йўл участкасидан ўтиб кета туриб Самадни кўриб қолдим. У йўл ёқасида бир ўғил бола ва ўзидан бир оз каттароқ бир қиз бола билан ўйнаб юрган эди. Улар тошқўрғон ўйнашарди, яъни тошлардан ҳовличалар ва моллар учун қўралар қуришмоқда эди. Эҳтимол, илгарилари ҳам уларни йўл ёқасида кўргандирман-у, аммо таний олмагандирман. Демак, деярли ҳар кун ўғилчамнинг ёнгинасидан ўтиб-қайтиб юрган-имни ўзим пайқамай юрган эканман. Машинани тўхтатдим.

— Самад!— деб чақирдим мен тойчоғимни. Кўргим келиб кетди. Болалар менга қараб чопқиллаб келишди.

— Амаки, бизни машинада ўйнатгани келдингизми?— деб олдимга чопиб келди Самад.

— Ҳа, озгина сайр қилдирмоқчиман сизларни!— дедим мен.

Болалар чувиллашиб, ҳаммаси бирданига кабинага чиқшди.

— Бу бизнинг таниш амакимиз!— деб мақтанарди Самад ўртоқларига.

Мен уларни бир оз сайр қилдиргандек бўлдим. Аммо шу билан ўзимни шу қадар қувноқ ва шу қадар бахтиёр ҳис қилар эдимки, болаларнинг ўзлари ҳам бунчалик ҳузур қилмаган бўлсалар керак. Сўнгра уларни машинадан туширдим.

— Қани энди уйларингга чопинглар!— болалар чопиллаб кетишди. Мен ўғлимни тўхтатдим:

— Шошмай тур, Самад, сенга озроқ гапим бор!— деб уни кўлимга олиб, бошим узра юқорига кўтардим, юзига узоқ тикилиб турдим, сўнгра кўксимга босиб, ўпиб-ўпиб олдим-да, пастга туширдим.

— Қилич қани, олиб келдингизми, амаки?— деди Самад эсига тушиб қолиб.

— Э, ёдимдан кўтарилиб кетибди-ку, ўғлим, энди келаси сафар олиб келаман!— деб ваъда бердим унга.

— Энди эсингиздан чиқармайсиз-а, амаки? Биз бояги жойда ўйнаб юрамиз.

— Яхши, қани энди тезроқ чоп!

Автобазада дурадгорлик устахонасида ёғочдан учта ўйинчоқ қилич ясаб, ўзим билан бирга олиб юрдим.

Болалар ҳақиқатан ҳам мени кутиб туришган экан. Мен уларни машинада яна бир оз айлантирдим. Ўғлим ва унинг ўртоқлари билан дўстлигимиз ана шундай бошланди. Улар менга тез кўникиб қолишди. Узоқдан кўзлари тушиши биланоқ бир-биридан ўзишиб чопиб қолишарди.

— Машина, машинамиз келяпти!— деб қичқиришарди.

Менга яна жон кириб, одам башара бўлиб қолдим. Йўлда кетаётиб руҳим тетик, димоғим чоғ кетар ва ўзим билан бирга қандайдир ноёб ҳис-туйғуларни элтиб борардим. Йўл ёқасида мени ўғлим кутиб турганини билардим. Лоақал бир-икки минут бўлса-да у билан ёнма-ён ўтириш мен учун катта бахт-ку. Энди бутун фикру хаёлим қандай бўлса ҳам ўғлимнинг олдига ўз вақтида етиб бориш ташвиши билан банд эди. Мен ҳамма вақт довондан кундузи ўтишни мўлжаллардим. Илиқ баҳор кунлари эди, болалар доим очиқ далада ўйнаб юришарди. Шунинг учун

ҳам мен уларни кўпинча йўл ёқасида учратардим. Азбаройи шу учунгина яшаётган ва ишлаётгандек туюларди менга: ўзимда йўқ бахтиёр эдим... Аммо баъзан юрагим кўрқувдан орқасига тортиб кетарди. У ёқда, йўл участкасидагилар болаларни машинада ўйнатиб юрганлигимни билишадими-йўқми, билмадим-у, аммо ўғлимнинг мен билан учрашишини ман этишлари, уни йўл ёқасига чиқармай қўйишлари мумкин эди. Мен бундан жуда кўрқардим, Асал билан Бойтемирдан бундай қилмасликларини, лоақал мана шу оний учрашувлардан мени маҳрум этмасликларини дилимдан ялиниб-ёлвориб сўрардим. Аммо бир куни худди шундай бўлди...

Биринчи Май байрами яқинлашиб келмоқда эди, ўғлимга совға қилмоқчи бўлиб, унга ўзи юрар машина — худди меникига ўхшаш юк машиначаси сотиб олдим.

Ўша куни автобазада ўралашиб қолиб, йўлга кечроқ чиққаним учун жуда шошилардим. Эҳтимол, шунинг учун ҳамми кўнглим алланарсани олдиндан сезаётгандек ғаш тортаётган эди, бекордан-бекор ҳаяжонланиб, хавотирланардим. Йўл участкасига яқинлашиб борар эканман, Самаднинг қанчалик хурсанд бўлишини кўз олдимга келтириб, ўроғлиқ ўйинчоқ машинани ёнимга олиб қўйдим. Гарчи унинг бундан кўра яхшироқ ўйинчоқлари бўлса ҳам, бу алоҳида совға — шофер бўлишни орзу қилиб юрган жажжигина болага йўловчи таниш шофернинг совғаси эди. Аммо бу гал Самадни учратолмадим. Болалар усиз чопиб келишди. Мен кабинадан чиқдим:

— Самад қани?

— Уйда, касал бўлиб қолди,— деди бир бола.

— Касал бўлиб қолди? Боши оғрияптими ёки бошқа еримми?

— Йўқ, у касал эмас!— деди билағонлик билан қизча.— Ойиси бу ёққа юбормаяпти!

— Нега?

— Билмайман. Борма деяпти.

Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, кайфиятим бузилди. Мана шу билан тамом, вассалом!

— Ма, олиб бориб бер,— деб ўроғлиқ ўйинчоқни ҳалиги болага узатдим, бироқ шу заҳотиёқ фикримдан қайтдим.— Йўқ, кўя қол.— Ўйинчоқни қайтиб олиб, бошимни қуйи солганимча машина томон кетдим.

— Нега амакимиз бизни машинага чиқармади?— деб сўради бола опасидан.

— Касал бўлиб қолди,— деди опаси қовоғини солиб.

Ҳа, қизча тўғри топганди. Бу хабар мен учун ҳар қандай касалликдан ҳам ортиқ эди. Бутун йўл давомида ўйланиб бордим... Наҳотки Асал мендан шу даража кўнгли қолган бўлса, наҳотки у менга нисбатан шу қадар бағри-тошлик қилса? Мен қанчалик ёмон бўлмай, наҳотки унинг заррача ичи ачимаса! Йўқ, ишонгим келмасди... Асалнинг шу даражага бориши мумкин эмас, бу ерда бошқа бир гап бор... Хўш, нима гап бор? Мен қаёқдан билай... Шу чоғ, ўртоғи айтганидек, ўғлимнинг бир оз тоби қочиб қолган бўлса керак, деб ўзимни-ўзим ишонтиришга уриндим. Нега унга ишонмаслигим керак экан? Ахир, ҳақиқатан ҳам шундай бўлиши мумкин-ку. Мен бунга ўзимни шу даражада ишонтириб қўйган эдимки, кейин бу фикримдан ўзим ҳам чўчиб кетдим. Ўғлимнинг иситмалаб ва алаҳсираб, илондек тўлғаниб ётгани бир-бир кўз олдимдан ўтаверди... Балки бирор ёрдам зарур бўлиб қолар, доридармон келтириш ёки касалхонага олиб бориш керак бўлиб қолар. Ахир улар шаҳарда эмас, довонда яшашади! Жуда қийналиб кетдим. Орқага қайтишга шошилдим, қандай тадбир-чора қўллаш мумкин эканлигини тасаввур эта олмасдим-у, бироқ хаёлимдан биргина нарса ўтарди: тезроқ етиб бориш-у, агар, ўғлим соғ-саломат бўлса, кўриб кўнгилни жойига тушириш. Мен уни учратишимга ишонардим, буни қалбим айтиб турган эди. Худди қасддан қилгандек, бакда ёнилғи тамом бўлиб қолди, машинани довондаги бензоколонка олдида тўхтатишга тўғри келди.

\* \* \*

Ҳикоясининг шу ерига келганда ҳамроҳим Илёс жимиб қолди. Қизиб кетган юзларини кафти билан ишқалаб, чуқур хўрсиниб қўйди-да, қия очилиб турган вагон деразасини охиригача суриб, билмадим, нечанчи марта экан, яна чека бошлади.

Вақт ярим кечадан ошган эди. Биздан бошқа йўловчиларнинг ҳаммаси ухлаб қолишган бўлса керак. Ғилдираклар рельсларга «тақ-тақ» урилиб, ўзларининг тугалмас қўшиғини куйлаб борарди. Деразалар ортидан ёзги тун пардаси ғизиллаб ўтиб турар, станцияларнинг ер бағирлаб ёниб турган чироқлари милт-милт этиб ўтарди. Паровоз елиб бораётиб қаттиқ чинқирди.

— Худди мана шу пайтда сиз менга учраган эдингиз, оға, мен эса сизнинг илтимосингизни бажо келтиролмаган эдим. Энди сизга ҳаммаси аён бўлган бўлса керак,— деб ҳикоясини давом эттираркан, хомушгина жилмайиб қўйди қўшним.— Сиз бензоколонка олдида қолган эдингиз, сўнг «Победа»да мендан ўзиб кетдинглар. Буни кўрган эдим. Айни шу пайт доvon этагига ёмғир ёғиб ўтганди...

Ҳа, машинани қаттиқ ҳаяжон ичида ҳайдаб борардим. Ниҳоят қалб сезгиларим мени алдамаган эди. Самад йўл ёқасида кутиб турарди. У машинани кўриши биланоқ йўлни кесиб чопқиллаб қолди:

— Амаки! Шофер амаки!..

Демак, ўғилчам соғ-саломат! Эҳ, ўзимда йўқ суюниб кетдим, қувончим ичимга сиғмасди!

Мен машинани шартта тўхтатиб, кабинадан сакраб тушиб, ўғлимга пешвоз югурдим.

— Нима бўлди, оғайни, касал бўлиб қолдингми?

— Йўқ, ойим юбормади. Унинг машинасига чиқмагин, дейди. Мен йиғладим,— деб арз қиларди Самад.

— Хўш, ҳозир қандай қилиб келдинг?

— Дадам, агар биров болаларни машинада ўйнатаман деса, кўявер, ўйнатаверсин, деди.

— Ростданми?

— Мен шофер бўламан, дедим...

— Албатта шофер бўласан, бўлганда ҳам қандай де! Биласанми, мен сенга нима олиб келдим?— Мен ўйинчоқ машинани олдим.— Бунга қара, ўзи юрар «ЗИЛ»ча, кичкинтой шоферларга жуда боп машина-да бу!

Бола оғзи қулоғига етиб жилмайди.

— Мен доим, ҳар доим сиз билан бирга машинада юраман-а, амаки?— деб ёлворувчи кўзлари билан термилди менга. Кўнглим бузилиб кетди.

— Албатта, ҳар доим!— деб ишонтирдим уни.— Истасанг, Биринчи Май байрамида шаҳарга бирга борамиз, машинани байроқчалар билан ясатамиз, кейин сени яна олиб келиб қўяман.— Нега мен унга бу сўзларни айтганлигимни, бунга қанчалик ҳаққим борлигини ва айниқса ўз сўзларимга нега бирдан ўзим ҳам ишониб қолганлигимни ҳозир тушунтириш қийин эди. Бу ҳам етмагандек, яна сўзларимга эрк бериб гапиравердим.— Агар ёқса бутунлай меникида қоласан!— дедим ўғлимга жуда жиддий суратда.— Биз кабинада яшаймиз, мен сени доим ўзим билан бирга олиб юраман. Бўптими?

— Бўпти!— жон-жон деб рози бўлди Самад.— Машинада яшаймиз! Кетдик, амаки, ҳозир кетамиз!..

Баъзан катталар ҳам болалик қилиб қўяди. Биз кабинага ўтирдик. Мен ишонқирамай моторни юргиздим, стартерни босдим. Самад жуда хурсанд эди: мени тортқилар, эркаланар, ўриндиқда ирғишларди. Машина қўзғалди. Самаднинг қувончи ичига сиғмасди, тинмай куларди, рулни, қаршисидаги кнопкаларни кўрсатиб алланималар деб бижирлаб гапирарди. Унга қўшилиб мен ҳам хурсанд бўлиб кетдим. Аммо, бирдан эс-ҳушимни йиғиб олдим. Бутун вужудимни иссиқ аланга қоплаб олди: нима қиляпман ўзи?! Машинага тормоз бердим. Аммо Самад тўхтатишга кўнмади:

— Тезроқ, амаки, тезроқ ҳайданг!— дерди у. Боланинг илтижо билан бахтиёр боқишларини қандай қилиб рад эта олардим. Тезликни янада оширдим. Эндигина ғизиллаб учиб бораётган эдикки, йўлга гудрон ётқизиб юрган грейдер кўриниб қолди. Грейдер бурилди-да, смолали суюқликни йўлга ётқизганича бизга томон келаверди, унинг кетидан эса, суюқликлар солинган улкан қозонлар орқасида Бойтемир турган экан. У грабарка билан йўлга ётқизилган гудронни текисламоқда эди. Мен довираб қолдим. Машинани тўхтатмоқчи бўлдим-у, аммо кечиккан эдим: Самад билан аллақанча ерга келиб қолган эдик. Мен бошимни пастроқ эгдим-да, жон-жаҳдим билан газни босдим. Бойтемир ҳеч нарсани сезмай қолди. У бошини кўтармай ишлаб ётган эди: бу ердан ўтиб турган машиналар кам дейсизми? Қайси бирига ҳам қарарди! Бироқ Самад уни кўриб қолди:

— Ана дадам! Амаки, келинг, дадамни ҳам чиқариб оламиз, майлими? Тўхтатинг, дадамни чақираман!

Мен индамасдим. Энди тўхтатишнинг иложи йўқ эди, унга нима дейман ахир? Самад бирдан орқасига қайрилиб қаради, қўрқиб кетди-да, қичқариб йиғлаб юборди:

— Дадамга бораман! Тўхтат, дадамга бораман! Тўхтат, тушаман! О-о-йи-и!..

Муолишдаги қоя орқасига ўтиб машинани тўхтатдим. Ўғлимни овутишга урина бошладим:

— Йиғлама, Самад, йиғлама, қўй! Ҳозир олиб бориб қўяман. Лекин йиғлама!

Аммо қўрқиб кетган бола ҳеч нарсага қулоқ солмасди.

— Йўқ, тушаман! Дадамга бораман! Оч!— деб кабина

эшигига ёпишиб тақиллата бошлади.— Оч, дадамга бораман ҳозир! Оч!

Ана холос, жуда ғалати иш бўлди-ку.

— Йиғламагин-да, ахир!— деб ялиниб-ёлвориб, уни кўндиришга уринардим.— Ҳозир очаман, йиғламасанг бўлгани! Дадангинг олдига ўзим олиб бориб қўяман! Қани туш-чи, кетдик!

Самад ерга сакраб тушди-да, йиғлаганича орқага чопиб кетди. Мен уни ушлаб қолдим:

— Шошма! Ёшингни арт. Йиғлама. Жон ўғлим. йиғламагин! Машинанг қолди-ку, олмайсанми? Мана қара!— Мен шошиб ўйинчоқни олдим-да, қалтироқ қўлларим билан мурватини бураддим.— Қара, сенга қараб чопиб кетяпти, қани тутиб ол-чи!— Машинача йўлда ғизиллаб юриб кетди ва тошга урилди-да, йўл ёқасидаги ариққа чирпирак бўлиб учиб тушди.

— Керак эмас!— деди у ва яна баттарроқ йиғлаб, орқасига қарамай қочиб кетди.

Мен бўлсам данг қотиб қолдим. Томоғимга қайноқ думалоқ бир нарса қадалгандек бўлди. Мен ўғлимга етиб олиш учун яна орқасидан чопдим:

— Тўхтаб тур, йиғлама, Самад! Тўхта, мен сенинг... мен, мен сенинг... ўзинг биласан-ку!— Бироқ давомини айтишга тилим келмасди...

Самад орқасига қайрилиб қарамай чопиб борарди, у муюлишдан ўтиб кўздан йўқолди. Мен қоягача чопиб бсриб, қочиб кетаётган ўғлимнинг орқасидан қараб қолдим.

Унинг йўлда ишлаётган Бойтемир олдига югуриб бсриб, унга ўзини ташлаганини кузатиб турдим. Бойтемир Самаднинг олдида чўққайиб ўтирди-да, уни қучоқлаб бағрига босди. Бола ҳам мен томонга қўрқиб, хавфсираб қараб, унинг бўйнидан қучоқлаб олди.

Бойтемир грабаркасини елкасига ташлаб, Самаднинг қўлидан ушлади. Улар йўл бўйлаб узун-қисқа етаклашиб кетишарди.

Мен қояга суянганимча узоқ турдим, сўнгра орқага қайтдим. Ўйинчоқ машинача олдида тўхтадим. У ариқда тўнтарилиб ётарди. Кўз ёшларим юзимдан оқиб туша бошлади. «Мана, ишнинг пачаваси чикди!»— дедим машинамга, унинг капотини сийпалаб. Моторнинг иссиқ тапти юзимга гуп этиб урилди... Энди ўғлим билан сўнги учрашувимизнинг шоҳиди бўлган машинамга нисбатан ҳам қандайдир меҳр-муҳаббатим ошиб кетган эди...

Илӗс ӳрнидан туриб, эшикка томон юрди.

— Бир оз соф җаводан нафас олай,— деди у.

Мен купеда қолдим. Ёришиб келаётган саҳар осмонинг бир парчаси дераза ортидан оқариб, тебраниб ўтиб борарди. Ғира-ширада симёғочлар лип-лип ўтиб турарди. Чирокни ўчирса ҳам бўларди.

Мен Илӗс билмаган, аммо менга аён бўлган нарсаларни унга айтиб берсаммикин, йўқмикин, деб чалқанча ўйлаб ётардим. Аммо у ҳадеганда купега қайтиб келавермади. «Майли, дам олволсин, эртага айтарман» — деган қарорга келдим. Айтмай яхши қилган эканман, чунки эртасига яна ўйлаб кўриб, бу фикримдан қайтдим.

Мен йўл мастери Бойтемир билан деярли ўша кезларда — Илӗс Асал билан ўғлининг довонда яшаётганлигидан хабар топган чоғларда танишган эдим. Помирда Қирғизистон йўл ишчиларининг ўзаро текшириш ва тажриба алмашиш бўйича делегациясини кутишаётган эди. Шу муносабат билан Тожикистон республика газетаси қирғизистонлик тоғ йўли ишчилари ҳақида очерк ёзиб беришимизни илтимос қилган эди.

Делегация орасида энг яхши йўл мастерларидан бири Бойтемир Қулов ҳам бор эди.

Мен Бойтемир билан танишиш мақсадида Дўланга келдим.

Биз у билан кўққисдан учрашиб қолдик ва бу учрашув мен учун жуда муваффақиятли бўлди. Довонга етай-етай деб қолганимизда автобусимизни қўлида қизил байроқча тутган ишчи тўхтатди. Билсак, йўлда ҳозиргина тоғ ўпирилиши юз бериб, йўл тузатувчилар уни тозалашаётган экан. Мен автобусдан чиқиб, ўпирилиш юз берган жойга қараб кетдим. Тоғ тепасидан пастга қараб тош аралаш ер кўчиб, йўлга қулаб тушибди-да, ўзи билан бирга йўлнинг бир чеккасини тўсиб кўйилган бетон устунчаларни ҳам кўшиб тик қиялик бўйлаб жарликка қараб ўпириб кетибди. Йўлнинг бу қисми тахта қолиплар ёрдамида қайтадан тикланаётган эди. Бульдозер уюлиб қолган тупроқни пастликка суриб туширарди. Бульдозер юролмайдиган жойларни эса ишчилар белкураклар билан тозалаб, шиб-балашарди. Брезент плаш ва кирза этик кийиб олган киши бульдозер билан ёнма-ён юриб, тракторчига йўл-йўриқ кўрсатмоқда эди:



— Хиёл чапроққа бур! Яна бир оз ичкарига! Тахта қолиплар устидан ҳайда! Ҳа, шундай! Тўхта! Орқага!..

Йўл деярли тозаланиб бўлинган эди. Шоферлар иккала томондан тинмай сигнал беришиб, соқчи ишчиларни сўкиб, йўлни очишни талаб қилишарди, аммо плашли киши буларга парво қилмасди. У бульдозерни мўлжалланган ердан юришга ва қолиплар ичидаги тупроқни яхшилаб шиббалашга қайта-қайта мажбур этарди. «Бойтемир деганлари шу бўлса керак. У ўз ишининг кўзини биларкан!»— деган қарорга келдим мен. Ҳа янглишмабман, бу айти шу кишининг худди ўзи экан. Ниҳоят, йўл очилиб, машиналар ҳаракатга тушиб қолишди.

— Сиз нима қилиб турибсиз, автобусингиз кетиб қолди-ку?— деди менга Бойтемир.

— Мен сиз билан учрашгани келдим.

Бойтемир таажжубланмади ҳам. Мен билан оддийгина қўлимни маҳкам қисиб кўришди.

— Меҳмондан қочмаймиз, хурсанд бўламиз.

— Сизда ишим бор эди, Баке,— дедим уни ҳурматлаб. Ўзимни ҳам танитдим.— Йўл тузатувчиларимизнинг Тожикистонга боришидан сизнинг хабарингиз борми?

— Ҳа, эшитувдим.

— Гап бундай, Помирга кетишингиз олдидан сиз билан гаплашиб олмоқчи эдим.

Мен келишдан мақсадимни аста-секин тушунтирар эканман, борган сайин Бойтемирнинг қавоғи осилиб, дағал ва қўнғир мўйловини ўйчан силай бошлади.

— Келганингиз-ку жуда яхши бўлипти,— деди у менга,— лекин Помирга мен бормайман, менинг хусусимда ёзиб ўтиришингизнинг ҳожати ҳам йўқ.

— Сабабини билсак бўладими? Ишлар кўпми? Ёки уйда бирон кори ҳол бўлдимми?

— Иш ҳам етарли, ҳар қалай йўл-да, ўзингиз кўриб турибсиз. Уйда дейсизми?— у папирос ола туриб бир оз жимиб қолди.— Уйда ҳам... албатта, ҳамма оилаларда бўладиганидек озми-кўпми ишлар бор... Аммо Помирга бормайман.

Мен унга ўхшаган йўл тузатувчиларнинг делегация составида боришининг қанчалик муҳим эканлигини тушунтиришга ва кўндиришга киришдим. Аммо Бойтемир кўпроқ ҳурмат юзасидангина менга қулоқ солар эди, мен уни ҳар қанча ташвиқот қилсам ҳам, бари бир кўндира олмадим.

Мен жуда хафа бўлдим ва биринчи галда ўзимдан ўп-каладим. Журналистлик сезгирлигим бу сафар иш бермади, чунки мен унга тўғри ёндашолмагандим. Мен довондан редакциянинг топшириғини ҳам, қўшни республика газетасининг илтимосини ҳам бажара олмай қуппа-қурук кетадиганга ўхшаб қолдим.

—Хўп, майли, Баке, кечирасиз, энди мен кетай. Ҳозир бирор йўловчи машина келиб қолар.

Бойтемир менга осойишта ва сергак кўзларини қадаб, диққат билан тикилди-да, мийиғида кулиб қўйди:

— Шаҳарлик қирғизлар урф-одатларимизни унутиб қўйяптилар-да. Менинг уйим, оилам, дастурхоним ва тунайдиган жойим бор. Мени деб келган экансиз, йўлдан қайтмасдан, бугун уйимга тушиб, эртага кетарсиз. Юринг, мен сизни хотиним ва ўғлимнинг олдига қолдириб қайтай: кўнглингизга олмайсиз, албатта. Қоронги тушмасдан йўлни бир айланиб чиқишим керак. Тезда қайтаман. Ишимиз шунақа...

— Баке!— деб тўхтатдим уни.— Мен сиз билан бирга йўлни айланиб чиқа қолай.

Бойтемир менинг шаҳарлик қиёфамга бир назар ташлаб олди-да, айёрона кўз қисиб қўйди:

— Қалай бўларкан, мен билан бирга кезиб юришингиз сизга ноқулай бўлмасмикин? Масофа узоқ, бунинг устига йўл ҳам яхши эмас.

— Майли, ҳечқиси йўқ,— деб қатъий туриб олдим мен.

Шундай қилиб, биз йўлга тушдик, ҳар бир кўприк ва муюлиш олдида, ўпирилган жойлар ва осилиб турган қоялар қаршисида йўл-йўлакай тўхтаб, уларни кўздан кечириб борардик. Буларнинг ҳаммаси йўл мастерининг зийрак ва ўткир назаридан ўтарди. Биз ўз-ўзидан гапга киришиб кетдик, албатта. Ҳали-ҳалигача қандай қилиб, нима учун, қайси сўзим билан, нима билан ва қай йўсинда Бойтемирнинг ишончини қозонганлигимни ўзим ҳам билолмайман. Азбаройи шу ишончи туфайли у менга ўз тақдири ҳақида ва оиласининг тақдири ҳақидаги қиссани ўзлаб берди.

Фақат эндигина, Илёснинг ҳикоясини охирига қадар тинглаб бўлгач, журналист сифатида омадим жуда ўнгидан келганини тушундим. Зоҳиран хотиржам ва осойишта кўринган Бойтемир ўша кунлари ўзи билан ғам-ғусса, ташвиш ва ўй-хаёлларнинг улкан юкини кўтариб юрар

эди. Қандайдир, тасодифан, кўнглини ёзиш учундир, Бойтемир бир-икки оғиз сўз айтиб юборди-ю, кейин гапини тўхтата олмай, қалбидаги дард-ҳасратлари қўзғалиб, дарё каби ошиб-тошиб кетди...

## 2. ЙЎЛ МАСТЕРИНИНГ ҲИКОЯСИ

Мана сиз, нега Помирга боргингиз йўқ, деб сўрадингиз. Ўзим помирлик қирғизман. Туғилган элим Помир бўлса ҳам, мен бу ёқларда, Тянь-Шанда юрибман.

Жуда ёшлик чоғларимданоқ Помир йўл қурилишида ишлай бошладим. У ёққа комсомол чақирғи билан борган эдим. Қурилиш халқ қурилиши эди, механизмлар етишмасди, иш қанчалик оғир бўлмасин, биз, айниқса ёшлар, иштиёқ билан, ғайрат ва шижоат билан ишлардик. Ғайрат кўрсатмай бўлармиди: асрлар бўйи инсон қадами етмаган Помирга йўл солиняпти-я! Мен зарбдорлар қаторига ўтиб олдим, дам-бадам мукофот ва инъомлар олиб турардим. Буни мақтаниб эмас, шунчаки кези келгани учун айтяпман.

У ерда, қурилишда мен бир қизни учратиб, уни жондилимдан севиб қолдим. Ўзи ҳам жуда чиройли, ақлли қиз бўлиб, қурилишга овулдан келган эди; бу эса ўша пайтларда оддий қирғиз қизи учун катта қаҳрамонлик эди. У ёғини суриштирганда, ўзингиздан қолар гап йўқ, ҳатто ҳозир ҳам қизларнинг ишлаб чиқаришга бориб иш-лашлари унчалик осон эмас — бунга урф-одатларимиз тўсқинлик қилади. Гулбара билан танишганимизга бир йилча бўлди. Йўл қурилиши охирлаб қолган эди. Йўлни ишга солиб юбориш учун ўз кадрларимиз бўлиши зарур эди. Йўл қурилиши ишнинг бир томони, уни биргалашиб, умумий куч билан бажара олиш мумкин, шунинг билан бирга, унга кўз-қулоқ бўлиб, назорат ҳам қилиб туриш керак-да. Бизда Ҳусайнов деган бир ёш инженер бор эди, у ҳозир ҳам йўл соҳасида ишлайди, министр бўлиб хизмат қилмоқда. Биз у билан дўстлашиб қолдик. Менга йўл ишлари курсларига бориб ўқишга маслаҳат берган ҳам шу киши бўлди. Мен ўқишни битириб келгунимча Гулбара кутиб туролмас, уни овулга олиб кетиб қолишар, деб ўйлаган эдим, йўқ, у қайтишимни кутди. Ниҳоят, бирга турмуш қуриб, ўша ерда, йўл участкасида қолиб ишлай

бошладик. Биз жуда аҳил ва бир-биримизга меҳрибон эдик. Шуни ҳам айтиш керакки, айниқса тоғ ва до-всонларда яшовчи йўл тузатувчилар учун мустаҳкам оила— яхши хотин ош-нондек зарур. Мен буни кейинроқ ўз ҳаё-тимда синаб кўрдим. Агар мен ўз ишимни бир умрга жон-дилимдан севиб қолган эканман, бунда хотинимнинг хизмати ҳам оз эмас. Биз қиз кўрдик, кейин иккинчиси дунёга келди, худди шу кезларда тўсатдан уруш бошла-ниб қолди.

Помир йўли шаррос қўйиб берган жаладан кейинги дарё каби чайқалиб, тўлқинланиб кетди. Бутун халқ ана шу дарё сингари пастга томон оқа бошлади — улар армияга кетаётган эди.

Ниҳоят менга ҳам навбат келди. Эрталаб ҳаммамиз бошлашиб уйдан йўл ёқасига чиқдик. Кичкина қизчамни кўлимда кўтариб борардим, каттаси эса баримдан ушлаб олганча ёнма-ён борарди. Гулбарам, бечора Гулбарам! Унинг қўлида менинг сафар халтам, ўзини дадил тутиш-га ва мени ҳам овутиб, тинчитишга уринарди. Аммо ким-сасиз тоғу тошлардаги йўл участкасида икки ёш бола-ю, яна худди ўзига ўхшаш икки қўшни аёл билан қолиш унга нақадар оғир эканлигини бутун қалбимдан сезиб турар-дим. Мен уларни овулга: қариндош-уруғларим олдига жўнатмоқчи бўлдим, аммо Гулбара истамади. Кунимиз-ни бир амаллаб ўтказармиз, сени кутамиз, йўлни ҳам қаровсиз қолдириб бўлмайди-ку, ахир, дерди у. Мен ра-фиқам ва фарзандларим билан сўнгги марта йўл ёқаси-да туриб ҳайрлашдим. Биз Гулбара билан у вақтда ҳали жуда ёш, ҳаётга эндигина қадам қўйган эдик...

Мен сапёрлар батальонига тушдим. Москва остона-ларидagi кўпгина танкка қарши қурилган тўсиқларга менинг ҳам кўлим теккан. Кейин эса Дон ва Висла дарё-ларини кечиб ўтиб, Дунайга қараб кетдик. Уруш майдон-ларидa биз қанчадан-қанча йўллар, кечув жойлари, кўп-риқлар барпо этдик. Қилган ишларимизни санаб санoғига етиб бўлмайди! Баъзан шундай пайтлар ҳам бўлардики, гоҳ муздай сувда титраб-қалтирайсан, гоҳ тутун ва олов ичида ёнасан, атрофингда снарядлар бетиним портлайди, кечув жойларни остин-устун қилади, қанчадан-қанча сдамлар қирилади, тинка-мадоринг қуриб, ўлишингга ҳам минг марта рози бўласан. Бироқ шундай пайтларда тоғ-тошларда яшаб, худди хизрни йўқлагандек мени интизорлик билан кутаётган бола-чақамни эсласам ва

Помирдек жойдан бу ерда, кўприк остида бекордан-бекорга ўлиб кетгани келмаганимни ўйласам, куч-қудратим шу қадар ортиб кетардики, бир-биридан ажралиб кетаётган симларни ҳатто тишларим билан бурардим, ҳаётдан воз кечгим, таслим бўлгим келмасди. Ана шу куч билан Берлин остоналаригача етиб бордим.

Хотиним тез-тез хат ёзиб турарди, яхшиямки почта уларнинг ёнгинасидаги йўлдан ўтарди. У ҳамма нарса ҳақида, шу жумладан йўл ҳақида ҳам батафсил ёзарди — у менинг ўрнимга мастер бўлиб қолган эди. Унга жуда оғир эканлигини билардим: йўл ҳам унча-мунча йўллардан эмас, Помирда-я! Бунинг устига, қўшнилари ҳам дуч келган томонга қараб кўчиб кетишибди.

Қирқ бешинчи йилнинг баҳорига келиб тўсатдан хат келмай қўйди. Фронт почтасида ҳар хил ҳодисалар бўлиши мумкин-ку, деб ўйлаб, ўзимни-ўзим овулардим. Кунлардан бирида мени полк штабига чақириб қолишди. Хўш, гап шунақа, старшина, урушиб бўлдинг, яхши жанг қилдинг, ташаккур ва мукофотлар ҳам олдинг. Энди уйингга қайтасан, у ерда сен ҳозир кўпроқ кераксан. Аммо биринчи навбатда ҳарбий комиссариатга кир, ҳужжатларингни топшир, кейин уйингга жўна... Мен кутилмаган бу хабардан қувониб кетдим, албатта. Ҳатто уйга телеграмма ҳам юбордим.

Мен қадрдон жойларимга етиб келдим. Ҳарбий комиссариатга эса кириб ўтирмадим, улгураман ҳали, қаёққа кочиб кетардим! Уйга! Тезроқ уйга етиб борай! Йўловчи полуторка машина учраб қолди, мен унда Помир йўли бўйлаб жўнаб кетдим.

Қани энди қанотим бўлса-ю, учиб борсам, фронтдаги «студебекер»ларда юриб ўрганиб қолибман, кабинага энгашиб шоферга қичқирардим:

— Тезроқ ҳайда, ошна, шалди роқ аравангни мунча аямасанг! Уйимга кетяпман!

Мана, яқинлашиб ҳам қолдим. Муюлишдан ўтиш билан менинг участкам. Сабр-тоқатим чидамади. Машинанинг юриб кетаётганига қарамай, сакраб тушдим-да, сафар халтамни елкамга ташлаб, югуриб кетдим. Шундай қилсам тезроқ етиб бораман, деб ўйладим. Чопяпман, чопяпман, муюлишдан ҳам ўтдим... Ўтдим-у, ҳеч нарсани таниёлмадим. Гўё ҳамма-ҳаммаси ўз жой-жойида тургандек: тоғлар ҳам ўз ўрнида, йўл ҳам ўша йўл, аммо на уй-жой, на ҳовли ва на бирон тирик жон зоти кўри-

нарди. Фақат тош уюмларигина қалашиб ётарди. Бизнинг ҳовлимиз хиёл четроқда, нақ тоғнинг таккинасида эди. Тоғ этагидаги жойлар жуда тор эди. Тоққа кўзим тушди-ю, дарҳол данг қотиб анграйиб қолдим. Баландликдан қор қатлари кўчиб, ўзи билан бирга йўлда учраган ҳамма нарсани теп-текис қилиб супуриб кетган, гўё ўткир тирноқли темир панжалари билан тоғ ён бағирларини қўпориб, пастликка ағанатиб улоқтирган-у, чуқур ва улқан жарликнинг саҳнини қўш қўшгандек ағдар-тўнтар қилиб ташлаган эди. Хотиним ўзининг сўнгги хатида жуда қалин қор тушганини, сўнгра кутилмаганда ёмғир ёға бошлаганини ёзган эди. Демак, қор уюмини қуламасидан эртaroқ портлатиб, пастга қулатиб юбориш зарур эди, бироқ бу аёл кишининг қўлидан келармиди.

Ана шундай қилиб, оилам билан ҳам учрашдим. Минг бор ўлим билан юзма-юз келиб, тириклайин дўзахга тушиб қайтсам-у, бу ерда бола-чақамдан ном-нишон бўлмаса. Тинка-мадорим қуриб, қотиб турардим. Тоғ-тошларни ларзага келтириб ҳайқиргим, дод дегим келарди-ю, нафасим бўғзимга тикилиб, овозим чиқмасди. Гўё бутун вужудим тошга айланиб қотиб қолгандек эди. Фақат елкамдаги сафар халтамнинг сирғалиб оёғим остига тушиб бораётганини сезиб турардим, холос. Мен уни ўша ерга ташлаб кетдим, унда қизларимга, хотинимга совғалар олиб келган эдим, йўлда гимнастёркамни новвотга айирбошлаб олувдим. Мен турган еримда гўё бирор мўъжизани кутаётгандек узоқ туриб қолдим. Кейин орқамга қайрилдим-да, йўлдан кетавердим. Бир зум тўхтаб, ортимга қайрилиб қарадим: тоғлар сарак-сарак бўлиб тебраниб, бутун оғирликлари билан устимга бостириб келётгандек бўлди. Юрагим қинидан чиқаёзгандек қичқириб юбордим-да, қоча бошладим. Қоч! Бу лаънати жойлардан қоч! Ана шунда даҳшатли овоз билан хўнграб йиғлаб юборган эдим.

Қаёққа ва қай тарзда бораётганлигимни эслаёлмайман, учинчи куни станцияга келиб қолибман. Ғала-ғовур ҳалқ тўлқини ичида адашган кишидек дайдиб юрардим. Номимни атаб бир офицер мени чақириб қолди. Қарасам — инженер Ҳусаинов. Ҳарбий хизматдан бўшаб, уйига қайтаётган экан. Мен бошимга тушган кулфат ҳақида унга икки оғизгина сўзлаб бердим. Энди қаёққа бормоқчисан, деб сўради у. «Ўзим ҳам билмайман» — деб жавоб бердим. Йўқ, деди у, бундай қилиш ярамайди, чидаш керак.

Бир ўзингнинг сандирақлаб юришинга йўл қўймайман. Қани, юр, Тянь-Шанга кетдик, йўлни қуриб тугаллаш керак. У ёғини яна кўрармиз.

Мен бу ерга ана шундай қилиб келиб қолганман. Дастлаб йўлда кўприклар қуриб юрдим. Вақт ўтиб беради, бирор ишнинг бошини тутиш керак эди. Уша кезларда инженер Ҳусайнов министрликда ишлаётганди. У менинг олдимга тез-тез келиб турар ва ҳар келганида аввалги ишимга, участкага йўл мастери бўлиб ўтишга маслаҳат беради. Бунга юрагим дов бермасди. Эсла-сам, юрагим орқага тортиб кетарди. Қурилишда якка ўзим эмасман, кўпчилик билан ишлаш осон бўлади. У ёқда-чи, ким билади, ёлғизликдан юрагим ёрилиб кетса керак. Орадан неча йиллар ўтиб кетди. Бироқ мен ҳамон ўзимни ўнглолмас, бошимга тушган ташвишларни унутолмасдим. Гўё шу билан ҳаётим тамом бўлган-у, бундан бу ёғига ҳеч нарсадан умидим йўқдек эди. Уйланишни хаёлимга ҳам келтирмасдим. Гулбарам ва болаларимни ҳаддан ташқари севар эдим. Ҳеч ким ва ҳеч қачон уларнинг ўрнини боса олмайдигандек туюларди менга. Фақат кун кечириш учунгина ва шунчаки уйланиш эса — иш эмас. Бундан кўра сўққабош бўлиб юрган маъқулроқ.

Ниҳоят, участкага мастер бўлиб боришга қарор қилдим, ишлаб кўраман, агар ёқмаса, яна бирон ёққа кетавераман-да, деб ўйладим. Менга бу ерда довоннинг нақ ўзидаги участкани беришди. Ёмон бўлмади, аста-секин киришиб, кўникиб кетдим. Эҳтимол, бунга участканинг жуда серташвишлилиги сабаб бўлгандир: довон-да, ҳар қанча десангиз ҳам иш топилади. Аммо бу менга оғирлик қилмади, аксинча, яхши бўлди. Вақт ўтиши билан қалбимдаги дард-аламлар сўна бошлади, уларни аста-секин унута бордим. Баъзи-баъзида ўша мудҳиш кун тушимга кириб чиқарди: ўша ер юзидан супурилиб кетган ҳовли қаршида тошдек қотиб, елкамдаги сафар ҳалтамнинг сирғалиб оёғим остига тушиб бораётганини сезиб тураман. Кейин қайрилардим-да, орқамга қараб қайтиб кетардим. Уйғониб кетиб қарасам, кўзимда филт-филт ёш бўлади. Бундай пайтларда саҳардаёқ ўрнимдан туриб, ишга жўнардим, шу кетганимча то тунга қадар уйга қайтмасдим. Шу тариқа мен сўққабош бўлиб қолгандим. Тўғри, аҳён-аҳёнда: «Эҳтимол, ҳали яна бахтли кунларга эришарман» — деган ҳазин ўй хаёлимга келиб қоларди.

Ихоят жуда оғир, изтиробли ва чексиз машаққатли бу бахт мен кутмаган бир пайтда келиб қолди.

Бундан тўрт йилча муқаддам тугаб бораётган қиш кунларининг бирида қўшнимнинг бемор онасини область касалхонасига олиб борган эдим. Қўшнимнинг ўзи бўлса уйдан бўшаб чиқа олмасди. Бир ёқда иш, оила, бир ёқда болалари... Кампирнинг аҳволи эса кун сайин оғирлашиб бормоқда эди. Мен уни врачларга кўрсатишга аҳд қилдим. Шу кун участкамизга йўл бошқармасидан машина келиб қолди. Унда нимадир келтиришган эди. Биз ана ўша машинада область марказига бордик. Кампирни врачларга кўрсатдим. Врачлар кампирни касалхонага ётқизиш керак, ётқизилмаса бўлмайди, деб маслаҳат беришди. Кампир касалхонага биринчи марта тушганидан, ётмайман, деб қайсарлик қилиб туриб олди, ўлсам ўламанки, аммо касалхонада қолмайман, дерди у. Қайтариб олиб кет, бўлмаса қарғишимга қоласан. Шунча қилсам ҳам, уни кўндира олмадим. Яна қайтариб олиб кетишга тўғри келди. Турли-туман дори-дармонлар олиб, орқага қайтдик. Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Автобазанинг довондаги базасидан ўтиб кетдик. Бир пайт шофер машинасини шартта тўхтатди, мен унинг:

— Қаёққа борасиз?— деб сўраётганини эшитдим.

Алланима деб мужмалгина жавоб қайтарган аёл кишининг овози қулоққа чалинди ва унинг нари кетаётган одим шарпаси эшитилди.

— Чиқа қолинг!— деди шофер унга.— Нега ундай қиласиз?— деб машинани унга яқинроқ ҳайдеб борди.

Қўлида бола, тугунча кўтариб олган ёшгина аёл машина бортига яқинлашди. Мен аёлнинг кузовга чиқиб олишига ёрдамлашдим, кабина орқасидаги шамол тегмайдиган пана жойни унга бўшатиб бериб, ўзим бурчакка ўрнашиб олдим.

Биз йўлга тушдик. Кун совуқ, рутубатли шамол эсарди. Бола йиғлай бошлади. Аёл болани овутишга ҳар қанча уринмасин, у сира тинчланадиганга ўхшамасди. Тоза чатоқ бўлди-ку! Кабинага ўтқазай десак, у ерда чала жон кампир ўтирарди. Шунда мен аёлнинг елкасидан секингина туртдим:

— Қани, менга беринг-чи, эҳтимол, тинчиб қолар, ўзингиз сал эгилиброқ ўтиринг, шамол тегмасин!

Мен болани калта пўстиним билан ўраб олдим-да, бағримга босдим. У тинчиб, пишиллаб нафас ола бошла-



ди. Жуда дўмбоқ, ўзиям ўн ойлик чамаси ж.жжигина бола экан. Мен уни чап бағримга олиб ўтирардим. Бирдан юрагим гупиллаб, худди отиб туширилган қуш каби типирчилай бошлади. Нега эканлигини ўзим ҳам билмайман. Қалбим ҳам қайғу, ҳам қувончли туйғуларга тўлган эди. «Эҳ, наҳотки ҳеч қачон оталик бахтига муяссар бўлолмасам-а» — деб ўйлардим мен. Бола эса бағримда иссиққина ётарди. Унга бошқа ҳеч нарсанинг кераги ҳам йўқ эди.

— Уғилми?— деб сўрадим.

Аёл бош ирғаб қўйди. Кўриб турибман, бечора совқотиб қолган, эғнида юпқа пальто. Мен бўлсам қишда ҳам калта пўстин устидан плаш кийиб юраман: бизнинг иш шароитимизда бусиз мумкин эмас. Болани бир қўлимда ушлаб туриб, унга иккинчи енгимни чўздим:

— Плашимни ечинг. Бунақада шамоллаб қоласиз.

— Йўғ-э, қўйинг, овора бўлманг,— деб кўнмади у.

— Тортинг, тортаверинг!— деб туриб олдим мен.— Ёпиниб олинг.

У плашга ўралиб олди, шамол кирмасин деб этакларини оёғи остига қистириб қўйдим.

— Бир оз исидингизми?— деб сўрадим мен.

— Ҳа, исидим.

— Йўлга намунча кеч чиқдингиз?

— Шундай бўлиб қолди,— деди у оҳистагина.

Шу пайт биз дарадан кетаётган эдик. Бу ерда кончилар посёлкаси жойлашган эди. Ҳамма уйқуга кетган, деразаларда биронта чироқ кўринмасди. Итлар вовиллаб машина кетидан чопишарди. Шунда бирдан, бу аёл қаёққа бораркин, деган фикр хаёлимга келди. Мен, нима учундир, у конга келаётган бўлса керак, чунки у ёқда борадиган жой йўқ, доvon, ундан кейин эса бизнинг участка, деб ўйлардим ўзимча.

— Сиз етган бўлсангиз керак?— дедим унга ва кабинани тақиллатдим.— Биз ҳам етай деб қолдик, доvonга келяпмиз. Машина нарига бормайди.

— Бу ер қанақа жой?— деб сўради у.

— Кон. Сиз бу ерга келаётганингиз йўқми?

— Мен... мен шу ерга келаётгандим,— деди у қимтиниб. Кейин дик этиб турди-да, менга плашни бериб, қўлига болани олди. Бола ҳиқиллай бошлади. Мен бортга яқинроқ келиб, унга ёрдамлашиш учун ерга сакрамоқчи

бўлдим. Бироқ бу бечорага бир гап бўлган, бошига бирон мусибат тушган кўринади, деб ўйлаб қолдим. Совуқ тунда ёлғиз ўзини ташлаб кетсак қандай бўларкин?

— Сизнинг борадиган жойингиз йўқ!— дедим мен унга рўйирост.— Ёмон хаёлларга борманг, таггин. Болани бу ёққа беринг!— деб қўлидан гўдакни шартта олдим.— Сўзимни қайтарманг. Тунни бизникида ўтказасиз, кейин ихтиёр ўзингизда. Кетдик!— қичқирдим шоферга.

Машина қўзғалди. У бошини қуйи солиб, жимгина ўтирарди, билмадим, эҳтимол йиғлаётгандир.

— Хавотир олманг!— деб тинчлантирдим уни.— Мен сизга ҳеч қанақа ёмонликни раво кўрмайман. Мен йўл мастери Бойтемир Қулов бўламан. Менга бемалол ишонинг.

Уларни ўз хонамга жойлаштирдим. Ўзим унга тақаб қурилган бўш уйчамизга кириб, ёғоч каравотга ётдим.

Алламаҳалгача ухлай олмадим. Ўйлар гирдобиди қолдим. Тинчимни йўқотдим. Сўраб-суриштириб ўтириш жуда ноқулай эди. Ўзим ҳам буни ёқтирмайман, аммо бари бир айрим нарсаларни сўрашга тўғри келди. Эҳтимол, у бечорага менинг ёрдамим керакдир. У саволларимга истар-истамас қисқа-қисқа жавоб қайтарарди. Бироқ мен айтилмай, унинг юрагида қолиб кетаётган гапларни ҳам англаб турардим. Агар инсоннинг бошига мусибат тушса, унинг ҳар бир сўзининг тагида яна айтилмай қолган ўнлаб сўз ётади. У зрини ташлаб, уйдан чиқиб кетибди. Такаббурроқ бўлса керак, азоб чекаётгани, куйинаётгани сезилиб турибди-ю, аммо ҳеч таслим бўлмоқчи эмасди. Нима ҳам дейиш мумкин, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида. Нима қилса ўзи билади. Шундай бўлса ҳам бу ёшгина аёлга жуда раҳмим келарди. У ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган қизчага ўхшарди, қадди-қомати келишган, чеҳрасидан нур балқиб турарди. Одатда у меҳрибон, ширин сўз эди, эҳтимол, самимий аёлдир. Шундай жувонни ҳамма нарсадан маҳрум этиб, бош олиб кетишга мажбур этган қанақа инсон экан-а? Бунга сира тушунолмасдим. Келинг, менга нима, бу уларнинг иши. Эртага бирор машинага ўтқазиб қўярман.

Ўша кунни ўйлайвериб чарчаб кетдим, кўзим илиниши билан ўзимни машинада кетаётгандек ҳис қилдим. Қалта пўстиним остига жажжи болани ўраб олганмишман. Гўдакнинг баданига иссиқ югуриб, кўксимда маза қилиб ётганмиш.

Тонг отарда ўрнимдан турдим. Йўлларни кўздан кечириб келгани кетдим, аммо тез орада қайтдим. Меҳмонларим нима қилишаётган экан, деган ўй миямдан кетмасди. Уларнинг уйқусини бузмаслик учун эҳтиётлик билан олд хонадаги печкага ўт ёқиб, самовар қўйдим. Аммо у аллақачон уйғониб, кетишга ҳозирлик кўраётган экан. У менга миннатдорчилик билдирди. Уларни чой ичирмай жўнатмадим, бир оз кутиб ўтиришга мажбур қилдим. Тунги кичкинтой ҳамроҳим ажойиб бола экан, одамга сира тортинмай келаверади, ҳеч нарса билан иши йўқ. У билан ўйнашиб ҳузур қилдим, хумордан чиқдим: у билан дарҳол кўникишиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетдим. Чой устида аёлдан сўрадим:

— Қаёққа боришингиз керак? Йўловчи машина тўхта-тайми?

У бир оз ўйланиб турди-да:

— Рибачьега,— деди.

— У ерда қариндошларингиз борми?

— Йўқ. Қариндош-уруғларим овулда, Тўсўрнинг на-риги ёғида.

— Э-э, унда сиз ана ўша томонга борадиган бошқа машинага ўтиришингиз керак. Бўлмаса қийналиб қоласиз.

— Мен бари бир у ёққа бормайман. Боришимиз ҳам мумкин эмас,— деди у ўғлига ўйчан боқиб.— Ўзимиз айбдормиз...

Мен уни ота-онасининг розилигисиз турмушга чиққан бўлса керак, деб ўзимча тахмин қилардим. Кейин билсам, ҳақиқатан ҳам шундай экан.

У кетишга тайёрлана бошлади, бироқ мен уни бола-си билан шамолда туриб қолмасин, деб бир оз уйга кириб кутиб туришга кўндирдим. Машинани бир ўзим тўхтатсам ҳам бўлади-ку, ахир.

Юрагим эзилиб, йўлга чиқдим. Уларнинг кетишини, ўзимнинг эса ёлғиз қолишимни ўйласам негадир яна қайғум ошиб, хаёлим паришон бўларди.

Аввал йўловчи машиналар келавермади. Кейинчалик бўлса биттасини кўра туриб атайин ўтказиб юбордим, қўл кўтармадим. Аммо бу қилмишимдан ўзим чўчиб кетдим. Нега бундай қиялман? Ана шундан бошлаб мени дард-аламларим изтиробга солиб қийнай бошлади. Машиналар бирин-кетин ўтиб борарди, мен эса уларнинг бирортасини ҳам тўхтатмай, ғайри ихтиёрий равишда вақтни чўзардим. Энди келганини тўхтатаман, дердим-у,

аммо қўлим яна кўтарилмасди. Уятдан юзларим лахча чўғ бўлиб ёниб, терлаб кетдим. Бу нима қилганим: бировни алдаб, йўлидан қолдирыпман-ку! Қандай ҳақим бор бунга? Уйда у менга ишониб умид билан кутиб ўтирибди. Йўл бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юра бошладим. Узимдан-ўзим чўчирдим. Менга бир бало бўлаётгандек эди. Қандайдир баҳона-ю сабаблар қидириб топардим. Гоҳ, ойнаси синиқ экан, кабина совуқ бўлади, дейман; гоҳ, машина кўнгилдагидек бўлмасди; гоҳ, шофери ёқмасди — олатасирчи кўринарди, эҳтимол, ичиб ҳам олгандир. Кабинави банд машиналар ўтганда эса худди ёш болалардек қувониб кетардим. Ишқилиб, улар ҳозир кетмасайди, яна бир оз, яна беш-ўн минут уйимда ўтира туришса яхши бўларди. «Ахир у қаёққа ҳам боради?— деб ўйлардим мен.— Ўзи айтди, овулга бориши мумкин эмас. Бошқа жойларда уларнинг ҳеч кими йўқ, Рибачье йўл устидаги серқатнов шаҳарча, у ерда ҳар хил одам яшайди. Боласи билан қаерга боради? Дурустроқ жой топгунча, қиш пайтида ўғлидан ажралиб қолади! Яхшиси, шу ерда бир оз яшаб туришсин, яна у ёқ-бу ёқни ўйлаб кўрсин, эҳтимол, эриникига қайтиб борар. Ё у хотинини излаб келиб қолар...»

Э, шўр пешона, яхшиси, тентираб юрмасдан унинг ўзини йўл ёқасига бошлаб келиб, жўната қолсам бўлмасмиди! Уч соатлар чамаси ер депсаб вақтни бекор ўтказдим. Узимдан-ўзим нафратландим: нега, нима учун бундай қиялпман-а? Йўқ, ҳозир уни бу ерга бошлаб келаман-да, ўзининг олдида машина тўхтатаман. Бўлмаса, ҳеч нарса қилолмай туравераман. Мен уйга қайтдим. У энди эшикдан чиқиб келаётган экан, кутавериш тоқати тоқ бўлибди. Мен уялиб кетдим, худди бирор гуноҳ қилиб қўйган ёш боладек унга жавдираб қарадим.

— Кутиб қолдингиз-а?— деб ғўлдирадим мен.— Йўловчи машиналар учрамади, тўғрироғи, учради-ю, аммо кўнгилдагидек эмас экан. Кечирасиз, тағин ёмон хаёлларга бориб юрманг. Худо ҳаққи, уйга кириб бир оз ўтира туринг. Ўтиниб сўрайман!

У таажжубланиб, менга маъюсгина боқди-да, индамай уйга қайтиб кириб:

— Сиз менга ачиняпсизми?— деди.

— Йўқ, унинг учун эмас. Биласизми... Сиз учун ташвишланяпман. Қийналиб қоласиз. Қандай қилиб кун кечирмоқчисиз?

— Ишлайман. Суягим меҳнатда қотган.

— Қаерда ишлайсиз?

— Бирор ерга жойлашарман. Аммо уйга қайтмайман, овулга ҳам бормайман. Меҳнат қилиб кун кечираман.

Мен индамадим. Ҳаммаси тушунарли эди. У ҳозир ҳеч нарса ҳақида ўйламасди, кўзига ҳам ҳеч нарса кўринмасди.

Алам, ғурур уни номаълум томонларга ҳайдамоқда эди. Аммо «Меҳнат қилиб кун кечираман» дейиш айтишгагина осон, ахир. Ишлаб кун кечириш тўғри-ку, лекин ҳадегунча унга эриша қолмайсан киши. Инсонни ўз эркига, хоҳишига қўймаслик ҳам яхши эмас.

Бола менга қараб толпинди. Уни кўтариб олдим. Унинг юзидан ўпарканман: «Эҳ, дўмбоғим, сендан ажралишга тўғри келяпти-ку. Қанийди сен билан бир умрга ажрашмасак. Ўз ўғлимдек қадрдон ва азиз бўлиб қолган эдинг менга...»— деб ўтказдим кўнглимдан.

— Ҳа, майли, юринг,— дедим кейин секингина.

Ўрнимиздан турдик. Мен болани кўтариб олдим, бироқ эшик олдига борганда тўхтаб:

— Иш бўлса бизда ҳам топилади,— дедим яна унга.— Шу ерда ишласангиз ҳам бўлади. Кичикроқ хона ҳам бор. Рост, қола қолинг. Шошилманг. Кетишга ҳар вақт улғурасиз. Яна ўйлаб кўринг...

У аввали индамай турди. Аммо мен ҳозирча бу ерда ишлаб туришнинг афзаллигини, сўнг нима қилиш зарурлигини ҳаёт ўзи кўрсатишини, кетгиси келса хоҳлаган вақтида кета олиши мумкин эканлигини айтиб, унда ишонч ҳосил қилдим.

Шундай қилиб, Асал ва Самад,— ўғлининг исми шундай экан,— бизнинг йўл участкамизда қолишди.

Ҳовлидаги қўшимча қурилган уйча совуқ эди, шунинг учун Асални ўғли билан менинг хонамда яшашга кўндирдим, ўзим бўлсам ўша ҳужрага кўчиб ўтдим. Менга шу уйча ҳам етарди.

Шу пайдан бошлаб менинг ҳаётим ўзгариб кетди. Бир қарашда-ку ҳеч нарса ўзгармагандек кўринарди, ҳамон аввалгидек сўққабош эдим, аммо мен ўзимни яна инсон ҳис қила бошладим, узоқ йиллик ёлғизликда совуган қалбим тагин илий бошлади. Мен энди якка ўзим яшамасдим... Одамлар билан, кишилар орасида яшаш, ишлаш, дўстлашиш, умум ишини адо этиш, ёрдамлашиш

ва ёрдам олиш нақадар яхши. Кунинг битиб, вақт-саотинг етиб ўлганингда ҳам бошқалардан кам қилиб кўмишмайди... Аммо шунга қарамай, ҳаётнинг бир томони борки, уни севгилингга бўлган меҳр-муҳаббатдан бўлак ҳеч нарса билан алмаштириб, тўлдириб бўлмайди... Мен кичкинтойга жуда ўрганиб қолдим. Участкага айланиб чиққан пайтларда ҳам уни иссиққина қилиб ўраб олиб, ўзим билан бирга кўтариб юрардим. Хуллас, бўш вақтимнинг ҳаммасини у билан ўтказардим. Шу пайтгача қандай қилиб яшаб келганимни тасаввур эта олмайман. Қўшниларим ҳам анча дуруст кишилар эди. Улар Асалга ҳам, Самадга ҳам меҳрибон эдилар. Болани ким севмайди дейсиз. Асалнинг ўзини олсак дилкаш, самимий, очиқ кўнгилли аёл, шунинг учун ҳам у участкадагилар билан тил топишиб, аралашиб-қуралашиб кетди. Менинг эса кичкинтойга ҳам, Асалга ҳам меҳру муҳаббатим янада ошиб кетди. Болага меҳрим онасига бўлган меҳр-муҳаббатим билан пайваста эди. Ростини айтсам, ҳар қанча уринсам ҳам ҳис-ҳаяжонларимни ўзимдан ўзим яшира олмадим. Асални севиб қолган эдим. Бир умрга, бутун қалбим билан ёлғизликда ўтказилган ҳижронли йиллар, барча азоб-уқубатларим эвазига уни беҳад севиб қолдим. Барча жудоликларим, ғам-ҳасратларим бу муҳаббатга мужассамлашган эди. Аммо буни унга ошкор этишга ҳаққим йўқ эди. Асал ҳамон эрини кутарди. Кутишга узоқ кутарди-ю, бироқ ҳеч сир бой бермасди. Биз йўлда ишлаётган кезларда унинг ҳар бир йўловчи машинани интизор ва умидвор кўзлари билан кутиб ўлиши ва кузатиб қолишини кўпинча сезардим. Баъзан ўғлини кўтариб йўл ёқасига чиқар ва у ерда неча соатлаб ўтирар эди. У кўрина қолмасди. У ким ва қанақа одам эканлигини билмайман, буни сўрамасдим ҳам, Асал ҳам буни ҳеч кимга сўзламасди.

Вақт ўтиб борарди. Самад ҳам улғайиб қолди. Оҳ, у жуда шўх, жажжи тойчоқ эдики, билмайман, биров ўргатганми, ёки ўзи ўрганганми, ҳар ҳолда у мени дада дея бошлади. Кўрдими, бас: «Дада!» «Дада!»—деб бўйнимга осилади. Асал Самадга қараб ўйчан жилмайиб қўярди. Мен бўлсам ҳам қувонардим, ҳам юрагим ўртаниб азоб чекардим. Унга ота бўлишга минг бор рози эдим-у, аммо нима ҳам қила олардим...

Уша йили ёз кунларидан бирида биз йўл тузатаётган эдик. Машиналар бизни четлаб ўтиб борарди. Асал кўкқисдан шоферлардан бирига қараб қичқирди:

— Хей, Жонтой, тўхта!

Машина биздан бир оз ўтди-ю, таққа тўхтади. Асал шофер томон чошиб кетди. Уларнинг нима ҳақда гапиршиганларини билмадим-у, аммо Асалнинг тўсатдан кабинага қараб қичқира бошлаганини эшитиб қолдим:

— Алдаяпсан! Елфон! Ишонмайман! Йўқол бу ердан! Ҳозироқ йўқол!

Машина йўлига равона бўлди. Асал эса йўлни кесиб ўтиб, уйга қараб отилди. Афтидан, у йиғлаётган эди.

Латтадек бўшашиб, қўлим ишга бормаи қолди. Ким бўлди у? Асалга нима деди? Шунга ўхшаган шубҳа ва тахминлар қамраб олди мени. Чидаб тура олмай, уйга юрдим. Асал ўғли билан уйда ўтирар эди. Ахири бўлмади, кечқурун унинг олдига кирдим.

— Самад қани? Уни жуда соғиниб қолдим!— дедим мен.

— Мана, бу ёқда,— деди Асал маъюсгина.

— Дада!— деб менга толпинди Самад. Уни қўлимга кўтариб, эркалатдим. Онаси эса ғамга ботиб, индамай ўтирарди.

— Нима бўлди, Асал?— деб сўрадим.

Асал чуқур хўрсиниб қўйди.

— Мен кетаман, Баке,— деди у.— Бу ерда турмушим ёмон бўлганидан эмас, албатта, сиздан минг марта миннатдорман. Бироқ нега, қаёққа эканлигини ўзим ҳам билмайман-у, бошим оққан томонга кетаман...

У бу гапларни шунчаки айтгани йўқ, буни кўриб турибман, ғам-алам ичида кетиб қолиши мумкин. Ҳақиқатни айтишдан бўлак иложим қолмаган эди.

— Нима ҳам дердим, Асал, сени бу ерда ушлаб туришга ҳаққим йўқ. Аммо сен кетгач, бу ерда яшай олмайман, мен ҳам бош олиб кетишим керак. Вайрон бўлган уй-жойимни бир марта ташлаб кетганман. Ушандан буён бир оз кўникиб қолгандек бўлувдим... Тасодифми бу, ёки тақдирми, фақат сен ва ўғилчанг билан бирга бўлиб, ғам-ғуссаларимни унута бошлаган эдим. Буни гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ, ўзинг биласан, Асал. Агар сен ҳозир кетадиган бўлсанг, бу ер ҳам Помирда қолиб кетган уйим каби мен учун ҳаромга айланади. Уйлаб кўр, Асал... Мабодо у қайтиб келса ва қалбинг унга ундайдиган бўлса, сизларга заррача халал бермайман, доим эркинг ўзингда, Асал...

Мен шу сўзларни айтиб Самадни кўтариб олдим-у, йўлга чиқдим. У ерда Самадни анчагача кўтариб юрдим. Бу тойчоғим ҳеч нарсани тушунмасди.

Асал шу кўйи вақтинча яшаб қолаверди. Аммо унинг нималар ҳақида ўйлаб юргани, қандай қарорга келгани менга қоронғи эди. Бу кунлар ичида мен озиб-тўзиб қорайиб кетдим.

Бир куни туш пайтда аллақандай иш билан ҳовлига кириб қолдим. Қарасам, Самад ажабтовур юришга интиляпти, Асал уни, тағин йиқилиб тушиб лат емасин, деб қўрқиб, сал ушлаб турарди. Мен тўхтадим.

— Баке, қара, ўғлинг энди юрадиган бўлиб қолди!— деди қувонч билан жилмайиб. Нима деди у? Ўғлинг! Мен елкамдаги белкуракни ирғитиб юбордим-да, чўнқайиб ўтириб, тойчоғимни чақира бошладим:

— Той-той-той, бўталоғим! Қани, менга кел-чи, оёқларинг билан ерни тепкилаб юр-чи, дадилроқ бос!

Самад қулочини ёзиб юборди.

— Дада!— деб оёқчаларини энтак-тентак босиб, менга қараб чопди. Мен уни ушлаб олдим-да, бошим узра баланд кўтариб, бағримга қаттиқ босдим.

— Асал!— дедим мен унга.— Эртага бир болалар байрамини ўтказайлик-а. Сен оқ ва қора жундан тўқилган чилвир тайёрлаб қўй.

— Хўп, Баке!— деб кулиб юборди у.

— Ҳа, ҳа, албатта оқ ва қора жундан тўқилган бўлсин...

Мен отга миндим-у, чорвадор дўстларим олдига жўнадим, у ёқдан қимиз ва янги сўйилган гўшт олиб келдим. Эртасига эса биз кичкина байрамимиз—«чилвир кесиш» байрамига қўшнилариимизни таклиф этдик.

Мен Самадни ерга ўтқаздим-да, оёқларини оқ-қора чилвир билан тушовладим, ёнига қайчини келтириб қўйдим. Сўнг ҳовлининг нариги чеккасида турган болаларга қараб буйруқ бердим:

— Кимки биринчи бўлиб чопиб келиб, чилвирни кесса, ўшанга биринчи бўлиб мукофот берилади, қолганларга эса навбат билан улашилади. Қани, бошланглар, болалар!— деб қўл силтадим.

Худди пойгага қўйилган арғумоқлар сингари болалар бизнинг «ҳой-ҳув» ва шовқин-суронимиз остида қийқиришиб чопа кетишди.

Чилвир кесилиб бўлгандан кейин Самадга қараб:



— Қани, ўғлим, чопқиллайвер энди!—дедим.—Уни қўлидан ушлаб олиб юринглар, болалар!

Улар Самаднинг қўлидан тутишди, у ҳам болалар билан чошиб кетди. Мен эса уларнинг орқасидан, ҳеч кимга мурожаат қилмасдан, беихтиёр гапириб юборибман:

— Одамлар! Менинг тойчоғим чопқиллаб юриб кетди! У тулпордек илдам бўлсин!

Самад болалар кетидан чопқиллаб бора туриб, орқага қайрилиб: «Дада!» деди-да, думалаб тушди. Биз Асал билан иккимиз бараварига унга томон ташландик. Мен Самадни ердан кўтариб олганимда, Асал биринчи марта менга:

— Жоним!—деди.

Шу кундан бошлаб биз эр-хотин бўлиб қовушдик.

Қишда ўғилчамизни олиб овулга, чол-кампирлар олдига бориб келдик. Улар биздан жуда хафа эди, бироқ кейинчалик кечиришди, дуо қилишиб фотиҳа беришди.

Кунлар бирин-кетин сезилмай ўтиб борарди. Самад беш ёшга тўлди. Биз Асал билан жуда аҳил, жуда иноқ яшардик, фақат биргина нарса ҳақида оғиз очмас ва эсламас эдик. Асал у ҳақда ўйлармиди, ёлғиз қолганда уни эслаб ўй-хаёлларга берилармиди, буни билмайман, бироқ биз гўё гап-сўзсиз, дилимизда ўзаро шартлашиб қўйгандек эдик: биз уни танитаймиз, биз учун у одам йўқ ва бўлмайди ҳам...

Аммо инсон кўнгли нималарни истамайди дейсиз. Бунинг устига яна шундай нарсалар ҳам борки, улардан қочиб қутула олмайсан. У яқиндагина бу ерларда пайдо бўлиб қолди.

Бир куни кечаси йўлда авария бўлиб қолди. Ёрдамчим билан икковимиз нима бўлганини билиш учун югурдик. Эҳтимол, бирор бахтсизлик юз бергандир. Етиб қелдик. Аллақандай юк машинаси йўл чеккасидаги устунларга тумшуғи билан келиб урилибди. Ғирт маст шофер ҳушидан кетиб, тахтадек қотиб ётарди. Мен уни танидим-у, аммо исмини эслабмадим. У бир куни бизни фалокатдан қутқарган ва машинамизни шатакка олиб, довонга олиб чиқиб қўйган эди. Дўланда эса машинани шатакка олиб юриш ҳазилакам иш эмасди. Илгарилари бу ерда бундай иш қилиш у ёқда турсин, ҳатто ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Бу шофер бўлса тиришқоқ, довюрак

йигит экан, ҳар қанча оғир бўлса ҳам машинамизни участкагача судраб олиб келди. У менга жуда ёқиб қолди, кўнглимдагидек йигит экан. Ўша воқеадан кейин аллаким биринчи бўлиб довондан прицеп билан ўтмоқчи бўлибди, мақсадига эришишига оз қолган экану, аммо удалай олмабди. Прицепни йўл ёқасидаги ариққа тушириб юборибди-да, ташлаб кетиб қолибди. Мен ўшанда ўша доворак йигитнинг иши эмасмикин, деб хаёлдан ўтказган эдим. Мард кишининг ўз мақсадига эриша олмаганига жуда ачинган эдим. Аммо ўша воқеадан кейин довондан прицеп билан ўтадиган бўлишди. Йигитлар машина ва прицепларни шароитга мослаштириб жуда тўғри иш қилган эдилар.

Виждонан айтсам, бу йигит Асал ташлаб кетган киши эканини билмасдим. Агар билганимда ҳам бари бир шундай қилган бўлардим. Мен уни уйга судраб олиб келдим, шунда ҳаммаси ойдинлашди қўйди. Эшикдан ўтин кўтариб кириб келган Асалнинг кўзи унга тушди-ю, қўлидаги ўтинлари полга сочилиб кетди. Аммо гўё биринчи марта учрашаётгандек, бирортамиз ҳам сир бой бермадик. Айниқса мен ўзимни қўлга олишим керак эди, чунки эҳтиётсизлик қилиб бирон ноўрин сўз айтиб, ёки ножўя ҳаракатим билан уларнинг кўнглига тегиб кетмасликка интилардим ва уларнинг бир-бирларини тушуниб олишларига ҳалал бермаслик учун ўзимни тутишга ҳаракат қилардим. Энди мен ҳеч нарсани ҳал эта олмасдим. Энди ҳамма гап уларнинг ўзларида қолганди: улар орасида ўтмиш кечмишлари, мен бағримга босиб ва эркалаб каравотда олиб ётган ўғиллари бор эди.

Ўша туни бирортамиз ҳам мижжа қоқмадик, ҳар ким ўз ўйлари билан банд эди. Шу жумладан мен ҳам.

Асал ўғли билан кетиб қолиши ҳам мумкин эди. Бу албатта уларнинг иши. Майли, улар юрак амри ва ақлидроклари буюрганини қилишсин. Мен, мен эса... нима ҳам дердим, бунга менинг нима даҳлим бор, масалани ҳал этиш менга боғлиқ эмас, уларга ҳалақит бермаслигим керак...

У ҳозир ҳам шу ерда, мана шу йўлдан қатнайди. Шунча йиллар давомида қаерларда бўлганин у, нима билан шуғулландийкин? Аммо бунинг аҳамияти йўқ... Бу уларнинг иши...

Биз Бойтемир билан йўлни айланиб чиқиб, орқага қайтдик. Қош қорайиб қолган эди. Тянь-Шаннинг музли чўққилари устидаги осмону фалак баҳор оқшомининг бинафша ранг тусига кириб бораётганди. Машиналар йўлдан икки томонга қараб ғиз-ғиз ўтиб турарди.

— Мана, ҳаёт қанчалик мураккаб,—деди Бойтемир бир оз сукутдан сўнг ўйчан.—Мен ҳозир уйдан кетишим керак эмас. Мабодо Асал кетиш хаёлида бўлса, майли. Фақат менга кетаётганини бир оғиз айтса бўлгани, ўғли билан сўнгги бор хайр-хўшлашиб, оқ йўл тилаб қоламан. Ахир, Самад мен учун ўз ўғлимдай бўлиб қолган-ку. Бироқ уни ўз отасидан зўрлаб тортиб ололмайман. Шунинг учун ҳам мен ҳеч қаёққа бормаيمان. Айниқса Помирга... Мен буни сизга газета учун ҳикоя қилиб бераётганим йўқ, албатта. Шунчаки, инсон инсонга ўз дардини айтиб бераётгандек гапириб беряпман-да...

#### ХОТИМА УРНИДА

Биз Илёс билан Ўшда ажралишдик. У Помирга жўнади, мен бўлсам, ўз ишларим билан кетдим.

— Бориб Алибекни топаман. Янгича ҳаёт бошлайман!— деди у йўл-йўлакай.— Мени энди тузалмас, тамом бўлган одам деб ўйламанг. Келажагим, ҳаётим ҳали олдинда. Кунлар ўтар, мен ҳам уйланарман, бошқаларга ўхшаб бола-чақали, уй-жойли бўларман. Ишлайман, дўст, ер-биродарлар орттираман. Лекин фақат биргина нарса: умрбод, мангуга йўқотган нарсамни қайтара олмасам керак... Ўтган ишни ҳеч қачон қайтариб бўлмайди... Аммо ҳаётимнинг сўнгги кунларига қадар, то сўнгги нафасимгача Асални ва орамизда бўлиб ўтган ҳамма ширин дамларни сақлаб ўтаман.

Йўлга чиқиш олдидан кўлга, ўша тик тепаликка бордим. У ерда мен Тянь-Шань билан видолашдим, Иссиқкўл билан хайрлашдим. Хайр, Иссиқкўл, тугалланмай қолган оромбахш кўйларим! Мовий тўлқинларинг ва олтин қирғоқларинг билан бирга кўшиб сени ўзим билан бирга олиб кетардим-у, аммо севгилимнинг севгисини олиб кета олмаганимдек, сени ҳам олиб кетиш кўлимдан келмайди. Алвидо, Асал! Алвидо, қизил дуррачали сарв қоматим! Алвидо, севгилим! Бахтиёр бўлгил...

Мен Бойтемирдан эшитганларимни Илёсга сўзлаб бермадим. Ахир бу одамларнинг кўркамлиги ва қадр-қиммати ҳам уларнинг бир-бири ҳақида ҳеч нарса билмасдан туриб, бир-бирига шу қадар олижаноблик қилишида, инсоний муносабатда бўлишида эмасми! Шундай экан, бу гапларни унга сўзлаб нима ҳам қилардим...

1961 йил.

# СОМОН ЙҮЛИ





Ота, мен сенга ёдгорлик ўнатолмадим. Сенинг қаерга дафи этилганлигингни ҳам билолмайман. Ушбу асаримни, отам Тўрақул Айтматов, сенга бағишлайман.

Она, сен бизни улғайтиб одам қилдинг. Сенинг узоқ умр кўришингни тилаб, онам Наима Айтматова, сенга бағишлайман.

## I

— Омонмисан, қутлуғ далам!

— Шукур. Келдингми, Тўлғаной? Бултургидан анча чўкиб қолибсан. Сочларинг оплоқ, қўлингда ҳасса.

— Умр ўтиб боряпти, она ерим, орадан тағин бир йил ўтди. Бугун менинг сиғинадиган куним.

— Келишингни билардим. Кутаётгандим, Тўлғаной. Бу сафар набирангни ҳам эргаштириб келмоқчи эмасмидинг?

— Шундай эди-ю, лекин бу сафар ҳам ёлғиз келдим.

— Демак, сен унга ҳали ҳам ҳеч нима айтмабсан-да. Тўлғаной?

— Йўқ, айтолмадим.

— Ишқилиб, эртами-кечми, ахир бир кун у ҳам эши-тади-да, Тўлғаной. Эл оғзига элак тутиб бўлади, дейсанми?

— Тўғри айтасан. Эртами-кечми, ахир бир куни билади. Ўзи ҳам улғайиб, яхши-ёмонни тушунадиган бўлиб қолди. Бироқ мен учун ҳали ҳам темир қанот палапонга ўхшаб кўринади. Болалик қилиб ўтган-кетганни тўғри тушунолмай, кўнгли совиб қолмаса деб ташвишланаман. Бари бир одам ҳақиқатни бир кун эмас, бир куни билиши

керак-да. Мен билган ҳақиқатни, сирдошим хосиятли ер, сен билган ва эл билган ҳақиқатни ҳозирча ёлғиз угина билмайди, холос. Билганда нима дер экан, қандай ўй-хаёлларга бораркин, гапнинг тагига етолармикин? Қандай қилиб унинг дилини оғритмай, ёшлигиданоқ ҳаётдан кўнглини қолдирмай, сиримни айта олсам экан? Қани энди икки оғиз сўз билан битадиган иш бўлса. Кейинги кунларда фақат шуни ўйлайман, туну кун хаёл сураман. Қишда тобим қочиб, тўшакда ётганимда ҳам ўлимдан бунча кўрқмаган эдим, ажал етса тап тортмай ўлимни қарши олардим. Бироқ, куним битиб, кўзим юмилиб кетса, айтадиган васиятимни айтолмай, ўзим билан гўрга олиб кетаманми, деб юрагимга ваҳима тушди. У эси йўқ, буни қайдан билсин, у тентак, мактабни ҳам йиғиштириб қўйиб, ёнимдан силжимай қолди. Онасининг худди ўзгинаси: «Энажон, қаеринг оғрияпти? Сув ичасанми, ё доридан берайми? Устингни ёпиб қўяйми, энажон?»— деб гирди-капалак бўларди. Ушанда тилим бормади, кучим етмади. Бойқушим, ичида ҳеч кири йўқ, соддадил норасида гўдак эди. Ҳеч нимадан гумон қилмасди. Унга нима ҳам дея олардим. Шуларни ўйларканман, калавамнинг учини тополмай қийналардим. Ундай қилиб ҳам, бундай қилиб ҳам фикрларимни тарозига солиб кўрардим: бу нарса жўнгина сўзлаб берадиган жумбоқ эмас экан-да. Қанчалик ўйламай, бари бир бир фикрга келиб тўхтаймай: бўлган ҳақиқатни бола тўғри тушунсин деб мен унга ёлғизгина ўз тақдиринигина эмас, балки бутун замонанинг тарихини, ўтган-кетганлар хусусида, ўзим ҳақимда, барига гувоҳ бўлган, саховатли далам, сенинг ҳақингда, қолаверса, ўша кезде ҳеч нимадан беҳабар миниб ўйнаб юрган велосипеди ҳақида айтиб беришим керак. Балки шундагина тўғри қилган бўларман. Турмуш ҳаммамизни бир тугунга боғлаб, хамирдек қориштириб қўйган экан: ҳеч нимани яшириб ҳам, қўшиб ҳам бўлмайди. Ҳатто бола эмас, кекса киши ҳам бу ишни ҳар хил тушуниши мумкин. Кўзимнинг очиғида шу катта қарзимдан қутулсам, ўлсам армонсиз кетардим...

— Бу айтганларинг тўғри, Тўлғаной. Қани берироқ кел, мана бу тошга ўтир. Оёқ оғриқсан-ку. Утир, бир йўлини қилармиз. Олдинги сафар бу ерга келганинг эсингдами, Тўлғаной?

— Ундан бери қанча вақтлар ўтиб кетди-ку, эслолмайман.



— Йўқ, сен ўша вақтларни эслашга бир ҳаракат қилиб кўр-чи, Тўлғаной. Қани бир бошидан эсла-чи.

— Эсимда яхши қолмабди. Кичкиналигимда, ўрим маҳалида, ота-онам етаклаб келиб, ғарамлар тагига ўтир-ғизиб кўйишарди.

— Ҳа, йиғламасин деб кўлингга бир бурда нон ҳам бериб кўйишарди.

— Кейин, каттариб қолганимда, эл яйловга кўчганда, ўша атрофда экинларни кўриб югуриб юрардим. Унда мен ғизиллаб чопиб юрадиган, сочлари тўзган сариқ қиз эмасмидим. У, болалик-эй, унинг ҳам ўзгача гашти бор экан! Чорвадорлар ҳу пастки томондан Сариқ Ёйиқ текислигида чангу тўзон кўтариб кўчиб жўнашар эди. Бирининг кетидан бири турна қатор тизилишиб яйловга, салқин адирларга ошиқиб йўл олишарди. Ушандаги ёшлик чоғларим-эй! Уюр-уюри билан дупурлашиб, кишнашган йилқилар босиб кетгудек бўлиб келишаверса, буғдойнинг ичидан сакраб чиқиб, уларни ҳуркитиб юборардим.

«Эй, ердан чиққан алвасти, ҳап сеними!»— деб йилқи-чилар узун таёғини кўтариб мени қувлаб юборишарди.

Неча минглаб қўй туёқлари дўл ёққандагидек дупурлашиб ўша йўлдан ўтиб туришарди. Уларнинг орқасидан бой овулларнинг кўч-кўронлари ўтиб борар, йўрға миниб, қип-қизил чўғдек кийинган қиз-жувонларни кўрганимда, ҳайрон бўлиб, суқланиб қараб қолардим. Анча жойгача уларнинг орқасидан эргашиб югуриб-елиб борардим. Қани энди, мен ҳам шунақа рўмол ўраб, шунақа кўйлак кийсам, деб орзу қилардим.

— Рост, Тўлғаной, сен унда яланг оёқ, яланг бош бир қашшоқнинг қизи эдинг. Бироқ, ўшандай шойиларни киймасанг ҳам, бўйинг етганда оқ сариқдан келган, етилиб тўлишган қандай сулув қиз бўлдинг. Сен унда кўланканга қараб қадам босардинг. Айниқса эрта биланги кўланканг худди ўзингдек хушбичим бўларди.

— Ушанда мен ўн етти ёшларда эдим. Ўша йили ўроқ ўриб юриб Сувонқул билан учрашмаганмидим. Сувонқул бу ерга Толоснинг юқори ёғидан ёлланиб келган эди. Ҳозир кўзимни юмсам хаёлимда Сувонқулнинг ўша вақтдаги қиёфаси гавдаланади. Ёшгина, ўн тўққиз-йигирмалардаги йигит, ўзи хипчароқ кўринса ҳам, қўллари пайдор, темирдек салмоқли эди. Чакмонини доимо елкасига ташлаб юрарди. Ёнингда шерининг ўроқ ўриб юрса, кишининг қалбини қувонтиради: ҳар ишнинг қиёмини келтириб

ишлайдиган азаматлар бўлади-ку, Сувонқул шундайлардан эди. У тезда ўзиб кетар, мен ҳам ўроққа чаққон эдим, шундаям ортда қолиб кетардим. Сувонқул қайтиб келиб, менинг тегишимдан ўра бошлаганда изза тортардим: «Сизни биров ёрдамга чақирдимми? Талтайманг, кетинг бу ердан, ўзим ҳам битираман!»— десам кулиб қўйиб, индамай ишлайверарди, ўшанда нимадан орланган эканман? Энди билсам, эркаланган эканман...

— Сизлар ўшанда ишга доим элнинг олди бўлиб келардиларинг, Тўлғаной.

— Тўғри. Эл уйғонмай, ғира-шира тонг ёришганда Сувонқул билан иккимиз бирин-кетин ишга кетардик. У мени бериги томонда қарши оларди. Уша кунлар, ўша ажойиб тонг отишлар бизнинг севги кунларимиз экан. Бирга-бирга келаётганда дунё бошқача кўриниб, бошқача сезиларди. Эл-юртга нон берган жонажон деҳқон далам, бўзариб-сарғайиб ётсанг ҳам, оппоқ тонгларни деңгиздек тошиб, қучоғини сенчалик очиб, сенчалик ўртаниб ким кутиб оларди! Уша тонгларни сенга ҳамроҳ бўлиб биз кутиб олардик, ўша тонгларни сенга ҳамроҳ бўлиб тўрғай кутиб оларди. Кўримсизгина бўз тўрғай осмонда бетиним қанот қоқиб, пирпираб, гўё одамнинг осмонда учиб юрган юраги каби бир нуқтадек бўлиб кўринса ҳам, қанчалар нозик, қанчалар киши дилини тўлқинлантирувчи қўшиқлар тўқиб, зорланиб сайрар эди. «Ана, бизнинг тўрғай сайради!»— деб қўяр эди Сувонқул. Қизиқ, тўрғайни ҳам ўзимизники қилиб олган эканмиз. Хушовозингдан айланай, тўрғайим...

— Рост, Тўлғаной, ўша тўрғай сизларнинг тўрғайингиз эди.

— Эсингдами, ер, ўша ойдин кеча? Балки, табиатда, иккинчи бор ундай тун бўлмас. Ой ёруғида ўроқ ўрамыз деб Сувонқул иккаламыз қолиб кетмаганмидик. Ҳу уфқ ортидан кумуш ранг ой кўтарилганда, юлдузлар ҳам осмон узра бирин-кетин кўз очишди. Ушанда биз уват четидан Сувонқулнинг тор чакмонини остимизга солиб, ариқ қирига бош қўйиб чўзилиб ётганимиз. Шу кеча биз умр бўйи йўлдош — ажралмас ёр бўлиб қовушдик. Сувонқул чўяндек қўли билан кокилимни силаб, манглайимдан, юзимдан эркалатиб сийпаганда, унинг қони жўшиб ураётган қалбининг ҳарорати кафтидан сезилиб турарди. Мен унга эркалаб: «Сувон, нима дейсиз, биз бахтли бўламизми, а?»— десам, эсингдами ўшанда айтган гапла-

ри: «Ер-сув элга тенг бўлса, бизнинг ҳам экин экадиган еримиз бўлса, биз ҳам эл қатори ер ҳайдаб, экин экиб, хирмон кўтарсак, бизнинг бахтимиз ўша. Бизга бундан ортигининг нима кераги бор, Тўлған. Дехқоннинг улуши эккан экинида»—демаганмиди. Унинг айтган сўзларига нима учундир беҳад қувониб кетиб, бўйнидан маҳкам қучганимча, лабларидан жон-танним билан ўпдим... Сўнгра ариқдаги сувга чўмилиб чиқдик-да, яна ўз ўрнимизга келиб, қўл ушлашиб, жимгина осмонга қараб, роҳатланиб ётдик.

Ер, сен ҳам ўшанда сокин ойдин тунда салқин тортиб, бизга қўшилиб яйраб ётдинг. Гармсел эсганда ширин асал ҳиди широлжин билан эрмананинг хушбўй ҳидига араллашиб буғдойзорга тараларди, буғдойзор шувиллаб, бошоқларга тушган ой нури олтин кўлдек чайқалиб ётарди. Ёки ўша тунни табиат бизга атайлаб шундай ҳолда бахш этдимикин? Ярим кечаси юлдузлар тўдасига қарасам, сомон йўли оламнинг у бошидан бу бошигача ёйилиб ётган пайти экан. Сувонқулнинг айтганлари эсимга тушиб, хаёлимда осмоннинг ўша кумуш йўли билан қандайдир азамат бир дехқон катта қучоқ сомон кўтариб ўтгану, гўё унинг улкан қучоғидан сочилиб тушган дон, тўпон барака тўкиб из қолдириб кетгандек эди. Орзумизга етсак, менинг ҳам Сувонқулим шундай сомон кўтарган дехқон бўлса, хирмоннинг бетидан биринчи совуриб олган сомонидан қучоқ тўлдириб йўлга тушганида, худди ўшандай барака тўкилган йўл солиб ўтса, деб ўйланиб ётдим. Она ерим, биринчи марта сенга ўшанда гапирдим. Эсингдами менинг айтганларим?

— Эсимда, Тўлғаной! Сен ўшанда менга юзланиб, бундай дегансан: «Ер, жон ато этган ер, бизни кўтариб юрган ер, сен бизга бахт бермасанг, нега ер бўлиб аталгансан, биз нечун дунёга келганмиз! Биз сенинг болаларингмиз, ер, тилакдош бўлгин, орзу-ниятимизга етказгин!»—деб айтгансан, Тўлғаной.

— Ҳа, шундай деганман. Кун чиқар пайтда кўзимни очсам, Сувонқулим ёнимда йўқ. У аллақачонлар туриб, ўроқ ўриб ётган экан. Қачон турганини билмайман, роса қийратиб ташлабди; буғдой пояда боғ-боғ буғдой уюлиб ётибди.

«Ҳой, Сувонқул, бу нима қилганингиз?»—дедим. У кафти билан терини артиб: «Сени ухласин дегандим»—деб кулиб қўйди. Мен унинг бу ишидан бир оз ўпкалаб:

«Кечаги гапларингиз қани, шу ҳам тенг шериклик бўлиб-дими?»—десам, у ўроғини ташлаб, югуриб менинг олдимга келди-да, қучоқлаб қўлида кўтарганча: «Кўзингдан айланайин, Тўлған, кўзингдан ўргилиб кетай, тенг шерикмиз, бундан буён яхши, ёмоннинг барига шерик бўламиз!»— деди. Шу зайлда мени қўлидан қўймай, эркалатганича алланарсалар ҳақида гапирди, мен бўлсам хурсандлигимдан кулардим. Бир вақт қарасам, мени кўтарганича тепаликка югуриб чиқди-да, кўтарилиб келаётган қуёшга қараб: «Эй қуёш, кўрдингми? Кўрдингми менинг жононимни! Мана, мана, кўриб ол, кўрманангни бер, бергин суюнчингни аямай!»— деб қичқирди. Ҳазилими, чиними — билмайман, мен ўшанда йиғлаб юбордим, қалбим қувончга тўлганидан ўзимни тутолмай анчагача энтикиб-энтикиб йиғлардим...

— Қўй, Тўлғаной, энди йиғлашинг яхши эмас. У йиғи бошқача йиғи эди, одамнинг умрида ундай йиғи бир мартагина бўлади. Энди нимага йиғлайсан. Йиғлама, ёки тилакларингга эриша олмадиларингми? Айт-чи тўғрисини, сизларчалик ким бахтли бўлолди?

— Гапинг тўғри. Янги замонда Сувонқул иккимиз ҳам ўз меҳнатимиз билан вояга етдик. Биласан-ку, қишу ёз демай қўлимиздан кетмон тушмади. Меҳнатимиз зое кетмади — уйли-жойли бўлдик, мол-ҳол орттирдик. Тилагимизга етиб, уч фарзандли бўлдик. Ҳа, бирин-кетин уч ўғил кўрдик. Ҳозир баъзан ўйлаб ўтириб хаёлимга шундай мудҳиш фикрлар келади: нима учун йил сайин қўйга ўхшаб туғавердим экан? Одамларникидек ораларидан уч-тўрт йил ўтганда, балки, бундай фалокатдан четда қолишармиди. Балки, бутунлай дунёга келишмаганда нима қиларди! У, шўринг қурғурлар... Айланиб-қоқиниб кетайларим, сўзимни оғир олманглар, кечиринглар, кечиринглар оналарингни! Юрагим тутациб, ўлиб ётганимдаги гапим-да!.. Қандай қилай энди...

— Тўлғаной, эсингни йиғ... Сўзингни қайтариб ол. У болаларга шак келтирма. Уларни мен тирноқдайлигидан кўриб-билиб юрдим-ку. Уларнинг босиб кетган излари кўринмагани билан, менинг кўксимда муҳр бўлиб сақланиб қолган, Тўлғаной. У учала оға-иниларни сизларнинг фарзандларингиз эканини Сувонқул бу ерга биринчи марта трактор ҳайдаб келганда билдим.

— Ҳа, ҳа, худди ўшанда. Сувонқул ўша йили қиши билан сувнинг нариги томонидаги катта қишлоқдаги

тракторчилар курсига қатнаб, тракторчиликни ўрганиб юрди. Унда тракторни ким билсин. Сувонқул уйга кечикиб келганда, қаердаги бир бўлмағур ишларга ўралашиб юрибсиз, ундан кўра бурунги бригадирлигингиз яхши эмасмиди, эл қатори тирикчилигингизни қилсангиз-чи, деб уришиб ҳам кетардим. Шундай десам, яна кулиб қўйиб: «Тракторни сен ўйинчоқ билиб юрганга ўхшайсан. Шошма ҳали, Тўлған, ёзда ҳайдаб келганимда биларсан»— дер эди. Даладан совқотиб чарчаб келганини кўриб, «Ке, қўй энди»— деб аяр эдим. Ўйлаб кўрсам, Сувонқул ишнинг кўзини билиб юрган экан. Тракторчилар ўқишига овулдан саводли бирон кимса чиқмаганда, Сувонқулнинг ўзи мен бораман, саводимни ҳам чиқараман, деб бригадирликдан бўшаб олганди. У кезларда Қосим билан Майсалбек мактабга қатнаб юришарди. Отасига ўшалар муаллимлик қилишди. Кечқурун уй ичимиз билан оворамиз. Сувонқул ерга бағрини бериб ётиб олиб, ёзишни ўрганганда, уч ўғли уч томонидан ўргатиб, ота, бундай қилиб ёзинг, қаламни бундай ушланг, қўлингизни қалтиратманг, тўғри ёзинг, деб ғужурлашиб ётар эди. Сувонқул кетмон чопгандан баттар қора терга тушиб кетарди. Ўзимни тутолмай кулгим келарди. «Қўйсаларинг-чи, болалар, оталарингни жонига тегмай, мулла қилмоқчимисизлар уни? Сувонқул, жонингизни мунча қийнамай, ё муллаликни, ё тракторни ўргансангиз-чи» десам, хўрсиниб қўярди. «Ҳаммадан ҳам сеники ўтиб кетди-ку. Тракторни ўрганиш учун анчагина муллалик керак экан-да. Масхара қилаверма!» Ҳайтовур, шундай қилиб юриб, охири мақсадига етди.

Илк баҳор, эндигина тупроқ кўпчиб қолганда овулнинг четидан дукурлаган овоз чиқиб, аллақаердан ҳуркан йилқилар кўчани қоқ ёриб, пишқиришиб, тўпи билан чопиб ўтишди. Нима бўлдийкин, деб эшикка чопиб чиқсам, чорбоғ этагида трактор келаётган экан. Қоп-қора чўян машина тутунини бурқситиб, баҳайбат филдираклари билан ерни ўйиб, гумбурлатганича тобора кўчага яқинлашиб келаверди. Унинг атрофидаги халқни кўрсанг, ёшу қари демай, бутун овул чувиллаб, чопқиллашиб юришарди. Одамларга қўшилиб мен ҳам югуриб етиб бордим. Қарасам, учала ўғлим бир-бирини маҳкам ушлашиб, трактор ҳайдаётган отасининг ёнида келишарди. Турқларини кўрсанг, ёвни енгиб келаётгандек, кўзлари чироқдек чақнаб, юзларидан нур ёғиларди. Ўзларида йўқ хурсанд бў-

либ, гердаиб, мақтанишиб келишаётган экан. Улар ўша кунни эрталабоқ кўприк томонга чолиб кетишган экан, менга айтишмабди ҳам, юбормай кўяди, дейишган бўлса керак. Болаларга эсим оғиб, бирон нима бўлиб қолмасин, деб:

— Қосим, Майсалбек, Жайноқ, ҳа сенларними! Тушинглар!— деб қичқирсам, тракторнинг гуриллашидан ўз товушимни ўзим ҳам эшитмай қолдим. Сувонқул менинг нима деганимни тушунди шекилли, қўрқма, дегандек кулимсираб қўли билан ишора қилиб кўйди. Унинг ҳам қувончи кўксига сиғмай суюниб келарди. Сувонқул ўшанда ёшгина, қора мурт йигит эди. Э, худое, болаларнинг отасига шунчалик ўхшаш эканлигини ўшанда сезсам бўладими. Тўртталаси ҳам бирга туғишгандек. Айниқса, Қосим билан Майсалбек худди Сувонқулнинг ўзигинаси — қуйиб қўйгандек эди. Кенжам, Жайноғим бўлса, менга ўхшашроқ, оқ сариқдан келганди.

Трактор шу бўйи овулда тўхтамасдан тўғри далага чиқиб кетди. Ҳаммамиз бирдек: отлиқ ҳам, пиёда ҳам унинг кетидан қолмай эргашиб келяпмиз, ҳаммадан қизиқтирган нарса — тракторнинг ер ҳайдаши эди. Тракторнинг уч қатор тиши ер бағрини ёриб, чимларни кесиб-қўпориб юриб кетганда одамларнинг бари чувиллаб, «Балли-балли!» дейишиб, ҳуркиб тисарилган отларига қамчи босиб, унинг кетидан бирга юра бошлади. Нима бўлиб кўпчиликдан айрилиб қолганимни билмайман, бир вақт қарасам, ёлғиз ўзим қолибман. Трактор борган сари узоқлашиб боряпти — мен бўлсам жимгина орқадан жавдираб қараб турибман. Бироқ, ўшанда ер юзида менчалик бахтли киши бўлмагандир, севинчим чексиз эди. Сувонқулнинг овулга биринчи марта трактор ҳайдаб келганигами, ё фарзандларимни шундай кўзга кўриниб, дастёр бўлиб қолишганигами — қайси бирига кўпроқ суюнишимни билмай, ёлвордим: «Қаторлашиб ўтирган бўй-бастиларингдан айланайларим! Илоҳим отангиздек одам бўлсангизлар розиман, ўшанда розиман тақдиримага!» дея такрорлардим.

— Ҳа, Тўлғаной. Она бўлиб, оналик лаззатининг энг ширин дамларини ўшанда тотган эдинг. Сен унда тўлиботошган, куч-қувватли аёл эдинг. Ишда ҳам ёшлардан қолишмас эдинг.

— Тани жонинг соғ бўлса, ишлаганга нима етсин. Қолаверса, чиндан ҳам бахтим ёр бўлган экан. Бирга ўсган

теракардерч ўғилларим эр етиб, ҳар бири ўз йўлларини топиб қолишганди. Қосим отасига тортдим, трактор ҳайдайман деб юриб, трактор ҳайдаб, кейин комбайнчиликни ҳам ўрганиб олди. Бир ёз комбайнда штурвалчи бўлиб, сувнинг нариги бетидаги «Қайинди» колхозида ишлаб юрди. Кейинги йили яна ўзимизнинг овулга комбайнчи бўлиб келди. Она бечорага болаларининг бари бирдек азиз, албатта. Шундай бўлса ҳам ўртанча ўғлим Майсалбек билан кўпроқ фахрланардим. Эҳтимол, соғиниб юрганимдандир, уясидан эрта учган палапондек, Майсалбегим уйдан эрта кетмадим. У ёшлигиданоқ мактабда яхши ўқимасмиди. Китобга жуда ўч эди, китоб деганда муккасидан кетарди. Шундай қилиб юриб, мактабни битирган заҳоти, муаллимликка ўқиш учун шаҳарга кетмовмиди. Кенжатоим, Жайноқ эса, ўтакетган қизиқчи, очиқ-сочиқ йигит бўлиб ўсди. Уйда туриш йўқ эди унда. Комсомолнинг секретариман, деб, ёшлар қаерда бўлса: мажлисдами, ўйиндами, тўгаракдами, деворий газета чиқаришяптими — бу ҳам ўшалар билан бирга ўша ерда бўларди. Гоҳ жиним қўзиб: «Ҳай, санқи, гармонингни ҳам, тўшагингни ҳам олиб, бир йўла колхоз идорасига кўчиб бора қоласнг-чи. Сенга уй-жойнинг ҳам кераги йўққа ўхшайди!» — десам, Сувонқул ўғлининг тарафини оларди. «Уришма, онаси, кўпчиликнинг юмуши. Бекор юрган бўлса, ўзим ҳам тизгинини тортиб қўярдим» — дер эди. Сувонқул ўша кезларда тагин бригадирлик қилаётган эди. Чунки тракторни энди ёшлар ҳайдай бошламаганмиди.

Кўп ўтмай келинлик ҳам бўлдик. Қосим «Қайинди»да ишлаб юрганда бир-бирига кўнгил қўйиб қолган бўлса керак, Алимани ўша ёқдан олиб келмадим. Кўҳликкина, хипча белли, ёшгина қиз экан, энг аввал бошдан унга меҳр қўйиб, ўз боламдек кўриб қолдим. Келин ақлли бўлса, ўз болангдек бўлмай нима бўларди. Ростини айтиш керак, келиним ёмон чиқмади. Шунинг ўзи оиланинг катта ризқи-ку. Ҳозир ўйлаб қарасам, одам бошига давлат қуши кўнганда, одамнинг ўз феъли атворидан, оилага, элу халққа қилган муомаласидан бир-бирига улашиб, униб-ўсиб, кўпайишиб бахт учиб келар экан-да. Шундай топилган толе қадр-қимматли бўларкан. Ўз қонингдек — тўкилса, жон берган билан баробар экан.

Алиман келган йил — унутилмас йил, эсдан чиқмас ёз бўлди. Ўша йили экинлар жуда эрта пишиб берди.

Сойдаги катта сув ҳам ҳар йилгидан эрта тўлиб-тошиб оқди. Икки-уч кун сурункасига ёққан ёмғир тоғдаги қорларни дарров эритиб юборди шекилли, дарёнинг ранги бузилиб, ҳадемай селдек тошқинлаб бостириб келди. Эскидан қалқиб турган оролчаларни бир кечада ямлаб, ювиб кетса бўладими.

Шунга қарамай, об-ҳаво ўнгидан келиб, бир текисда исиб турди. Етилиб қолган буғдойлар сарғиш тортиб, ер юзини қоплаб, этаги уфққа туташиб кетган қирлардаги экинлар пишиб берди. Ўшанда бизлар қўлга ўроқ тутиб ишга киришиб кетдик. Майдон чеккаларини ўриб, комбайнга йўл очдим. «Энди келининг билан беллашмай, уйда роҳат қилиб ўтирсанг бўлмайдим!» — деювчилар ҳам йўқ эмасди. Бу сўзларга мен парво қилмасдим. Қўлдан келса, эл қатори ишлаганга нима етсин. Келиним иккаламиз бирдек ўроқ ўриб юрдик. Ўша кунлардаги хотиралар ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Алиман буғдойзор чеккасида ўсиб турган гулхайридан бир даста териб олиб, бир вақт қарасам, мендан уялинқираб буғдойзор орасидан жимгина кетиб бораётган экан. Бу нимаси, қўлидагини нима қилар экан, деб турсам, йўл ёқасида турган комбайнга яқинлаб борди-да, гулдастасини комбайн зинапоясига қўя солиб, яна югуриб келди. Комбайнда одам қораси кўринмасди. Қосим қаёққадир кетган экан. У эрта-индин ўримга тушамиз деб комбайнни шайлаб қўйган эди. Алиманнинг бу ишига ич-ичимдан қувониб, худо хоҳласа, иккаласи аҳил яшаб кетишар экан, деб келинимдан кўнглим тасалли топди. Алиманнинг ўшандаги қиёфаси ҳали ҳам кўз ўнгимда: бошида қизил дурра, эғнида оқ қўйлак, хушбичим нимча, қўлида гулхайри ушлаган, ўзи қора мағиздан келган, шахло кўзлари чақнаган сулув келинчак эмасмиди. Ў, ажойиб келиним! Гулга мафтун келиним. Ўзиям гулга ишқибоз эди, эрта кўкламда қор остидан бўлса ҳам бойчечак териб келарди... Эсим қурсин, нимани гапираётган эдим. Ҳа, ҳа, ўша куннинг эртасига ўрим бошланиб кетмадими.

Йиғим-теримнинг биринчи куни ўзгача бир байрам эмасми. Шунча юриб ўша куни қовоғи солинган бир кимсани кўрмадим. Бу кунни ҳеч ким байрам деб атамаса ҳам, ҳар кимнинг овозида қандайдир қувноқлик, юриштиришда ҳам, ҳайдаган араваси, минган оти, қилган иши — ҳаммаси-ҳаммасида бирдек қувноқлик, тўғрисини айтганда, ўримнинг дастлабки куни ҳеч ким ишлаб ёлчитма-



ди. У куни ўйин-кулгидан, ҳазил-мазах гаплардан қўл бўшамайди. Айниқса ўроқчилар орасида қизиқ бўлади, унда ёшлар, қиз- жувонлар кўп эмасми. Тамоша ўшаларда. Қосим МТСдан мукофотга олган велосипедини миниб, эрталаб комбайни олдига кетаётган эди, бир тўда шўх жувонлар уни тутиб олишди. «Нега сен велосипедингдан туша солиб, бизга салом бермайсан? Сен гердайиб қолибсан! Ўроқчиларни кўзга илмай қолганга ўхшайсан!» — дейишиб, Қосимни ҳар томондан тортишиб, Алиманга бош эгиб кечирим сўратишса бўладими. Қосим бу билангина қутулolgани йўқ. «Қуллуқ қилдим, қуллуқ қилдим!»— деганига қарамай, сен энди бизни велосипедингга миндириб, худди ўрис қизлардек сайқилдирасан, дейишиб, бир-бирларини велосипедга кўтаришиб миндиришиб, орқасидан қий-чув кўтариб юришиб Қосимни роса овора қилишди. Шунда ҳам велосипедда жўн ўтиришмай, ўйнашиб: «Войдод, акажон, ўлдим, энди ўлдим, йиқилдим, войдод!»— дейишса, бошқаларининг ичаги узилгудек бўлиб: «Ўлсанг ўл, ўлсанг ҳам бўйнидан қучоқлаб йиқил!» — дейишиб далани бошларига кўтариб кулишарди. Шундай қилиб, Қосимнинг жиғига тегишарди. Унинг ўзи ҳам кулгидан маст бўлиб, бўлди энди, деб бирини айлантриб келса, яна бири тегажаклик қилиб унга осилишарди: «Ҳа, менинг ундан нима кам? Бурним пучуқ, кўзим қийшиқми?»— дейишиб жони-ҳолига қўйишмасди. Охири Қосимнинг ҳам жини кўзирди: «Ҳой, сизлар нима бало, қутурдингларми? Оч канадек ёпишасизлар-а? Бас энди. Масхарабозлик қилгани келганмисизлар ё ишлашгами?» Шаддот келинлар шунда ҳам бўш келмай: «Ановини қаранглар! Ишни сен қиласан, ҳукумат комбайнни нимага чиқариб қўйибди!» — дейишарди.

Ёшларгина эмас, нарироқда туриб бу ўйин-кулгига биз ҳам роса қонардик, кулавериб ичакларимиз узиларди. Ҳо, ўшандаги мусаффо осмон! Ўшандаги қуёшнинг порлаши, ўшандаги донли бошоқлар, ўшандаги элнинг кулгиси!..

— Ҳа, Тўлғаной. Ўша куни худди шундай бўлган эди. Сен ўша куни ўз толеингни янада чуқурроқ тушуниб, менга сирингни айтгандинг.

— Мен ҳозир ҳам шуни айтмоқчиман. Ҳозир ҳам ўша фикримдан қайтмайман. Ҳозир ҳам ўша кунларни туганмас жумбоқдек гапириб бераман.

Тез орада ўроқчилар ишга киришиб, адирда иш қизиб кетди. Саратон авжига миниб, қуёш сели қайнарди. Қалбим эрталабки қувончдан толпиниб, руҳим шодланиб, майин шабададан лаззат олгандек роҳатланарди. Уша кунги қувончларнинг барчаси мен учун, менинг толеим учун ато қилингандек туюларди. Кўзим кўриб, қулоғим уққаннинг ҳаммаси борлиқни, ҳаёт гўзалликларини очиб, ором бахш этарди. Бир томондан ўроқларнинг жаранги, бир ёндан шовиллаб тўкилаётган буғдойларнинг ёқимли овози эшитилиб турса, нари ёқда Қосимнинг комбайни тошқин сувдек гуркираб «Меҳнат қўшиғи»нинг янгича куйини куйлаётгандек, буғдойни шипириб ўрмоқда эди. Комбайнда ўтирган Қосим шаршарадек қуйилиб тушаётган буғдойга кафтини тутиб бир ҳовуч донни юзига яқинлаштириб, ҳидлаганда, ўзим ҳам бир қоғ семириб кетгандек бўлдим: янги доннинг ҳидидек ёқимли ҳид бормикин!

— Э-эй, аравакаш, эртароқ бўл!— деб Қосим тоғ тепасида туриб жар солгандек қичқирган эди, дарҳол арава етиб келиши билан комбайн тўхтади, Алиман: «Сувини элтиб берайин!» — деб кўзани олганича Қосим томонга югурди. Буғдойзор оралаб оқ қўйлак, қизил дуррали Алиман югуриб борар экан, қўлида ушлагани кўза эмас, гўё юрагини тортиқ қилиб кўтариб бораётгандек, севган ёрига бутун борлиғи билан берилганлиги унинг барча ҳаракатларидан сезилиб турарди. «Ҳойнаҳой, Сувонқул ҳам чанқаб қолгандир» — деган хаёл билан ёнверимга қарасам у кўринмасди. Қайдан кўринсин, ўрим бошлангандан кейин бригадирда тиним бўлармиди. Эртдан-кечгача отдан тушмай дала айланиб юргани-юрган.

Кечки пайт ўроқчиларга аталган янги буғдой нони ҳам тайёр бўлди. Янги нонга биринчи бўлиб ўроқчиларнинг оғзи тегиши илгаридан қолган расм эмасми. Биз у ноннинг унини анҳорнинг четидан ўриб олинган буғдойлардан туйиб тайёрлашган эдик. Янги буғдойнинг нонига оғзи текканда ҳар қачон хосиятли таом тотгандек бўламан. Кўринишда қора бўлса ҳам, хамири юмшоқ йўғрилган янги нон унча кўпчиб пишмагани билан унинг думбул таъмига ва қуёш, ер, тутун анқиган тансиқ ҳидига чима етсин!

Қорни очган ўроқчилар ариқ бўйига йиғилишганларида, қуёшнинг оташ нафаси сўниб, уфқ сари бош қўйган эди. У кунги оқшом одатдагидан ёрқин ва узоққа

чўзиладигандек туюларди. Биз уй ичимиз билан олачиқнинг сиртидан ўрин олдик. Сувонқул ҳадеганда келавермади. Жайноқ эса эски одатича яна йўқ, акасининг велосипедини миниб, Қизил уйга варақа илмоқчиман, деб шошилиб кетганди. Алиман бошидаги дуррасини ерга ёзиб қўйиб, уйдан олиб келган олмаларни сочиб ташлади-да, косаларга ачитма қуйди. Комбайнни тўхтатиб, ариқдаги сувга қўлини ювиб келгандан сўнг, Қосим ҳам келиб ўтирди. У чарчоқ ҳолда секин нон ушатар экан:

— Иссиққина экан ҳали, ол, опа. Янги буғдойнинг нонини биринчи бўлиб татиб кўр,— деди.

— Бисмилло,— деб нондан олдим, чайнаётим аллақандай бир янги таъм, янги ҳидни сездим. У ҳид — комбайнчи қўлининг ҳиди — сомон, қорамой, темир ушлаган қўлларнинг ҳиди эди. Ноннинг ҳар бир тўғрамидан ўшандай керосин ҳиди ҳам келиб турарди, бироқ умримда шунчалик мазали нон емаган эдим, чунки у нонни ўғлимнинг меҳнаткаш қўллари ушатиб берган эди, у нон кўпчиликнинг нони, шу даврада тўпланишиб ўтирган кишиларнинг топган нони эди. Шу чоқда мен онанинг қим эканлигини, унинг бахти бамисоли буғдойнинг униб чиққан пояси бўлса, унинг туб-томири ер билан чирмашгандек, элнинг, кўпчиликнинг бахту саодатидан ажралмас эканини ўйладим. Ҳа, мен ҳозир ҳам ўша ишончдаман. Майли, бу бечора бошимга нималар тушмади... Эл-юрт бор экан — ҳаёт ҳам бор...

Шу аснода Сувонқулни кутавериш кеч ҳам кирди. Ёшлар у ёқдаги сув бўйига боришиб, жар ёқасида ловиллаган гулхан ёқишди, қўшиқ айта бошлашди. Уларнинг орасида қиёқ чолиб баланд товуш билан қўшиқ айтган Жайноқнинг таниш овози қулоққа чалинар эди: «Овозингдан ўргилай, ёшлигингда сайраб қол, тенгқурлар билан жўр овоз бўлиб айтилган қўшиқ, кўнгилни очиб, одамларни бир-бирига яқинлаштириб иноқлаштиради» — деб тинглаб ўтирдим. Ахир онаман-да, она! Фикри хаёлимда болаларим, уларнинг келажаги бўларди. «Қосим-ку одам бўлиб қолди,— деб ўйлардим ўзимча.— Ёз чиқиши билан келинчаги иккови алоҳида уй-жой қуриб кетишади. Меҳнаткашлиги ҳам худди отасининг ўзи, қоронғи тушиб қолса ҳам комбайн, тракторнинг чироғини порлатиб, далада буғдой ўриб юргани-юрган эди. Али-

<sup>1</sup> Қ и ё қ — скрипкага ўхшаган чолғу асбоби.

ман ҳам қаватида, иш вақтида бир дам бирга бўлиш ҳам улар учун ғанимат эмасми. Майсалбегимни ўйлаганимда соғинганимдан кўзимга жиққа ёш келарди. Ўтган жума кунни хат ёзиб, унда бу йил ёзда уйга боролмасам керак, пионер лагерига бошлиқ бўлиб Иссиқкўлга жўнапман, дебди. «Майли, шу касбни севган экан, қаерда бўлса ҳам омон бўлсин» — деб дуо қилардим.

Сувонқул келиб овқатланганидан сўнг, тунда овулга қайтдик. Эрталаб мол-ҳолга қараши керак эди, кечқурун эса уларга кўз-қулоқ бўлиб туришни қўшним Ойшага тайинлаб келгандим. У бечора касалманд бўлиб, бир кун ссғ бўлса, бир кун касал бўлиб ишга чиқолмас эди.

Биз отга мингашиб келаётганимизда, тун мудраб, дала ссуда эди. Майин эсган шабада қоронғида шитирлаб, ўт-ўланлар бошини ялаб ўтар, ой шуъласида чайқалган буғдойзорлар мавжланиб, кўланкаларини ўйнатар ва толиққан ер уйқуга кетган эди. Олисда оққан сой шарқираб, гўё унинг бешигини тебратаётгандек туюларди. Буғдойзор ичида эса чигирткалар чириллар эди. Табиатнинг бу сукунатли дамлари қандайдир ўтган-кетганларни ёдга солиб, алланималарни эслатиб, юракни зориқтирарди. Сувонқулнинг белбоғидан маҳкам ушлаб, мингашиб келяпман. У мени, олдинга ўтиришни таклиф этса ҳам, унамай, ҳар доим шундай орқада мингашиб юришни яхши кўрардим. Отни баъзан йўрғалатиб, баъзан йўртириб бораётган Сувонқулнинг жимгина келиши ҳам, унинг камсуханлиги ва эгарда ҳорғин ҳолда ўтириши ҳам мен учун жондан азиз эди. «Ҳа, бояқишим, умр ўтиб, қариб боряпмиз, ҳар қалай умрни зое кетказмаганга ўхшаймиз. Ҳаёт шундай экан — иккаламиз гўё кечагина кўшилгандаймиз, буни қара, қанча вақтлар ўтиб кетибди. Шундай бўлса ҳам ҳаёт қандай ширин, ҳали ҳам қалбадаги орзу-умидлар тугамайди» — деб ўйлаб келаётиб, бошимни кўтариб осмонга қарасам, юрагим «шув» этиб кетди: Сомон йўли худди ўша вақтдагидек осмоннинг у бошидан бу бошига чўзилиб ётган экан. Чиндан ҳам осмон гумбази бўйлаб тунги юлдузлар орасидан қандайдир бир алп деҳқон хирмондан бир қучоқ сомон кўтариб ўтгану, йўлда тўкилиб қолган тўпон кўзга аниқ кўриниб тургандек. Ҳатто сочилиб ётган сомонни шамол ўйнатаётгандек, милтираб учган майда учқунлар ялт-ялт қилиб товланиб ётарди. «Вой, тавба!» — деб ёқамни ушладим. Уша тун, ўша ёшлик кезлари ярқ этиб кўз ўнгимга келди.

Ўйлаб қарасам, ўшандаги орзу-ниятларимизнинг ҳаммаси рўёбга чиқмадимми! Ҳа, ер-сув элники бўлиб, кўп қатори биз ҳам кўш ҳайдадик, экин экиб, хирмон кўтариб, тилагимизга етдик. Замон ўзгариб, бундай бахтли кунлар келишини ўшанда ким билсин, ҳайтовур, яхши ният — ярим мол, деганларидек, кўпнинг нияти ерда қолмас экан-да, дедим ўзимча. Шундай хаёлларга берилиб, жимгина кетаётганимда Сувонқул ялт этиб орқасига қайрилди: «Нима, ухлаб қолдингми дейман, Тўлғаной? Гапирмайсан?— деди.— Мен ҳам бугун роса чарчадим. Ҳозир уйга етамиз. Ёки янги кўча билан бурилиб кетайликми?» «Бурила қолайлик» — дедим мен.

Янги кўча деганимиз овулга кираверишдаги йўл бўйида эди. У кўча бўлиб кўча ҳам эмасди, ўша йили кўкламда уй қурадиган ёшларга участка берилган эди. Қосим билан Алиман ҳам янги кўчанинг бошидан ер олишганди. Фиштарни аста-секин уч киши бўлиб қўйишиб, териб, пойдевор ўрнини ҳам қазиб қўйишганди. Утган ҳафтада икки кун сойдан тош териб, уйнинг ўрнига ташиб келтиришганди. Биз ўшани кўришга бурилдик, бундан буён ўроқ маҳалида кундуз кунлари осонликча қўл бўшайдими, уюлиб ётган катта тепа тошларни кўриб, Сувонқул болаларнинг ишидан хурсанд бўлди: «Кўнглинг тўқ бўлсин, онаси, тош бемалол этиб ортади, молхоналик тош ҳам ортиб қолар, — деди у.— Йиғим-теримни тугатгандан кейин, ёпирилиб, деворини кўтариб, устини «ёпиб оламизу, қолганини келгуси ёзда битказамиз. Тўғрими, Тўлған?» «Тўғри, устини ёпиб олсак, қолганини ҳам омонлик бўлса битказамиз. Жайноғимиз шошиб, ўпкасини қўлтиқлаб қолибди. Бу кўча Комсомол кўчаси аталсин деб қарор чиқардик, дейди. Алиман янгаси бўлса уни мазах қилиб кулиб: ҳой кичкина бола, туғилмаган болага элдан бурун от қўйгандек, ялонғоч ерга ном излаб овора бўлиб юрганден кўра, олдин уйланиб, жой-пой қилиб, кўча қурсанг-чи, кўчага ном қўйиш қочмас-ку, деса, Жайноқ ҳам бўш келмай: йўқ, сиз тўғри тушунмаяпсиз, деб талашиб-тортишиб кетди».

Сувонқул менинг бу сўзимга кулиб қўйди: «У қурмагурни қанчалик шошқалоқ дейишмасин, аммо кўчанинг номини тўғри топибди. Мана бу қурилаётган уйларнинг ҳаммаси ёшларники-да, ҳаммаси ўсиб келаётган ёш авлодниқи. Элнинг ўз-ўзидан ўсиб-унаётгани учун, овулимизга сиғишмай, янги қишлоқ қуряпмиз, мана шу кўча

битсин, ўшанда кўрасан, ўғлимнинг айтганлари ҳаммаси тўғри чиқади...»

Биз шу зайлда сўзлашиб келаётган тун, кейин билсам, дунёнинг энг қирғинли туни экан.

## II

— Бошингни юқори кўтар, Тўлғаной, бардам бўл.

— Тўғри. Бундан бошқа иложим қанча. Эсингдами, айланайин она ер, ўша кунги воқеалар?

— Мен ҳеч нимани унутмайман, Тўлғаной. Ёруғ дунё бино бўлгандан бери ўтган-кетган нарсаларнинг ҳаммаси ёдимда. Китобга сизмаган, одамлар унутган тарихнинг бари менинг ёдимда, сенинг ҳам бошингдан ўтказганларинг бариси дилимда. Сўзлай бер, сўзла, Тўлғаной, сўзла бандам, бугун қулоғим сенда.

— Оҳ, нимани айтайин. Ушанинг эртаси куни қуёш чиқар-чиқмас ўроқ ўриб, ишга тушдик. У куни биз катта сой ёқасидаги жарликдаги буғдойзорда иш бошладик. Эндигина қизғин иш бошлаган эдик, сувнинг нариги бетидан чопиб келаётган отлиқ кўринди. Худди орқасидан ёв қувиб келаётгандек. Чакалак-қамишзорларни оралаб, отининг ёлига ёпишиб олганича бир одам сув ёнидаги тошлоққа келди-да, отининг тизгинини тортмай туриб ниқтаб солди. Бу ким бўлди экан, пастдаги кўприкдан ўтмасдан, нега мунча шошилди экан, деб қараб турдик. Отлиқ — ўрис йигит экан. Жийрон айғирни қамчилаб сувга солганда, ҳаммамиз ҳайратланиб қотиб қолдик: дарёда сув бўлган пайтда бу ердан ҳеч ким ўтолмас эди; от тугул туяни ҳам оқизиб кетадиган тошқин дарё ҳайқириб ётса-ю, жонидан тўйган ким экан? «Ҳой, ўртоқ, тўхта, қайт орқанга!» — дегунча бўлмай. гижинглаган айғирини сапчитганича қамчи босиб ҳалиги отлиқ ўзини сувга урди. У, алланарсаларни қичқириб қўл силкиди. Аммо дарёнинг шовқинидан ҳеч нима эшитилмасди. Гулдураб кўпик отиб тўлқинланган сув кўз очиб юм.унча отлиқни олиб кетди. Қулоғини чимирган айғирнинг боши тўлқинлар орасида бир кўриниб, бир кўринмай борарди. Асов дарё икки қўллаб отининг ёлига ёпишиб олган ҳалиги кишининг шапкасини бошидан юлиб олиб, ўзи билан бирга оқизиб кетаётган эди. Бироқ, отлиқ оқим кучидан фойдаланиб, тобора қирғоққа яқинлашаверди. У пастда, тегир-

монга қуйиладиган жойга бориб, сувдан чиққанда ҳаммамиз енгил нафас олдик. Баъзилар: азамат йигит экан, дейишса, баъзилар: у соғ эмас, маст бўлиб, қутуриб юрган қандайдир кимса бўлса керак, дейишарди.

Тегирмоннинг ёнгинасида буғдой ўриб юрган Қосимнинг комбайни жимиб қолганди. Мен унга анчагача эътибор қилмабман. Эҳтимол, бирор ери бузилгандир, иш пайтида ҳар нарса бўлиши мумкин. Ҳеч қаёққа қарамай, ҳадеб ўроқ тортавердим. Кутилмаганда ёнимда турган Алиман жонининг борича «Эна!» деб қичқириб юборди. Бундай қарасам, ўроғини ташлаб юбориб, келинимнинг ранги қув ўчиб, кўм-кўк бўлиб кўкариб кетибди. «Илон чақиб олдимикин?»— деб ўйлаб: «Вой-вой, келинимга нима бўлди?»— деб олдига чопиб бордим. Алиман: «Ҳа, ҳа, ҳа» деб этмасди. Унинг олайган кўзлари тикилиб турган томонга қараб турганимда, этим жунжикиб кетди. Комбайннинг ёнидан аллақандай қийқириқ товушлар эшитиларди; чор атрофдан отлиқ, яёв, аравада буғдойзор оралаб одамлар чопиб келишарди. «Вой, энажон!»— деб қичқирган Алиман комбайн томон жон ҳолатда югуриб кетди. «Воҳ, булар соғга ўхшамайди! Комбайннинг тишига илиниб, майиб бўлган шекилли!»— деган сўзлар қулоғимга урилиб, бутун вужудимни қамраб олди. «Бўл, кетдик!»— дейишганда, ўроқчилар ёпирилиб югуришди. «Худо ўзинг сақла, худо ўзинг сақла, худо!..» — деб улар орқасидан югуриб кетаётиб, ариқдан сакрайман деб юз тубан йиқилиб, ўрнимдан турдим. Яна югуриб кетдим. Воҳ, ўшандаги жон талвасам-эй! Буғдойга ўт тушгандек устимдаги кўйлагим, буткул вужудим, сочимнинг тубигача зирқираб, толпиниб чопардим. Осмондаги сўқир қуёш юзига парда тутиб олгандек кўз ўнгимда бир неча бўлиб кўришиб, бошим айланарди. Уларга етолмай йиқилар эканман, тўхтанглар, деб қичқирай десам, овозим чиқмасди.

Шу зайлда югуриб, комбайнга етиб борганимда, тўпланган одамлар чувалашиб, кийим-кечаги жиққа ҳўл, жийрон айғирни жиловидан ушлаб олган бир одамни ўраб олишган экан. «Бундай турунлар, мени қўйиб юборинглар»— деб тўдани ёриб кирганимда комбайн ёнида турган Қосим билан Алиманни кўрганимда қалтираган кўллариمنى узатиб боламга ташландим. Қосим ҳозирланиб, дарҳол мени тўсиб қолди-да: «Она, уруш бошланибди!»— деди. «Уруш? Уруш дейсанми?» Бу сўзни мен ҳеч қачон эшитмагандек, унинг маъносига тушунмагандек, яна қай-

тариб сўрадим. «Ҳа, она, уруш бошланибди»— деди Қосим. «Нима учун уруш? Қанақа уруш?» Бу совуқ хабарнинг ортида нималар ётганини пайқамангандек, «Уруш, уруш дейсанми?»— деб пичирлаб туриб, юрагимда пайдо бўлган кўрқинчдан нафасим қисилиб, йиғлаб юбордим. Мени кўриб бошқа аёллар ҳам чувиллаб йиғлаб юборишди.

«Эҳ, хотинлар, тўхтанглар ҳозир! Жим бўлинглар!»— деб кимдир биров қичқирди. Шунда баримиз ундан маслаҳат кутгандек жим бўлиб қолдик. Далага ҳам сукунат чўкди. Шу сув сепгандек жимликни аллакимнинг луқмаси бузди: «Урушга кетар эканмиз-да!» Унинг гапига ҳеч ким жавоб қайтармади. Сокинлик баттар кучая бориб, сойда шовиллаб оқаётган дарёнинг товуши қулоққа янада аниқроқ эшитила бошлади. Қосим тўпланганларга бир сидра қараб олди-да, ўз-ўзига гапираётгандек ғудурланди: «Энди экин-тикинни эртароқ йиғиб олиш керак, бўлмаса қор остида қолиб кетади» — сўнгра яна бир оз жим қолиб, бирдан ёрдамчисига қатъий буюрди. «Нимага анграиб турибсан, юргиз моторни! Сизлар-чи, сизлар энди нимага қараб турибсизлар, ўроқчилар! Одам етишмай қолса азобини ўзларинг тортасизлар. Қани туринглар, урушда туриш йўқ!»

Одамлар қўзғала бошлади. Боядан бери бошини қуйи солиб турган хабарчи шундагина қаддини ростлади. Ёшгина ўрис йигит экан, ҳўл сочлари пешонасига ёпишиб, кўк кўзлари, худо билади, умрида биринчи марта шунчалик ғамга ботган бўлса керак. Унинг қанчалик ташвишга тушганлиги беғубор юзидан шундоққина билиниб турарди. У чуқур хўрсинди-да, ёнида яйдоқ отини миниб турган йигитга юзланиб, қирғизча гапирди: «Оғайни, сен ҳозир овулга чопиб бориб, раисни, қишлоқ советини, бригадирни топ, тўхтамай, райкомга жўнашсин, хўпми? Мен яна иккита колхозга боришим керак». Хабарчи жийрон айғирига миниб, йўлга тушган эди, ҳалиги бизнинг овулдош йигит: «Ҳой, дўстим, тура тур!— деб бери чақирди.— Шапканг оқиб кетибди. Ма, менинг қалпоғимни кишиб ол, кун ўтиб кетмасин»— деди.

Ҳозиргина дарёдан кечиб ўтган жийрон айғир оҳудек сакраб, йўлга тушганда, орқасидан қуюқ чанг кўтарилиб, хабарчининг қораси кўздан ғойиб бўлди. Уни кузатиб турган одамларнинг ҳаммаси ҳам турли хаёлларга берилган шекилли, комбайн билан тракторнинг моторлари бир-



дан ўт олиб бараварига гуриллаганда, улар чўчиб тушиб, бир-бирларига ялт этиб қараб қўйишди.

Ўша дақиқадан бошлаб янги ҳаёт, уруш ҳаёти бошланмадими...

— Ҳа, Тўлғаной, ўша хабарчининг дупур-дупури ҳали ҳам қулоғим остидан кетмай, отининг туёқлари теккан излар танамда муҳрдек сақланиб қолди.

— Э-э, мунаввар ер, айтаверсак иккимизники ҳам тугамайди. Биласан-ку, кун қандай жазирама иссиқ эди. Жонли, жонсизнинг ҳаммасини ҳарсиллатиб юбормадими, ғалла ҳам ўша йили тиралиб қолган экан, чексиз майдонда тўрт-беш кун ичида қийғос пишиб бермадими. Ҳамма ёқни ғалла босиб кетганди. Шошган иш қўрсин, ўрилган буғдойни боғлашга ҳам улгурмай, шу бўйича арваларга тўкиб-сочиб юклаганда, қанчаси исроф бўларди. У ҳам майли-я, ичим ачиганда элга ачирди. Аскарга чақирилганлар кун сайин кетиб боряпти, қолганлари эса жонини жабборга бериб, куну тун демай, жазирама иссиқда далада, хирмонда ҳосилни йиғиб-териб олгунча зўр бериб ишлаб ётишди. Бояқиш Қосим, болам, битмаганнинг барини битказадигандек, куну тун комбайн устидан тушмасди, тиниб-тинчимасди. Қосимгина эмас, унинг комбайни ҳам жонли бир нимадек қаҳр билан гуриллаб, чанг-тўзон ичида бир майдондан иккинчи майдонга ёпирилиб кириб, буғдойни шипириб ўрарди. Қосимим эса комбайннинг устида парвозга ҳозирланган бургутдек, олд томонидан кўз узмай, яна қанчаси қолди, бугун қанчасини ўриб улгураман, дегандек тобора олға интиларди. Ўша кунлари у қоп-қора бўлиб, куйиб кетганди. Кўрсанг, эсинг оғиб қоларди, лаблари ёрилиб, жағлари шилинган, соқол-мўйлови патак бўлиб кетганди. «Шу зайлда ишлаб юриб, охири нима бўларкансан, болам, иссиқ ўтиб кетиб, комбайндан қулаб тушмасмикинсан?»—деб ичимдан куйинаман, бироқ айтишга оғзим бормайди. Дунёда нима ўтиб, нима қайтаётгани маълум-ку.

Орадан кўп ўтмай Қосимга ҳам навбат келди. Ўша куни тушга яқин комбайн томонга югуриб кетган Алиман, бир вақт қарасам, қовоғи осилган ҳолда қайтди. «Чақирув қоғози келибди»—деди у зўрға гапириб. «Қачон?»—«Ҳали қишлоқ советидан келтириб беришибди». Уғлимнинг ахир бир куни кўп қатори аскарликка кетишини билиб юрардим, шундай бўлса ҳам, бу хабарни эшитганда бўғинларим бўшашиб, нима учундир ўроқ тутган қўлларим қал-

тираб кетди. Уроғим қулимдан тушиб, ерга ўтирдим қолдим. «Ундай бўлса, бу ерда нима қилиб юрибди у, тайёрланмайдими?»— дедим лабларим титраб. «Кечқурун бораман»— деди. Менга уйга бориб ҳозирлик кўришни айтди. Мен кетаверайин, эна. Отамга айтиб қўярсиз. Кичкина бола қаерда юрибди экан... Айтиб қўярсиз». «Сен бора қол, Алиман. Хамир қилиб тур, мен ҳам ҳозир бораман». Алиман кетгандан кейин ҳам кўпгача ўрнимдан турулмай шалвираб ўтирдим. Ҳатто бошимдан сидирилиб тушган рўмолимни олишга ҳам қурбим келмади. Ерга тикилиб ўтирсам, қумурсқалар йўл солиб, нари-бери чопишиб, дон ташиб, сомон судраб, ғимирлаб юришган экан. Нима учун шу хаёлларга борганимни билмайман, қумурсқаларнинг шу зайлда ҳеч нимадан беҳабар ўрмалаб юрганларини кўриб, кўз ёшларимни тийдим.

Шу маҳал аравасини ҳайдаб, Жайноқ етиб келди. Шу кезларда станцияга ғалла ташиб юрарди. Акасининг аскарга кетишини эшитиб келган шекилли, аравадан сакраб тушиб: «Юра қол она, уйга борайлик!»— деб мени қўлтиқлаб аравага миндирди. Шу қисқа вақт ичида кенжа болам таниб бўлмас даражада ўзгарган эди. Илгариги ҳазил-мазах қилиқлари йўқ, кўпни кўрган катта одамдек босиқ бўлиб қолибди. Жайноқнинг афтига тикилиб, нима учундир уни у кунги хабарчи ўрис йигитга ўхшатдим. Ҳа, бунинг кўзларида ҳам ўшаникидек ўйчанлик, эсайганлик сезилиб турарди. Кўпнинг бошига ғам тушса, одамзоднинг бари ҳам бирдек экан, дедим ичимда. Шуларни ўйлаб келар эканман, Майсалбегимдан анчадан бери хабар келмаганини эслаб, яна юрагим алланечук бўлиб кетди: «У нима бўлди экан? Аскарга олиб кетдимикин, ё бошқа бир нима бўлдимикин? Икки энликина хат ёзиб дарагини билдириб қўйса бўлмасикин, боласи тушмагур. Рухсат берса уйгаёқ келмайдими, энди ким ҳам ўқирди. Ота-она эсига келмайдиганга ўхшайди, узоқда юриб, тош меҳр бўлиб кетганми?»— деб ҳар қайсисининг ташвишини алоҳида тортиб аравада келардим. «Э Жайноқ,— дедим мен,— сен станцияга қатнаб турибсан, қандай, урушнинг тўхтайдиган сиёғи бордайми?» «Йўқ, она,— деди у ўшанда,— ҳозирча аҳвол оғир. Немислар бостириб келяпти. Бизникилар энди ўшаларни тўхтатиб, қаддини ростласа, куч йиғиб олардик. Сен, она, уни-буни ўйлайверма, кўп нима бўлса, биз ҳам шу-да...» А-а, садағанг кетай. У мени

юпатмоқчи. Кўзимни кўр, қулоғимни қар қилсам ҳам қандай ўйламай бўлади.

Уйга келсам, Алиманим хамирни чала йўғирганича хўрсиниб йиғлаб ўтирибди. «Сен нима, элдан бошқачамисан. Одамлардан ортиқ жойинг борми, элнинг бари аскарга жўнаб кетяпти-ку, мунча энди бўшашдинг, шўринг қурғур!»— деб койиб берайин дедиму, яна: «Кел ёш нарсанинг дилини оғритмайин, кўнгли чўкиб қолмасин»— деб жим бўлдим. Еки, ўшандаёқ қаттиқроқ гапирсам бўлармиди? Қосим кеч пешиндан ўтиб, кун ботганда уйга келди. У ҳовлига кириб келиши билан Алиманим ёкиб турган ўтинини ташлаб, югуриб бориб бўйнига осилди-да: «Сендан ажралмайман! Сендан ажралмай ўламан!»— деб чуввос тортиб йиғлади. Қосим комбайндан тушган бўйича чангу тупроққа ботиб келаётган экан: «Ҳамма ёғим тупроқ, Алиманим. Тура тур, совунингни олиб кел, катта сувга бориб ювинайин»— деган эди, Алиманимнинг менга ялт-ялт қараганидан ийманганини сеза солиб, сув олиб кел, деб қўлига челақ тутқазиб қўйдим. Улар ўшанда ой чиққандан кейин, кеч қайтишди. Уйдаги ишларни Жайноқ иккимиз битирдик. Ярим кечада Сувонқул ҳам етиб келди. Қаёқларда юрибди экан, десам, кундузиёқ тоққа чиқиб кетиб, ўзимизнинг саман отни йилқидан ушлаб келибди. Ажойиб йўрға эди. Овулдаги қиз-жувонларнинг: «Остингда саман йўрға, чоптирасан йўл-йўлга»— деганлари ўша эди-да. Ўғли аскарга жўнаб кетаётганда, бир кун бўлса ҳам, йўрғасини миниб қолсин, деган бўлса керак отаси.

Эртаси кунни азонда отлантириб, ҳарбий комиссариатга жўнадик. Ўшанда биринчи сафар ёппасига аскарга олжмадимми. Ҳар томондан қўшилиб, йўлда чувалашган араваларни, одамларни кўрсанг, сон-саноғи йўқ, олди катта Қапчиқайга кира бошласа ҳам, кети эса кўринмасди. Район марказига тўпланган одамлар кўчага сиғмасди. Отлик, аравалик, аёл, бола-чақалар. Ҳар бири ўз яқинини қуршаб, ёнидан нари жиймайди. Лекин, кўп дегани ҳазил гап эмас, «кўп йиғилса кўл бўлур» деганлари рост экан. Ўша тўполонли йиғинда ҳам жангга бораётган, ғайратли, азамат йигитлар бардам сўзлаб, бардам юриб, ҳатто қўшиқ айтиб ўйнаб, қийқиришиб, кўпчиликнинг кўнглини кўтаришарди. Ўрисча, қирғизча куйлар аралашиб, бир оғиздан айтилган «Катюша» деганлари баримизга ҳуш келди. «Катюша» қизнинг номи экан-да, ўша кездеги ёшларнинг суйган ашуласи экан-да...

Аскарга чақирилганлар ҳарбий комиссариатнинг ҳовлисига сифмагани учун, уларни катта кўчанинг ўртасига қатор-қатор тизиб, ҳар бирининг номини айтиб чақира бошлаганда, йиғилган халқ бир текисда тинчланиб, жимиб қолди.

Шундай қарасам, урушга кетиб бораётганлар сараланган суҳсурдек йигитлар экан, йўқламада номи чиққанлар «менман!»— деб жавоб бериб, биз томон ялт этиб қараб қўйишар, «Сувонқулов Қосим» деганда юрагим «шув» этиб, нафасим ичимга тушиб кетди. «Менман!»— деди Қосим. Алиман шу пайт кўлимни маҳкам ушлаб: «Энажон»— деб шивирлаб юборди. Унинг дардини билиб турибман, лекин билган билан иложим қанча: кўпга келган тўйдан ким ўзини олиб қочади. Эҳ, Алиман, Алиманим-эй, давр талабини, халқ талабини яхши тушунар эди. Бироқ, мен ўз ёрига шунчалик берилган, уни шунчалик севган аёлни ҳали кўрмаган эдим. Алиманнинг хайрлашганини эсласам, жонимни унга садақа қилгим келади. Ўша кунни биз овулга қайтиб келдик, сабаби, аскарларни бир кун ўтиб эртаси жўнатар экан, дейишди. Колхозимиз катта йўлга яқин эмасми — бу ерда зориқмай, уйга бориб туринглар, кета туриб хайрлашиб ўтаман деб, Қосим қис-таб қўймади. Алиманнинг миниб келишига Сувонқулнинг отини қолдириб, биз аравада қайтдик. Жайноқ ҳам районда қолди, унга араваси билан аскарларни ташиб туриш тайинланганди.

Тунда ҳувиллаган уйга келиб, ётмай, йиғлаб ўтирсам, Сувонқул чой қўя ётиб, менга тасалли беришга уринди. Ўшанда айтганларини сира унутмайман: «Икковимиз ким эдик, Тўлғаной. Мана шу эл, мана шу юрт бизни одам қилди. Яхшилик кўрдик, энди ёмон кунига дуч келганда, ҳар биримиз ўз ғамимизни еб, қайғураверсак, биз нима деган одам бўлдик. Эртага бардам бўл. Алиман сен билан менинг кўрганимизнинг ўндан бирини ҳам кўргани йўқ, у йиғласа — йўриғи бошқа. Сен — онасан: билиб қўйгин, уруш шундай кучаяверса, мен ҳам кетаман, Майсалбекнинг ҳам ёши етиб турибди, керак экан — баримиз кетамиз. Мана шунга, Тўлғаной, ҳозирдан кўникавер...»

Эртасига тушдан кейин аскарларни станцияга жўната бошлашди. Қосим билан Алиман йўлни қисқартиб, улардан олдин келишди. Уйингга кириб хайрлашиб чиққин, деб, Қосимга рухсат беришибди. Алиманнинг икки кўзи

қип-қизил, қовоқлари шишиб кетган, йўл бўйи йиғлаб келган бўлса керак. Қосим сир бермагани билан, у ҳам ич-ичидан куйинарди. Алиманнинг кўз ёшлари, унинг жавдираб тикилиб туришлари Қосимга қаттиқ таъсир қилди шекилли, ҳақиқатан ҳам шундай гап бўлдим, ҳайтовур, у отдан тушган заҳоти: «Сизлар станциягача узатамиз деб овора бўлманглар, ота, балки мен қайтиб қоларман — тракторчи, комбайнчиларни бўшатмоқчи бўлиб туришибди. Буйруқ келиб қолса, уларингга қайтарамиз, дейишди» — деди. Энди ўйласам, Алиманни аяб, бизни аяб, шунчалик айтган сўзи экан. Станциянинг ораси ҳам бир кунлик йўл эмасми, қайтишни ҳам ҳисобга олганга ўхшайди. Мен дарров ўша сўзга ишониб қўя қолдим, умид қурғур одам билан ҳамиша бирга экан. Бироқ, кейинчалик Қосим буларни атайлаб айтганини билдим. Ҳаммамиз ҳам бирдек билдик чоғи.

Орқадан келаётган йўловчилардан олдинроқ овулдан чиқиб, катта йўлдан Қосимни кузатиб бораётганимизда, далада ишлаётганларнинг ҳаммаси хайрлашгани югуриб келишди. Арава ҳайдаган, ўроқ ўрган, хирмон бостираётганлар қолгани йўқ. Қосимнинг комбайни ҳам шу орада буғдой ўриб юрган экан. Комбайнни тўхтатиб, унда ишлаётганлар ҳам етиб келишди.

— Тўғри айтасан, Тўлғаной...

— Ҳа, қутлуғ далам, уста жангга кетарда болғаси билан видолашади, дейишади. Қосим ҳам ўз касбининг устаси эмасмиди. Қосим овулдошлари билан хайрлаша туриб, комбайнга яқин келиб тўхтаганда, катта йўл томонга бир қараб қўйди. Қизил байроқ кўтариб, аравада, отда келаётганларнинг олди муюлишдан эндигина кўзга ташланган эди. «Ота, ушлаб туринг-чи» — деб Сувонқулга отнинг жиловини бера солиб, Қосим комбайнига қичаб борди, сўнг унинг ҳамма томонига бир сидра кўз югуртириб олди-да, бирдан устига сакраб чиқди. «Ҳайда, Эшонқул! Боягидек ҳайдайвер!» — деб, тракторчига қичқирди. Элас-элас эшитилиб турган мотор овози бирдан бор қуввати билан гуриллаб, шақирлаб ўрnidан қўзғалган комбайн ортидан сомон, тўпон тўзғитиб, донни бир томонга ажратиб, шитоб билан буғдойларни ўра бошлади. Ўша пайтда менинг кўзимга шундай кўриндим, у оддийгина комбайн эмас, балки қанотини ёйиб, ер бағирлаб учиб бораётган баҳайбат чўл бургутидек бўлиб туюларди. Штурвални маҳкам ушлаб олган Қосим эса бетини илиқ шамолга ту-

тиб, кўкрагини кериб, кулиб турарди. Тракторчи иккаласи ўша ерда нималарнидир қичқиришиб, шовқин солишиб, янада тезлатиб, тракторни майдон чеккасидан қайтара солиб келаётганда, қараб турган одамлар бир дақиқа ҳамма нарсани унутиб, қувонч билан кузатиб туришарди. Алиман ҳам ўшанда ҳозир айрилишини унутгандек кўзлари порлаб, ўзича ғурурланиб, қувониб турарди. Баридан ҳам ҳалиги қўшнимиз Ойшанинг боласи, ўшандаги ўн уч-ўн тўртлардаги Бектош, — шу кезларда комбайнда сомон тортарди, — онанг айлангур, комбайннинг устида туриб Қосим билан қучоқлашиб, хайрлашса бўладими. Қосим уни қўлига кўтариб, бету бошидан ўпкилаб, энди сен ўргангин бунни, дегандек, штурвални боланинг қўлига тутқазиб, ўрнига қолган ёрдамчиси билан хайрлашди-да, комбайндан тушиб келди. Этим жунжикиб, Сувонқулнинг тундаги гапларини эслаб, аранг тишимни тишимга қўйиб турдим. Йўлга қарасам, аскарга жўнаётганлар овулниг ёнидан ўтиб, етиб келган экан.

Шундай қилиб, Қосимни жўнатиб, тўпланганлар ҳаммамиз у билан хайрлашдик. Алиманим-эй, сента аён бўлганмиди, катта-кичикдан тортинмай, нимага шунчалик бўзлаб осилдинг? «Хайр энди, Алиман, мен қайтиб келаман, кўрасан-ку, эртагаёқ бўшаб келаман, йиғлама мунча, мен келаман, кутгин мени!» — деб Қосим отланиш учун узангини ушлаганда, Алиман яна чопиб бориб, бўйнига осилиб, ёш болалардек, қўлидан тортиб, бирпас тўхта, деб йиғлайверди. «Бўлмаса, болам, анови йўл бўйигача кузатиб кел, — деди Сувонқул келинига. — Биз шу ерда қоламиз. Уртоқлари узаб кетмасин, Қосим, бу ёққа қарачи!» Улар бир оз бир-бирига индамай тикилиб туришди-да: «Тушундингми?» — деди Сувонқул. «Тушундим, ота!» — деди Қосим. «Бўлмаса жўна!» Сувонқул отига миниб, хирмон томонга чопиб кетди. Қосим мен билан хайрлашганда: «Майсалбекдан хат келса, адресини солиб юборинглар» — деди. Қосим билан Алиман отни етаклаб, қўл ушлашиб, катта йўлга чиқиб олгунча орқасидан қараб турдим. Алиман бора-боргунча узангига осилиб, чопиб борарди. Шунда Қосим от устида турганча, хотинининг пешонасидан сўнгги бор ўпиб, саман йўрғанинг бошини қўйиб берганда, унинг кетидан чанг-тўзон ичида Алиман қўл силкиб югурарди.

Эртаси кунни кечқурун яйдоқ саман йўрғани аравасининг орқасига боғлаб, Жайноқ станциядан олиб келди.

— Нега жимиб қолдинг, Тўлғаной?

— Уша йили яна нималар бўлганини эслаяймани. Хайтовур, ким билсин, ҳаёт оқирлашиб кетганидан одамлар чўчиб қолишмадимми. Узоқларда қирғин бўлиб, қон тўкилиб ётганда, бизнинг ёпишганимиз — иш бўлди. Қосимнинг айтгани тўғри чиқди: ишпа қанчалик ёптирилиб килинсан ҳам урушнинг касофатидан экин-тигинларни охиригача йиғиштириб ололмадик. Қарлошкелар қорғ етида қолиб кетди. Овулда катта кун бўлган эриаклар бирин-кетин сийраклашиб, аскарга кетиб қолмавермадимми. Қолганимиз эртадан қечгана урғиш нима бўляпти экан деб қулоқ тутамиз. Ушандаги хабарлар кўнчилга таскин берарли эмас эди, қулганимиз помпани бўлиб қолди.

Қосим жўнаб кетгандан кейин кўп ўтмай, Майсалбекдан хат келди. Биринчи хатида у: ўқишдаги ўз тегиқурларим билан аскарга чақирилдим, ҳозирча шаҳарнинг ўзидамиз, сизлар билан юз кўришиб хайрлаша олганимга ачинаман, бундай бўларини ким билибди, ғалаба билан қайтсак, тилагимиз шу, дебди. Иккинчи хатидан: Новосибирск деган шаҳардан, командирлик ўқишга юборилдим, деб, суратини ҳам солиб юборибди. Суратингдан айланайин, аскарча форма кийиб тушган экан, биратм ярашиқли, сонини орқасига тараб, манглайлари кенг, қовоғини хиёл уйганча тикилиб турибди. Тўшимда ҳам ўша суратдагидек кўринарди. Алиман Майсалбекни бир мартагина кўрган эди. Кўкламда, Қосим уйланганда, у икки кўнга жавоб олиб келганди. Қайин инисининг суратини кўриб, Алиман: «Бизнинг муаллим йигитга ўқшоган сулув йигит бормикин, эна? Чимилдиқнинг ортидан яши пайқатмаган эканман, тикилавергани уялгандим. Энди омон-эсон қайтиб келиб ўзидек билимли, ўзидек сулув қиз олса, ярашиб тўшарди-да, эна!» — дەر эди.

Қиш киргунча шу зайлда болалардан кетма-кет хат келиб тургани умун қарагим анна-мунча таскин топиб турди! Кўп ўтмай, Қосимдан фронт томонга қараб жўнаб кетдик, деган хабар келди. Энди қандай бўлар экан деган ўй-хаёл сира ёдимдан кўтарилмади. Бу орада Суванкулни ҳам қайта-қайта ҳарбий комиссариатга чақириб, комиссия қилиб қолди. Бир томонда эса бригадирлик ташвиши, сира тиним йўқ. Бу қанақа бўлди экан, демак

Сувонқулни ҳам олиб кетадиганга ўхшайди, энди қандай қилдик, деб юрсам, бир куни чиндан ҳам аскарга олиш-ликка повестка келибди. Уни эшитиб, юрагим қинидан чиққудек бўлди. Хирмонда бугдойнинг қолдиғини тозалаб ётгандик. Паншаҳанинг сопидан ушлаб хаёл суриб турган эдим, Сувонқул чопиб келиб, отдан тушди-да, юр уйга, тайёргарлик кўрайлик, деди.

Мингашиб юрайин, десам, йўқ, отни сен мингин, мен ёнингда юриб гаплашиб борайин, деди. Бундай пайтларда одам сўзлашишга сўз ҳам тополмай қоладиганга ўхшайди, айтадиган гапнинг бари ичда қолиб, жимгина келавердик. Қора булутлар осмонни қоплаб, Сариқ Ёйиқ томондан турган муздек шамол қорни учқунлатиб, бўронга айлантиргудек бўлиб, гоҳ зўрайиб, гоҳ пасайиб турди. Атрофимга қарасам, жоним туташган деҳқон далам, сен ҳам яланғоч қолиб, кимсасиз, унсиз тумшайиб турган экансан.

— Ҳа, Тўлғаной, қиш босиб, танам музлаб, совуқдан қорайиб, менинг ҳам ёлғизсираган ғамгин куним эди.

Сувонқул устма-уст гугурт чақиб папирос тутатарди. Бир вақт шамолдан қочиб, отнинг панасига ўтди-да, папиросини тутатар экан, менинг қўлимдан ушлаб: «Совқотдингми?»— деб сўради. У ўшанда бир нима демоқчи бўлди, балки, болаларимиз урушда, мана энди мен ҳам урушга кетяпман, қандай бўлади, қандай кўяди, кўришамизми, йўқми, шунча йил иссиқ-совуғимизга чидашиб, бирга яшадик — рози бўл, тақдир шу экан, қандай қиламиз омон-эсонликни тилайлик, демоқчи бўлдими, ким билади. Ҳайтовур, бошини кўтариб, мени ҳам аяб, ҳам суйиб, лабларини тишлаганча узоқ тикилиб қолди. Соқолмўйловига эндигина оқ оралай бошлаганини ўшанда сездим. У, хосиятли далам, менинг бошимга тушган яхши-ёмонликларнинг барига шоҳид бўлдинг-а...

— Ҳа, Тўлғаной, сенинг буткул умринг шундай ўтди.

— Сувонқул икковимизнинг ўша далада қўшилиб, йигирма икки йил меҳнатимиз билан, ҳалол пешона теримиз билан униб-ўсиб умр сурганимиз ўша замон кўз ўнгимга келди. Умр йўлдошимдан шу ҳолда ажраламан деб ўйлаганмидим. Кечагина ўроққа тушган биринчи тунда худди шу йўл билан мингашиб бораётганимизни эслаб, овулга кираверишда ёшларнинг янги кўчаси бошланган бўйича



қолиб кетганлигини, Қосим билан Алимanning чорбоғида уюлиб ётган ғишт билан тошни кўриб, отнинг ёлига ташланиб, ўксиб-ўксиб йиғлаб юбордим. Сувонқулнинг зеҳни ғоят ўткир эди. Менинг нимани ўйлаб келаётганимни билиб олди. «Йиғласанг, ҳозир йиғлаб ол, Тўлған, бироқ бундан кейин эл кўзи олдида йиғлаб юрмагин,— деди у.— Сен, Тўлған, Алиман билан Жайноққагина бош бўлма, менинг ўрнимда ҳам бригадир бўлиб қоласан, бу ишга сендан бошқа лаёқатли ҳеч ким қолгани йўқ овулда». «Шундай пайтда бўлмағур сўзингни қўй, Сувонқул, кераги йўқ, бригадирлигингни нима қиламан, мен кимга бригадирлик қиламан!»— деб йиғлайвердим. Шундай десам кечкурун чиндан ҳам колхознинг идорасига чақириб қолишди. Фрондан қўли ярадор бўлиб келган янги раисимиз Усенбой, Сувонқул, яна иккита-учта оқсоқол кишиларимиз ўтиришибди. «Тўлғаной янга, нима бўлса ҳам белингизни маҳкам боғлаб, кўпчиликнинг топширигини бўйнингизга оласиз. Аёл киши бўлсангиз ҳам, ер-сувнинг тилини, элнинг шароитини сиздан яхши биладиган одам йўқ. Сувонқулдек бригадиримизни, заҳар ютиб, аччиқ чайнаб, урушга юбориб турганимизда, унинг ишонган киши — сизга, биз ҳам ишонамиз. Замоннинг қандайлигини ўзингиз кўриб-билиб турибсиз. Эртадан бошлаб ишга киришинг, Тўлғаной янга»— деб қатъий гапирди Усенбой. Бошқа оқсоқоллар ҳам шундай деб маслаҳат беришди. Қисқаси — бригадир бўлишга кўндим. Кўнмай илож қанча. Шундай қилганим ҳам бир томондан маъқул бўлган экан — Сувонқулимнинг энг охирги илтимоси шу эмасмиди: кета-кетгунча кўпнинг ғамини еган бечорам-эй, туни билан, кўш ҳайдашга ҳозирдан тайёрлана бер, от-уловни ем-хашакка тўйғиз, омов-бўйинтуруғингни тўғрилаб, ремонт қилиб қўй, фалончининг бола-чақаларига қийин бўлди, бериги кўшнилари эса қари-қартанг, кўз-қулоқ бўлиб юр, уни ундай қил, буни бундай қил, деб гапириб ўтирди. Ташқарида тонг отгунча тинмай шамол гувиллаб, қор ёғиб чиқди.

Сувонқулни ҳам катта йўлгача кузатиб қўйдик. Ўзи қатори бир талай кишилар билан аравага тушиб, тўпга аралашиб кетди қолди. Ушандаги совуқнинг шаштини-ей, юзларни ёриб юборай дерди-я...

— Ўша куни сен Сувонқулни кузатиб қайтиб келаётганигда, қайта-қайта орқанга қараб, қаттиқ йиғладинг, Тўлғаной.

— Ҳа, она ерим, ўша кундан бошлаб раисимиз Усенбой айтгандек, белни маҳкам боғлаб, отга миниб, бригадирлик ишига киришдим. Эндиги бригадирларнинг ҳам иши осон эмасу, лекин у кезларда тамомила турган-битгани азоб эди. Ишга яроқли эркаклардан ҳеч ким йўқ, ҳаммаси урушга кетган, қолганлари қиз-жувонлар, ёш болалар, қариган кишилар. Топган-тутганимизни фронтга юбориб турдик. Аравачаларнинг филдираги йўқ, хомут-бўйинтуруқлар ишдан чиққан, устахонада кўмир ўрнига сой бўйидаги ўтинларни ёқиб, босқонни бир амаллаб ишлатиб турдик. Элнинг турмуши кундан-кунга оғирлашиб борарди. Шундай бўлса ҳам, колхозда ишни тўхтатмай, тебратиб туришнинг пайида бўлдик. Ҳозир ўйласам, бировга яхши, бировга ёмон гапириб, колхоз деб юриб, кўп ишлар бошдан ўтган экан, бироқ эл учун, унинг озиқ-тўзса ҳам эл бўлиб тура берганлигига жонини садақа қилсанг ҳам арзийди. Ўшандаги аёллар — ҳозир кампир, ёш болалар — беш-олтитанинг отаси, у кунларни унутиб ҳам юборишгандир, бироқ, мен уларни кўрган сайин, кўз олдимда ўлмас-ўчмасдек уларнинг ўшандаги ҳаёти гавдаланади, оч-яланғоч юриб колхозда ишлаганлари, орзу-ўйи — борлиғи тошга тамға босгандек кўксимда. Мен ўзим ҳам қандай аҳволда эдим, шундай бўлса ҳам, йиқилиб-сурилиб, бригадир бўлиб юрганимга ҳеч қачон ўксинмайман. Тонг — азонда колхознинг саройига етиб бориб, ҳар бирини ишга чақириб, шу билан кечгача отдан тушмай, эл ётгунча идорада кундалик мажлисда ўтириб, кўпчиликнинг иши билан алақсиб юрган эканман. Майли, баъзан жони ачиганидан баъзи бировлар гапимга қулоқ солмай, мени сўккан кунлари ҳам бўлди, бундай пайтда Алиман билан Жайноқ, ўз болаларим эмасми, уларга тиним бермай куну тун ишга ҳайдай бердим. Шундай қилганимга ҳам койинмайман, бўлмаса не бўлмағур ўй-хаёлларга берилиб кетардик. Бир уйдан қаторасига уч киши урушга кетиб ўтирса, ўйланмай бўладими.

— Рост, Тўлғаной. Сен ўшанда мен билан сўзлашишдан қочаётгандек, доим чопиб, аллақерларда шошилиб, ҳаллослаб юардинг.

— Шундай қилмасликка иложим бормиди, сирдошим она ер. Фронтга кетдим дегани бўйича бир ярим ой чамаси Қосимдан хабар келмай турди. Араваси билан станцияга қатнаб, Жайноқ саёғим уйда йўқ бўлеа, Алиман иккимиз ҳарна бўлса ичимизда сақлаб, Қосим ҳақида

гаплашишдан қўрққандек, кўзимиз бир-бирига тушганда, бошқа бир бўлар-бўлмас тирикчилик ҳақида гап очиб, ёш боладек бир-биримиздан сўрашга ошиқамиз.

Қишнинг ўрталарида, аёзли кунларнинг бирида устахонада отларни тақалатиб юрардим, сизга шошилишч телеграмма келибди, деб, раис аллақандай қоғозни олиб чопиб келди. «Қўй, вой у ниманг?»—деб юборибман. «Вой, Тўлған янга-ей, қўрқманг, ёмонликнинг бети курсин, бул телеграмма Майсалбекдан экан, Новосибирскдан юборибди, берироқ келинг!—деди Усенбой.— Ҳозир тўхтамай станцияга жўнанг, ўғлингиз шу икки куннинг ичида ўзимизнинг станциядан ўтар экан, учрашиб қолай, дебди. Отларга ем-хашак солдириб, аравани тайинлатиб қўйдим. Тўлғаной, янга, кечикмай жўнанглар!»—деб қолди. Суюнганимдан нима қиларимни билмай, ҳаллослаб, устахонада нари-бери югуриб, ундан шошиб уйга жўнадим. Ишнинг олди-кетини суриштирмай, айтганим фақат: «Майсалбегим кутиб олсин, дебди! Майсалбегим келсин, дебди! Сени кутиб олмаганда, кимни кутиб оламан, айланиб кетай, ўғлим, голпиниб учган қушдек яёв югуриб борарман!»—деб, ўзим билан ўзим сўзлашиб, қаҳратон аёзда ҳаллослаб, терлаб-пишиб келавардим. А-а, ўшанда мен кургур, ҳушим ўзимга келиб, Майсалбегим қай тарафдан ўтар экан, деб ўйламабман. Наридан куйганиб, Майсалбегим ўртоқлари билан уйнинг овқатидан тотиб кетсин, деб, бўғирсоқ, юпқа, гўшт пишириб, ўша куниёқ Алиман иккимиз аравага тушиб жўнаб қолдик. Аввал, Жайноқ билан борсаммикин, деб ўйланиб турдим. Шундай десам, Жайноқнинг ўзи: «Қўй, она, Алиман борсин, мен уйда қолайин. Менга қараганда Алиманнинг бориши зарур»—деди. Жуда тўғри иш қилган экан кенжа болам. Ёш бўлса ҳам, Жайноғим ҳар нарсага фаросати етадиган бола. Янгасининг қандай димиқиб, ҳам чекиб юрганини сезиб юрган экан, Алиманни пичанда ишлаб юрган еридан ўзи чопиб бориб, чақириб келди. Кўпдан бери келинимнинг бундай хурсанд бўлганини кўрганим йўқ эди. Худди ёш боладек суюниб, мандан бешбаттар толпиниб: «Бўлинг, эна, кечикиб қолмайлик!»—деб ўпкасини босолмай қолибди. Йўлга чиққанда ҳам шундай эди: аравани тезлатиб ҳайдеб, гоҳда тизгин, гоҳда қамчини аравакаш боладан тортиб олиб, ўзи шошқиланиб ҳайдарди. Йўл бўйи бир текисда заҳар сочиб, лайлакқор ёғиб турди. Уша қор оппоқ бўлиб, Алиманнинг рўмолига, манглай сочиға, ёқасига

қўниб, унинг йилтиллаган қоп-қора кўзларини, нур томиб турган қип-қизил юзини яна ҳам гўзал кўрсатиб, хуснига ҳусн қўшаётгандек эди. Бунинг устига, бора-боргунча бирпас жағи тингани йўқ келинимнинг. Биринчи бор тўйга бораётган боладек, у-бу ҳақда эркаланиб гапириб: «Муаллим бола поезддан тушганда, сиз индамай туринг, эна. Мени танирмикин?— дерди. Сўнг яна бир оз туриб:— Йўқ, эна, мен орқасидан бориб, муаллим боланинг кўзини юмиб олсам, нима қилар экан, ой, бу ким ўзи деб, чўчиб кетармикин?»— деб кулиб борарди. Оҳ, Алиманим-эй, оҳ келиним-эй, сенчалик куёвини севган аёл бўлганмикин? Мени билмайди деб келаётиб, ўзгинанг охири сирингни очиб қўймадингми. Боягидек ҳазиллашиб келаётиб, бир вақт ғамли қиёфада ўзича гапириб юборди: «Муаллим бола Қосимга жуда ўхшаш-а?»— деди-ю, индамай қолди. Бир оздан сўнг хафақонлиги яна тарқади. «Ҳайда отларни, ҳайда тезроқ!»— деб шоширарди. Шундай қилиб, станцияга кун ботарда етиб бордик. Станция жойлашган дара шамолнинг уяси экан, қор учқунлари изғиб уряпти. Майсалбек ҳозир келиб қоладигандек, аравадан тушган заҳоти, Алиманим иккаламиз шиддат билан темир йўлнинг бўйига етиб бордик-да, у ёқ-бу ёқни қараб, нима қиларимизни билмай мустар бўлиб қолдик. Эрталабдан бери уриниб қизиган танимиз совий бошлади. Тарам-тарам темир йўллар орасидан у ёқ-бу ёққа пишқириб қатнаб юрган паровоз гоҳ музлаб ётган вагонларни тақир-туқур қўзғатиб қўяр, сим ёғочлар эса шамолда ҳуштак чолиб ётарди. Бир-иккида поезд кутмаган одам қурсин. Қачон келади, қайси томондан келади — билолмай тураверибмиз. Унча ўтмай олисдан поезднинг қичқириб, шақиллаб келаётгани қулоққа чалинган эди: «Она, келаётибди!»— деди Алиманим. Оёқ-қўлим титраб, юрагим ҳалқумимга тикилди. Поезд тобора яқинлаб келаверди, шошганимдан: «Ма, хуржунни сен ушлаб тур-чи!»— дедим. Буғ чиқариб паровоз бир оз ўтди-да, вагонлар тўхтади. Вагонлар йўловчиларга лиқ тўла экан, хотин-болалар ҳам бор, кўпи солдатлар. Уларнинг ким эканини, қаерга бораётганини жуда билади, лекин Майсалбек кўринмайди. Поезд ёнида югуриб, эшиклардан бош чиқариб турган кишилардан: «Сувонқулов Майсалбек борми? Айтинглар-чи, айланайлар, Сувонқулов Майсалбек борми?»— десак, бир хиллар билмаймиз дейишса, бир хиллари индамайди, бир хиллари кулиб ҳам қўяди.

Орадан ҳеч вақт ўтмай поезд ўрнидан қўзғалиб, юриб кетди. Бизнинг станцияда бор-йўғи уч минут тўхтар экан. Тарвузимиз қўлтиғимиздан тушгандек туриб қолдик. Поезд йўлга тушганда уни кузатиб турган қора тўнли, чўлоқ, ўрта ёшлардаги темир йўлчи ўрис киши бизни кўриб, сизлар кимни кутиб турибсизлар, деб сўраб қолди. Унга узоқдан келганимизни тушунтириб, Майсалбекнинг юборган қоғозини кўрсатдик. Шунда у кўзойнагини тақиб, ўқиб чиқди-да, сизнинг ўғлингиз аскар эшелони билан келаётибди. Унинг қайси эшелон экани, қайси вақтда ўтари номаълум. Кечикмаса бугун-эрта етиб келиши керак. У, балки, ўтиб ҳам кетгандир, кунига қанча эшелонлар ўтади, гоҳида тўхтамай ҳам кетади, қайсиниси эканини ким билсин, дегандек даргумон гапирди. Бизнинг бўзариб кетган рангимизни кўриб, темир йўлчи ачинди шекилли: «Эҳ, уруш, уруш! Барчани қақшатдинг-ку,— деб бошини чайқади-да,— сизлар энди совуқда турмай, мана бу ёққа кириб ўтиринглар, поезд келар олдидан чиқиб кутиб оласизлар»— деди.

Станциянинг ёлғиз хонасида қуруқ ўриндиқда чўзилиб ётган ўнча киши бор экан. Урушнинг дастлабки куниданоқ ҳар қайсиси ўз еридан бош олиб чиқиб, йўл азобини тортган йўловчилар бу ерда ўз уйидагидек жойлашиб, ухлагани ухлаб, гаплашгани гаплашиб, бир хиллари темир кружкаларда хўриллатиб чой ичиб, гитара чолиб, ичида хиргойи қилаётганлар ҳам бор. Алиман икковимиз ҳам нариги четга бориб ўтирдик. Шишаси синган ёлғиз чироқ аранг липиллаб ёниб, хонани ғира-шира ёритиб турибди. Бир маҳал поезднинг яқинлаб келаётгани эшитилиб қолди, биз эшикка отилиб чиқдик. Зулмат ичида жин ўйнагандек, шамол енгу этакдан тортқилаб, паровознинг иссиқ буғи бетга уриб, бир оз ўтди-да, юк ташийдиган поезд секин келиб тўхтади. Унда солдатлар кўринмаса ҳам, Алиман иккаламиз: «Майсалбек! Майсалбек борми?»— деб вагонлардан вагонларга югурдик. Ундан дарак йўқ. Хонага қайтиб келганимизда, одамларнинг бари уйқуга кетган эди. «Эна, чарчадингиз-а, ётиб, дам олиб туринг-чи, мен ўзим хабардор бўлиб турман» — деди Алиман. Келинимнинг елкасига бошимни қўйиб, қийшайдим. Бироқ, қани уйқу келса, ухлаб бўлармиди. Қулоғим, юрагим, ақлим билан поезднинг узоқдан келаётганини ернинг билинар-билиномас ларзасидан ҳам сезиб ётдим. Поезд қайси тарафдан келмасин, қулоғи-

мизга чалинган заҳоти, етолмай қолмайлик, деб, хўржунни кўтарганча югуриб, қаршисига чиқамиз. Қанча эшелонлар ўтди, лекин биронтасида ҳам Майсалбонни учратолмадик. Ярим кечага яқин ер ларзага келиб, эшикка югуриб чиққан эдик, даранинг нариги ёғидан ҳам, бериги ёғидан ҳам паровознинг қичқириғи эшитилиб, икки поезд икки ёқдан келаётган экан. Шундай кўз тутиб ўтирганимизга яраша қани кутганимиздек бўлиб чиқса, айланай!.. Шошганимиз шунчаликки, қайси томонга юришимизни билмай ҳаллослаб, икки йўлнинг ўртасига тушиб қолган эканмиз, қарама-қарши қичқириб келган поездлар, қулоқни битириб, келган бўйича тўхтамай тарақ-туруқлаб ўтганда, шамол уйилган қорларни вагонларнинг остига учуриб кетгудек бўлиб ҳар томондан урилди. «Эна!»— деб бақирган Алиман мени қучоқлаганича фонуснинг тагида ушлаб турарди. Уша шақ-шуқ қуюн ичида ярқ-юрқ этган вагонларнинг дераза-эшикларига тикилиб, Майсалбегим шунда ўтиб кетмадими, деган ўй буткул вужудимни титратиб, эсимдан оғдирарди. Ғилдираклар остидаги қўш излар менинг зирқираган юрагимдек, ўшанда зинг-зинг этиб турарди. Айт-чи, яна, дунё таянчи ер, қайси замонда, қайси она ўшандек ўз боласини бир кўрарга зор бўлиб, кўзидан қонли ёш тўкиб, йиғиси тош ёриб, йўл пойлади экан?

— Айтолмайман, Тўлғаной. Сенинг замонингдагидек уруш оламда бўлгани йўқ.

— Бўлмаса, ўшандек йўл пойлаган онанинг энг сўнгиси мен бўлайин! Илоҳим, менингдек темир йўл қучоқлаб, зор қақшаган банда бўлмасин!

— Тўлғаной, ўғлинг билан кўришолмай келганингни, сен бериги катта йўлдан қайрила берганингда билган эдим. Рангинг шунчалик ўзгариб, кўзларинг киртайиб, касалдан тургандек бўлиб қолибсан.

— Шундан кўра бир ой эс-ҳушсиз тўшақда ётсам рози эдим. Тонг отгунча келиним икковимиз бир дам тиним билмай, темир йўлнинг бўйида у ёқдан-бу ёққа югуриб юрдик. Тонгга яқин бўрон босилди. Ушанда кун ботар тарафдан вагонлари тилкаланиб куйиб кетган бир эшелон келди. Ёпирай, тилкаланган эшелон аста судралиб келганда, дара сукунатда эди. Оз-моз учқунлаб турган қорни ҳисобга олмаса, станцияда ғимирлаган жон, чурқ этган товуш йўқ эди. Бу судралган эшелонларнинг биронтасида ҳам одам йўқ экан. Дабдаласи чиққан ва-

гонлар тиркалишиб, харобазор гумбазлар орасидагидек, унсиз ҳувиллаб ётган гўристон сукунати ҳукм сураб, буқсиган тутун, куйган темир, ёнган қарағай ҳиди анқиб турарди. Кун икки танишган қора тўнли чўдоқ ўрис киши фонусини кўтариб, ёнгинамизга келган эди, Алиман ундан: «Бу эшелонга нима бўлган?»— деб астагина сўради. «Бомбалар пачақлаб кетган»— деди у ҳам секингина. «Энди бу вагонларни қаерга олиб кетишяпти?»— «Ремонтга» — деди темир йўлчи. Уларнинг сўзини тинглаб, бу эшелонда кимлар юриб, қаерда бомба остида қолган, ур-йиқит, бақириқ-чақириқнинг ичида кимлар оёқ-қўлидан ажраб, кимлар жон бериб, ҳаёт билан видолашди экан, урушнинг шамоли шу бўлса, ўзи-чи, ўзи қанақа мудҳиш нарса, деб хаёлимдан ўтказдим. Урушдан қайтган эшелон станцияда анча тургандан кейин, секин судралиб, яна аллақаяёққа юриб кетди. Юрагим ҳовлиқиб, бўтун вужудим титраб кетди. Энди Майсалбегим ҳали пачақланган эшелон келган томонга, қон майдонига йўл олади-да. Қосим нима бўлди экан? Сувонқул ҳам Рязань шаҳрига яқин ерда машқ қилиб ётибмиз, деб ёзибди. У ер фронтдан унча узоқ эмасга ўхшайди...

Қуёш чиқиб, туш ҳам бўлди, умидимиз узилди. Майсалбек биз келгунгача ўтиб кетган экан-да, бўлмаса станцияга келган ҳар бир эшелонни қўймай қараб чиқдик-ку. Энди нима қиламиз? Майсалбек билан юз кўришмай қолганимизми бу? Аравадаги отларга сақлаб қўйилган ема-хашак ҳам тугаб қоляпти, деб ҳар қайсисини бир ўйлаб, овулга қайтиб кетишга кўнглимиз бўлмай, Алиман икковимиз темир йўлчиларга ёрдамлашиб, темир йўлларнинг орасига уйилган қорларни тозалашдик. Шундай қилмасак, вақт ўтадигандек эмас. Совуқ кечагидан бўш келмай, ёмғир аралаш шамол бўлиб турди. Бир вақт ҳаво очилди, булутларни ёриб қуёш чиқди. «Ох, худойим-эй, шу қуёшдек бўлиб ўғлим ярқ этиб кўзга кўриниб қолса-чи!.. Худойим, ўзинг етказгин боламни!»— деб ёлворардим. Шу орада кун чиқар томондан паровознинг ҳайбатли овози эшитилиб, станцияга яқинлашаётган эшелон кўринди. «Эна, шу эмасмикин? Худо хоҳласа шу!»— деди Алиман, худди билгандек хуржунни елкасига солиб. У ўшанда биллиб тургандек, нима учундир бўзариб, юзидан қони қочди. Менинг ҳам нафасим қисилиб, юрагимга ваҳима тушди. Бир-бирига туташган икки паровоз яқинлаб, тутун, буғ, қора чўян, қизил темир филдирак гуркираб, шақил-

лаб ўтаверди, бирма-бир очиқ вагонларга юкланган зам-барак, танклар ёнида милтиқли кишилар кўзга чалиниб турарди. Вагонларнинг эшигига тўпланган солдатларнинг ўйин-кулгисидан уларнинг сўзларини англаб бўлмасди. Вагонлар кўз илғамай зинғиллаб ўта бошлади. Қўлига байроқча ушлаган қандайдир бир темир йўлчи югуриб келиб: «Тўхтамайди, тўхтамайди!»— деб, қўлини силтаб, бизнинг кўкрагимиздан итариб темир йўлдан четлатаётган эди, шу маҳал ёнгинамиздан: «Она-а! Алиман!» деган қичқириқ эшитилди. Майсалбек! У ҳам, айла-ниб, қоқиниб кетайин болам-эй, бир қўли билан вагоннинг тутқичини ушлаб, бўйинини орқага ташлаб, қулоқчинини силкиб, хайрлашиб бораётган экан. «Майсалбек!»— деб қичқирганимни биламан. Ўша кўзга ташланган пайтда, Майсалбекнинг қадди-қомати аниқ кўринди: шинелининг этакларини шамол тортқилаб, юзида, кўзида ўкинч ҳам, севинч ҳам, учрашув ҳам, хайрлашув ҳам бор! Қутуриб эсган шамол унинг овозини олиб қочди, Майсалбекнинг ўша туришидан кўз узмай, у узоқлашган сайин поезд билан бирга югуриб, эшелоннинг энг охири вагони ёнимдан ўтганда, орқасидан яна чопиб, юз тубан йиқилдим. Оҳ, ўшанда бўзлаб, қақшаб йиғлаганим-эй! Уқ ёғиб турган майдонга кетиб бораётган ўғлимнинг ўрнига, темир йўлни қучоқлаб, видолашиб ётдим. Ғилдиракларнинг рельсга тақ-туқ урилиши ҳам тобора узоқлашиб борарди.

Ҳозир ҳам, гоҳида ўша эшелон қулоғимни тиндириб, бир-бирига туташган икки паровоз олиб учган вагонлар миямни қоқ ёриб ўтаётгандек бўлади.

Орқамдан ўшанда хўрсиниб йиғлаётган Алиман етиб келиб, унинг кетидан яна бир темир йўлчи ўрис аёл келиб ётган еримдан қучоқлаб турғизишиб, темир йўлдан четга олиб ўтишди. Алиман мени қўлтиқлаб келаётиб, ўшанда, қўлимга аскар қулоқчинини тутқазди: «Манг, эна, муаллим бола ташлаб кетди» — деди у. Майсалбегим менга ташлаб кетган экан.

— Тўғри айтасан, Тўлғаной, аравада келаётиб, қалпоқни кўксингга босиб келмаганмидинг.

— Ҳа, ўша қулоқчин ҳозир ҳам уйда илиғли турибди. Пешонасида қизил юлдузи бор, бўз матодан тикилган солдатча қулоқчин. Баъзан қўлимга олиб ҳидлайман, ундан ҳали ҳам ўғлимнинг иси келиб тургандек...



## IV

— Тўлғаной, бояқиш Тўлғанойим, сумбул сочларингга қумуш қиров тушириб кетган ўша кунлар эмасмиди. Эсизгина ўрим-ўрим сочлар! Сен бу ерга келганда ҳар гал ҳам бошқача қиёфада келардинг. Дам-бадам юкинг оғирлашгандек, ҳамма қийинчиликларга бардош бериб, дардингни ичга ютиб жимгина келиб, жимгина кетсанг ҳам бошингга қандай қийин, оғир кунлар тушганидан тўла огоҳ эдим.

— Ҳа, она ерим, нима ҳам дер эдим. Ёлғиз менгина бўлсам эди — урушнинг касири тегмаган битта ҳам оила, биронта ҳам одам қолмаган эди-ку. Бошқаси у ёқда турсин, дунёнинг ўнги-терси билан иши бўлмаган, эндигина тили чиққан муштдек болалар ҳам, оғзидан сути кетмаган гўдаклар ҳам, бир ашула айтиб бер-чи, десанг, юрак-бағрингни ёриб:

«Оқ кўйнагим этаги  
Ҳилпир-ҳилпир этарми,  
Аскарга кетган отамнинг  
Бир хабари келарми?»—

деб қақшаб турса, кимнинг ичи ачимайди, бостириб кирган душманга: «Ҳап сеними!»— деб ким ғазабланмайди. Мудҳиш хабар — қора хат келганда, аскарга кетган кишилардан ажралиб, ҳар куни овулнинг икки-уч еридан дилингни эзиб юборадиган йиғи-сиғи овозлари чиқиб турса, кишининг қони қайнаб, уруш ўтининг ёлқини, юрак-бағрингни ўртаётганини ўшанда билар экансан! Худди ўша кезларда бригадирлик қилиб, элнинг аччиқ-чучугини бирга тотиб, кўпчиликни эплаб, бош-кўз бўлиб юрганамдан ҳозир ҳам фахрланаман, ҳозир ҳам уни завқ билан, миннатдорчилик билан эслайман. У бўлмаганда балки, мен аллақачон майишиб, аллақачон мудраб, аллақачон уруш тўполонлари ичида оёқ ости бўлиб кетар эдим. Қиличини яланғочлаб келган ёвга қарши зарба беришнинг ягона йўли курашда, меҳнатда эмасми. Мана, қадрдон далам, иш орасида чопа келиб, яна ун чиқармасдан от жиловини қайта буриб, индамасдан чопиб кетишимнинг боиси ҳам шунда. Қосимдан хат келгани эсингдами, меҳрибоним?

— Бўлмасамчи, Тўлғаной. Сен нариги ёқдаги кўчадан чиқаверишингда, баланд-пастликларга қарамай, отнинг

бошини қўйиб чопиб келаётганиндаёқ билган эдим. Сен ўшанда адирга гўнг сочиб юрган келининг билан кичик ўғлинг олдига суюнчи олгани келган эдинг, Тўлғаной!

— Суюнчи олмай бўладими! Бирданига икки ой дом-дараксиз кетган Қосимимдан соғ-саломатман деб хабар келса-ю, мен суюнмай, ким суюнсин! Москва ёнидаги кескин жангларга икки бор кириб, иккаласидан ҳам соғ-саломат чиқдим, немисларнинг шашти қайтиб тўхтаб қолди, бизнинг полкимиз ҳозир дам оляпти, депти. Алиманнинг ўшандаги қувонгани-ей!.. Аравадан ирғиб тушиб, Жайноқдан олдин «Энажон, оғзингизга мой, қоқиниб, кетай, энажон!»— деб, етиб келди-ю, хат ушлаган қўлларни қалтираб, ҳеч нарса ўқий олмай: «Омон! Омон-эсон!»— деяверди. Ён-верида гўнг сочиб юрган жувонлар югуриб келишиб, «Қани, ўқи-чи, Алиман, куёвинг нима депти?»— дейишса, «Ҳозир, айланайлар, ҳозир!»— деди-ю, ўқий олмади. «Менга бер-чи, янга. Одамларга ўқиб берайин»— деб Жайноқ хатни олди-ю, баланд овоз билан ўқий бошлади. Ўшанда Алиман нима учундир ерга ўтириб қолиб, қизиган пешонасига чангаллаганича қор босди. Хат ўқилиб бўлгач, у бир оз ўйланиб турди-да, бетидаги эриган қорни ҳам суртиб олмай, шу бўйича йиғлашини ҳам, кулишини ҳам билмай, худди туш кўрган ёш боладек жилмайиб: «Юринглар, энди ишлайлик!»— деди. Сўнг ўзи атрофга бамайлихотир назар ташлаганича одимлаб кетди. Нималарни ўйлаганини ким билсин, менимча ёзда, шу далада Қосимга сув ташиб юрган кезларини эсладим, балки, уни аскарга кетаётганда комбайн билан хайрлашгани кўз олдига келгандир. Тавба, келиним сир сақлаб юрса ҳам, бариси юзига чиқар эди. Ахир, шундай одамлар ҳам бўлади-ку. Шу дақиқа Алиманнинг кўзлари ҳам севиниб, ҳам мунғайиб, аллақандай ажойиб, гўзал кўринишларни эслагандек кулимсираб, эркалаб катта йўлда ёмғирдек тўкилган саман йўрғанинг олислаб бораётган чангини кузатаётгандек мўлтиллаб ёш олиб, қисқаси, келиним ўй-хаёллар селига чўмгандек эди. Ҳазилкаш Жайноқ тушмагур уни қўярда-қўймай енгидан тортиб: «Эй янга, эс-хушингизни йўқотганга ўхшайсиз. Шунчалик ҳолингиз бор экан, нима қилардингиз хатга қўл чўзиб... хатни ўқий олмай, элу халққа кулги бўлди, деб Қосим оғамга ёзиб юборай. Хотинингизни яна мактабга бермоқчимиз дейин!»— деди. Алиман уни ҳазиллашиб муштраб, бир-бировларини қувлашиб кетгандан кейин,

мен ҳам беихтиёр кула бошладим. «Майли,— дедим ўшанда ўзимча ич-ичимдан фахрланиб.— Ёвни ёв босади! Қосимнинг жангга кириб кўп қатори немис билан солишиб чиққани рост экан. Менинг болаларимдек йигитлар элни қўриқламай, ким қўриқласин. Фақат омон бўлиб, душманни енгиб, зафар билан қайтиб келса бўлгани, бошқа ҳаммасига чидаш мумкин, майли, ит азобини тортсак ҳам, эртароқ енгсак бўлгани! Худойим, эртароқ енгсак экан!»— деб тилак тилардим. Бу фақат менинг истагим бўлмай, кўпнинг тилаги, улуғ тилак бўлгани учун ҳам, ҳаммасига кўнар экансан. Уйда ёлғиз қолган кенжам, Жайноғим, ўн саккизга етар-етмас аскарга кетганда: «Майли, бошга тушгани кўз кўрар!»— деб ўзимни ўзим юпатдим.

Қишнинг охирларига бориб Жайноқни ўз тенгқурлари қатори ҳарбий комиссариатга чақира бошлаганда, уларни шунчаки бир аскар сифатида машқ қилдириб юрса керак, деб ўйлардим. Уни аскарга олади деган хаёл ҳам кўнглимдан ўтмаган эди. Икки марта районга бориб, ўн кун чамаси ўйнаб келди, кейинги боришда эса орадан бир кун ўйиб, эртасигаёқ Жайноқ уйга қайтиб келди. «Нима, сенга жавоб беришдими, тезда қайтиб келиб қолдинг?»— деб сўрасам: «Йўқ, она, эртага яна районга қайтиб кетаман. Ҳарбий комиссариат бир кун уйда бўлишга рухсат берди»— деди. Мен бўлсам ўшанда ҳам пайқамабман. Узоқ сафарга отланаётгандек Жайноқ ўша куни жуда кўп ишларни битириб қўйди. Ишдан бир ров қайтиб келсам, қўранинг ичини супуриб, олам-жаҳон ўтинни ёриб қўйипти. Молхонани тозалаб, томнинг устидаги пичанни қуришиб тўплаб, отаси от боғлаб юрадиган охурнинг бузилаган жойларини чаплаётган экан. «Вой, уни нима қиласан, болам, ёзда шувалар» — десам: «Вақт борида битириб қўйган яхши, она. Кейин қўл тегмайди» — деди. Сўнг билсам, у бекорга унаб юрмаган экан. Жайноғим ўз ихтиёри билан комсомол чақириғига жавобан урушга жўнаб кетди. Уни биз Жайноқ жўнаб кетгандан кейин билдик, станциядан аравакаш овулдоши орқали хат юборибди. Алдаб кетгандек, вой бечора болам-ей, тўғриси айтиб хайрлашиб кетсанг, йиғлаб-сиқтасам ҳам тушунар эдимку. Алиман иккаламизга ёзган хатида, хайрлашмай кетганим учун мени кечиринглар, сизларни биратўла билишсин, дедим, аскарга ўз ихтиёрим билан кетишни лозим топдим, деб ёзибди. Менинг бу аҳдимга рози бўлмас,

деб ўйладими, ё айтишга оғзи бормадими, қайдам. Би-лишимча, Жайноқ урушни севиб, қизиқиб кетгани йўқ, уни ёмон кўргани учун, элга келтирган зиён-заҳматини қалбдан ҳис қилгани учун қўлга қурол олиб, беллашгани кетди. Отаси, икки акаси элу халқ деб жанг майдонида қон кечиб юганда, бунинг жони улардан ҳам азизмиди, у ҳам ор-номусли йигит эмасми. Ҳа, Жайноқ худди шунинг учун, урушни ёмон кўргани учун кетганига кўзим етиб турибди. Ёлғиз Жайноқ фронтга боргани билан душманни қийратиб юбормайди, бироқ, бундай дейиш ҳам тўғри эмас; Жайноққа ўхшаганлар ўнлаб қўшилади, юзлаб, минглаб қўшилади, шундай қилиб куч тўпланеди! Шундай қилиб кўл пайдо бўлади, шундай қилиб тоғ ҳосил бўлади! Жайноғим, кенжам, қувончиғим, ҳазилкашим, хушчақчақ суҳсур тойчоғим, болам! Сен нима учун айтмай кетганингни билмади дейсанми? Сени болалик қилиб, урушнинг нима эканини, ўлимнинг нима эканини тушунмай кетаверди деб ўйлади, дейсанми? Сенинг хушчақчақлигингни кўриб, сенинг инсонга бўлган тоғдек меҳр-муҳаббатингни ҳар ким ҳам тушунавермас эди. Ўша муҳаббатингдан хотин-халажнинг кўрган азобига тик қараб тура олмадинг. Одамнинг бу дунёда орттирган нарсаси яхшилик экан-да. Мана энди, урушда юриб, аллақерда ном-нишонсиз қурбон бўлдинг. Қирқ тўртинчи йилнинг қайси бир қоронғи тунида партизанларга ёрдамлашинг учун самолётдан парашютда сакрабсану, парашют десантидаман, немисларнинг орқа томонига ўтиб уч бор жанг қилиб келдик, деб хабар қилганинча дом-дараксиз кетдинг. Душман билан олишиб, бирор ерда ўққа учрадингми, ё тўқайзорда адашиб кетдингми, ёки қўлга тушиб қолдингми. Ҳайтовур, омон бўлганингда бирор шарпанг сезиларди-ку, болам. Сен жуда эрта хазон бўлдинг, Жайноғим, кенжатойим, ёш кетиб, элнинг эсида ҳам унча қолмагансан. Мен сени йўқлаганда, бизни аяб айтмай кетганингни доим эслайман, ўша кезларда станцияга арава билан қатнаб юганингда, нотаниш бир ёш болага устингдаги тўнингни ечиб берганингни доим эслайман. Қиш тушиб қолган, аёзли тунларнинг бирида, аравасини ўртоқларига бериб, Жайноқ кўйлакчанг кириб келди. Совуқдан кўкарган юзига қарасанг, ақлинг қочади, тиши тишига тегмай, тараша бўлиб қолипти. Шундай бўлса ҳам, сир бой бермайди. «Вой, бу нимаси, кийиминг қани, йўлда биров ечинтириб олдимми?»— десам, бир болага бе-

риб келдим, деди. Кейин ўртоқлари айтиб берди. Урушдан эвакуация бўлиб келган битта ўрис хотин тўртта ёш боласи билан бизнинг станцияга тушиб қолган ва, ҳаммаси оч-яланғоч бўлиб, совуқдан титрашиб ўтиришган экан. Онаси болаларни эплаб-сеплаб рўмол-пўмолга ўраб қўйган бўлса керак, саккиз-тўққиз ёшлардаги дастёр ўғлига ҳеч нарса етмай, жулдур камзулдагина тиришиб ўтирганмиш. Жайноқ ўша болага устидаги тўнани ечиб берибди. Тўнани кийгизиб қўйса, этаги товонига шалпираб, судралиб, енглари тиззасидан пастга тушиб турса ҳам, бир оз исиган бола, қайта жон киргандек, қайта тирилгандек кулимсираб, жилмайиб, ҳузур қилиб қолибди. Жайноқ ўшанга хурсанд бўлиб, йўл бўйи совуқда араваларнинг ортидан югуриб, навбатма-навбат ўртоқларининг кийимини олиб кийиб бораётган бўлса ҳам, ҳалиги болани дам-бадам эслаб: «Яхши иш бўлдими, бечора бола исиб, ўзига келди-а!»—деб келаверибди. Тўғрисини, айтсам, бир кишига тўн ечиб бериш билан элнинг ками-кўсти тўлиб, бут бўлиб ҳам қолмайди. Бироқ, ҳалигидек бирга ўн қўшилиб, ўнга юз, минг қўшилиб, элчилик-юртчилик, одамгарчилик, жигарбандлик деган нарсалар шундан келиб чиқишига ишонаман. Одам яхшиликни ердан топиб олмайди, одамдан ўрганади. Жайноқ бериб кетган тўн йиртилар, бутунлай йўқ бўлиб кетар, айтишга арзимайдиган нарса, бироқ гап унда эмас, шу кичкина боланинг қалбида биров қилган яхшилик учқунлари сақланиб қолса, одам бўлгандан кейин бировга яхшилик қилиш бурч эканини ёшлигиданоқ тушуниб олса, Жайноғимнинг қилган савоб иши ўшанда.

Эҳ, энди нимасини айтайин, уруш касофати қанча қанча одамларнинг ёстиғини қуритди, Жайноғим омон бўлганда қандай одам бўлар эди! Ў, феъл-атворингдан, қилиқларингдан айланай, болам, қайдасан, қайдасан? Ўн гулингдан бир гулинг очилмасдан, қаерларга бориб ўққа учдинг экан? Оҳ, дунё, оҳ, жонажон ер, боламини кўз очиб юмгунча тирилтириб, дийдорини биргина кўрсатиб қўйсанг-чи!..

— Тўлғаной, сабр қил, ўзингни босиб ол. Ундай қилма, ўзингга раҳм қил... Юрагингнинг ҳар бир тепишини фанимат бил. Бўйнингдаги қарзингни унуттингми?

— Йўқ, сирдош далам, унутмайман. Унутмаганлигим учун ҳузурингга келиб турибман-да. Шу қарз бўлмаганда ҳанузгача тирик юрган бўлармидим, чиқмаган жоним

қилтиллаб, юрагим аллақачон ғалвир бўлган-ку. Эсингдами, она-ер, ўша мудҳиш кунлар?

— Эсимда, Тўлғаной. Сени қўш ҳайдатиб юрган ерингдан чақириб кетишганларидаёқ билган эдим. Одамларнинг кўз қарашидан, киприк қоқишидан, пичирлашиб гаплашганидан сезганман.

— Ҳа, бойчечак очилган кўклам кунлари далага эндигина қўш чиқарган кезлар эмасмиди. Кун тегмаган камарларда қурт-қумурсқалар ҳали ҳам карахт ухлаб ётган бўлса ҳам, майин шабада эсиб, ер селгиб, кун сайин майсалар ниш уриб, баҳор яқинлашмоқда эди. Оҳ, баҳорни кўмсаб, доннинг сепилишини орзиқиб кутаётган деҳқон далам! Намиққан юзларинг кўкимтир ранг олиб, оламнинг чор атрофига ястаниб, аллақаерларингда кумуш ранг таратиб, тўшақда ётган жувондек балқиб турганингдан, бепоён далам!

Плуг тишлари эндигина ер бағрини тилиб, нам тупроқнинг илиқ тафти юракни қитиқлаётгандек эди, трактор орқасидан бамайлихотир одимлаб борарканман, ерга: ҳосилдор, баракали бўл, урушда юрганларга қувват бўл, деб, Сувонқул билан Қосимдан кўпдан буён хат-хабар узилганини эслаб, ўзимча ўйланиб турсам, овулдаги қариялардан бири келиб қолди. «Э, оқсоқол, келиб қолибсиз, иш бошидан бир фотиҳа бериб юборинг!»— дедим. «Деҳқон бобом, хизр назар қилсин, хирмон баракали бўлсин, ҳузурини эл кўрсин!»— деб, у киши от устида фотиҳа қилди-да:— Тўлғаной, райондан келган вакил, бригадир келсин, деб чақиряпти, юргин»— деди. Қўшчиларга ишни тайинлаб, овулга йўл олдим. Уйимда ҳеч нима йўқ, райондан кунига катталар келишади, айниқса ер ҳайдаш бошланганда кўпроқ келишмайдими. Қария билан аста-секин уни-буни гапиришиб келар эканмиз, у киши гап орасида сўз қистириб: «Раҳмат сенга, Тўлғаной! Шундай мушкул кунларда элга бош бўлиб юрибсан, дадил бўлиб ишлайвер. Сенга ҳам осон эмас, одамнинг бошига нималар тушмайди, нималар ўтмайди, дегандек бундай оғир кунларда бир-биримизни қўллашимиз, мадаккор бўлишимиз даркор, йўқ, бир-биримизга мадормиз, элмиз. Эл билан кўтарган юк ерда қолмайди»— деб кўяди.

Овулга киравериб, кўча бўйлаб келаётганимизда уйимиз ёнида ғала-ғовур тўпланиб турган халқни кўриб ҳам ҳеч нарсани сезмапман. Қария менга ялт этиб қаради-ю,

чўчигандек: «Отдан туш, Тўлғаной»— деди. Мен ҳайратланиб қараб турган бўлсам керак, у киши отидан туша солиб, менинг қўлтиғимдан олди: «Туш, Тўлғаной, тушишинг керак!»— деб такрорлади. Тилим калимага келмай, бутун вужудим жунжикиб, отдан тушдим. Бир вақт қарасам, нариги ёқдан Алиманни эргаштириб, уч-тўрт аёл келаётган эди, Алиман ўша кунни ариқ олишда ишлаётган эди. Унинг кўтариб келаётган кетмонини бир аёл елкасидан шартта олди. Шундагина ҳаммасини тушундим: «Бу нима қилганларинг, вой худо, шўрим қурсин!»— деб кўчани тўлдириб бақирдим. Шу маҳал Ойша қўшнимнинг уйидан аёллар чиқа солиб, қўлларимни маҳкам ушлашди: «Бардам бўл, Тўлғаной, Сувонқул билан Қосимдан жудо бўлдик!»— деганда: «Эна, энажоним-эй!»— деб чинқирган Алиманнинг товуши чиққач, турган одамларнинг ҳаммаси: «Жигарим-эй! Жигарим-эй!»— деб ўкириб йиғлайверишди. Оҳ, лаънати уруш, мақсадинг шумиди? Оҳ, қора кун, кўргилик шумиди? Менгина эмас, кўча-кўй, уйлар, дов-дарахтлар чайқалиб эгилар, ер-кўкни бузган йиғи товушларидан қулоғим тиниб, гаранг одамдек ҳеч нарсани эшитмай, аллақандай бир мудҳиш жимлик ичида, гўё тушдагидек, гўё кишиларнинг юзини булут қоплаб олгандек кўзга чалиниб, ё ўлик, ё тирик эканлигимни сезмай, орқамга қайрилган қўлларимни бўшатиб олишга ҳаракат қилардим. Ёнимда ким борлиги, эшик ёнида додвой солаётган одамлар кимлар экани билан ишим йўқ, менинг биргина аниқ кўриб турганим — Алиман. Бетини, кўйлагини юлиб, сочлари тўзғиган келиним ҳам нималарнидир зор қақшаб, чинқириб, икки ёқдан осилганларга бўйин бермай, у ҳам мен томон толпинарди. Алиманга тезроқ ета қолсам деган хаёл билан мен ҳам унга интилавердим, бироқ худди қирқ кунлик олис йўлдан келаётгандек бир-биримизга етолмай, қўшилгунча анча вақт ўтди. Уртага узоқ йўл тушгандек, бир вақт Алиман етиб келди-да, битган қулоғим ўшандагина очилди. Икки кўлини ёзиб: «Бошимизга қоронғи кун тушди, эна, айрилдик, есирмиз, есирмиз! Ой-кунимиз сўнди, бирдек есирмиз!»— деб Алиман фарёд чекиб, ўзини менинг кучоғимга отди. Ҳа, ўша пайтда икки есир қўшилиб, бир-биримизга ёнган кўкрагимизни босиб, зор қақшаб йиғлардик...

Ажойиб азаматлар, тоғ нураса бўлмасмиди, кўл қуриса бўлмасмиди! Сувонқул билан Қосимим, ота-бола иккови ҳам қандай деҳқон эди! Дунёнинг таянчи шунга ўхшаш

заҳматкашлар эмасми: элни тўйғазганлар ҳам ўшалар, ёв келганда қўлга қурол олиб, мамлакатни қўриқлаб, қон тўкканлар ҳам ўшалар. Агар уруш бўлмаганда, Сувонкул билан Қосимим қанча одамларга ризқ-рўз бериб, мушкулени осон қилиб, экин экиб, қанча хирмон кўтариб, қанча ишни бажарган бўларди. Ўзлари ҳам эл меҳнатидан ҳузур-ҳаловат кўриб, одамнинг қанча роҳатига шерик бўлишар эди. Ўйлаб қарасанг, қизиқ, айланайин, она ер, уруш бошланар экану, у урушда одамзоднинг энг асл, ҳунари бор азаматлари ўз ишини ташлаб, бирининг қонини бири тўкиб, бирини бири ўлдиришга сафарбар бўлишар экан. Мен бунга кўникмайман ва умрбод кўниколмайман. Табиат томонидан яратилган энг олий мавжудотларнинг энг буюги — одамзод, дунёни ўзига бўйсундирган ким — одамзодми, шундай экан, бир-бирига бунчалик зиён келтирмай, тинч-тотув яшолмайдими? Сирдош далам, жавоб бер, айт жавобингни.

— Қийин савол бердинг-ку, Тўлғаной. Мен билганимдан бери, одам одам бўлиб яратилгандан бери урушгани урушган. Баъзан урушда мутлақо қирилиб ном-нишонсиз кетган эллар ҳам бўлган, кули кўкка совурилиб, тирик жон қолмай, хонавайрон бўлган шаҳарлар ҳам бўлган. Неча асрлар одамзод изига зор бўлиб, бўм-бўш ётган вақтларим ҳам бўлган. Ҳар гал уруш чиққанда, гап уққанларга, урушманглар, қон тўккунча ақл ишлатинглар, деб айтаман. Ҳозир ҳам айтадиган сўзим шу: «Эй, одамлар, дунёнинг тўрт бурчагида яшаган одамлар, сизларга нима керак — ерми? Мана мен — ерман, мен барча одам боласига етаман, менга талашишларингнинг кераги йўқ, менга иноқлик керак! Меҳнат керак! Шудгорга битта дон ташласаларинг, юз дона қилиб бераман, хипчин санчсаларинг, чинор қилиб бераман, боғ қилсаларинг, мева тугиб бераман, мол ёйсаларинг пичан бўлиб бераман, уй қурсаларинг, девор бўлиб бераман, уруғ-аймоқларинг купайса, ҳаммаларингга жой бўлиб бераман! Мен тугамайман, мен хасис эмасман, мен конман, мен ҳаммаларингизга баравар етаман!» — дейман. Сен энди, Тўлғаной, одам боласи тинч яшай оладими, йўқми, дейсан. Ўзинг ўйлаб кўр-чи, у мендан эмас, сизлардан, одам боласининг ўзидан, сизларнинг иноқликларингиздан, хоҳишларингиздан, ақли идрокларингиздан... Мени урушнинг заҳматини тортмайди дейсанми. Майдонда қурбон бўлган меҳнаткашларимнинг: сенинг Сувонқулингга, Қосимингга, Жай-



ноғинга ўхшаган деҳқонларимнинг меҳнатини соғинаман, уларни йўқлайман. Ер вақтида ҳайдалмай, экин вақтида суғорилмай, хирмон вақтида кўтарилмай турганда, мен уларни: «Келинлар, полвонбилак деҳқонларим, келинлар, болаларим, тезроқ туриб келинлар, қувраб кетяпман!»— деб чақираман. Афсуски, кетмонини кўтариб, Сувонқул келса қани, афсуски, комбайнини ҳайдаб, Қосим буғдой ўримига кирса қани, афсуски, хирмонга қизил алвон тортиб, Жайноқ аравасини қувиб келса қани!..

— Сен ҳам мендек бағри қон экансан, ғамхўр далам, сен ҳам мендек соғинаркансан, сен ҳам мендек йўқлар экансан. Раҳмат, сенга, жигарбандим Ер!

Биласан-ку, ёмон-яхши кунда бирга бўлдик. Сувонқул билан Қосимнинг азасини тутиб, Алиман иккаламиз қора кийиниб, аза очиб, йиғимизни ҳам тугата олмадик. Эшитганимиздан сўнг етти кун ўтиб, еттисини ўткаганимиздан кейин, эл рухсат берди: бир йилгача аза тутсанг ҳам озлик қилади, илож қанча; охири бахайр бўлсин, Майсалбегинг билан Жайноғинг (унда Жайноқ тирик, хат узилмай, келиб турган пайти эди) омон-эсон қайтиб келишсин, ёз ёришли деганларидек, тирикчилик қилинлар, қўш ҳайдаш вақтида бирдек ишга киришинлар, ўлганлар учун душмандан ўч олганимиз шу бўлсин, дейишди. Келиним иккаламиз уйда ўтирганимиз билан нима қила олардик. Ўлганларнинг кетидан ўлиб кетмас экансан, кўпчиликнинг гапига кўндик, ишга чиқдик. Ишга чиқиш куни эрталаб раисимиз Ҳсенбой аллақандай иккита қоғоз олиб келди, қора қоғозлар экан, сақлаб қўйинлар, деди. Билсак, Қосимнинг қора қоғози ярим ой бурун идорага келган экан, Москва остонасидаги ҳужумда, Ореховка деган қишлоқда қазо қилибди. Уни билдирамиз деб турганларида Сувонқулдан ҳам қора хат келиб қолибди. У ҳам Елец шаҳрида катта ҳужумда қурбон бўлибди. Овулдошларимиз икки одамимизни бир вақтда билдирганларининг ҳам боиси шунда. Ундан кейингисининг нимасини айтай. Бригадир эканман, белимни маҳкам боғлаб, яна отланиб чиқдим.

— Тўлғаной, сен келганда иккаламиз кўпни кўрган оналар каби ўтдек тутатиб, жимгина кўришдик, а?

— Ҳа, шундай қилмасак бўлармиди. Мен йиғи-сиғи қилаверсам, келиним ундан баттар хаётдан безиб кетмасмиди? Билиб турдинг-ку, куёвига шунчалик куйган жувонни умримда кўрган эмасман. Мен ҳам эримдан, ҳам ўғлимдан жудо бўлиб, ундан оз куймаган эдим. Шундай

Бўлса ҳам менинг йўл-йўриғим бошқа. Озми-кўпми, Су-  
вонқул иккаламиз анча йил бирга умр кечириб, турмуш-  
нинг аччиқ-чучугини бирга тотиб қолдик, бола-чақали  
бўлдик, муродимизга етдик. Урушнинг хархашаси бўлма-  
ганда, бирга қариб, буюрганини яна бирга кўрардик.  
Алиман билан Қосим бўлса эндигина қўшилиб, ёшликнинг  
энг ширин пайтида, севгининг энг қайноқ кезида, болта  
билан қия чопилгандек иккиси икки томонга қулаб йиқил-  
мадим. Уғлим-ку, ўлди, бироқ Алиманнинг тирик юриши-  
ни демаса, тушунган кишига у ҳам ўлган билан баробар  
эмасмиди. Албатта, Алиман ёш эди; кейинчалик бора-бо-  
ра, балки, яна ўз тенгини топармиди... Алиманга ўхшаш  
бева қолган кўпгина келинлар урушдан кейин турмушга  
чиқиб кетишди. Кўпчилиги бахти очилиб, ҳозирги кунда  
бола-чақали она бўлиб қолишган. Ушалар тўғри қилади.  
Бироқ, ҳамма бирдек эмас экан-да, баъзи бировлар бу-  
рунчисини тез унутиб, жон-жароҳати битгач, тезда янги  
йўлга тушиб олишади. Алиманнинг эса, шўри қуриб, ундай  
бўлмади. У бошига тушган бахтсизликка кўника олмади,  
бурунчисини унута олмади. Бунда менинг ҳам катта ай-  
бим бор. Ҳа, шунга қолганда бўшлик қилдим. Бўшлик  
ҳам деб бўлмайди, келинимни аяб юриб, унинг ички си-  
рига аралаша олмай қўйганимни нима десам экан, бўш-  
ликми, ё ундан ҳам ёмон гуноҳми? Эсингдами, она ер,  
ўша баҳорда шу ерда бўлган иш?

— Ўша чоқда келининг менинг бетимга чопганини  
айтяпсанми?

— Ҳа, ўшани айтаман. Ўша баҳорда баҳри дилингни  
яшнатиб қийғос очилган қизғалдоқ кўпдан буён яйдоқ  
қолган далангда то катта йўлга қадар тўшалиб ётмовди-  
ми. Гулнинг чиройлиси қизғалдоқ эмасми, айланай!

Ўша кезларда бригадамиз аъзолари бош ариқни ков-  
лашмоқда эди. Мен ҳам шу ерда қўшчилар ёнига бориб,  
ундан кетмон чопаетганлар ёнига келиб, от устида юрар-  
дим. Одамлар кун ботмасданоқ ариқни чопиб бўлиб,  
овулга эрта тарқалишди. Алиманга, сен қиз-жувонлар би-  
лан уйга кетавер, орқангдан етиб бораман, дедиму, бери-  
ги томонга, қўшчиларнинг олачиғига бурилдим. Бир оздан  
кейин отланайин деб оёғимни узангига солаётганимда,  
Алиманни кўриб қолдим. У уйга кетмасдан шу ерда ёлғиз  
қолибди. Гул териб юрган экан. Гулни яхши кўрмасмиди.  
Ана, шўрлик Алиман, гул суйган, гулдек бўлган келиним!  
Қўлидаги ўнтача қизғалдоқни эркаланиб силар, юзига бо-

сиб, қандайдир бир чуқур ўйга чўмгандек турарди. Уни шу ҳолатда кўриб, чаккамга иссиқ тер югурди. Шунда унинг бир вақтлар ўроқ ўриб юриб, гулхайри терганлиги эсимга тушди. Шунда у бошига қизил дурра ўраб, қўлига оппоқ гулхайри ушлаб олган эмасмиди, ҳозир бўлса бошида қора рўмол, қўлида қизил гул, фарқи шундагина эди. Алиман ўшанда хаёлга чўмган бошини юқори кўтарди-да, анчагача теварак-атрофга назар ташлаб турди, сўнг осмонга тикилиб, бирданига, бунинг энди кимга қанчалик кераги бор, дегандек, кечиргин, она ерим, сенинг бетингга ургандек, аччиғи билан қўлидаги гулни улоқтирди-ю, ўзи эса юз тубан йиқилиб ётиб қолди. Майли, йиғлаб олсин, деб мен олачиқнинг орқасидан паналаб турдим. Шу маҳал Алиман ўрнидан яна ирғиб турди-да, боши оққан томон, катта йўлни кўзлаб отилганича жўнади. Эсим чиқиб, отга мина солиб орқасидан тушдим. Қани энди ета олсам. Олдимда қора рўмолини ҳилпиратиб, қизил гуллар устидан қочиб бораётган келинимни кўрар эканман, саросимага тушиб: «Алиман! Алиман! Бу нима қилганинг, вой ўлай! Тўхта! Тўхтагин!»— деяверибман. Уша сафар йўрға саманнинг орқасидан югургандек, Алиман катта йўлга етиб бориб, яна қайтиб, мен томонга юзланди. «Эна! Энажон! Менга ҳеч нима деманг! Индаманг! Қўйинг!»— деб қўлини ёзиб югуриб келди-да, отнинг ёлини чангаллаб бошини менинг тиззамга қўйди-да, хўнграб йиғлади. Мен индамадим, нима ҳам дер эдим, йиғиси босилгунча қараб турдим. Бир вақт бошини кўтариб, Алиман менга қаради. Оҳ, ўшандаги аҳволини-ей, юзидан иссиқ ёш оқиб, кўзлари шишиб кетган. «Қаранг, эна,— деди у хўрсиниб.— Қуёш шундай ярқираб турса, дала шундай гуллаб турса, мусаффо осмон шундай кулиб турса, Қосим келмайди-а? Энди ҳеч қачон келмайди-а?» «Йўқ, келмайди»— дедим мен. Алиман чуқур хўрсиниб олди-да: «Кечиринг, эна,— деди.— Қосимнинг орқасидан югуриб бориб, бирга ўлай дегандим». Шунда мен ҳам йиғлаб юбордим. Агар мен одам бўлсам, узоқни кўра оладиган она бўлсам, ўшандаёқ унинг бетига қарамай туриб: «Бу сенинг нима қилганинг, ёш бола бўлиб қолдингми, бундан кейин яшашни истамайсанми! Сенга ўхшаган қанча келинлар бева бўлиб қолди. Сабр қил, аста-секин Қосимни унут, сендек жувон ерда қолармиди. Уз тенгингни яна топарсан. Бахтинг очилар. Қўй, бундай қилма, ёмон бўлади. Ҳаётдан безсанг, ўзингнинг шўринг. Бардам

бўл!»— демайманми, шундай қилиб уни йўлга солмайманми. Аммо мен шундай деб айта олмаган эдим, ҳақиқат бўлса ҳам совуқ гап ёмон экан. Кейин ҳам неча марта шу сўзни кези келганда, тилимнинг учида турса ҳам, тортиниб айта олмадим. Бунга турли сабаблар бўлди, менадангина эмас, Алиманинг ўзидан ҳам ўтди. Қисқаси, сўзнинг ҳам темирдек қизиқ пайти бўлар экан, вақт ўтгач, бора-бора совиб, бора-бора оғирлашиб, бора-бора айтишга қийинлашиб, эски дард зўрайиб кетар экан. Бу гапни мен мана ҳозир, замон тинчланиб, орадан қанча вақтлар ўтгандан сўнг айтяпман. Ўша тўполонли йилларда, колхознинг битмас-туганмас ишлари билан ўралашиб, бу ишни бафуржа ўтириб, ўйлашга вақт ҳам, фурсат ҳам бўлмаганди. Бизнинг барча ҳаракатимиз, умидимиз, тилагимиз, кутганимиз — эртaroқ ғалабага эришсак, уруш тугаса. Ундан кейинги ишнинг ҳаммаси ўзича ҳал бўладигандек осон кўринарди. Лекин ҳозир ҳам урушнинг аччиқ изтироби битди деб айта олмаймиз... Ҳа, она ер, битмагани учун шу зайлда ҳаммасини қайтадан эслаб, барчасини қайтадан қон ютган юраклардан ўтказиб, сўзлашиб ўтирибмиз-да.

— Гапиравер, Тўлғаной, гапиравер. Бугун сўз сенга. Ҳикоянгни давом эттиравер.

— Гапирмасдан илож қанча: ҳаёт ўзи шунга мажбур этади. Урушнинг учинчи, тўртинчи йиллари давом этиб, киши қалбини дам куюнтириб, дам суюнтириб, душман тобора чекиниб бораётган бўлса ҳам, ҳеч бир чеки йўқдек, куч-қувватдан толган элни баттарроқ қаддини букиб, тинкасини қуритарди. Эл кузда, йиғим-терим пайтида машоқ териб, бир амаллаб кун ўтказган бўлса, қиш ўрталарига бориб топган-тутгани ҳам охирлаб қолган эди. Кўкламга келиб тоғдан қазиб олинган ўт-ўланларнинг томирларини ейиш билангина кун кечирганлар ҳам бўлди. Алиманиккаламиз оч-тўқ бўлсак ҳам, сабр-тоқат қилиб, колхознинг ишидан кун ўтказиб юрдик. Болали-чақали кишиларнинг куни жуда қийин бўлди. Оппоқ бўлиб шишиб кетган болаларни кўрганимда жоним ачиб, ўзимни айбдор кишидек ҳис этиб, уларнинг «нон» деб термилган кўзларига боқолмай юрдим. Қўлимдан келса боримни аямай, ҳатто Сувонқул, Қосимларнинг орқасидан бориб, сен ҳам фронтда жонингни фидо қил, шунда бу болаларнинг ҳам қорни тўяди, дейишса ҳеч ҳам иккиланмасдан адо этардим. Мен бир куни шу гапларни Алиманига айтдим.

Шундай десам у жуда ўйланиб қолди. «Рост айтасиз, эна,—деди у,—катта кишилар-ку нега оч қолишганини тушунишадику-я, аммо болалар бунинг фарқига етармиди. Уларнинг дунёнинг ҳеч қандай борди-келдиси билан иши йўқ. Уларга биздан ҳам қийин. Уларни ҳар қандай бўлса ҳам, эплаб, уруш тугаб, оталари, оғалари қайтиб келгунча бир амаллаб оч қўймаслигимиз керак. Бу иккаламизнинг ҳам бурчимиз, эна. Қўлдан келгунча халққа ёрдамлашиб турайлик, фойдамиз тегсин. Инсоннинг қадр-қиммати ҳам шунда-да». Бироқ бунинг уддасидан чиқиш қийин эди. Экин экиб, нон топган деҳқонларнинг нонсиз қолиши тангрининг тескари иши эди. Бундай пайтларда меники-сеники деган гаплар бўлмайди. Ҳамма нарса урушга — ҳаёт ҳам, эрк ҳам, меҳнат ҳам, ёш болаларнинг оғзидаги овқат ҳам — ҳаммаси-ҳаммаси — сўнгги бурда нонгача қонсираган урушга! Ундан ҳеч ким ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайди. Қочиб кўрганлар бўлди, яширишнинг нима ҳожати бор, ўша қочоқлар охири айланиб келиб, халққа зарари тегар, унинг душмани, қароқчиси бўлиб чиқар эди. Бошқа нима ҳам қиларди. Эсингдами, она ер, ўша қишки тун.

— Ҳа, ҳалиги адашиб кетганингни айтяпсанми?

— Ушани айтяпман. Қирқ учинчи йил қишининг ўрталари эдимиз, ёки кўкламнинг бошлари эдимиз, ҳайтовур, қор эрмай, совуқ бўлиб турган эди. Туннинг қайси маҳали эди, эсимда йўқ, эл текис ухлаб ётганда аллаким деразани синдиргудек уриб: «Тўлғаной! Бригадир! Тур тезроқ! Уйғон!»— деб қичқирди. Ҳушимиз кетиб, Алиман иккимиз сакраб турдик. «Эна! Эна!»— деди Алиман қандайдир бир қувончли ҳодисани сезгандек товуш билан. Алдоқчи саробдек доим хаёлдан кетмас умид шу маҳалда менинг қалбимга ҳам бир учқун ташласа-я: аскарга кетганлардан бири келиб қолдимиз, деган ўй хаёлимга келса бўладимиз. «Сен кимсан? Сен кимсан?»— деразага югурдим. «Эшикка чиқ, Тўлғаной! Бўл эртароқ! Саройдан от ўғирланди!»— деди келган киши. Алиман чироқни ёққунча этигимни кия солиб кўчага чопиб чиқдим. От саройига раислар ҳам етиб келган экан. Саман йўрға билан бирга,— уни биз колхозга топшириб юборган эдик,— аравага қўшадиган яна иккита от йўқ. Бригадамизнинг кўкламги ер ҳайдашга мўлжалланган ажойиб отлари эди. Отбоқар отларга тунги ем-хашагимни солайин деб пичанхонага кетганда ўғирлаб кетишибди. Келса, сарой қоронғи, чироқ ўчган, шамол

ўчирган бўлса керак, деб шошмай ёқиб қараса бериги четда уч отнинг ўрни бўш. У пайтларда учта ишчи отни йўқотиш колхоз учун ҳозирги пайтда ўнта тракторни йўқотгандек гап эди. Қолаверса, бу ҳодиса фронтдаги солдатларнинг ҳар биридан бир бурдадан нонни тортиб олган билан баробар эмасмиди. Ҳаммамиз отланиб, баъзи бировлар ўқланган милтиқ олиб, отларни излашга тушганимизда, ўғрилар йўлиқса соғ қўймас эдик. Худо ҳаққи, соғ қўймас эдик! Бироқ етолмадик, узаб кетишган бўлса керак, қаёққа кетганини ким билсин.

Овулдан чиқиб, икки-уч тўпга бўлиниб турли томонга қараб қидиришиб кетдик. Ушанда адашиб қолмадимми. Минганим колхознинг зотдор айғири эди, жонивор, қамчи теккизмай, олиб учиб, катта йўлдан ўтиб, тоғ тарафга йўл олганимни биламан, орқамдан келаётганлар ҳам бор эди, бошқа томонга уриб кетишганми, улардан узаб кетганимни анчадан кейин билдим. Қароқчиларнинг қораси қаердан кўринаркин, деб тизгинни бўш қўйиб, кенг далалар билан учиб бораётгандим, бир маҳал от таққа тўхтаганда, бошимни кўтариб қарасам, олдимда катта жарлик. Тоғ этагига келиб қолибман. Қорайиб кўринган қир ортидан тўлин ой болқиб, юлдузлар чақнашиб, осмон чарақлаб турган экан. Изғирин яхлаб қолган қорларни ялаб, қуриб қолган оққурайларнинг қаддини букиб, ҳуштак чолиб, нураган чолдеворлар ичида укки, бойўғлилар гук-гуклашиб ётган эди. Бу тунда оламнинг қаерларида қанча яхши, қанча ёмон ишлар бўлиб тургандир. Тарихнинг катта-кичик воқеалари содир бўлаётгандир, худди шундай бизнинг овулимизда ҳам мудҳиш тун бўлди. Отларни ким ўғирлади, қандай одамларикин. Шундай пайтда элнинг увол-савобидан кўрқмаган кимлар бўлди экан? Ўғрилар жарликдаги тўқайзорда бекиниб ётишган бўлмасин, деб сойга тушиб қарадим, ҳеч нарса кўринмасди, бир тулки «лип» этиб тўқайзор ичидан чиқа қочди-да, ой нурида кўкимтир товланиб жарлик билан кумуш қуйруғини судраб ғизиллаб кета бошлади.

Овулга қайтдим. Жарлик бўйлаб келаётиб эсимга тушди: Жекшенқул деган кимса аскардан қочиб келган эмиш, ёнида иккита ўртоғи ҳам бор. Сарик Ёйикдаги қозоқлардан эмиш, деган миш-миш гапларга унча ишонмаган эдим. Одамлар урушда ўт ичида жон олиб, жон бериб ётса, қандай қилиб булар бунда якка бошини олиб қочиб, бекиниб юрсин? Бу нима деган юзи қоралик: «Сен

ўлсанг ўлавер, мен қолсам бўлгани, деганими? Шу ҳам инсонликми?»— деб ўйлаб келардим. Овулда ҳар қимнинг феъли аниқ маълум эмасми. Унда бундай пасткашликка борадиган ҳеч ким йўқ эди. Қолаверса, уч йилқини бирдан қандай ҳазм қила оларкин? Уғри четдан келган. Боягидек четлаб, ўзини олиб қочиб юрган, тоғ-тошни оралаб юрганларгина бу ишнинг уддасидан чиқиши мумкин, деган фикрга келдим. Жекшенқулларнинг аскардан қочиб юргани чин бўлса, ҳойнаҳой, ўшаларнинг ишидир бу, деган гумонга бордим. Бундай десам, ўғрини кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб олган ерим йўқ. Бироқ Женшенқуллар билан ҳам юзлашишга тўғри келиб қолди. Бу иш кўкламда содир бўлган эди.

Тўғрисини айтсам, колхознинг кундалик ташвишлари билан юриб, бу воқеа ёддан ҳам кўтарилай деб қолган экан. Уч от икки тишли плугни ўғирлаш билан баробар деган гап, лекин илож қанча, ғунон-сунонларни эплаб, бригаданинг плугларини бир амаллаб ўрнини тўлдирдик. Шу билан қўш ҳайдаш ҳам бошланиб кетди. Уғри эмас, худони ҳам унутиб юборадиган вақт бошланди. Ҳаётимдаги энг машаққатли кўклам ўшанда бўлган эди. Эл нима қилсин, эл ишласақ дейди, лекин очликдан силласи қуриб, кетмон кўтара олмайдиганлар ҳам бўлди. Илгаригидек куч-қувват йўқ, бир кунлик иш ҳафтага чўзилиб кетарди. Бунинг устига, колхозда уруғлик ҳам етишмасди. Хампанинг<sup>1</sup> бор-йўғини сидириб, ҳар бир донни битталаб териб олиб бригада планини базўр бажардик.

Ўша кунларда халқнинг аҳволини кўриб жуда ачиндим. Меҳнат кунига ҳеч нарса олмаса, ейишга нони бўлмаса, нима, элни қирамизми. Эндиги кўкламда бундан бешбаттар очарчиликка дучор бўламиз-ку. Йўқ, бу ҳолда яшаш мумкин эмас, қандай қилиб бўлса ҳам бир йўлини топиш керак, деб юриб, ҳов юқоридаги бекор ётган ерлар бор эди-ку, ўшани ҳайдатиб, уруғ септирмоқчи бўлдим. Раисга маслаҳат солдим, райкомгача бордим, тушунтирдим: буни биз пландан ташқари ўз кучимиз билан элнинг меҳнат ҳақиға мўлжаллаб экамиз, дедим. Столга бағрини бериб ўтирган кимдир биров: «Йўқ, бундай қилиш мумкин эмас. Агар биз бунга йўл қўйсақ, колхоз уставини бузган бўламиз!»— деди. «Уставинг қора ерга кирсин!»— дедим мен.— Биз оч юрсак сизларга ким

<sup>1</sup> Омборхонада дон сақлаш учун ажратилган қисм.

нон топиб беради?»— десам: «Оғзингга қараб гапир, ўлгинг келяптими!»— дейди. «Оғзимга қараб гапиряпман. Биз ишга ярамай қолсак, фронтдаги солдатларга ким нон топиб беради? Буни ўйламайсанларми?..»

Хуллас, охири рози бўлишди. Бироқ гап бошқа ёқда эди — сепишга уруғ йўқ эди. Колхознинг хампасида дон дегандан иримга қолмаган-ку, уни қаердан оламан. Бошим қотиб, охири элни йиғиб масалаҳат солдим, ҳамма гапни, бор мақсадимни айтдим: «Қани халойиқ, маслаҳатли тўй бузилмас, деганлар. Нима қиламиз, келгуси кўкламда ҳам шундай гезариб ўтирамизми, ё бир ҳаракатимизни қиламизми? Мана бу экилганлардан умид қилмайлик, яширишнинг нима кераги бор, унинг уруғлигидан бошқа ҳаммаси фронтники, урушда юрган аскарларнинг ризқи. Агар уруғлик топсак, пландан ташқари ер ҳайдаб экин экиш ниятимиз бор. Унинг ҳосилини меҳнат ҳақига, қари-қартанг, етим-есирларга бўлиштириб берамиз. Менга ишонсаларинг, ҳамма миннатни, жавобгарликни ўз бўйнимга оламан. Гапнинг пўскаллеси шуки, еб ўтирган тишларингга сақлаб турган дон-дунларингни беринглар. Ерга сепайлик. Майли, ҳозир емасак емайлик, сабр қилайлик, сут-қатиқ ичиб бўлса-да, бир амаллаб пишиқчиликка етиб олармиз. Ўзларинг учун, бола-чақаларинг учун мардлик кўрсатинглар, айланайлар, йўқ деманглар, чайнаб турганларинг бўлса ҳам беринглар, вақт ўтмасдан уруғни сепиб олайлик». Одамлар йиғилишда ҳўп дейишгани билан иш бошланганда қийин бўлди. Айниқса кўп болали оналар худди ўлмаёт туриб кўлидан ҳеч нарса бермайдигандек, хуллас, улар урушни ҳам, ҳаётни ҳам, колхозни ҳам қарғаб, яшириб ўтирган буғдойи борми, арпаси борми, болаларининг ризқини қийиб бўлса-да, беришди. Аравани кечгача уйма-уй қатнатиб, бировга яхши, бировга ёмон гапириб, ҳатто айтишиб ҳам қолдик, олди бир пуд буғдой, кети килодан сули берса ҳам унганини, бари-ни қўймай йиғиб юрдик. Майли, бир қисим дон — шу ҳам фойда, кузда ўша бир сиқим дондан бир пуд ҳосил олсак ҳозиргининг ўрнини қопламайдими, деган ўйдаман. Шундай бўлмаса бу ишга кўл урмасдим. Қандай бўлса ҳам ўшанда нима учун мунчалик қаттиқ кўллик қилдим экан-а? Унгга қараб кулиб, чапга қараб йиғлаб ҳеч кимни ҳам аяганим йўқ. Бир хилларининг кўлидан тортиб олгандек бўлдим. Бечора кўшним Ойшанинг ўшандаги ҳолатини сира унутмайман. Куёвидан эрта айрилиб (Ёмонбой



урушдан бурун қазо қилмадим), ғам чекиб юр.б, Ойша касалманд бўлиб қолган эди. Сал тузалганда колхозда меҳнат қилиб, томорқада ишлаб ёлғизи Бектошни аранг боқиб катта қилди. Узи ҳам сўнгги кунларда ишга яраб, оиласини тебратиб қолган эди. Уша кунларда Бектошга уруғ йиққан аравани ҳайдатиб қўйган эдим. Уларнинг уйининг тўғрисига келганда: «Бектош, уйларингда ҳеч нарса борми?»— дедим. «Озгина бор,— деди бола.— Печканинг орқасида, тўрвачада». «Бўлмаса олиб чиқ»— десам: «Йўқ, Тўлған опа, ўзингиз бориб олинг»— деди.

Икки-уч кундан бери оғриғи зўрайиб, Ойша уйда ётган экан, дарднинг зўридан ранглари синиқиб кетибди. «Эл қатори берадиганингни бергин, Ойша»— деган эдим: «Бори-будимиз шу»— деб тўрвачани кўрсатди. «Шуни бўлса ҳам бергин. Уруғлиққа ер тайёр, сепмоқчимиз»— десам, Ойшанинг қовоғи уйилиб, индамай қолди. Лаънати йўқчилиги-эй, одамни қандай хор қилади! «Ойша, бу билан кўп бўлса ўн кун тириклик қиларсан, лекин ҳали қаҳратон қиш турибди, келгусини ҳам ўйлаш керак, болангнинг аҳволини қара, кўчада араваси билан кутиб турибди»— дедим. Ойша ерга тикилиб туриб ялиниб-ёлворди: «Бор бўлса аяйди дейсанми, Тўлғаной. Узинг кўриб турибсан-ку, мен бундай яримжон бўлсам, охиратли қўшнимсан-ку...» Кўнгилчанлигим тутиб бўшашиб кетдим, бироқ шу заҳотиёқ кўнгилчанликни йиғиштириб қўйдим: «Мен ҳозир қўшнинг эмасман!— деб қаттиқ гапирдим.— Мен бригадирман, кўпчилик учун шу донингни олиб кетаман!»— дедим-да, ўрнимдан туриб, тўрвачани қўлимга олдим. Ойша индамай тескари қаради... Олти-етти кило буғдой экан. Тўрваси билан олиб кетаверайин дедиму, яна кўнглим бўлмай, ярмини катта товоққа тўқдим. «Менга қара, Ойша, ярмини олдим, хафа бўлмагин»— дедим. Ойша мен томон қараганда, кўзидан оққан ёшлар бетига сизилиб тушаётган экан. Ушанда ташлаб кетаверсам бўлмасмиди. Бундай бўлишини ким билибди, тўрвачани ушлаган бўйимча уйдан чолиб чиқдим. Одамни бундай қийнагандан кўра, э, қурисин бу дунёси! Нега, нега шундай қилдим экан. Ҳозир ҳам шу қилмишларимни эсласам — кечиролмайман.

— Йўқ, Тўлғаной, сенинг унда ҳеч қандай гуноҳинг йўқ. Сен элга яхшилик қилайин деган эдинг, аксинча бўлиб қолмадим.

— Ҳа, айланайин деҳқон далам, сен барига гувоҳсан:

ниятим холис эди. Агар ўшанда овулдагилар ёпирилиб уриб ўлдиришса ҳам рози эдим. Биласан-ку, иккита катта қоп уруғлик дон тўпланди. Уни биз ғалвирлаб, тозалаб далага ўзим чиқариб қўйган эдим. Ўша куни қўйиб турсам ҳам бўларди. Ҳайдаладиган бир оз ер қолган эди. Бироқ мен тезроқ экиб олсам деб шошилардим. Эртаси куни азонда туриб уруғ сочмоқчи эдим. Уруғ тайёр, ер тайёр, деярли ҳамма иш кўнгилдагидек бораётган эди. Кечга томон уйга келиб нимагадир уннадим, тинчим йўқ эди. Кундузи Бектош билан яна бир болага бароналарни аравага солиб, далага олиб бориб ташланглар, деб тайинлаган эдим. «Бола, боланинг иши чала» деганларидек улар айтганимни қилишдими, йўқми, деб ишнолмай Алиманга айтдим: «Мен қўшчилар томонга бориб келайин, тезда келаман» — деб отланиб жўнаб кетдим. Овулдан ўтавериб отни йўрттириб ҳайдадим. Қош қорайиб, ҳамма ёқни зулмат қоплаб олаётган эди. Қўшнинг бошига етмай шудгорда омонча қўшилган ҳўкизлар ўз ҳолича юрибди, ёнида ҳеч ким йўқ. Нега шу маҳалгача ҳўкизларни қўшдан чиқармади экан, деб қўшчи боладан аччиқландим. У жувонмарг қаерларда юрибди экан, деганимча бўлмай, йўл бўйида молалари билан ағдарилиб ётган аравани кўриб эсим чиқиб кетди. Араванинг ёнида ҳеч ким йўқ. «Ҳой болалар! Қаёқда юрибсизлар, қаердасизлар? Ким бор бунда?» — деб қичқирдим. Одам зоти йўқдек ҳеч ким жавоб бермади. «Бу нимаси, булар соққа ўхшамайди-ку» — деб олачиққа чопиб бордим. Отдан сакраб тушиб, гугурт чақиб, кириб келсам, Бектош, ўртоғи, қўшчи бола учаласи қўллари боғланган ҳолда ерда ётишибди, кийимлари титилиб, юзлари қонга ботган, оғизларига латта тиқилган. Бектошнинг оғзидан латтасини юлиб олиб: «Уруғ! Уруғ қани!» — дедим. «Олиб кетишди! Уриб олиб кетишди!» — деб ўғрилар кетган томонни боши билан ирғаб кўрсатди. Ўша ерда қандай бўлганини билмайман, отга ирғиб миниб қувишга тушдим. Умримда мунақа от чоптирмаган бўлсам керак. Пичоқ суякка етганда одам ҳеч нарсага қарамас экан. Қоронғи тун эмас, майли, зимистон бўлсин! Уз уйимни ўғри уриб, ўз мулкимни олиб кетишса розиман, хирмонга қўл солиб, ўн қоп ғалла олиб кетса чидар эдим — хирмоннинг чориси дер, эдим, бироқ бу уруғ учун жонимни беришга тайёр эдим!..

— Ҳа, Тўлғаной, элнинг оғзидан тортиб олинган ҳар

бир дон учун, одамнинг қонидан қиммат ўша уруғ учун жонингни қурбон қилсанг ҳам оз эди. Ўшанда сен зимзиё тунни ларзага солиб: «Тўхта! Тўхта! Юзи қоралар!»— деб шундай даҳшатли қичқирган эдингки, мен уйқуга кетиб бораётганимда чўчиб уйғондим. Сен, отингнинг тўрт туёғи дупурлаб, ўғриларга яқинлаб келаётган экансан.

— Ҳа, оламини бузиб ҳайқирганим рост. Ўшандай ҳайқириб келаётганимда ниятим пок экан, ўғриларнинг орқасидан билгандек йўл солибман. Кўп ўтмай олдинда ўғриларнинг қораси кўриниб, отларнинг тақалари тошга урилиб эшитила бошлади. Учта экан. Отга қопларни ўнгариб, тоғ тарафга уриб кетишяпти. «Тўхта! Уруғликни ташланглар! Ташланглар уруғликни! Ташла дейман!»— деб қамчи босиб кела бошладим. Орамиз тобора қисқараверди. Улар қопларни ортиб олгани учун қаттиқ чопиб кетиша олмади, лекин уруғни ҳам ташлашмади. Қайси биридир ўртада йўрға миниб бораётибди. Илгариги синчилигим эмасми, орқасидан танидим, юришидан, орқа ола туёғидан танидим — бизнинг саман йўрға экан. Қишда отларни ўғирлаб кетганлар шулар эмасмикин? «Тўхта! Мен танидим сенларни, мен танидим сени, Жекшенқул! Сен Жекшенқулсан! Қутултирмайман энди сени, тўхта!»— деб ҳайқириб келаётсам, чиндан ҳам у Жекшенқул экан, йўрғанинг бошини бура солиб, отдан «лип» этиб тушдида, қоронғида кўзларимни қамаштириб милтиқнинг оғзидан ярқиллатиб ўқ узди: гумбурлаган товуш билан қўшилиб, отим мункиб кетиб, устидан дўппидек учиб тушдим. Йиқилаётиб бу отилган милтиқ эканлигини, ўқ елкамга текканини сездим. Ундан бошқаси менга қоронғи эди.

Бир вақт ўзимга келиб, кўзимни очсам, теварак-атрофим жимжитлик, чалқанча тушиб ётган эканман, бутун вужудим ўзимники эмасдек зирқираб оғрирди, қимирлашга дармоним йўқ. Ёнгинамда гоҳ пишқириб, гоҳ тепиниб, оёқ силкиб, ўқ теккан от жон талвасасида ётибди. У шу аҳволда бир оз пишқириб, қийналиб ётди-да, кейин қимирламай, чўзилиб қолди. У билан бирга бир зумга ҳаёт тўхтаб қолгандек туюлди. Сукунатли тунда ёлғиз бир ўзим қолдим... Мен қимир этмай ётардим, қимир этишга ҳаракат ҳам қилмасдим. Қандай ишлар бўлиб ўтганини ўшандагина тушундим. Шу бўйича кўзим юмилиб кетса, ўлсам дедим. Элга энди нима дейман, қайси кўзим билан қарайман? Кўзларимга ёш тўлиб, осмонга тикилсам, нурсиз-хира сомон йўли тепага келиб, худди Ой-

шанинг юзларидан оққан кўз ёшларидек бўзариб, сарғайиб турган экан. Титраган лабларимни тишлаб, эл учун, юрт учун сўраб, тилаб, Ойшаларни йиғлатиб тортиб олган уруғимни ўғирлаб кетган қочқиндиларни қарғадим: «Илоҳим, қон тўккан элнинг уволи тутсин сенларни! Урушнинг уволи урсин сени, Жекшенқул! Шундай қилиб яшаганингдан кўра дунёга келмай қўйсанг бўлмайдими? Сувонқулим, Қосимим ичган сувни сен ҳам булғаб ичиб юрган экансан-да, туф бетингга!..»

Мен анчагача шу аҳволда ётдим. Бир вақт кимдир бировнинг оёқ товуши эшитилди. «Тўлған опа! Тўлған опа-а-а-а!» — деган боланинг йиғламсираган товушидан танидим — Бектош. Излаб юрган бўлса керак. Бошимни аранг кўтариб: «Бектош, бери кел!»—деб чақирдим. Одамда, отасининг боласи-да, ёнимга етиб келиб: «Тўлған опа, соғ-саломатмисиз, Тўлған опа?»—деб бошимда йиғлай бошлади. «Соғ-саломатман, белим сал турғизмай турибди, тузалиб қолса керак»—десам: «Бу ҳеч нима эмас, соғайиб кетасиз, Тўлған опа»—деб бирам суюниб, нариги ёқда излаб юрган ўртоқларига: «Болалар, бери келинглар, Тўлған опам бу ерда экан, омон-эсон, омон-эсон экан!»—деб қичқирди. «Энди опангга нима деб жавоб берамиз?»—десам, Бектош бир оз индамай туриб: «Жавобини мен ўзим бераман, Тўлған опа. Элнинг барига жавобини ўзимиз берамиз, Тўлған опа. Ҳеч нима эмас»—деб, бола-да, ўшанда ўн тўрт, ўн бешлардаги кези эмасми, изза бўлганига чидай олмай йиғлаб юборди. Мушталарини қисиб, жойидан ирғиб туриб тоғ тарафга қараб қўл силтаб гапирди: «Биз бари бир ўлмаймиз. Кўрасанлар-ку, мен ҳам улғайиб етиларман, бу қилмишларингни ҳеч қачон унутмайман!»—деди. Унинг шу мардона сўзи учун кўнглим бўшашиб йиғладим. Шундай қилсам, йиғламанг, Тўлған опа, мен ҳам сизнинг болангизман, мен ҳам улғаяман, Қосим акамнинг ўрнини билдирмайман, деб қўлтиғимдан суяб, ўрнимдан турғазди.

Болалар мени аравага солиб уйга келтиришиб қўйишди. Икки-уч кун оғриб, тўшакда ётдим. Овулдагиларнинг биронтаси қолмай, кўнгили сўраб келиб-кетиб туришди. Элга раҳмат, розиман, ўшанда ҳеч ким ҳеч нима дегани йўқ менга. Шундай бўлса ҳам кўзлаган ишим битмай қаттиқ койиндим. Шудгор қилинган ерлар қотиб кетиб, уруғ сепилмай, ўғриларга ем бўлиб кетганини эслаганим сари юрагим ачишиб юрди.

— Гапинг тўғри, Тўлғаной. Сенгина эмас, мен ҳам сездим буни. Уша — экилмай қолган шудгор менинг танимда битмай қолган ярадек бўлиб, ўрни кўп вақтгача билиниб юрди. Шудгорга уруф сепилмаса менинг энг катта жароҳатим ўша эмасми, Тўлғаной. Урушнинг айби билан қанча уруф сепилмай, қанча одамларнинг умри хазон бўлди. Менинг энг ёмон кўрганим, менинг ашаддий душманим уруш бошлаганлар, улар уруф ҳам сепишмайди.

— Тўғри айтасан, уруш билан деҳқончилик бир-бирига қарама-қарши эмасми. Урушган экин экмайди, демак, у бошқа одамларнинг насибасига қўл солади, демак, у бошқа одамларнинг душмани! Майсалбек, айланиб кетай, ўғлим, у ҳам ўша хатида ёзмаганмиди. Эсингдами она ер, Майсалбекнинг ёзган хати.

— Мен уни ёд биламан, Тўлғаной.

— Ҳа, сен икковимиз уни ёд биламиз. Бугун менинг сиғинадиган куним, бугун биз ҳаммасини эсга оламиз, она ерим.

— Сўзлайвер, Тўлғаной. Сенинг бу айтганларинг эскирмайди, ҳамиша янгидек. Майсалбегингнинг ёзган хатини яна бир қайтариб айтиб бер-чи. Майсалбек фақат сенинг ўғлингмас, у менинг ҳам ўғлим, Майсалбек — ер ўғли!

— Мен ўшанда уйда оғриб ётганимда, овулдошларим ҳол-аҳвол сўраб, ҳаммаси ҳам илиқ сўзлар айтиб, кўнгил очиб юрганларининг ҳам сабаби бор эмасмиди. Мен унинг бир учини сезиб қолгандек ҳам бўлдим.

Ойша қўшним, бечора ўзи аранг кун ўтказиб юрибди-ю, менга қўймоқ пишириб олиб чиқибди. У уйга кириб келганда, ўша кунги қилмишларимга қаттиқ изза бўлдим. Сўз тополмай тилим калимага келмай қолди. «Тўлғаной, сен хаёлингга ҳеч нарсани келтирмагин,— деди Ойша.— Менинг кўнгли бўшлигимни кечиргин. Сендек аёл учун керак бўлса жонимни ҳам аямайман, керак бўлса ёлғиз ўғлим Бектошни ҳам бераман. Бусиз ҳам у икки уйнинг ўртасидаги бола бўлиб қолди. Сени мендан ортиқ кўради у. Сен биз билан одамсан, биз сен билан одамиз. Шуни тушуниб қўйгин»— деди. «Раҳмат бу айтганларингга»— дедим мен ҳам. Бу гапларни шунчаки айтди қўйди деб ўйласам, йўқ, чин юрак сўзлари экан.

Уша куннинг эртасига бел оғригим енгиллаб, уйда нари-бери қимирлаб, эшикка чиқдим. Деразанинг остига кигиз солиб, офтобда исиниб ўтирдим. Алиманни ишга

чикавергин, десам, раисимиз бугун ҳам энангга қарашгин, деб рухсат берди, деди. Учоқда ўт ёқиб, Алиман кир ювди.

Эшик олдидаги баҳайбат кекса олма ўша йили қий-ғос гуллаб, ана кучга тўлиб яшарганда, очилиб, шамол текканда шохчаларидан оппоқ гуллар тўкилиб ётди. Олма гуллаган кезде ҳаво ҳам зумрад булоқдек тиниқ, ғоятда тоза бўлмайдими. Олисдаги йилтиллаган қорли тоғ чўққилари ҳам кўриниб турарди. Шундай ўтирганимда кўчадан почтачи Темир чол кириб келди. «Ҳорма, Тўлғаной» — деб анчагача сўзлай олмай, шошилиб, ўзича негадир шумшайиб, енгил йўталиб, шамоллаб қолибманми, қурғур, деб сўзланиб, сенга хат бор эди, дегандек, сумкасини ахтариб, хат берди. Унинг бу секин имиллашига аччиғим келиб: «Тезроқ айтмайсанми зориқтирмай, кимдан экан?» — десам, Майсалбекдан чоғи, деди. Суюниб, юрагим ҳовлиққанидан, ҳамиша Майсалбекнинг хатлари уч бурчак бўларди, бу сафар босма билан босилган тўрт бурчак, сирти қалин атлас қоғоз эканига ҳам эътибор бермабман. Шу пайт ярадор оёғини судраб қўлтиқтаёқ билан кўшнимиз Бектурсун келиб қолди, зерикканда келиб гурунглашиб кетарди. Хат келган шекилли, ҳо, Майсалбекдан-ку, деб сабрсизлик билан кўришди. «Қўлинг нега қалтирайди? Берироқ ўтириб ўқиб бери» — дедим. Шундай десам кигизнинг четига ўтираётиб, вой оёғим, деб оғриқсиниб, ранги кўкариб, терлаб кетди ўзи ҳам. Хатни қўли қалтираб аранг очди-да, ўқий бошлади. Оҳ шўрлик болам, шўрлик хат...

«Онажоним, оқ сутингиздан айланайин, онажоним! — деб бошлабди хатини. — Мен сизнинг қандай одам эканлигингизни билмасам, бу хатни ёзмас эдим. Сизнинг оқиллигингизга, ғайратингизга, сизнинг куч-қудратингизга ишониб шуларни ёзипман. Шундай бўлса ҳам нима деб тушунтиришга, нима деб айтишга сўз тополмай, аллақандай оқ қоғозни қоралаб ўтирган чоғим.

Ахири менинг қилган ишимни тўғри деб топарсиз, мен бунга ўзимга ишонгандек ишонаман. Ҳа, она, сўзсиз мени тўғри дерсиз... Шундай бўлса-да, тушунсангиз ҳам юрагингизнинг тагида менга деган айтилмаган савол қолар: «Болам, қан-

дай қилиб ўз умрингдан ўзинг кечдинг? Одамга бир мартагина насиб бўладиган бу ёруғ дунё билан ўзинг видолашиб кетавердинг? Мен сени нимага туғиб, нимага ўстирдим?» Ҳа, она, сиз онасиз. Сизнинг бу саволингизга тарих кейин жавоб берад. Бу энди менинг айтадиганларим, урушни биз тилаб олганимиз йўқ, бу кўпнинг бошига келган қирғин, бутун инсониятга қилинган зулм бўлди. Биз у билан курашмай қололмаймиз, унинг учун қон тўкиб, унинг учун жон бериб, уни ер билан яқсон қилишга мажбурмиз. Шундай қилмасак бизнинг одам деган номимиз ўчади. Мен урушда юриб мардлик кўрсатайин деб ҳеч қачон орзу қилмаган эдим, мен ўзимни энг бир фахрли, энг бир олижаноб ишга — муаллимликка бағишлаган эдим. Замон шундай келди. Болаларни ўқитиш ўрнига қўлимга қурол ушлаб, жангчи бўлдим. Бу менинг айбим эмас.

Мана ҳозир мактабда ўқувчи ёшларга менинг биринчи ва энг охириги бериб кетар васиятим шу, уларга бериб кетган билимим ҳам шу. Бунга мен ҳаётдан олган ҳамма билимимни, сужуду дилимни қўшдим.

Бир соатдан кейин мен Ватаним топширган ишга бориб, қайтиб келмайман, душман тўдасига бориб, уни қийратиб, ўзим ҳам йўқ бўламан. Ватан учун, эл учун, ғалаба учун дунёнинг барча яхшилиги учун...

Бу менинг сўнги хатим, сўнги қалам тебратишим, сўнги сўзим. Она, минг бор она десам ҳам қадрингизга ета олармидим, тушунинг: бу оддий ўлим эмас, бу осонгина жондан кечиш эмас, бу ҳаёт кечиришнинг энг тенгсиз тури. Балки қулоққа қайта-қайта уқилса ҳам, бу яшаш учун бўлган ўлим. Мен ҳозир шуни -ўз ихтиёрим билан танладим. Менинг ҳеч қандай тап тортган ерим йўқ. Ватаним бу ишни менга ишониб топширгани учун фахрландим.

Мени йўқламанг, она. Мени беиз кетди ҳам деманг. Дунёда бундан кейин уруш бўлмаса, янги кўз очган боланинг инғалагани — ўша мен, бўй етган қизларнинг севги тўла ёниқ кўзлари — ўша мен, ниҳолларда кўкарган куртак — ўша

мен, далада униб чиққан экин — ўша мен, муаллимнинг болаларга биринчи ўргатган «а» ҳарфи — ўша мен, ўшанинг бари мен, ўшанинг бари мен, мен, деб билиб юринг, онажоним!

Йиғламанг, онажоним, ҳеч ким йиғламасин. Бундай ўлим учун ҳеч ким йиғламасин. Алвидо, мангуликка хайр, алвидо!.. Алвидо, чўққиларингдан айланайин, Ола тоғ!

Сизнинг муаллим ўғлингиз — лейтенант Майсалбек Сувонқулов.

Фронт. 1943 й. 9 март. Тунги соат 12».

Қайғу-аламдан зил тортган бошимни зўрға кўтариб қарасам, ҳовлида эл тўпланиб турибди. Бари бирдек индамай, бошларини қуйи солиб, аза тутиб туришган экан, ҳеч ким товуш чиқариб йиғлагани йўқ. Майсалбек ҳеч ким йиғламасин деган эмасми. Аёллар мени қўлтиғимдан суяб зўрға турғизишди. Гуллаган олмага шамол тегиб, бутоқлардан учган оппоқ гуллари юз-кўзимга урилиб, юмшоққина силаб ўтарди. Ўша гуллаган олманинг нариги ёғи, овулнинг устки томони, олисдаги тоғнинг тепаси, учи-чеки йўқ мусаффо осмон экан. Дунёнинг мунчалик кенг эканини кўриб, оламнинг мунчалик тор эканини сезганимда ҳамма ёқни бузиб, бўзлаб, ҳайқариб йиғлагим келди. Бироқ бунга эрк бермай, лабларимни маҳкам тишлаб турдим. Алиман боядан бери қандай турганини билмайман, мен уйда турганимда икки қўлини ёзиб, кўр кишидек мени кўзлаб, тимироскиланиб келаверди-да, бирданига юзларини қўли билан беркитиб, тескари бурилиб кетди.

Мана шундай қилиб ўртанчи ўғлим Майсалбекдан ҳам ажралдим. Ташлаб кетган қалпоғи қолди.

— Менда эса Майсалбекнинг Ватани деган ном қолди, Тўлғаной. Элга қилган иши, донғи қолди.

— Ҳа, Майсалбекнинг оти ўчгани йўқ. Ботир деган номини ардоқлаб, қишлоғимиз «Майсалбек» номидаги колхоз бўлди. Фронтдагилар Майсалбекнинг ёзиб кетган хатига ўзларининг хатларини қўшиб, қишлоқ советига юборишган экан. У хатда Майсалбекнинг жангчи ўртоқлари унинг кўрсатган мардлиги ҳақида ёзиб, баримизнинг кўнглимизни кўтариб, сизнинг ўғлингизни, жигарбандингизни ҳеч қачон унутмаймиз. Ватанимиз у билан



фахрланади, дейишибди. Кейин билсам, Майсалбегим раз. ведкачи экан. Бизнинг аскарлар ҳужумга ўтиш олдидан немисларнинг пистирмада тўплаган қурол-яроғ, ўқ-дорилари бир кечада ўт олиб, атрофдаги тўқайлар ёпирилиб ёниб, фронтдаги жангчиларимизга катта йўл очилибди. Шу ишни қилган менинг ўғлим Майсалбек бўлибди. Мен ҳам унинг бу ишидан ғурурландим. Шундай бўлса ҳам, менга қолса уруш чиқмаганда, мен унинг бошқа ишлари билан фахрлансам бахтли бўлардим. Ўғлимнинг ўзи айтгандек, болаларни ўқитиб, ўқитган ёшлари ўзидан илғор, ўзидан билимли чиқиб, ҳар хил ишда, ҳар хил илмда донг таратишса, Майсалбегимнинг ҳам обрўси шунда эди. Одам боласига энг аввало обрў керак. Урушда кўрсатилган ботирликнинг зўр жасорат эканлигига шубҳам йўқ. Бунинг учун бош эгиб, ўғлимга раҳмат айтаман. Лекин тирик юрганига нима етсин эди.

Азалдан ҳам урушдан ҳеч ким яхшилиқ кўрган эмас...

## V

— Рост, Тўлғаной, урушда енгиб чиққан кунда ҳам, алами қувончидан кам бўлмас экан. Ўша йили, ғалаба келтирган баҳорда, сизларнинг аскарларни кутиб олганларингни ҳали ҳам унутмайман, Тўлғаной. Ўша воқеаларнинг қайси бири қувонч, қайси бири армон эканлигини ҳалигача айтолмайман...

— Мен ҳам айтолмайман — қувончимиз кўпмиди, ёки ғам-аламимиз... Душман енгилиб, уруш тугаганда, остинустин бўлган дунё тинчиб қолди-да, аввали лаънати урушнинг қизиғи билан унча сезилмаган нарсалар ўшанда элнинг юрагини яна бир марта ғазаблантириб юборди. Чунки, ғалаба ўлжа олиб, байрам бўлиб келгани йўқ, у бизга урушда омон қолган жангчиларнинг сирли тимсолида қанча йўллар босиб, товони тешилган солдат этигини кийиб келди.

Ўша кунни бизга қўшнинг навбати тегиб, омоч билан томорқамизни ҳайдаб, жўхори экиш билан овора эдик. Кўчада қандайдир бир товушлар чиқиб, чопиб юришган кишиларни кўрганда, Алиман, билиб кела қолайин, деб югуриб кетди-да, тезда қайтиб келди: «Эна, одамларнинг бари аскарларни кутиб олгани кетяпти, овулда ҳеч ким

қолмай жўнаяпти. Юринг, эна, тезроқ бўлинг!» — деди. Омочни ҳам, ҳўкизларни ҳам жой-жойида қолдирганча жўнадик. Чиндан кўча одамлар билан лиқ тўла эди. Қиз-жувонлар, бола-чақалар, ҳатто қилтанглаган чолу кампирларгача қолмай отлиқ, пиёда кишилар — ҳаммаси кутиб олишга кетиб боряпти. Бу хабар қаердан чиққанини ким билсин, фронтдан бўшаб келаётган бир солдат. (Кумуштак деган юқориги овулнинг боласи дейишди), аскарларнинг ҳаммаси уй-уйларига қайтиб келаётибди, деб йўлда учрашган бировга айтиб кетган эмиш. Станцияга икки эшелон аскар келиб тўхтаган эмиш, бугун тушда бориб қоламиз, деб хабар қилишган эмиш. Ҳайтовур, мана шундай қувончли гаплар эмиш! Эл шундай хушхабарни кутиб турган экан, аниғини ҳеч ким билмаса ҳам, гумонсираган жон йўқ, бир киши қолмай ёппасига кутиб олишга чиқдик. Уруш бошланмасдан аввалроқ ёшлар сола бошлаган янги кўчанинг ўрнида, овулнинг этакроғида йиғилиб кутиб турдик. У чоғда ўша чала қолган кўча, чала томларга ўрганиб қолган бўлсак керак, жанг майдонидан ғалаба билан келаётган ботир жангчиларимизни қандай хосиятли, қандай армонли ерда кутиб турганимизни ўйламабмиз. Мақсадимиз — аскарларни овулга кираверишда баримиз бирданига кутиб олиш эди. Кексалар ариқнинг уватига ёнбошлаб, отлиқлар от устида, болалар нураган томларнинг деворларига миниб, чаққонроқлари дарахтларнинг шохларига чиқиб олишибди. Ана келади, мана келади, дегунча кўрган тушимизни, аён бўлган нарсаларни сўзлаб, йўлдан тош териб олиб, фол очиб, фолимизни яхшиликка йўйиб, катта йўлдан кўзимизни олмай, тикилиб қараб турдик. Ҳозир ўйлаб турсам, дунёдаги одам боласининг бари ўшандай бир мақсадда, бир ниятда, бирига бири яхшиликни раво кўриб, ўз ўғил болаларини шунчалик сўйишса, ўшанчалик кутишса, балки уруш бўлмасмиди, дейман.

Йиғилганларнинг кўпи нафасини ичига ютиб, чурқ этмай, гап қотмай турарди. Ҳар ким ўзича хаёл суриб турган бўлиши керак. Чунки, беш йил қонли урушни бошидан кечириб, энди ғалабага етишиб турган кунда, урушнинг энг сўнги кўринишидан ҳаяжонланиб турганди. Ким келиб, ким келмайди, деган сўроқ ҳар кимнинг хаёлида бор эди, шундан бошлаб ҳар кимнинг тақдири, ҳар кимнинг умиди ҳар хил ечилади. Шундан бошлаб ҳар кимда янги ҳаёт бошланади.

Дарахтларга чиқиб олган болалардан биттаси бир вақт: «Келяпти!» — деб қичқирганда, қўбизнинг гаранг тортилган торига қўл теккандек баримиз бир овоздан «Келяпти» — деб такрорлаб, серрайиб туриб қолдик. Тўп ичига пашша учса эшитилгудек жимжитлик чўкди-да, ўша заҳоти: «Қани? Қаерда келяпти? Қани?» — деган овозлар чиқиб, шу ондаёқ яна жим бўлиб қолди. Олисида, катта йўлнинг устидаги ёлғиз аравадан бўлақ ҳеч нима кўринмади. Арава овулга айрилган йўлнинг устида тўхтади-да, ундан сакраб тушган биргина солдат халтасини, шинелини елкасига солиб, аравакаш билан хўшлашиб, бери юра бошлади. Бизнинг орамизда ҳеч ким ҳеч нима дегани йўқ, турган одамларнинг бари индамай, анграйиб қараб туришди. Солдат тобора яқинлашиб келаверди, лекин бир киши ҳам ўрнидан қўзғалгани йўқ. Одамларнинг оқарган юзларида қандайдир бир нарса кутаётгандек умид учқунлари сезилиб турарди. Чунки бизнинг кўганимиз ёлғиз солдат эмас, йўлга сиғмай, тикилиб урушга жўнаган сингари, қалин аскарнинг тўпи билан қайтиб келиши эди.

— Бандасизлар-да, Тўлғаной! Урушга кетганлар қачон тўла-тўкис ҳаммаси қайтиб келган эди? Одам деган гоҳида шуни эсдан чиқариб қўяди шекилли.

— Гапинг тўғри, улуғ далам! Бироқ биз бандамизда: яхшиликка доим умидимиз катта. Шунинг учун ҳам ўшанда якка битта солдатнинг келаётгани элнинг ҳушини учуриб, эсини чиқарди. Солдат берироқдаги дўнгчага етиб, овулнинг четида туриб қолган элни кўриб, юраги дов бермади шекилли, у ҳам чўчиб тўхтаб қолди. Бу нимаси, бу қанақаси бўлди экан, булар нима учун индамай қараб туришибди, деган ўй билан солдат бурилиб орқасига қаради. Ўзидан бошқа йўлда ҳеч ким йўқлигини кўриб, у бизга тўғри юриб кела бошлади-да, яна тўхтаб, яна қайрилиб, орқасига қаради. У шу аҳволда яқин келаверганда, олдинда турган бир кичкина қиз: «Аширали акам! Аширали акам келаётибди!» — деб қичқариб юборди. Қаёқдан таниганини ким билсин, бошидаги рўмолини юлқиб олиб, ҳалиги яланг оёқ, чақчайган қиз: «Акам! Акам!» — деб қичқирган бўйича солдатга томон югурди. Унинг кетидан болалар югуриб, сўнг аёллар, кейин турган кишиларнинг ҳаммаси: «Аширали!, Айланай, ростдан ҳам Аширали эмасми!» — деб чувиллашиб жўнади. Ўша дамда бизни қандай куч сеҳрлаб, юрагимизда

қандай соф туйғулар қўзғалганини айтолмайман — қандайдир бир қувонч, жонга ҳузур бахш этган меҳр-муҳаббат, шодлик кўз ёшлари бутун борлигимизни қамраб олганди. Қучоқ очиб солдатга чопиб бораётганимизда биз ўзимиз билан қўшиб бутун ҳаётимизни, бошдан ўтган-кечирган кунларимизни, азоб-уқубатларимизни, ухламаган тунларимизни, оқарган сочларимизни, қариган қизларимизни, етим-есир қолганларимизни, дарёдек оққан кўз ёшларимизни, ғайратимизни, ғам-ғуссаларимизни байроқдек кўтариб, ғалаба билан қайтган жангчимизга олиб бораётган эдик. Олдидан тўсиб чиқаётган элни кўриб, солдат ҳам тез-тез юриб келаверди.

Одамлар билан югуриб бораётганимда, бир вақт станцияда тўхтамай бир зумда ўтиб кетган эшелон ҳозир ҳам ёнимдан ўтиб бораётгандек, қулоғим тиниб, қуюнбўрон, филдираклар остида зинфиллаган рельслар юрагимни зирқиратиб, «Она-а! Алима-ан!» деган Майсалбекнинг шамол олиб қочган овозини қувиб бораётгандек эдим.

Отлиқлар биринчи бўлиб етиб бориб, солдатга от устида ёпирилиб, унинг кўтариб келаётган халтасини, шинелини қўлидан олиб, ўзини пойгадан ғолиб чиққан тулпордек етаклаб келишарди. Ер, она ер, сен ўша солдатни унутмадингми? Ботирнинг қиёфаси эсингдами?

— Эсимда, Тўлғаной. Мен у солдатнинг қиёфасини ҳеч вақт унутмайман, у бугун ҳам йўл тортиб, қучоқ очиб: «Айланайин, эл-юрт! Айланайин эл-юрт! Жоним қурбон! Бошим қурбон!» — деб қичқириб, югуриб келаётгандек. Унинг кўкрагидаги медаллар қумуш тилладек жаранглаб, юзидан оққан кўз ёш гўё ёмғир томчилаб келаётгандек. Шуларнинг ҳаммаси эсимда, Тўлғаной! Кенг елкали, баланд бўйли бақувват солдат, неча марта ажал билан бетлашган, неча марта ўққа чап берган жангчи ёш боладек қувониб, бугун ҳам ҳу анови йўлда югуриб келаётгандек.

— Ҳа, ҳа, худди шундай. Биз ҳам ҳаммамиз йиғлаб, эл билан солдат қўшилганда, соғинишган икки тўлқин қўшилишгандек, эзилишиб, қучоқлашиб кўришдик. Ўша тўполон, қий-чувда ҳар биримиз ҳар томондан Аширалининг бўйнига, елкаларига осилиб ўпишардик.

Ў, ғалаба-ей, орзу қилиб кутган, курашиб етишган ғалабамиз-эй! Ассалому алайкум, ғалаба! Кечиргин бизнинг йиғлаганларимизни, кечиргин Алиман келинимни.

Омон қайтган Аширалининг кўкрагига бошини қўйиб: «Қаерда менинг Қосимим? Қаерда?» — деб қичқирганини кечиргин. Ҳаммамизни кечиргин, Ғалаба! Сени деб қанча нуридийдаларимиздан ажралдик.

«Бошқалар қани? Фалончи қаерда? Тугинчи қани? Қолганлар қачон келади?» деб ёпирилиб сўраганимизни кечиргин. Сўроқларнинг ўртасида қолиб, кўз ёшини тўхта-толмай: «Кетганларнинг бари келади! Эртага келишади. Яқинда келишади. Битта қолмай келишади!» — деб Аширалининг айтганларини кечиргин. Кечиргин бизни, ғалаба, кечиргин. Сен билан юз кўришиб туриб, биз кўнглимизда ҳар биримиз жанг майдонидан қайтиб келмаганлар билан сўнги бор видолашдик, уларни яна бир марта эслашиб, яна бир сидра куйиниб, юрагимизни совутдик. Кечиргин мени, ғалаба, кечиргин! Аширалини қайта қучоқлаб, қайта ўпиб, Жайноғимни, Майсалбегимни, Қосимимни, Сувонқулимни эслаб, ичга ютган армонимни кечиргин!

— Йўқ, Тўлғаной, ундай дема. Дунё сендан кечирим сўрасин, замона сендан кечирим сўрасин! Сен кечирар-мидинг, Тўлғаной?

— . . . . .

— Нега индамайсан, Тўлғаной?

— Кечирмас эдим! Душманимни азалдан кечирмайман. Бироқ замонамга кек сақлаган ерим йўқ. Охири бахайр бўлсин. Аммо урушга даъвоим кўп. Отилган ўқ, тўкилган қон — тарихнинг ҳисобида, лекин одамларнинг завол топган умри-чи? Уни кимнинг бўйнига қўйиб, тарихнинг қайси бетига ёзамиз? Унинг учун ким жавоб беради. Ўққа учрамаган бўлса ҳам, Алиманнинг тақдирини эслаганимда, юрак-бағрим куйиб чўғ бўлади. Унинг уволи кимга? Унинг дардини кимга, кимга айтаман? Бечора келиним, гул севган келиним!

Аширалининг туғишганлари уни уйларига олиб кетиб, элнинг бари тарқаб кетгандан сўнг, Алиман иккаламиз уйга қайтдик. Шу билан урушдан олиш-беришимиз тугаб, бундан бу ёққа тинчлик даври бошланди.

Биз жимгина келавердик. Янгигина йиғлаганигами, Алиман қисилиб, энтикиб, чучкириб келарди. Қовоғини солиб, ҳеч ёққа қарамай, ўчган рангини кўриб, келинимнинг аллақандай хаёлларга чўмганини тушундим. Кун қизиб, ҳаво димиққанида, киши ҳам кўнгил кўтарувчи

сўз топгунча диққинафас бўлиб кетмайдими. Худди шундай, Алиман ҳам қийналиб турган эди. Буни мен жавдираб тикилган кўзларидан, лабини маҳкам тишлаганидан сезиб турардим. «Оҳ, энди айрилишамизми. Қосимдан умиди узилди-ку,— деб ўйланиб келардим.— Айрилишмаганда нима қиламиз. Улган қайтиб келармиди, ё орқасидан ўлиш керакми, кетади-да энди, кетмаганда илож қанча. Аттанг-а, қандай қилай, қандай қилай! Кетса кетади-да. Қачонгача есир ўтиради. Кўнгли бузилиб кетаётибдими. Пешонадаги шу экан, розилигимни бераман. Ишқилиб, бахти очилса бўлгани. Ёш эмасми, тагин бир тенгини топар. Қосимдек меҳрибонига йўлиқармикин? Ким билади? Бахтли бўл, чироғим, бахтли бўл. Нимасини айтайин. Гоҳо мени эслаб қўйсанг, дейман, болам. Сендан бошқа кимим бор. Сен кетсанг, ўлганнинг кунини кўриб, бир уйда ёппа-ёлғиз қоламан. Шўрли бошим. Қариганда мададкор бўладиган фарзандларимдан нишон ҳам қолгани йўқ. Бироқ, менга қарамагин. Уволингга қолмайин, қачон кетсанг ҳам бошинг бўш. Менинг учун ғам ема, болам, кунингни кўр. Розиман сендан, оқ фотиҳа бераман...» — деб айтадиган гапимни ҳозирлаб, сўзлашишга тайёр бўлиб турдим. Сирдош бўлган, бирига бири куйинган кишилар одамнинг хаёлидагини гапиртирмай биладиганга ўхшайди. Мен ўшанда қандай азоб чекиб келаётганимни Алиман билган экан. Бироқ унинг гапи мен кутгандек бўлиб чиқмади. Сахий далам, сендан яширадиган сир борми, Алиманнинг ўшандаги ишларига, унинг айтган сўзларига, унинг беқиёс одамгарчилигига, юраги кенглигига розиман, ўла-ўлгунча розиман, бироқ ўзимдан норозиман, ўзимни лаънатлайман...

Нима учун ўшанда бўшлиқ қилдим, нима учун Алиманнинг сўзига ёш боладек кўна қолдим?

Қосимларнинг чорвоғининг ёнидан ўтиб бораётганимизда, уй қиламиз деб ғамлаган олам-жаҳон тош, неча йилдан бери қор-ёмғирда қолиб, эзилиб битган ғишлар бир уюм тупроқ бўлиб ётгани кўзга ташланди. Ёшлар урушга кетгандан бери бу янги кўча ўша бошланганича қолган, теварак-атрофини ғовлаган ола бута, қариқиз ўтлари босиб, уларнинг орасида арқонланган бузоқлар юрибди. Нураган деворларнинг бошларида сассиқпопушаклар тожларини тараб, ёзнинг ҳавосида яйраб, бемалол сайраб туришган экан. «Ёпирай, уй-жой солиб, ўзимизча кўпайишиб боряпмиз, деганларимиз

қаерда қолди? Қара-я. Бояқиш Қосимимга ҳам буюрмади-да» — деб ўйланиб келаётганимда, Алиман менга ялт этиб қаради-да, қаттиқ аксирди. «Эна,— деди у менга,— мунча энди қайғурмасангиз! Ёки ёруғ дунёдан умидингизни уздингизми? Ундай қилманг, энажон, бўшашманг мунча, ғайратингиз бир элчалик бор эди-ку. Бери келинчи, бундай тепаликда гаплашайлик». «Ҳозир айтади, кетаман дейди энди» — деган ўй вужудимни куйдириб юборди. «Ўтирайлик, гаплашайлик» — дедим мен ҳам. Йўл бўйидаги дўнгликка қайин она-келин иккаламиз маслаҳатлашгани ўтирдик. Ох, Алиманим-эй, нега мунча меҳру муҳаббатли бўлиб яралдинг экан! Уша оқ кўнгиллигинг ўз бошингга етдими, ким билади? «Эна,— деди ўшанда Алиман.— Касофат уруш битди энди. Ҳақи қолгани йўқ. Бундан кейин нима қиламиз, деган ўйингиз ҳам бордир. Койиманг, энажоним. Дунё шунчалик адолатсиз бўлиб кетди, дейсизми? Пешонамизга ёзилган яхшилиқнинг учқуни ҳам қолмади, дейсизми? Бир уйдан кетган тўрт кишидан қандай қилиб биронтаси омон қайтмасин. Йўқ, йўқ, эна, қўйиб туринг, менинг сўзимга қулоқ солинг. Оқ дилимни айтаман, эна, кўнглингизга қарасам, худо урсин, унда ўзимни-ўзим алдаган бўламан. Ишонинг менга! Яхшилиқ қўлласа, кичкина бола омон қайтиб келади. Хабарсиз кетди дегани — омон дегани, экан. Ким билади, қўлга тушиб кетдими, тентираб-адашиб кетдими, ё ярадор бўлиб, тўқайда яшириниб юрибдими, ҳайтовур, эртами-кечми Жайноғингиз ярқ этиб қайтиб келганда биларсиз. Бедарак йўқолди деганига умидсизланмайлик, эна. Дараксизгина эмас, ҳатто ўлди деб қорахат келган баъзи бировларнинг ҳам тирик экани маълум бўляпти-ку. У тугул, юқориги овулларда ҳам, хў пастдаги қозоқларда ҳам шундай воқеалар бўлди, ўзингиз билиб юрибсиз-ку, азасини очиб, ошини бериб бўлгандан кейин, бир куни омон-эсон қайтиб келди. У, бизнинг кичкина бола, омон-эсон юрибди. Юрагим сезиб турибди. Қандай қилиб энди тўрт кишидан биронтаси ҳам қайтиб келмаса. Сабр қилайлик, эна, кутайлик. Менга қаранг, энажон, мен ҳам сизнинг болангизман-да, аввал келинингиз бўлсам, энди ўғлингиз ўрнида ўғлингиздек кўринг. Ундай эмас десангиз, маъқул, бир-биримизнинг юзимизга оёқ қўйсақ, унда нима бўлади. Қосимнинг арвоҳи гувоҳ, сизни ёлғиз ташлаб кетмайман, эна. Қолганини ўзингиз билинг...»

Алиман гапириб бўлгач, анчагача индамай қолдик

Майнинг ўрталари шекилли ўшанда. Узоқдан элас-элас кўринган баланд чўққини ола-була булут қоплаб, онда-сонда ҳаво гулдурлаб, шабада елиб турарди. Уша ярқираган вақтда баҳорги шудринг тушиб турса керак. Қуёш шуъласига бурканган ёмғир доналари симобдек ярқираб гоҳо тоққа, гоҳо сойга кўчиб, гўё олам юзини юваётгандек. Уша олислардаги ёмғирнинг салқин нафасини шамол ҳайдаб, лип-лип этиб жонимга ором берарди. Алиманга ҳеч нима деганим йўқ. Бироқ менинг айтадиган сўзларим шу ярқираган ёмғирдек соф сўзлар эди. Тунга айланган дилимга, ҳансираган жонимга ёруғ нур теккандек, бутун вужудим билан сенга айтдим, улуғ ер. Шундай одамларни яратганинг учун, раҳмат сенга, ер дедим. Дунёнинг поклигига, одамнинг поклигига раҳмат дедим. Шу ола-була булутинга, ярқираган ёмғиринга раҳмат дедим. Ёмғир ёғади, экин ўсади, эл кун кўради, мен ҳам улар билан бирга яшайман дедим. Буларни айтганим — Алиман мени аяб, ҳурматлагани учунгина эмас, мени ёлғиз ташламайин дегани учун эмас, йўқ, бир кишининг домиризқи қаерда ўтмайди дейсан, мен суюнганда, мен фахрланганда, бошқа нарсага, инсонда бўлган улуғ нарсага сиғиндим. Уруш одамни қаттиққўл қилади, тошбағир, шахсиятпараст, ҳайвон қилади деб ким айтади? Йўқ, уруш, қирқ йил қирғин келтирсанг ҳам, нечаларнинг ажалини етказиб, ўртаб, қийратиб, яксон қилсанг ҳам, одамни сен тобе қилиб, бўйсундира олмайсан. Одам умид қилган ҳамма яхшиликларидан ажралса ҳамки, қандай бўлмасинки, бировга яхшилик қилсам, дейди, уни суяб, турғизсам, дейди, уни озгина бўлса ҳам бахтли қилолсам, дейди.

Менинг Алиманим чинакам одам-да! Қоронғи кечада парашютга осилиб, душманларнинг ўртасига самолётдан сакраб тушган Жайноқ хабарсиз, дараксиз йўқ бўлди, деганига қарамай, у ўлмайди, у омон, у сўзсиз қайтиб келади, деб ишонгани, тилагани ким учун? Дунё унчалик адолатсиз эмас, деб бел боғлаши ким учун? Алиманнинг чин қалбдан айтган сўзларига мен ҳам ишониб, ростдан ҳам Жайноқ тирикмикин, ундай бўлса, қайтиб келса ҳам ажаб эмас, деб ёш болалардек умидвор бўлиб қолдим. Мен шу ҳолда ўйланиб ўтирсам, Алиман томорқага ташлаб кетган ооч-бўйинтуруғларимизни эслаб: «И-е, еримизни ҳайдаб битирмадик-ку, эна, юринг, тезроқ юринг, қотиб қолмасин» — деб шошириб қолди.



Чорвоққа келсак, хўкизлар омовни судраган бўйича, аллақачон ариқ ёқалаб ўтлаб юришипти. Алиман уларни қайтариб келгач, яна ҳайдашни бошладик. Одамнинг кўнгли қизиқ нарса-да. Бир зумда қанот боғлаб кишини олиб учади эмасми. Айтган сўзлари, қилган ҳаракатлари ўз кўнглига тўғри келса керак, Алиман, ўша урушдан олдинги қиёфасига қайтиб келгандек очилиб кулгани, чеҳрасини очиб сўзлагани ярашиб турибди. Нимчасини ечиб нарироққа ирғитиб юбориб, оқ кўйлагининг этагини липпа уриб, енгини шимариб, бошидаги рўмолини чаккага тортиб тушириб, қора тўриғ юзидан нур ёғилиб, баланд товуш билан: «Ола бош хўкиз, чўх! Чўх, чўх! Қайт, қайт, чўлоқ қуйриқ. Чўх, чўх-е!» — деб узун тасма қамчини шартиллатиб уриб, ўзича бақириб ер ҳайдай бошлади. Оҳ, Алиманим-эй, билсам, у мени ўксинмасин, ҳаётдан, ишдан кўнгли совимасин, тирикчилик қилсин, дегани экан-ку. Омовнинг тутгичидан ушлаб келаётганимда, орқасига қайрилиб қараб: «Эна, омовни астароқ босинг, тоши бетга чиқиб қолмасин!» — деб бошлаб юрди. Яна икки-уч бориб келадиган ер қолганда ёмғир томчилаё бошлади. Борган сари кучайиб, жалага айланди. Бу кучайган бевош жала ўткинчи экан. Шундай бўлса ҳам овулда ташвиш орттирди. Қанотларини шапиллатиб қақағлаган товуқлар ўзини ҳар ёққа урар, аёллар ёйган кирларини олиб қочар, болалар кўчада қувалашиб:

«Жала, жала, ўтиб кет,  
Қора сувдан кечиб кет»

дейишиб, чопишиб юришди. Ивиб кетамиз, айланай, уйга кириб турайлик, десам, Алиман: «Ҳеч нима эмас, эна, битириб қўяйлик!» — деб, ёш қизчадек ёмғирнинг қитиқлаганига қотиб кулиб хўкизларни тўхтатмай ҳайдайверди. Келинимнинг бу ишидан хурсанд бўлдим. «Феъл-атворингдан айлансин энанг, ўткинчи ёғиндек ярқиллаган юзингдан айланайиним, ёмғирдек шўхлигингдан ўргилай! Қандай бахтли аёл эдинг! Эҳ, дунё, дунё, дунё шундай экан!» — деб юрагим қувониб, Алиманининг афтига тикилиб тўймадим. Кейин ўйласам, унинг бу ишлари ҳали менга аталган, менинг кўнглимни кўтармоқчи бўлган экан. Алиман ҳадеб кафтини ёғинга тутиб: «Эна, бу ёққа қаранг-чи! Қандай сўлим ёмғир! Қандай мусаффо ёмғир!

Бу йил дон мўл бўлади. Чўх, чўх-э, ёмғир, баракангни тўкавер, тўкавер!» — деб қамчи билан ёмғирни, ҳўкизларни саваларди. Ушанда у ўзининг нақадар гўзал эканлигини, ивиган кўйлаклари баданига ёпишиб, қоматининг қанчалар хушбичим эканлигини, кўзларининг қанчалик чақнаганини сезмаган бўлса керак. Илоҳим, уволинг тутсин урушни!

Жала тўхтаб, олислаб кетганда, Алиман ҳам тездә ўтиб кетар экан-да, деган ҳаёл билан узаб бораётган ёғиннинг ортидан мунгланиб тикилиб, олисга кўз югуртириб, ёмғирнинг босилиб бораётган куйига қулоқ солиб, қаттиқ аксирди. Бояқишим-эй, Қосимни эслади шекилли ўшанда. Кўзи менга тушиб, кулиб юборди-да: «Ёмғирнинг нами билан маккажўхорини экиб олайлик!» — деб, уйга чопиб кетди.

Ивитилган маккажўхоридан Алиман катта бир чангал олиб чиқиб: «Эна, шу маккажўхори думбул бўлгунча кичкина бола омон-эсон қайтиб келсин!» — деб ният қилган уруғини ерга сочиб юборди. Алиманнинг ўшандаги қиёфаси кўз ўнгимдан сира кетмайди. Булут орасидан ялт этиб чиқиб, ҳозиргина кўтарилган қип-қизил чўғдек, офтоб текканда, ёмғирдан кейин нам бўлган қора тупроқни яланг оёқ босиб, қадам сайин шудгорга олтин сочаётгандек уруғ сепиб, бу хосиятли меҳнатни яхши ният, яхши умидга бағишлаб, Алиманим жўхори эмас, яхшилик уруғи сепиб юргандек эди. «Кўрасиз-ку, эна, менинг айтганларим тўғри чиқади. Насиб бўлса, кичкина болага думбулни ўзим ўтга кўмиб, пишириб бераман. Илгарилари думбулни мен билан талашиб егучи эди-ку. Эсингиздами, бир марта иссиқ сўтани олиб қочаман деб қўйнига солиб юборганда, бадани куйиб қолмаганмиди. Ух, ух, деб, ичини ушлаб, сакраб юрса, мен жинни одамдек: «Бу ҳам оз сизга. Оз!» — деб кулаверибман. Эсингиздами? — деб Алиман мени ҳам кулдириб юборди.

## VI

Майли, энди, шунисига ҳам раҳмат! Маккажўхори бир эмас, икки марта, уч марта думбул бўлди, бироқ Жайноғимиз қайтиб келгани йўқ. Алиман кейин айбдор одамдек индамай қолди ўзи...

Олатоғда қиш ўтиб, кўклам келиб, ҳаёт ўз оқимида аввалгидек давом этаверди. Эл тўйиб, колхоз қаддини тиклаб, кўрган-кечганларимиз аста-аста хаёлдан кўтарилиб, урушнинг излари йўқола бошлади. Алиман иккаламиз аввалгидек колхозда ишлаб юрдик. Йигитлар фронтдан қайтиб келгач, Бригадирликни мен уларга топширдим: «Сизларнинг йўқлигингизда уч йил эплаб, ишлаб турдим, энди эса қаридим, ҳоридим, йигитлар, энди ишни ўз қўлларингга олинглар» — дедим. Ушандаги ёшларнинг бир хиллари ҳозир ҳам мени «Бригадир опа» — дейишади, ҳурмат қилишганидан бўлса керак...

Замон тинчлангани билан Алиман иккаламизнинг қайғу-ғамимиз битгани йўқ. Кўринишдан ёришиб, сир билдирмагандек бўлса ҳам, бироқ ҳақиқатда бўлиб ўтган ишлар доимо унинг ҳам, менинг ҳам юрагимдан кетмай азоб берарди. Бундай қарасанг, ҳар ким ўзича ақл юритиб, ҳар биримиз ўз кўмачимизга ўзимиз кул тортишимиз, ўз турмушимизни ўзимиз қуришимиз керак эди, тўғри йўл ҳам шу эди. Бироқ, биз шундай қилмадик. Мендан ўтдими, Алимандан ўтдими, унинг сабаблари кўп, уни гапириб ўтириб ҳам нима қиламиз. Балки, биздан ҳеч қандай айб ўтмагандир. Қанчадан-қанча дарду аламимни айтиб, сенга келардим-ку, жонажон далам...

— Ҳа, келардинг, Тўлғаной. Гуноҳга ботириб нима қиламан келинимни, нима қиламан, уволини қандай қиламан, деб йиғлардинг. Қачон келсанг ҳам, неча бор келсанг ҳам, ўшанда мен сенга маслаҳат беролмаганман, Тўлғаной. Орадан анча йиллар ўтиб кетди. Сен, мана, қартайиб қолдинг. Бироқ ҳозир ҳам сени оқлаб, ё бўлма-са қоралаб бирон нарса айтолмайман.

— Ким билади. Шуларни ўйласам ўзимни кечиролмайман. Келиним Алимандан ўзга, феъл-атвори бошқа, муомаласи бошқа, одамгарчилиги бошқа, юриш-туриши бошқа аёл бўлганда, кўп кечиктирмасданоқ: «Қўй, энди болам, қачонгача тул бўлиб ўтирасан. Ёш бошингни хор қилмай, бировга тегиб кетгин» — дер эдим. Бироқ, Алиманга айтолганим йўқ. Агарда айтсам, одамзод дунёсининг осойишталигига қандайдир хиёнат қилаётгандек, қандайдир бир пок нарсани булғаб қўяётгандек ботинолмай юрдим. Тўғри, Қосим ўлди — сен энди кетгин, керагинг йўқ, бошқа бировга тегиб олгин, дейишга оғзим борармиди? Сўзларимни қанчалик силлиқламайин, бари бир шу маъно келиб чиқди. Бир чети эс-ақли бор жувон

эмасми, ўзи ёрилар деб шошилмаган ҳам эдим. Алиман бўлса, бечора бояқишим-эй, кишиларга бунча меҳрибон бўлиб яратилганини қара, мени аяб кўзи қиймай юрганга ўхшарди. Шунга қарамай, мендан ўтмасин, деб бир кун Қайиндидан оғалари қидириб келганда, мен Алимандан минг марта розиман, деб кўнглимдагини тушунтирдим. Шундай десам, уларни жеркиб: менинг билан ишларинг бўлмасин, кетаманми, кетмайманми, ўзим биламан, сизлар аралашманглар, дебди. Гапирмасам бўлар экан, деб афсусланиб қолдим. Менинг уялганимни билиб, Алиман ўшанда, ўртамизда қандайдир бир сўз ўтганини сездиргани ҳам йўқ. Ич-ичимдан миннатдор бўлдим. Шу зайлда бир-биримизни аяб, бир-биримизни қиёлмай, Жайноқ келиб қолармикин деб умид қилиб алданиб юриб, энг охири ундан ҳам умидни узиб, кейин унинг вақти ўтгач, кеч бўлиб қолди. Ҳа, она ерим, имонимдек пок сиримни айтяпман. Қолганини ўзинг биласан-ку.

— Биламан, Тўлғаной. Келинингга аввалдан айтмай юриб, кейин айтганингда юзингга қарамас эдим.

— Рост айтасан. Қандай бўлиб кетганини ҳозир ҳам билолмай. Овулимиз йўл устида эмасми, яйловга мол ҳайдаганлар, ишлашга тушганлар ҳар доим бизнинг ерлардан ўтиб кетишмасмиди. Ер ўртаси деб молини ёйиб, икки-уч кун туриб ҳам қолишарди.

Қирқ олтинчи йилнинг кузида қўйи овуллик бир чўпон қўйини боқиб юрди. Аскардан келган йигитга ўхшайди, бўз шинелли, тўнини бўктириб, милтиғини елкасига осиб, бу ерларда айланиб юрганида унча эътибор бермасди унга. Овулда кимдир биров тўй қилиб қолди-да, улоқ берди. Ҳалиги чўпон улоқни йигит экан, улоқни бизнинг дарвозанинг олдига олиб келиб ташлади. Ҳовлидан югуриб чиқдим, ўшанда кўрдим уни, ўйноқлаган отини гижинглатиб турибди. Ажабтовургина йигит экан. Нима учундир бошқа сўз оғзимга келмай: «Ҳой, бу ниманг, болам?» — дебман. Шундай десам: «Уйда ким бор?» — деди. «Ким керак эди?» — дедим. «Қўлимдан тушиб кетди» — деди-да, бир энгашиб улоқни олиб, тақимлаб жўнаб кетди. Унгача улоқчилар етиб келиб орқасидан ёпирилиб қувиб кетишди. Шундан кейин мен у чўпонни иккинчи марта кўрганим йўқ. Лекин унинг қилган ишларига аччиғим келди. Бу нима қилгани: олиб келгандан кейин ташлаб кетмайдими, улоқ — тушган уйники эмасми, ёки рост билан қўлидан тушиб кетдимикин? «Ундай бўл-

са, нега кўчага тушмай, дарвозанинг олдига тушади?» — деган ҳар хил ўй босди. Мен шу зайлда турганимда Алиман чиқиб келди. Гулли рўмолини ўраб, шойи кўйлагини кийиб яسانيб олган, тўйга бормоқчи бўлиб турган эдик. Мени кўрганда Алиман ерга қараб қизариб кетди. «Юрмайсизми, эна» — деб секин гапирди. Бояги чўпоннинг нима учун келганини эндигина тушундим. Икки-уч кундан бери Алиман сув олиб келаман деб ариқдаги сувни кўйиб, катта сойга бориб, кеч қайтиб юрганди. Кўнглим ниманидир сезгандек бўлувди-я... Охири бир кун шундай бўлишини, сўзсиз шундай бўлишини илгаридан билардим. Қизғанганимдан эмас, ё балки қизғанганимники ҳамдир, лекин гап бошқа ёқда. Алиманни кўп кечикмай, ўз ўрнини топиб олса экан, деб тилаб юриб, иш ўнгидан келганда, тисарилдим, кўрқдим. Боши очиқ келинимни эмас, гўё ўз қизимни эрга бераётгандек, Алиманни янглишмас экан, тушган жойи яши бўлса экан, деб юрдим. Тўйда ўтирганимда ҳам, уйда ўтирганимда ҳам шу ўй хаёлимдан кетмади.

«Бояги йигит қанақа одам экан? Яхшилаб, билиб-кўриб олгин. Шошилма, Алиман болам, алданиб қолма!» — деб ичимда айтиб ётдим. Нима бўлса ҳам ёшларга тўсиқ бўлиб қолмайин. Алиманни иймантирмай, ўз ихтиёри ўзида эканлигини, менинг унга ҳеч қандай қаршилигим йўқ эканлигини қандай қилиб билдирсам экан, деб қийналдим. Ҳеч нимани сезмаган кишидек бўлиб, кундагидек сўзлаб, кундагидек кулиб юрсам ҳам, Алиман мендаги ўзгаришни сезган экан. Кечга томон сувга бораман деб челақларни олиб чиқиб кетганда елкамдан оғир юк тушгандек енгил тортдим. Борса бориб, учрашиб келсин, дедим ўзимча. Лекин кўп ўтмай Алиман сув кўтариб кириб келди. Сойга бормай, ариқнинг ўзидан олиб келган экан. «Эна, сув иситиб берайин, бошингизни ювиб олинг» — деди Алиман, челақларни жойига қўя туриб. «Эртага кундузи ювиб оларман, ишинг бўлса...» — деб бошлаган эдим, Алиман сўзимни бўлиб: «Эртага колхознинг ишидан қўл бўшамайди, эна, ювиб олинг, сочингизни тараб қўяйин» — деди. Кўнглига келмасин деган ўй билан кўниб қўя қолдим. Катта қозонни тўлдириб сув иситиб, мени бош ювиб кўрмаган боладек ўтирғизиб, дарров қатиқ билан ювиб, ундан кейин совунлаб, сувни илиқ қилиб чапиштириб, бошимга қуйиб турди. Бошқа вақтда бўлса, болам, қўя қол, ўзим ювиб оламан, дер-

дим, бироқ бу сафар индай олмадим. «Оббо, бу қандай бўлди, мени деб икки ўртада ваъда қилган ерига боролмай қолди-ку» — деган ўйга бордим. Ундай десам, Алиман уни-буни гапириб, кўнгли кўтаринки бўлиб юрди. Бор-йўғи сочимни тараётиб сал безовта бўлди. «Эна, ёшлигингизда сочингиз зап соч бўлган бўлса керак!» — деб манглаймни, сочимни эркалатиб силаб, юзларимга, бўйнимга қўлларини узоқ қўйиб турди. «Мен билан хайрлашяпти-ку» — деб ўйланиб, кўзимга келган ёшларни яшириб, ўзимни аранг тутиб турдим. У бўлса сочларимни ўриб, сандиқдан атир олди. «Вой болам, менга унинг нима кераги бор, вой айланай, қариганда уят эмасми» — деганимга қўймай кулиб, зўрлаб бошимга атир сепди-да, бўйнимдан қучоқлаб ҳидлади. «Мана қандай сулув, ёпёш бўлиб қолдингиз» — деб роса суюнди. Мен ҳам кулдим.

«Энди чой ичинг, эна» — деди. Чойдан кейин эса: «Тўшагингизни солиб берай, ётайлик» — деди.

Уша кеча икковимиз ҳам ухлаганимиз йўқ. Алиман ўзича ҳаёл суриб ётдим, гоҳ-гоҳда қаттиқ хўрсиниб кўярди. Мен бўлсам кўзимни юмсам ҳамки Алиманнинг бугунги қилган яхшиликларига меҳрим товланиб, ўтган-кетганлар кўз ўнгимдан ўтиб турди. Алламаҳалгача Алиманнинг ҳов ўшанда гулхайриларни комбайннинг пиллапоясига олиб бориб қўйганини эслаб ётдим. Бир маҳал Қосим аскарга жўнашда уни отга мингизмай, бўйнига маҳкам осилиб, ёш боладек қўлларидан тортқилганини эсладим. Яна бир маҳал шошиб станцияга бораётганимизда ёққан оппоқ қор Алиманнинг рўмолига, пешона сочига, ёқасига қўниб, унинг ҳуснига ҳусн қўшиб, чинакам гўзал қилиб кўрсатгани эсимга тушди. Сўнгра, менга қучоқ очиб югуриб: «Энажоним-эй! Есирмиз, бирдек есирмиз!» — деб бақиргани қулоғимга эшитилгандек бўлди. Яна бир маҳал қизғалдоққа тўлган кенг далада қора рўмолли Алиманнинг катта йўл томонга чопиб кетгани эсимга тушди. Қўй-чи, шуларни ўйлаб ётиб, энг охирида бояги улоқчи чўпон билан қўй ҳайдашиб, эргашиб кетаётгани кўз олдимга келди. «Хайр, энажон! Ёмон кўрма, кетганим шу. Хайр энди энажоним-ай!» — деса орқасидан қўл силтаб жар ёқалаб югуриб: «Хайр, чироғим! Хайр, гул суйган келиним, хайр пешонамга сиғмаган юлдузим! Омон бўл, бахтинг очилсин, умринг кўкарсин, омон бўл, хайр-хўш! Ҳой, йигит, боламни хор қилма!

Қарғайман, қарғишим уради-я» — деб ётдим. Кўзимга ёш тўлиб, иссиққина бўлиб, юзларимдан юмалаб ёстиққа томиб ётди. Йиғлаганимни Алиман билиб қолмасин деб илож борича ўзимни босиб ётдим.

Эртаси куни ҳам Алиман ҳеч ёққа чиқмади. Шундан кейин ҳалиги чўпон кўринмай қолди. Қўйини ҳайдаб кетиб қолган бўлса керак. Алиманнинг бўзарган юзини кўриб қаттиқ койиндим. Кўнгли бўлса кетавермайдими, менга қайишганидан нима фойда! Анчагача ўйланиб юриб, кейин бу иш ёддан чиқиб кетгандек бўлди.

Шундан сўнг эрта кўкламда бояги чўпон яна пайдо бўлди. Қўйини боқиб катта сойда юрганини сиртдан пайқаб қолдим. Ўша кунлари Алиман кеч кирари билан кетиб, эл ётгунча ташқарида юрарди. Мен нима ҳам дердим. Ўзи биледи-да. Тўғриси, нима қилишим, нима ҳам дейишим керак эди, айт-чи, жоним туташган далам? Эсингдами ўша шовқинли тун, эртаси куни олдинга келиб йиғлаганим...

— Тўхта, Тўлғаной. Сен у тунни шовқинли деб айтма. У туннинг яхши томони ҳам, ёмон томони ҳам бор. Жон яралган тунга тил тегизма, Тўлғаной.

— Сўзимни қайтариб олдим, она ерим, куйгандан айтган гапим-да бу. Куймай иложим қанча — ўша кеча Алиманни узоқ кутиб ўтирдим. Овулда ҳамма ётса ҳам, мен нима учундир чироқ ўчирмай, нимадандир гумон қилиб, нимадандир кўрқиб, деразага тикилиб, шитир этган товушга қулоқ осиб, кўз юммай ўтирдим. Ойдин тун бўлиб, у ер-бу ерда булут сузиб юрса ҳам, баҳор ҳавоси тинч эди. Бир уйда ёлғиз ўзим ўтирганимдан, баданим учганидан кўрпага ўрандим. Ярим кечага бориб кўзим илинган экан, тақиллаган товушдан чўчиб уйғониб, бошимни кўтариб қарасам, Алиман кириб келаётган экан. Маст, ғирт маст. Кўйлагининг ёқаси йиртилиб, осилиб тушган, баданлари кўриниб, сочлари бетларига тўзғиб тушган. Кўзлари бир жойда турмайди. Алиманнинг маст бўлишини умримда биринчи кўришим. Нима дейишимни билмай, ўрнимдан туришга ҳам ҳолим қолмади. Алиман бўсағадан аранг ҳатлаб кирди-да, йиқилиб кетай деб бориб печга суяниб қолди. Кейин печни ушлаган бўйича жавдираб туриб: «Ҳа!» — деб хунук кулимсиради. «Нимага қарайсиз?» — деди у бошини чайқаб. «Нега қарайсиз менга? Ҳа, мен мастман. Ҳа, мен мастман. Ҳа, мен ароқ ичдим. Ичмай нима қиламан? Мен ичмасам ким

йчади-а? Нега индамайсиз? Менинг турқумдан қўрқиб турибсизми?..»

Мен индаёлмадим. Келинимнинг шундай аҳволга тушиб қолганидан юрагим сиқилиб ўлаёздим. Алиман яна бир оз довдираб, бошини саланглатиб турди-да, бир пайт шивирлади: «Эна, сиз ҳеч нимани билмайсиз. А, мен бўлсам... Мен... Мен бугун... Қосим аскарга жўнар куни кечқурун катта сойга бирга бормадикми... Ҳаммаси худди ўша ерда...» — деб гапириб туриб сочини икки қўллаб чангаллади: «Мен ит бўлдим, эна, энажоним!» — деган қичқириқ юрагидан отилиб, ўзи кигизга юз тубан қулади, қулади-да, бошини ерга уриб хўнграб йиғлай бошлади. Урнимдан ирғиб туриб, қушдек учиб бордим ёнига. Бошини кўтариб кўкрагимга босдим: «Йиғламагин, Алиман, йиғламагин. Нима бўлди сенга, қани айт-чи? Хафа бўлдингми? Ё биров бир нарса дедими сенга? Айт-чи, менга. Ё мендан хафа бўлдингми, хафа бўлган бўлсанг айт, сақлаган сирларингнинг барини айт, эштай...» «Йўқ, йўқ, эна, энажоним, бечорагинам, ёлғизим, ҳеч нимани билмайсиз-да, билганда ҳам қўлингиздан нима келар эди. Лаънатлар бўлсин ўшанга!» — деб қандайдир бир ўзига хос дард-аламини тортиб, ўзини тўхтатолмай, мени қучоқлаб олиб, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлайверди, узоқ бўзлади, ундан кейин бир оз тинчиди-да, уйқуга кетди. Мен ухлаёлмадим. «Нима бўлди келинимга? Нима қилдим энди?» — деб тонг оттирдим.

Эртаси куни Алиман ўрnidан турганда, уялиб менга қарай олмади, гапиргани ҳам йўқ. Ишга чиқиб кетаётганимиздагина: «Мени кечиринг, эна» — деди оҳиста.

Шу билан орадан икки-уч ой ўтиб, ёзда ҳалиги қочқинчи Жекшенқулнинг тергови бўлди — урушдан кейин элга қовушолмай уйига яширинча келиб-кетиб юрган экан. Бироқ четда юрганида ҳам тинч юрмай, олиб сотарлик қилиб, қўй ўғирлаб, қўлга тушиб қолибди. Терговда унинг бурунги қилмишлари очилиб қолиб, бизнинг овулга сўроқ қилишга олиб келишган экан. Қишлоқ советининг одами мени ҳам гувоҳ бўласан, деб келибди. Кўчада кетаётсам, Алиман кетмон кўтариб ишдан келаётган экан. Секин юриб, элдан ажралган кишидек мунғайиб, ёлғиз ўзи келаётибди. Кўринишдан хафа, озиб, кўзи киртайиб қолибди. Ўша ёзда юзини ҳам доғ босиб кетган эди. Юрагим ачишиб кетди. Энди уйга бориб, тафин ёлғиз ўзи ўтирмасин, деган хаёл билан: «Юр, болам.



идорага бирга бориб келамиз» — дедим. Шундай десам: «Йўқ, эна, у ерда нима бор менга. Бошим оғриб турибди, уйга борайин» — деди. «Майлинг,— дедим,— дам олиб ётиб тур, сигирни ўзим кутиб оламан».

Идоранинг ёнида ҳамма ёғи ёпилган машина турибди. Гувоҳликка чақирилган ва ишдан қайтаётиб бу ерга келган бир тўда кишилар очиқ деразанинг ёнидан гапга қулоқ солиб туришибди, мен ҳам ўшаларга қўшилиб турдим. Жекшенқулни кўрмаганимга анча йил бўлган, тўлишиб, семириб кетибди. Елкалари этга тўлиб, кўзлари қисилиб, олайиб ўтирган экан. Соғиб ўтирган ёлғиз сигирларимизни қўшга қўшиб, очдан ўлиб бораётганимизда, топган-тутганимизни қўлимиздан тортиб олган шу ит эмасмиди. Менинг худо қўшган ёрим, болаларим фронтда қон кечиб жангда юрганда, бу лаънати ўзини элдан ортиқ тутиб қочиб юрмабмиди. Энди бўлса овулдаги оқсоқоллар билан айтишмагани қолибди. «Шу ҳам гап бўлдим, фронтда ўлганларнинг ўз ажали ўзи билан, менга уларнинг нима алоқаси бор?— дейди.— Уфри дейсизлар, кўзларингиз билан кўриб, кўлларингиз билан тутиб олганларингиз йўқ. Минг гапиринглар — ҳаммаси қуруқ сўз. Далил керак». Буни эшитганда қоним қайнаб кетди: «Жонингни сотма, имонсиз! Далил керакми сенга, мен далил!» — деб деразадан туриб қичқирдим. «Опа, ичкарига кириб. Бу ёққа кириб гапиринг» — деди ўрнидан туриб терговчи. Кириб бордим-да, ҳаммасини айтиб бердим. «Ҳа, биз сени қўлимиз билан тутиб олганимиз йўқ, сенинг орқангдан тушиб ушлашга вақтимиз ҳам бўлганмас. Биз у вақтда ер тирмалаб фронтга нон берганмиз, биз унда машоқ териб болаларни боққанмиз. Сен эса унда қўшга боғланган отларни ҳайдаб кетиб, элнинг битта доналаб йиғган уруғини олиб қочиб, бола-чақаларнинг насибасини қуритиб, қўл солгансан. Демак, сен шу билан фронтдаги солдатларнинг қўлидан нонини тортиб олгансан, орқангдан етиб бориб: «Тўхта! Мен биламан сени, Жекшенқул. Тўхта!» деганимда, қайрила солиб, мени отгансан!» — деб юракда қайнаган сўзларимнинг барини айтавердим. Шунда, айт, тортинмай айтавер, дегандек, Ойша қўшнимнинг бўзарган юзидан оққан қатор-қатор ёш, ўша мунчоқ кўз ёшларидек бўлиб милтиллаган осмондаги сомон йўли кўз олдимга келиб турди. «Далил деб ҳийла қилиб қутулсанг қутулиб кетарсан, лекин билиб қўйгин, эл-юртнинг мушқулидан ўзингни четга олиб,

унинг ўлим-етимида баравар қайғу чекмаганинг учун одам сонидан чиқиб, умринг якка моховликда ўтади. Сенга далил ҳам, жазо ҳам шу» — дедим.

Мен гапириб бўлганимдан кейин терговчи: «Раҳмат сизга, она. Энди бўшсиз, уйингизга бораверинг» — деди.

Идорадан келаётсам Жекшенқулнинг хотини эшикни тўсиб олди. Жин теккан нарсадек ўзини уриб қичқирди: «Ўлигингни кўрай, қоқбош. Виждоним соф деб нима яхшилиқ кўрдинг. Сен тоза, виждонинг соф экан, келинингни қорнидагига нима дейсан? У қаёқдан бўлган? Уйингда бўлаётган шармандаликни кўрмай, нима қилиб юрибсан? Шармандалар!?»

Юрагим «шув» этиб, жунжикиб кетди. Ҳа, ҳа, бу хотиннинг айтганлари тўғри эмасми? Кўпдан бери ўйлаб, гумон қилиб юрган нарсаларим шу заҳоти очиқ-ойдин бўлиб қолди. Шунда эшикда турган кишилар: «Овозингни ўчир, ўласан» дейишиб, Жекшенқулнинг хотинига ҳамла қилиб қолишди. «Тегманглар, унга қўл урманглар» — деб индамай жўнаб кетдим. Кўчада келаётиб, турли ўй-хаёлларга берилдим. Бундай бўларини ўйламаган эдим. Кейинги кезларда Алиман қандайдир ўзини халқдан четга тортгандек, феъл-атвори ҳам ўзгариб, бегона одамдек гапирмай, кулмай қолганига мен шунчаки хафа бўлиб юрган бўлса керак, деб ўйлардим. Ҳалиги чўпон йигит кўнглига ўтирмай, келишолмай қолишган бўлишса керак, деб гумон қилардим. У, ўшанда кўринмай тоққа кетиб қолган эди. Уни иккинчи ҳеч ким кўрмади. Кейин билсам, иш бошқача экан. Афсус, афсус... Бундай бўлишини ким билган эди. Энди қандай бўларкин деб ўйлайвериб, қаддим дол бўлди.

— Ҳа, Тўлғаной, сен ўшанда менга келиб, энди нима қиламан, деб сирингни айтган эдинг.

— Сенга айтмай, кимга ҳам айтардим. Жоним туташган, деҳқон далам, муштдайлигимдан бошлаб, шу қариган чоғимгача сенинг ҳароратинг билан, сенинг кучқувватинг билан ҳаётда қанчадан-қанча доvon ошиб яшаб келяпман. Нима қилайин, десам, сен ўшанда: «Ўйлаб кўр, Тўлғаной, чўқурроқ ўйлаб кўр. Кўнглингни кенг қил, узоқни кўзлаб иш тутгин. Номус қилиб юриш билан иш битмайди, ақлсизлик қилма» — деган эдинг.

Бу менигина эмас, балки бошқаларни ҳам ўйлантирганидан мамнунман. Ичган сувимиз бир, кўрган кунимиз бир, тақдиримиз ҳам бир бўлган замондош овулдошла-

римнинг кенг феълига раҳмат айтиб, таъзим қиламан. Ўша воқеанинг эртасига Ойша қўшним уйга чойга чақириб, сўз орасида уни-буни гапириб: «Ҳалиги Жекшенқулнинг хотини кечаси билан кўчиб кетибди» — деди. Индамадим. Кўчса ҳар кимнинг ўз ихтиёри. Кейин орадан анча вақт ўтгандан кейин билсам, у ўзи эмас, ўша кечаси, бутун эл тўпланиб келиб: «Бизнинг овулдан чиқиб кет!» — деб аравага солиб, кўчириб юборишибди. Ушандан кейин катта-кичикнинг биронтаси бу ҳақда гап-сўз қилмади. Балки, тенгқурлари Алиманинг ўзига айтса айтгандир. Лекин менга ҳеч ким бу ҳақда гапиргани йўқ. Ушандан бери қанча вақт ўтди, ҳали ҳам ҳамма ҳурмат қилади. Раҳмат, кўзим юмулгунча розиман. Агар илгариги замонлар бўлса, не-не аччиқ сўзларни юзимга солмасмиди, деб ўзимча ўйладим. Энди бўлса, бу урушнинг қанча азоб-уқубатини тортиб, тирик қолган ҳар бир одамнинг баҳоси, қадр-қиммати қанчалик муътабар эканлигини, унинг кўнгли қанчалик ярим эканлигини, замонанинг катта сабоғини олган элнинг ўзи ҳам тушунди. Алиманинг гуноҳини кечирди. Агарда улар Алиман иккаламиздан кулишса, ўзларидан кулган билан баробар эмасмиди. Дарвоқе, шундай бўларди. Майли, одамлар ҳар нима дейиши мумкин. Мол оласи сиртида, одам оласи ичида, дейишган-ку. Бировнинг оёғи сал тойиб кетса, бас, етади одамларга. Шундай одамлар ҳозир ҳам орамизда бор. Лекин аслига келганда, умуман олиб баҳо берганда, одамдай беғубор нарса йўқ, бунга аминман, бунга фахрланаман. Ўзимнинг бошимдан ўтди-ку булар, биласанки, она-ер, ўша йили мен учун қандай машаққатли йил бўлди.

— Ҳа, Тўлғаной, сен ўша йили чўкиб қолдинг.

— Чўкканим ҳам майли-я, Алиманимни ҳозир ўйла-сам, ич-ичим ачишади. О, худо-ей, худо-ей, қаерда топиб, қаерда йўқотдим уни... Алиманинг бўйида бўлиб қолганини билиб қолганимдан кейин, доим уни авайлашга тиришдим. Кўзга ташланиб қолган бўлса ҳам, нимэ учундир, билмасликка солиб, гап-сўз қилиб юрмадик. Тирикчиликка доир ҳамма нарсани аввалгидек кенгашиб, бор-йўғимизни бирга баҳам кўриб юрдик. Бироқ, ҳалиги хусусда гап очишга ботинолмади. Мен унинг кўнглини оғритмайин дедим, у эса тўғридан-тўғри айтишга уялди-ми, хаёлида кетмоқчи бўлиб юриб, унгача мени қизартириб-бўзартириб юрмай, ҳаммасини кетиш олдида айта-

ман дедими, ҳар қалай, билолмасдим. Мен учун ўша кезларда буни билиш ҳам қийин эди. Ўзи лом-мим демагандан кейин нима ҳам дея олдим, қандай сўрай олардим. Қўққисдан сўраб қолсам, уйдан кетгин дегандек тушуниб, кетиб қолмасмикин, деб хавотирланардим. Соғ юрганда хўп-хўп эди, иккиқат бўлганда йўлингни топ деб бўлармиди. Йўқ, йўқ, Алиманимга бундай ёмонликни ҳеч вақт раво кўрмайман. Кўнглимда, мен уни айблаганим ҳам йўқ. Бутун нарсани ўз кўзим билан кўриб-билиб юрмабмидим. Алиманинг бошига тушган кун — менинг ҳам бошимга тушган кун, у тукқан бола — менинг ҳам болам, номус-орини, яхши-ёмонини, бори-йўғини бирдек бахам кўраман, ўзимча шундай қарорга келганман. Алимани кетиб қолса, менсиз куни ўтмай қолармиди, ташлаб кетишга кўзи қиймай юриб, шундай маломатга дучор бўлишини билмабманми. Ихтиёрини ўзига қўйиб бердим. Эртами-кечми, ахири бир кун вақт-соати етганда келажак ҳақида очик-ойдин гаплашиб олармиз. Кўнглимизда шуни сақлаб юрдик. Шундай бўлса ҳам, бугун-эрта деб кетга суриб келмадикми. У тугул Алимани кетиб ҳам қолди-ку. Бу ҳам мендан ўтди, менинг бепарволигимдан бўлди...

Ёз охирида Алиманинг бўйидаги ўшанда беш-олти ойлик кези эди, эрта билан молни подага қўшайин, деб кўчага ҳайдаб чиқдим. Подачи овози қўнғироқдек ўн икки-ўн уч ёшлардаги етим бола эди. Ўша куни у кўчанинг нариги бошидан алланималарни шанғиллаб қичқириб, олди туриб келётган овулни бирдан уйғотиб юборди. У уйимизнинг яқинига келганда, сигирларни «хўш-хўшлаб» келаетиб: «Тўлған опа!— деб менга ҳам ялт этиб қаради.— Тўлған опа, суюнчи беринг! Жўрабек акамнинг келини кўзи ёриди, суюнчи беринг!» — деди.

«Э, айланайин, кўпайсин, кўпайсин. Қачон туғди?»  
«Тонг маҳали».

«Ўғилми, қизми?»

«Қиз. Отини Тўрғай қўямиз, дейишди. Тўлған опа, тонг маҳали туғилган, тўрғай, дейишди».

«Жуда яхши бўлибди, болам. Умрини берсин» — дедим.

Бировнинг ёруғ дунёга келганига ўзича қувониб, шу катта қувончини ҳаммага бўлишиб, хабар қилиб юрган подачи боланинг сўзи меҳримни кўзғаб юборди. Қандайдир бир мусаффо илиқлик юрагимга тўпланиб келиб,

дарвозадан кириб келаётганимда, юрсам ҳам, турсам ҳам доим дилимда турган нарсани қандай қилиб эсимдан чиқариб юборганимни билмайман: «Алиман, суюнчи! Жўрабекнинг келини туғибди. Эшитдингми? Ой-куни етиб юрганди, бечора, омон-эсон...» — деб гапириб келаётиб, Алиманни кўрганда мум тишлагандек бўлдим. Уйнинг деворига суяниб, шалпайиб турган экан. Бошини аранг чайқаб, лабларини тишлаб бўзариб турган экан. «Мен туққанда ҳеч ким бунчалик суюнчи тортиб хабар қилмайди» деган ўйга борди шекилли, ким билсин, ўзимнинг гапимдан ўзим хижолат бўлиб, юзим қизариб, нима қиларимни билмай, гапиролмай қолиб, тандирнинг ёнига ўтирдим-да, тезак қалай бошладим. Юзимнинг қизаргани тарқаганда қайрилиб қарасам, Алиман ҳали ҳам ўша бўйича бўзариб турибди. Ҳушим учиб, нима қиларимни билмай: «Бирон еринг оғрияптими?» — дедим ёнига бориб. «Йўқ, эна, ўзим шундай» — деб қўйди. «Бирон еринг оғриси, уйга кириб ётсанг-чи, қийналмай». «Қийналаётганим йўқ. Тамаки баргини ипга тизишнинг нима қийинчилиги бор, бораин» — деб жуволдизларини қўлига олиб чиқиб кетди. Шундай бўлгандан кейин энди очиғини айттайин. «Тортинма, болам, уялма. Бунинг ҳеч қандай уяти йўқ, бу ҳам ҳаётнинг ажойиб бир томони. Кимнинг қандай туғилгани ҳам гап эканми, туғилганларнинг ҳаммаси бирдек, айирмаси йўқ. Дунёга келган ҳар бир нораства ҳамма одамзоднинг боласи, демак, бу менинг ҳам болам, сен туғсанг у менга бегона бўлмайди, ўз боламдек ардоқлаб боқарман. Шуни тушунгин. Кўнглингни ёзиб хурсанд бўлиб юргин» — деб илгаридан тайёрлаб қўйган сўзларимни айттайин деган ўй билан орқасидан югуриб кўчага чиқдим. «Ҳой, Алиман, тўхтаб тур. Бу ёққа қара» — десам, эшитмаганга солиб юриб кетаверди.

«Хафа бўлди шекилли» деган ўй кун бўйи ичимни тирнади. Аёллар билан тамаки юлиб юриб ҳаммасини бир-бир ўйлаб: «Майли энди, кечқурун айттайин, бундай юришимиз яхши эмас» — деб ўзимни пишиқлаб олдим. Лекин бу ўй-хаёлларимни айтиш насиб бўлмади. Кечқурун ишдан қайтиб уйга келсам, Алиман йўқ. Ана келади, мана келади, деб ўтириб юрагимни ваҳима босди. Нима фалокат бўлди экан. Кўчага чиқиб излайин-чи, деган хаёл билан уйдан чиқиб бораётсам, экин тарафдан ўтин кўтариб Бектош келаётган экан. Бектош унда колхознинг аравагини шалдиратиб ҳайдайдиган йигит бўлиб қолган

эди. У индамай келиб, ўтинни уйнинг орқасига ташлади-да, менга жавдираб қараб қўйди. «Тўлған опа, Алиман, мени энам изламасин, деб айтиб кетди. Қайиндидаги қариндошларимникига кетдим, деди» Бўгин-бўгиним бўшашиб, бўсағага ўтирдим. «Қачон кетди?» «Боя. Тушдан кейин кўчадан бир машина ўтиб бораётган экан, ўшанга тушиб кетди». Уз ёғимга ўзим қоврилиб ўтирсам, садағанг кетай Бектош: «Кабинкасига миниб кетди, опа. Сира кўрқманг, шофери дуруст одам экан» — деб қўйди. Бектошни ўзим ҳам яхши кўрар эдим. Унга яна меҳрим ортди. «Ҳа, бечорам, одам бўлар экансан» — дедим ичимда. Бола билинмай ўсаверар экан-да, мана ҳозир эр етиб, эс-ҳушликкина, пеношаси ёруғ йигит бўлди. Кўзимга шундай кўринди. Ариқдан сув олиб келиб, Бектош эшикнинг олдига сепди. «Даҳлизни супуриб-сидириб салқин қилиб қўяйин. Онам, сизнинг чойингизни соғиниб қолдим, дейди. Ҳозир келади» — деб ўзича куйманиб самовар қўйди.

Ойшалар узоқ ўтириб чой ичиб кетишди. Уйда ётолмадим. Осмондаги чамандек юлдузлар тонг отгунча чараклаб, сўнг бирин-кетин сўнишиб, энг охири порлаб турган ёлғиз Чўлпон юлдузи қолиб, у ҳам аста-секин узоқлашиб, аллақаяёққа ғойиб бўлди.

Алиман кетгандан кейинги кунларим қурсин. Бутунлай ёлғиз қолдим. Уч-тўрт кун эплаб, ўзимни юпатиб юрдим. Кейин чидай олмадим, шартта туриб қаёққадир бош олиб чиқиб кетмоқчи ҳам бўлдим, Алиманни кўришни эсласам, эрак-бағрим баттарроқ эзилади. Агар уни туғишгачлари хушфеъллик билан кутиб олса — кўп яхши, бошида, менинг турмушимга аралашманглар, деб катта кетган эдинг, энди бизни йўқлаб келдингми, дейишса, шўрлик болам, бу хўрликка қандай чидай олар экан. Хаёлига алланималар келиб, шундай қилиб яшагандан кўра ўлсам бўлмайдим, деб ҳаётдан беизб юрмаса-да. Ёнимда бўлганда ҳеч кимга хўрлатмас эдим-а. Қандай қилиб кетиб қолди экан, бу ҳам шўрим-да. Нима бўлса ҳам борайин, ўз кўзим билан кўрайин. Борсам балки мен билан қайтиб келар. Шундай қилса экан, худо-я, шундай қилса экан. Бормайман, қоламан, деса — буни ҳам билайин, нима қилардим, розилгимни айтиб, оқ фотиҳа бериб қайтиб келардим. Кийим-кечагини ҳам олиб кетмади, уларни ҳам элтиб берайин. Келса-келмаса ҳам айтар сўзимни айтишим керак. Бурчим эмасми. Вой, кўп

кечикмай жўнайин, деб эртаси уйни-жойни Ойшага тайинлаб, йўлга чиқдим. Қайинди томонга бораётган машинани Бектош тўхтатиб берди. Шу машинага тушиб овулдан сал узайган эдим, сўқмоқ йўл билан нариги даладан пиёда юриб келаётган бир аёлни кўриб қолдим. Дарров танидим — Алиман экан! Худди ўзи, бўйгинангдан ўргилай, қайтиб келаётган экан. Шу заҳотиёқ ўрнимдан ирғиб туриб, машинани дукиллайтиб ура бошладим. «Тўхтат! Тўхтат, ҳозир мен тушаман!» — дедим. Машина бир оз юриб бориб тўхтагандан сўнг, хуржунимни олиб, шошиб ундан тушдим. Шу орада уюлган қуюқ чанг етиб келиб, кўзимга ҳеч нима кўринмай қолди. Бояги кўрганим ўнгимми, тушимми деб таажжубланиб туриб қолдим. Каттакон машинанинг орқасидан тушиб, юрагим қинидан чиқиб кетгудек бўлди-да: «Алима-ан!» — деб қаттиқ қичқирдим. Оҳ, айналайин деҳқон далам, ўзинг кўрмаганмидинг, бу воқеа ҳам ўшанда бўлмаганмиди!

— Ҳа, Тўлғаной, ўшанда, ҳу, ана шу йўлда бўлган эди. Сен: «Алиман!» деб қичқирганингда, Алиман ялт этиб қараб, сени кўриб қолди-да, сўнг: «Эна! Энажоним!» — деб сен томонга югурди. Сен ўшанда эсинг чиқиб: «Югурма, болам, югурма, айланай, йиқиласан!» — деб ёлвориб келаётиб, ўзинг йиқилиб тушиб, яна ирғиб туриб чопиб кетдинг.

— Ҳа, ҳа, худди ўшандай бўлган эди. Қандай етиб борганимни билмайман. Алиман икковимиз қучоқлашиб кўришдик. Роса соғиниб қолган эканмиз: «Келдингми, келдингми, болам, энангга қайтиб келдингми?» — десам: «Келдим, энажон, келдим. Ўзингизга қайтиб келдим» — деди. Худди шу маҳалда Алиманнинг қорнидаги боласи қўзғалиб «билқ-билқ» этиб икки-уч марта тепиб қўйди. Уни икковимиз ҳам бирдек сезиб қолдик. Алиман қорнини ушлаб оҳиста силаб менга қаради. Унинг шу кўз қараши бутун вужудимни вайрон қилиб юборди. Мен ҳам баъзан бир нимани гумон қилиб, ичимдан куйиниб юрган эканман-да! Қандайдир бир дақиқалик вақт ичида ҳаётнинг энг бир бахтли, энг бир тотли дамларини бошидан ўтказиб тургандек Алиманнинг қувноқ юзлари меҳримни ўзига тортиб, киприklarига илинган мунчоқ-мунчоқ ёш доналари юзларига юмалаб тушди. Оҳ, муқаддас эналиг-э! Гўё кўз ёшлари ҳаётдаги ҳамма азоб-уқубатларни ювиб юбораётгандек! «Кўзингдан айланайин, боқишингдан айланайин!» — деб бет-бошимни силаб,

ялиниб-ёлвориб, ҳиқиллаб йиғлаб юбордим. Шундай қилсам: «Йиғламанг, эна,— деб мени юпатди.— Кечиринг мени, кечиринг. Сизни ташлаб кетолмас эканман. Чидолмадим, кўнглим бўлмади». Кўпдан бери айтаман деб юрган гапимни энди айтайин, пайти келиб қолди: «Нима учун кетдинг, хафа бўлдингми?» — дедим. Алиман индамай туриб қолди-да: «Сўраманг, эна. Сўраб нима қиласиз, менга ҳеч нима деманг, мен ҳам сизга ҳеч нима демайин. Қийнаманг мени, энажоним, қийнаманг?» — деди.

Шундай қилиб, бу сафар ҳам айтолмадим. Яна нима учундир ҳар қачон айтар гапимни сезиб тургандек сўзлашишдан қочиб, ўзини шундай тортиб туриб олмадимки бояқиш болам. Бор гапни ўртага ташласа ўзига ҳам, менга ҳам енгилроқ бўлмасмиди. Эсингдадир, она ерим, ўша йили куз узоқ чўзилиб, сўнги кунлари серёғин бўлмадимки. Ҳаво бир очилиб, бир тутилиб, изиллаган совуқ кўп вақт уйдан чиқармай қўйди. Куз ҳавоси каби кун сайин Алиманнинг қовоғи ҳам уюлиб, гаплашмайдиган, кулмайдиган бўлиб қолди. Ўзича ташвиш тортиб ўтиргани-ўтирган. Чамамда, ой-куни ҳам яқинлашиб қолган эди. Ғамга чўкиб қолмасин, деб қўлимдан келганча эркалатиб, ҳазил-ҳузул гапириб, у қилган, бу қилган бўламан. Бироқ ёш бола бўлгандан кейин қийин экан. Менгина эмас, бошқалар ҳам бунга уриниб кўришибди. Бектош, онам тумовланиб ётиб қолди, деган эди. Ойшани кўрайин-чи, деб борсам, иситмаси чиқиб, йўталиб ётган экан. «Ўзинг-ку яримжон одам эдинг, жимгина ўтирмай, овул қидириб юрдинг» — десам, астагина жилмайиб кулиб қўйди. Бундан икки-уч куни бурун уч-тўртта аёл бўлиб Бектошнинг аравасига тушиб нариги овулга тўйга бориб келишган эди. Билсам, иш бошқача экан. «Иссиқроқ ўраниб, яхши бўлиб кетгин» — деб ўрнимдан тураётсам, Ойша: «Тўхтаб тур-чи, Тўлғаной, хафа бўлмасанг айтадиган бир оғиз гапим бор эди» — деди. «Айткин» — дедим.

«Қуйи овулга биз тўйга борганимиз йўқ, унда менинг қариндош-уруғим ҳам йўқ. Бунга ўзинг ҳам биласан. Сендан яшириб бир иш қилган эдим. Тўлғаной, кечиргин,— деди.— Ҳалиги чўпон йигитни топиб, ўртага олдик. Алиманнинг ой-куни етиб турибди, унинг увол-савобини ким кўтаради, десак, бари бир ҳеч нима чиқмади. У ўзи аёлманд экан, иккинчидан, виждонини ютиб, мен унингни



кўрган эмасман, билган эмасман, деб тониб турибди. Хотини ҳам бир шаллақи экан, сезиб қолиб, бетга чопиб, итдек шармандамизни чиқарди. Қайтиб келаётганимизда йўл бўйи ёмғир ёғиб, кечки совуқ туриб қолди. Буниси ҳам майли-я, Алиман энди нима қилади?» — деб Ойша юзини тўсиб йиғлаб юборди. «Йиғлама, мен турганда Алиман хор бўлмайди» — деб чиқиб кетдим. Бошқа нима ҳар дер эдим.

Алиманни эти-боши оғриб қолдим, деб ҳадиксираб, кейинги кунларда кўзимни узмай, унинг ёнидан сира жилмай юрдим. Бирдан эшикка чиқиб кетса ҳам, орқасидан эргашиб: «Э-э, Алиман, қаёқда юрибсан?» — деб шошиб қоламан. Тўлғоқ тутиб қолмасин, дейман-да, бўлмасам, мен шўрликнинг бошқа нима ишим ҳам бор эди.

Бир куни у иссиқ кийиниб олиб, эшикка чиқиб кетаётган эди: «Қаёққа борасан, болам?» — дедим. «Катта сувга бораман» — деди. «Э бўтам, кун бундай бўлиб турса, энтикиб қандай борасан. Уйгинада ўтирсанг-чи. Сувда нима бор дейсан. Ё ёз куни бўлмаса» — дедим. «Йўқ, бораман» — деди. «Унда мен ҳам бирга бораман, ёлғиз юбормайман» — десам, жаҳли чиқиб кетди. Кўпдан бери аччиқланиб юрганининг қусурини чиқарди: «Нима учун менга эргашиб, қадам-бақадам пойлаб қолдингиз. Нимангиз бор менда. Мени ўз ҳолимга қўйсангиз-чи. Улади дейсизми, ўлмайман, ўлмайман!» — деб эшикни тарс ёпиб чиқиб кетди. Тумшайиб ўтириб қолдим. Сўзи оғир ботди. Қаттиқ хафа бўлдим. Шундай бўлса ҳам кўнглим тинчимади. Икки-уч марта эшикка чиқиб қарадим, сувга кетган бўйича кўринмасди

Кўзга илинмаган майда ёмғир савзлаб, шамол оқ парқу булутларни ағдар-тўнтар қилиб ҳайдарди. Дов-дарахтнинг танаси, бутоқлари совуқдан қорайиб кетибди. Элнинг бари уй-уйида, ҳеч кимса йўқ, қишлоқ ичи эгасиздек жимжит. Юзларига чиммат тутгандек тоғ чўққилари ғира-шира кўриниб турарди.

Ёмон кўрса кўрсин, орқасидан борайин, тўлғоғи тутиб зах ерга ётиб қолмасин, деб томорқанинг этагига етиб борганимда Алиман кўринди. Бошини қуйи солиб оғир юриб келаётган экан. Орқамга дарров қайтиб келдим-да, чой қайнатиб, тухум солиб, қуймоқ қилдим. Сақланган олмадан танлаб, қизилларини дастурхонга қўйдим. Алиман кириб келди-да, дастурхонни кўриб, индамай кулимсиради. «Кечикиб кетдинг-ку, болам. Энди ўтириб чой ич-

гин» — дедим. «Кўнглим ҳеч нимани тортмай турибди, эна. Олмадан биттасини беринг-чи, ўшани еяйин» — деди. «Нима бўлди сенга, Алиман? Ёки бирон еринг оғри-маяптими?» — десам, лабини тишлаб: «Сўраманг, эна, кўнглим ҳеч нимани тусамай турибди. Боя сизга қаттиқ гапириб қўйдим. Мени ўз ҳолимга қўйинг» — деб қўл силтаб қўйди.

Яна кеч бўлиб, тун кириб келди. Тўшакка ётганимда, менинг сўзим ҳам унга ёқмай қолибди-ку, деб ичимдан ўксиниб, ётиб ухлаб қолибман. Бошқа вақтда узоқ тун бўйи тез-тез уйғониб, Алиман томонга қараб қўярдим. Бу кеча нима бало бўлиб ухлаб қолганимни билмай қолибман. Ухламай кўзим ўйилса-чи...

Туннинг қайси вақти эканини билмайман, бирдан уйғониб кетдим-да, Алиманга қарадим. Ўрнида йўқ. Эшикка чиқиб кетгандир, деб бир оз кутдим, яна кутдим. Йўқ. Тура солиб, Алиманнинг тўшагини ушлаб кўрдим: муздек, қачонлардир туриб кетган, дарров уни-буни кийина солиб, эшикка отилиб чиқдим. Ҳовлининг ичини айланиб қараб, кўчага чопиб чиқиб, ундан томорқа томонга ўтдим. «Алиман! Алиман!» — деб қичқирсам ҳам, ҳеч ким йўқ. Итларгина ҳуриб қўйишди. Бўғинларим бўшашиб кетди. Кетган экан-ку, энди қандай қилдим? Уйга қайтиб чопиб келиб, даҳлиздаги фонусни ёқиб, бурчак-бурчакларни қараб, энди эшикни излайин деб фонусни кўтариб ҳовлига чиққанимда, нариги саройдаги сомонхонанинг ичидан одамнинг инграган, қичқирган товуши эшитилди. Сомонхонанинг эшигини тез очиб кириб бориб, серрайиб туриб қолдим. Сомоннинг устида чалқанча тушган Алиман туға олмай қийналиб ётган экан, кўрибоқ, эсим чиқиб кетди. «Бу ниманг, вой тушмагур! Нима учун айтмадинг?» — деб қўлтиқлаб кўтарай деб оёғига қўлимни теккизганимда, билчиллаб қонга ботган чопон, кўйлақлар иссиқ бўлиб билгимга урилди. Юзлари кўкариб, кўзлари олайиб, нафас ололмай ҳиқиллаб: «Ўлдим! Ўлдим!» — деб инқиллаб ётибди. Қорнини ушлаб кўриб иш чатоқ эканини дарҳол тушундим. Худонинг ўзи сақласин, қон кўп кетиб қолибди. Ўзи ҳам анчадан бери тўлғоқ тутиб ётган экан. Бундай вақтда дўхтирдан бошқа даво йўқ, жонини олиб қолса ўша олиб қолади.

Тентираклаб кўчага чопиб чиқиб, Ойшаларнинг деразасини муштлаб юбордим: «Туринглар, вой, туринглар! Бектош, айналайин, аравангни тезда тайёрла. Алиманни

дўхтирга олиб бормасак бўлмай қолди» — деб уларни уйғотиб, қайтиб чопиб келиб, Алиманга сув ичирдим. Қалт-қалт этиб, тиши тишига тегмай, аранг ичди. Унгача тўшакда касал ётган Ойша чопиб келди. Алиманнинг афтини кўриб, бўздек оқариб, титраб: «Айланайин, Алиман, чидаб тур. Чидаб тур, худо, худо!» — деб куюнди. Уша кечаси Бектош ишдан кеч қайтиб, худо ярлақаб, отларини бостирмага боғлаб, аравасини уйга киритиб қўйган экан. Кўп ўтмай аравани ҳовлига ҳайдаб кирди. Аравага кўрпа-тўшак солиб, ёстиқ қўйиб, қоронғида тимирскиланиб уч киши бўлиб Алиманни зўрға кўтариб ётқиздик. Шу билан у-буга қарамай тез жўнайвердик.

Оҳ ўшандаги йўл азоби-ей, оҳ ўшандаги қоронғи тун-эй... Дўхтирхона у вақтда сувнинг нариги бўйида, катта қишлоқда эмасмиди. Кўприк бўлса ҳов пастда, анча йироқда эди.

Уйдан чиққанимиздан Алиманнинг тўлғоғи қайта кучайиб, беш букилиб, беш ёзилиб, устидаги ёпинчиларини ирғитиб, одам чидай олмайдиغان товуш билан чинқирарди.

— Ҳа, Тўлғаной, ўша қоронғи, изғирин тунда қиш келишини кутиб, жунжикиб, совуқдан қалтираб ётган эдим, одамнинг қаттиқ чинқирган ягона товушидан сесканиб кўзғалдим. Уша сизлар экансизлар-ку.

— Ҳа, она ерим, мен шунда нима қилишимни билмай шошиб қолдим. Бектош аравани тезроқ ҳайдаса, Алиман чидамай қичқиради, секинроқ ҳайдаса, сабр чидамасди: қон тўхтамай кетаверди, майиб бўлиб қолади-ку, деб менда жон қолмади. Шу зайлда ғилдираб боравердик. Бундай йўл бир текисроқ бўлса-чи, айланай. Алиманнинг бошини тиззамга қўйиб, бўйнидан қучоқлаб ўтирдим. Гоҳ ёпинчиларини ўнглайман, гоҳ фонусни юзига тутиб қарайман. Бектош айланайин, қайта-қайта қайрилиб: «Чидаб тур, янга, мана етамыз» — деб овутмоқчи бўлади. Муздек ёмғир савалай бошлади. Бир вақт инқиллаб қичқириб ётган Алиман, чираниб, қайта букланиб, бақириб, қичқира бошлади. «Алиман! Алиман» — деб чўғдек юзларини сийпалаб, ёриққа тутсам, жон талашган, қийналган кўзлари билан менга аянчли бир ҳолда тикилиб: «Тўхтанглар. Уляпман. Тўхтанглар» — деди. Аравани тўхтатдик. «Бошимни қаттиқроқ босинг, эна» — деб энтикиб йиғлаб гапирди. «Эна, энажоним! Ичим куйиб, ўлиб боряпман, тирик қолмайман. Хосиятингиздан айланайин

энажоним, у дунё, бу дунё розиман сиздан. Уғлингиз қаршисида мен покман, гуноҳим йўқ. Қосимнинг кўзи тирик турганда мен шундай бўлармидим... А-а-а, Қосим-эй.. Мен ҳам жони бор одам эмасманми, аёлман-да... Бу дунёнинг роҳатини кўрмай кетдим, қандай қилайин, қандай қилайин. Кечиринг, кечиринг, энажон, худо шу кўйга солди, ёмон кўрманг» Бағрим эзилиб ялиндим: «Чидаб тур, болам, чидагин, сен поксан, сенда ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Сен энг ҳалол аёлсан. Сен ўлмайсан. Чидагин, мана кўприкка етиб олдик. Энди тез етамиз, сен ўлмайсан!» Уша маҳалда Алиман яна чалқанча ётиб, кўчаниб, қорни яна сиқила бошлади. Боланинг қўли чўйқиб келаётган экан. Қон ҳали ҳам кетиб турибди. Бир оз вақт ўтса ўлиб қолишига кўзим етиб: «Бектош, қўлтиғидан юқори кўтариб, қорнини сиқ,— дедим.— Уялма, кўтар тезроқ!» Боядан бери йиғлаб ўтирган Бектош ирғиб туриб, Алиманни кўтариб, қорнини босганда, боланинг қўлидан ушлаб тортдим. Бола чиқмай ётарди. Алиман бир ёқда қичқириб жон талашиб ётса, тавба, қулоғимни тиндириб, тагин ўша эшелон: бир-бирига улашган икки паровоз олиб учган вагонлар миямни қоқ ёриб ўтиб бораётгандек туюлди... «Она-а- Алима-ан!»— деб шамол олиб қочган ҳайқиреқ товушга чақалоқнинг «Инг-га-а-» деган товуши қўшилди... Эҳ, ҳаёт-ай, нега мунча бераҳм бўлдинг, нега мунча кўр бўлдинг? Бола ҳам тушди. Алиманнинг жони ҳам чиқа бошлади. Қип-қизил этни этагимга нари-бери ўрай солиб қарасам, Бектош қўлтиғидан олиб кўтарган бўйича, Алиманнинг бир оёғи қийшайиб, қўллари саланглаб қолибди. «Вой, Алиман!» — деб томирини ушлаб кўрсам, жон йўқ, чиқиб бўбди... Ҳайқирган шамолни ёриб эшелоннинг шақ-шақ урган овози қулоғимдан ҳеч вақт кетмайди... Дунёга келган заҳоти «Инг-га-а!» деб қичқирган бола биринчи тўнғич товуши-ла ўлиб бораётган онаси билан хўшлашаётгандек йиғлар эди... Алиманнинг кўзи музлаб олайиб қолди. Нима қилишимни билмай қолдим. Бир вақтнинг ўзида бирини узатиб, бирини кутиб олдим. Бир вақтнинг ўзида бири ўлиб, бири туғилиб, кўз олдимда ажал билан ҳаётнинг тўқнашгани эсимни оғдирди. Ундан кейин ўзим ҳам нима бўлганини билмайман...

— Сизларнинг товушларингизни мен эшитдим, Тўлғаной. «Алиман! Айланайин қароғим! Кўзингни оч! Кўзингни оч!» — деб сен зор қақшаб ётдинг. Янги туғил-

ган чақалоқ кўлнинг қирғоғида ёлғиз қолган ўрдак бола-сидек бўзлаб, эмчак сўраётганга ўхшарди. Бу тонгга яқин ёмғир қорга айланиб ёға бошлагандек бўлди.

— Ҳа, кўприкка етмасданоқ орқага қайтиб келаётганимизда тонг ёришди. Бўзарган осмоннинг бети зангори тусга кириб, ғира-шира ёруғда юмшоққина оппоқ қор сепкилаб ёғиб турарди. Теварак-атрофда на биронта жон кўринар ва на биронта товуш эшитиларди. Дунё бир текисда сукунатга чўмган эди. Табиатнинг ўша ҳорғин ҳолатини бузиб, ёлғиз бизнинг арава келарди. Бектош аравада ўтирган жойида бошини қуйи солиб, йўл бўйи ҳиқиллаб йиғлаб келди. Отлар аранг босиб, ёлига, куйруғига қор ёпишиб, аравани тортолмай чарчаб, аранг келишарди. Болани чопонимга ўраб, мен араванинг ёнида пиёда келардим.

Шундай қилиб, уруш энг охириги ўчини олиб тинчиди. Уша кунги босилган йўл ҳаётимдаги энг оғир йўл бўлди. «Тфу сенинг бетингга, дунё!— дедим.— Кечдим сендан, кечдим. Яшашни истамайман! Бундай қилиб яшагандан кўра, бугуноқ ўлганим бўлсин!»— деб ниятим бузилиб, ҳаётдан безиб келавердим. Мен шундай келаётганимда, чопонимдаги бола, тирик жон-да, бир қимирлаб, бир овоз чиқариб, бир ингалаб йиғлаб келарди. Унинг танаси борган сари қалбимни иситиб, юрагимга яқинлаша борди. Ўфилми, қизми эканлигини ҳам билганим йўқ. Оббо бечора-ей, ҳадеганда онангни йўқлаб қолдинг-ку, деб ундан баттар уввос тортиб йиғладим. Уша куйгули, изтиробли йиғининг орасида қандайдир ғалати бир фикр туғилди: «Умр тап-тақир тугаб қолмабди-ку. Орқасидан кичкинагина тирик жон қолибди-ку. Ҳаёт билан яна бир марта беллашиб кўрсак қандай бўларкин?» Бир оздан кейин яна ўйладим: «Она сутини тотмаган гўдак одам бўлади дейсанми. Қанча яшай оларди дейсан» — деб гумон қилдим. Унга ҳам кўнмай: «Худо-ей, энди шу норастанинг умрини бер!»— деб тилайман. Қўйчи, шундай ҳар хил ўй-фикрлар билан олишиб оппоқ тонг отганда овулга етиб келдик. Уккининг патидек юм-юмшоқ қор учқунлари бирини бири қувишиб ҳавода айланмачоқ ўйнаб ёғиб турди. Овулга кираверишдаги ҳали янги кўча деганимиз кўзимга аллақандай совуқ, аянчли бўлиб кўринди ўшанда. Уй-жой солиб, боғ қилиб, оз-моз чорва кўпайтирамиз, кун кўрамыз деганларнинг бундан етти йил бурун бошлаган ишлари илгари босмай,

орқага кетиб, меҳнатларининг изигина қолган эди. Қўнқайган харобаларни оққурай, тиканаклар ғовлаб босиб кетганди. Қор ёғиб, уларнинг кемтик-семтигини яшириб ётарди. Қосимларнинг чарбоғига қарасам, Алиман икковининг орзу-тилакларига ўрнатилган ҳайкалдек уюлган тош тепа, аллақачон тупроққа айланиб кетган ғиштарларнинг унутилиб ётгани юрак-бағримни эзиб юборди. А-а, қароғларим, орзуларингга етмай қолдиларинг-ку, деб аравада ётган Алиманнинг афтига қарасам, юзи оппоқ бўлиб, дунёнинг ҳамма яхши, ёмонига рози бўлгандек тинчиб, кўзи юмилган. Юзига тушган қор эримай, арава қимирлаганда сидирилиб тушиб турди.

Кўчага кириб келган эканмиз... Айналайин Бектош йигитлардек аравадан сакраб тушди-да, умрида биринчи марта йиғи бошлаб: «Жигарим-эй! Жигарим-эй!» — деб бутун овулни бошига кўтариб юборди.

Ҳар тарафдан эл югуриб кела бошлади. Йи-лаб, бўзлаб етиб келган Ойша: «Болани менга бер энди» — деб олди-да, чопонига ўраб, уйига кўтариб кетди. Ораддан бир кун ўтиб Алиманни ўрнига қўйдик. Аёл киши бўлсам ҳам қабрининг бошигача ўзим бордим, келинимни ўз қўлим билан қўйдим, мангуга видолашдим. У куни ҳам қор учқунлаб турди. Уюлган қора тупроқ тезда оппоқ тепага айланди. Ўша йили кўкламда келинимнинг қабрига гул ўтқаздим. Ўшандан бери ҳар йили гул экиб ўстираман. Ёдгорлигим, эрмагим шу. Алиманим гул суйган келин эмасмиди...

Шу билан у қилиб, бу қилиб Жонбўлотни эчкининг сути билан боқиб катта қилиб олмадимми. У икковимиз кўрмаган азобнинг биттаси ҳам қолмади. Ҳайтовур, тузнасибаси бор экан, омон қолди. Мана ҳозир ўн икки ёшга кириб қолди. Айланиб келиб қариганда топганим, кўрар куним шу бўлиб қолди. Шунисига ҳам қаноат қилман, ёқамни ушлаймэн. Айтгандек, ўша пайтдаги дўхтир йигит энди катта киши бўлиб қолмадимми, ҳар сафар йўлиққанда сўраб қолади: «Қандай опа, ўғлинг катта бўлиб қолдимми?» — дейди. «Худога шукур, йигит бўлиб қолди» — дейман. Шунда у жилмайиб қараб қолади. «Шундай қил, опа, яхши одам қилиб ўстиргин» — дейди. Жонбўлот гўдаклигида қаттиқ шамоллаб, бир кун қарасам, лаблари кўкариб, кўзлари олайиб, мазаси қочиб боряпти. Эсим чиқиб, ўша ердан ола югурдим. Тун эди. Дўхтирга тезроқ етайин, деб қиш бўлса ҳам катта сув-

дан кечиб ўтмадимми. Кийим-кечагим жиққа ҳўл кириб борсам, дўхтир янгидан келган ёш бола экан, кўрқиб кетди. «Нима учун сув кечиб юрибсиз, тинчликми? Бунинг ота-онаси қаерда?» «Бунинг отаси ҳам, онаси ҳам мен. Болам, шунимни омон сақлаб қол. Бу ўлса мени тирик-лай кўмавер. Яшамайман» — дедим.

Кечаси билан ёнидан кетмай дори-дармон қилиб турди. Менга ҳам янги уст-бош, дори бериб, олдини олди, лекин эрта билан иситма босиб, қон йўталиб йиқилдим. Қалин туман ичида куйиб бораётгандек эс-ҳушимни билмай ётсам, дўхтир дам-бадам келиб, муздаккина кўли билан чаккамни ушлаб: «Опа, ўғлинг яхши бўлиб қолди. Бўшашма, бўй берма касалга!» — деб ғайратлантирди. «Ундай бўлса, ўлмайман, ўлмайман» — деб шивирлаб қўйдим. Улмай тирик қолганимга ҳам шу сабаб бўлди дейман...

— Ўғлинг йигит бўлиб қолибди, Тўлғаной. Бу йил ўроқ маҳалида шу ўртада чопиб юрган экан, Алиманга ўхшашлигидан таниб олдим.

— Ҳа, қутлуғ далам, онасига ўхшашлиги чин. Бироқ ҳеч нимани билмайди-да. Отам фронтда ўлган, дейди, онамнинг қабри бўлса овулнинг четида, деб қўяди. Бу йил ёзда бир қизиқ воқеа бўлди. Ёзги таътил кунлари эди. Қосимнинг ҳалиги бир велосипеди бор эмасмиди. У йигирма йилдан бери саройда қозиқда осиқлик турарди. Жонбўлот ўшани эшикка олиб чиқиб тузатди. Болада, қачонлар занг босиб, яроқсиз бўлиб қолган эмасмиди. Бир вақт Бектош ҳам унга ёпишиб олибди. Иккаласи тузатмоқчи бўлишди. Роса овора бўлишди. Жонбўлотни Бектош бошидан ўз боласидек кўрарди. Ҳозир учтанинг отаси, оғир, салмоқли, миқти киши бўлмадимми. Кўпдан бери комбайн ҳайдайди. Ойша бўлса — ўлган. Тенгдошимдан ажралиб шундай қаттиқ ўксидим.

Хуллас, бир кун қарасам Жонбўлотим югуриб-елиб велосипедини етаклаб қопди. «Эна, қаранг, отамнинг велосипеди қандай яхши бўлиб қолди» — деди. Юрагим аллақандай бўлиб кетди. Шунда мақтаниб: «О-о, мен ўрганиб қолдим, эна. Қараб тур ҳозир!» — деб велосипеднинг эгарига бўйи етмай бир ёқ томонига қийшайиб ёпишиб, лапанглаб, гоҳ бу ёғига оғиб, гоҳ у ёғига оғиб ҳайдаганда йиқилиб кетадими деб кўрқиб: «Туш, вой шўрим, йиқиласан!» — десам, яна қаттиқроқ ҳайдаб бориб, велосипеди билан бирга йиқилди, қаттиққина йиқил-

ди. «Ўргилай, қаёқдаги ишни бошладинг, ўласан-ку бундайда!»— деб ҳаллослаб етиб бордим. Ердан даст кўтариб, юз-бошини артдим. Шунда қарасам, нариги ёқда Бектош тек, анчайингина қараб тургандек тикилиб турибди. Индамади, мен ҳам индамадим. Бир-биримизни тушундик.

Орадан кўп ўтмай экинлар пиша бошлади, бир кун Бектош келиб: «Жонбўлотни комбайнга ёрдамчи қилиб олайн» деган эди, «Яраса ола қол»— дедим.

Айтишга айтиб қўйиб, икки кундан кейин кўнглим чидамай боламни кўргани бордим. Подада келаётган молдек димиқиб гармсел юриб турса ҳам, пишиқчилик маҳалига нима етсин! Деҳқоннинг йил бўйи тўккан терининг, қилган меҳнатининг натижаси, самараси шунда кўринмайди. Бойлиги қўлига сиғмай, мардлиги терисига сиғмай ердан топган озиқ-овқати қанча одамзодга насиб бўлади. Деҳқон оламини боқади.

Доннинг анқиган хушбўй ҳидидан, айланайин деҳқон далам, мавжланган экинларни кўриб хумордан чиқмадимми! Ҳов олис-олисларда гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай чопиб келаётган отлиққа қараганингдагина дунёнинг нақадар кенглигини билар экансан.

Жонбўлот комбайнда сомон ташиб юрган экан, мени кўра солиб: «Эна, эна! Мен бу ёқдаман» дегандек мақтаниб қичқирди. Штурвалнинг ёнида мағрурона турган Бектош бошини ирғаб қўйди.

Ариқнинг бўйида толнинг соясига ўтириб кечгача тамоша қилдим. Йўл чангитган машиналар бир-бирига уланиб буғдойни хирмонга ташиб турди.

Қош қорайганда комбайнчилар дам олгани келишди. Бектошнинг ёнида мағрурланиб келаётган Жонбўлот анчагача гапиролмай, ярмигача яланғоч бўлиб ариқдаги сувга ювинди-да, олиб келган тугунчагимни кўриб: «Эна, олма олиб келдингизми?» — деб севиниб кетди. «Олиб келдим»— десам, югуриб келиб бўйнимдан қучоқлаб ўпа бошлади. Бектош пиқиллаб кулиб юборди: «Боядан бери шундай қилсанг бўлмасмиди. Майли, бугунча эркаланиб ол энанга» — деди.

Кўчма уйнинг ёнида ўтириб чой ичдик — янгигина ёпилган иссиқ нон экан, Жонбўлот катта кишилардек нон тўғраб: «Олинг, эна» — деди. Бир бурда нон олиб тишлаганимда, Қосимнинг қўлининг ҳидидек комбайнчининг мойли қўлининг ҳиди анқиб турди. Ҳа, ҳа, худди ўшан-



дай—керосин, қуёш, сомон ҳиди келаётгандек ширин нон экан. Кўз ёшларим билан қўшиб ютиб юбордим. «Нон ўлмас экан-да!— дедим ичимда.— Ҳаёт ўлмас экан-да, меҳнат ўлмас экан-да!»

«Қўноқлаб келиб қолибсиз, опа. Ётиб кетинг бугун бизникида» — деб Бектош уйга кеткизмай қўйди. Сомон устига тўшак солиб беришди. Ўша кечаси осмонга қараб ётсам, сомон йўли янгигина тушгандек, аллаким ҳозиргина катта бир қучоқ сомон кўтариб ўтгандек, йилтиллаган майда тўпонлар шамол теккандек сочилиб, товланиб ётарди. Гўё осмони фалакда ўша сомон йўли бўйлаб тобора олислаб бораётган эшелоннинг «шақ-шук» овози юрагимни зирқиратиб, узоқ вақт эшитилиб тургандек бўлди. Темир изларга урилган ғилдираклари мени тебратгандек, кўзим илиниб, бугунги тунда дунёга яна бир деҳқон келди-ку, умрини берсин, сепган уруғи юлдузлардек ҳисобсиз бўлсин, деб сомон йўлига тикилиб ухлаб қолибман.

Гира-шира тонгда ўрнимдан туриб ишлаётганларга халақит бермайин деб овулга жўнадим.

Кўпдан бери бундай мусаффо тонгни кўрмаган эдим. Кўпдан бери тўрғайнинг бундай сайраганини эшитмаган эдим. Чеки йўқ, чегараси йўқ кўм-кўк мусаффо осмонга кўрк бўлиб, бўз тўрғай, одамнинг осмонга учиб чиққан юраги каби тиним билмай, қанот қоқиб пирпираб, бир нуқтадеккина бўлса ҳам нақадар нозик, нақадар тўлқинлантирувчи куйларни таратиб хониш қиларди. Тилгинангдан айланайин, тўрғайим. «Ана, бизнинг тўрғай сайради» деб қўярди Сувонқул. Сен ҳам ўлмас экансан, тўрғайим!

## VII

— Ў, қутлуғ далам, сенинг ҳозир дам олиб ётган пайтинг. Кеча ўроққа тушган одамларнинг овози ҳам эшитилмайди. Буғдой ташиб йўл чангитган машинлар ҳам йўқ, яқин орада комбайнлар ҳам кўринмайди, моллар ҳам тоғдан тушгани йўқ. Одамга буюрган нону насибасини ўзига буюриб, бир қарзингдан қутулгандек, ер ҳайдаш учун қўш чиққунга қадар осуда ётадиган маҳалинг. Ҳеч ким йўқ, икковимиз — сен ва мен. Кўзи ёриган аёлдек чўзилиб ётганингдан айналайин, она ерим. Мен сенга бугун бутун ҳаётимни айтиб бердим,

Бугун менинг сиғинадиган куним, бугун менинг Су-  
вонкулни, Қосимни, Майсалбекни, Жайноқни ва Алиман-  
ни эслайдиган куним. Мен уларни ўла-ўлгунча унутмай-  
ман. Ўрни келганда ҳаммасини Жонбўлотга тушунтириб  
айтиб бераман. Эси бўлса тушунар, ақли бўлса кечирар  
бизни... Лекин бошқалар-чи, қуёш остида яшаган барча  
одамзодга айтар сўзим, айтар гапим бор. Уни қандай  
айтаман, уни қандай қилиб ҳаммага айтиб чиқаман?

Эй осмонда ярқираган қуёш, ер юзида юриб сен  
айтгин!

Эй кўчиб юрувчи булутлар, ёмғир бўлиб ёғилиб,  
ҳар бир томчинг билан сен айтгин!

Ер, барча одам боласини тўйғазган ер, сен, сен айт-  
гин, жоним туташган ер.

— Йўқ, Тўлғаной, сен айтгин. Сен — Инсонсан. Сен  
ҳаммамиздан буюк, сен ҳаммамиздан улўғ бўлиб яра-  
тилган жонсан, сен айтгин, сен—Инсонсан!..

## VIII

— Кетдингми, Тўлғаной?

— Кетдим. Хайр, омон бўл, ўлмасам яна келарман.

1963 й и л .

# АЛВИДО, ГУЛСАРИ!





Эски аравани кекса бир киши ҳайдаб борарди. Саман йўрға—Гулсари ҳам жуда қари эди...

Ясси тоғ тепасига олиб чиқадиган йўл тинкани қури-тадиган даражада олис бўлиб, яйдоқ кул ранг адирларда қишда доим совуқ шамол ер ялаб изғиб юрар, ёзда эса тандирдек қизиб кетарди.

Бу довон Танабой учун жон азоби эди. У аравани секин ҳайдашни ёқтирмасди. Секин юрса юраги тарс ёрилиб кетай дерди. Ёшлик кезлари район марказига тез-тез қатнаб туришга тўғри келар, уйга қайтишида у ҳар гал отнинг бошини қўйиб юбориб, тоққа чоптириб чиқиб кетар, отни аямас, қамчи билан савалар эди. Агарда ҳамроҳлари билан бир аравада кетаётган ва бунинг устига аравага ҳўкизлар қўшилган бўлса борми, ундан ерга сакраб тушиб, индамай кийимларини олардида, яёв кетарди. Худди ҳужумга кетаётгандек жон-жаҳди билан, қаҳр-ғазаб билан юрар, адирга чиқиб боргачгина тўхтар эди. У ерда ҳарсиллаб нафас олиб, пастда имиллаб келаётган бесўнақай аравани кутиб турарди. Тез юриб чиққанидан юраги гупиллаб урар ва кўкрагида санчиқ турганини сезарди. Ҳар қалай, аравада имиллаб келганидан кўра, бу унга яхши эди.

Мархум Жўра баъзида дўстининг бундай ғалати қилиқларидан кулиб, унинг ғашига тегишни яхши кўрарди.

— Нега омадинг келмайди, биласанми, Танабой?— дер эди у.—Бесабрлигингдан. Худо ҳаққи. Сенга қолса ҳамма нарса тезроқ, дарров ҳал бўлса. Жаҳон революцияси ҳам бирдан амалга ошса! Революция-ку майли-я, Александровкадан адирга олиб чиқадиган оддий йўлга ҳам сабринг чидамайди. Ҳамма одамлар аравада хотиржамгина ўтириб боришади-ю, сен бўлсанг сакраб тушиб, худди орқангдан бўрилар қуваётгандек тоққа қараб югурасан. Хўш, нима фойда кўрасан? Ҳеч нарса. Бари бир тепада ўтириб олиб, бошқаларни кутасан. Жаҳон революциясига ҳам бир ўзинг кириб бормайсан, билиб қўй, бошқаларнинг ҳам етиб олишларини кутасан.

Аммо бу бир замонлардаги, ўтмишдаги гаплар эди.

Танабой бу гал Александровкадаги баландликка қандай чиқиб олганлигини сезмай ҳам қолди. Қарилликка, демак, кўникиб қолибди. Аравани тез ҳам, секин ҳам ҳайдагани йўқ. Отни ўз ҳолига қўйиб берди. Энди у доим йўлга ёлғиз чиқарди. Ўттизинчи йилларда бу йўлларда у билан бирга шовқин солиб юрган бир тўда ёшларни энди қидириб ҳам топа олмайсан. Баъзилари урушда ҳалок бўлган, баъзилари ўлган, баъзилари эса овулда, лекин уларнинг ҳам кунлари саноғлик қолганди. Ёшлар эса машинада юришади. Ориқ, қирчанғи от қўшилган аравада у билан бирга юришармиди.

Эски йўлда ғилдираклар ғижирлаб борарди. Йўл узоқ, олдинда чўл ястаниб ётарди, каналнинг нарёғида эса тоғ этаги бўйлаб яна анчагина юриш керак бўларди.

У отининг бўшашиб, мажолсизланиб бораётганлигини аллақачон сеза бошлаганди. Лекин ўзининг оғир хаёллари билан бўлиб, бунга унчалик эътибор бермасди. Отнинг йўлда толиқиб қолишидан ташвишланиб ўтирадимми? Ундан баттарлари бўлган. Манзилгача етказди, амаллаб судраб олиб боради...

Ранги сап-сарик бўлгани учун Гулсари деб ном олган қари йўрғасининг умрида сўнги марта Александровка баландлигига кўтарилаётганлигини ва у ҳозир ўз йўлининг охириг қажиримларини босиб ўтаётганлигини бу қаёқдан билсин. Отнинг боши бангидевона ўтини егандек гир айланаётганлигини, унинг хира кўзлари ўнгида ер рангли ҳалқалар сингари сузиб ўтаётганлигини ва қийшайиб гоҳ у, гоҳ бу томони билан уфқа таянаётга-

нини, Гулсарига, йўл бирдан қоп-қоронғи бўшлиққа тушиб кетиб, олдиндаги тоғлар ўрнида қизғиш туман ёки тутун сузаётгандек туюлаётганлигини Танабой қаёқдан билсин.

Отнинг аллақачон зўриқиб қолган юраги зирқираб оғрирди, хомутда нафас олиш тобора оғирлашиб борарди. Бир ёнбошга сирғалиб кетган эгар-жабдуқ белига қаттиқ ботар, чап томонда бўйинча остида аллақандай учли нарса елкасига муттасил қадалиб санчилаётгандек эди. Эҳтимол, бу тиканак ёки хомутнинг кигиз бўйинчасидан чиқиб қолган михнинг учидир. Елкасидаги қадоқ бўлиб кетган эски яғир ўрнида очилган яра чидаб бўлмас даражада зирқираб оғрир, ачишар эди. У худди нам шудгордан кетаётгандек, оёқлари ҳам борган сари оғирлашиб борарди.

Аммо шундай бўлса ҳам қари от сўнги кучларини тўплаб юриб борарди, кекса Танабой эса аҳён-аҳёнда унга «чуҳ-чуҳ»лаб, жиловини тортиб-тортиб кўяр ва хаёл суришда давом этарди. Унинг ўйлари кўп эди.

Ғилдираклар эски йўлдан ғижирлаб борарди. Гулсари илк бор оёққа туриб, онаси — ёлдор катта бия ортидан ўтлоқ бўйлаб кўрқа-писа йўртиб кетганидан буён бирон марта ҳам адашмаган ўша йўрға қадам билан ҳамон бир маромда юриб борарди.

Гулсари туғма йўрға эди ва ана шу донғи чиққан йўрғаси туфайли Танабойнинг бошига умрида кўп яхши ва ёмон кунлар тушганди. Илгари Гулсарини аравага қўшиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди, уни аравага қўшиш кўрнамаклик эди. Лекин от бошига иш тушса, сувлуғи билан сув ичар, эр бошига иш тушса, этиги билан сув кечар, деганларича бор экан.

Лекин буларнинг ҳаммаси эндиликда орқада қолиб кетган гаплар эди, албатта. Ҳозир йўрға бор кучини сарф қилиб, ўзининг сўнги маррасига интиларди. У ҳеч қачон манзилга бунчалик секин бормаган, ҳеч қачон унга бунчалик тез яқинлашмаган эди.

Ғилдираклар эски йўлдан ғижирлаб борарди.

Туёқлари остидаги қаттиқ ернинг омонатлигини ҳис этиш отнинг сўниқ хотирасида узоқ ўтмишидаги ўша ёз кунларини, тоғлардаги ўша шабнамли юмшоқ ўтлоқларни, осмонда чарақлаб ва тоғу тошни орқада қолдириб кетаётган қуёшни, у тентак эса то уюрбоши айғир ғазабдан қулоқларини динг қилиб уни қувлаб етиб олиб, орқасига

қайтармагунича дарё ва ўтлоқларни, бутазорларни кесиб ўтиб, қуёш ортидан қувиб кетган ўша ажойиб ва ғаройиб дамларни ғира-шира жонлантирди. Энди узоқ ўтмишга айланган ўша пайтларда йилқилар худди кўл тубида оёқларини осмонга қилиб юргандек, унинг онаси—ёлдор катта бия эса гўё илиққина сутли булутга айлангандек туюлар эди. У онасининг бирдан меҳрибонлик билан пишқирувчи булутга айланиб қоладиган шундай дамларни хуш кўрарди. Унинг эмчаклари таранглашиб, лаззатли бўлиб кетар, лабларида сут кўпикланар, у бўлса сутнинг мўллиги ва ширинлигидан энтикиб қолар эди. У улкан ёлдор онасининг қорнига тумшуғини қадаб туришни яхши кўрарди. Нақадар лаззатли, маст қиладиган сут эди бу! Бутун олам — қуёш, ер онаси бир қултум сутга жойлашгандек эди. Тўйиб эмиб бўлганидан кейин ҳам яна бир қултум, яна ва яна эмиш мумкин бўларди...

Афсус, бундай дамлар узоққа чўзилмади. Орадан кўп ўтмай ҳамма нарса ўзгариб кетди. Кўкдаги қуёш чарақламай, тоғдан тоққа сакрамай қўйди, энди кун шарқдан чиқиб, ғарбга томон оғишмай борарди, йилқилар эса оёқларини осмонга қилиб юрмайдиган бўлиб қолишганди, пайҳон бўлган сизот ўтлоқ уларнинг туёқлари остида чапиллар ва қорайиб борар, қирғоқлардаги тошлар қарсиллар, ёриларди. Улкан ёлдор бия меҳри қаттиқ она бўлиб чиқди, тойчоғи ҳаддан ортиқ безор қилганида унинг ёлидан қаттиқ тишлаб оларди. Энди сут етишмас, ўтлаш керак эди. Узоқ йиллар чўзилган, ҳозир охирлаб бораётган ҳаёт бошланган эди.

Абадий йўқолган ўша ёз йўрғанинг шу ўтган узоқ умри давомида ҳеч қачон такрорланмади. У эгарланган ҳолда ҳар хил йўлларни босиб ўтди, уни ҳар хил чавандозлар минди, лекин ҳамон йўлларнинг охири кўринмасди. Фақат эндигина — қуёш яна ўз ўрнидан кўзғалгач, ер эса оёқлари остида чайқалаётган, кўзлари жимирлаб, хиралаша бошлагандагина, шунча йиллардан бери қайтиб келмаган ўша ёз яна унинг кўзига кўриниб кетди. Ҳозир унинг кўз ўнгида ўша тоғлар, ўша сизот ўтлоқлар, ўша йилқилар, ўша ёлдор катта бия милтиллаб, ғира-шира намоён бўлди. У дўғадан, хомут ва шотидан қутулиб олиб, тўсатдан пайдо бўлган ўтмишга қадам қўйиш учун кучи борича толпинар, жон-жаҳди билан депсинарди. Лекин алдамчи сароб ҳар гал узоқлашиб кетар, бу унга жуда алам қиларди. Онаси уни қулунлик пайтидагидек



секин кишнаб чақирар, йилқилар биқинлари билан туртиб, думлари билан уриб ўтар, унинг эса шамолга бардош беришга кучи етмасди — шамол тобора кучаяр, уни савалар, кўзлари ва бурун катаklarини қор билан тўлдирар, у қора терга ботиб, совуқдан қалтирар, эришиб бўлмас ўша олам эса изғирин қуюнлар ичида унсиз кўмилиб, йўқ бўлиб кетмоқда эди. Мана энди тоғлар ҳам, ўтлоқлар ҳам, дарё ҳам ғойиб бўлди, йилқилар қочиб кетди, фақат онаси — ёлдор катта биянинг шарпаси олдинда ғира-шира кўриниб турибди. У боласини танҳо ташлаб кетишни хоҳламасди; уни олдига чорларди; Гулсари фарёд чекиб кишнаб юборди, аммо ўз овозини ўзи эшитмади. Ҳамма нарса ғойиб бўлди, изғирин ҳам тинди. Филдираклар ғижирламай қўйди. Хомут остидаги яранинг ачишгани ҳам сезилмай қолди.

Йўрға тўхтади, гандираклар қолди. Унинг кўзлари ачишар, калласи тинмай ғувилларди.

Танабой жиловни араванинг бош томонига ташлади, бесўнақай тушди, увушиб қолган оёқларининг чигилини ёзди ва қовоғини солиб отнинг олдига келди.

— Ҳаҳ, ҳаром ўлмагур! — деб секин сўкинди у йўрғасига қараб.

От озиб кетган узун бўйинини чўзиб, каттакон калласини хомутдан осилтириб олганди. Йўрғанинг қовурғалари эски-тускилар ёпилган, ич-ичига кириб кетган биқинларини туртиб кўтарилиб-тушиб турарди. Қачонлардир сап-сарик тилла ранг бўлган от энди тер ва чангдан қўнғир тусга кирган эди. Ним кўкиш тер томчилари мағзавадек из қолдириб, қоқ суяк сағрисидан қорнига, оёқларига, туёқларига оқиб тушарди.

— Қаттиқ ҳайдамовдим шекилли, — деб тўнғиллади Танабой ва шошиб-пишиб айилни бўшатди, сувлуғини чиқарди. Сувлуқ иссиқ, ёпишқоқ сўлакка буланганди. Пўстинининг енги билан йўрғанинг тумшугини ва бўйинини артиб қўйди. Кейин қолган-қутган пичанларни йиғиш учун араванинг ёнига ўтди, супуриб-сидириб ярим кучоқ тўплаб, отнинг олдига ташлади. Лекин у пичанга қайрилиб ҳам қарамади, дир-дир титрарди.

Танабой йўрғага бир тутам пичан тутди.

— Ма, ол, е, сенга нима бўлди?

Йўрғанинг лаблари қимирлади, лекин пичандан илинтира олмади. Танабой унинг кўзларига қаради-ю, қош-қовоғи солиниб кетди. У отнинг ич-ичига чўкиб кетган, ярим

очиқ кўзларида ҳеч нарса кўрмади. Улар ташландиқ уйнинг деразалари каби хира ва маъносиз эди.

Танабой саросимага тушиб, у ёқ-бу ёққа қаради: узоқда — тоғлар, атроф бийдай чўл, йўлда ҳеч ким кўринмасди. Йилнинг бу фаслида йўловчилар бу ерда камдан-кам учрарди.

Қари от ва кекса одам кимсасиз йўлда якка-ёлғиз туришарди.

Февраль ойининг охирлари эди. Ялангликлардаги қорлар эриб кетганди, фақат жарликлар ва қамиш босган сойликлардаги қишнинг яширин уяларидагина сўнги қор уюмлари ҳали сақланиб қолганди. Шамол эски қорнинг нимхуш ҳидини учириб келтирарди, ер ҳали ҳам музлаб ётар, жонсиз эди. Қиш охирларида тошлоқ дашт ғамгин ҳувиллаб ётарди. Унга бир қарашдаёқ Танабойнинг ичи музлаб кетди.

У кўкиш чўққи соқолини диккайтириб, пўстинининг ёғ босган енги остидан ғарб томонга узоқ қараб қолди. Қуёш ернинг бир чеккасида, булутлар орасида осилиб турарди. Унинг хира шафақ нури уфққа тарала бошлаганди. Ҳавонинг айнашидан дарак берадиган ҳеч қандай белги сезилмас, шундай бўлса-да, кун совуқ ва ваҳимали эди.

«Билганимда, яхшиси—йўлга чиқмаган бўлардим,—деб афсусланарди Танабой.—Энди эса на у ёққа, на бу ёққа юра оламан, тап-тақир даланинг ўртасида қолиб кетдим. Отни ҳам беҳудага нобуд қиламан».

Яхшиси, эрталаб йўлга чиқиш керак эди. Кундузи йўлда бир нарса бўлиб қолса ҳам, ҳар қалай, бирон йўловчи дуч келиб қолиши мумкин эди. У бўлса тушдан кейин йўлга чиқди. Бундай бемаҳалда йўлга отланиш мумкинми ахир?

Танабой, орқадан ёки қарши томондан бирон машина кўриниб қолмасмикин, деб дўнгликка чиқиб, атрофга боқди. Аммо на у, на бу тарафдан на бир нарса кўринар, на бир шарпа эшитиларди. У орқага, арава турган ерга қайтди.

«Бекорга йўлга чиқибман» деб ўйлади Танабой яна шошқалоқлиги учун қайта-қайта ўзини койиб. У алам қилганидан ўзидан ҳам, ўғлининг уйдан тезроқ жўнаб кетишга мажбур этган ҳамма нарсадан ҳам аччиқланарди. Тунаб қолиши, отига дам бериши керак эди, албатта. У бўлса!..

Танабой жаҳл билан қўл силтади. «Йўқ, бари бир қолмасдим. Яёв бўлса ҳам кетардим,— деб ўзини оқларди у.—Қайин отага шунақа гапларни гапириш мумкинми ахир? Ҳар қалай, мен отаман-ку, сени қара-ю... «Бутун умрингизни чўпонлигу йилқичилик қилиб ўтказар экансиз, партияга кириб нима қилардингиз, мана қариганингизда ҳайдашди» дейди-я. Ўғлимгаям балли-е. Миқ этмайди-я, хотинининг юзига қарагани қўрқади. Агар хотини унга, отангдан кеч деса, йўқ демайди. Латта, тағин у бошлиқ бўлиб кўтарилишга уриниб юрибди. Э, гапиришдан нима фойда! Ҳозир илгариги одамлар эмас, бошқача бўлиб кетишган!»

Танабой қизиб кетди, кўйлагининг ёқасини ечиб юборди ва оғир-оғир нафас олиб, арава атрофида юра бошлади. У отни ҳам, йўлни ҳам, тун кириб келаётганини ҳам унутган эди. У ўзини босолмасди. У ерда—ўғлининг уйида келини билан ади-бади қилиб ўтиришни эп кўрмади, ўзини босди. Энди эса бирдан қайнаб-тошиб кетди, ҳозир у бўлганида, йўл бўйи алам билан ўйлаб келган гапларининг ҳаммасини шартта юзига айтарди: «Мени партияга қабул қилган сен эмассан, чиқарган ҳам сен эмассан, ўша вақтда нима бўлганлигини сен қаёқдан билардинг, келин пошша. Ушанда бўлиб ўтган нарсалар ҳақида ҳозир фикр юритиш осон. Энди ҳамма саводли бўлиб кетган. Ҳамманинг иззат-ҳурмати ўз жойида. Биздан эса талаб қилишарди, ҳа, шунақанги талаб қилишардики, отанг учун, онанг учун, дўстинг ва душманинг учун, ўзинг учун, қўшнингнинг ити учун, оламдаги жамики ҳамма нарса учун жавобгар эдик. Мени партиядан ўчирганлари билан эса —сенинг ишинг бўлмасин! Бу, менинг дардим, келин пошша. Бу билан сенинг ишинг бўлмасин!..»

— Бу билан сенинг ишинг бўлмасин!— овоз чиқариб такрорлашда давом этди у араванинг олдидан нари кетмай.—Ишинг бўлмасин!—деб такрорлади у яна. Энг алам қилгани, хўрлигини келтиргани шу эдики, у «ишинг бўлмасин!» дейишдан бўлак гап тополмасди.

Бирон чорасини топиш кераклиги эсига тушмагунча, у арава атрофида юраверди. Ахир, бу ерда тунаб қолиб бўлмайди-ку.

Гулсари аравага қўшиқлигича аввалгидек жимгина, ҳамма нарсаларга бепарво, букчайиб, оёқларини бир жойга тўплаб, гўё қотиб қолгандек турарди.

— Сенга нима бўлди?—деди Танабой ва илдам отнинг олдига келди ва унинг чўзиб, секин ингараганини эшитди.—Мудраб қолдингми? Касалмисан, қария? Аҳволинг чатоқми?—у шошиб-пишиб йўрғанинг муздек қулоқларини ушлаб кўрди, ёллари тагига қўлини суқди, бўйни ҳам совуқ ва нам эди. Аммо уни ҳаммасидан ҳам ёлларининг илгаригидек вазмин эмаслиги кўрқитиб юборди. «Жуда қарибди, ёли соб бўлибди, пардек енгил. Ҳаммамиз ҳам қарияпмиз, ҳаммамиз ҳам ўламиз»—деб ўйлади у изтироб билан. Нима қилишини билмай, боши қотиб ўрнидан турди. Агар от билан аравани ташлаб яёв кетса, ярим кечада уйига, дарадаги қоровулхонасига етиб олиши мумкин. У ердаги базада хотини билан турар, дарёдан бир ярим километр юқорида ўрнашиб олган сув хўжалиги қоровулига қўшни эди. Танабой ёзда пичан ўримига, қишда эса чўпонлар пичанни талон-торож қилмасин, муддатидан олдин исроф этишмасин, деб ғарамларга кўз-қулоқ бўлиб турарди.

Ўтган кузда бир иш билан идорага келган эди, янги биргадир—бу ерга бошқа жойдан келган ёш агроном унга:

— Оқсоқол, бир ров отхонага ўтинг, биз у ерда сизга бошқа от танлаб қўйдик. Қарироғу, лекин сизнинг ишингизга ярайверади,—деди.

— Қайси отни?—деб сергакланди Танабой.—Яна бирон қирчанғиними?

— Ўша ерда кўрсатишади сизга. Саман от. Билсангиз керак, айтишларича, бир маҳаллар уни минган экансиз.

Танабой отхонага йўл олди ва қўрада турган йўрғани кўриши билан юраги ачишиб кетди. «Мана, яна учрашдик» деди у ичида, ҳадеб минилавериб, ниҳоят ҳолдан тойган қари отга қараб. Лекин «керакмас» дейишга кўнгли бўлмади. Отни етаклаб кетди.

Уйда хотини йўрғани зўрға таниди.

— Танабой, наҳотки бу ўша Гулсари бўлса?—деб ҳайрон қолди у.

— Ўша, ўшанинг ўзи. Нима қипти?—деб тўнғиллади у хотинининг кўзига қарамасликка тиришиб.

Йўрға билан боғлиқ бўлган хотираларни эслаб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди уларга. Танабойнинг ёшлигида қилган гуноҳи бор эди, ҳа. Гап ўзига ёқмайдиган мавзуга ўтиб кетишидан қочиб, у хотинига дағал гапирди:

— Нима қилиб турибсан, ейишга бир нарса тайёрла-санг-чи. Итдек очман.

— Ҳозир отга қараб туриб, қариликнинг нималигини ўйлаб қолдим,— деб жавоб берди хотини унга.— Агар сиз менга бу ўша Гулсари эканлигини айтмаганингизда, танимаган ҳам бўлардим.

— Нимасига ҳайрон қоласан бунинг. Биз иккимизнинг аҳволимиз бундан яхшироқдир деб ўйлайсанми! Ҳам-ма нарсанинг ҳам ўз вақти-соати бор.

— Мен ҳам шунга айтяпман-да,— деб ўйчан бош чай-қади хотини ва оқ кўнгиллик билан кулимсираб ҳазил қил-ди:— Эҳтимол, сиз яна йўргангизда тунлари дайдиб юрарсиз? Майли, энди рухсат бераман.

— Қайда!..

Танабой ўнғайсизланиб қўл силтади ва хотинига терс ўгирилиб олди. Ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарса бў-ларди-ю, бироқ уялганидан оғил устига пичан олгани чи-қиб кетди. У ерда анча вақтгача ивирсиб юрди. Хотиним ўтган воқеаларни унутиб юборган, деб ўйлаб юрарди. Унутмаган экан.

Мўридан тутун кўтариларди, хотини совиб қолган овқатни иситарди. У бўлса то хотини эшикдан туриб қич-қирмагунча ивирсиб, пичан билан овора бўлиб юрди.

— Тушинг, бўлмаса, овқат яна совиб қолади.

Хотини ўтган ишни бошқа эсламади, эслашнинг нима ҳам ҳожати бор эди?..

Бутун куз ва қиш бўйи Танабой йўргани парвариш қилди, илитилган кепак терт, майдаланган лавлаги билан боқди. Гулсарининг тишлари тушиб бўлай деган, фақат битта-яримтаси қолган эди. Отни энди оёққа турғиздим, деб ўйловди, аммо бунисига даво борми. Энди уни нима қилиши керак?

Йўқ, отни йўлнинг қоқ ўртасида ташлаб кетишга унинг кўзи қиймасди.

— Хўш, Гулсари, шундай тураверамизми?—Танабой йўрғачи кўли билан итарган эди, у тебраниб оёқлари ча-лишиб кетди.—Қани, тўхтаб тур-чи, мен ҳозир..

У келининикига картошка олиб келган бўш қопни қам-чи сопи билан аравадан кўтарди-да, ундан тугунча чиқар-ди. Хотини йўлга нон ёпиб бергани, эсидан чиқариб юборибди, овқатни ўйлайдиган вақт эмасди. Танабой ноннинг ярмини синдирди, уни майдалаб пешматининг этагига солди-да, отга тутди. Гулсари пишқириб нафас

олиб нонни ҳидлади, лекин уни ея олмади. Шунда Танабой унга кафтида егиза бошлади. Оғзига бир неча бўлагини тикди, от чайнай бошлади.

— Е, балки етиб олармиз, а?—Танабойнинг дили ёришгандек бўлди.—Эҳтимол, бир амаллаб, аста-секин етиб олармиз, а? У ёғига ташвишланмасанг ҳам бўлади. Уйда кампир иккаламиз сени парвариш қилиб оёққа турғазиб оламиз,— дерди у отига. Отнинг эса лабларидан сўлак оқар ва бунинг титроқ қўлларига тушиб, сўлагининг илий бораётганидан чолни қувонтирар эди.

Кейин у йўрғанинг жиловидан ушлади.

— Қани, кетдик! Туришдан фойда йўқ! Кетдик!—деб буюрди у қатъий.

Йўрға жойидан кўзғалди, арава ғижирлади, ғилдираклар йўл бўйлаб тарақлаб секин юриб кетди. Улар—чол билан қари от аста-секин кетишарди.

«Ҳолдан тойибди,—деб ўйларди Танабой йўл четидан одимлаб бора туриб.—Нечага кирдинг, Гулсари? Йигирма, ёки ундан ҳам ортиқдир. Ортиқроқ бўлса керак...»

## II

Улар биринчи марта урушдан кейин учрашган эдилар.

Ефрейтор Танабой Бекасов Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам бўлган, Квантун армияси таслим бўлганидан сўнг, армиядан қайтиб келган эди. У солдат йўлларига ҳаммаси бўлиб деярли олти йил юрди. Унга ҳеч нарса қилмади, худо асради, бир марта обозда контузия бўлди, иккинчи марта снаряд парчаси билан кўкрагидан яраланди, икки ойча госпиталда ётиб чиққач, яна ўз қисмига етиб олди.

Уйга қайтаётганида эса станциялардаги бозорчи аёллар уни чол деб аташди. Бу кўпроқ ҳазил эди, албатта. Танабой улардан унча хафа ҳам бўлмасди. У ёш эмасди, албатта, лекин қари ҳам эмасди, кўринишдангина гўё қарига ўхшарди, уруш давомида қорайиб куйиб кетди, мўйловига оқ оралай бошлади. Аммо жисми ва руҳи ҳали бақувват эди. Бир йилдан сўнг хотини қиз кўрди, кейин эса иккинчисини туғди. Ҳозир иккаласи ҳам эрга чиққан, болалари бор. Ёзда тез-тез келиб туришади. Катта қизининг эри—шофер. У, хотин бола-чақасини кузовга ўтқизади-да, тоққа, чол-кампирларнинг олдига ҳайдайди. Йўқ,

чолу кампир қизлари ва куёвларидан хафа эмас, лекин ўғилдан ёлчимадилар. Аммо бу бўлак масала...

Ушанда, ғалабадан кейин йўлда келаётганида чинакам ҳаёт энди бошланаётгандек туюлган эди. Кўнгли бирам шод эдики, асти қўяверинг. Катта станцияларда эшелонни духовой оркестр билан кутиб олишар, кузатиб қўйишар эди. Уйда хотини кутар эди, ўғилчаси саккизга қадам қўйган, мактабга бориш тараддудида эди. Танабой худди дунёга қайта келгандек, худди шу маҳалгача бўлиб ўтган ҳамма нарса гўё ҳозир ҳисобмасдек, ғалати бир ҳис-туйғу билан қайтаётганди. У ҳамма нарсани унутгиси, фақат келажак ҳақида ўйлагиси келарди. Истикболи ҳам хаёлида аниқ ва расмана бўлиб кўринарди: яшаш, болаларни ўстириш, хўжаликни тиклаш, уй қуриш, хуллас, яшаш керак эди. Бунга энди халақит берадиган ҳеч нарса бўлмаслиги зарур, чунки бутун ўтмиш гаровга қўйилган, чинакам ҳаёт, ниҳоят, энди бошланиб келяпти, ўтган шунча йиллар давомида одамлар ана шу ҳаётга интилишган эди, азбаройи ана шу ҳаёт учун одамлар урушда ғалаба қозонишди, қурбонлар беришди.

Аммо, маълум бўлишича, Танабой шошилган, ортиқча шошилган экан; келажакнинг гарови учун яна йиллар ва йилларни бериш керак экан.

Дастлаб у темирчилик устахонасида босқончи бўлиб ишлади. Қачонлардир бу ишнинг ҳадисини олган эди, сандон ёнида туриб эрталабдан кечгача қулочкашлаб шундай болға урардики, темирчи қиздирилган темир парчасини болға остида ағдариб туришга зўрға улгурарди. Ҳозир ҳам барча кулфат ва ташвишларга барҳам берадиган темирчи дўконидаги ўша тақа-туқ, жаранг-журунлар унга гоҳо эшитилаётгандек бўларди. Нон, кийим-кечак етишмасди, аёллар сарпойчанг калиш кийиб юришарди, болалар қанд нималигини билишмасди, колхоз қарзга ботган, банкадаги счётлар хатланган эди, у бўлса болға уриш билан буларнинг ҳаммасини унутмоқчидек бўларди. У болғани гурсиллатиб урар, сандон жаранглар, учкунлар кўк томчилар каби сачрар эди. «Ҳуҳ-ҳа, ҳуҳ-ҳа!»—деб нафас оларди у болғани кўтариб туширар экан ва: «Ҳамма иш ўнгланиб кетади, энг муҳими — биз ғалаба қилдик, ҳа, ғалаба қилдик!» деб ўйларди. Болға эса «ғалаба қилдик, ғалаба қилдик!» дегандек, дук, дук, дук тушарди. Фақат угина эмас, ўша кунлари ҳамма худди нондек азиз ғалаба нафаси билан яшар эди.

Кейин эса Танабой йилқичиликка ўтди, тоққа чиқиб кетди. Жўра уни шу ишга кўндирди. Раҳматлик Жўра ўша пайтда колхоз раиси эди, у бутун уруш давомида раислик қилди. Хаста юраги туфайли уни армияга олишмади. У фронт орқасида қолган бўлса-да, жуда қариб кетган эди, Танабой қайтганида буни дарров пайқади.

Темирчиликни ташлаб, йилқичи бўлишига эҳтимол уни бошқа одам кўндира олмасди. Аммо Жўра унинг эски дўсти эди. Улар бир вақтлар комсомол эди, колхозга киришга биргаликда ташвиқот қилишган, биргаликда қулоқларни тугатишган эди. Айниқса у, Танабой, ўша пайтлар ғайрат кўрсатганди. У қулоқлар рўйхатига тушганларни аямасди.

Жўра унинг олдига—темирчилик дўконига келиб, уни янги ишга ўтишга кўндирганди ва кўндира олганидан, чамаси, жуда мамнун бўлганди.

— Мен бўлсам, сен болғани қўлдан ташламассан, ундан сени ажрата олмасман, деб ўйловдим,—деган эди у кулимсираб.

Жўра касал эди, озиб кетган, бўйни чўзилиб, чўкиб кетган ёноқларини ажин босган эди. Ҳали кунлар илиқ эди, аммо Жўранинг фуфайкаси ёзда ҳам устидан тушмасди.

Улар темирчилик дўкони яқинидаги ариқ бўйида чўққайиб ўтириб олиб суҳбатлашишарди. Жўранинг ёшлиги Танабойнинг эсига тушиб кетди. Уша даврда у овулда энг саводхон, келишган йигит эди. Одамлар уни вазминлиги, хуштабиатлиги учун ҳурмат қилишарди. Танабойга эса унинг кўнгилчанлиги ёқмасди. Мажлисларда у баъзан ўрнидан сакраб турарди-да, душман билан синфий курашда йўл қўйиб бўлмайдиган бўшанглиги учун Жўрани роса саваларди. Унинг сўзлари худди газета сўзларидек шиддатли эди. Овоз чиқариб газета ўқиш пайтларида нимаики эшитган бўлса, ҳаммасини ёдаки такрорларди. Баъзан ўзининг сўзларидан ўзи даҳшатга тушиб кетарди. Лекин жуда зўр нутқ чиқарди.

— Билсанг, сешанба куни мен тоғда эдим,— деди Жўра.—Чоллар, ҳамма солдатлар ҳам қайтиб келишдими, деб сўрашди. Ҳа, тирик қолганларнинг ҳаммаси, дедим. «Қачон иш бошлашмоқчи?» дейишди. Ишни бошлаган, бири далада, бири қурилишда, бошқалари яна бўлак ерларда, деб жавоб бердим. «Буни биз ҳам биламиз. Йилқиларга ким қараши керак? Бизнинг ўлишимизни



кутишмоқчими, бир оёғимиз тўрда бўлса, бир оёғимиз гўрда-ку»— деб қолишди. Жуда уялиб кетдим. Тушун-япсанми муддаоларини? Биз бу чолларни уруш йиллари тоғларга йилқичиликка юборгандик. Шундан бери улар ўша ёқда. Сенга айтиб ўтиришимнинг ҳожати йўқ, чолларнинг иши эмас бу. Доим эгардасан, на кундузи, на кечаси ҳаловат бор. Қиш кечаларини айтмайсанми! Дарвешбой эсингдами, у эгарда ўтирганича музлаб тараша бўлиб қолганди. Улар отларни юришга, минишга ҳам ўргатишарди-да — армияга керак эди бу отлар. Етмиш ёшингда тоғу даштларда у ёқдан-бу ёққа кезиб кўргин-а. Таъзирингни ейсан. Шунча чидаб берганлари учун раҳмат уларга. Фронтчилар, мана, қайтишди, аммо бурунларини жийришяпти, маданиятли бўлиб кетишибди, энди йилқичиликни ёқтирмай қолишибди. Тоғларда сарсон-саргардон бўлиб нима қиламан эмиш. Аҳвол мана шундай. Ўзинг ёрдам бер, Танабой. Сен борсанг, бошқаларни ҳам мажбур қиламиз.

— Хўп яхши, хотиним билан гаплашиб кўрай,— деб жавоб берди Танабой. Ўзи эса: «Не кунларни бошимиздан ўтказмадик, сен бўлсанг, Жўра, ҳали ҳам боягидексан. Кўнгилчанлигинг туфайли адоий тамом бўляпсан. Эҳтимол, бу ҳам яхшидир. Урушда нималарни кўрмадик ахир, ҳаммамиз ҳам кўнгилчанроқ бўлсак яхши бўларди. Балки, ҳаётда энг тўғриси ҳам шудир?» деб ўйларди.

Улар гапни бир жойга қўйиб ажралишди. Танабой ўз дўкони томон йўл олди. Лекин Жўра уни бирдан чақириб қолди:

— Танабой, тўхта!— Жўра отда бунинг олдига келди ва эгар қошига энгашиб, Танабойнинг юзига тикилди:— Сен хафа бўлмадингми?—деб сўради у секингина.—Биласанми, ҳеч вақт топа олмаяпман-да. Илгариги пайтлардагидек дилкашлик қилгим келади. Неча йил кўришмадик. Уруш тамом бўлса, енгилроқ бўлар, деб ўйлагандим, ташвиш камаймаяпти. Баъзан ҳар хил фикрлар бошингга келиб, мижжа қоқмай чиқасан. Хўжаликни юксалтириш, халқни тўйдириш ва ҳамма планларни бажариш керак. Одамлар ҳам аввалги одамлар эмас, яхшироқ яшашни хоҳлашади...

Аммо дилкашлик қилиб суҳбатлашиб ўтириш уларга насиб бўлмади, холи ўтиришга фурсат ҳам топиша олмади. Вақт ўтиб борарди, кейинчалик эса кеч бўлиб қолганди...

Танабой худди ўша кезларда, тоққа йилқичи бўлиб борганида, у ерда, кекса Тўрғайнинг йилқилари орасида бир ярим яшар саман тойни биринчи марта кўрганди.

— Меросга нима қолдирыпсиз, оқсоқол? Йилқиларингиз унчалик айтадиган эмас-ку, а?—деб қочириб қилди Танабой ўшанда кекса йилқичига, отлар саналиб, кўтондан ҳайдаб чиқарилгандан кейин.

Тўрғай ажин босган юзида биронта ҳам туки йўқ, қотмагина, ўсмирлардек жиккаккина чол эди. Бошидаги кўй терисидан тикилган каттакон пахмоқ телпаги худди кўзиқоринга ўхшарди. Бундай чоллар одатда эпчил, тили аччиқ ва бақироқ бўлади.

Лекин Тўрғайнинг жаҳли чиқмади.

— Бори шу, анчайин йилқилар-да,—деб жавоб берди у пинагини бузмай.—Мақтанадиган жойи йўқ, боқиб кўрсанг биласан.

— Ота, мен шунчаки айтдим-кўйдим-да,—деди Танабой мурасозлик билан.

— Биттаси бор!—деб Тўрғай кўзига тушиб кетган телпагини кўтариб кўйди-да, узангида туриб, қамчи сопи билан кўрсатди:—Ўнг томонда ўтлаб юрган ҳув анови саман той. Зўр от бўлади.

— Қайси бири, ҳув анови коптокдек юм-юмалоғими? Кўринишдан увоққина-ку, бели ҳам калтагина.

— Вақтидан ўтиб туғилган. Қувватга кирса зўр бўлади.

— Нима фазилати бор? Нимаси яхши?

— Туғма йўрға.

— Хўш, нима қипти?

— Бундайларни кам учратганман. Илгариги замонларда у бебаҳо от ҳисобланарди. Бундай от учун чавандоз йигитлар пойга-улоқларда жонларини тикишарди.

— Қани кўрайлик-чи!—деб таклиф этди Танабой.

Улар отларига қамчи босиб, йилқиларни чеккалаб боришди-да, саман тойчоқни бир четга чиқаришди ва олдиларига солиб ҳайдаб кетишди. Тойнинг чопгиси келиб турарди. Пешонасидаги ёлини шўх силкитиб пишқирди-да, ўрнидан кўзғалиб, пружинали ўйинчоқ отдек бир маромда шитоб билан йўрғалаб кетди, кейин йилқиларга кўшилиши учун катта ярим доира ясаб айланиб чиқди. Унинг чопишига мафтун бўлган Танабой қичқириб юборди:

— Хў-ў-ў, қадам ташлашини қаранг-а! Қаранг!

— Сен нима деб ўйловдинг!—деб ғурур билан жавоб қилди кекса йилқичи.

Улар йўрғанинг кетидан тез йўрттириб боришар ва пойгадаги болалардек қичқиришарди. Уларнинг овозлари гўё тойчоқни савалаётгандек бўлар ва у ўзини деярли зўриқтирмас, қадамини тобора тезлаштириб, лўкилламасдан бир текис йўрғалаб борар эди.

Уларга отларини чоптиришга тўғри келди, саман тойчоқ эса ҳамон аввалгидек йўрғалаб борарди.

— Кўряпсанми, Танабой!—деб қичқирарди Тўрғай отда телпагини силкитиб чопиб бораётиб.—Зийраклигини қара-я, овозингга қадам ташлайди-я! Ҳайт, ҳайт, ҳайт-э!

Саман тойчоқ ниҳоят йилқиларга келиб қўшилганида, Тўрғай билан Танабой уни тинч қўйишди. Лекин отларини совитаётганда ҳам анчагача ҳаяжонларини босишолмади.

— Раҳмат-э, Тўрғай ака, яхши от етиштирибсиз. Кўнглим анча кўтарилди.

— Яхши от,—деб тасдиқлади чол.—Аммо эҳтиёт бўл,—гарданини қашиб, бирдан қовоғини солиб олди у.—Кўзиқтириб қўйма. Маҳмадоналик қилиб элдан бурун гапириб юрма. Гўзал қизлар каби яхши йўрғанинг ҳам хуштори кўп бўлади. Қиз тақдири шундайки, яхши одамга тушса, очилиб кетади, кўз кўриб қувонади, бирон аҳмоқнинг қўлига тушса, қизни кўриб хафа бўлиб кетасан. Ёрдам ҳам бера олмайсан. Яхши от ҳам худди шундай бўлади. Нобуд қилиб қўйиш ҳеч гап эмас уни. Пойгада қоқилиб йиқилади.

— Ташвишланманг, оқсоқол, ахир бундай ишга менинг ҳам ақлим етади, кичкина бола эмасман.

— Ҳа, балли. Мен шунчаки гапирдим қўйдим-да. Унинг оти Гулсари. Эсингда тут.

— Гулсари.

— Ҳа. Бултур ёзда неварам меҳмон бўлиб келганди. Бу отни унга ўша қўйган. Севиб қолганди. Уша вақтда у қулун эди. Эсингда тут: Гулсари.

Тўрғай эзма чол чиқиб қолди. Тун бўйи насиҳатгўйлик қилди. Танабой уни сабр-тоқат билан тинглади.

У Тўрғай билан хотинини манзилдан етти чақирим наригача кузатиб қўйди. Бўш ўтов унга қолди, энди у оиласи билан бирга шу ўтовга кўчиб кириши лозим эди. Бошқа ўтовга унинг ёрдамчиси ўрнашиши керак эди.

Аммо ҳали ёрдамчи топишмаганди. Ҳозирча унинг бир ўзи эди. Хайрлашаётганида Тўрғай яна:

— Саман тойга ҳозирча тегмай тур,— деди.— Ҳеч кимга ишониб топшира кўрма. Баҳорда ўзинг минишга ўргат. Ҳа, эҳтиёт бўл. Эгар урганингдан кейин қаттиқ ҳайдама. Тизгинини ҳадеб тортаверсанг, йўрғаси бузилади, отни айнитиб кўясан. Тағин қара, биринчи кунлари иссиқлаб туриб кўп сув ичиб кўймасин. Оёқларига сув тушиб, оқбош яра пайдо бўлади. Агар ўлмасам, минишга ўргатганингдан кейин кўрсатарсан...

Тўрғай унга йилқиларни, ўтовни, тоғ-тошларни қолдириб, кўч-кўланларини туяга ортиб, кампири билан жўнаб кетди...

Гулсари ўзи ҳақида қанча гап-сўзлар бўлганини, яна қанча сўзлар айтилишини ва буларнинг оқибати нима бўлишини билса эди!..

У йилқилар орасида аввалгидек эркин юрарди. Чор аτροφда ҳеч нарса ўзгармаганди: ҳамон ўша тоғлар, ўша майсалар ва ўша дарёлар эди. Фақат уларни чоғ ўрнига қўнғир шинель ва солдатча қулоқчин кийиб олган бошқа хўжайин ҳайдайдиган бўлди. Янги йилқичининг овози хирилдоқ, лекин баланд ва кучли эди. Йилқилар кўп ўтмай унга ўрганиб қолишди. Майли, ўзига шуни маъқул кўрса аτροφда айланиб юраверсин.

Кейин эса қор ёғди. Қор тез-тез ёғар ва эримай узоқ ётар эди. Отлар ўт-ўлан топиш учун туёқлари билан қор титкилашарди. Хўжайиннинг юзлари қорайиб, қўллари шамолдан тарашадек қотиб кетди. Энди у кигиз этик кийиб, катта пўстинга ўраниб юрарди. Гулсарининг жунлари ўсиб кетганди, шундай бўлса-да, у совқотар, айниқса тунлари қаттиқ совуқ ерди. Аёзли тунларда йилқилар бир ерга зич бўлиб тўпланишарди-да, то кўёш чиққунча устларига қиров тушиб, шу кўйда туришарди. Хўжайин шу ердан нари кетмай юрар, қўлқоғ кийган қўлларини бир-бирига урар, юзини ишқалар эди. Баъзан кўринмай қолар ва яна пайдо бўларди. Унинг кетмагани яхши эди. Қичқирса ёки совуқдан томоқ қирса йилқилар бошларини дик этиб кўтаришар, қулоқларини динг қилишар, аммо хўжайинлари ёнларида эканлигига дарров ишонч ҳосил қилишиб, тунги шамолнинг гувиллаши, ҳуштаги остида мизғий бошлашарди. Уша қишдан буён Гулсари Танабойнинг овозини бир умрга эслаб қолди.

Бир куни тунда тоғда бўрон бошланиб, тикандек қуруқ қор ёғиб берди. Қор от ёлининг ич-ичига кирар, думини оғирлаштирар, кўзларини очтирмас эди. Йилқилар безовта бўлиб қолишди. Отлар бир-бирига тикилишар, қалтирашар, қари биялар қулунларини уюрнинг ўртасига ҳайдаб, бесаранжом бўлишиб пишқиришарди. Улар Гулсарини энг чеккага сиқиб чиқаришарди, у тўданинг орасига ҳеч кира олмасди. Шундан кейин у тепиниб бошқаларни у ёқ-бу ёққа сура бошлади. Лекин шунга қарамай, ҳамон ичкарига кира олмай, бутунлай бир чеккага чиқиб қолди. Шунда уюр айғири роса унинг таъзирини берди. У кўпдан бери атрофни айланиб, кучли оёқлари билан қорни босиб-янчиб, йилқиларни бир жойга йиғиб юрар эди. Баъзан бошини эгиб, қулоқларини чимириб, қаёққадир бир чеккага ташланар, қоронғиликда кўринмай кетар, унинг фақат пишқириши эшитилар, сўнг яна отларнинг орасига чопиб қайтиб келар, ғазабнок ва баҳайбат кўринар эди. У бир чеккага чиқиб кетган Гулсарини пайқаб қолиб, уни тўши билан бостириб келди-да, орқасига ўгирилиб, кейинги туёқлари билан унинг биқинига шунақанги қаттиқ тепдики, Гулсари оғриқдан ўлар ҳолатга келди. Унинг ичида нимадир гувиллаб кетди, оғриқдан қичқириб юборди ва йиқилиб тушишига сал қолди. У бошқа ўзбошимчалик қилишга уринмади. Биқини зирқираб оғриркан, зolim айғирдан аччиқланиб уюрнинг бир чеккасидан қимир этмади. Отлар тинчиб қолишди, шунда у аллақандай чўзиқ увлашни эшитди. У ҳеч қачон бўрининг увлашини эшитмаганди, бир нафас томир уриши тўхтаб, бадани музлаб кетганлигини сизди. Йилқилар чўчиб тушишди. Улар қулоқларини динг қилиб қимир этмай туришарди. Аммо бу сукунат ваҳимали эди. Ҳамон шувиллаб ёғаятган қор Гулсарининг кўтарилган тумшугига тушиб ёпишиб қоларди. Хўжайин қаерда қолди? Шу дақиқада у жудаям керак эди, лоақал овозини эшитса, пўстинининг дудли ҳидини ҳидласа! У бўлса йўқ. Гулсари бир чеккага кўз қирини ташлади ва кўрқувдан қотиб қолди. Ён томондан қорда судралиб аллақандай кўланка лип этиб ўтгандек бўлди. Гулсари бирдан ўзини орқага ташлади ва шу заҳоти йилқилар ҳуркиб жойидан кўзғалишди. Эс-ҳушини йўқотган отлар қаттиқ кишнаб, бараварига зулмат оғушига отилишди. Энди уларни тўхтата оладиган ҳеч қандай куч йўқ эди. Отлар тоғ ўпирилганда қоядан узилиб тушган

тошлар каби бир-бирларини итариб, кучларининг бори-ча олға томон толпинишарди. Гулсари ҳеч нарсани тушунмай, терлаб-пишиб, жон-жаҳди билан чопиб борарди. Шунда бирдан ўқ овози эшитилди, кейин яна гумбурлади. Отлар чопиб кетаётган эгаларининг дарғазаб қичқириғини эшитишди. Қичқириқ қаердандир ён томондан эшитилди, кейин бу қичқириқ отларнинг йўлини кесиб ўта бошлади, сўнг олд томондан эшитилди. Улар энди бу тўхтовсиз эшитилаётган овозга етиб олдилар: бу овоз уларни ўз ортидан эргаштириб борарди. Хўжайин улар билан бирга эди. У олдинда, ҳар лаҳзада жарлик ёки дарага йиқилиб тушиш хавфи остида чопиб борарди. У энди бўғиқ овоз билан қичқирарди, кейин хириллай бошларди, аммо овози тинмасди: «Ҳайт, ҳайт, ҳайт-а-ҳайт!» Отлар таъқиб қилаётган даҳшатдан қутулиш учун унинг изидан чопишарди.

Тонгга яқин Танабой йилқиларни эски жойига ҳайдаб келди. Фақат шу ердагина отлар тўхташди. Йилқилар устидан қуюқ туман каби буғ кўтариларди, отларнинг биқинлари кўтарилиб-тушиб турар, бошларидан кечирган даҳшатдан ҳамон қалтирашарди. Улар қор ейишарди. Танабой ҳам қор ерди. У тиззалаб ўтириб олиб, оғзига сиқимлаб қор тикарди. Кейин у юзини кафтлари орасига олиб, қимир этмай узоқ ўтирди. Осмондан ҳамон ёғаётган қор отларнинг иссиқ сағрисида дарров эриб, лойқа, сарғиш томчиларга айланиб, пастга оқиб тушарди...

\* \* \*

Қалин қорлар эриб, ўтлар кўкариб қолди. Гулсари тез этга кирди. Йилқилар туллаб, терилари йилтиллаб қолди. Энди қиш ва ем-хашак танқислиги ортда қолганди. Бу қийинчиликлар аллақачоноқ отларнинг эсидан чиқиб кетган ва буни фақат уларнинг эгасигина хотирлар эди. Совуқ, бўронли тунлар ёдида, эгар устида қотиб ўтирган пайтлари музлаб қолган қўл ва оёқларини гулхан ёнида исита туриб, йиғлаб юбормаслик учун лабларини тишлаган вақтлари ёдида унинг. Баҳорда ер юзини юпқа муз билан қоплаб олган «ют» ёдида, ўшанда уюрдаги ночор йилқилар ҳалок бўлганлиги, тоғлардан тушиб, қорхош идорасида кўзини ердан узмай отларнинг ўлганлиги ҳақидаги актга имзо чекканлиги ва бирдан ғазабнок

бўлиб, раис столига мушт уриб бақиргани — ҳаммаси ёдида.

— Сен менга бунақа қарама! Мен сенга фашист эмасман,— деган эди Танабой ўшанда.— Йилқилар учун отхона қани, ем-хашак қани, сули қани, туз қани? Эътиборсиз қолиб кетганмиз! Ахир хўжаликни шундай олиб бориш керак дейилганми? Қара, қанақа йиртиқ-ямоқ кийимда юрибмиз! Ўтовларимизни кўр, қандай яшаётганлигимизни кўр! Тўйиб нон емаймиз! Ҳатто урушда ҳам бундан юз марта яхши яшардик. Сен бўлсанг менга, бу отларни гўё мен ўзим бўғиб ўлдиргандек ўқраясан!

Раиснинг мум тишлаб қолгани, унинг ранги бўзариб кетганлиги ҳали ҳам эсида эди унинг. Сўнгра эса ўз сўзларидан уялиб кетганлиги ва узр сўрай бошлаганлигини ҳам эслайди у.

— Сен... кечир мени, қизишиб кетдим,— деб дудуқланиб, зўрға тилга кирганди у шунда.

— Сен мени кечиришинг керак,— деди унга Жўра.

Раис омборчи аёлни чақириб:

— Танабойга беш кило ун бер,— деганда, бу ундан ҳам бешбаттар уялиб кетганди.

— Яслига нима берамиз?

— Қанақа ясли? Доим сен ҳамма нарсани чалкаштириб юрасан! Бер!— деб буюрди Жўра, қатъий қилиб.

Танабой, яқинда сут соғила бошланди, қимиз бўлади, деб ун олишдан бош тортмоқчи эди-ю, лекин раисга назар ташлаб ва унинг лақиллатганини пайқаб, индамай қўя қолишга мажбур бўлганди. Кейинчалик шу ундан қилинган угра ошдан ичаркан, ҳар гал оғзини куйдириб оларди. Шунда қошиқни ташлаб:

— Бу нимаси, оғзимни куйдирмоқчимисан?— дер эди.

— Совитиб ичинг, кичкина эмассиз-ку,— деб бамайлихотир жавоб берарди хотини.

Эсида унинг, ҳаммаси эсида...

Мана, май ойи етиб келди. Айғирлар кишнашар, бир-бирлари билан уришиб, бегона уюрлардан ёш бияларни ҳайдаб олиб кетишарди. Йилқичилар уришқоқ отларни қувиб юбориш учун куйиб-пишиб чопишар, бир-бирлари билан сўкинишар, баъзан ўзлари ҳам ёқалашиб кетишар, қамчи кўтаришар эди. Гулсарининг булар билан иши йўқ эди. Бир ёқдан ёмғир ёғиб, бир ёқдан офтоб чиқар, тўёқлар остида ўт унар эди. Утлоқлар ям-яшил, уфқда эса тизма тоғлар тепасида оппоқ қорлар ярқираб турарди.

Уша баҳорда саман йўрға ёшликнинг ажойиб даврини сура бошлаган эди. Бир ярим яшарли калта думли, пахмоқ тойчадан келишган, бақувват айғирга айланиб бораётганди. Унинг бўйи ўсди, танаси юмшоқ тарҳларини йўқотиб, уч бурчак шаклига кира бошлаганди — кўкраги кенг, орқаси ингичка эди. Калласи ҳам йўрға отларникидек озғин, пешонаси дўнг, кўзларининг оралиғи кенг, лаблари йиғиқ ва таранг эди. Аммо унинг чопишдан бошқа иши йўқ бўлиб, шу сабабдан ҳам хўжайинига кўп ташвиш орттирарди. Ўз тенгдошларини орқасидан эргаштириб, буларнинг орасида учар юлдуздек чопиб юрарди. Аллақандай битмас-туганмас куч уни тоғларга, ён бағирлардан пастликларга, тошли қирғоқ, тик сўқмоқлар бўйлаб баланд-паст жойларга ҳайдарди. Ҳатто ярим кечада, юлдузлар остида уйкуга кетганида ҳам оёқлари тагидаги заминнинг қочиб кетаётганлиги, ёли ва қулоқларида шамолнинг ҳуштак чолаётганлиги, туёқлари тақиллаётганлиги тушига киради.

У ўзига бевосита алоқадор бўлмаган ҳамма нарсага қандай қараса, хўжайинига ҳам худди шундай қарарди. Уни севмасди ҳам, шунингдек унга ҳеч қандай адовати ҳам йўқ эди, чунки у халақит бермасди. Фақат узоққа чопиб кетишганида, уларни қувиб сўкинарди. Баъзан саман йўрғанинг сағрисига укрук — сиртмоқ билан бирикки уриб қолишга улгурарди. Бундай пайтда Гулсарининг бутун танаси титраб кетар, аммо калтакдан кўра зарбнинг тўсатдан келиб тушганлигидан чўчиб кетарди, шунда у қадамини янада тезлаштиради. У йилқилар ёнига қайтаётиб қанчалик тез чопса, укрукни кўндаланг тутиб изма-из қувиб келаётган хўжайинига шунчалик кўп ёқарди. Йўрға ўз ортидан руҳлантирувчи қичқириқларни, хўжайинининг эгар устида ўтирганча ўлан айта бошлаганини эшитар, бундай дамларда у эгасини яхши кўриб кетар эди, кўшиқ остида чопишни хуш кўрарди. Кейинчалик у бу кўшиқларни яхши билиб олди — уларнинг орасида ҳар хили, қувноғи ва ғамгини, узун ва қисқаси, сўз билан ва бесўз айтиладиганлари ҳам бор эди. У хўжайинининг йилқиларга туз едиришини яхши кўрарди. Қозиклар устида ўрнатилган узун тахта охурга эгаси ялама туз парчаларини ташларди. Бутун йилқилар ёпирилиб келарди, ана роҳат, ана маза. Уни қўлга туширган ҳам шу туз бўлди. Бир куни хўжайин бўш челақни тақиллатиб чолиб, отларни «пў, пў, пў!» деб чорлай бошлади. Отлар чопиб



келишди. Гулсари бошқаларнинг ўртасида туриб туз яларди ва хўжайини шериги билан бирга қўлларида сиртмоқ билан йилқиларни айлана бошлаганидан сира ҳам безовталанмасди. Бунинг унга дахли йўқ эди. Укрук билан миниладиган отларни, соғиладиган бияларни ва бошқа йилқиларни тутишарди, лекин унга тегишмасди. У эркин эди. Бирдан қил сиртмоқ унинг бошидан сирғалиб тушиб, бўйнида осилиб қолди. Сиртмоқ уни кўрқитиб юбормагунча, Гулсари нима бўлаётганлигини тушунмасдан туз ялашда давом этаверди. Бошқа отлар бўйинларига укрук ташланганида ўзларини ҳар ёққа ташлардилар, оёқларини кўтариб сапчирдилар, Гулсари бўлса қимир этмади. Лекин дарёга чошиб бориб сув ичгиси келиб қолди. Бўйнидаги сиртмоқ эса тортилиб, уни тўхтатиб қўйди. Бунақаси сира бўлмаганди. Гулсари сапчиб ўзини орқага ташлади, кўзлари ола-кула бўлиб хириллай бошлади, сўнг шиддат билан олд оёқларини осмонга тика кўтарди. Атрофдаги отлар бирпасда тумтарақай қочишиб кетишди, шунда у ўзини қил арқонда ушлаб турган одамлар ўртасида кўрди. Эгаси олдинда, унинг орқасида эса иккинчи йилқичи турарди. Яқиндан бери бу ерда пайдо бўлиб қолишган ва йилқилар теварагида тинмай от чоптириб, унинг жонига теккан йилқичиларнинг болалари уларни ўраб олишганди.

Йўрғани даҳшат босди. У тагин бир сапчиб оёқларини баланд кўтарди, сўнг яна осмонга сапчиди, кўз ўнгида қуёш оловли доираларга бўлиниб хиралашиб кетди, тоғлар, ер, одамлар қулаб, чалқанчасига йиқилиб тушаркан, кўз олдини бир лаҳза қоп-қора, ваҳимали бўшлиқ қоплади, у бу бўшлиқни олдинги оёқлари билан тепкилаб турарди.

Аммо у қанча типирчиламасин, сиртмоқ бўйнини борган сари қаттиқроқ сиқиб борарди, йўрға саманнинг нафаси бўғилиб, ўзини одамлардан четга олиш ўрнига, уларга ташланди. Одамлар ўзларини олиб қочишди, сиртмоқ бир дақиқа бўшашди ва у одамларни судраб чошиб кетди. Аёллар қичқириб, болаларини ўтовларга ҳайдай бошлашди. Лекин судралишиб бораётган йилқичилар ўринларидан туриб олишга улгуришди ва сиртмоқ яна Гулсарининг бўйнидан сиқа бошлади. Бу гал у шу қадар қаттиқ сиқдики, нафас олиб бўлмади. Шунда у боши айланиб, нафаси бўғилиб, тўхтаб қолди.

Хўжайин арқонни қўлидан чиқармай, ён томондан

Гулсарининг ёнига яқинлашиб кела бошлади. Гулсари уни бир кўзи билан кўриб турарди. Хўжайиннинг кийимлари тилка-пора бўлиб кетган ва юзлари шилинган эди. Аммо шунга қарамай унинг кўзларида ғазаб учқунлари кўринмасди. У оғир нафас олар ва ёрилиб кетган лабларини чапиллатиб, секин шивирлаб гапирарди:

— Тек, тек, Гулсари, кўрқма, тўхта, тўхта!

Унинг ортидан арқонни бўшатмай, эҳтиёткорлик билан ёрдамчиси яқинлашиб кела бошлади. Хўжайин ниҳоят қўлини чўзиб саман отга етказди, унинг бошини сийпади, ўгирилмай туриб ёрдамчисига:

— Юганни бер,— деди.

У юганни узатди.

— Тек тур, Гулсари, тек тур, жонивор,— дер эди хўжайини. Сўнг йўрғанин кўзларини кафти билан беркитиб туриб, бошига юган солди.

Энди уни жиловлаш ва эгарлаш керак эди. Калласига юган ташланганида Гулсари хириллаб, қочишга уриниб кўрди. Лекин эгаси унинг юқори лабидан ушлаб қолишга улгурди.

— Буров сол!— деб қичқирди у ёрдамчисига. Ёрдамчиси чолиб келиб, отнинг лабига қайиш буров солди ва ғалтакни айлантиргандек таёқ билан бурай бошлади.

Йўрға оғриқ азобидан орқа оёқларига ўтириб қолди ва ортиқ қаршилиқ кўрсатмади. Совуқ темир сувлуқ тишларига тақиллаб тегди ва эзувларини йириб юборгудек бўлди. Унинг устига нимадир ташлашди, белига қайиш солиб шундай тортишдики, кўкраги қисилиб, тебраниб кетди. Булар ҳам кўзига кўринмай, энди лаб-лунжидаги даҳшатли оғриқнигина сезарди, холос. Кўзлари косасидан чиқиб кетаёзганди. На қимирлаб, на нафас олиб бўларди. У ҳатто эгаси қачон ва қандай қилиб устига миниб олганлигини ҳам сезмай қолди ва тумшуғидан бурувни олишгандагина ўзига келди.

Ҳамма ёғидан қайиш билан тортилган ва оғирлашган от ҳеч нарсани тушуна олмай бир-икки минут туриб қолди, кейин елкаси оша кўз қирини ташлаб, бирдан устида одам борлигини кўрди. Чўчиб ўзини бир чеккага отди, лекин сувлуқ оғзини йирар, одамнинг оёқлари эса биқинларига қаттиқ ботиб турар эди. Саман олдинги оёқларини тикка кўтарди, ғазабнок ва жон аччиғи билан кишнади, шаталоқ отиб уёқдан буёққа югуриб-елди ва ўзини босиб турган ҳамма юкни устидан улоқтириб ташлаш

учун куч тўплаб бир томонга ташланди, бироқ иккинчи учини бошқа бир отлик одам маҳкам ушлаб турган арқон уни қўйиб юбормасди. Шунда у доира ясаб чопа бошлади ва доирадан чиқиб қочиш пайига тушди. Бироқ доирадан кетиб бўлмасди. Одамларга худди мана шуниси керак эди. Эгаси уни қамчи билан уриб турар, этик пош-наси билан ниқтарди. Шундай бўлса ҳам саман уни икки марта устидан улоқтириб ташлади. Аммо у ўрнидан турар ва яна эгарга минарди.

Бу ҳолат шу йўсинда узоқ, жуда узоқ давом этди. Унинг боши айланарди, атрофдаги ер, ўтовлар айланарди, узоқларга тарқалиб кетган отлар, тоғлар, осмондаги булутлар айланарди. Кейин у чарчади ва қадамлаб юриб кетди. Жуда чанқади.

Аммо унга сув беришмасди. Кечкурун устидан эгарни олмай, фақат айилини салгина бўшатиб, уни от қозиққа қантариб қўйишди. Жилови эгарнинг қошига қаттиқ ўраб боғлаб қўйилганидан, бошини тик тутишга тўғри келар ва бу ҳолда ерга ёта олмас эди. Узангилар кўтарилиб, эгар қошига илиб қўйилганди. Тун бўйи шу таҳлитда туриб чиқди. У ўз бошидан кечирган бу ғаройиб нарсаларнинг ҳаммасидан довдираб, эсанкираб тикка турарди. Оғзидаги сувлуқ ҳамон унга халақит берар, салгина қимирласа оғзини оғритар, темирнинг мазаси ҳам ёқимсиз эди. Шишиб кетган эзувларини сувлуқ шилиб юборганди. Қорнидаги қайиш қийиб юборган жойлари ачишарди. Эгар тагидан қўйилган наमत терлик ҳам белини оғритарди. Жуда-жуда сув ичгиси келарди. У дарёнинг шовиллашини эшитар ва бундан чанқоғи янада кучаярди. У ёқда — дарёнинг нариги бетида ҳар вақтдагидек йилқилар ўтлаб юришарди. Кўп туёқларнинг тақир-туқури: отларнинг кишнаши ва йилқиларнинг тунги қичқирғи эшитиларди. Ўтовлар олдидаги одамлар гулханлар ёнида ўтириб дам олишар, болалар итларни майна қилиб вовиллашарди. У бўлса ўз жойида турар, ҳеч кимнинг у билан иши йўқ эди.

Сўнг ой кўтарилди. Тоғлар зулмат қучоғидан чиқиб, ойнинг сарғиш нури остида секин тебрана бошлади. Юлдузлар тобора ерга яқинлашиб, ёрқинроқ порларди. У бир жойга маҳкам боғланганича қимир этмай турар ва уни кимдир излар эди. У ўзи билан бирга ўсган ва ўзидан ҳеч ажралмайдиган жийрон қунаннинг кишнашини эшитарди. Қунаннинг пешонасида оқ қашқаси бор эди. У

саман той билан чопиб юришни яхши кўрарди. Айғирлар унинг ортидан қува бошлашганда, у тутқич бермас, йўрға той билан бирга улардан узоққа қочиб кетар эди. Жийрон қунан ҳали ёшига етмаган эди, саман той ҳам ёш эди. Ҳали у бошқа айғирлар жийрон қунан билан қилмоқчи бўлган ишни қиладиган ёшга етмаган эди.

Мана у қайдадир, жуда яқин жойда кишнади. Ҳа, бу ўша қунан эди. Саман той унинг овозини аниқ таниди. Сўнг жавоб қайтармоқчи бўларди-ю, аммо шилиниб, шишиб кетган оғзини очгани кўрқарди. Жуда ҳам оғрирди. Ниҳоят, қунан уни излаб топди. Ойдинда пешонасидаги оқ юлдузчани ярақлатиб чопиб келди. Думи ва оёқлари ҳўл эди. У дарёни кечиб ўтиб, ўзи билан бирга сувнинг совуқ нафасини келтирганди. Тумшуғини тираб, юмшоқ, илиқ лабларини тегизиб, уни искай бошлади. Қунан эркаланиб пишқираб, уни ўзи билан бирга кетишга чорлар, саман той бўлса жойидан кўзғала олмасди. Сўнг қунан унинг бўйнига калласини қўйди-да, тишлари билан ёллари орасини қаший бошлади. Саман той ҳам унинг бўйнига калласини қўйиши ва яғринини қашиши керак эди. Аммо унинг меҳрибонлигига меҳрибонлик билан жавоб қайтара олмасди, ҳатто қимир этишга ҳам ҳоли келмас, у чанқаган эди. Қунан чопиб кетганида, то унинг сояси дарё ортидаги тун қоронғилигига сингиб кетгунча орқасидан қараб қолди. Келди-ю кетди. Саманнинг кўзларидан тирқираб ёш чиқди. Йирик-йирик ёш томчилари тумшуғидан оқиб, оёқлари остига секингина думалаб тушарди. Саман йўрға умрида биринчи марта йиғлаётган эди.

Эрта тонгда хўжайин келди. У атрофдаги кўм-кўк тоғларга қаради, кулимсираб бир керишиб олди, суяклари зирқираб оғриганидан инграб қўйди.

— Оҳ, Гулсари, кеча мени роса судрадинг-а. Нима? Совқотдингми? Вой сени қара-ю. Ҳа, дуруст.

У йўрғанинг бўйинини силаб-сийпади ва унга қандайдир илиқ, ҳазиломуз сўзларни гапира бошлади. Одам нималарни гапираётганини Гулсари қаёқдан билсин? Танабой бўлса шундай дерди:

— Ҳа, хафа бўлма, биродар. Умр бўйи ишсиз, бекор юрмайсан-ку ахир. Кўникиб қоласан, ҳамма иш ўнгланиб кетади. Қийналдинг-а, ҳечқиси йўқ, бусиз бўлмайди. Ҳаёт мана шунақа, биродар, тўрттала туёфингни ҳам тақалайди. Қайтага, кейинчалик йўлингда учраган ҳар бир тошга

таъзим қилиб юрмайсан. Қорнинг очдимми, а? Чанқадингми? Биламан...

У саманни дарё томон етаклаб кетди. Яраланган оғзидан сувлуғини авайлаб чиқарди. Гулсари титраб-қақшаб сувга ташланди, совуқдан кўзларига ёш келди. Оҳ, сув нақадар мазали эди, у бунинг учун одамдан қанчалик миннатдор эди!

Шундай қилиб, орадан кўп вақт ўтмай у эгарга шунчалик кўникиб кетдики, унинг оғирлигини деярли сезмай қўйди. Ўз устида чавандозни олиб юриш енгил ва кўнгилли бўлиб қолди. Чавандоз жиловни ҳамиша сал тортиб юрар, у бўлса бир маромада оёқ ташлаб, йўрғалаб олдинга интилар эди. У эгар остида шунчалик тез ва текис юришга ўрганган эдики, одамлар қойил қолиб:

— Устига бир челак сув қўй — бир томчи ҳам тўкилмайди! — дейишарди.

Авалги йилқичи Тўрғай чол Танабойга шундай деди:

— Раҳмат, яхши ўргатибсан. Йўрғаннинг юлдузининг чарақлашини энди кўрасан!

### III

Эски арава ғилдираклари кимсасиз йўлда секин ғичиллаб борарди. Баъзи ғилдиракларнинг товуши эшитилмай қоларди. Ҳолдан тойган йўрға тўхтаб қолар, сукунат чўккан дамда юрагининг гуп-гуп, гуп-гуп этиб ураётганлиги қулоғига чалинар эди.

Кекса Танабой отнинг нафасини ростлаб олишини кутиб турар, сўнг яна унинг жиловидан тортар эди:

— Кетдик, Гулсари, кетдик, қара, қоронғи тушиб қолди.

Улар бир ярим соатларча юришди, кейин йўрға таққа тўхтаб қолди. У аравани ортиқ торта олмасди. Танабой яна от атрофида айлана бошлади.

— Сенга нима бўлди, Гулсари, а? Қара, тезда тун киради!

Лекин от уни тушунмасди. Гулсари ҳатто калласини кўтаришга ҳам мажоли қолмаган, бошини силкитиб, чайқалиб турарди. Қулоғига эса ҳамон юрагининг гуп-гуп, гуп-гуп уриши эшитиларди.

— Кечир мени, — деди Танабой. — Дарров фаҳмим етмаганини қара-я. Қуриб кетсин бу арава ҳам, эгар-жабдуқ ҳам, сени бир амаллаб уйга етказиб олсам бўлгани.

У пўстинини ерга ташлади ва шошиб-пишиб отни аравадан чиқарди, бошидан хомутни олди-да, ҳамма анжомларни аравага ташлади.

— Мана вассалом,—деди у ва пўстинини кийиб аравадан чиқарилган саман отига қаради. Хомутсиз, анжомсиз, ҳаддан ортиқ катта каллали от ҳозир кечки совуқдан чўл ўртасида арвоҳдек турарди.— Ёпирай, худойим-э, қай аҳволга тушиб қолдинг, Гулсари?—деб пичирлади Танабой.— Агар сени ҳозир Тўрғай кўрганидами, гўрида тик турарди...

У саманнинг жиловидан тортди, улар яна аста юриб кетишди. Қари от ва кекса одам. Арава ортда қолиб кетди, олдинда, ғарб томонда йўлни қорамтир-бинафша ранг зулмат босиб келаётганди. Тун тоғларни чулғаб, уфқни беркитиб, чўл ўстига унсиз-товушсиз ёйилиб келарди.

Танабой юриб бораркан, узоқ йиллар давомида саман билан боғлиқ бўлган воқеаларни эслар ва аламли кулимсираб, одамлар ҳақида ўйлар эди: «Биз ҳаммамиз мана шунақамиз. Умримизнинг охирида, бирортамиз оғир касал бўлиб қолганимизда ёки дунёдан ўтаётганимизда бир-биримизни эслаймиз. Ана шунда кимни йўқотганимиз, у қандай одам бўлганлиги, нимаси билан донг чиқарганлиги, қандай ишлар қилганлиги бирдан ҳаммамизга аён бўлиб қолади. Тилсиз махлуқ ҳақида нима дейиш мумкин? Гулсари кимларни олиб юрмади ахир? Кимлар уни минмади! Мана, қариши билан ҳамма уни унутди-қўйди. Энди оёқларини зўрға судраб юрибди. Қанақа от эди-я!..

Сўнг у яна ўтган воқеаларни эслай бошлади ва кўпдан бери хаёлан ўтмиш кунларига қайтмаганлигига ўзи ҳам хайрон бўлди. Қачонлардир бўлиб ўтган ишларнинг ҳаммаси унинг хотирасида жонлана бошлади. Ҳеч нарса ҳам изсиз йўқолмас экан. Илгарилари у ўтмиш ҳақида кам ўйларди ёки, тўғрироғи, ўйлаш учун ўзига ўзи йўл қўймасди, энди-чи, ўғли ва келини билан бўлган гап-сўздан кейин куни тугаб бораётган саман отнинг жиловидан ушлаб, йўлда бораркан, ўтган йилларни алам ва ҳасрат билан эсларди ва бу йилларнинг ҳаммаси унинг кўз ўнгига яққол гавдаланарди.

У ўз хаёллари билан банд бўлиб қадам ташлаб борарди, саман эса жиловини тобора ортга тортиб, судралиб келарди. Чолнинг қўли тояиб қолганида, жиловни

бошқа елкасига оширар ва яна йўргани судраб кетарди. Кейин, бундай юриш малол келиб қолди ва саманга дам бериш учун тўхтади. Ҳайлаб туриб, отнинг калласидан юганини чиқариб олди.

— Олдинда юр, ҳолинг келганича юр, мен орқангдан бораман, сени ташлаб кетмайман,— деди у.— Қани, юр, аста-аста.

Энди саман олдинда, Танабой эса елкасида юган, орқада борарди. У югани ҳеч ташламайди. Гулсари тўхтаганида, Танабой, у куч йиғиб олсин, деб кутиб турар, сўнг яна йўлда судралиб кетишар эди. Қари от ва кекса одам.

Бир вақтлар Гулсари мана шу йўлдан орқасида чанг-тўзон қолдириб елиб ўтганини эслаб, Танабой ғамгин кулимсираб қўйди. Чўпонлар мана шу чанг-тўзондан саман отнинг чопиб ўтганлигини билиб олишларини айтишарди. Туёқлари остидан чиққан чанг чўлда оппоқ бўлиб сузар ва шабада йўқ кунлари эса худди реактив самолётнинг тутунидек йўл устида муаллақ осилиб турарди. Бундай дамларда чўпон кафтини кўзлари устига соябон қилиб ўзича: «Гулсари келяпти! Бу ўша Гулсари!» дерди ва иссиқ шамолда юзини куйдириб, бу от устида елиб келаётган бахтли киши ҳақида ҳасад билан ўйларди. Донғи кетган мана шу йўрғада юриш қирғиз учун буюк шараф эди.

Гулсари колхоз раисларидан қанчасини кўрганди. Уларнинг ҳар хили — ақлли ва тентаклари, софдил ва виждонсизлари бўларди. Аммо ҳаммаси ҳам ўз раислигининг биринчи кунидан то сўнгги тунигача саман отни миниб ўтишганди. «Қани энди улар? Эртадан кечгача уларни олиб юрган Гулсарини гоҳо-гоҳо эслаб қўйишармикин?» — деб ўйларди Танабой.

Улар ниҳоят жарлик устидаги кўприкка етиб олишди. Бў ерда яна тўхташди. Саман от ерга ётиш учун оёқларини бука бошлади, лекин Танабой бунга йўл қўйиши мумкин эмасди: кейинчалик ҳеч қандай куч билан уни жойидан турғиза олмасди.

— Тур, тур!— деб қичқариб юборди у ва тизгин билан отнинг калласига туширди. Сўнг ургани учун ўзидан хафа бўлиб, яна бақира бошлади:— Нега тушунмайсан, ахир? Ҳаром ўлмоқчимисан? Бунга сираям йўл қўймайман! Тур, тур, дейман!— деб у отнинг ёлидан тортарди.

Гулсари оёқларини зўр-базўр тиклаб олди, оғир ингради. Қоронғи бўлса ҳам отнинг кўзига қарашга Танабойнинг юраги дов бермади. У отни силаб-сийпади, у ер-бу ерини пайпаслаб кўрди, сўнг қулоғини унинг чап биқинига тутди. У ерда, отнинг кўкрагида юраги худди йўсинларга ўралиб қолган тегирмон паррагидек пихиллаб зўрға уриб турарди. У то бели қақшагунча отнинг ёнида шу кўйда узоқ эгилиб турди. Кейин қаддини ростлаб, бошини силкиди, хўрсинди, сўнг таваккал қилиш — кўприкдан ўтгач, сой ёқалаб борувчи сўқмоққа бурилишга қарор қилди. Бу сўқмоқ тоғлиққа олиб чиқарди ва уйга тезроқ етиб олиш мумкин эди. Тўғри, тунда адашиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас, аммо Танабой ўзига ишонарди, бу ерларни кўпдан бери биларди, фақат от чидаш берса бўлгани.

Чол шулар ҳақида ўйлар экан, узоқдан йўловчи машинанинг чироқлари порлаб кўринди. Чироқлар зулмат қучоғидан бир жуфт ёрқин шар каби тўсатдан қалқиб чиқди-да, узун, тебранувчи ёғдулари билан ўз олдидаги йўлни пайпаслаб тез яқинлашиб кела бошлади. Танабой саман от билан кўприк ёнида турарди. Машина уларга ҳеч қандай ёрдам бера олмасди, шундай бўлса ҳам Танабой уни, сабабини ўзи ҳам билмаса-да, кутиб турарди. «Ниҳоят, лоақал биттаси учради» — деб ўйлади у йўлда одамлар пайдо бўлганлигидан мамнун бўлиб. Юк машинасининг чироқлари ўткир нурлари билан унинг кўзларини қамаштирган эди; у кўзларини қўли билан беркитиб олди.

Машина кабинасида ўтирган икки киши кўприк ёнидаги қари киши ва унинг олдида гўё от эмас, балки одамга эргашиб олган итга ўхшаб турган эгасиз, югансиз қирчанғини кўриб, ҳайрон қолишди. Тўғри тушган ёруғлик чол ва отни бир лаҳза ёритиб юборди ва улар бирдан жисмсиз оппоқ шаклга айланиб қолгандек бўлишди.

— Тавба, тун ярмида бу ерда нима қилиб юрибди? — деди шофёрнинг ёнида ўтирган қулоқчинли новча йигит.

— Бу ўша, анови ёқдаги арава шуники, — деб тушунтирди шофёр ва машинасини тўхтатди. — Сизга нима бўлди, чол? — деб қичқирди у кабинасидан бошини чиқариб. — Йўлда аравани ташлаб кетган сизмисиз?

— Ҳа, мен, — деб жавоб берди Танабой.

— Шунақа денг. Қарасак, йўлда шалағи чиққан арава ётибди. Атрофда ҳеч ким йўқ. Абзал-анжомини олмақчи эдик, у ҳам ҳеч нарсага арзимас экан.



Танабой индамади.

Шофёр машинадан тушди, ароқнинг ўткир бадбўй ҳидини чолга уфуриб, у ёқ-бу ёққа бир неча қадам ташлади, сўнг йўл устига ёзила бошлади.

— Нима бўлди?— деб сўради у кейин қайрилиб.

— От торта олмади, касал бўп қолди, бунинг устига, ўзи ҳам қари.

— Ҳм-м. Хўш, энди қаёққа бормоқчисиз?

— Уйга. Саригов дарасига.

— У-хў!— ҳуштак қолиб юборди шофёр.— Тоққами? Йўлимиз бир эмас экан. Хоҳласангиз, кузовга чиқинг, совхозга элиб қўяман, у ердан эртага кетарсиз.

— Раҳмат, отим бор.

— Манови ўлимтикми? Итга ташланг уни, ҳув анови жарликка итариб юборинг, вассалом, қарғалар чўқиб татом қилишади. Хоҳласангиз, кўмаклашиб юборайлик...

— Йўқ, кетавер,— деди Танабой қовоғини уйиб.

— Билганингизни қилинг,— деб тиржайди шофёр ва эшикни ёпа туриб, кабина ичига қараб сўз қотди:— Мияси айниб қолибди чолнинг!

Машина қўзғалиб, хира нур оқимини ўзи билан олиб кетди. Стоп сигналларининг тўқ қизил нури билан ёритилган сой устидаги кўприк ғирчиллаб қолди.

— Нега у одамнинг устидан куласан, агар ўзингнинг бошингга шундай кун тушса, нима бўларди?— деди шофёрга кўприкдан ўтгач, унинг ёнида ўтирган кулоқчинли йигит.

— Ҳечқиси йўқ...— деди шофёр ва эснаб баранкани айлантирди.— Ҳар қанақасига дуч келганман. Мен гапнинг пўскалласини гапирдим. Қандайдир бир қирчанғини деб... Ўтмишнинг сарқити у. Ҳозир, биродар, ҳамма нарсанинг отаси техника. Ҳамма ерда техника. Урушда ҳам. Бунақа чоллар билан отларнинг даври ўтиб кетган энди...

— Ҳайвон экансан!— деди унга ёнида ўтирган йигит.

— Туфладим ҳаммасига,— жавоб берди шофёр.

Машина кетгандан сўнг, яна ҳамма ёқни тун зулмати қоплади, кўз эса яна қоронғиликка ўрганди. Танабой саманни ҳайдай бошлади.

— Қани, кетдик, чух, чух! Юрсанг-чи!..

Кўприкдан ўтгандан кейин у отни катта йўлдан сўқмоққа бурди. Энди улар қоронғиликда зўр-базўр кўри-

ниб турган сўқмоқдан сой ёқалаб илгарилаб боришарди. Ой тоғлар орқасидан эндигина кўриниб келарди. Юлдузлар совуқ ялтиллашиб, унинг чиқишини кутишарди.

#### IV

Гулсари минишга ўргатилган йили йилқиларни кузги яйловлардан кеч қайтаришди. Куз одатдагига қараганда чўзилиб кетди, қиш ҳам юмшоқ келди, қор тез-тез ёғди-ю, аммо узоқ турмади, ем-хашак етарли эди. Баҳорда эса йилқилар яна тоғ ён бағирларига қайтиб келишди ва чўл гуллаб-яшнаши биланоқ пастликка туша бошлашди.

Урушдан кейин Танабой ҳаётида бу, эҳтимол, энг яхши давр бўлгандир. Қариликнинг қўнғир оти уни ҳали довон ортида, гарчанд бу довон яқин бўлса ҳам, кутиб турар, Танабой ҳали ёш саман йўрғани миниб юрар эди. Бу йўрға унга бир неча йил кейин учраганда, у Гулсарини ҳозир миниб юрганидек, ўзини бу қадар бахтли сезмаган бўлармиди. Ҳа, Танабой гоҳо одамлар олдида ўзини кўз-кўз қилишдан ҳам қайтмасди. Елиб кетаётган саман от устида гердаймай бўлармиди? Гулсари буни яхши биларди. Айниқса Танабой овулга кетаётганида ишга тўда-тўда бўлиб бораётган аёллар йўлда учраб қолган кезларда, Танабой улардан анча узоқдаёқ қадди-қоматини ростлаб, эгар устида ғоз ўтириб олар ва унинг ҳаяжони отига ҳам ўтарди, Гулсари думини сағриси барабар кўтариб олар, ёли шамолда ҳилпираб турарди. У пишқириб йўрғалаб, устидаги чавандозни енгилгина элтиб борарди. Оқ ва қизил дуррали аёллар йўл чеккаларига чиқиб, тиззаларига қадар яшил буғдойзорларга кўмилишиб туришарди. Улар гўё сеҳрлангандек тўхтаб қолишар, ҳаммаси бир-данига қайрилиб қарашар, чеҳралар, порлаб турган кўзлар, табассумлар ва оппоқ тишлар лип-лип этиб кўринар эди.

— Ҳей, йилқичи! Тўхта-а!

Изма-из қулги ва қочириқлар эшитиларди:

— Шошмай тур, қўлга тушарсан, тутиб олармиз!

Бир-бирларининг қўяларидан ушлашиб, йўлни тўсиб, уни тутиб олишган кунлар ҳам бўлган. Нималар қилишмас эди денг! Хотинлар ҳазил-мазах қилишни яхши кўришади-да. Танабойни эгардан судраб туширишар, қўлидан

қамчинини тортиб олишиб; қақ-қақлаб кулишар, қийқиришар эди:

— Ростини айт, қачон қимиз келтирасан?

— Биз бу ерда эрталабдан-кечгача далада ишлаймизу, сен бўлсанг саман отда сайр қилиб юрасан!

— Ким сизларни ушлаб турибди? Йилқичиликка ўтинг. Фақат эрларингга тайинлаб қўйинглар, ўзларига бошқасини қидиришсин. Тоғда сумалакдек музлаб қола-сизлар.

— Ҳо, ҳали шунақами!— яна уни тортқилай бошлашарди.

Аммо Танабой бирон кишини саман йўрғага минишга сира йўл қўймасди. Ҳатто учрашганида дарҳол кайфияти ўзгарадиган ва отини секин юритишга сабабчи бўладиган ўша аёл ҳам бирон марта уни миниб кўрмаган эди. Эҳтимол, у буни истамаган ҳамдир.

Ўша йили Танабойни колхоз тафтиш комиссиясига сайлашганди. У овулга дам-бадам келиб турар ва деярли ҳар гал бу аёл билан учрашар эди. У идорадан кўпинча аччиғланиб чиқарди. Гулсари унинг кўзлари, овози, қўлларининг ҳаракатига қараб буни сезарди. Аммо у ҳалиги аёл билан учрашганида доим мулойим ва хушфёъл бўлиб қоларди.

— Ҳай-ҳай, секинроқ, қаёққа шошасан!— деб шивирларди у ўйноқи отини тинчлантириб ва аёл билан тенглашиб олгач, секин ҳайдарди.

Улар нима ҳақдадир аста гаплашишар, баъзан индамай боришар эди. Гулсари хўжайиннинг юрагидаги алам қандай тарқалаётлигини, унинг овози қандай мулойимлашиб, меҳри товланиб бораётганини қўлларидан ҳис қиларди. Шунинг учун ҳам у йўлда бу аёлни қувиб етишни яхши кўрарди.

Колхозда турмуш оғирлигини, меҳнат кунига деярли ҳеч нарса тушмаётганлигини, қандай қилиб шундай аҳвол юз бераётганлигини, давлатга ҳам бир нарса бериш мумкин бўладиган, одамлар ҳам бекорга ишламайдиган кунлар қачон келишини тафтиш комиссиясининг аъзоси Танабой Бекасов сўраб-суриштириб, идорадагиларнинг бошини қотираётганлигини от қаёқдан билсин.

Ўтган йили ҳосил битмади, ем-хашак қаҳатчилиги бўлди, бу йил районнинг юзи ерга қарамасин, деб бошқалар учун ҳам пландан ташқари дон ва мол топширишди, охири нима бўлади, колхозчиларнинг ҳоллари нима кеча-

ди — буниси номаълум эди. Вақт ўтиб боради, урушни эсдан чиқара бошлашди, лекин томорқадан олганлари ва далалардан яширинча ташиб келтирганлари билан ҳамон илгаригидек кун кечиришарди. Колхозда пул ҳам йўқ эди: ғалла, сут, гўшт — ҳаммаси зарарига топшириларди. Ёзда чорвачилик ривожлана бошларди, қишда эса унинг аҳволига маймунлар йиғларди, моллар ем-хашак танқислиги ва совуқдан қириларди. Зудлик билан қўтонлар, молхоналар, ем-хашаклар учун базалар қуриш керак эди, қурилиш материалларини эса ҳеч қаердан топиб бўлмас ва уларни топиб беришга ҳам ҳеч ким ваъда бермас эди. Уруш йиллари турар-жойлар не аҳволга келиб қолган эди! Кўпроқ бозорма-бозор кезиб: мол ҳамда картошка билан савдо-сотик қилиб юрганларгина уй-жой қуриб олишганди. Бундайлар куч-қудратга кириб, қурилиш материалларини ҳам қаёқдандир четдан топиб келишарди.

— Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, ўртоқлар, бунда нимадир чатоқ, қандайдир катта ишқал бор, — дерди Танабой. — Шундай бўлиши кераклигига ишонмайман. Ё биз ишдан чиқиб қолдик, ё сизлар бизга нотўғри раҳбарлик қиялпсизлар.

— Нимаси жойида эмас? Нимаси нотўғри? — деб бухгалтер унга қоғозларни тутарди. — Мана, планларни қара... Манови олганларимиз, манови топширганларимиз, манови дебет, манови кредит, манови сальдо. Даромад йўқ, фақат зарар. Яна нима демоқчисан? Аввал тушуниб ол. Фақат сен коммунистсан-ку, биз халқ душманимизми, шунақами?

Гапга бошқалар аралашар, баҳс, шовқин-сурон бошланар, Танабой бўлса бошини қўллари орасига олиб ўтирар ва куйиб-пишиб нега бундай бўлаётганини ўйлар эди. У шу ерда ишлаётганлиги туфайли ва колхоз учунгина куйинмаётганди, балки бу ерда бошқа алоҳида сабаблар — Танабой билан қадимдан хусумати бўлган кишилар ҳам бор эди.

Улар энди бундан зимдан кулиб юрганларини, уни кўрганларида: «Хўш, ўзларининг ишлари қалай энди? Эҳтимол, яна қулоқларни тугата бошларсан? Фақат энди биздан оладиганинг йўқ. Қўлинг калталиқ қилади. У-ух, нега урушда даф бўлиб кета қолмади-я!» — дегандек сурбетлик билан юзига тик боқишларини яхши биларди.

Танабой ҳам уларга: «Шошмай туринглар, аблаҳлар,

бари бир биз айтгандай бўлади!» дегандек маъноли қараш билан жавоб берарди. Ҳолбуки, бу одамлар ёт одамлар эмас, ўз одамлари эди. Унинг ўғай акаси Қулибой ҳозир қариб қолган бўлиб, у урушга қадар етти йил Сибирда қамоқда ётиб келган эди. Ўғиллари ҳам отасига тортганди; Танабойни ўлгудек ёмон кўришарди. Нима учун ҳам улар буни яхши кўришсин. Эҳтимол, уларнинг болалари ҳам Танабой уруғидан нафратланишса керак. Бунинг сабаби бор. Бу иш аллақачонлар бўлиб ўтган бўлса ҳам, аммо ханузгача алами кетмаган эди. Қулибойни шундай қилиш керакмиди? Ахир, шунчаки уддабуро, ишбилармон киши, ўрта ҳол деҳқон эмасмиди? Қариндош-уруғликка риоя қилмай бўладими? Қулибой катта хотиндан туғилган фарзанд, бу бўлса — кичик хотиндан эди, лекин қирғизларда бундай ака-укалар бир қориндан тушгандек ҳисобланади. Демак, у қариндош-уруғликка ҳам дахл қилди, ўша вақтда қанча гап-сўзлар бўлган эди. Энди, албатта ҳар хил мулоҳаза юритиш мумкин. Аммо ўшанда-чи! Ахир у бу ишларни колхозни деб қилмади-ми? Лекин шундай қилиш керакмиди? Илгарилари ҳеч шубҳаланмас эди. Аммо урушдан сўнг эса баъзан бошқачароқ ўйлаб қоладиган бўлди. Ўзига ва колхозга ортиқча душман орттириб олмадимикин?

— Нега ўтирибсан, Танабой, кўзингни оч,— деб гапга тортишарди уни. Яна ўша эски ташвиш: қиш ичида ҳамма гўнглари далага олиб чиқиш, ҳовлима-ҳовли юриб йиғиш керак. Филдираклар йўқ, демак, қайрағоч, чамбарак учун темир сотиб олиш керак — лекин қайси пулга, қарз беришармикин, ниманинг эвазига? Банк қуруқ гапга ишонмайди. Эски ариқларни ростлаш, тозалаш, янгиларини қазиш керак, иш ҳажми катта, оғир. Қишда халқ бундай ишларга чиқмайди, ер музлаган, қазиб бўлмайди. Кўкламда эса улгурмайсан — экиш-тикиш, қўзилатиш, ўтоқ қилиш, ундан кейин эса пичан ўрими бошланади. Қўйчиликни нима қилиш керак? Урчитиш учун бинолар қани? Сут фермасида ҳам аҳвол яхши эмас. Томи чириб кетган, ем-хашак етишмайди, сут соғувчиларнинг ишлагиси йўқ. Эртадан кечгача тиним билишмайди, аммо нима ҳақ олишади? Бошқа яна қанча ҳар хил ташвиш, камчиликлар бор. Ваҳима босиб кетарди баъзан.

Шундай бўлса ҳам ўзларини қўлга олиб, партия мажлисида, колхоз бошқармасида бу масалаларни яна муҳо-

кама қилишар эди. Жўра раис эди. Фақат кейингина Танабой унинг қадрига етди. Танқид қилиш осон экан. Танабой бир уюр отлар учун жавоб берса, Жўра колхоздаги ҳамма одамлар ва барча ишлар учун жавоб берар эди. Ҳа, Жўра метин одам эди. Ҳамма ишлар барбод бўлаётгандек туюлганида, районда унга қараб столи дукиллатганларида ва колхозда ёқаларидан тутганларида Жўранинг руҳи тушмади. Танабой унинг ўрнида бўлганида ё ақлдан озарди, ё ўзини ўзи ўлдирарди. Жўра бўлса хўжаликни сақлаб қолди, охиригача, юраги ишдан чиққунча чидаб берди, кейин ҳам яна икки йилча партия ташкилотчиси бўлиб ишлади. Жўра ишонтира олар, одамлар билан гаплаша билар эди. Танабой уни тинглаб, ҳамма иш ўнгланиб кетишига, турмуш ниҳоят одамлар дастлабки пайтларда орзу қилганларидек бўлишига яна ишона бошларди. Унинг Жўрага бўлган ишончи бир мартагина сусайди, лекин шунда ҳам унинг ўзи кўпроқ айбдор эди.

Танабой идорадан қош-қовоғи осилиб чиққанида, эгарга зарб билан ўтириб, жиловни силтаб тортганида, унинг кўнглидан нималар кечаётганини йўрға билмасди. Лекин у эгасининг аҳволи жуда ёмонлигини сезарди. Гарчанд Танабой уни ҳеч қачон урмаган бўлса ҳам, саман бундай пайтларда эгасидан чўчиб турарди. Йўлда ўша жувонни кўриши билан хўжайини анча енгил тортиб, кўнгли юмшашини, уни тўхтатиб, аёл билан нималар ҳақидадир секин гаплашиб туришини, жувоннинг қўллари эса Гулсарининг ёлларини тараб, бўйини силаб-сийпашини от биларди. Ҳеч бир одамнинг қўллари бунчалик мулойим эмасди. Бу қўллар юлдуз қашқали ҳув ўша жийрон кунаннинг лаблари сингари ёқимли ва юмшоқ эди. Танабой эгардан эгилиб у билан гаплашар, жувон бўлса гоҳ жилмаяр, гоҳ хўмраяр, нимадандир рози бўлмас, бошини тебратар, кўзлари тез оқар дарёнинг тубидан ойдинда кўриниб турувчи тошлар каби ялтирарди. Кетаётиб у қайрилиб қарар ва яна бошини тебратарди.

Шундан кейин Танабой от устида ўйчан кетарди. У жиловини эркин қўйиб юборар, йўрға ҳам ўз эркига қараб туёқларини тақиллатиб бамайлихотир юриб борарди. Гўё эгарда хўжайини йўқдек. Гўё уларнинг ҳар бири ўз ҳолича кетаётгандек. Шунда қўшиқ ҳам ўзидан-ўзи кела қоларди. Танабой от туёқларининг бир маромдаги тақатқи остида аллақачонлар ўтиб кетган одамларнинг азоб-

уқубатлари ҳақида, сўзларни аниқ талаффуз этмай, секин хиргойи қилиб борарди. От эса машқини олган юриш билан уни дарё ортига, йилқилар томон олиб кетарди...

Гулсари хўжайиннинг кайфи шундай чоғ бўлишини севар, бу жувонни ҳам ўзича яхши кўрарди. У жувонни қадди-қоматидан, қадам ташлашидан танирди, ҳатто ундан тарқалувчи нотаниш ўтнинг қандайдир ғалати ҳидини сезгирлик билан пайқаб оларди. Бу — қалампир мунчоқ эди. У қалампир мунчоқдан маржон тақиб юрарди.

— Кўрјасанми, саман сени нақадар яхши кўради, Бибижон,— дерди Танабой жувонга.— Қани, силаб-сийпачи, яна бир силаб-сийпа... Ҳа, қулоқларини солинтириб юборди-ю! Худди бузоқнинг ўзгинаси-я. Йилқиларга эса бунинг дастидан кун йўқ. Эркига қўйиб берсанг бас. Ай-ғирлар билан худди итдек тишлашишади. Шунинг учун ҳам буни миниб юрибман, майиб қилиб қўйишмасин, деб қўрқаман. Ҳали ёш.

— Бу-ку яхши кўради-я,— деб жавоб берарди жувон, хаёлини банд қилган бир нима ҳақида ўйлаб туриб.

— Бошқалар яхши кўрмайди, демоқчимисан?

— Мен бўлак нарсани гапиряпман. Бизнинг севишадиган вақтимиз ўтиб кетди. Сизга ачинаман.

— Нега энди?

— Сиз унақа одам эмассиз, кейин қийин бўлади сизга.

— Сенга-чи?

— Менга нима? Мен беваман, солдат хотиниман. Сиз бўлсангиз...

— Мек бўлсам тафтиш комиссиясининг аъзосиман. Мана, сени учратиб қолдим, у-бу фактларни суриштириб оляпман,— деб ҳазил қилишга уриниб кўрарди Танабой.

— Негадир сиз фактларни тез-тез суриштирадиган бўлиб қолдингиз. Ҳушёр бўлинг.

— Мен нима қилибман? Мен ҳам йўлимда кетаётгандим, сен ҳам...

— Мен ўз йўлим билан кетаётибман. Бизнинг йўлимиз бир эмас. Хўп, хайр. Вақтим йўқ.

— Қулоқ сол, Бибижон!

— Хўш, нима? Керакмас, Танабой. Нима кераги бор? Ақлли одамсиз-ку ахир. Сизсиз ҳам юрагим сиқилиб юрибди ўзи.

— Нима, мен сенга душманманми?

— Сиз ўзингизга душмансиз.

— Бу нима деганинг?

— Қандай хоҳласангиз, шундай тушунаверинг.

У кетарди, Танабой бўлса гўё иш билан қаёққадир кетаётгандек қишлоқ кўчалари бўйлаб юрарди, тегирмон ёки мактаб томон буриларди ва лоақал узоқдан бўлса ҳам жувоннинг қайин онаси уйдан чиқишини (иш пайтида у қизини шу ерда қолдирарди), қизнинг қўлидан етаклаб овул чеккасидаги уйига қандай олиб кетишини бир кўришга зор эди. Унинг ҳамма нарсаси жуда азиз эди. Жувоннинг у томонга қарамасликка тиришиб, қадам ташлаб бориши ҳам, қора рўмол ичидан оқариб кўриниб турган юзи ҳам, қизчаси ҳам, ёнида чопиб бораётган лайчаси ҳам қадрдон эди унга.

Ниҳоят, жувон ўз ҳовлисига кириб, кўздан ғойиб бўларди, Танабой бўлса унинг қандай қилиб бўм-бўш уйи эшигини очишини, тўзиб кетган пахталик чопонини ечиб, кўйлакчанг сув келтиргани чопиб кетишини, ўчоққа олов ёқиб, қизини ювинтиришини, овқатлантиришини, подадан қайтган сигирини кутиб олишини ва тунда қоп-қоронғи ҳувиллаб ётган уйда ёлғиз ётиб, ўзини ҳам, Танабойни ҳам, улар бир-бирларини севиши мумкин эмаслигига, унинг оиласи борлигига, унинг ёшида севиш кулгили эканлигига, ҳар бир нарсанинг ўз вақти-соати борлигига, Танабойнинг хотини яхши аёл эканлигига, у эрининг бошқа хотин дардида оҳ-воҳ қилиб юришига лойиқ иш қилмаганлигига ишонтиришга уринаётганлигини хаёлан тасаввур қилиб, йўлида давом этарди.

Бундай фикрлардан Танабой ўзини ноқулай сезарди. «Демак, насиб бўлмас экан-да» деб ўйларди у ва дарё ортидаги сурма ранг олисликларга боқиб, дунёдаги ҳамма нарсани — ишни ҳам, колхозни ҳам, болаларнинг кийим-кечакларини ҳам, дўст ва душманларини ҳам, неча-неча йиллардан бери ғаплашмай юрган ўғай акаси Қулибойни ҳам, беихтиёр тушига кириб, уни совуқ терга ботириб юборадиган урушни ҳам унутиб, қадимий ашулаларни куйлай бошларди. Отининг дарёни кечиб, нариги қирғоққа ўтиб, яна йўлини давом эттираётганлигини ҳам пайқамасди. Фақат саман йўрға йилқиларга яқинлашиб қолганлигини сезиб, қадамини тезлаштиргандагина у ўзига келарди.

— Тр-р-р, Гулсари, қаёққа шошиляпсан!— деб тизгинини тортарди сўнг Танабой эс-ҳушини йиғиб олиб.



Ҳар қалай ўша пайтларда Танабой ҳам, саман йўрға ҳам даврини суриб олишди. Учқур отнинг доврўғи футболчининг доврўғига ўхшаш бўлади. Кўча-кўйда копток тепиб юрган кечаги бола бирдан ҳамманинг арзандаси бўлади-қолади, билимдонларнинг оғзига тушади, оломоннинг завқ-шавқига сабаб бўлади. Дарвозага тўп киритиб юрган маҳалда унинг доврўғи ошиб боради. Сўнг у аста-секин диққат марказидан туша бориб, кейинчалик бутунлай унутилади. Ҳаммадан ҳам ортиқ завқланган кишиларнинг ўзлари биринчи бўлиб уни эсларидан чиқариб юборишади. Буюк футболчининг ўрнини бошқаси эгаллайди. Учқур от доврўғининг қисмати ҳам худди шундай. Мусобақаларда ғолиб чиқаверар экан, унинг шуҳрати оша боради. Ораларидаги фарқ шундаки, отга ҳеч ким ҳасад қилмайди. Отлар ҳасад қилишни билмайди, одамлар эса, худога шукур, отларга ҳасад қилишни ҳали ўрганганларича йўқ. Лекин гапнинг очиғи, ҳасад ақл бовар қилмайдиган нарсаларга ҳам қодир, шундай ҳодисалар ҳам бўлганки, ҳасадгўйлар одамга ёмонлик қилиш учун от туёғига миҳ қоқишган. Оҳ, бу машъум ҳасад! Ҳа, майли, жин урсин уларни...

Кекса Тўрғайнинг каромати тўғри чиқди. Ўша баҳорда саман йўрғанинг бахт юлдузи порлади. Кекса-ю ёш — ҳамма уни танирди: «Гулсари!», «Танабойнинг йўрғаси», «Овулнинг кўрки» деб тилга олишарди.

Ҳали «р» ҳарфини айта олмайдиган исқирт болалар ҳам саман йўрғанинг елишига тақлид қилишиб, кўчани чангитиб чопишаркан: «Мен Гулсалиман...» «Йўқ, мен Гулсалиман... Ойи, айтинг, мен Гулсалиман-а... Чу-чу, олға, ҳе-э-й-й, мен Гулсали» деб қичқаришарди.

Шуҳратнинг нималигини ва у қандай буюк қудратга эга эканлигини саман ўзининг биринчи катта пойгасида билган эди. Бу Биринчи Майда бўлганди.

Дарё ёқасидаги катта ўтлоқда ўтказилган митингдан сўнг сайил бошланди. Ҳар ёқдан сон-саноксиз халойиқ йиғилганди. Одамлар қўшни совхоздан, тоғлардан, ҳатто Қозоғистондан ҳам келишган эди. Қозоқлар ўз отларини чиқаришди. Айтишларича, урушдан кейин ҳали бунақа катта байрам бўлмаган экан.

Эрталабданоқ — Танабой эгарлаётган, айл ва узангиларини диққат билан текшираётган пайтдаёқ — саман от

эгасининг кўзлари ёнишидан ва қўлларининг қалтирашидан фавқулодда бир нарса бўлишини сезган эди. Танабой жуда ҳаяжонланарди.

— Ҳушёр бўл, Гулсари, уялтириб қўйма,— деб шивирлади у отининг ёли ва манглайдаги кокилини тараб.— Сен ўзингни шарманда қилишинг керакмас, эшитяпсанми? Бунга ҳаққимиз йўқ бизнинг, эшитяпсанми!

Одамларнинг овозлари ва югуриб-елишидан ҳам фавқулодда бир нима кутилаётганлиги сезиларди. Қўшни яйловларда йилқичилар отларини эгарлашарди. Болалар аллақачон отларга миниб олишганди, улар қийқириб атрофда чопиб юришарди. Кейин йилқичилар тўпланишидда, ҳаммаси биргаликда дарё томон йўл олишди.

Гулсари ўтлоқда бунчалик кўп от ва одам йиғилганидан гангиб қолганди. Дарё бўйида, тепаликлар устида шовқин-сурон ҳукмрон эди. Ранг-баранг рўмол ва кўйлақлардан, қип-қизил байроқлар ва аёлларнинг оппоқ лачакларидан кўзлар қамашарди. Отларга энг яхши абзаллар тақилган, узангилар жаранглар, сувлуқлар ва отларнинг кўкракларига осиб қўйилган кумуш ўмилдириклар шақирларди.

Чавандозлар остидаги отлар қаторда сиқилишиб, тоқатсизланиб депсинишар, жиловни юлқиб, туёқлари билан ер тепишарди. Ўртада чоллар — сайилни бошқарувчилар отларини гижинглатиб юрарди.

Гулсари ғайрати ошиб, кучга тўлиб-тошиб бораётганлигини ҳис қиларди. Гўё аллақандай оташин руҳ вужудига кириб олгандек: бундан қутулиш учун тезроқ даврага отилиб кириш, сўнг ўқдек учиб кетиш керак эди.

Бошқарувчилар даврага киришга ишора қилишгач, Танабой тизгинни бўшатди, от уни ўртага олиб кирди ва ҳали қаёққа қараб чопишни билмай айлана бошлади. Қатор оралари гувиллаб: «Гулсари!» «Гулсари!» деган сўзлар эшитилди.

Катта пойгада қатнашишни истаганларнинг ҳаммаси даврага кирди. Элликка яқин чавандоз йиғилди.

— Халқдан фотиҳа олинг!— деди сайилнинг бош бошқарувчиси тантанали суратда.

Пешоналарини танғиб олган тақир бошли чавандозлар қафтларини очганларича қўлларини баланд кўтаришиб қатор бўйлаб юришди ва «о-ми-ин!» деган овоз у чеккадан бу чеккагача гуриллаб тарқалди, юзлаб қўллар

пешона баравар кўтарилиб, кафтлар оқим сув сингари юз ар устидан сирғалиб тушди.

Шундан сўнг чавандозлар бу ердан тўққиз чақирим наридаги пойга бошланадиган жойга отларини йўрттириб кетишди.

Бу орада даврада пиёда ва отлиқларнинг кураши, эгардан тортиб тушириш, чопиб кетаётиб ерда ётган тангани олиш ва бошқа мусобақа ўйинлари бошланди. Буларнинг ҳаммаси фақат катта тамошанинг бошланиши эди, холос, энг муҳими у ёқда, чавандозлар чопиб бораётган томонда бошланарди.

Гулсари йўлда кета туриб қизишар, тоқатсизланар эди. У эгасининг нега жиловини қўйиб юбормаслигини тушунмасди. Атрофда бошқа отлар ҳам гижинглашар ва юлқинишар эди. Уларнинг кўплиги ва ҳаммаси чопишни хоҳлаётганлигидан саман йўрға асабийлашар ва тоқатсизланиб қалтирарди.

Ниҳоят, ҳамма стартга — пойга бошланадиган жойда бошларини бир томонга қилиб сафга тизилди, пойгабоши сафдагиларнинг олдидан у чеккадан бу чеккага қадар чопиб ўтди-да, оқ рўмолчани кўтарди. Ҳамма сергакланиб қотиб қолди. Рўмолча силкинди. Отлар олға ташланишди, ғайрати ошган Гулсари ҳам ҳамма билан бирга олдинга интилди. Сон-саноқсиз туёқлар остида ер гумбурлаб кетди, чанг-тўзон кўтарилди. Чавандозларнинг «ҳа, чух, ҳа, чух!» лари ва қийқириқлари остида отлар ўқдек учиб борардилар. Сакраб чопишни билмаган Гулсаригина елиб борарди. Унинг ожизлиги ҳам, қудрати ҳам шунда эди.

Дастлаб ҳаммаси ғуж бўлиб, бир неча минутдан кейин олдинма-кейин чопиб кетишди. Гулсари буни кўрмасди. У фақат чопқир отларнинг уни орқада қолдириб, олдинда, йўлда чопиб кетаётганлигинигина кўрарди. Туёқлар остидан учиб чиққан иссиқ шағал ва кесак парчалари тумшуғига урилар, атрофда эса отлар чопишар, чавандозлар қичқиришар, қамчилар қарсиллар, чанг-тўзон кўтарилар эди. Чанг-тўзон булутга айланиб, ер узра учиб борарди. Тер, чақмоқтош ва пайҳон қилинган ёвшонларнинг аччиқ ҳиди келарди.

Деярли йўлнинг ярмига қадар шу аҳвол давом этди. Олдинда ўнтача от йўрға саман ета олмайдиган суръат билан учиб борарди. Атрофда шовқин пасая бошлади, орқадагиларнинг сурони секин эшитилар, лекин олдинда

бошқаларнинг кетаётганлиги, бунга эса Танабой тортиб ушлаб олган тизгиннинг эрк бермаётганлиги унинг ғазабини келтирарди. Кўз олди ғазаб ва шамолдан қоронғилашиб, йўл шиддат билан оёқлари остидан орқага ўтиб борар, қуёш осмондан оловли коптокдек у томон думалаб келарди. Унинг бутун танасини иссиқ тер босган, саман йўрға қанчалик кўп терласа, шунчалик енгил тортиб борарди.

Чопқир отлар чарчаб, чопишлари борган сари секинлаша бошлади, саман йўрға эса эндигина кучга кираётган эди. Ниҳоят, у эгасининг: «чух Гулсари, чух!» — деган товушини эшитди. Шундан сўнг қуёш у томонга яна ҳам тезроқ юмалаб кела бошлади. Қувиб етилган ва орта қолдирилган чавандозларнинг ғазабдан буришган юзлари, осмонга кўтарилган қамчилар, отларнинг иржайган оғизлари, хириллаб нафас олган тумшуқлари бирин-кетин кўзга чалина бошлади. Бирдан сувлуқ ва тизгинларнинг ҳукмронлиги йўқолди, Гулсари эгарнинг ҳам, чавандознинг ҳам борлигини сезмай қолди—у чопиш иштиёқи билан ёнар эди.

Ҳар қалай, олдинда қўнғир ва малла ранг икки чопқир от ёнма-ён борарди. Иккаласи ҳам бўш келмас, чавандозларнинг қичқириқлари ва қамчилари зарби остида учиб борарди. Булар бақувват чопқир отлар эди. Гулсари уларни анчадан кейин қувиб етди ва ниҳоят тепаликка кўтарилишда уларни ҳам орқада қолдириб кетди. У гўё катта бир тўлқиннинг қиррасига чиқиб олгандек, тепаликнинг устига сакраб чиқди ва бир неча дақиқа ҳавода вазнсиз ҳолатда муаллақ қолгандек бўлди. Нафаси қайтиб кетди, қуёшнинг янада ёрқин, оловли нури кўзларига қадалди, у йўл бўйлаб пастга томон ўқдек тез учиб туша бошлади, лекин кўп ўтмай орқасидан қувиб етаётган туёқларнинг тақир-туқурини эшитди. Уша қўнғир ва малла ранг икки от аламини олишмоқчи эди. Улар икки томондан деярли ёнма-ён келишар, энди бир қадам ҳам ортада қолишмаётган эди.

Улар учаласи бошларини бошларига тегизиб, бирга чопишарди, энди улар сира ҳам чопмаётгандек, қандайдир ғалати, ҳаракатсиз ва унсиз қотиб қолгандек туюларди Гулсарига. Энди уларнинг кўзларидаги ифодани, тараңлашган тумшуқларини, чайналган сувлуқларини, юган ва тизгинларини кўриш мумкин эди. Қўнғир ранг от ғазаб ва қайсарлик билан қарар, малла ранг эса ҳая-

жонланар, ишончсизлик билан у ёқдан-бу ёққа апанглар эди. Худди ана шуниси биринчи бўлиб ортда қола бошлади. Энг аввал унинг гуноҳкордек жавдираган кўзлари ғойиб бўлди, сўнг бурун тешиклари кенгайиб кетган тумшуги орқада қолди, шундан кейин у бошқа кўринмади. Кўнғир от эса жуда қийинлик билан секин-аста орқада қола бошлади. У чопиб туриб секин таслим бўлаётгани, ожизликдан, қаҳр-ғазабдан унинг кўз қарашлари аста-секин хиралашиб борарди. У мағлубиятни тан олгиси келмай, шу кўйда ортда қолиб кетди.

Рақиблар ортда қолганида нафас олиш ҳам осонлашгандек бўлди. Олдинда эса дарёнинг муюлиши кумушдек ялтираб кўрина бошлаган, яшил ўтлоқ кўзга ташламоқда ва олисдан одамларнинг қийқириқ, ҳайқириқлари эшитилмоқда эди. Ашаддий ишқибозлар йўлда кутиб туришган экан. Улар «ҳайт-ҳуйт!» қилишиб, ҳайқиришиб икки томондан отларини чоптиришиб боришарди. Шунда йўрға бирдан ўзининг ҳолдан тойганлигини сизди. Масофа ўз таъсирини кўрсатган эди. Орқада нима бўлаётганлигини, уни қувиб етишяптими, йўқми—буни Гулсари билмасди. Чопиш ҳаддан ортиқ оғирлашиб, у ҳолсизланиб бормоқда эди.

Лекин ҳув олдинда кўп сонли оломон гувиллар ва тўлғанар, отлик ва пиёда кишилар пешвоз чиқиб, икки ёқдан оқиб келар, қичқириқлар борган сари кучаяр эди. Бирдан у: «Гулсари! Гулсари! Гулсари!» деган овозларни аниқ эшитди. Бу ҳайқириқлар, нидо-хитоблар билан тўлган ҳаводан нафас олаётган саман янги куч билан олға интилди. Эҳ, одамлар, одамлар! Улар нималарнинг уддасидан чиқмайди.

Гулсари шодлик суронлари ва қийқириқлар билан кутиб олаётганларнинг ораларидан ўтиб, қадамини секинлатди-да, ўтлоқни айланиб чиқди.

Аммо иш шу билан тамом бўлмади. Энди унинг ҳам, эгасининг ҳам ихтиёри ўзида эмас эди. Саман йўрға бир оз нафасини ростлаб, тинчиб олганида, халойиқ даврани катта очиб, ғолибларни қутлади: «Гулсари, Гулсари, Гулсари!» деган овозлар кўкка ўрлади. У билан бирга эса «Танабой! Танабой! Танабой!» деган ҳайқириқлар ҳам янгради.

Одамлар саман йўрғага яна қандайдир мўъжизали куч билан таъсир қилишди. Мағрур ва учқур от бошини баланд кўтарганича кўзларини чақнатиб саҳнага чиқди.

Гулсари шуҳрат ҳавосидан маст бўлиб, яна чопишга интилар, ўйинга тушгудек бир ёнлаб қадам ташлаб борарди. У ўзининг чиройли, қудратли ва машҳур эканлигини биларди.

Ғолиб Танабой қўлларини очиб халойиқ олдидан ўтди, яна бир оғиздан чиққан «о-мин!» сўзи янгради, тағин юзларча қўллар пешона баравар кўтарилиб, кафтлар оқим сув сингари юзлар устидан сирғалиб тушди.

Шунда саман йўрға оломон орасида бирдан таниш аёлни кўриб қолди. Гарчанд у бу гал қора рўмол эмас, оқ рўмол ўраган бўлса ҳам, фотиҳа учун қўлини юзига олиб борганида от уни дарров таниди. У одамларнинг биринчи қаторида бахтиёр ва шод-хуррам бўлиб турар, тез оқар зилол сув тубидаги тошларга ўхшаб порлаб турувчи кўзларини булардан узмасди. Унинг олдида бир оз туриши, хўжайини у билан гаплашиб олиши, юлдуз қашқали ўша жийрон биянинг лабларига ўхшаш силлиқ ва меҳрибон қўллари билан ёлларини тараши, бўйинини силаб-сийпаши учун, Гулсари одати бўйича аёл томон юрди. Лекин Танабой нима учундир жиловни бошқа томонга тортар, саман той бўлса хўжайинини тушунмай, турган жойида гир айланиб, тинмай аёл томон интиларди. Наҳотки хўжайини ўзи албатта гаплашиб олиши лозим бўлган ўша аёлнинг шу ерда турганини кўрмаётган бўлса?..

\* \* \*

Иккинчи куни, яъни иккинчи май ҳам Гулсарининг куни бўлди. Бу гал туш пайтида чўл бағрида улоқ ўтказилди. Чўл яна қий-чув, ҳайқириқларга тўлди, ер яна туёқлар остида ноғора қилиб чолинди. Сон-саноксиз отлиқ ишқибозлар ҳайт-хуйт қилишиб, қийқиришиб улоқчилар атрофида гирдикапалак бўлиб чолиб юришарди. Яна Гулсари куннинг қаҳрамони бўлди. Лекин Танабой уни охирти ўйин — ким эпчил ва тезкор бўлса, ўша улоқни ўз овулига олиб кетишга рухсат бериладиган эркин оломон-пойгага сақлаб турарди. Оломон-пойгани ҳамма кутарди, чунки у мусобақанинг чўққаси эди, истаган чавандоз унда қатнаша оларди. Ҳар ким ҳам ўз бахтини синаб кўришни истарди.

Май қуёши эса узоқда, қозоқ ерларида секин чўкмоқда эди. Баркашдек офтоб худди тухум сарифига ўхшарди. Қарасанг, кўзинг қамашмасди.

Кирғизлар ва қозоқлар то кечга қадар от чоптириб, эгарлардан энгашиб, улоққа чанг солишар, уни бир-бирларидан юлқиб олишиб, гоҳ сурон кўтаришар, гоҳ ғуж бўлиб олишар, гоҳ қийқиришиб яна тарқалиб кетишар эди.

Чўлдаги соялар узайганида қариялар ниҳоят оломонпойгани бошлашга рухсат беришди. Улоқ ўртага ташланди. «Оломон!»

Ҳамма бирдан ташланиб, эчкини ердан кўтариб олишга уринди. Лекин ур-йиқит тўполонда уни олиш осон эмасди. Отлар телбаланиб гир айланишар, тишларини иржайтириб бир-бирларини тишлашар эди. Гулсари бу ур-йиқитда қийналар, кенг майдонга чиққиси келар, аммо Танабой улоқни ҳеч қўлга тушира олмас эди. Бирдан: «Ушла-а, қозоқлар олишди-и!» деган кучли овоз янгради. Отлар гирдобида гимнастёркаси дабдала бўлиб кетган ёш қозоқ қутуриб кетган тўриқ отда отилиб чиқди. У тақимига улоқни қистириб олиб, отни чоптирганча кетди.

— Ушла-а! Кетди қора тўриқ!— деб ҳамма қичқирди қувишга ташланиб.— Тезроқ, Танабой, фақат сен қувиб ета оласан!

Қора тўриқ отдаги қозоқ узангининг остида селкиллаб осилиб бораётган улоқ билан тўппа-тўғри қуёш қизариб ботаётган томонга кетиб борарди. Гўё яна бир оз чопса ана шу алангаланаётган қуёшга учиб кириб, ўша ерда қизил тутун бўлиб эриб кетаётгандек туюларди.

Гулсари Танабой нега жilовини тортиб бораётганини тушунмасди. Лекин эгаси қозоқ йигитнинг таъқиб қилиб бораётган сонсиз-саноксиз чавандозлардан ажралиб олишини, унга ёрдамга ошиқаётган бир тўда уруғдошларидан узоқроқ кетишини кутиш кераклигини биларди. Улар тўриқ отни чопқир отлар билан ўраб олишса борми, қўлидан бой берилган ўлжани ҳеч қандай куч билан қайтариб бўлмасди. Фақат яккама-якка курашдагина бирон муваффақиятга умид боғлаш мумкин эди.

Пайт пойлаб, Танабой саман йўрғанинг бошини қўйиб юборди. Гулсари қуёш нури остида ўзи томон югуриб келаётган ер устида учиб борарди, дукур-дукур овозлар ортада қолиб, узоқлаша бошлади, қора тўриққача бўлган масофа эса қисқара берди. Қора тўриқ оғир юк билан чопиб борарди, уни қувиб етиш унча қийин эмасди. Та-

набой саман отни қора тўриқнинг ўнг томонига олиб ўтди. Отнинг ўнг биқинидаги чавандоз тақимига қистириб олган улоқ осилиб борарди. Мана, тенглаша бошлади. Танабой эчкининг оёғидан ушлаб тортиб олиш учун эгардан энгашди. Лекин қозоқ ўлжани чаққонлик билан ўнг томондан чап томонга ошириб ўтказиб олди. Отлар эса ҳамон тўппа-тўғри қуёш томон елиб боришарди. Энди Танабой бир оз ортда қолиши ва чап бериб яна қувиб етиши керак эди. Саман йўрғани қора тўриқдан айириш қийин эди, лекин ҳар қалай, бунга эришиш мумкин бўлди. Гимнастёркали қозоқ улоқни яна бошқа томонга ўтказишга улгурди.

— Қойил!— деб завқланиб қичқириб юборди Танабой.

Отлар эса ҳамон қуёш томон елиб боришарди.

Вақтни бой бериш керак эмасди, Танабой саман отни қора тўриқ айғирга ёндаштириб, қўшнисининг эгари қоши устига энгашди. Қозоқ йигит қутулишга уринди, лекин Танабой қўйиб юбормади. Йўрға отнинг чаққонлиги ва хипчалиги унга қора тўриқ айғирнинг бўйнига деярли ётиб олишга имкон берди. Шу тарзда у улоққа қўл чўзиб, уни ўзи томон торта бошлади. Унга ўнг томондан ҳаракат қилиш осон эди, бунинг устига, иккала қўли бўш эди. Мана, у эчкининг деярли ярмисини ўзига тортиб олди.

— Энди эҳтиёт бўл, қозоқ биродар!— деб қичқирди Танабой.

— Бекор айтибсан, бермайман!— деб жавоб қилди у.

Улар шиддат билан чошиб бораётиб от устида кураш бошлашди. Битта ўлжага ташланган бургутлардек улоққа маҳкам ёпишиб олишиб, бир-бирларига ўшқаришар, хириллашар ва бир-бирларини кўрқитиш учун йиртқичлардек бўкиришар эди, қўллари бир-бирлариникига чирмашиб кетган, тирноқлари остидан қон сизиб оқар эди. Чавандозлари яккама-якка курашаётганларида тикилишиб ёнма-ён кетаётган отлар эса қирмизи қуёшни қувиб етиш учун шошилар, кўзлари қонга тўлган эди.

Шундай мардона ўйинларни бизга қолдирган аждодларимизга офарин!

Улоқ энди иккаласининг ўртасида, чошиб бораётган отлар орасида осилиб борарди. Улар индамай, тишларини тишларига қўйиб бор кучларини ишга солиб улоқни тортишар, бир-бирларидан қутулиш ва четга чиқиб олиш



учун иккаласи ҳам эчкини тақимга босишга уринарди. Қозоқ бақувват эди. Қўллари катта, серпай, бунинг устига, Танабойдан анча ёш эди. Лекин тажриба — зўр нарса. Танабой ўнг оёғини тўсатдан узангидан чиқариб олдида, уни қора тўриқ айғирнинг биқинига тиради. Улоқни ўзига тортиб, айна пайтда оёғи билан рақибининг отини итариб юборди. Қозоқнинг панжаси аста-секин ёзила бошлади.

— Эҳтиёт бўл!— деб Танабойни огоҳлантиришга улгурди енгилган қозоқ.

Кучли силтовдан Танабойнинг эгардан учиб тушишига сал қолди. Лекин ўзини тутиб олди. Шодлигидан қийқариб юборди. Саман отни бирдан кескин бурдида, ҳалол курашда қўлга киритилган ўлжани тақимига босиб қоча бошлади. У томон эса бир гала чавандозлар бақириб-чақириб келишаётган эди.

— Гулсари! Гулсари олди!

Қозоқлар бир тўда бўлишиб, унинг йўлини тўсишга ташланишди.

— Уй-бай, жиберме, Танабойди тут!

Энди энг муҳими уларга чап бериш ва овулдошларининг қуршовига тезроқ ўтиб олиш эди.

Танабой тутиб олмоқчи бўлган кишилардан ўзини четга тортиб, саман отни яна бирдан кескин бурди. «Балли, Гулсари, раҳмат сенга, ақлли саманим!» — деб миннатдор бўларди у йўрғадан. Йўрға ўз эгасининг салгина эгилишини ҳам пайқаб, гоҳ у, гоҳ бу томонга бурилиб, қувиб келаётган рақибларига чап бериб борарди.

Йўрға деярли ер бағирлагандек чопиб кета туриб, қийин аҳволдан чиқиб олди ва тўғрига ўқдек учиб кетди. Бу орада Танабойнинг овулдошлари ҳам етиб келишди, икки тарафдан ва орқадан уни ўраб олишиб, ҳаммаси биргаллашиб, зич тўда бўлиб қочиб қолишди. Лекин қуваётганлар яна олдиларидан чиқиб қолишди. Тағин бурилиб қочишга тўғри келди. Гоҳ у, гоҳ бу қанотга ташланиб учувчи тез учар қушлар галаси сингари, кенг чўл бўйлаб қочувчилар ва уларни қувувчи чавандозлар галаси учиб боришарди. Ҳавони чанг-тўзон қоплаган, овозлар жаранглар, кимдир оти билан бирга йиқилар, кимдир ўмбалоқ ошиб тушар, кимдир оқсоқланиб ўз отини қувар эди, лекин ҳаммани мусобақанинг завқ-шавқи қамраб олганди. Уйинда ҳеч ким жавобгар эмас. Таваккал билан довуракликнинг онаси бир...

Ботиб бораётган қуёшнинг бир чеккасигина кўриниб турарди, қош қорайиб қолган, ерни ларзага келтираётган оломон-пойга эса мовий оқшомнинг салқинида ҳамон давом этарди. Энди ҳеч ким қичқирмас, ҳеч ким ҳеч кимни таъқиб этмас, ҳамма жўшқин ҳаракатдан маст бўлиб чопишда давом этар эди. Чопиш мароми ва куйига берилиб ёйилиб кетиб бораётган чавандозлар оқими тўлқин каби тепаликдан тепаликка кўчиб юрарди. Чавандозларнинг юзларидаги жиддийлик ва уларнинг камгаплиги балки шундандир? Қозоқлар дўмбираси ва қирғизлар қўбизининг жарангдор овозини шулар туғдирмадимикин?..

Дарёга яқинлашиб қолишганди. У олдиндаги қуюқ чангалзорлар ортида хира йилтилларди. Яна озроқ қолганди. Дарёнинг нариги бетида ўйин тугайди, у ёғи эса овул. Танабой ва уни қуршаб олганлар бир тўда бўлиб чопишарди. Гулсари худди кўриқлаб кетилаётган бош кемадек ўртада борарди.

Лекин у чарчаган, жуда чарчаган эди — кун ўта машаққатли бўлди. Саман йўрға ҳолдан тойди. Икки ёнбошида кетаётган икки йигит унинг сувлуғидан ушлаб боришар, отни йиқилгани қўйишмасди. Қолганлари Танабойни орқадан ва ён тарафдан кўриқлаб чопишарди. У бўлса эгарнинг олдига ташланган улоқ устига кўксини қўйиб ётиб олган эди. Танабойнинг боши чайқалар, ўзи бўлса эгар устида зўрға ўтирарди. Ёнида қўлтиқлаб бораётган чавандозлар бўлмаганида эди, ўзининг ҳам, йўрғанинги ҳам қўзғалишига ҳоли келмаган бўларди. Илгарилари, эҳтимол ўлжани олиб шундай қочишгандир, балки, ярадор ботирни асирликдан шундай қутқаришгандир...

Мана дарё, мана ўтлоқ, шағал тошли кенг кечув. Қоронғи тушган бўлса-да, у ҳали кўриниб турарди.

Чавандозлар чопганларича сувга отилишди. Тақаларнинг қулоқларни кар қилгудек тақир-туқури остида сувни сачратиб, йўрға отни нариги қирғоққа олиб чиқишди. Оломон-пойга тамом бўлган эди! Ғалаба!

Кимдир Танабойнинг эгаридан улоқни олиб, овулга чопиб кетди.

Қозоқлар дарёнинг нариги бетида қолишди.

— Биз билан улоқ чопишганингиз учун раҳмат сизларга!— деб қичқиришди қирғизлар уларга.

— Соғ бўлинглар! Кузда яна учрашамиз!— деб жавоб беришди қозоқлар ва отларини орқага буришди.

Қоронғилик тушган эди. Танабой меҳмондорчиликда ўтирар, саман йўрға эса бошқа отлар билан бирга ҳовлида боғлоғлик турарди. Минишга ўргатилган биринчи кунни ҳисобга олмаганда, Гулсари ҳеч қачон бунчалик чарчамаган эди. Лекин ўша пайтда у ҳозиргига нисбатан нозиккина ниҳол эди. Зиёфатда у ҳақда сўз борарди:

— Танабой, Гулсари учун қадах кўтарайлик: агар у бўлмаса, бугун ғалабага эриша олмасдик.

— Ҳа, қора тўриқ айғир арслондек зўр экан. Анови йигит ҳам жуда бақувват экан. Йигитларнинг истиқболи порлоқ.

— Рост гап. Гулсарининг ўзини тутқизмаслик учун ер бағирлаб чопиши ҳали ҳам кўз ўнгимда. Қараб туриб ҳаяжонимдан нафасим қайтиб кетай деди-я.

— Нимасини айтасан. Илгари замонларда бундай отда ботирлар жангга кирган бўлармиди. От эмас, дулдул бу!

— Танабой, қачон уни бияларга қўймоқчисан?

— Э-э, у ҳозир ҳам бияларни қувлаб юрибди, лекин ҳали эрта деб ўйлайман. Келгуси баҳорда эса аини вақти бўлади. Эт олиши учун куздан ўз ҳолига қўйиб бераман...

Кайфи ошиб қолган одамлар оломон пойганинг тафсилотлари ва саман йўрғанинг хислатлари тўғрисида гапиришиб, узоқ ўтириб қолишди. Гулсари бўлса тери қотиб, сувлуқни чайнаб ҳовлида турарди. У тонгга қадар оч ҳолда қантариқлик туриши керак эди. Лекин уни қийнаётган очлик эмасди. Елкалари зирқираб оғрир, оёқлари ҳам гўё ўзиники эмасдек, туёқлари қизишиб ёнар, калласи эса ҳамон оломон пойганинг шовқин-суронидан гаранг эди. Қийқириқлар, бақириқлар ҳали ҳам унинг қулоғидан кетмасди. Вақти-вақти билан чўчиб тушар ва пишқириб қулоқларини чимираб эди. Майса устида ағанаб ётгиси, бир силкиниб олгач, яйловда отлар орасида яйраб юргиси келарди. Лекин хўжайини узоқ ўтириб қолди.

Кўп ўтмай хўжайини қоронғиликда сал-пал гандирак-лаб чиқиб келди. Ундан қандайдир ўткир, аччиқ ҳид аңқирди. Танабой бундай ҳолатга жуда кам тушарди. Орадан бир йил ўтгач, саман йўрға доим мана шунақа ҳид

анқиб турадиган одамнинг қўлига тушиб қолади. Шунда у ўша одамни ҳам ва бу бадбўй хидни ҳам умрбод ёмон кўриб қолади.

Танабой саман отнинг ёнига келди, яғринини силаб-сийпади, терликнинг остига қўлини суқиб кўриб деди:

— Бир оз совудинг шекилли? Чарчадингми? Мен ҳам ўлгудек чарчадим. Лекин бунақа ўқрайиб қарама менга, ахир ичсам сенинг соғлигинг учун ичдим. Байрам. Шунда ҳам қиттак ичдим. Мен ўз ўлчовимни биламан. Сен буни ҳисобга олиб қўй. Урушда ҳам меъёрини билганман. Қўй, Гулсари, бунақа ўқрайиб қарама. Ҳозир яйловга кетамиз, дам оламиз...

Хўжайин айилларни сиқиб тортди, уйдан чиққан одамлар билан бир оз гаплашиб турди, сўнг ҳаммалари отларига минишиб, тарқалиб кетишди.

Танабой овулнинг уйқуга кетган кўчалари бўйлаб борарди. Атроф жимжит. Деразалар қоп-қоронғи. Далада эшитилар-эшитилмас трактор тирилларди. Тоғлар устида ой турар, боғларда гуллаган олмалар оқариб кўринарди, қаердадир булбул чаҳчаҳларди. Нима учундир бутун овулда атиги битта булбул бор эди. У ўзи сайраб, ўзи тинглаб, кейин жимиб қолар, сўнг яна чаҳчаҳлай бошларди.

Танабой саман йўрғани тўхтатиб турди.

— Бирам чиройли,— деди у овоз чиқариб.— Мунча-ям жимжит-а! Фақат булбулгина сайрамоқда. Тушуняпсанми, Гулсари, а? Қаёқдан тушунардинг. Сен йилқиларнинг олдига боришинг керак, мен бўлсам...

Улар темирчилик устахонасидан ўтиб кетишди, бу ерда энг чеккадаги кўча билан юриб дарёга чиқишлари, ундан кейин эса йилқилар уюрига боришлари керак эди. Лекин хўжайини нима учундир от бошини бошқа томонга, ўртадаги кўчага бурди, унинг охирида ўша аёл яшайдиган ҳовли ёнида тўхтади. Кўпинча қизча билан бирга чопиб юрадиган лайча югуриб чиқди, бир оз вовиллади-да, думини ликиллади тинчиб қолди. Хўжайин эгар устида жим ўтирар, ниманидир ўйлар эди, сўнг бир хўрсинди-да, истар-истамас жиловни силтади.

Йўрға олдинга юриб кетди, Танабой уни дарё томонга бурди ва йўлга чиқиб олганидан сўнг отнинг юришини тезлаштирди. Гулсарининг ўзи ҳам яйловга тезроқ етиб олгиси келарди. Улар ўтлоқ билан кетишди. Мана, дарёга ҳам етиб келишди, қирғоқда тақалари тошга урилиб

тарақлай бошлади. Сув муздай; шовиллар эди. Сувнинг қоқ ўртасига келганларида хўжайин от жиловини қаттиқ тортиб, кескин орқага бурди. Гулсари хўжайинини адашгандир, деб ўйлаб, бошини силтади. Улар орқаларига қайтишлари керак эмасди. Ҳадеб юраверадими? Лекин хўжайини унинг биқинига қамчи билан туширди. Гулсари калтак ейишни ёқтирмасди. У сувлуғини асабий чайнаб хўжайинига истар-истамас бўйсунди ва орқасига бурилди. Яна ўтлоқ орқали, яна ўша йўл билан ўша ҳовли томон жўнашди.

Ҳовли олдига келганларида хўжайини эгар устида яна типирчилаб қолди. Сувлуқни гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа тортар, унинг нима қилмоқчилигини тушуниб бўлмасди. Дарвоза олдида тўхташди. Сирасини айтганда, дарвозанинг ўзи йўқ эди. Унда фақат қийшайган устунларгина қолганди. Яна лайча чопиб чиқди. Бир оз вовиллади-да, думини ликиллашиб тинчиб қолди. Ҳовли тип-тинч ва қоп-қоронғи эди.

Танабой эгардан тушиб, йўрғани жиловдан ушлаганича етаклаб ҳовлига кирди, деразага яқинлашиб бориб, ойнани чертди.

— Ким у?— деган овоз чиқди ичкаридан.

— Бу мен, Бибижон, оч, эшитяпсанми, менман!

Уйда чироқ ёнди ва деразалар хира ёришди.

— Сизга нима бўлди? Бемаҳалда қаёқдан келяпсиз?— деб эшик олдида Бибижон пайдо бўлди. У ёқаси очиқ кўйлақда, қоп-қора сочлари елкасига тушган эди. Ундан баданнинг илиқ ҳиди ва нотаниш ўтнинг ғалати иси келарди.

— Кечир,— секин гапирди Танабой.— Оломон пойгадан кеч қайтдик. Чарчадим. Отнинг ҳам тинкаси қуриган. Уни қантариб қўйиш керак, ўзинг биласан, яйлов узоқ.

Бибижон индамади.

Унинг кўзлари ойдинда зилол сув тубида кўринган тошлар каби ялт этиб ёнди-ю, яна сўнди. Саман йўрға жувоннинг унга яқин келишини ва бўйнини силаб-сийпашини кутарди, лекин у бундай қилмади.

— Совуқ,— Бибижоннинг елкалари силкинди.— Нега турибсиз? Ундай бўлса кира қолинг. Уйлаб топганингизни қаранг-у,— деб секин кулди у.— Сиз бу ерда от устида типирчилаб турганингизда, мен ҳам бўларимча бўлдим. Болага ўхшайсиз.

— Мен ҳозир. Отни боғлай.

— Ҳув, анови ерга, девор ёнидаги бурчакка боғлаб қўя қолинг.

Хўжайиннинг қўллари ҳеч қачон бунчалик титрамаганди. У сувлуқни чиқаришга шошилар, айилларини дарров бўшата олмасди. Айилнинг бирини пича бўшатди, иккинчисини эса эздан чиқариб қолдирди.

У жувон билан бирга кетди, кўп ўтмай деразалардаги чироқ ўчди.

Бегона ҳовлида туриш саман отга ғалати туюларди.

Ой бутун ёғдусини сочарди. Гулсари девор оша қараб, осмонга бўй чўзган, оқимтир-кўкиш шуълага чайиб олинган тунги тоғларни кўрарди. У қулоқларини диккайтириб тингларди; ариқда сув шилдирарди. Узоқда далада ҳамон ўша трактор тириллар, боғларда эса ҳали ҳам ўша ёлғиз булбул хониш қиларди.

Қўшни ҳовлидаги олма дарахти бутуқларидан оппоқ гул япроқлари тўкилиб, отнинг калласи ва ёлига секин кўнарди.

Тун ёришиб борарди. Саман от танасининг оғирлигини гоҳ у оёғига, гоҳ бу оёғига солар, тик туриб хўжайинини сабр-тоқат билан кутар эди. Ҳали яна кўп марта тунларни тонгга улаб, бу ерда туришини билмасди у.

Танабой тонгга яқин уйдан чиқди, илиқ қўллари билан Гулсарининг оғзига сувлуқ сола бошлади. Энди унинг қўлларидан ҳам ўша нотаниш ўтнинг ғалати иси келарди.

Бибижон Танабойни кузатишга чиқди. Унинг пинжига суқилди, Танабой уни узоқ ўпди.

— Мўйловингизни санчиб олдингиз,— деб шивирлади у.— Илдам бўлинг, қаранг, тонг ёришиб қолди.— У кетмоқчи бўлиб ўгирилди.

— Биби, бу ёққа кел,— деб чақирди уни Танабой.— Менга қара, буни бир силаб-сийпаб қўй, эркала,— деб имо қилди у саман йўрғага қараб.— Бизни хафа қилма сен!

— Вой, эсимдан ҳам чиқибди-я,— жувон кулиб юборди.— Буни қаранг, устини олма гули қоплабди.— У ширин сўзларни айтиб туриб, юлдуз қашқали ўша тўриқ қунаннинг лаблари сингари ажойиб, силлиқ ва ёқимли қўллари билан онти силаб-сийпади.

Дарёдан ўтгач, хўжайини ўлан айта бошлади. Унинг қўшиғи остида қадам ташлаш Гулсарига ёқар, шунда яйловдаги уюрга тезроқ етиб олишга ошиқар эди.

Бу май кунларида Танабойнинг омади келди. Йилқиларни тунда боқиш навбати унга келганди. Саман йўрға учун янги ҳаёт бошланди. Кундузи у ўтлаб юрар, дам олар эди, тунда эса хўжайини йилқиларни пастқам ерга ҳайдаб, уни миниб, яна ўша ҳовли томон йўл оларди. Тонг ғира-ширасида улар орқага, гўё от ўғриларидек чўлнинг камқатнов сўқмоқларидан юришиб, пастқамликдаги отлар томон шошилишарди. Бу ерда хўжайини йилқиларни бир жойга йиғиб, қайта-қайта санаб чиқар, шундан кейингина кўнгли тинчир эди. Саман йўрғага қийин бўлди. Хўжайиннинг бир оёғи у ёқда, бир оёғи бу ёқда эди. Тунлари эса йўлсиз жойлардан чопиб юриш осон эмасди. Лекин хўжайиннинг иродаси, истаги шу эди.

Гулсарининг эрки ўзида бўлганида, уюрдан сира ажралмас эди. Унда айғирлик аломатлари пайдо бўлаётганди. Ҳозирча-ку тўдадаги айғир билан муроса қилиб келяпти. Лекин кунлар ўтган сари иккаласи ҳам битта бияга айланишиб, дам-бадам тўқнашадиган бўлиб боряпти. У бўйинини тик кўтариб, думини хода қилиб йилқилар олдида тез-тез ўзини кўрсатиб юрадиган бўлиб қолди. Қаттиқ кишнар, аччиғланар, бияларнинг сонидан аста тишлар эди. Бу эса уларга ёқса керак, уюр айғирларининг рашкини келтириб, Гулсарига суйкалишарди. Саман йўрға роса адабини ерди, қари айғир бешафқат ва уришқоқ эди. Лекин тун бўйи ҳовлида туришдан кўра, безовталаниб, айғирдан қочиб юриш яхши эди. Бу ерда — ҳовлида у бияларни соғинар, анчагача типирчилаб турар, ер тепинар, кейин ювошланиб қолар эди. Агар анови ҳодиса бўлмаганида, ким билади, бу тунги сафарлар қачонгача давом этарди...

Уша тунда саман йўрға уюрни қўмсаб, эгасини кутиб, одатдагидек ҳовлида турар ва бир оз мудрай бошлаганди ҳам. У том тўсинига қантарилиб қўйилганди. Бу ётишига йўл қўймасди: ҳар гал мудраб, боши тушиб кетганда, сувлуқ оғзига қаттиқ ботарди. Шундай бўлса ҳам уйқу босарди уни. Ҳаво вазминлашиб, қоп-қора булутлар осмонни қоплаб олганди.

Гулсари мудраб туриб, уйқу аралаш, гўё қандайдир бир куч тўсатдан дарахтларни қулатмоқчи бўлиб силкитаётганини, улар шовиллаб кетганини пайқаб қолди. Шамол гувиллаб, сигир соғадиган бўш челақни тарақлатиб ҳовлида юмалатиб, арқондаги кийим-кечакларни юлиб-юлқиб учириб кетарди. Лайча қаёққа яширинишини билмай

типирчилаб ғинший бошлади. Йўрға жаҳл билан пишқирди, қулоқларини диккайтириб қотиб қолди. У бошини девордан ошириб чўл томонга қаради, у ердан, зулмат ичидан қандайдир даҳшатли нарса гувиллаб яқинлашиб келаётган эди. Бир зумдан сўнг худди дарахт қулагандек тарақ-туруқлаб кетди. Момақалди роқ гулдуреди, чақмоқлар булутларни қайчилади. Шариллаб ёмғир қуйди. Саман йўрға қамчи егандек жиловини узмоқчи бўлди ва уюрни ўйлаб, даҳшатга тушиб, жон-жаҳди билан кишнаб юборди. Унда ўз уруғини хавфдан сақлашдек азалий савқи табиий уйғонган эди. От эс-хушини йўқотиб, сувлуқ, жилов, айил, жун арқондан — уни бу ерда маҳкам ушлаб турган ҳамма нарсадан қутулиш учун исён кўтарди. У ҳар қаёққа ташланиб, туёқлари билан ерни қазий бошлади ва йилқилар садосини эшитиш умидида тинимсиз кишнашга киришди. Аммо фақат бўронгина ҳуштак чолар ва увиллар эди. Оҳ, ўшанда боғлоқлик жойидан бўшай олганда эди у!..

Хўжайин ички оқ кўйлақда отилиб чиқди, унинг ортидан аёл кўринди, у ҳам оппоқ кўйлақда эди. Улар ёмғир остида бирпасда қорайиб кетишди. Чақмоқ уларнинг ҳўл юзлари ва қўрқув босган кўзларига нур сочиб, қоронғилиқдаги уйнинг бир қисмини, унинг шамолда очилиб-ёпилиб турган эшигини ҳам ёритди.

— Тўхта, тўхта!— деб чилвирни ечишга уриниб отга бақирди Танабой. Лекин от энди унга бўйсунмасди. Саман от хўжайинига йиртқичлардек ташланди, туёқлари билан деворни қулатди, у чилвирни узиш учун тинмай юлқинарди. Танабой деворга қапишиб, унинг ёнига писиб борди, қўллари билан бошини беркитиб, олдинга ташланди ва жиловга осилиб қолди.

— Тезроқ еч!— деб қичқирди у жувонга.

Аёл чилвирни ечган ҳам эдики, йўрға сапчиб, Танабойни ҳовли бўйлаб судраб кетди.

— Қамчини бер тезроқ!

Бибижон қамчини келтиргани югуриб кетди.

— Тўхта, тўхта, ўлдираман!— деб қичқирди Танабой отнинг тумшугига қамчи билан савалаб. У эгарда ўтириши, ҳозир йилқилар олдида бўлиши лозим эди. У ёқда нима бўлаётганикин? Довул отларни қаёқларга ҳайдаб кетдийкин? Лекин саман йўрға ҳам йилқилар олдида бўлиши керак эди. Ҳозирнинг ўзида — қудратли савқи чорлаётган хавф-хатарли дамларда тезда етиб бориши



лозим. Шунинг учун ҳам у кишнар ва осмонга сапчир, шунинг учун ҳам у бу ердан тезроқ кетишга шошилар эди.

Ёмғир эса челақлаб қуярди, чақмоқ чақиб, момақалди роқ гумбурлаб ерни ларзага келтирарди.

— Ушла!— деб буюрди Танабой Бибижонга. Жувон жиловини ушлаб олганида у эгарга сакради. У отнинг ёлидан ушлаб олиши билан, эгарга ўтиришга ҳали улгурмасданоқ Гулсари жувонни туртиб, ҳалқобга ағанатиб юборди-да, ҳовлидан отилиб чиқиб кетди.

Гулсари энди на сувлуққа, на қамчига, на овозга бўйсунар, табиий сезги билангина йўл топиб, бўронли тунда шатирлатиб ёғаётган жала остида учиб борарди. У энди ўз ҳукмини йўқотган хўжайинини сувнинг шовиллаши ва момақалди роқнинг гулдур-гулдури остида қайнаб-тошиб оқаётган сой ўртасидан, бутазорлар орасидан, сойликлар, жарликлардан олиб ўтди. У шиддат билан олға томон чопар эди. Гулсари ҳеч қачон: катта улоқда ҳам, оломон-пойгада ҳам ўша довулли кечадагидек чопмаган эди.

Қутурган саман уни қаёққа, қандай қилиб олиб кетаётганини Танабой билмасди. Ёмғир юзи ва баданларини куйдираётган кучли оловдек туюларди унга. Унинг миясини фақат биргина фикр ўяр эди: «Йилқиларга нима бўлдийкин? Отлар ҳозир қаерда экан? Темир йўл томонга қочиб кетишларидан худо асрасин. Поезд ҳалокати! Ўзинг паноҳингда сақла. Ўзинг қўллаб-қувватла, худо! Арвоҳлар, қайдасиз, ёрдам беринглар. Йиқилиб тушма, Гулсари, йиқилиб тушма. Чўлга олиб чиқ, ўша ёққа, йилқиларга олиб бор!»

Чўлда эса кўзни қамаштирадиган оқ ёлқин таратиб гоҳ у, гоҳ бу ерда чақмоқ чақнаб турарди. Сўнг атрофни қоронғилик қоплар, момақалди роқ гумбурлар, ёмғир аралаш шамол тинимсиз савалар эди. Гоҳ ёришар, гоҳ қоронғилашар, гоҳ ёришар, гоҳ қоронғилашар эди...

Йўрға осмонга сапчир, оғзини катта очиб кишнар эди. У чақирар, у чорлар, у излар, у кутарди. «Қайдасиз? Қайдасиз? Жавоб беринг!» Унга жавобан осмон гумбурлар, сўнг яна чопиш, яна излаш, яна бўрон қўйнига отиш...

Ҳаво гоҳ ёришар, гоҳ қоронғилашар, гоҳ ёришар, гоҳ қоронғилашар эди...

Бўрон фақат тонгга бориб тинди. Булутлар бирин-ке-

тин аста тарқалишди, лекин шарқда момақалди роқ ҳали ҳам тинмасди — осмон гумбурлар, қарсиллар, момақалди роқлар бир-бирига қўшилиб кетар эди. Эзилиб кетган ердан буғ кўтариларди.

Бир неча йилқичи тарқалиб кетган отларни тўплаб, теварак-атрофда изғиб юришарди.

Танабойни эса хотини излаб юрарди. Тўғрироғи, кутиб ўтирарди. У тундәёқ қўшнилари билан бирга отга миниб, эрига ёрдам бериш учун чопганди. Улар йилқиларни топишди, жарликда ушлаб қолишди. Лекин Танабой йўқ эди. Адашиб қолгандир деб ўйлашди. Аммо у эрининг адашмаганлигини биларди. Шунинг учун ҳам қўшнисининг ўғли: «Хув ана эрингиз, Жайдар опа... Хув ана келяпти!» деб қувониб қичқириб, у томон отини чоптириб кетаётганида, Жайдар жойидан ҳам қўзғалмади. Дайди эрининг қай аҳволда қайтиб келаётганлигига от устида жимгина қараб турарди.

Танабой бир туннинг ичида ориқлаб кетган саман от устида жиққа ҳўл ички кўйлақда, важоҳатли бир кўринишда жимгина қайтиб келарди, Гулсари ўнг оёғига оқсарди.

— Биз бўлсак сизни қидириб юрибмиз!— қувониб хабар қилди унинг олдига чопиб борган йигитча.— Жайдар опа энди ташвишлана бошлаганди...

Эҳ, болакай, болакай...

— Адашиб қолдим,— деб тўнғиллади Танабой.

Эр-хотин шу тарзда учрашишди. Бир-бирига ҳеч нарса дейишмади. Йигитча жарликдаги йилқиларни ҳайдаш учун узоқлашиб кетганидан кейингина хотини секин деди:

— Бу нимаси, ҳатто кийинишга ҳам улгурмабсиз, яхшиямки, иштонингиз билан этикларингиз бор. Уятмасми? Ахир энди ёш эмассиз-ку. Ана, болаларингиз яқинда улғайиб қолишади, сиз бўлсангиз...

Танабой миқ этмасди. Нима ҳам дер эди.

Бу орада йигитча йилқиларни ҳайдаб келди. Ҳамма отлар ва тойлар соғ-саломат эди.

— Уйга кетдик, Олтивой,— деб йигитчани чақирди Жайдар.— Бугун сизларнинг ҳам, бизларнинг ҳам бир дунё ишимиз бор. Шамол ўтовларимизни ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Юр, йиғиштириб олайлик.

Танабойга бўлса секин деди:

— Сиз шу ерда тура туринг. Сизга овқат, кийим-ке-

чак келтираман. Одамларнинг кўзига қандай кўринасиз бу аҳволда?

— Хув, анови ерда, пастда бўламан,— деб ишора қилди Танабой. Улар жўнаб қолишди. Танабой йилқиларни яйловга ҳайдаб кетди. Узоқ ҳайдади. Офтоб ёйилиб, кун илиди, чўл буғланиб жонланди. Ёмғир ва кўкатларнинг ҳиди анқий бошлади.

Отлар баланд-пастликлардан, жарликлардан шошилмай лўкиллаб, сайҳонликка чиқишди. Бу ерда Танабойнинг кўзи олдида гўё бошқа бир олам очилгандек бўлди. Узоқ-узоқларда уфқ оқ булутларга бурканганди. Осмон чексиз, баланд ва тип-тиниқ эди. Бу ердан жуда узоқда, чўлда поезд тутун таратиб борарди.

Танабой отдан тушиб, ўт-ўланлар устидан юриб кетди. Ёнгинасидан тўрғай «пир» этиб учди-да, баландга кўтарилиб, сайрай кетди. Танабой бошини қуйи солиб борарди, тўсатдан гурс этиб ўзини ерга ташлади.

Гулсари хўжайинини ҳеч қачон бундай аҳволда кўрмаганди. У юз тубан ётар, елкалари йиғидан қалт-қалт қиларди. У номус ва аламдан йиғларди. Шунингдек, умрида сўнги бор эришган бахтидан айрилганини ҳам биларди. Тўрғай бўлса ҳамон сайрарди...

Эртасига йилқилар тоғлар томон йўл олишди — энди улар бу ерларга фақат келгуси йил баҳорда қайтишлари керак эди. Кўчманчилар дарё бўйлаб овул яқинидаги сизот пичанзорлардан ўтиб боришарди. Қўй-қўзилар, сигирлар, йилқилар, юк ортилган туялар ва отлар эгарларида аёллар ва болалар ўтиб боришарди. Пахмоқ итлар чопишарди. Ҳавони ҳар хил овозлар: бақирриқлар, ниш-нашлар, маърашлар ларзага келтирар эди.

Танабой ўз йилқиларини кенг ўтлоқдан, кейин яқиндагина, байрамда халойиқнинг ғала-ғовури, шовқин-сурони ҳукм сурган тепалиқдан ҳайдаб борар ва овул томонга қарамасликка ҳаракат қиларди. Гулсари бир маҳал тўсатдан чеккадаги ҳовли томон қайрилганида, бу қилмиғи учун қамчи еди. Шундай қилиб, улар юлдуз қашқали ўша тўриқ қунакнинг лаблари синғари силлиқ ва меҳрибон қўлли аёлнинг ҳовлисига киришмади.

Йилқилар бараварига чопиб боришарди.

Саман йўрға хўжайиннинг ўлан айтишини истарди, лекин у мий этмасди. Овул ортда қолди. Хайр, овул. Олдинда тоғлар. Келгуси баҳоргача хайр, чўл. Олдинда тоғлар.

## VI

Тун яримлашиб қолганди. Бундан бу ёғига Гулсари ортиқ юра олмасди. У бу ерга, жарликка қадар неча марталаб тўхтаб-тўхтаб, бир амаллаб юриб келди, лекин жарликдан ўтишга энди мажоли етмасди. Отдан бундан ортиқ талаб қилиш мумкин эмаслигини кекса Танабой тушунди. Гулсари азобланиб инграр, одам каби инграр эди. У энди ёта бошлаганда, Танабой халақит бермади.

Совуқ ерда ётганида ҳам саман от калласини у ёқдан-бу ёққа тебратиб инграшдан тўхтамасди. У совуқ қотганди, бутун танаси қалтирарди. Танабой устидан пўстинини ечди ва уни отнинг белига ёпиб қўйди.

— Нима бўлди, ахволинг ёмонми? Жуда ёмонми? Совуқ қотибсан, Гулсари. Сен ҳеч қачон совуқ қотмас эдинг-а...

Танабой яна алланима деб ғулдиради, лекин саман йўрға энди ҳеч нарсани эшитмасди. Унинг юраги нақ қулоғининг остида ҳаллослаб, зарб билан гум-гуп, гум-гуп гум-гуп этиб урар — гўё йилқилар ўзларини таъқиб қилаётганларидан даҳшатга тушиб қочаётгандек туюлар эди.

Тоғлар ортидан ой кўтарилди ва туман ичида осмонда осилиб қолди... Юлдузлар товушсиз учар ва сўнар эди.

— Сен шу ерда ёта тур, мен бориб қуврай териб келай,— деди чол.

У бултурги қуруқ бурган ўтларни йиғиб, атрофда узоқ дайдиб юрди. Бир қучоғини тергунча қўлларини тиканлар тирнаб кетди. Кейин, ҳар эҳтимолга қарши, қўлида пичоқ тутиб жарликка тушди ва бу орада юлғунга дуч келди-ю, чинакам гулхан қиладиган бўлдик, деб қувониб кетди.

Гулсари яқинида ёнаётган оловдан доим қўрқарди. Ҳозир эса қўрқмади, ёнидан иссиқ ва дуд уриб турарди. Танабой қоп устида индамай ўтирар, гулханга гоҳ юлғун, гоҳ бурган ташлаб, оловдан кўз узмай, қўлларини иситарди. Баъзан ўрнидан туриб, от устига ташланган пўстинини тузатиб қўяр ва яна олов ёнига ўтирар эди.

Гулсари исиниб олди, қалтираши тўхтади, аммо кўз олди қоронғилашар, кўкраги қисилар, нафас олишга ҳаво етишмас эди. Шамолда олов гоҳ пасаяр, гоҳ кучаярди. Қаршисида ўтирган, узоқ вақтдан бери унинг хўжайини бўлиб келган чол эса гоҳ ғойиб бўлар, гоҳ пайдо бўлар-

ди. Алаҳсираётган саман отга гўё у эгаси билан бирга бўронли тунда чопиб бораётгандек, ўзи осмонга сапчиб кишнаётгандек, йилқиларни қидираётгандек, аммо улар топилмаётгандек туюларди. Оппоқ чақмоқлар ялт-юлт чақнаб ва ўчиб турганга ўхшарди.

Осмон гоҳ ёришар, гоҳ қоронғилашар, гоҳ ёришар, гоҳ қоронғилашар эди.

## VII

Қиш тугади. Энди, яшаш унчалик оғир эмаслигини чўпонларга кўрсатиш учун қиш вақтинча ўрнини баҳорга бўшатиб беради. Иссиқ кунлар келади, молларга жир битиб, эт олади, сут ва гўшт мўл-кўл бўлади, пойга ва байрамлар келади, оддий кунлар бошланади: қўзилатиш-қулунлатиш, жун қирқиш, ёш молни ўстириш, яйловдан яйловга кўчиш, гўшт комбинатига қўй-йилқиларни ҳайдаб бориш, бу ишлар орасида ҳар кимнинг ўз ташвиши — муҳаббат ва айрилиқ, туғилиш ва ўлим бор... Фарзандларнинг муваффақиятларидан одамлар ғурурланишади, уларнинг ҳақида интернатлардан нохуш хабарлар олганда: «ўзимнинг олдимда бўлганида, эҳтимол, яхшироқ ўқирмиди?» деб куйиб-пишишади. Нималар бўлмайди, дейсиз, ташвишлар бошингиздан ошади ва қишки азобуқубатлар вақтинча эсдан чиқади. «Ют» келади, моллар нобуд бўлади, ерлар яхмалак билан қопланади, йиртиқ, тешик ўтовлар ва муздек молхоналар келгуси йилгача сводкаларда ва ҳисоботларда қолиб кетади. Кейин яна қиш босиб келади — оқ туясида чопиб келади ва тоғда-ми, чўлдами, қаерда бўлмасин, чўпонни излаб топади ҳамда унга ўз ҳунарини кўрсатади. Вақтинча унутилган ҳамма нарсани эсга туширади у. Йигирманчи асрда ҳам қиш қишлигини қилади...

Ушанда ҳам худди шундай бўлган эди. Ориқлаб кетган моллар ва йилқилар тоғлардан тушишиб, чўлга ёйилиб кетишди. Баҳор. Қишдан омон чиқишди.

Уша баҳорда айғир Гулсари йилқилар орасида юрарди. Танабой энди уни камдан-кам эгарлар, унга раҳми келар, минавериш мумкин ҳам эмасди — қочириш мавсуми яқинлашиб қолган эди.

Гулсари яхши айғир бўладиганга ўхшарди. Жажжигина қулунларни худди отадек кузатиб юрарди. Она бия

алахлаб қолса, у қулуннинг бир ёққа думалаб кетишига, ёки йилқилардан ажралиб қолишига йўл қўймасди. Гулсарининг яна бир фазилати шу эдики, у отларни бекордан-бекорга безовта қилишларини ёқтирмасди, агар безовта қилаверишса, йилқиларни дарров узоқроққа ҳайдаб кетарди.

Уша йилнинг қишида колхозда ўзгаришлар бўлди. Янги раис юборишди. Жўра ишларни топширди-да, район касалхонасига ётди. Унинг юраги жуда заифлашиб қолганди. Танабой кўп марта дўстини кўргани бормоқчи бўлди-ю, аммо ишни ташлаб кетиб бўлармиди? Чўпон кўп болали онага ўхшайди — доим ташвишда бўлади, айниқса куз ва кўкламда ташвиши жуда кўп бўлади. Мол машина эмаски, мурватини бураб кетаверсанг. Шу тариқа Танабой район касалхонасига бора олмади. Энди унинг ёрдамчиси йўқ эди. Хотини ёрдамчи йилқибоқар ҳисобланарди — турмуш кечириш учун бир амаллаб пул топиш керак эди-да ахир: меҳнат кунига кам ҳақ тўланса ҳам, ҳар ҳолда бир меҳнат кунига қараганда икки меҳнат кунига кўпроқ ҳақ олинади-ку.

Лекин Жайдарнинг қўлида боласи бор эди. У қанақа ёрдамчи бўла оларди? Куну тун ўзи кўз-қулоқ бўлиб туриши керак эди. Танабой қўни-қўшнилари билан гаплашиб, ёрдамчи топгунича, Жўранинг касалхонадан чиқиб, овулга қайтганлиги ҳақида хабар келди. Шунда у хотини иккиси кейинчалик — тоғдан тушганларида уникига боришга қарор қилишди.

Водийга қайтиб туриб, янги жойга эндигина кўника бошлаганида, Танабой ҳалига қадар ҳаяжонсиз эслай олмайдиган воқеа юз берди...

Йўрға от донг чиқарса, оқибати унинг учун яхши ҳам бўлиши мумкин, ёмон ҳам. Теварак-атрофга унинг довуғи қанчалик кўп таралса, бошлиқлар унга шунча кўп кўз олайтиришади.

Уша кун Танабой эрталабдан отларни яйловга ҳайдади, ўзи эса овқатланиш учун уйига қайтди. Қизини тиззасига олиб, хотини билан оилавий ишлар ҳақида гаплашиб, чой ичиб ўтирарди.

Интернатдаги ўғлининг олдига, шу билан бирга бир йўла станцияга — чайқов бозорига ҳам бориш, болалари ва хотини учун у-бу кийим сотиб олиши керак эди.

— Ундай бўлса, Жайдар, йўргани эгарлай,— деди Танабой чойдан ҳўплаб.— Бўлмаса қайтиб келишга улгур-

майман. Охирги марта миниб бориб келаман, кейин унга тақилмайман.

— Майли, ўзингиз биласиз,— деб рози бўлди Жайдар.

Ташқарида отларнинг дупури эшитилди, кимдир улар томон келарди.

— Қара-чи,— деди Танабой хотинига.— Ким экан у? Хотини ташқарига чиқиб, қайтиб келди-да, ферма мудир Иброҳим билан бирга овулдан яна кимдир келганини айтди.

Танабой ўрнидан истар-истамас кўзғалди, қизини қўлига кўтариб ўтовдан чиқди. Гарчанд у йилқичилик фермасининг мудир Иброҳимни унча ёқтирмаса ҳам, меҳмонни кутиб олиш керак эди. Иброҳимни нима учун ёқтирмаслигини Танабойнинг ўзи ҳам билмасди. У бошқаларга қараганда хушмуомала эди, аммо шундай бўлса ҳам нима учундир субутсиз одамга ўхшарди. Энг ёмони шу эдики, ҳеч қандай иш билан шуғулланмасди, фақат ҳисоб-китоб олиб борарди. Фермада йилқичилик ишлари ўлда-жўлда эди; ҳар бир йилқибоқар ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Партия мажлисларида Танабой бу ҳақда неча бор гапирганди, ҳамма уни маъқуллар, Иброҳим ҳам қўшилиб, танқид учун миннатдорчилик билдирар, лекин кейин ҳамма нарса яна илгаригидек қолиб кетаверар эди. Яхшиямки, виждонли, ҳалол йилқибоқарлар танланган. Уларни Жўранинг ўзи танлаган эди.

Иброҳим эгардан тушиб, очиқ юз билан қулочини ёзди.

— Ассалому алайкум, хўжайин!— у ҳамма йилқибоқарларни «хўжайин» деб атарди.

— Ваалайкум ассалом!— деб вазмин жавоб берди Танабой келганларнинг қўлини олиб.

— Соғ-омонмисизлар? Отлар қалай, Танака, ўзингиз қалайсиз?— Иброҳим оғзи ўрганиб қолган саволларни ёғдирар, одатдаги табассумидан унинг семиз юзи ёйилиб кетган эди.

— Жойида.

— Худога шукур. Сиздан кўнглим тўқ.

— Ўтовга марҳамат.

Жайдар меҳмонлар учун янги кигиз тўшади, кигиз устига эса эчки терисидан қилинган пўстак ташлади. Унга ҳам Иброҳим илтифот қилди:

— Салом, Жайдар бойбича. Соғлигингиз қалай? Эрингизга яхши қараяпсизми?

— Салом, киринглар, бу ёққа ўтиринглар.

Ҳаммаси ўтиришди.

— Бизга қимиздан қўй,— деди хотинига Танабой.

Қимиз ичишди, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди.

— Ҳозир энг яхши иш — чорвачилик. Ҳеч бўлмаганда ёзда сут, гўшт бўлади-ку,— деб мулоҳаза қиларди Иброҳим.— Далачиликда ёки бошқа ишларда умуман ҳеч вақо йўқ. Шунинг учун ҳозир йилқилару, қўй-қўзилар ёнида бўлган маъқул. Тўғримасми, Жайдар бойбича?

Жайдар бош силкиди, Танабой бўлса индамади. Буни унинг ўзи ҳам биларди, чорвачиликни қадрлаш кераклигига ишора қилиш учун ҳар бир имкониятдан фойдаланадиган Иброҳимдан ҳам бундай гапни биринчи бор эшитаётгани йўқ эди. Танабойнинг унга: агар одамлар сут-гўштли иссиққина жойларга суқиладиган бўлса, бунинг ҳеч яхши томони йўқ, дегиси келди. Бошқалар-чи? Қачонгача одамлар бекорга ишлашади? Урушга қадар ахир шундаймиди? Кузда ҳар бир уйга икки-уч аравадан ғалла келтириларди. Энди-чи? Бирор ердан бирон нарса ундириш учун қоп кўтариб югуриб юришади. Ўзлари ғалла етиштириб, ўзлари нонсиз ўтиришади. Бу яхши эмас. Фақат мажлислару панд-насихатлар билан узоққа бориб бўлмайди. Қуруқ гап билан қорин тўймайди. Жўра одамларга уларнинг меҳнатлари эвазига яхши сўздан бўлак ҳеч нарса бера олмай келаётганлиги учун ҳам юрак касалига йўлиқди.

Аммо фикр-хаёлини банд этган бу масалаларни Иброҳимга гапириб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Танабой ҳозир гапни чўзишни истамасди ҳам. Буларни тезроқ кузатиш, ишларини тезроқ битириш учун йўргани эгарлаш — барвақтроқ қайтиш керак эди. Нега келишдийкин улар? Лекин сўраб-суриштириш ноқулай эди.

— Негадир сени таниёлмаяпман, иним,— деди ниҳоят Танабой Иброҳимнинг ҳамроҳи бўлган камгап ёш йигитга мурожаат қилиб.— Раҳматлик Абалаканинг ўғли-масмисан?

— Ҳа. Танака, мен ўшанинг ўғлиман.

— Ў, вақт қандай тез ўтяпти-я! Йилқиларни кўргани келдингми?

— Йўқ, биз...

— У мен билан бирга келди,— деб унинг сўзини бўлди Иброҳим.— Биз бу ерга бир иш билан келувдик. Кейинчалик гаплашармиз у ҳақда. Қимизингиз, Жайдар



бойбича, жуда ажойиб экан. Ҳидини қаранг, қандай ўткир. Яна бир коса қуйинг-чи.

Яна у-бу ҳақда гаплашиб ўтиришди. Танабойнинг дили кўнгилсиз бир нарсани сезиб турарди, лекин Иброҳимнинг бу ерга нима мақсадда келганлигига сира ақли етмасди. Ниҳоят Иброҳим чўнтагидан аллақандай бир қоғозни олди.

— Танака, биз сизнинг олдингизга мана шу иш билан, манови қоғоз билан келувдик. Ўқиб кўринг.

Танабой қоғозни олиб овоз чиқармай ҳижжалаб ўқирди, ўқирди-ю кўзларига ишонмасди. Йирик-йирик ҳарфлар билан қоғозга шундай деб ёзилганди:

«Фармойиш.

Йилқичи Бекасовга.

Саман йўрға Гулсари миниб юриш учун отхонага жўнатилсин.

Колхоз раиси (ажи-бужи имзо). 1950 йил, 5 март»

Кутилмаганда ишнинг бундай тус олишидан эсанкираб қолган Танабой индамай қоғозни тўрт буклади-да, гимнастёркасининг кўкрак чўнтагига солди ва кўзини ердан узмай узоқ ўтириб қолди. Бадани ёқимсиз жимирлаб кетди, кўнгли беҳузур бўла бошлади. Сирасини айтганда, кутилмаган, тасодифий ҳеч нарса йўқ эди. Ахир, у отларни вақти келганда ишлатиш, миниб юриш учун парвариш қияпти-да. Бу йиллар ичида у қанча-қанча отларни бригадаларга жўнатди. Лекин Гулсарини бериб юбориш! Йўқ, у ҳеч қачон бундай қилолмайди. Шунинг учун ҳам у саман йўрғани қандай қилиб олиб қолиш ҳақида зўр бериб ўйлар, ўйлаганда ҳам пухта ўйлаб иш қилиш керак эди. Ўзини босиши, вазмин бўлиши керак. Иброҳим безовталана бошлади.

— Мана шундай арзимаган иш билан сизнинг олдингизга келдик, Танака,— деди у ниҳоят эҳтиёткорлик билан.

— Маъқул, Иброҳим, — деб хотиржам боқди унга Танабой.— Иш бўлса қочиб кетмас. Яна қимиздан ичайлик, гаплашиб ўтирайлик.

— Ҳа, албатта, сиз ақлли одамсиз-ку, Танака.

«Ақлли! Сенинг авраб-алдашларингга учиб бўпман!»— деди ичида Танабой аччиқланиб.

Яна анчайин суҳбат бошланди. Энди шошилишнинг ҳожати йўқ эди.

Танабой колхознинг янги раиси билан илк бор шу тарзда тўқнашди. Тўғрироғи, шахсан ўзи билан эмас, балки унинг ажи-бужи имзоси билан. Унинг ўзини ҳали юзма-юз кўрмаганди. У Жўранинг ўрнига келганда Танабой тоғда қишлаган эди. Уни қаттиққўл одам, катта лавозимларда ишлаган, дейишарди. Биринчи йиғилишдаёқ ишёқмасларни қаттиқ жазолашни айтиб огоҳлантириб қўйган, меҳнат кўни минимумини бажармаганларни эса судга бераман, деб дўқ қилган, барча қийинчиликлар колхозларнинг майда хўжаликлардан иборат эканлиги туфайли юз бераётганлиги, энди эса улар йириклаштирилиб, тез орада аҳвол яхшиланишини, уни бу ерга шунинг учун ҳам юборишганини, у хўжаликни илғор агротехника ва зоотехниканинг барча қонун-қоидаларига мувофиқ олиб боришни — ўзининг асосий вазифаси қилиб олганлигини айтган эди. Бунинг учун эса ҳамма агротехника ва зоотехника тўғрақларида ўқишга мажбур эканлиги ҳам таъкидланиб ўтилганди.

Чиндан ҳам ўқишни бошлаб юборишди — плакатлар осиб қўйишди, лекциялар ўткази бошлашди. Агар чўпонлар лекциялар пайтида пинакка кетиб қолишаётган бўлса, бу энди уларнинг иши.

— Танака, биз жўнашимиз керак,— деди Иброҳим ниҳоят ва Танабойдан бир нарсани кутгандек унга қараб этикларининг сирғалиб тушган қўнжларини тортиб, тулки телпагини қоқиб, у ер-бу ерини тузата бошлади.

— Гап бундай, ферма мудир, раисга бориб айт: мен Гулсарини бермайман. У уюр айғир. Бияларга қўямиз.

— Вой-бўй, Танака, биз унинг ўрнига беш айғир берамиз, биронта бия ҳам қисир қолмайди. Шу ҳам гапми?— деб ажабланди Иброҳим. У иш ҳамирдан қил суғургандек осонгина ҳал бўлаётганидан хурсанд эди, бирдан... Эҳ, Танабойнинг ўрнида бошқа бирон киши бўлганида-ку, гапни қисқа қилган бўларди-я! Аммо Танабой Танабойлигини қилади-да, у ўзининг акасини ҳам аямаган, буни унутмаслик керак. Эҳтиётлик билан иш тутмаса бўлмайди.

— Менга сизнинг беш айғирингиз керак эмас!— деди-да, Танабой терлаб кетган пешонасини артди ва бир оз индамай тургач, очикчасига гаплашишга қарор қилди.— Нима, раисингга минишга от топилмадимиз? Отхонада отлар қуриб кетибдими? Нега энди бошқа от эмас, Гулсари керак бўлиб қолди?

— Нега бундай дейсиз, Танака? Раис — бизнинг раҳбаримиз, демак, уни ҳурмат қилиш керак. Ахир у районга боради, унинг олдига ҳам одамлар келиб туришади. Раис халқ орасида юради, хўш, айтайлик...

— Нима, хўш? Бошқа отни минса одамлар уни менсмай қўйишадими? Ёки раҳбар бўлса албатта йўрға от миниши керакми?

— Албаттами, албатта эмасми, аммо шундай бўлиши керак. Мана сиз, Танака, урушда солдат бўлгансиз. Сиз енгил машинада, генералингиз юк машинасида юрганми, ахир? Йўқ, албатта. Генералга — генераллигига муносиби, солдатга эса — солдатлигига ярашаси. Тўғрими?

— Унинг йўриғи бошқа,— деди Танабой эътироз билдириб, лекин нега йўриғи бошқа эканлигини тушунтириб ўтирмади, очигини айтганда, тушунтира олмасди ҳам. У саман йўрға бўйнига тушган сиртмоқ тортилаётанини сезиб, жаҳл билан гапирди:— Бермайман. Агар маъқул кўрмаётган бўлсаларинг, йилқибоқарликдан олиб ташланглар. Темирчилик устахонасига бораман. У ерда сизлар мендан болгани тортиб ололмайсизлар.

— Нега бундай дейсиз, Танака! Биз сизни ҳурмат қиламиз, қадрлаймиз. Сиз бўлсангиз худди ёш боланинг гапини қиляпсиз. Ахир шу сизга муносибми?— деб Иброҳим ўтирган жойида типирчилаб қолди. Иш пачава бўлди шекилли. Ўзи ваъда берганди, ўзи маслаҳат қилганди, ўзи «тўғрилайман» деб мақтанувди, манови қайсар нусха бўлса ҳамма ишни барбод қилмоқчи.

Иброҳим чуқур хўрсинди-да, Жайдарга мурожаат қилди:

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, Жайдар бойбича, битта от нима бўпти, майли, йўрға бўлса ҳам? Уюрда қанақа отлар йўқ дейсиз — истаганингизни танлаб олинг. Атайлаб шунинг учун олдингизга одам юборишган бўлса...

— Сен нега бунча жон койитяпсан ўзи?— деб сўради Жайдар.

Иброҳим ҳайрон бўлиб тутилиб қолди:

— Бўлмасам-чи? Тартиб-интизом. Менга топширишди, мен кичик одамман. Ўзим учун эмас ахир. Мен эшакда ҳам юравераман. Мана, сўранг, Абалаканинг ўғлини юборишди йўрға отни миниб кел, деб.

У индамай бош силкитди.

— Яхши иш бўлмаяпти,— деб давом этди Иброҳим.— Уни бизга раис қилиб юборишди. У бизнинг меҳмонимиз,

биз бутун овул бир бўлиб отни бермасак, халқ нима дейди? Қирғизлар қачон шундай қилган?

— Хўп яхши,— деб жавоб берди Танабой.— Овулдошлар билсин, майли. Мен Жўранинг олдига бораман. У бир ёқлик қилсин бу масалани.

— Жўра берма, дейди, деб ўйлайсизми? У билан келишилган. Фақат уни уялтириб қўясиз. Қасддан бўйинтоблик бўлиб кўриниши мумкин. Янги раисни тан олмасак, эскисига арз қилгани борсак. Жўра касал одам бўлса. Унинг раис билан муносабатини бузишнинг нима ҳожати бор? Жўра партия ташкилотчиси бўлади, у раис билан бирга ишлаши керак. Халақит беришнинг нима кераги бор уларга...

Жўра ҳақида сўз кетганида Танабой индамай қолди. Ҳамма жим бўлди. Жайдар оғир хўрсинди.

— Беринг,— деди у эрига,— одамларни тутиб турманг.

— Мана бу ақлли гап, аллақачон шундай қилиш керак эди. Раҳмат сизга, Жайдар бойбича.

Иброҳим бекорга қайта-қайта миннатдорчилик билдирмаганди янги раисга. Шундан кейин унча кўп вақт ўтмаёқ у ферма мудирлигидан чорвачилик бўйича раис муовинлигига кўтарилди...

\* \* \*

Танабой эгар устида ерга тикилиб ўтирарди, қарамаса ҳам ҳамма нарсани кўриб турарди. Гулсари қандай тутилгани ва унга қандай қилиб янги нўхта урилганини (ўзиникини Танабой сира ҳам бермаган бўларди) кўриб турарди, Гулсарининг уюрдан кетгиси келмаётганини, Абалаканинг ўғли тутиб турган жиловдан қутулиш учун ҳар томонга ташланаётганини, Иброҳим гоҳ у ёнидан, гоҳ бу ёнидан от чоптириб келиб, қамчи билан қулочкашлаб савалаётганини кўриб турарди. У йўрға отнинг кўзларини, бу кўзлар саросимага тушиб, нотаниш кишилар уни биялар ва қулунлардан, ўз хўжайинидан айириб қаёққа ва нега олиб кетаётганликларини тушунмаётганини, кишнаганида унинг очиқ оғзидан отилиб чиққан буғни, ёлини, белини, сағрисини, бел ва биқинларидаги қамчи изларини кўриб турарди, бутун бастини, ҳатто олдинги ўнг оёғининг тўпиғидан юқорисидаги кичикроқ ғуррани ҳам кўриб турарди, унинг оёқ ташлашларини, туёқ изларини, оч-сар-

ғиш тўриқ жунларининг сўнги қилигача — ҳаммасини кўриб турар ва лабларини тишлаб индамай изтироб чекар эди у. У бошини кўтарганида Гулсарини олиб кетаётганлар тепалик орқасида кўздан ғойиб бўлишган эди. Танабой инграб юборди-да, уларнинг ортидан отини чоптириб кетди.

— Тўхтаг, қайтара кўрманг!— деди Жайдар ва ўтовдан югуриб чиқди.

Чопиб кетаётиб бирдан унинг хаёлидан, хотиним анови тунлардаги қилмишларим учун саман йўрғадан қасос оляпти, деган даҳшатли тахмин ўтди. У отини тўсатдан кескин буриб, қамчи билан савалаб орқасига қайтарди. Ўтов ёнида отни шартта тўхтатди-да, сакраб тушди ва юзи буришган, ранги қув ўчган, даҳшатли бир қиёфада хотинининг олдига чопиб борди:

— Сен нима учун бериб юбор, дединг!— деб пичирлади у хотинига тик боқиб.

— Ўзингизни босинг! Қўлингизни туширинг,— деди хотини ва ҳар доимгидек хотиржамлик билан эрини ҳовуридан тушириб қўйди.— Гапимга қулоқ солинг. Гулсари ахир сизнинг хусусий отингизми? Шахсий отингизми? Ўзингизга тегишли нимангиз бор сизнинг. Биздаги ҳамма нарса колхозники. Шу билан тирикмиз. Саман йўрға ҳам колхозники. Раис эса — колхознинг хўжайини: нима деса шу бўлади. Энди анув аёл тўғрисида эса кўнглингизга ҳеч нарса келмасин, истасангиз, ҳозир ҳам кетишингиз мумкин. Кетаверинг. У мenden яхшироқ, чиройлироқ, ёшроқ. Яхши аёл. Мен ҳам бева қолишим мумкин эди, лекин сиз қайтиб келдингиз. Қанча кутдим сизни! Майли, бу тўғрида гапириб ўтирмайлик ҳам. Сизнинг уч бодангиз бор. Уларни нима қиласиз? Кейинчалик нима дейсиз уларга? Улар нима дейишади? Мен нима дейман уларга? Ўзингиз ҳал қилинг...

Танабой чўлга чиқиб кетди. Йилқилар олдида кечга қадар қолиб кетди. У ҳамон ўзини босиб ололмасди. Йилқилар етим бўлиб қолишди Танабойнинг қалби бўмбўш бўлиб қолди. Йўрға ўзи билан бирга унинг қалбини олиб кетди. Ҳаммасини олиб кетди. Ҳамма нарса ўзгаргандек. Қуёш ҳам бўлакча, осмон ҳам бўлакча, ўзи ҳам илгариги Танабой эмасдек эди.

У қоронғи тушганда қайтди. Ўтовга индамай, қоп-қорайиб кириб келди. Қизлари ухлаб қолишганди. Ўчоқда олов ёнарди. Хотини қўлига сув қуйди.

— Емайман,— деб рад қилди Танабой. Сўнг яна шундай деб қўшимча қилди:— Чанговузни ол: «Она туянинг бўзлашини» чолиб бер.

Жайдар чанговузни олди, уни лабларига тутди, бармоғини ингичкагина пўлат «тил»га тегизди, унга пуфлади, сўнг нафасини ичига тортди. Кўчманчиларнинг қадимий куйи қуйилиб оқа бошлади. Оқ бўталоғини йўқотган она туя ҳақида қўшиқ. У чўлу даштларда узоқ кунлар югуриб-елиб юради. Бўталоғини чақиради, қидиради. Энди уни оқшомлари жарлик ёқалаб, эрталаб ялангликларда ўз орқасидан эргаштириб юра олмаслигидан, бутуқлардан барглари биргаликда териб ея олмаслигидан, кўчма қумлар устида югура олмаслигидан, баҳор пайтида дала-ларни бирга кеза олмаслигидан, уни эркалаб, ийиб эмиза олмаслигидан зорланарди. Қайдасан, қора кўз бўталоғим? Жавоб бер! Елинимдан, тирсиллаб турган елинимдан тизиллаб сут оқяпти ва оёқларимдан сирғалиб тушяпти. Қайдасан? Жавоб бер! Елинимдан, тирсиллаб турган елинимдан тизиллаб сут оқяпти. Оппоқ сут...

Жайдар чанговузни яхши чолларди. Танабой уни қизлик вақтида шунинг учун севиб қолганди.

Танабой бошини қуйи солиб тингларди ва бошини кўтариб қарамаса ҳам, яна ҳамма нарсани кўриб турарди. Хотинининг кўп йиллик меҳнатдан, иссиғу совуқдан дағаллашиб кетган қўлларини, оппоқ оқарган сочларини, бўйнида, лаблари ва кўзларининг атрофларида пайдо бўлган ажинларни — ҳаммасини кўриб турарди. Бу ажинлар ортида ўтиб кетган ёшлик — сочлари елкасига тушиб турган сариқмағиз қизча ва унинг ўзи — Танабойнинг ўша кезлардаги ёш йигитлик даври ҳамда улар иккаласининг ўша йиллардаги самимий яқинлиги кўзга кўриниб кетарди. Ҳозир хотини унинг шу ерда эканлигини сезмаётганлигини Танабой яхши биларди. Жайдар ўз куйига, ўз хаёлларига фарқ бўлган эди. Худди шу дамда у яна ўз кулфатлари ва азоб-уқубатларининг ярмини хотинининг ҳаётида, тақдирида кўрарди. Ҳа, бу кулфат ва уқубатлари Жайдар ўз устига олган эди...

...Она туя қанча кунлардан буён елиб-югуриб ўз боласини қидиради, чақиради. Қайдасан, қора кўз бўталоғим? Елинимдан, тирсиллаб турган елинимдан тизиллаб сут оқяпти ва оёқларимдан оқиб тушяпти. Қайдасан? Жавоб бер! Елинимдан, тирсиллаб турган елинимдан тизиллаб сут оқяпти. Оппоқ сут...

Қизлар бир-бирларини қучоқлаб ухлаб ётишарди. Утов ортида эса тун қоронғилигида бепоён чўл, кўз илғамас чўл ястаниб ётарди.

Шу пайтда Гулсари отхонада тўс-тўполон қилаётган, отбоқарларга уйқу бермаётган эди. У отхонага — отлар қамоқхонасига биринчи тушиши эди.

## VIII

Кунлардан бирида Танабой эрталаб йилқилар орасида ўз саман йўрғасини кўриб қолиб, қувончи ичига сиғмай кетди. У, нўхталаб қўйилган арқонини узиб қочган бўлиб, устида эгари ҳам бор эди.

— Гулсари, Гулсари, омонмисан?— Танабой кўлида сиртмоғи билан югуриб борди ва яқинлашиб бориб, уни бегона юганда, оғир узангили кўпол бегона эгар остида кўрди. Уни айниқса эгар устидаги қалин духоба кўпчиқ ғазабга келтирди, гўё отни эркак киши эмас, балки семиз думбали хотин миниб юргандек эди.

— Туф!— деди Танабой ва ғазабланганидан туфлаб юборди. Отни тутмоқчи, унинг устидаги мана бу бемаъни абзал-анжомларнинг ҳаммасини улоқтириб ташламоқчи бўлди, лекин Гулсари тутқич бермай қочиб кетди. Саман йўрғанинг ҳозир Танабой билан иши йўқ эди: у бияларга айланишарди. Йўрға уларни шу қадар соғинган эдики, собиқ хўжайинини ҳатто пайқаманган ҳам эди.

«Демак, охир қочиб келибсан-да, тизгинни узибсан-да. Балли! Қани, чоп, ўйнаб қол, ўйнаб қол, майли, мен уларга айтмайман»— деб ўйлади Танабой ва йилқиларнинг бир оз чопиб юришига эрк беришга қарор қилди. Майли, орқасидан одамлар қувиб келишмагунча, Гулсари ўз уйидагидек қузнаб юра берсин.

— Ҳайт-ҳайт-ҳайт!— деб қичқирди Танабой, узангига оёқ тираб ва сиртмоқни ҳавода ўйнатиб йилқиларни ҳайдади.

Биялар қулунларини чақириб қўзғалишди, байталлар ўйноқлаб чопиб кетишди. Шамол уларнинг ёлларини ўйнарди. Кўкатлар билан қопланаётган ер қуёш нури остида яшнарди. Гулсари сесканиб тушди, сўнг қаддини ростлаб олди-да, гердайиб чопиб кетди. У уюр олдига тушиб олди ва янги айғирни уюрдан қувиб чиқарди-да, орқага ҳайдаб юборди, ўзи бўлса пишқириб, уюр олдида

ўзини кўз-кўз қилиб ўйноқлаб, йилқиларнинг гоҳ у ён бошига, гоҳ бу ёнбошига чопиб ўта бошлади. Уюрнинг ҳиди — биялар сутининг ҳиди, дашт шамолининг ҳиди унинг бошини айлантирарди. Устида бемаъни духоба ёс-тиқли бесўнақай эгарнинг борлиги, зилдек узангиларнинг биқинларига урилаётганлиги билан унинг иши йўқ эди. У кеча гувиллаб ўтаётган юк машиналаридан ҳуркиб, райондаги қатор от қозиқларнинг бирида сувлуғини чайнаб турганлигини унутганди. Кейин эса бадбўй ароқхона ёнидаги кўлмақда тургани ва янги хўжайини ўз улфатлари билан чиққани, уларнинг ҳаммасидан бадбўй ҳид бурқсиб таралганлигини ҳам унутган эди. Янги хўжайини пишиллаб, кекира-кекира унга минганди. Йўлда улар лой кечишиб, бемаъни пойга уюштирганларини, янги хўжайинни қандай суриб олиб кетганлигини ва у эгар устида бесўнақай лўкиллаб борганлигини, кейин эса юганни қаттиқ тортиб, унинг бошига қамчи тушира бошлаганини ҳам ҳозир у унутган эди.

Ҳаммасини унутганди саман йўрға, ҳаммасини. Уюрнинг ҳиди — биялар сутининг ҳиди, қулунлар ҳиди, дашт шамолининг ҳиди унинг бошини айлантирарди... Саман йўрға чопиб юрарди — орқасидан қувиб келаётганларни тасаввур этмагани ҳолда елиб-чошиб юрарди.

Танабой йилқиларни аввалги жойига қайтарган эди ҳамки, овулдан икки отбоқар келиб қолди. Улар Гулсарини уюрдан олиб кетишди.

Лекин кўп ўтмай Гулсари яна пайдо бўлиб қолди. Бу гал нўхтаси ҳам, эгари ҳам йўқ эди унинг. У бир амаллаб юганини бошидан чиқариб, тунда отхонадан қочганди. Танабой аввал кулиб юборди, сўнг жимиб қолди ва ўйлаб туриб, йўрғанинг бўйнига сиртмоқ ташлади, ўзи тутди, ўзи жиловлаб, овулга етаклаб кетди. Қўшни яйловдаги ёш йилқибоқардан йўрғани орқадан ҳайдаб боришни илтимос қилмоқчи бўлди. Ярим йўлда қочоқ йўрға от кетидан келаётган отбоқарларни учратди. Гулсарини уларга топшира туриб, Танабой ҳатто пўнғиллаб ҳам кўйди:

— Нима, у ёқда нуқул қўлсизлар тўпланганмисизлар? Наҳотки раиснинг отига тузукроқ қарай олмайсизлар... Қаттиқроқ боғланглар уни...

Гулсари учинчи марта қочиб келганида, Танабойнинг ҳазилакамига жаҳли чиқмади:

— Нима қилипсан, аҳмоқ! Қайси жин сени бу ёққа бошлаб келяпти? Аҳмоқсан-да, аҳмоқ! — деб сўкинарди



у сиртмоқ билан саман йўрғанинг кетидан қувиб. Яна уни қайтариб олиб бориб берди ва тағин отбоқарларни койиди.

Лекин Гулсари ақлли бўлишни ҳаёлига ҳам келтирмасди, ҳар гал қулай пайтдан фойдаланиб қочиб келарди. Отбоқарларнинг ҳам жонига тегди, Танабойнинг ҳам...

...Уша куни Танабой кеч ётди — яйловдан кеч қайтган эди. Ҳар эҳтимолга қарши, йилқиларни ўтовга яқин ҳайдаб келтириб қўйди-да, ухлаб қолди, уйқуси нотинч бўлди. Кун бўйи чарчаганди. Қанақадир ғалати бир туш кўрди: у яна урушда юрибдимишми, ё қаердадир қушхонадами, англаш қийин эмиш... Ҳамма ёқ қон, қўллари ҳам ёпишқоқ қон эмиш. Тушга кирган қон яхшиликка бўлмайди, деб ўйлармиш у тушида. Қўлларини бирон ерда ювиб олмоқчи бўлармиш. Уни бўлса итариб ташлашармиш, мазах қилиб кулишармиш, қаҳ-қаҳ уришармиш, чинқиришармиш. Танабой эса уларнинг кимлигини билмасмиш. Бир киши унга: «Танабой, қўлингни қонга ювяпсан, қонга. Бу ерда сув йўқ, Танабой, бу ерда ҳамма ёқ қон! Ҳа-ҳа-ҳа, хо-хо-хо, хи-хи-хи!...» — деб кулармиш...

— Танабой, Танабой! — деб елкасидан силкирди хотини. — Туринг ўрнингиздан.

— А, нима?

— Эшитяпсизми, уюрда бир нарса бўлаётганга ўхшайди. Айғирлар уришяпти. Эҳтимол, тағин Гулсари қочиб келгандир.

— Падарига лаънат унинг! Тиним бермади, — деди Танабой ва тезгина кийиниб, сиртмоқни олди ва аллақандай тўс-тўполон бўлаётган пастқамликка қараб чопиб кетди. Тонг ёришиб қолганди.

Чопиб келиб Гулсарини кўрди. Лекин буниси нима? Оёқларига темир кишанлар солинган йўрға ҳаққалаб юрарди. Кишанлар жарангларди, у гир айланарди, оёқларини осмонга кўтарарди, инграрди, кишнарди. Манови ландавур — уюр айғири бўлса уни бекордан-бекорга тепиб тишлар эди.

— Ҳаҳ бераҳм! — Танабой елдек учиб бориб, ландавурни шундай урдик, сиртмоқнинг банди синиб кетди. Ҳайдаб юборди. Танабойнинг кўзларига ёш келди. — Сени нима қилишибди-я? Ким оёғингга кишан солди-а! Нега бу ёққа судралиб келдинг, бадбахт, тентак?...

«Буни қара-ю— шундай узоқ жойдан, дарёдан сойлик ва дўнгликлардан бу ергача кишанда ҳақкалаб келибди, йилқиларга ахир етиб олибди. Тун бўйи, эҳтимол, сакраб-сакраб юриб келгандир. Сургундан қочган маҳбус-дек якка ўзи кишанни жаранг-журунг қилиб йўл юрган-дир...»

«Қойил-э!»— бошини чайқади Танабой. Саман йўрғани силаб-сийпай бошлади, юзини унинг лабларига тутди. У бўлса секин-аста лабини қимирлатар, кўзларини юмар эди.

— Нима қиламиз энди, а? Бу қилиғингни ташласанг бўларди, Гулсари. Охири ёмон бўлади. Тентаксан, тентак. Ҳеч нарсани билмайсан...

Танабой саман йўрғани кўздан кечириб чиқди. Тишланган ерлари битиб кетиши мумкин. Аммо кишан оёғини қаттиқ шилиб юборибди. Тўпикларидан қон оқмоқда эди унинг. Кишанга қопланган кигизга куя тушиб чириб кетган экан. Сувдан ҳақкалаб ўтганида кигиз тушиб кетиб, темири очилиб қолибди. Ана шу унинг оёқларини қонга белабди. «Даққионусдан қолган бу кишанни ҳойнаҳой Иброҳим чоллардан олган бўлса керак. Бу унинг иши»— деб ўйлади Танабой ғазаб билан. Кимники бўларди бўлмаса? Кишан — эскилардан қолган. Ҳар бир кишаннинг махсус қулфи бўлади, калитсиз оча олмайсан. Илгарилари от ўғрилари отларни яйловлардан ҳайдаб кетиб қолмасликлари учун энг яхши отларнинг оёқларини кишанлаб қўйишарди. Оддий арқон тушовни пичоқ билан кессанг — бас, кишанланган отни эса олиб кета олмайсан. Аммо бундай воқеалар қачонлардир бўларди, ҳозир эса кишан камёб нарса бўлиб қолганди. Утмишдан хотира сифатида биронта чолда сақланиб қолган чиқар... Лекин, бунисига нима дейиш мумкин, ҳойнаҳой, кимдир маслаҳат берган. Овул яйловидан узоққа кетиб қолмаслиги учун саман йўрғани кишанлаб қўйишибди. У бўлса бари бир қочиб келибди...

Бутун оила бир бўлиб Гулсарининг оёғидан кишанни ечиб олишди. Жайдар жиловидан ушлаб, йўрғанинг кўзини беркитиб турди, қизлари атрофда ўйнаб юришарди. Танабой бўлса, ҳамма асбобларни келтириб, қулфни очишга калит танлаш билан овора бўлиб, терлаб-пишиб кетганди. Темирчилик малакаси, уқуви яраб қолди. Узоқ пишиллаб уринди, қўллари шилиниб кетди, лекин бари бир йўлини топиб очди.

Кишанни улоқтириб юборди. Йўрғанинг оёқларидаги қон оқаётган жойларига малҳам қўйди. Жайдар уни отқозикқа боғлагани олиб кетди. Катта қизи синглисини орқасига опичиб олиб, улар ҳам ўтовга йўл олишди.

Танабой бўлса ҳамон ҳансираб, пишиллаб ўтирарди, у қаттиқ чарчаганди. Кейин асбобларни йиғиштириб, ердан кишанни олди. Қайтариб бериш керак, бўлмаса яна жавоб беришга тўғри келиб қолар. Занглаган кишанни тамоша қила туриб, устанинг ишига қойил қолди. Жуда пухта ишланган. Кекса қирғиз темирчиларининг иши. Ҳа, бу ҳунар энди йўқолган, умрбод унутилган эди. Кишанлар энди керакмасди. Аммо бошқа буюмларнинг йўқолганига афсусланасан, киши. Кумушдан, мисдан, ёғочдан, теридан қандай безаклар, қандай асбоб-анжомлар ясашарди! Қиммат ҳам эмасди, лекин чиройли буюмлар эди. Ҳар бирининг ўзига хос чиройи бор эди. Энди бунақалар йўқ. Энди ҳамма нарсани: кружкалар, лаганлар, қошиқлар, зираклар ва тоғорачаларни алюминдан ясашади — қаёққа борсанг, ҳамма ерда бир хил нарса. Жонингга тегиб кетади. Эгарсоз усталарнинг ҳам энг охиргилари қолди. Қанақа эгарлар қила билишарди-я! Ҳар бир эгар ўз тарихига эга эди: ким, қачон, ким учун ишланган ва меҳнати қандай тақдирланган. Яқинда ҳамма худди у ёқда, Европадагидек, машинада юрадиган бўлса керак. Ҳаммасиники бир хил машина, фақат номерларидан ажратасан холос. Боболар ҳунарини эса унутиб юборяпмиз. Қадимий қўл ҳунарини йўқотдик, ҳолбуки, инсон қалби ҳам, кўзи ҳам қўлларда...

Гоҳо Танабойни шундай хаёллар чулғаб оларди. Халқ ҳунари ҳақидаги мулоҳазаларга берилиб кетарди, унинг йўқолиб бораётганлиги учун кимни айблашни билмай куйиб-пишар, ғазабланар эди. Ҳолбуки, унинг ўзи ҳам ёшлигида қадимдан мерос қолган нарсаларнинг душмани бўлган эди. Бир куни ҳатто комсомол йиғилишида ўтовларни тугатиш ҳақида нутқ ҳам сўзлаганди. Кимдандир ўтовлар йўқотилиши кераклигини, ўтов инқилобдан олдинги турар жой эканлигини эшитганди. «Битсин ўтов! Эскичасига яшашни бас қилайлик!»

Ўтовни ҳам «қулоқ қилишди». Уйлар қура бошлашди, ўтовлар эса синдириб ташланди. Кигизларни ҳам қирқиб, ҳар хил нарсаларга ишлатишди, ёғочлари — керага ва чанғароқлари эса ҳовли деворларига, мол кўраларига ишлатилди, ўтин қилинди.

Кейин маълум бўлишича, узоқ яйловларда ўтовларсиз чорвачилик қилиб бўлмас экан. Танабой бундай сўзларни айтишга оғзи қандай борганлигига, кўчма чорвачилик учун ҳали ўтовдан дурустроқ бошқа ҳеч нарса ўйлаб топилмаганлигига қарамай, уни нега қоралаганига энди ўзи ҳам ҳайрон қоларди. Ҳар бир кичик бўлаги аждодларнинг асрий тажрибасидан ўтган ўтов ўз халқининг ажойиб кашфиёти эканлигини у нега кўра олмаган экан?

У энди қари Тўрғайдан қолган илма-тешик, ис босган ўтовда яшарди. Ўтов жуда эски эди, фақат Жайдар бениҳоя сабр-тоқатли бўлгани учунгина ундан фойдаланиб келаётган эдилар. У бир неча кунлаб ўтовни ямаб-ясқар, яшаб бўлар ҳолга келтирар, бир-икки ҳафтадан сўнг эса чирик кигиз яна ситилиб кетар, яна тешиклар кўриниб қолар, ғувиллаб шамол кирар, қор кирар, ёмғир ўтар эди. Тағин Жайдар уни тикиш-ямашга киришарди, бу ишининг поёни кўринмасди.

— Қачонгача азоб чекамиз?— деб зорланарди у.— Қаранг, кигиз эмас бу — кукун, қумдек тўкилиб кетяпти. Керагаси билан увоқлари нимага ўхшаб қолди! Айтгани уяласан. Илтимос қилинг, талаб этинг, лоақал янги кигиз беришсин. Шу уйнинг эгасимисиз ёки йўқми? Ахир биз ҳам одамга ўхшаб яшашимиз керак-ку...

Танабой авваллари уни юпатиб, ваъда қилиб юрди. Овулда ўзига янги ўтов тикиб беришлари зарурлиги ҳақида оғиз очганида эса, кекса усталар аллақачонлар ўлиб кетишган, ёшлар бўлса ўтовни қандай яшаш тўғрисида тасаввурга ҳам эга эмаслиги маълум бўлиб қолди. Ўтов учун колхозда кигиз ҳам йўқ эди.

— Бўлмаса жун беринглар, ўзимиз кигиз бостириб оламиз,— деб илтимос қилди Танабой.

— Қанақа жун,— дейишди унга.— Сен нима, осмондан тушдингми? Жуннинг ҳаммаси план бўйича сотиляпти, хўжаликда бир грамм ҳам қолдириш мумкин эмас...— Сўнг ўтов ўрнига брезенг чодирни таклиф қилишди.

Жайдар қатъий рад этди:

— Чодирда яшагандан кўра йиртиқ-ямоқ ўтовда яшган яхшироқ.

Кўпгина чорвадорлар бу вақтда чодирларга кўчиб ўтишга мажбур бўлишганди. Аммо бу ўзи қанақа турар жой? На туриб юра оласан, на ўтира оласан, на олов

ёқиб бўлади? Ёзда ҳаддан ташқари исиб кетади, қишда эса совуғига ит ҳам чидай олмайди. На буюмларни жойлаштира оласан, на ўчоқ қура оласан, на чиройлироқ қилиб безата оласан. Меҳмонлар келиб қолса қаёққа ўтқазингни билмайсан.

— Йўқ, йўқ!— деб бош тортди Жайдар.— Нима қилсангиз қилинг-у, лекин мен чодирда яшамайман. Чодир бўйдоқлар учун, у ҳам бўлса вақтинчаликка, бизнинг эса бола-чақамиз бор. Уларни чўмилтириш керак, тарбиялаш керак, йўқ, чодирда турмайман.

Бир кунни Танабой Жўрани учратиб қолди ва бу ҳақда унга ҳаммасини гапириб берди.

— Бу ёғи нима бўлади, раис?

Жўра ғамгин бош чайқади:

— Бу ҳақда биз иккимиз ўз вақтида ўйлашимиз керак эди. Юқоридаги раҳбарларимиз ҳам. Ҳозир бўлса хатлар ёзғанимиз-ку нима дейишларини билмаймиз. Жун — қимматбаҳо хом ашё, камёб нарса, экспорт қилинади, дейишади. Уни хўжаликнинг ички эҳтиёжларига сарфлаш мақсадга мувофиқ эмасмиш.

Шундан кейин Танабой жимиб қолди. Демак, қисман унинг ўзи ҳам айбдор экан бу ерда. У ўзининг тентаклигидан ун чиқармай кула бошлади: «Мақсадга мувофиқ эмас! Ҳа-ҳа-ҳа! Мақсадга мувофиқ эмас!»

«Мақсадга мувофиқ эмас» деган бу чайир сўз узоқ вақтгача хаёлидан кетмади.

Шундай қилиб, улар қирқ ямоқ бўлиб кетган, тузатиш учун оддий жун зарур бўлган эски ўтовда яшайверишди. Жунни эса колхоз ўтарларида тонналаб қирқишар эди...

Танабой қўлида кишан ушлаганича ўз ўтови олдига келди. У шу қадар ғарибона кўриниб кетдики, ҳамма нарсага — ўзига ҳам, саман йўрғанинг оёқларини қонатган манови кишанга ҳам ғазабни ошиб кетди, ҳатто тишларини ғижирлатиб қўйди. Ана шундай ғазабни қайнаб турган бир пайтда, яна Гулсарининг кетидан қувиб келишаётган отбоқарлар келиб қолишса бўладими.

— Олиб кетинглар!— деб бақирди Танабой уларга ва ғазабдан лаблари титрай бошлади.— Манови кишанни эса раисга беринглар, айтингларки, агар у саман йўрғани яна кишанлайдиган бўлса, нақ мен мана шу кишан билан унинг бошини мажақлаб ташлайман. Шундай деб айтинглар!

У бекорга шундай деган эди, албатта. Аттанг! Чунки унинг бундай қизиққонлиги ва тўғри сўзлиги унга ҳеч қачон яхшилик келтирмаган эди...

## IX

Серқуёш, чароғон кун эди. Баҳор қуёшга боқиб, кўзини сузар, баргаклардан сочпопук тақиб безанар, шудгорлардан буғ чиқар, сўқмоқларда, нақ оёқ остида майсалар барқ уриб яшнарди.

Отхона олдида болалар чиллак ўйнашарди. Чаққонгина бир бола чиллакни осмонга отади-да, пойлаб туриб уни чиллак даста билан қулочкашлаб уриб, учириб юборади. Оралиқни чиллак даста билан ўлчай бошлайди — бир, икки, уч... етти... ўн... ўн беш... Инжиқ ҳакамлар анови фирромлик қилмаслиги учун унинг орқасидан гала-гала бўлиб кузатиб боришарди. Йигирма иккита.

— Аввал етмиш саккиз эди, энди йигирма икки,— дейди ҳисоблаб бола ва яқунлаб бўлган, шодлигини ичига сиғдиролмай қичқириб юборади:— Юз! Юз бўлди!

— Ур-а-а-а, юз!— деб бошқалар ҳам қўшилишади.

Демак, нақ мўлжалга урган. Ортиқ ҳам эмас, кам ҳам. Энди ютқизган «зув»лаши керак. Ғолиб ганакка — марра чизиғига боради-да, у ердан чиллак отади. Тағин ҳам узоқроққа тушадиган қилиб отади. Ҳамма чиллак тушган жойга қараб чопади, у ерда чиллакни яна бир бор уради, хуллас, шу тарзда уч марта урилади. Енгилган боланинг йиғлаб юборишига сал қолади — у шунча узоқ ерга «зув»лаб бориши керак! Лекин ўйин қонунини қатъий. «Нега турибсан, қани зувла!» Зувловчи ўпкасини тўлдириб чуқур нафас олади-да:

Оқбой, Кўкбой,  
Бузоқларни ҳайдама.  
Ҳайдасангу етмасанг,  
Болаларга айтаман — зу-у-у-ув...

дея чолиб кетади.

Унинг калласи ғовлай бошлаган бўлса-да, «зув»лашда давом этади. Аммо чизиққача етказа олмайди. Орқага қайтиб, яна бошқатдан бошлаш керак. Яна етказа олмайди. Ғолиб тантана қилади. Нафасинг етмаяптими — опи-

чиб бор! У зувловчига опичиб олади, униси бўлса эшак-дек кўтариб кетади.

— Қани, тезроқ, илдамроқ юр!— деб оёғи билан ниқ-тайди миниб олган бола.— Болалар, қаранглар, бу менинг Гулсарим. Қара, у қандай йўрғалаб боряпти...

Гулсари бўлса девор ортида, отхонада турганди. Толиққанди. Негадир бугун уни эгарлашмади ҳам. Эрталабдан бери ем-хашак ҳам беришмади, суғоришмади ҳам. Эсдан чиқариб юборишди шекилли. Отхона аллақачон бўшаб қолганди, араваларни ҳам олиб кетишган, отлиқлар тарқалишиб, отхонада унинг биргина ўзи қолган эди.

Отбоқарлар отхонани тозалашар, болалар девор орқасида қий-чув кўтаришиб ўйнашар эди. Гулсари ҳозир чўлга, йилқиларнинг олдига борса! Кенг ялангликлар кўзига кўриниб кетди... Бепоен чўлда йилқилар эркин дайдиб юрганлигини кўз олдига келтирди. Кул ранг ғозлар улар устидан учиб ўтишяпти, қанотларини қоқишяпти, ўз орқаларидан эргашишга чорлашяпти.

Гулсари бир силкиниб, арқонни узишга уриниб кўрди. Йўқ, қўш қават занжир билан уни маҳкам боғлаб қўйишибди. Эҳтимол, ўзиникилар эшитиб қолар? Гулсари деразага калласини чўзиб, оёқ остидаги тахтани тепиб: «Қайдасизла-а-р?»... дегандек бўғиқ овозда чўзиб кишнаб юборди.

— Овозингни ўчир, шайтон, кишнаб бўлдинг!— деди отбоқар чопиб келиб ва унга белкуракни ўқталди. Сўнг эшик орқасидаги аллакимга мурожаат қилиб қичқирди:

— Олиб чиқайми?

— Олиб чиқ!— деб жавоб беришди унга ҳовлидан.

Мана, икки отбоқар йўрғани ҳовлига олиб чиқишди. Уҳ, мунча ёруғ! Ҳаво қандай яхши! Саман йўрғанинг юпқа бурун парраклари кўкламнинг сархуш этувчи ҳавосидан титрай бошлади. Барглрнинг ним аччиқ ҳиди, нам тупроқ иси келяпти. Танасида қон қайнаяпти. Қани энди ҳозир чопиб кетса. Гулсари енгилгина сакраб қўйди.

— Тек, тек!— бирданига бир неча овоз уни тўхтатди.

Нега бугун унинг атрофида одамлар бунчалик кўп? Кул ранг халат кийган, енглари қайрилган, қўллари бақувват, жундор киши оқ латтага қанақадир ялтироқ буюмларни териб қўймоқда. Улар қуёш нури остида кўзларни қамаштирадиган даражада ялтирайди. Бошқалари арқон ушлаб туришибди. Ие, янги хўжайини ҳам шу

ерда-ку! Кенг галифедаги семиз оёқларини кериб, гердайиб турибди. Ҳамманики каби унинг ҳам қошлари уюлган бўлиб, фақат ёнглари шимирилмаган эди. Бир қўлини белига тираб олган, иккинчиси билан кителидаги тугмаларини айлантириб ўйнамоқда. Кеча ундан яна ўша бадбўй ҳид анқиганди.

— Хўш, нега қараб турибсизлар, бошланглар! Бошласинларми, Жўрақул Олданович!—деб мурожаат қилди раисга Иброҳим. У индамай бош силкиди.

— Қани бошланглар!—деди-да, Иброҳим шошиб-пишиб, отхона дарвозасидаги михга тулки тери телпагини илиб қўяди. Телпак гўнг устига думалаб тушиб кетади. Иброҳим уни жирканиб қоқиб-силкитиб, яна илиб қўяди.—Сиз сал чеккароққа бориб турсангиз бўларди, Жўрақул Олданович,—деди у раисга.—Тағин, ким билсин, туёғи тегиб кетиши ҳам мумкин. От — аҳмоқ махлуқ, шикаст етказиши ҳеч гапмас.

Бўйнидаги қил арқонни ҳис этгач, Гулсари бир сесканиб тушди. Тикандек арқон. Арқонни сирғалувчи сиртмоқ қилиб кўкраги устидан боғлашди, учини устидан ошириб ёнбошига ташлашди. Нима керак уларга? Негадир арқонни орқа оёғига солиб, тўпиғидан ўтказишяпти, оёқларини тушовлашяпти. Гулсари асаблана бошлади, пишқирди, кўзини ола-кула қилди. Нима қилганлари бу?

—Тезроқ!—деб шоширди Иброҳим ва кутилмаганда ингичка овоз билан чийиллаб юборди:—Йиқит!

Икки жуфт бақувват жундор қўл арқонни зарб билан ўзлари томонга тортди. Гулсари илдизи қирқилган дарахтдек ерга гурсиллаб йиқилиб тушди. Қуёш гир айланиб кетди, зарбдан ер гумбурлади. Бу нимаси? Нега у ёнбошлаб ётибди? Нега одамларнинг юзлари юқори томон ғалати чўзилиб кетган, нега дарахтлар баландга кўтарилган? Нега у ерда бундай ноқулай вазиятда ётибди? Йўқ, бунақаси кетмайди!

Гулсари калласини кўтариб бир силкинди, бутун тана си билан қўзғалишга ҳаракат қилди. Арқонлар унинг оёқларини қорнига тортиб, терисига ботиб кетди. Саман йўрға ижирғаниб, боғланмаган битта орқа оёғини жонжаҳди билан силтай бошлади. Арқон тортилди, чирсиллади.

— Устига ташлан, бос, ушла!—деб типирчилаб қолди Иброҳим.



Ҳамма отга ташланди, тиззалари билан босишди.

— Бошини, бошини ерга босинглар! Боғла! Торт! Ҳа, шундай. Тезроқ бўлсанглар-чи! Мана бу еридан яна бир ўтказ. Торт, яна бир торт, тагин. Ҳа, балли. Энди бу еридан илинтир, тугун қилиб боғла!—деб тинмай чийилларди Иброҳим.

Саман йўрғанинг оёқларини арқон билан тобора қисишиб, то ҳаммаси қаттиқ бир тугун бўлиб йиғилмагунича тортаверишди.

Гулсари оёқларини чирмаб олган арқондан қутулиш учун ҳамон уриниб, бўйни ва калласига ўтириб олган одамларни итқитиб ташлаб, қаттиқ инграб юборди. Лекин одамлар уни тагин тиззалари билан боса бошладилар. Йўрғанинг терга ботган танаси чангак бўлиб, томирлари тортишиб, оёқлари увушиб қолди. Шунда у таслим бўлди.

— Уф-ф, хайрият-эй!

— Хўп кучи бор экан-да!

— Трактордек кучи бўлганида ҳам энди қимир эта олмайди!

Шу пайт хўжайиннинг ўзи саман йўрғанинг ёнига югуриб келиб, унинг бош томонида чўққайиб ўтириб олди. Яна кечаги ароқнинг ҳиди гуп этди ва гўё унинг олдида от эмас, балки одам—ашаддий душмани ётгандек ошкора нафрат ва тантана билан тиржайди.

Терлаб-пишиб кетган Иброҳим рўмолчаси билан артина-артина унинг ёнига ўтирди. Раис иккаласи ёнмаён ўтиришиб, бундан кейин юз бериши лозим бўлган ҳодисани кутиб, папирос чека бошлашди.

Ҳовлининг орқасида эса болалар чиллак ўйнашарди:

Оқбой, Кўкбой,  
Бузоқларни ҳайдама,  
Ҳайдасангу етмасанг,  
Болаларга айтаман — зу-у-у-ув...

Қуёш ҳамон илгаригидек нур сочарди. Йўрға сўнги марта поёнсиз даштни кўриб турганди, у ерларда йилқилар эркин дайдиб юрганлигини кўраётганди. Улар устидан кул ранг ғозлар учиб ўтишяпти, канотларини қоқишяпти, ўз орқаларидан эргашишга чорлашяпти... Гулсарининг тумшугига эса пашшалар ёпишган. Ҳайдай олмайди...

— Бошлаймизми, Жўракул Олданович!— деб сўради тагин Иброҳим. Униси индамай бош силкиди. Иброҳим ўрнидан турди.

Ҳамма яна ҳаракатга келди, ёпирилиб боғланган йўрғани тиззалари ва кўкраклари билан босишди. Унинг калласини тагин ҳам қаттиқроқ ерга босишди, чоти орасида кимнингдир қўллари ғимирлаб қолди.

Болалар девор устига чиқиб чумчуқлардек тизилиб олишди.

— Қаранглар, болалар, қаранглар, нима қилишяпти.

— Саман йўрғанинг туёқларини тозалашяпти.

— Биларкансан. Туёқларинимиш! Ҳеч-да!

— Ҳей, нима бор сизларга бу ерда, қани, жўнаб қолинглар!—деб қўл силтади уларга Иброҳим.— Боринглар, ўйнанглар, пишириб қўйгани йўқ.

Болалар девордан сирғалиб тушиб кетишди.

Жимжит бўлиб қолди.

Гулсари туртки ва муздек бир нарсанинг тегишидан ғужанак бўлиб қолди. Янги хўжайини эса унинг олдида чўққайиб қараб ўтирар, ниманидир кутар эди. Бирдан кучли оғриқдан йўрғанинг кўзларида ўт чақнаб кетди. Воҳ! Қизғиш аланга ялт этиб ёнди-ю, дарров ҳамма ёқни қоронғилик босди.

Ҳамма иш битганида ҳам Гулсари ҳамон боғлоқлик ётарди. Қон тингунча бўшатмаслик керак эди уни.

— Мана, Жўракул Олданович, иш тамом,— деди Иброҳим қўлларини ишқалаб.— Энди у ҳеч қаёққа қочиб кета олмайди. Қочиб бўпти энди. Танабойга эса парво қилманг. Туф денг.. У ҳамиша шунақа бўлган. У ўз акасини ҳам сийламаган— қулоқ қилиб, Сибирга жўнатган одам. У кимга яхшилиқни раво кўради, дейсиз...

Иброҳим мамнун бўлиб михдан тулки тери телпагини олди, уни силкиб қоқди, силаб-сийпади ва терлаган бошига кийди.

Болалар эса ҳамон чиллак ўйнашарди:

Оқбой, Кўкбой,

.....зу-у-у-ув.

Ҳа-ҳа, ета олмадингми, қани энгаш. Чух, Гулсари, олға! Ура-а-а, бу менинг Гулсарим!

Серқуёш, чароғон кун эди...

## Х

Тун. Ярим тун. Кекса одам билан қари от. Жарлик ёқасида гулхан ёнмоқда. Олов шамолда гоҳ пасаяди, гоҳ кучаяди...

Музлаган қаттиқ ер саман отнинг биқинини музлатади. Бўйинини чўяндек оғир нарса босиб тургандек, кишанланган оёқлари билан ҳақкалаб юрган пайтларидагидек калласини гоҳ юқорига кўтариб, гоҳ пастга туширишдан чарчади. Гулсари энди ўша вақтдагидек елиб-югуриб чопа олмасди, занжир кишанларни узиб ташлай олмасди. У пайтлар Гулсари чопганида туёқларидан ўт чақнаши учун оёқларини эркин ташлашни истарди, кўкрак қафасини тўлдириб-тўлдириб нафас олиш учун ер узра парвоз қилгиси келарди, йилқиларни чорлаб, овози борича кишнаш учун, биялар ва қулунлар у билан бирга бепоеън ёвшонзор дашт бўйлаб чопиб юришлари учун яйловга тезроқ елиб боргиси келарди, лекин кишанлар йўл қўймасди. Занжирларнинг жаранг-журунги остида у сургундан қочган маҳбус сингари ҳақкалаб борарди. Ҳамма ёқ ҳувиллаган, қоп-қоронғи, ўзи якка-ю ёлғиз. Шамол елиб турган осмонда милтиллаб ой кўринарди. Саман от ҳақкалаб юриб калласини осмонга кўтарганида кўз олдида ой гавдаланарди, калласини ерга осилтирганида эса ой тошдек думалаб тушарди.

Гоҳ ёруғ, гоҳ қоронғи, гоҳ ёруғ, гоҳ қоронғи... Қарай-вериб кўзлар толиқди...

Занжирлар жарангларди, оёқлар қонга буланарди. Сакрарди, тагин сакрарди, тагин. Ҳамма ёқ бўм-бўш, қоп-қоронғи. Кишанда узоқ юриш керак, кишанда юриш мунча ҳам қийин...

Жарлик ёқасида гулхан ёнмоқда. Яхлаган, тошдек қаттиқ ер саман отнинг биқинини музлатади...

## ХІ

Икки ҳафтадан кейин янги яйловга, яна тоққа кўчиш керак эди. Бутун ёз, бутун куз ва қиш бўйи, келгуси кўкламга қадар шу ёқда бўлиш керак. Ҳатто бир уйдан иккинчи уйга кўчиш қанчалик мушкул! Шунча ашқолдашқол қаёқдан йиғиларкин? Шунинг учун ҳам қирғиз-

лар қадимдан: камбағал бўлсанг, кўчиб кўр, дейишгандир.

Ҳозирдан кўчишга тайёрланиш керак эди. Бир дунё ҳар хил ишларни қилиш: тегирмонга, бозорга, этикдўзга, интернатга ўглининг олдига бориб келиши керак., Танабой бўлса сувга бўккан нондек бўшашиб юрарди. Уша кунлари у хотинига жуда ғалати кўринарди. Эрта туриб йилқилар олдига кетарди—хотини гаплашишга ҳам улгурмай қоларди. Тушга яқин қовоқларини осиб, асабийлашиб қайтиб келарди. Бир нарсани кутгандек, доим қулоқлари динг эди унинг.

— Сизга нима бўлди?—деб суриштирарди Жайдар.

У индамасди, бир куни очилиб гапирди:

— Яқинда ёмон туш кўрдим.

— Мендан қутилиш учун шуни ўйлаб топдингизми?

— Йўқ, чиндан ҳам. Миямдан кетмаяпти ўша туш.

— Шу кунга қолдикми? Овулдаги худосизларнинг бошлиғи сиз эмасмидингиз? Кампирлар сизни қарғашмасмиди? Қариб қоляпсиз, Танабой. Ҳамма гап шунда. Йилқиларнинг олдидан айланиб кетмайсиз, яйловга кўчиш вақти жуда яқин келиб қолганлиги эса парвойингизга ҳам келмайди. Ахир менинг бир ўзим болаларни эплай оламанми? Лоақал Жўрани кўриб келсангиз бўларди. Эс-ҳушли одамлар кўчиш олдидан касалларни кўриб келишади.

— Улгураман,—деб қўл еилтади Танабой,—кейин.

— Кейинингиз қачон? Нима бало, овулга боргани кўрқяпсизми? Эртага бирга борамиз. Болаларни ола-миз-да, кетамиз. Мен ҳам овулга бориб келишим керак.

Эртасига ёш қўшнидан йилқиларига қараб туришни илтимос қилишиб, бутун оила отларда йўлга чиқишди. Жайдар кичик қизи билан, Танабой каттаси билан. Болаларни эгарларнинг олдига ўтқазиб жўнашди.

Овул кўчаларидан ўтиб боришар, йўлда учраганлар ва таниш-билишлар билан саломлашишар эди. Темирчилик устахонаси олдида эса Танабой бирдан отини тўхтатди.

— Тўхта,—деди хотинига. Кейин ўзи эгардан тушди-да, катта қизини хотини минган отнинг сағрисиغا ўтқазди.

— Нима бўлди? Қаёққа?

— Мен ҳозир қайтаман, Жайдар. Сен кетавер, Жў-

рага айт, мен тезда етиб бораман, идорада шошилич ишлар бор, тушликкача ёпилиб қолади. Устахонага ҳам бирров кириб чиқиш керак. Кўчиш олдидан тақаларни ғамлаб қўйиш керак.

— Олдинма-кетин боришимиз яхши эмас-ку.

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ. Сен кетавер. Мен ҳозир...

Танабой на идорага, на устахонага кирди. У тўппатўғри отхонага қараб йўл олди.

Отдан тушиб, ҳеч кимни чақирмай бир ўзи отхонага кирди. Кўзлари қоронғиликка кўниккунча томоғи қақраб кетди. Отхона бўм-бўш ва жимжит, ҳамма отлар миниб кетилган эди. У ёқ-бу ёққа қараб олгач, енгил нафас олди. Отбоқарларнинг бирортасини кўриш учун ён эшикдан отхона ҳовлисига чиқди. Бу ерда у сўнгги кунларда кўришдан юраги безиллаб юрган нарсасини кўрди.

— Ўзим ҳам шундайдир деб ўйловдим-а, аблаҳлар!— деди у секин муштларини қисиб.

Гулсари, докага ўралган думи арқон билан бўйнига боғлаб қўйилган ҳолда, бостирма тагида турарди. Керилган орқа оёқлари орасида катталиги кувачадек келадиган яллиғланган таранг шиш қорайиб кўринарди. От калласини охур устига осилтириб, қимир этмай турарди. Танабой лабларини тишлаб инграб юборди, йўрғанинг ёнига бормоқчи бўлди-ю, лекин журъат эта олмади. Уни ваҳима босди. Бўм-бўш отхона, ҳувиллаган ҳовли ва бичиб қўйилган якка-ёлғиз йўрға отни кўриб ваҳимага тушди. У ортига қайрилди ва индамай чиқиб кетди. Тузатиб бўлмайдиган иш содир бўлган эди.

Улар кечқурун ўз ўтовларига қайтиб келишганларидан кейин, Танабой хотинига ҳасрат билан деди:

— Тушим тўғри чиқди.

— Нима бўлди?

— Меҳмондорчиликда бу ҳақда гапириб ўтирмадим. Гулсари энди қочиб келмайди. Уни нима қилишганини биласанми? Бичишибди, падар лаънатлар!

— Биламан. Шунинг учун сизни овулга судраган эдим. Сиз буни билишдан қўрқувдингизми? Нимасидан қўрқасиз? Кичкина эмассиз-ку!.. Отларни ахир биринчи ва охири марта бичишяптими? Азалдан шунақа бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Ахир бу ҳар бир кишига маълум-ку.

Танабой бунга жавобан ҳеч нарса демади. Фақат:

— Янги раисимиз, назаримда, ёмон одамга ўхшайди. Кўнглим сезиб юрибди,—деб кўйди.

— Қўйсангиз-чи бу гапларингизни, Танабой,— деди Жайдар.— Сизнинг йўрға отингизни бичган бўлишса, дарров раис ҳам ёмон бўлиб қолдими. Нега ундай дейсиз? У янги одам бўлса. Хўжалик катта, уни бошқариш қийин. Ана Жўра, энди колхозларнинг аҳволини ўрганишади, ёрдам беришади, деб айтяпти-ку. Қанақадир режалар тузилаётган эмиш. Сиз бўлсангиз ҳамма нарса ҳақида элдан бурун ҳукм чиқарасиз. Биз, ахир, кўп нарсаларни билмаймиз-ку.

Кечки овқатдан сўнг Танабой уюрга жўнади ва ярим кечагача у ерда қолиб кетди. У ўзини койир, ҳамма нарсани унутишга ўзини мажбур этар, лекин кундузи отхонада кўргани миясидан кетмасди. У йилқиларни айланиб, чўл кезаркан, ўйларди: «Эҳтимол, ростдан ҳам бир одам ҳақида бундай фикр юритиш керак эмасдир? Бу бемаънилик, албатта. Эҳтимол, қариб бораётганлигимдан, йил — ўн икки ой йилқиларнинг кетидан юрганлигимдан ҳеч нарсани кўрмасман, билмасман. Аммо қачонгача турмуш шунақа оғир бўлаверади?.. Нутқларга қулоқ солсанг, гўё ҳамма нарса яхшиланиб келаётгандек. Хўп, майли, мен янглишяпман, дейлик. Худоё мен янглишаётган бўлай. Лекин бошқалар ҳам, эҳтимол, шундай ўйлашаётгандир...»

Танабой чўлда айланиб юриб ўйлар, бироқ ўз шубҳаларига жавоб топа олмас эди. Шунда ўзларининг бир вақтлар қандай қилиб колхоз туза бошлаганликлари, халққа бахтли турмуш ваъда қилганликлари, одамларнинг нималарни орзу қилганликлари эсига тушиб кетарди. Ўша орзуларнинг рўёбга чиқиши учун қанақа курашишди! Ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилиб ташлашди, эскиликка зарба беришди. Дастлабки пайтлар турмуш ёмон эмасди. Агар манови лаънати уруш бўлмаганида яна ҳам яхшироқ яшашган бўлишарди. Энди-чи? Урушдан кейин мана неча йиллар ўтиб кетди-ю, ҳамон хўжаликни эски ўтовдек ямаб-ясқаб ётибмиз. Бир жойини ямасанг, бошқа жойидан йиртиғи кўриниб қолади. Нима учун? Нима учун колхоз ўша пайтлардагидек ўзиники эмас, гўё бегона? У вақтларда йиғилиш нимага қарор қилса—шу қонун эди. Қонунни ўзлари қабул қилишган ва уни бажариш кераклигини билишарди. Энди эса йиғи-

лиш куруқ гапдан иборат бўлиб қолди. Сен билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Колхозни гўё колхозчиларнинг ўзлари эмас, кимдир ташқаридан бошқараётгандек. Гўё нима қилиш, қандай ишлаш, хўжаликни қандай олиб бориш кераклиги сиртдан яхшироқ кўринадигандек. Хўжаликни гоҳ ундай, гоҳ бундай айлантириб кўришади, лекин ҳеч қандай натижа йўқ. Одамлар билан юзма-юз бўлгани ҳам қўрқасан. «Қани айт-чи, сен партия аъзосисан, колхоз туза бошлаганимизда ҳаммадан кўп сен вайсагансан, бу нарсалар қандай юз бераётганлигини бизга тушунтириб бер-чи?»— деб сўраб қолишлари мумкин. Нима дейсан уларга? Лоақал одамларни бир жойга йиғиб, нималар бўлаётганлигини сўзлаб беришса ҳам майли эди. Кимнинг кўнглидан нималар кечаётганлигини, қанақа фикрлари, қанақа ташвишлари борлигини сўрашса эди. Райондан келаётган вакиллар ҳам негадир аввалгиларига ўхшамайди. Илгари вакил халққа аралашарди, ҳаммага яқин эди. Энди эса, келди дегунча идорада раисга бақириб-чақиради, қишлоқ Совети билан эса мутлақо гаплашмайди ҳам. Партия йиғилишида сўзга чиқса, кўпроқ халқаро аҳвол ҳақида гапирди, колхоздаги аҳвол эса гўё унчалик муҳим эмасдек. Ишланглар, планни бажаринглар, вассалом...

Танабой бу ерга бир одам келганлиги, тил ҳақидаги қандайдир таълимот тўғрисида тинмай гапирганлигини эслади. Танабой у билан колхознинг туриш-турмуши ҳақида гаплашмоқчи бўлувди, унинг кўзи ола-кула бўлиб кетди: сизнинг фикрларингиз шубҳали, деди. Ҳа, унинг фикрларини маъқул топмади. Нималар бўляпти ўзи?

«Мана, Жўра тузалиб кетсин,— деди Танабой ўзига.— Кўнглидаги бор гапини тўкиб солишга уни мажбур қилман. Ўзим ҳам очик гапирман. Мен янглишаётган бўлсам, айтсин, агар янглишаётган бўлсам-чи? Унда нима бўлади? Йўқ, йўқ, ундай бўлиши керак эмас. Мен янглишяпман, албатта. Кимман мен? Оддий йилқибоқарман, чўпонман. У ёқдагилар эса доно одамлар...»

Танабой ўтовига қайтиб келди ва узоқ вақт ухлай олмай ётди. Ҳамон бош қотирарди у. Гап нимада ўзи? Аммо яна ўз саволига жавоб топа олмасди.

Жўра билан шу-шу суҳбатлаша олмади. Кўчиш олди-дан ишлар билан ўралашиб қолди. Кўчманчилар яна кўкламга қадар, бутун ёз, бутун куз ва қишни ўша жойларда ўтказиш учун тоққа кўчиб кетишди. Яна қорамол-

лар подаси, йилқилар уюри, қўй қўтонлари дарё ёқа-қалаб, ўтлоқлар кезиб юриб кетишди. Кўч-кўрон ортилган карвон йўлда. Шовқин-сурон ҳавода муаллақ туриб қолган. Аёлларнинг ранг-баранг рўмол ва кўйлаклари кўзга чалинади, қизлар айрилиқ ҳақидаги қўшиқларни куйлайдилар. Танабой ўз йилқиларини улкан ўтлоқдан, овул яқинидаги дўнгликлардан ҳайдаб борарди... У йўрға отида келиб кетадиган ўша уй, ўша ҳовли ҳамон овулнинг бир чеккасида ўшандоқлигича турарди. Юраги орзиқиб кетди. Энди у ўша жувондан ҳам, саман йўрға Гулсаридан ҳам жудо бўлган эди. Ҳаммаси орқада қолиб кетди, кўкламдаги кул ранг ғозлар галаси сингари шовқин солиб ўтиб кетди у даврлар...

...Она туя кўп кунлар давомида елиб-югуради, бўта-лоғини излайди, чорлайди. Қайдасан, қора кўзли бўта-лоғим? Жавоб бер! Елинимдан, тирсиллаган елинимдан оёқларимга тизиллаб сут оқмоқда. Қайдасан? Жавоб бер! Елинимдан, тирсиллаган елинимдан тизиллаб сут оқмоқда. Оппоқ сут...

## XII

Ўша йилнинг кузида Танабой Бекасовнинг тақдири бирданига ўзгариб кетди. У довоннинг нариги томонидан қайтиб келиб, тез орада йилқиларини тоғ оралиғидаги қишлоғга ҳайдаб кетиш учун тоғ ён бағридаги кузги яйловларга қўнди.

Худди шу кунларда колхоздан чопар келди.

— Жўра юборди мени,—деди у Танабойга.—Эртага овулга келсин деб айтди, у ердан районга кенгашга борар экансизлар!

Эртасига Танабой колхоз идорасига келди. Жўра шу ерда, парторг хонасида эди. Гарчанд лабларининг гезаргани ва ўзининг озғинлигидан ҳали касаллик ундан аримаганлиги билиниб турса ҳам, у кўкламдагидан анча соғлом кўринарди. У ўзини тетик тутар, иш билан ғоят банд, атрофини халқ ўраб олган эди. Танабой дўстини кўриб қувониб кетди. Демак, соғайиб кетибди, яна ишга тушибди.

Улар иккаласи ёлғиз қолишганда, Жўра Танабойга қаради. Қотиб кетган озғин юзини кафти билан ишқаб:

— Сен, Танабой, қаримаяпсан, ҳамон ўшандайсан. Қачондан бери кўришмадик—кўкламдан берими? Қи-



миз ва тоғ ҳавоси зўр нарса-да... Мен бўлсам, мана, аста-секин сўлиб боряпман. Пайти келганга ўхшайди...— деди-да, бир оз жимиб, сўнг яна иш ҳақида сўз бошлади.— Гап бундай, Танабой. Биламан, безбетга қошиқ берсанг, бир марта ўрнига, беш марта ош олади, дейсан. Тагин сенинг айтганинг келяпти. Эртага чорвадорлар кенгашига борамиз. Чорвачиликнинг аҳволи чатоқ, айниқса қўйчиликнинг ва хусусан бизнинг колхозимизнинг аҳволи жуда оғир. Иш пачава. Райком: коммунист ва комсомоллар—қолоқ участкаларга, ўтарларга, деган чақиріқ билан мурожаат қилди. Ёрдам бер! Ҳув, ўша пайтда йилқилар масаласида ёрдам бергандинг, раҳмат, энди яна кўмаклашиб юбор. Ўтарларни ол, чўпонликка ўт.

— Жуда шошқалоқсан-да, Жўра,—деди Танабой ва бирдан жимиб қолди. «Отларга ўрганиб қолдим,— деб ўйлади у.—Қўйларни боқиш зерикарли иш. Оқибати нима бўларкин?»

—Сени зўрламайман, Танабой,—деди тагин Жўра.— Лекин илож қанча. Партиявий топшириқ. Аччиғинг келмасин. Бир вақти келиб, дўстларча эсимга соларсан, ҳаммасига бирдан жавоб бераман!..

— Ҳа, вақти келганда эсингга солиб қўярман, ўзинг ҳам хурсанд бўлмайсан!— деди кулиб Танабой, Жўрага ҳаммасини эслатишга тўғри келадиган вақт унча узоқ эмаслигини сезмай.—Ўтар масаласида эса ўйлаб кўриш керак, хотиним билан гаплашиб кўрай...

— Хўп, майли, ўйлаб кўр. Аммо эрталабгача ҳал қил, эртага кенгаш олдидан ҳисоб бериш керак. Жайдар билан кейин маслаҳатлашасан, ҳаммасини тушунтирасан унга. Менинг ўзим ҳам бир пайти келиб қолганида унга учрашаман, сўзлаб бераман. У ақлли аёл, тушунади. У ёнингда бўлмаганида эди, аллақачон бирон ерда бўйнинг узиларди,— деб ҳазиллашди Жўра.— Жайдарнинг аҳволи қалай? Болалар-чи?

Улар оила ҳақида, касалликлар ҳақида, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Танабой Жўрага муҳим бир нарса ҳақида гап очишни мўлжаллар эди, бироқ тоғлардан чақирилган молбоқарлар кириб келиб қолишди, Жўранинг ўзи ҳам соатига қараб шошиб қолди.

— Демак, шундай. Отиғни отхонага топшир. Эрталаб машинада ҳаммамиз бирга кетишга қарор қилдик. Биз, ахир машина олдик-ку, яқинда иккинчисини оламиз. Ишимиз юришиб кетади! Мен эса ҳозир жўнайман, соат

еттида райкомга етиб боришга буйруқ берилган. Раис ҳозир у ерда. Йўрғада кечга қадар етиб оларман, деб ўйлайман, ўша машинадан ёмон юрмайди.

— Ия, Гулсарини сен миниб юрибсанми?— деб ҳайрон бўлди Танабой.—Сийлабди-да раис...

— Нима десам экан. Сийладими, сийламадими, ҳар ҳолда уни менга берди. Биласанми нима бўлганини?— деди Жўра ва кулиб, қўлларини кериб қўйди.—Гулсари нима учундир раисни жуда ёмон кўриб қолди. Сира ҳам ақл бовар қилмайди. Уни ўзига яқин келтирмайди. Ундай ҳам, бундай ҳам қилиб кўрдик. Ҳеч эплаб бўлмади. Уриб ўлдирсанг ҳам йўлатмайди. Мен минсам яхши юради. Уни яхши ўргатибсан минишга. Биласанми, айрим пайтларда юрагимнинг оғриғи тутиб қолади, йўрға отга ўтириб бир айланиб келсам, оғриқ бирпасда ўтади кетади. Биргина шу учун умр бўйи парторг бўлиб ишлашга тайёрман, у мени даволяпти!— деб кулди Жўра яна.

Танабой кулмасди.

— Уни менинг ҳам жиним суймайди,—деди у.

— Кимни?— деб сўради Жўра кулгидан ёшланган кўзларини арта туриб.

— Раисни.

Жўра жиддийлашди.

— Нима сабабдан?

— Билмайман. Назаримда, у қуруқ одам, қуруқ ва жоҳил одам.

— Сенинг кўнглингни топиш қийин ўзи... Мени умр бўйи бўшанглигим учун койиб келдинг. Мана, энди буни ҳам ёмон кўрар экансан... Билмадим. Мен ишга яқинда чиқдим. Ҳали тушуниб, билиб ололганимча йўқ.

Улар жимиб қолишди. Танабой Жўрага кишан ҳақида, бичиш ҳақида гапириб бермоқчи эди-ю, лекин энди бу нарса унга ўринсиздек бўлиб кўринди. Гап узилиб қолмаслиги учун Танабой ўзини хурсанд қилган янгилик ҳақида сўз очди:

— Машина беришгани жуда яхши бўлибди-да. Демак, энди колхозларга ҳам машина кела бошларкан-да. Керак, керак. Вақти келди, эсингдами, урушдан аввал биз биринчи полуторкани олгандик. Митинг бўлиб ўтганди. Бўлмасам-чи, колхознинг ўз машинаси-я! Сен кузовда туриб нутқ сўзлагандинг: «Мана, ўртоқлар, социализм самараси!..» деб. Кейинчалик эса уни ҳам фронтга олиб кетишди...

Ҳа, шундай замонлар ҳам бўлганди... Қўшнинг чиқишидек ажойиб замон. Автомашина ҳам гапми! Чу канали қурилишидан қайтишган кишилар ўзлари билан дастлабки патефонларни олиб келишганларида, овул янги қўшиққа қандай қизиққанди! Ёзнинг охирлари эди. Оқшомлари ҳамма патефон бор одамларникида тўпланишар, уларни кўчага олиб чиқишар, сўнг ҳаммалари қизил дуррали зарбдор қиз ҳақидаги пластинкани қайта-қайта эшитишгани-эшитишган эди. «Эй қизил дуррали гўлин ой, қайнатиб берсанг-чи менга чой!..» Бу ҳам улар учун социализм самараси эди...

— Бизнинг ўзимиз-чи, эсингдами, Жўра, митингдан кейин полуторкага роса тикилишгандик—машина лиқ гўлган эди!—деб эсларди руҳланиб Танабой.—Мен байрамдагидек кабина ёнида қизил байроқ кўтариб турардим. Биз шунчаки, бирон заруриятсиз станция томонга қараб кетдик, у ердан эса темир йўл ёқалаб бошқа станцияга, Қозоғистонга бордик. Паркда пиво ичдик. У ёққа боришда ҳам, бу ёққа қайтишда ҳам бутун йўл бўйи ҳаммамиз қўшиқ айтгандик. У йигитлардан ҳозир оз қолди — ҳаммаси урушда ҳалок бўлиб кетишди. Ҳа... Тунда ҳам, биласанми, ўша қизил байроқни қўлимдан туширмагандим. Тунда уни ким ҳам кўрарди? Мен бўлсам қўлимдан туширмай, ҳамон ушлаб борардим... Бу менинг байроғим эди. Тинмай ашула айтардим, хириллаб қолгандим, эсимда... Нега ҳозир шундай ашулалар айтмаймиз-а, Жўра?..

— Қариб боряпмиз, Танабой, энди негадир ярашмайди ҳам...

— Йўқ, мен буни айтаётганим йўқ, биз айтадиган қўшиғимизни айтиб бўлдик. Ёшлар-чи? Мана мен интернатга ўғлимнинг олдига бориб тураман. Қандай таълим оларкин у ерда? Ҳозирданоқ бошлиққа хушомад қилишни билади. Дада мактаб директорига тез-тез қимиз олиб келиб тулинг, дейди. Хўш, нега, дейман... Ўқиши ёмон эмас... Қандай қўшиқ айтишларини тинглаб кўрсанг эди. Болалигимда Александровкада Ефремовникида батраклик қилгандим, бир кун у диний байрамда мени черковга олиб борганди. Бизнинг болаларимиз ҳам саҳнада қўлларини ёнларига тушириб олиб, юзлари тошдек қотган ҳолда худди черковдагидек ашула айтишади. Бир хил ашула айтишади... Менга ёқмайди бу. Умуман, энди мен кўп нарсани тушунмай қолдим, сўзлашиб олсак

бўларди... Ҳаётдан ортда қолиб кетдим, ҳамма нарсани ҳам тушунавермайман...

— Майли, Танабой. Бошқа вақтда гаплашиб олармиз, фурсат топармиз,— деди-да, Жўра қоғозларини йиғиштириб, дала сумкасига сола бошлади.—Лекин сен кўп куйинаверма. Мен, масалан, аминман, жуда аминманки, қанчалик қийин бўлмасин, бари бир қаддимизни ростлаб оламиз, орзу қилганимиздек яшай бошлаймиз...— У остонага етганида орқасига қайрилиб қараб деди:— Менга қара, Танабой, бир куни мен кўчаларингдан ўтиб қолдим — уйинг жуда ҳувиллаб қолибди. Қарамай қўйибсан. Сен доим тоғдасан, уйинг бўлса хўжасиз. Жайдар уруш йиллари якка-ёлғиз бўлса ҳам уни ҳозиргисидан яхшироқ сақлаганди. Бир бориб кўр. Нима керак бўлса айтарсан, баҳорда ёрдамлашиб, шикаст реҳтини тузатиб берармиз. Бизнинг Шомансур ҳам ёзда каникулга келганида, ҳовлингни кўриб, чидаб туролмади, қўлига ўроқ олди... Танакенинг ҳовлисидаги бурганларни ўриб ташлайман, дейди. Сувоқлари кўчиб, ойналари синган, чумчуқлар хоналарда худди хирмондагидек учиб юрибди, дейди.

— Уй ҳақидаги гапинг тўғри. Шомансурга ҳам раҳмат. Унинг ўқишлари қалай?

— Иккинчи курсда энди. Ўқиши, менингча, яхши. Мана, сен ёшларни гапирдинг, мен эса ўғлимга қараб, ҳозирги ёшлар ёмон эмас, деган фикрга келдим. Унинг сўзларидан билдимки, институтдагилар қобил болалар экан. Кейин маълум бўлар, ёшлар билимдон, ўзлари ҳақида ўйлаб кўришар...

Жўра отхонага кетди, Танабой эса ўз уйини кўргани жўнади. Ҳовлининг ҳамма ерини айланиб чиқди. Ёзда Жўранинг студент ўғли ўриб ташлаган, чанг-тўзон босиб қовжираб ётган бурган оёғи остида шитирлар эди. Уйи эгасиз, қаровсиз қолганлигидан номуси келиб кетди. Бошқа чорвадорларнинг уйларида қариндош-уруғлари қолар ёки кимдир қараб турар эди. Унинг опа-синглиси бошқа овулларда яшашар, акаси Қулибой билан муносабатлари ёмон бўлиб, Жайдарнинг эса умуман яқин қариндошлари йўқ эди. Мана шундай қилиб, уй қаровсиз қолиб кетганди. Тағин узоқ яйловда чўпон бўлиб ишлашга тўғри келяпти. Танабой ҳам иккиланаётган бўлса ҳам, Жўра бари бир уни кўндиришини, унинг сўзини қайтара олмаслигини, ҳар вақтдагидек рози бўлишини биларди.

сан. Хавотирланма. Тагин иккита комсомол чўпонларни оталиққа оламан, деб ҳам айт.

— Кимларни?

Одамлар туртиниб ўтишарди, Жўра рўйхатни кўздан кечириб чиқди.

— Бўлатбеков Эшим ва Зорлиқов Бектойни.

— Мен ахир улар билан гаплашмадим-ку, улар бунга нима дейишаркин?

— Тагин ўзингникини маъқуллайсан-а!—деб раиснинг жаҳли чиқди.—Ғалати одам экансан. Улар билан гаплашиб ўтиришинг шартми? Бари бир эмасми? Улар ҳеч қачон қочиб кетишмайди, биз уларни сенга беркитиб қўйганмиз, масала ҳал бўлган.

— Масала ҳал бўлган бўлса, мен билан гаплашиб ўтиришинг нима ҳожати бор?—деб Танабой нари кетди.

— Шошма,—деди Жўра уни тўхтатиб.—Ҳаммасини эсда сақлаб қолдингми?

— Эслаб қолдим, эслаб қолдим,—деди Танабой энсаси қотиб.

### XIII

Кенгаш кечга яқин тугади. Район маркази ҳувиллаб қолди. Одамлар ҳар тарафга: тоғларга, қўй ўтарлари ва қорамол подалари олдига, фермаларга, овул ва қишлоқларга тарқалиб кетишди. Танабой ҳам бошқалар билан бирга юк машинасида Александровкадаги қирдан ошиб, ясси текислик орқали жўнаб кетди. Қоронғи тушиб қолган, шамол баданни жунжиктирарди. Куз. Танабой кузовнинг бурчагига ўтириб олди ва ёқасини кўтариб, ўз фикрлари билан банд бўлди. Мана кенгаш ҳам тугади. Унинг ўзи бирон бамаъни гапни айта олмади-ю, аммо бошқаларнинг гапини тинглагани. Демак, ишларининг юришиб кетиши учун ҳали кўп меҳнат қилишлари керак экан-да. Ахир, тўғри гапирди ўша кўзойнакли обком секретари: «Ҳеч ким бизга йўлни тап-тайёр қилиб қўйган эмас, ўзимиз уни очишимиз керак». Ўйлаб кўринг-а, ўттизинчи йиллардан бери гоҳ юксалиш, гоҳ пасайиш, гоҳ кўтарилиш, гоҳ ортга қайтиш... Демак, колхоз иши жўн эмас экан. Мана, ўзининг ҳам сочларининг ярми оқарган ва бутун ёшлиги ўтиб кетган эди. Лекин шу давр ичида нималарни кўрмади, нималарни қилмади,

неча бор тентаклик ҳам қилди. Бахтли кун ана келади, мана келади, деб кутиб ўтиб кетаверар экансан ва шу билан бирга колхознинг машаққатидан ҳам бари бир қутулмас экансан...

Ҳа, майли, ишлаш керакми, демак, ишлаш керак. Тўғри айтди секретар — ҳаёт, урушдан кейин, бир маҳаллар одамлар ўйлаганидек, ҳеч қачон ўз-ўзидан юришиб кетмайди. Узинг тирик экансан, уни доим елканг билан итариб юришинг лозим. Фақат у ҳар гал ўткир қирралари билан ўгирилиб қолади, елкаларимизнинг ҳамма ери яғир бўлиб кетди. Қилаётган ишингдан, бошқаларнинг ишидан кўнглинг тўлса, бу ишлар бахт келтирса-ку майли эди-я... Энди ишлари қандай бўларкин? Жайдар нима деркин? Қизларга лоақал конфет олиш учун магазинга бир кириб чиқишга ҳам улгурмади. Ҳар юз бош совлиқдан юз ўнтадан қўзи, ҳар бошдан уч килограммдан жун олиш айтишгагина осон. Ҳар бир қўзи туғилиши, бунинг устига яна тирик қолиши ҳам керак, ёмғир, шамол, совуқ эса унга қарши туради. Жун-чи? Жун толасини олиб кўр, кўзинг илғамайди, пуфласанг йўқ бўлиб кетади-қўяди. Килограммларни қаёқдан оласан? Уҳ, олтинга баробар-а бу килограммлар. Лекин баъзилар буларнинг ҳаммаси қаердан, қандай қилиб олинишини, эҳтимол, тасаввур ҳам қила олишмаса керак...

Ҳа, Жўра уни йўлдан урди, адаштирди... «Сўзга чиқ,—деди,—лекин қисқа қил, ўз мажбуриятларинг ҳақида сўзла. Бошқа ҳеч нарса гапирма. Маслаҳатим шу». Танабой кўна қолди. Минбарга чиқди-ю, юраги пўкилади, шундай қилиб, дилида қайнаб-тошиб юрган гапларни айта олмади ҳам. Мажбуриятлари ҳақида минғирлаб гапирди-да, тушиб кетди. Эсласанг уяласан. Жўра бўлса мамнун. Нега у бунчалик эҳтиёткор бўлиб қолди? Касаллигиданмикин ёки энди колхозга бош бўлмаганиданмикин? Танабойни эҳтиёт бўлишга чақиришнинг нима кераги бор экан? Йўқ, айнаган, негадир ўзгарган! Эҳтимол, умр бўйи раис бўлиб колхозни судраганидан, бошлиқлар умр бўйи сўкканларидандир. Эпчиллик, усталик қилишга ўрганиб қолганга ўхшайди...

«Ҳап сеними, тўхтаб тур, дўстим, бир кунмас, бир кун юзма-юз келганда эслатиб қўяман мен сенга...»—деб ўйларди Танабой пўстинига яхшироқ ўралар экан. Совуқ шамол уриб турибди, уйгача ҳали узоқ. У ёқда нималар кутаётганикин уни?..

Жўра йўрға отда ёлғиз жўнади. Ҳамроҳларини кутиб ўтирмади. Уйга тезроқ етиб олгиси келар, юраги оғрий бошлаган эди. У отни ўз ҳолига қўйиб берди, от кун бўйи дам олганидан энди бир текис елиб борарди. Машина сингари бир маромда туёқларини тақиллатиб кетаётганди. Аввалги ҳамма нарсасидан энди унда фақат чопиш иштиёқигина қолганди. Бошқа ҳамма нарса унда аллақачон ўлган эди. У энди фақат эгару йўлнигина билсин учун қолганди. Гулсари чопиш билан тирик эди. Гўё одамлар тортиб олган нарсаларга етиб олмоқчидек, ҳормай-толмай астойдил чопарди. Чопарди-ю, лекин ета ололмасди.

Шамолда Жўра бир оз енгил тортди. Юрагидаги сғриқ ўтиб кетди. У кенгашдан умуман мамнун эди, айниқса, обком секретарининг чиқиши унга жуда ёқиб тушганди. Жўра илгарилари унинг ҳақида кўп эшитган бўлса ҳам, лекин ўзини биринчи марта кўриши эди. Шундай бўлса-да, парторг ўзини ноқулай сезарди. Кўнгли ғаш эди. Ахир у Танабойга яхшилик қилмоқчи эди. Ахир у бундай кенгашлар, мажлислар ва йиғилишларда қатнашавериб пихи қайрилган, қаерда нима гапириш керагу, нима керак эмаслигини биларди. Тажрибаси бор эди. Танабой эса гарчанд қулоқ солган бўлса ҳам, буни тушунишни хоҳламади. Кенгашдан сўнг унга бир оғиз ҳам сўз айтмади. Машинага ўтирди-ю, тесқари ўгирилиб олди. Хафа бўлибди. Эҳ, Танабой, Танабой! Соддасан, ҳаёт сени ҳеч нарсага ўргатмабди. Сен ҳеч нарсани билмайсан ҳам, пайқамайсан ҳам. Ёшлигингда қандай бўлсанг, шундайлигингча қолибсан. Ҳамма нарсани шартта-шартта қилсанг. Замон бўлса ҳозир бошқача. Энди ҳаммадан ҳам муҳими, қандай гапиришни, кимнинг олдида нима дейишни билиш, сўзинг барча одамларники сингари замон руҳида жаранглаши, бошқаларникидан ажралиб турмаслиги, худди ёзиб қўйилгандек силлиқ бўлиши керак. Шунда ҳамма нарса жойида бўлади. Сени, Танабой, кўнглинг истаганича қўйиб берса борми, ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилиб ташлайсан, яна жавоб беришга ҳам тўғри келади. «Ўз ташкилотингиз аъзоларини сиз қандай тарбияламоқдасиз? Бу қанақа тартиб-интизом? Бу қанақа бебошлик?» Эҳ, Танабой, Танабой...

## XIV

Ҳамон ўша тун, кекса одам ва қари от. Жарлик ёқасида гулхан ёнмоқда. Танабой ўрнидан туради, жон бераётган Гулсари устига ёпган пўстинини нечанчи бор тўғрилаб қўяди. Яна унинг бош томонига ўтиради. У хаёлан бутун умрини бирма-бир назардан ўтказди. Саман отнинг чопишидек тез ўтган йиллар, йиллар, йиллар. Ушанда: Танабой қўйларга чўпон бўлиб юрган ўша йили, ўша кеч кузда, ўша эрта қишда нима бўлганди?..

## XV

Бутун октябрь ойи тоғларда қурғоқчилик бўлиб, ҳамма ёқ олтин тусга кирган эди. Бошда икки кунгина ёмғир ёғиб ҳаво совиди, туман тушди. Кейин бир кечда булутлар тарқаб кетди, эрта билан Танабой ўтовдан чиқди-ю, орқасига қараб қочишига сал қолди—гўё чўққилари оппоқ қорга бурканган тоғ у томон бостириб келаётгандек эди. Қор бу чўққиларга қандай ёғди экан? Улар гўё ҳозиргина яратилгандек мусаффо турар, сояда ҳам, ёруғликда ҳам кўзга яққол ташланар эди. Қор ётган жойдан кўм-кўк бепоён бўшлиқ бошланарди. Унинг тубида эса олис-олислардан коинотнинг хаёлий зумрад уфқи кўриниб турарди. Нур ва соф ҳавонинг мўллигидан Танабой жунжикиб кетди ва юраги ҳасратга тўлди. У яна Гулсарисида қатнаб юрган ўша жувонни эслади. Қани энди йўрғаси ёнида бўлса-ю, уни миниб, шавқ-завқдан қийқириб, мана шу эрталабки оппоқ қордек кутилмаганда унинг ҳузурига етиб борса...

Аммо бу фақат орзугина эканлигини биларди у... Нимаям қиларди ахир, умрнинг ярми орзу-хаёл билан ўтади, шунинг учун ҳам, эҳтимол, ҳаёт шунчалик лаззатли, орзу қилганларининг ҳамма-ҳаммаси ҳам рўёбга чиқавермаганлиги учун азиздир. У тоғ ва осмонга тикилиб туриб, ҳамма одамларнинг ҳам бир хилда бахтли бўлиши қийин, деб ўйларди. Ҳар кимнинг ўз тақдири-қисмати бор. Бир тоғда бир пайтнинг ўзида ҳам ёруғлик, ҳам қоронғилик бўлганидек, ҳар бир тақдирнинг ўз қувончлари, ўз ғаму ғуссалари бўлади. Ҳаёт шулар би-



лан тўла-тўқис... «У жувон, эҳтимол, энди мени кутмаёт-гандир ҳам. Агар тоғлардаги янги қорни кўриб эсланган бўлмаса...»

Киши кундан-кун қариб бораверади-ю, кўнгил эса қаришни хоҳламайди, аҳён-аҳёнда бир типирчилаб, майлига солмоқчи бўлади.

Танабой отни эгарлади, қўйлар қўрасини очди, ўтовга қараб хотинига қичқирди:

— Жайдар, мен қўйларни ҳайдаб кетяпман, сен ишларингни қилиб бўлгунигча қайтиб келаман.

Қўй-қўзилар бир-бирини биқин-боши билан суриб-туртиб ташқарига отилди-да, тепаликка қараб тўлқиндек ўрлай бошлади. Қўшни чўпонлар ҳам қўйларни ҳайдаб чиқа бошлаганди. Тоғ ён бағри, пастликлар, жарликларда у ер-бу ерда қўй сурувлари ер-заминнинг азалий тортиғи ўт-ўланларни териб ея бошлади. Улар тоғнинг кузги сарғиш, кўнгир ранг, турли-туман ўт-ўланлари ичида тўда-тўда бўлиб ўтлаб юришарди.

Ҳозирча ишлар жойида эди. Танабойга ёмон ўтар тегмади—улар икки ва уч марта қўзилаган совлиқлар эди. Ярим минг бош, ярим минг ташвиш. Қўзилагандан кейин эса улар яна икки баравардан зиёдроқ кўпаяди. Лекин қўзилатишга, чўпонларнинг ташвиши бошларидан ошиб ётадиган кунларнинг бошланишига ҳали узоқ эди.

Йилқиларга қараганда қўйларни боқиш анча тинчроқ, албатта, лекин Танабой уларга дарров кўника қолмади. Отларни боқиш бошқача эди-да! Аммо, айтишларича, йилқичилик ўз аҳамиятини йўқотган эмиш. Машиналар пайдо бўлганмиш. Демак, отлар энди фойда бермайдиган бўлиб қолибди-да. Энди муҳими қўйчилик, жун, гўшт, тери. Гарчанд Танабой бундай оқилона ҳисоб-китобда ҳақиқат борлигини тушунса ҳам, бу унга қаттиқ ботарди.

Яхши айғири бўлган уюрни гоҳ пайтларда вақтинча, ярим кунга ёки ундан ҳам кўпга ташлаб кетиб, ўз ишлари билан шуғулланса бўларди. Қўйларни эса ҳеч қаёққа ташлаб кетиб бўлмайди. Кундузи бир қадам ҳам жилмай уларнинг кетидан юриш, тунда қоровуллик қилиш керак. Чўпондан ташқари ўтарда чўлиқ бўлиши керак эди, лекин чўлиқ беришмаётганди. Шунинг учун навбат алмашмай, тинимсиз ишлашга тўғри келарди. Жайдар қоровул ҳисобланарди, кундузи фақат баъзи вақтларда-

гина қизлари билан қўйларга қарай оларди, тун ярмига қадар милтиқ кўтариб қўра атрофида айланиб юрарди, кейин Танабойнинг ўзига қоровуллик қилишга тўғри келарди. Энди колхоздаги бутун чорвачиликка хўжайин бўлиб олган Иброҳим эса ҳар бир нарсага баҳона топа олар эди.

— Хўш, мен қаердан оламан чўлиқни, Танаке?—дерди у куюнгандек бўлиб.— Ақлли одамсиз-ку ўзингиз. Ёшларнинг ҳаммаси ўқишда. Ўқимаётганларга қўйдан гап очсангиз тепа сочи тикка бўлади, улар шаҳарга, темир йўлга, ҳатто аллақаяқлардаги конларга ҳам кетиб қолишяпти. Нима қилишга ақлим етмай қолди. Сизда ҳаммаси бўлиб биргина ўтар—шунга ҳам оҳ-воҳ қиласиз. Мен-чи? Бутун чорвачилик менинг бўйнимда. Судга тушаман. Бу ишга беҳуда ўтган эканман, беҳуда. Сиз оталиққа олган Бектойга ўхшаш кишилар билан ишлаб бўлармиди. Сен, дейди, мени радио, кино, газеталар билан таъминла, янги ўтов бер, тагин ҳар ҳафтада олдимга магазин келиб турсин, бўлмаса бошим оққан томонга кетаман-қоламан, дейди. Сиз у билан гаплашсангиз бўларди, Танаке!..

Иброҳим алдамаётгани. Унинг ўзи ҳам бу мансабга минганидан хурсанд эмасди. Бектой ҳақидаги гапи ҳам тўғри эди. Танабой баъзан бир амаллаб вақт топиб, оталиққа олган комсомоллар олдига бориб турарди. Эшим Бўлатбеков гарчанд унчалик эпчил бўлмаса ҳам, кўнгилчан, юмшоқ табиатли йигит эди. Бектой эса чиройли, келишган йигиту, аммо унинг қора қийиқ кўзларидан ғазаб ўти чақнаб турарди. У Танабойни қовоқ солиб кутиб оларди.

— Сиз, Танаке, кўп куйиб-пишаверманг, яхшиси, ўз болаларингиз олдида ўтиринг. Сизсиз ҳам мени текширувчилар кўп,— дер эди у.

— Сенга нима, бир нарса ютқизяпсанми бундан?

— Ютқизишга ютқизмайману, лекин сизга ўхшаганларни ёқтирмайман. Сизлар, ўзларингизни сувга ҳам, ўтга ҳам ургансизлар. Доим ҳайбаракаллачилик: «ура, ура!» қилгансизлар. Ўзингиз бўлсангиз одамга ўхшаб ҳаёт кечирмадингиз, ўзгаларнинг ҳам одамдек яшашига йўл қўймадингиз.

— Сен, йигит, ҳаддингдан ошаверма,— деди Танабой ва зўр-базўр ўзини тутиб, ижирғаниб гапирди.— Қўлингни менга бигиз ҳам қилма. Сенинг ишинг эмас. Ўзимизни

сுவга, ўтга урган бўлсак, биз урганмиз. Афсусланмай-миз ҳам бундан. Сизларни деб қилганмиз шуни. Шундай қилмаганимизда эди, кўрардим ҳозир аҳволинг нима кечишини. Кино кўриш, газета ўқиш бу ёқда турсин, ўз исмингни ҳам билмаган бўлардинг. Уч ҳарфдангина иборат «қул» деган номинг бўларди сенинг...

Танабой ҳам Бектойни ёқтирмасди. Лекин у буни мана шундай тўғри сўзлиги учун дилидан ҳурмат қиларди. Бектойнинг феъл-атвори айнаб бораётганди. Танабой бу йигитнинг тўғри йўлдан бормаётганлигини кўриб ачинарди. Кейинчалик, уларнинг йўллари бошқа-бошқа бўлиб кетиб, Танабой уни шаҳарда тасодифан учратиб қолганида, ҳеч нарса демади; унинг гапларига қулоқ ҳам солмади.

\* \* \*

Ўша қишнинг бошлари эди...

Қиш ўзининг оппоқ қаҳрли туясида елиб-югуриб келиб, чўпонларни беғамлиги учун жазолай кетди.

Бутун октябрь ойи қуруқ келганди, ҳамма ёқ олтин тусга кирганди. Ноябрь ойида эса бирданига қиш тушиб қолди.

Танабой кечқурун қўйларни ҳайдаб келиб, уларни қўрага қамади. Ҳамма нарса гўё ўз жойида эди. Аммо ярим кечаси уни хотини уйғотиб қолди:

— Туринг, Танабой, мен жуда совуққа қотиб қолдим. Қор ёғяпти.

Унинг қўллари муздек эди, бутун вужудидан қор ҳиди келарди. Милтиқ ҳам нам, совуқ эди.

Сутдек ойдин кеча эди. Қор гупиллаб ёғарди. Қўйлар қўраларда безовталаниб ётишарди, қорга кўникмаганликларидан силкинишар, каллаларини чайқашар, қор бўлса ҳамон шиғаб ёғарди. «Шошманглар, ҳали сиз билан бизнинг бошимизга бундан ҳам баттарроқ кунлар келади,—деб ўйларди Танабой пўстинига ўралиб.—Эрта, жуда эрта келдинг сен қиш. Оқибати нима бўларкин, яхшиликми, ёмонликми? Балки, кейинчалик юмшаб қоларсан-а? Фақат қўйлар қўзилагунча ўтиб кетсанг бўлгани. Бор илтимосимиз мана шугина, холос. Ҳозирча эса ўз билганингни қилавер. Бунга ҳаққинг бор, ҳеч кимдан сўрамасанг ҳам бўлади...»

Қиш, одамлар уҳ тортиб у ёқдан-бу ёққа югур-гилаб қолсин, деб қоронғида индамай ўз ишини қилар эди.

Тоғлар тунда қорайиб баҳайбат туришарди. Улар қишми писанд қилишмасди. Бу чўпонлар сурувлари билан елиб чопишаверишсин. Тоғлар эса қандай турган бўлса, шундай тураверади.

Эсдан чиқмайдиган ўша қиш бошланди, аммо унинг оқибати нима бўлишини ҳозирча ҳеч ким билмас эди.

Қор эрмай ётарди, бир неча кундан сўнг у яна гу-пиллаб ёғиб берди, кейин яна, яна ёғди ва чўпонларни кузги манзилларидан ҳайдаб туширди. Сурувлар дайдиб, гарқалишиб, даралар, овлоқ жойлар, кам қорли ерларга беркина бошладилар. Чўпонларга эски тажриба иш берди. Улар, бошқа одамлар бу ерда қордан бўлак ҳеч нарса йўқ, деб қўл силтаб кетадиган жойлардан сурувларга ем-хашак излаб топиб беришарди. Шунинг учун ҳам уларни чўпон дейишарди-да... Баъзан бирон бошлиқ келиб қараб туради-да, уни-бунни суриштиради, бир дунё нарса-ни ваъда қилади ва дарҳол жўнаб қолади. Чўпон бўлса яна танҳо қиш билан юзма-юз қолади.

Колхоздагилар қўзилатишни қандай ўтказиш ҳақида нима ўйлаётганликларини, ҳамма ишлар қилинганми, ҳамма нарса жамғарилганми, шуларни билиш учун Танабой кўпдан бери колхозга бир амаллаб бориб келмоқчи бўларди. Аммо қаёқда дейсиз! Бош қашишга ҳам қўл тегмасди. Жайдар бир кунини интернатта ўғлининг олдига бориб келди, лекин у ерда узоқ турмади; чунки усиз жуда қийин бўлишини Жайдарнинг ўзи ҳам биларди. Танабой қизлари билан қўйларни боқиб қолганди. Кичик қизини олдига эгарга ўтқазиб, пўстин билан ўраб оларди, у иссиқда, жони тинч эди, каттаси эса совуққа қотарди—у отасининг орқасида ўтирарди. Ҳатто ўчоқдаги олов ҳам ўзгача бўлиб ғарибона ёнарди.

Эртасига оналари қайтганда нима бўлди денг-а! Болалар оналарининг бўйинларига ташланишди, куч билан ажратиб олишга тўғри келди. Ҳа, ота—ота-ю, она—она экан. Унинг ўрнини ҳеч ким босолмас экан.

Вақт шу зайлда ўтиб борарди. Ҳаво ўзгариб турарди—гоҳ қиш қаҳрига олар, гоҳ бир оз юмшарди, икки марта бўрон ҳам бўлди, кейин тинчиб, ерлар эрий бошлади. Танабойни худди мана шу нарса ташвишлантирар-

ди. Қўйларнинг қўзилашлари илиқ кунларга тўғри келса яхши-я, агар тўғри келмаса-чи, унда нима бўлади?

Бу орада қўйларнинг қоринлари ҳам анча оғирлашиб қолди. Боласи йирик ёки эгизак бўлган айрим совлиқларнинг қоринлари осилиб кетди. Совлиқ қўйлар эҳтиёткорлик билан зўр-базўр қадам ташлашар, жуда озиб кетишганди. Орқа суюклари туртиб чиқиб қолганди. Ҳайрон бўладиган жойи ҳам йўқ бунинг — бола қоринда ўсиб, онасининг бор-йўғини сўриб, етилиб-тўлишарди, бу ерда бўлса ҳар битта ўтни қор остидан тимирскилаб топиш керак. Чўпон қўйларни эрталаб ва кечқурун қўшимча боқса, тоққа ем-хашаклар келтирса бўларди-ю, лекин колхоз омборларида ҳеч нарса топилмасди. Уруғликлар ва аравага қўшиладиган, мириладиган отлар учун асраб қўйилган сулидан бўлак ҳеч нарса йўқ эди.

Танабой ҳар куни эрталаб қўйларни қўралардан ҳайдаб чиқараётганда, совлиқларга разм солар, қорни, елинини пайпаслаб кўрар эди. У ўзича чамалаб, агар ҳамма бало-қазолардан соғ-саломат чиқарса, қўзилар бўйича мажбуриятини бажариши, жун бўйича эса бажара олмаслигига кўзи етарди. Чунки қиш ичида қўйларнинг жунни ёмон ўсди, баъзилариники ҳатто сийраклашиб қолди, тўкила бошлади — уларни яна ҳам яхшироқ боқиш керак эди. Танабойнинг қош-қовоғи осилар эди, ғазабланарди, аммо ҳеч нарса қила олмасди. Шунда Жўранинг сўзига киргани учун ўзини ёмон сўзлар билан койирди. Ваъдани катта берди. Минбарга чиқиб гапирди. «Мен фалончи-пистончи илғор одам, партия ва Ватан олдида сўз бераман». Лоақал мана шу кейинги сўзларни гапирмаса ҳам бўларди! Партия ва Ватаннинг бунга нима дахли бор-а! Одатдаги хўжалик иши. Йўқ, тартиб-қоида шундай. Нега энди ўрни келса-келмаса ҳар қадамда мана шу сўзларни тиқиштираверамиз-а?..

Нима ҳам қиларди, ўзи айбдор. Уйлаб кўрмаган. Узгаларнинг гапи билан иш қиладиган бўлиб қолган. Уларга нима, алдаб-сулдаб қутулиб кетаверишади, лекин Жўрага қийин. Ҳеч омади келмаяпти-да унинг. Бир кун соғ бўлса, икки кун касал. Умр бўйи у ёққа югуради, бу ёққа югуради, унга ялинади, буни кўндиради, лекин нафи қани? Эҳтиёткор бўлиб боряпти, сўзни танлаб гапирди. Модомики касал экансан, дам олишга чиқсанг ҳам бўлармиди...

Қиш чўпонларни гоҳ умидлантириб, гоҳ ташвишланти-

риб ўз йўлида давом этарди. Танабойнинг ўтарида икки совлиқ жуда нимжон бўлиб қолган экан. Қувватдан кетиб ҳалок бўлди. Унинг оталиғидаги ёш чўпонларнинг ҳам бир нечтадан қўйлари ўлди. Бусиз бўлмайди ҳам. Бир қиш ичида ўн совлиқни йўқотиш бу оддий ҳол. Энг муҳими олдинда, кўклам арафасида.

Бирдан ҳаво илиб, совлиқларнинг елинлари дарров тўлиша бошлади. Ориқлаб кетишган, қоринларини зўрға кўтариб юришган бўлса ҳам, елинлари кун сайин эмас, соат сайин қизариб, шишиб борарди. Нима сабабданикин? Қаёқдан бунчалик куч-қувват олишади-я! Кимнингдир бир неча совлиқлари қўзилаб қўйибди, деган овоза тарқалди. Демак қочириш даврида эътиборсизлик, бепарволик қилинган экан-да. Бу биринчи огоҳлантириш эди. Бир-икки ҳафтадан кейин қўзилар пишган олмадек «ёғилиб» кетади. Улгура олсанг бас. Чўпонларнинг сермашаққат, қизгин иш палласи шунда бошланади. Ҳар бир қўзи учун чўпон титраб туради ва қўйлар кетидан юра бошлаган кунини лаънатлайди, агар барра қўзичоқни сақлаб қола олса, агар қўзилар оёққа туриб, қишга қадар думлари кўриниб қолса, қувончи чексиз бўларди.

Кошки, шундай бўлса, кошки эди. Кейинчалик одамлардан кўзини яшириб юрмас эди.

Қўзилатиш даврида колхоздан сақмончиларни — аксарияти қари ва боласиз аёлларни бир амаллаб ёрдамга юборишди. Танабойнинг сурувига ҳам икки сақмончини жўнатишди. Улар кўрпа-тўшаклари, чодирлар, қозон-товоқлари билан келишди. Ҳамманинг кўнгли кўтарилди. Сақмончилардан кам деганда етти киши керак эди. Иброҳим, сурувлар Беш тол водийсидаги қўзилатиш пунктига кўчганида, яна сақмончилар юборишни ваъда қилиб, ҳозирча шуларнинг ўзи кифоя, деганди.

Сурувлар ғимирлаб қолишди, пастроққа, тоғ ён бағирларига, қўзилатиш базаларига туша бошлашди. Танабой ўзи қўйларни ҳайдаб боргунча аёлларнинг манзилга етиб, у ерда ўрнашиб олишларига ёрдам беришни Эшим Бўлатбековдан илтимос қилди. Аёлларни бир карвон қилиб жўнатди, ўзи эса қўйларни тўплади-да, бўғоз совлиқлар қийналмасин, дея уларни ўз юришига қараб бамайлихотир ҳайдаб кетди. Кейинчалик Беш тол водийсига олиб борадиган шу йўлни тагин икки марта босиб ўтиши, оталиғидаги чўпонларга кўмаклашиши керак эди.

Кўйлар аста-секин ўтлаб боришарди, уларни шошириб бўлмасди. Ҳатто ит ҳам зерикиб кетди, у ёқдан-бу ёққа изғиб чопа бошлади.

Қуёш бота бошлаганди, аммо ҳали тафти бор эди. Сурув тоғ этакларига тушган сари ҳаво исиб борарди. Кунгай жойларда ўтларни ўра бошлаган эдилар.

Йўлда бир оз тўхтаб қолишди — биринчи совлиқ кўзилаб қўйди. Буни ҳеч ким кутмаган эди, Танабой куйиб-пишиб янги туғилган кўзининг қулоқ ва бурун ковакларига пуфларди. Ялпи кўзилашнинг бошланишига ҳали бир ҳафтача вақт бор эди. Бу томдан тушган тарашадек бўлди.

Йўлда бошқа баъзи совлиқлар ҳам кўзилаб қўйиши мумкин. У қолган совлиқларни ҳам кўздан кечирди — йўқ, унақага ўхшамайди. Хотиржам бўлди, ҳатто кайфи чоғ бўлиб кетди. Унинг қизлари биринчи кўзичоқни кўришса, роса қувонишади. Тўнғич доим азиз бўлади-да. Кўзичоқ ҳам яхшигина эди. Киприклари қора, туёқлари қора, ўзи оппоқ. Сурувда бир нечта ярим дағал жунли қўйлар бор эди. Худди ана шулардан бири кўзилади. Уларнинг кўзилари, одатда, майин жунли қўйларнинг деярли қип-яланғоч туғиладиган кўзиларига нисбатан бақувват, жунли бўлишарди.

— Ҳа, майли, шошилган экансан, ана, ёруғ дунёни кўриб ол,— дерди Танабой.— Бизга ҳам бахт келтир! Ўзингга ўхшаган кўзичоқлардан шунча кўп эргаштириб келтиргинки, қадам босишга жой қолмасин, сизларнинг овозларингиздан қулоқларимиз битиб кетсин, биронта кўзичоқ ўлмасин, ҳаммаси тирик қолсин,— деб у кўзичоқни боши узра кўтарди.— Қараб қўй, қўйлар ҳомийси, мана тўнғич кўзичоқ, бизга мадад бер!

Теварак-атрофда тоғлар турар, улар сукут сақлашарди.

Танабой кўзичоқни пўстини остига олди ва қўйларни яна ҳайдаб кетди. Она совлиқ изма-из чопар, безовталанар, маърар эди.

— Юр, кетдик!— деди унга Танабой.— У шу ерда, ҳеч қаёққа кетмайди.

Пўстин остида кўзичоқ қуриди, исиниб олди.

Танабой сурувни базага кечга яқин етказиб келди.

Манзилга ҳамма етиб олган, ўтовдан тутун ўрларди. Чодир олдида сақмончилар ивирсиб юришарди. Демак, бир амаллаб келиб олишибди. Эшим кўринмасди. Ҳа,

ростданам, у эртага ўзи кўчиб келиш учун юк ташувчи туяни олиб кетувди. Ҳаммаси тўғри.

Лекин Танабойнинг кейинчалик кўрган нарсаси уни булутсиз кунда бўлган момақалдиروقдек ларзага солди. У ҳамма нарса яхши бўлади деб ўйлаганди. Аммо совлиқлар кўзилайдиган қўйхонанинг қамиш томи чириб, ўпирилиб тушганини, деворлари тешилиб, деразасиз, эшиксиз қолганини, шамол бу биқинидан кириб, у биқинидан чиқишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Атрофда қорлар деярли эриб кетган, қўйхона ичида эса ҳамон қор уюлиб ётар эди.

Қачонлардир харсанг тошлардан қурилган қўра ҳам хароба, вайрона ҳолда ётарди, Танабой шу қадар хафа бўлиб кетдики, қизлари қўчизоқни кўриб хурсанд бўлганлари ҳам кўнглига сиғмади. Кўзичоқни уларнинг қўдига берди-да, теварак-атрофни кўздан кечиргани кетди. Қаерга қадам қўямасин — ҳамма ерда тоқат қилиб бўлмас даражада хўжасизлик эди. Уруш бошланганидан бери бу ерда барча нарса ўз ҳолига ташлаб қўйилган, совлиқларни кўзилатишни бир амаллаб эплаштириб, кейин ҳаммасини ёмғир ва шамолга ташлаб кетаверишган бўлишса керак. Сарой томи устида бир томонга қийшайиб чириган ҳашак ғарами турарди, сомон уюмлари сочилиб ётарди. Агар бурчакдаги яримлаб қолган икки қоп арпа уни-ю бир яшик тузни ҳисобга олмаганда, бутун сурувдаги кўзичоқлар ҳамда совлиқларга аталган ем-ҳашак ва тўшаманинг бори мана шугина эди, холос. Шу ердаги бир бурчакка шишалари синган бир неча фонус, керосин қуйилган занглаган бидон, иккита белкурак ва синиқ паншахалар ташлаб қўйилганди. Мана шуларнинг ҳаммасига керосин сепиб ёндириб, кулини кўкка совургиси ва бу ердан бошқа — боши оққан томонга кетиб қолгиси келди унинг.

Танабой ўтган йилги гўнг ва қорнинг яхлаб қолган уюмларига қоқилиб-суқилиб юрар ва нима дейишини билмас эди. Сўз тополмасди. Худди ақлдан озган кишидек: «Шундай бўлиши мумкинми-а? Шундай бўлиши мумкинми-а?» дея тақрорлар эди.

Кейин қўйхонадан югуриб чиқиб, отини эгарлашга шошилди. Отга эгар урар экан, қўллари титрар эди. Ҳозир у бошқарма томонга отини елдириб кетади, тун ярмида ҳаммани оёққа турғизади ва нимадир қилади, лекин нима қилишлигини ўзи ҳам билмасди. Анови ИБ-



роҳимни ҳам, раис Олдановни ҳам, Жўрани ҳам ёқасидан тутати. Ундан раҳм-шафқат кутишмасин! Улар Танабойга шундай қилишдими, энди ундан яхшилик кўриб бўлишибди! Бўлди, тамом!..

— Қани, тўхтанг-чи!— деб жиловни ушлаб қолишга улгурди Жайдар.— Қаёққа? Бора кўрманг. Отдан тушинг, гапимга қулоқ солинг.

Қаёқда! Танабойни энди тўхтатиб бўлармиди!

— Қўйиб юбор! Қўйиб юбор!— деб бақирарди у жиловни тортиб, хотинининг устига от суриб, қамчи билан отни савалаб.— Қўйиб юбор, деяпман! Мен уларни бориб уларни ўлдираман! Мен уларни ўлдираман!

— Қўйвормайман! Бирон кишини ўлдиргингиз келяптими? Мени ўлдира қолинг, мени!

Бу орада сақмончилар Жайдарга кўмакка югуриб келиб қолишди, қизлари чопишиб чиқишди, қий-чув кўтаришди.

— Дада! Дада! Қўйинг!

Танабой жаҳлдан тушди-ю, лекин ҳамон кетмоқчи бўлиб юлқинарди.

— Ушлама мени, ахир кўрмаяпсанми бу ердаги аҳволни? Ахир анови кўзичоқлар билан турган совлиқларни кўрмаяпсанми? Эртага биз уларни қаёққа кўямиз, том қани? Ем-хашак қани? Ҳаммаси ҳаром ўлади. Ким жавоб беради? Қўйвор!

— Ҳе, тўхтасангиз-чи, тўхтанг. Хўш, майли, бордингиз ҳам дейлик, бақириб-чақириб жанжал-тўполон қилдингиз ҳам дейлик. Хўш, бундан нима чиқади? Агар улар шу кунга қадар ҳеч нарса қилишмаган бўлса, демак, уларнинг бунга кучлари етмабди-да. Агар иложи бўлганда колхоз янги қўйхона қурган бўлмасмиди?

Томини ёпиш мумкин эди-ку! Эшиклари қани? Деразалари қани? Ҳамма ёқ вайрона, қўйхонада қор, ўн йиллик қий тўпланиб ётибди, тозалашмаган! Буни қара, бу чирик хашак қанча вақтга етади? Ахир кўзичоқларга шунақа пичан бериладими? Қўй-қўзилар тагига нима тўшаймиз? Кўзичоқлар балчиққа ботиб ўлаверишсинми, а? Шундайми? Сенга маъқулми шу? Қоч, йўлимни тўсма!

— Бўлди, Танабой, ўзингизни босинг. Нима, сиз ҳаммадан ортиқмисиз? Кўпчилик нима бўлса, биз ҳам шу-да. Тагин сизни эркак дейишади-я!— деб уялтирди хотини

уни.— Яхшиси, нима қилиш мумкинлигини ўйлаб кўринг, ҳали ҳам кеч эмас. Парво қилманг уларга. Биз жавобгармиз, биз шу ишни қилишимиз керак. Мен ҳув анови жарликка тушаверишда қалин ўсган наъматакларни кўрдим, тўғри, тиканакли-ю, лекин уларни чопиб, томни бекитса бўлади, устидан гўнг ташлаймиз. Қўй-қўзилар тагига эса қуврай ўришга тўғри келади. Агар ҳаво айнаб қолмаса, бир амаллаб қишдан чиқиб оламиз...

Сақмончилар ҳам Танабойни тинчита бошлашди. У эгардан сирғалиб тушди, хотин-халажларга парво қилмай, ўтовга кириб кетди. Худди оғир касалликдан тургандек бошини ҳам қилиб ўтирди.

Уйда ҳамма жим қолди. Гаплашгани кўрқишарди. Жайдар тезак ёқиб қайнатилган қумғонни олди-да, аччиқ чой дамлади. Кўзада сув келтириб, эрининг қўлига қўйди. Озода дастурхонни ёзди, ҳатто қаёқдандир конфет ҳам топиб келтирди, ликобчада сариеғ қўйди. Сақмончиларни таклиф қилишди ва чой ичишга ўтиришди. Эҳ, бу хотинлар! Пиёлалардан чой ичиб, гўё меҳмонга келишгандек турли-туман нарсалар ҳақида бамайлихотир гаплашиб ўтиришарди. Танабой жимгина ўтириб чой ичди-да, сўнг ўтовдан чиқиб, кўранинг қулаб тушган тошларини қалай бошлади. Бу битадиган иш эмасди. Лекин қўйларни тунда қамаш учун бирон нарса қилиш керак-ку. Аёллар ҳам чиқишиб тошларга ёпишишди. Ҳатто қизалоқлар ҳам тош кўтараман деб чиранишарди.

— Уйга жўнанглар,— деди уларга отаси.

У номус қиларди. Кўзларини ердан кўтармай, тош таширди. Жўра ҳақ гапни айтган-да, агар Жайдар бўлмаганида, Танабой бечора бошини омон сақлай олмасди.

## XVI

Эртасига Танабой ўз оталиғидаги чўпонларни кўчириб келишга кетди. Кейин бутун ҳафта бўйи тинмай ишлади. У ҳеч қачон бунчалик қаттиқ ишламаганди. Фақат фронтда кеча-ю кундуз мудофаа линиясини қурганларида шунчалик бўлгандир. Бироқ у ерда полк билан, дивизия билан, армия билан бирга эди. Бу ерда-чи — ўзи, хотин ва сақмончилардан бири. Иккинчиси яқин ўртада қўйларни ўтлатиб юрарди.

Ҳаммадан ҳам қўйхонани гўнгдан тозалаш, наъма-такларни чопиб келтириш қийин бўлди. Бутазор қалин, турган-битгани тикан эди. Танабойнинг этиги йиртиқ, эскириб қолган солдатча шинели ҳам илма-тешик бўлиб кетганди. Кесилган наъматак шохлари арқон билан боғланиб судраб келтириларди, чунки уларни тиканли бўлганидан на отга ортиб, на орқалаб бўларди. «Беш тол водийси эмиш, ундан бешта тўнкани ҳам излаб тополмайсан» — деб сўкинарди Танабой. Улар бу лаънати наъматакни икки букилиб, эгилиб, терга ботиб судрашар, қўрага келадиған йўл эса шудгор бўлиб кетган эди. Танабой хотин-қизларга ачингани билан илож қанча. Ташвишлари зўр. Вақт эса тиғиз. Ишқилиб ҳаво айнамай турсин. Қор уриб берса, буларнинг ҳаммаси бир пул бўларди. Танабой қўйлар қўзилаб қолмадимикин, деб хабар олиб келиш учун катта қизини югуртириб турарди.

Қўйхонани гўнгдан тозалаш ундан ҳам машаққатли эди. Бу ерда қий шунчалик кўп эдики, ташиб чиқариш мумкин эмасди. Агар қий қўйхонада қор-ёмғир тегмасдан қуруқ сақланган ва шиббаланган бўлса, уни қирқиш қулай бўларди. Бир-бирига зичлашиб, қотиб қолган қийни кессанг, палахса-палахса бўлиб кўчиб чиқарди. Уларни қуритиш учун катта-катта уюм қилиб тахлаб қўйиларди. Қўй қийининг чўғи беғубор бўлади; қиш совуғида чўпонлар уни ёқиб исинадилар. Аммо қий бу ердагидек ёмғир ёки қор остида қолган бўлса, у ҳолда уни тозалашдан ҳам оғирроқ иш йўқ эди: тинкани қуритарди. Вақт эса кутиб турмайди. Улар кечаси тутаб турган фонус ёруғида бу муздек, ёпишқоқ, қўрғошиндек оғир балчиқни замбилда ташишда давом этдилар. Мана, иккинчи сутка ишлашлари.

Қўйхона орқасига каттакон гўнг уюмини ташиб чиқаришган эди. Қўйхонадаги гўнг эса ҳали-бери тамом бўладиган эмасди. Кутиб турган қўзичоқлар учун, ҳеч бўлмаганда, қўйхонанинг бирон бурчагини очишга шошилишарди. Она-бола қўйларнинг ҳаммасини жойлаштириш учун бутун бир қўйхона торлик қилиб турган пайтда, унинг бир бурчаги нима бўларди, ахир кунига йигирма-ўттиздан қўйлар қўзилаётган бўлса! «Нима бўларкин?» Замбилга гўнг солаётганда ҳам, ташиётганда ҳам, уни тўкиб қайтиб келаётганда ҳам Танабой фақат шу ҳақда ўйларди. Шу зайлда ярим кечагача, тонг отгунча ўйлагани ўйлаган эди. Ниҳоят ҳолдан тойиб, қўллари увушиб

қолди. Бунинг устига шамол фонусни ўчириб қўярди. Яхшики, сақмончилар ҳаялламай, Танабой ва Жайдар сингари ишлашарди.

Орадан бир кун ўтди, яна бир кун ва яна... Улар эса ҳамон гўнг ташир, девор ва томдаги тешикларни беркитар эдилар. Бир кун кечаси Танабой қўйхонадан замбил билан чиқаётиб, сурувда қўзичоқнинг овозини ва она қўйнинг унга жавобан безовталаниб, депсиниб маъраганини эшитиб қолди. «Бошланди!»— деб унинг юраги шув этиб кетди.

— Эшитяпсанми?— деди Танабой хотинига ўгирилиб.

Улар гўнг солинган замбилни бирдан оёқлари остига гашлаб, фонусни ушлаганларича сурув томон югуриб кетишди. Фонуснинг хира нурида қўйлар орасини тимирсқилаб қарай бошлашди. Қаёқда у? Хув ана, бурчакда! Совлиқ қўй ҳозиргина туғилган ва совуқда қалтираб турган увоққина қўзичоқни ялаб турар эди. Жайдар уни барига солиб олди. Яхшиям ўз вақтида улгуришди, бўлмаса қўрада музлаб қолган бўларди. Уларнинг ёнгинасида яна бир совлиқ қўзилаганлигини кўрдилар. У эгизак туққан эди. Буларни Танабой ёмғирпўшининг этагига солди. Бештаси тўлғоқ тутиб, кучаниб маъраб ётган эди. Демак, бошланибди. Эрталабгача улар ҳам қўзилайди. Сақмончиларни чақирди. Қўзилаган қўйларни қўйхонанинг ҳалиги наридан-бери тозаланган бурчагига жойлаштирмоқ учун уларни қўрадан олиб чиқа бошладилар.

Танабой девор остига похол тўшаб, онасининг оғиз сүтини биринчи татиб кўрган қўзичоқларни ётқизиб, уларнинг устини қоп билан ёпиб қўйди. Совуқ. Она қўйлар ҳам шу ерга киритилди. Танабой лабини тишлаганча ўйланиб қолди. Лекин ўйлаб ўтиришдан нима фойда? Фақат, бир илож топилар, деган умид қолди. Қанча иш, қанча ташвиш... Ҳеч бўлмаса похол етарли бўлганда эди, у ҳам йўқ. Иброҳим бунга ҳам узрли сабаб топади. Йўлсиз тоғда похол ташиб кўр-чи, дейди у.

Э, нима бўлса бўлар! Бориб сиёҳ солинган банкани олиб келди. Битта туғилган қўзичоқ орқасига икки, эгизакларига эса уч рақамини ёзиб қўйди. Она қўйларни ҳам худди шундай номерлаб чиқди. Юзлаб қўй қўзилагандан сўнг уларни бир-бирдан ажратиб кўр-чи.

Чўпонлар ишининг энг қизғин палласи бошланди. Бошланганда ҳам у худди мудофаадагидек, босиб ке-

лаётган танкларни ҳеч қандай куч билан даф эта олмай-  
диган пайтдагидек, шафқатсизлик билан бошланган эди.  
Сен эса окопда турасан ва ҳеч қаёққа кетмайсан, чунки  
кетиш мумкин эмас. Иккидан бири — ё охиригача тик  
туриб олишиш, ёки ўлиш керак.

Танабой ҳар кун эрталаб қўйларни яйловга чиқариб  
юбориш олдидан, гўё ўз жабҳасини баҳолаётгандек, те-  
палик устида жимгина туриб атрофга қарарди. Унинг  
мудофаа марраси кўҳна ва яроқсиз эди. Бироқ у туриб  
бериши керак. Унинг ҳеч қаёққа кетиши мумкин эмас.  
Саёзланиб қолган сой оқиб ўтадиган бу эгри-бугри ки-  
чик дара дўнгликлар орасида сиқилиб турар, ундан ке-  
йин баландроқ тепаликлар, улар ортида эса қорли тоғлар  
қад кўтарган эди. Оппоқ ён бағирлар тепасида яланғоч  
қоялар қорайиб кўринарди. У ердаги тоғлар устида ёп-  
пасига муз билан қопланган қиш ётарди. У жуда яқин  
турарди. Фақат ҳаракатга келса, булутларни пастга сил-  
житиб юборса бас, дара зулмат ичида фарқ бўлади,  
кейин, уни қидириб тополмайсан.

Ҳаво айнаб, осмон кул ранг тусга кирган эди. Шамол  
ер бағирлаб эсарди. Теварак бўм-бўш эди. Тоғлар, ҳамма  
ёқда тоғлар, қўрқувдан кишининг юраги музлаб кетарди.  
Хароба қўйхонада қўзичоқлар маърашарди. Сурувдан  
қўзилай деб қолган яна ўн беш совлиқни қўйхонага  
ҳайдаб келишди.

Сурув жиндек бўлса-да хашак топиш учун секин  
юриб кетди. Энди яйловда ҳам улардан кўз-қулоқ бўлиб  
туриш керак. Шундай пайтлар ҳам бўладики, совлиқ-  
нинг бугун-эрта қўзилаб қўйишини билмай қоласан киши.  
У эса биронта бутанинг орқасига боради-да, бўшаниб  
олади. Агар вақтида қаралмаса, қўзичоқ зах ерда ётиб  
шамоллаб қолади, кейин унинг нобуд бўлиши турган  
гап.

Шундай бўлса ҳам Танабой тепаликда узоқ туриб  
қолди. Сўнг қўлини силтаб, қўйхона томон юриб кетди.  
У ерда ҳали ишлар кўп, яна нималардир қилиб улгуриш  
керак эди.

Кейин Иброҳим келди, у ун келтирган эди. Виждонсиз...  
«Мен сизга саройни қаердан топаман. Колхоздаги қўй-  
хоналарнинг бўлгани шу. Бошқаси йўқ. Коммунизмга  
бориб етганимизча йўқ ҳали» дейди-я.

Танабой унга мушт кўтариб ташланишдан ўзини аранг  
тутиб қолди.

— Бу ерда сенинг пичингинга бало-борми? Мен иш ҳақида гапиряпман, мен иш ҳақида ўйлаяпман. Мен жавобгарман.

— Демак, мен, сизнингча, ўйламаётган эканман-да? Сиз қандайдир бир сурув учун жавоб берасиз, мен эса ҳаммаси учун, сиз учун, бошқалар учун, бутун чорвачилик учун жавоб бераман. Менга осон деб ўйлайсизми?— Иброҳим бирдан кафтларига юзини қўйиб йиғлаб юборди. Бу айёрнинг йиғисидан Танабой ҳайратда қолди. Иброҳим эса кўз ёши тўка туриб яна шундай деб ўйлди-рарди:— Мен судга тушаман! Судга! Ҳеч ердан бирон нарса ололмайсан. Одамлар ҳатто вақтинча сақмончиликка ҳам боришмаяпти. Мени ўлдиришлар, тилка-тилка қилиб ташланглар, бошқа ҳеч нарса қилолмайман. Мендан бошқа ҳеч нарса кутманглар ҳам. Мен беҳуда, беҳуда бу ишга ўтган эканман...

Шундай қилиб, у содда Танабойни хижолатда қолдириб жўнаб кетди. Кейин уни бу ерда бошқа кўришмади ҳам.

Ҳозирча биринчи юз бош совлиқ қўзилади. Водийнинг юқори қисмига жойлашган Эшим билан Бектойларнинг сурувида қўзилаш ҳали бошланганича йўқ эди. Лекин Танабой офат келаётганлигини сезганди. Уларнинг ҳаммаси — ҳозир қўйларни боқиб юрган қари чўпон аёлни ҳисобга олмаганда — катта ёшдаги уч киши ҳамда олти яшар катта қизи қўзичоқларни артиш, оналарининг олди-га олиб бориш, нима билан бўлса ҳам иситиш, гўнглари ташиб чиқариш ва тўшаш учун хашак ташиб келтиришга аранг улгуришарди. Қўзичоқлар очликдан маърашар, уларга сут етишмас, ҳолдан тойган она қўйларнинг сути йўқ эди. Энди бу ёғи нима бўлар экан?

Чўпонларнинг бош қашишга қўли тегмайдиган кунлар ва тунлар бошланди. Қўйлар шу даража кўп қўзилай бошладики, улар нафас олишга ҳам имкон бермасди.

Кеча ҳаво уларни бир қўрқитди! Бирдан қаттиқ совуқ бўлиб, осмонда қора булутлар ўрмалай бошлади, қуруқ қор ёға кетди. Ҳамма нарса туманликка чўкиб, қоронғилашди...

Бироқ булутлар тезда тарқалиб, ҳаво илий бошлади. Ҳаводан кўклам ҳиди, нам ҳиди келарди. «Худо хоҳласа, баҳор ҳам келиб қолар. Келганда ҳам муқимроқ бўлиб келсин, агар бир келиб, бир кетадиган бўлса, ун-

дан ёмони йўқ»— деб ўйларди Танабой паншахада похол билан бирга қўйнинг йўлдошини олиб чиқар экан.

Баҳор ҳам келди, аммо Танабойнинг кутганидек бўлмади... У тўсатдан тунда ёмғир, туман ва қор билан кириб келди. Ўзининг бутун совуқ ёмғири билан ўтов, қўйхона, хуллас, нимаики бўлса, ҳаммасининг устига ташланди. Ботқоққа айланган совуқ ерда ариқлар, кўлмаклар ҳосил қилиб, кўпириб тоша бошлади. Чириган томдан сизиб ўтаётган чакка деворларни ювиб, қўйхонани сув билан қоплади, қўй-қўзиларни қалтироқ босиб, суяк-суягидан совуқ ўтиб кетди. Ҳаммани оёққа турғизди. Ҳамма қўзичоқлар сувда ғуж бўлишиб, бир ерга тўпланишди. Она қўйлар сувда қўзилаб маърашарди. Қўзичоқларнинг туғилиши биланоқ баҳор уларни муздек сувда чўмилтириб олди.

Ёмғирпўш кийиб, фонус кўтариб олган кишилар саросимада. Танабой оёғи куйган товукдек типирчилаб қолди. Катта этиклари билан қоронғиликда кўлмаклар, гўнг шилталарини кечиб юрарди. Ёмғирпўшининг этаклари яраланган қуш қанотидек шапилларди. У хириллар, ўзича сўкинар, одамларга бақирарди:

— Тезроқ мисрангни бер! Белкурак? Гўнгни бу ёққа ағдаринглар! Сувни тўсинглар!

Ҳеч бўлмаганда қўйхонага оқиб кираётган сувни тезда четга буриб юбориш керак эди. Музлаб ётган ерни чопиб, ариқ қазишди.

— Фонусни тут! Бу ёқни ёрит! Нега қараб турибсан!

Тун туманли эди. Қор аралаш ёмғир ёғарди. Уни ҳеч қандай куч билан тўхтатиб бўлмасди.

Танабой бир вақт ўтовга қараб югурди. Чироқни ёқди. Бу ерда ҳам ҳамма ёқдан чакка ўтаётган эди. Бироқ қўйхонадагидек эмасди. Болалари ухлашарди, уларнинг кўрпаси ҳам ҳўл бўлиб қолганди. Танабой болаларини кўрпа-тўшаги билан бир қучоқ қилиб ўраб кўтариб олди-да, бир бурчакка ётқизди. У ўтовда қўзилар учун жой ҳозирламоқда эди. Кўрпа ивиб қолмасин учун болаларининг устига кигизни ёпиб ташлади, сўнг чиқиб қўйхонадаги аёлларни чақира бошлади:

— Қўзичоқларни ўтовга олиб келинглар!— деди-ю, ўзи ҳам ўша ёққа чопиб кетди.

Аммо ўтовга булардан қанчасини жойлаштириш мумкин? Кўп деганда ўттиз-қирқтасини. Қолганларини нима

қилиш керак? Э, ҳеч бўлмаса қўлдагиларини сақлаб қол-  
сак эди.

Ниҳоят тонг ҳам отди. Ёфингарчиликнинг эса ҳали охи-  
ри кўринмасди. Бир оз тинган бўларди-да, кейин яна гоҳ  
ёмғир, гоҳ қор, гоҳ ёмғир гоҳ қор ёғишда давом эта-  
верарди...

Утов қўзичоқларга тўлиб кетди. Улар тўхтовсиз маъ-  
раша бошлади. Утовда сассиқ ҳид тарқалди. Танабой би-  
лан хотини буюмларини бир жойга уйиб, брезент билан  
ёпиб қўйишди. Ўзлари эса сақмончиларнинг чодирига  
кўчиб ўтишди. Болалар совуққа қотиб, йиғлаша бошлаш-  
ди.

Чўпоннинг қора кунлари келган эди. У ўз тақдирини  
қарғарди. Ҳаммани, оламдаги ҳамма нарсани сўкарди.  
На овқат ерди, на ётиб ухларди. Бошидан оёғигача жикқа  
ҳўл бўлган қўйлар, совуққа қотган қўзичоқлар орасида  
бир нафас тиним билмасди. Ўлим эса зах қўйхонадаги  
қўй-қўзиларни қийрата бошлади. Ўлимнинг бу ерга илма-  
тешик том орқали, ойнасиз дераза орқали, эшикларнинг  
бўш ўрни орқали, истаган жойдан кириб келавериши  
қийин эмас эди. У кириб келди-ю, қўзичоқларни ва заиф-  
лашиб қолган она қўйларни қира бошлади. Чўпон кўка-  
риб кетган ўлимтик қўйларни бир нечталаб ташиб, қўй-  
хона орқасига уя бошлади.

Далада, кўрада эса қорни осилган бўғоз совлиқлар  
қор ва ёмғир остида туришарди. Буларнинг ҳам бугун-  
эрта қўзилаши аниқ эди. Ёмғир савалайверганидан улар-  
нинг жағлари қаришиб, ҳўл жунлари тутам-тутам бўлиб  
осилиб тушганди.

Қўйларнинг яйловга боргиси йўқ эди. Шундай совуқ  
ва лойгарчиликда яйловда нима бор? Қоп ёпиниб олган  
кекса сақмончи аёл қўйларни ҳайдарди, улар эса, гўё  
бу ерда ўзларига жаннат тайёрлаб қўйилгандек, ҳадеб  
орқага тисарилишарди. Аёл йиғларди, уларни тўпларди,  
яна ҳайдарди, қўйлар эса, тумтарақай бўлиб яна орқа-  
ларига қочиб кетарди. Танабой ғазабланган ҳолда чопиб  
чиқди. Қани энди бу тентак қўйларни таёқ билан са-  
валасанг... Аммо уларнинг қорнида боласи бор. Бошқа-  
ларни чақириб, ҳаммалари биргаликда не машаққатлар  
билан қўйларни яйловга ҳайдаб юборишди.

Бу офат бошлангандан бери Танабой қанча вақт ўт-  
ганини билмасди. У қўзилатиш пайтидаги ҳисоб-китоби-  
дан адашиб қолганди. Чунки қўйларнинг кўпчилиги икки-



тадан, ҳатто учтадан қўзилашди. Аммо бутун бойлик нобуд бўлди, ҳамма меҳнат зое кетди. Қўзичоқлар туғилган кунгек лой ва гўнг шилтаси устида ҳаром ўлиб қолаверди. Қолганлари ҳам йўталарди, хирилларди, ичи кетиб, бир-бирини булғаб, ифлос қилиб ташлашарди. Боласиз қолган совлиқлар маърашар, у ёқдан-бу ёққа югуришар, тўлғоқ тутиб ётганларини туртиб, босиб ўтишарди. Буларнинг ҳаммаси қандайдир ғайри табиий офаг эди. Танабой қўзилашнинг ҳеч бўлмаганда бир оз кечроқ бошланишини жуда-жуда истарди.

Совлиқлар эса худди маслаҳатлашиб қўйгандек бирининг кетидан бири, бирининг кетидан бири қўзиларди.

Танабойнинг қалбида шундай даҳшатли ғазаб ўти ёнган эдики, у бу ярамас қўйхонада содир бўлган жамики нарсаларга — қўйларга ҳам, ўзига ҳам, ўз ҳаётига ҳам, бу ерда жон бериб, жон олиб юрган ишига ҳам нафрати ошиб, кўз олдини қоронғилик қоплай бошлади.

У аламдан эс-ҳушини йўқотиб қўйган эди. Ўй-хаёллардан кўнгли беҳузур бўлар, уларни қанчалик қувиб юборишга уринмасин, сира нари кетмас, қалбига, миясига жойлашиб олмоқчи бўларди: «Нега бундай? Бу кимга керак эди? Нега биз қўйларни қўзилатяпмиз, агар уларни сақлай олмасак? Ким айбдор бунга? Ким? Жавоб бер, ким? Сен ва сенга ўхшаган вайсақилар. Биз ҳаммасини кўтарамиз, етиб олиб, ўзиб кетамиз, сўз берамиз. Чиройли гапирамиз. Мана энди ҳаром ўлган қўзичоқларни кўтар. Чиқариб ташла уларни. Хув анови халқобда ўлиб ётган совлиқни судраб кел. Кўрсат ўзининг ким эканлигини...»

Айниқса кечалари тиззасигача лой ва қўй сийдигини кечиб юраркан, аламли ва изтиробли ўйлардан Танабойнинг нафаси қисиларди

Ў, бу қўзилатиш палласининг уйқусиз тунлари! Оёқ остингда бижиб кетган гўнг ботқоғи, тепангдан эса ёмғир қўйиб турарди. Қўтонда тинимсиз шамол изғиб, дам ўтмай фонусни ўчирарди. Танабой янги туғилган қўзичоқларни босиб олмаслик учун пайпасланиб, қоқилиб-суришиб эмаклаб бориб, фонусни топиб ёқар ва унинг ёруғида ўзининг гўнг ва қонга беланиб қоп-қора бўлиб шишиб кетган қўлларини кўрар эди.

У кўпдан бери ўзини ойнада кўрмаган эди. Сочлари оқариб, анча кексайиб қолганини сезмасди. Энди уни кексалар қаторига қўшса бўларди. Ўзига қарай олмасди,

бунга фурсат ҳам йўқ эди. Овқатланишга, ювинишга вақт топмас эди. Бир зум ўзига ҳам, бошқаларга ҳам тинчлик бермасди. Ниҳоят ишнинг батамом барбод бўлаётганини кўриб, ёш сақмончи қизни отга миндирди:

— Йўртиб бориб Жўрани топ. Айт, тезда етиб келсин. Агар келмайдиган бўлса, у ҳолда қайтиб кўзимга кўринмасин.

Кечга томон қиз от чоптириб, кўм-кўк кўкариб, бутунлай ивиб кетган ҳолда қайтиб келди ва отдан сакраб тушиб:

— Касал экан у, Танаке, тўшакда ётибди. «Агар ўлма-сам бир-икки кундан сўнг бориб қоламан» деб айтди,— деди.

— Илоҳим шу касалдан ўнгламасин!— деб қарғади Танабой.

Жайдар унинг танобини тортиб қўймоқчи бўлди-ю, лекин ботина олмади, ҳозир бунинг мавриди эмасди.

Орадан уч кун ўтгандан сўнг ҳаво очила бошлади. Булутлар эринчоқлик билан судралиб кетишди, тоғлардан туман кўтарилди. Шамол тинди. Бироқ энди вақт ўтган эди. Бу кунлар ичида бўғоз совлиқлар шу даража ориқлаб кетган эдики, ҳатто уларга қараб ҳам бўлмасди. Қуруқ суяклари қолган бу жониворлар шишган қоринларини осилтириб, чўпдек оёқларида аранг туришарди. Уларни боласига сут берадиган совлиқ деб бўлмасди. Қўзилаб ҳозирча тирик қолган совлиқлар ва қўзичоқларчи? Улардан қанчаси баҳорга етиб олиб, кўкатга оғзи теккандан кейин соғайиб кетаркин? Эртами-кечми, касаллик уларни йиқитади. Тирик қолган тақдирда ҳам, ҳеч бало бўлмайди: улардан на жун чиқади, на гўшт...

Ҳавонинг эндигина очилиши билан яна бошқа фалокат юз берди — ер юзи музлай бошлади. Бироқ тушга бориб юмшади. Танабой қувониб кетди. Эҳтимол, қолганини сақлаб қолиш мумкин бўлар. Яна белкурак, паншаҳа, замбилни ишга солишди. Оз бўлса ҳам қўйхонага йўл очиш керак эди. Бўлмаса қадам босишга йўл қолмаганиди. Бироқ бу иш билан узоқ шуғулланишмади. Чунки онасиз қолган қўзичоқларни эмизиши, уларни боласиз совлиқларнинг ёнига олиб бориши керак эди. Улар эса бўйсунушмас, бегона қўзичоқларни яқинига йўлатишмасди. Қўзичоқлар тумшуқлари билан туртиб-ниқтаб сут сўрашар, муздек оғизчалари балан бармоқларни тортқилаб сўришарди. Бармоғингни тортиб олсанг, ёмғирпўшинг-

нинг ифлос барини шимишарди. Улар оч эди. Маъраб юрган қўй тўдалари орқасидан чопишарди.

Дод-фарёд қил, тарс ёрил — бари бир бефойда эди. Ёлғиз хотин-халаждан нима ҳам талаб қилиши мумкин. Оёқда аранг туришибди бечоралар. Мана, неча кундирки, ёмғирпўшлари қуригани йўқ. Танабой уларга ҳеч нима демасди. Лекин бир сафар ўзини тутиб туrolмади. Кекса хотин қўйларни куннинг ярмида қўрага ҳайдаб келди ва Танабойга ёрдамлашмоқчи бўлди. Танабой қўйларнинг аҳволидан хабар олмоқчи бўлиб югуриб чиқди. Уларга кўз ташлаши билан тутатиб кетди. Қўйлар турган жойида бир-бировининг жунини ямлаб ейишаётган эди. Демак, бу қўйлар очлигидан ўлиб кетадиган бўлибди. Танабой ўдағайлаб аёлнинг олдига борди:

— Сенга нима бало бўлди! Кўрмаяпсанми? Нега нафасинг чиқмайди? Йўқол бу ердан! Сурувни ҳайда. Бир ерда туриб қолмасин. Бир-бирининг жунини ғажигга ҳам йўл қўйма. Юриб турсин. Бирор минут ҳам тўхтатма. Бўлмаса ўлдираман!

Бу ерда яна бошқа фалокат — эгизак тўққан совлиқлардан бири ўз болаларини яқинига йўлаттирмапти. Уларни сузиб, тепиб ҳайдаб юборяпти. Қўзичоқлар бўлса интилиб, зорланишади. Бу ҳол она қўйнинг ўз жонини сақлаб қолиш учун қўзичоқларни эмизишдан ғайри ихтиёрий равишда воз кечганида юз бериши мумкин эди, чунки, унинг организми куч-қувватдан кетган бўлиб, бошқани боқишга ҳоли келмайди. Бу ҳодиса юқумли касалликдек жуда тез тарқалади. Битта совлиқ боласини эмизмай қўйса бас, бошқалар ҳам ундан ўрнак олади. Танабой саросимага тушиб қолди. У қизи билан биргаликда очликдан ваҳший ҳолатга келиб қолган она қўйни қўзичоқлари билан ташқарига, қўрага олиб чиқди. Бошлаб Танабойнинг ўзи совлиқни ушлаб турди. Қизи эса қўзичоқларни унинг елинига олиб борди. Бироқ она юлқинар, типирчилар, тепиб ташлар эди. Қизча бу ишни уддалай олмади.

— Дада, улар эмиша олмаяпти.

— Эмишади, ўзининг уқувинг йўқ, эплай олмаяпсан.

— Йўғ-э, кўряпсиз-ку, улар йиқилиб тушишяпти, — деди қизча йиғлагудек бўлиб.

— Қани ушлаб тур-чи, мен ўзим!

Кошки унинг кучи етса она қўйни ушлаб туришга. Отаси қўзичоқни она қўйнинг елинига тутиши, у эндиги-

на эма бошлаши билан она кўй қизчани йиқитиб қочиб қолди. Танабойнинг тоқати тоқ бўлди. Қизининг юзига бир тарсаки туширди. У ҳеч қачон болаларини урмаган эди. Энди эса аламини қизидан олди. Қизча бурнини тортиб йиғлай бошлади. Танабой бўлса уни ташлаб, қўл силтаганча чиқиб кетди.

Бир оз юриб қайтиб келди, қизидан қандай кечирим сўрашини билмасди. Унинг эса ўзи чопиб келди:

— Ота, она кўй қўзичоқларни эмиза бошлади. Биз ойим билан ушлаб турдик. У энди қўзичоқларини ҳайдаб юбормаяпти.

— Ундай бўлса жуда соз. Балли, қизим.

Танабой бирдан ўзини енгил ҳис қилди. Гўё ишлар бир оз юришиб кетгандек бўлди. Эҳтимол, қолганларини ҳам сақлаб қолиш мумкин бўлар. Қара, ҳаво ҳам юмшаяпти! Балки бирдан чинакам баҳор бошланиб, чўпоннинг қора кунлари ўтиб кетар? Яна у ишга тутинди. Иш-лаш, ишлаш, ишлаш керак эди — офатдан қутулишнинг шундан бошқа йўли йўқ эди.

Отда ўспирин ҳисобчи йигит келиб қолди. Хайрият... Ҳол-аҳвол сўрай бошлади.

Танабой уни сўкмоқчи бўлди-ю, бироқ у бечорада нима айб?

— Илгарироқ қаерда эдинг?

— Қаердаси нимаси? Яйловма-яйлов юрибман, якка ўзим улгуролмаяпман.

— Бошқа сурувларда аҳвол қалай?

— Аҳвол чатоқ, шу уч кун ичида кўпи қирилиб кетди.

— Чўпонлар нима дейишяпти?

— Эҳ, сўраманг. Сўкинишади. Бир хиллари гаплашишни ҳам исташмайди. Бектой мени ҳовлидан ҳайдаб чиқариб юборди. Ҳуноб бўлиб юрибди, яқинига йўлаб бўлмайди.

— Ҳа-а. Унинг ҳолидан хабар олгани боришга менинг ҳам кўлим тегмаяпти. Балки вақт топиб бир ров бориб келарман. Сен-чи?

— Нима мен? Ҳисоб қиламан.

— Бизга бирон ёрдам бўлармикин?

— Бўлади. Жўра соғайиб чиқибди, дейишяпти. Араваларда пичан, похол юборган эмиш. Отхоналардаги ем-ҳашакларнинг ҳаммасини олишибди. Ўлса ҳам отлар ўлсин деган эмиш. Ҳа, араваларни қаердадир тикчилиб қолишган дейишади, йўлнинг қанақалигини биласиз-ку...

— Йўл эмиш! Нега илгарироқ ўйлаб кўришмабди? Ҳамиша аҳвол шу. Энди араваларни юборишдан не фойда. Ҳали мен уларнинг адабини бериб қўяман!— деб дўк урди Танабой.— Сўраб ўтирмасдан ўзинг бориб кўр, ҳисоблаб ёзавер. Энди менга бари бир!— деди у ва қўлини силтаб қўйхонага кириб кетди. Бугун яна ўн бешта совлиқ қўзилаган эди.

Танабой янги туғилган қўзичоқларни йиғиб юрган эди, бир маҳал ҳисобчи унга қоғоз узатди:

— Нобуд бўлгани тўғрисидаги актга қўл қўйинг.

Танабой қарамасдан қўл қўйди. У шундай зарб билан имзо чекдики, қалам синиб кетди.

— Хайр, Танаке. Балки бирон гапингиз бордир, айтинг, етказаман.

— Айтадиган ҳеч қандай гапим йўқ,— деди у йигитга, сўнг яна ҳар қалай уни тўхтатди.— Бектойга йўлиқиб ўт. Айт: эртага вақт топиб тушга яқин бориб қоларман.

Танабой беҳуда ташвишланган эди. Бектойнинг ўзи илгарироқ етиб келди. Келганда яна қандай келди денг...

Ўтган кеча яна шамол эсиб, эрталабгача енгилгина қор ёғиб чиқди. Қўрада тун бўйи оёқда турган қўйларнинг устини оқартириб қўйди. Улар энди ётишмасди. Ғуж бўлиб олиб, қимир этмасдан, атрофдаги ҳамма нарсага бепарво туришарди. Ем-хашаксиз узоқ қолиб кетишди. Баҳор билан қиш ўртасидаги кураш жуда ҳам чўзилиб кетди.

Қўйхона совуқ. Қор учқуни томнинг ёмғир ювиб кетган жойларидан учиб тушиб, фонуснинг хира ёруғида парвонадек айланиб, секингина пастга, совуқ қотган қўй ва қўзичоқларнинг устига қўнарди. Танабой бўлса жангдан кейин ўликларни кўмиш командасидаги солдатлардек ҳамон қўйларнинг орасида туртиниб-суртиниб юриб, ўз хизматини бажариш билан овора эди. Энди у ўзининг мушкул аҳволига кўниккан, оғир хаёллари, ғазоби аламзадаликка айланган эди. Аламлари юрагига наштар бўлиб қадалиб, эгилишга ҳам имкон бермасди. У этиги билан аталага айланган лойни кечиб, ўз ишини бажариб юраркан, бу тунги соатларда баъзи-баъзида ўзининг ўтган ҳаётини эсларди...

У ёшлик кезларида дастёр чўпон бўлиб юрганди. Ақаси Қулибой билан биргаликда бир қариндошларининг қўйларини боқишарди. Орадан бир йил ўтгач, уларнинг

фақат овқат учун, кундалик тирикчилик ўтказиш учун ишлаб юрганлари маълум бўлди. Хўжайин уларни алдади. У гаплашишни ҳам истамэди. Шу тариқа улар йиртиқ чориқларини судраб, қуппа-қуруқ, эски халталарини елкаларига осганча, жўнаб кетишди. Кета туриб, Танабой хўжайинига дўқ урди:

«Қараб тур ҳали, улғайганимдан кейин буни эсингга солиб қўяман!» Қулибой эса ҳеч нима демади. У укасидан беш ёшлар чамаси катта эди. У бу билан хўжайинни қўрқита олмасликларини яхши биларди. Ўзи хўжайин бўлиб қўйларга, ерларга эга бўлса, унда бошқа гап. «Хўжайин бўлсам, ишчиларни ҳеч қачон хафа қилмайман» деб айтган эди у ўша кезлардаёқ. Шу билан улар ўша йили ажралишиб кетдилар. Қулибой бошқа бойнинг қўйларини боқишга кетди. Танабой бўлса Александровкага бориб, муҳожир рус Ефремов қўлида батрак бўлиб ишлади. Бу киши унча бадавлат бўлмай, бир жуфт хўкизи, бир жуфт оти ва ўз ерига эга эди. Ғалла экарди. Авлиёота шаҳридаги вольцовкали тегирмонда буғдой тортирарди. Ўзи эртадан то кечгача ишларди. Танабой кўпроқ унинг хўкизларига ва отларига қараш билан овора бўларди. Ефремов талабчан эди, аммо адолатсизлик ҳам қилмасди. Белгиланган ҳақни бериб турарди. Ўша даврда қирғиз камбағаллари ўз ҳамюртлари қўлида ишлашдан кўра рус хўжайинларига ёлланишни афзал кўришарди. Танабой русча гапиришни ўрганди, хўжайини билан биргаликда юк ташиб Авлиёота шаҳрига бориб келди, оз бўлса-да бегона жойларни кўрди. Кўп ўтмай революция етиб келди ва ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетди. Танабойларнинг куни туғди.

Танабой овулга қайтиб келди. Энди ўзгача ҳаёт бошланган эди. Ер ҳам, эрк ҳам, ҳуқуқ ҳам — ҳаммаси бирдан келган эди. Танабойни батраклар комитетига сайлашди. У Жўра билан ўша йиллари топишган эди. Жўра хат-саводли эди, ёшларни ҳарф ёзишга, ҳижжаларга бўлиб ўқишга ўргатарди. Танабой сингари батраклар учун қандай бўлмасин хат-савод ўрганиш жуда зарур эди. Танабой Жўра билан биргаликда комсомол ячейкасига кирди. Улар партиёга ҳам бир вақтда ўтишган эдилар. Ҳаммаси ўз йўлида кетаётган, камбағаллар катта йўлга чиқиб олишган эди. Коллективлаштириш бошланганда Танабой бу ишга бутун вужуди билан берилиб кетди. Ер, қорамол, меҳнат, истак-орзуларнинг ҳаммаси умумий

бўлганлигидан, янги деҳқон турмуши учун курашда у жонбозлик кўрсатмаса, ким кўрсатарди. Йўқолсин қулоқлар! Жангу жадал, кескин кураш даври бошланди. Кундуз — эгарда, тунда — мажлису кенгашларда. Қулоқлар рўйхатга олинарди. Бойлар, муллалар ва бошқа давлатманд кишилар даладаги ёввойи ўтлар сингари суриб ташланарди. Янги майсаларнинг униб чиқиши учун далаларни тозалаш керак эди. Қулоқларни тугатиш рўйхатида Қулибой ҳам борлиги маълум бўлиб қолди. Уша кезларда Танабой мажлис ва митинг ўтказиб, от чоптириб юрар экан, акасига жир битиб қолган эди. Бир бевага уйланиб олган, хўжалиги ривожлана бошлаган эди унинг. У қўй, сигир, бир жуфт от, қулунли соғин бия, сўқа, борона ва бошқа нарсаларга эга эди. Йиғим-терим пайтида одам ёлларди. Уни бойиб кетди деб бўлмасди. Аммо камбағал ҳам эмас эди. Яхши яшар, яхши ишлар эди.

Қишлоқ Советининг мажлисида навбат Қулибойга келганда, Жўра:

— Қани ўртоқлар, бир ўйлашиб кўрайлик. Уни қулоқ қилиш керакми ёки йўқми? Қулибой сингари кишиларнинг колхозга ҳам фойдаси тегиб қолади. Ахир, унинг ўзи камбағаллардан чиққан-ку. Тескари ташвиқот ҳам олиб бормаган,— деди.

Қулибой ҳақида турлича гаплар бўлди. Кимдир унинг тарафини олди, кимдир қарши чиқди. Сўзламаган Танабой қолган эди. У қарға сингари хурпайиб ўтирган эди. Угай ака бўлса ҳам бари бир ака эмасми... Лекин ҳозир унга қарши бориши керак эди. Улар бир-бирларини кам кўришса ҳам, тинч-тотув яшашарди. Ҳар бири ўз иши билан овора эди. Унга тегманглар, деса, унда бошқалар нима бўлади — бошқаларнинг ҳам ҳимоячиси, қариндош-уруғлари топилиб қолади. Ўзларинг ҳал қилинглари, деса-чи — унда ўзини бир чеккага тортди, дейишлари мумкин.

Одамлар унинг нима дейишини кутаётган эдилар. Улар кутаётганликлари учун ҳам Танабойнинг жаҳли чиқар эди.

— Сен, Жўра, ҳамма вақт шунақа қиласан! — деб сўзлай бошлади у ўрнидан тураркан. — Газеталарда китобий одамлар, ҳалиги зиёлилар ҳақида ёзадилар. Сен ҳам зиёлисан. Сен доимо шубҳаланасан, бирон ишқал чиқиб қолмасин, деб чўчиганинг-чўчиган. Нимага шубҳаланиш мумкин? Рўйхатда бор экан — демак қулоқ! Ҳеч қандай

рахм-шафқат ҳам керак эмас! Совет ҳоқимияти учун мен ўз отамга ҳам раҳм-шафқат қилмайман. У бўлса менинг акам, сизлар хижолат тортмасанглар ҳам бўлади. Сизлар йўқ десангиз, уни менинг ўзим қулоқ қиламан.

Қулибой эртасига уникига келди. Танабой акасини совуқ кутиб олди, кўришиш учун қўл ҳам бермади.

— Нима учун мени қулоқ қиласизлар? Ахир, бирга батрак бўлиб ишламаганмидик? Ахир, бой ўз ҳовлисида сен билан мени бирга ҳайдаб юбормаганмиди?

— Энди бунинг аҳамияти йўқ. Сенинг ўзинг бой бўлиб қолдинг.

— Қандай бой бўлайин мен? Ўз меҳнатим билан топдим-ку буларнинг ҳаммасини. Ҳеч нарсани аямайман, керак бўлса олинглар ҳаммасини. Фақат нега мени қулоққа чиқарасизлар? Худодан кўрқ, Танабой!

— Бари бир сен душман синфсан. Биз эса колхоз қуришимиз учун сени йўқотишимиз керак. Сен бизнинг йўлимизда кўндаланг бўлиб турибсан, биз сени йўлдан олиб ташлашимиз керак...

Бу уларнинг сўнгги марта сўзлашиши эди. Мана, ордан йигирма йил ўтди, улар бир-бири билан гаплашгани йўқ. Қулибойни Сибирга сургун қилганларида, овулда қанча гап-сўз бўлди. Озчилик Танабойнинг тарафини оларди. Кўпчилик эса: «Бунақа укани худо кўрсатмасин. Бундан кўра қариндош-уруғсиз бўлганинг яхши»— деб қоралашарди уни. Айрим кишилар эса ҳатто бундай гапларни тўғридан-тўғри унинг юзига ҳам айтишар эдилар. Очиғини айтганда, одамлар ўшанда ундан юз ўгирган эдилар. Ошкора суратда бўлмаса ҳам, унинг номзодини кўрсатганларида овоз беришдан бош тортиб, бетараф қолардилар. Шу тариқа у бора-бора активликдан четга чиқиб қолди. Қулоқлар колхозларга ўт қўйиб, кишиларни отганларидан сўнггина, у ўзини оқлаб олди, энг муҳими, колхоз жонланиб, йилдан-йилга ишлар юришиб кетди. Энди бутунлай ўзгача ҳаёт бошланган эди. Йўқ, ўша пайтларда бўлиб ўтган ишларнинг ҳаммаси зое кетмаган эди.

Танабой ўша йиллардаги бўлиб ўтган ҳамма нарсаларни то ипидан игнасигача хотиридан ўтказарди. Гўё унинг бутун ҳаёти колхозлар кучга кирган ўша ажойиб дамларда ўтиб кетгандек эди. У яна ўша кезлардаги «Қизил дуррали зарбдор қиз» ашуласини эслади, кол-



хозга биринчи марта берилган полуторка машинасини, унинг кабинаси ёнида ўзининг қизил байроқ ушлаб турганини эслади...

Танабой туни билан қўйхона атрофида юриб чиқди. У шундай қилиб ўзининг оғир вазифасини ўтар ва аччиқ ўйларини ўйлар эди... Нега энди ҳамма ишдан бунчалик путур кетяпти? Балки бошқа йўлдан кетишгандир? Эҳтимол, янглишишгандир? Йўқ, бундай бўлиш мумкин эмас! Танланган йўл — тўғри йўл эди. Бўлмаса нега бундоқ бўлди? Адашиб қолишдимикин? Йўлдан озишдимикин? Қачон ва қандай юз берди бу авҳол? Мана энди мусобақа ҳам бошқача бўлиб кетди—мажбурият ёзишади-ю, вассалом, аҳволинг нима кечди, сенга нима бўлди, нима қўйди, бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Илгари қизил, қора доскалар бўларди, ҳар куни қанча гап-сўз, қанча баҳслашувлар бўларди; кимни қизил доскага, кимни қора доскага ёзишарди, кишилар учун бу муҳим эди. Энди бўлса буларнинг ҳаммаси эскирган, вақти ўтиб кетган нарсалар эмиш. Хўш, улар нима билан алмашди? Қуруқ гап, ваъдабозлик билан. Амалда эса ҳеч нарса йўқ. Нега шундай? Буларнинг ҳаммасига ким айбдор?..

Бундай чексиз ўй-хаёллардан Танабой толиқиб кетди. Қалаванинг учини тополмай саросимага тушди. Ишнинг кўплигидан гангиб қолди. У ёш сақмончи аёлнинг деворга суяниб кўз юмганини, унинг яллиғланиб қизариб кетган кўзларининг уйқу билан олишаётганини ва кейин секин сирғалиб ерга ўтириб қолиб, бошини тиззасига қўйганини кўрди. Уни уйқудан уйғотмади. Ўзи ҳам деворга суянганича, секин пастга сирғалиб туша бошлади, ўзини тута олмади, елкасидаги оғирлик уни ҳам аста-секин пастга боса бошлади.

У бўғиқ қийқириқдан ва ерга аллақандай бир нарсанинг «гуп» этиб йиқилиб тушганидан уйғониб кетди. Ҳуркиб кетган қўйлар унинг оёқларини босиб ўтишди. Танабой нима гап эканлигини билмасдан ўрнидан ирғиб туриб, атрофни кўздан кечира бошлади. Тонг ёришиб қолган эди.

— Танабой, Танабой, ёрдам беринг,— деб чақираётган эди хотини.

У томон сақмончи хотинлар, уларнинг орқасидан Танабой югуриб боришди. Қарашса, у шифтдан қулаб тушган тўсин ёғоч остида ётибди. Тўсиннинг бир учи ёмғир ювиб кетган девордан сирғалиб чиқиб, чириб қолган

томнинг оғирлигидан қулаб тушган экан. Уйқудан асар ҳам қолмади.

— Жайдар!— деб бақириб юборди у ва елкаси билан тўсиннинг тагига кириб, куч билан уни кўтара бошлади.

Жайдар вой-войлаганича ёғоч остидан эмаклаб чиқди. Хотинлар бир нарсалар деб йиғлаб уни пайпаслаб кўра бошладилар. Қўрқувдан ҳеч нарсани тушунолмай қолган Танабой уларни ҳар томонга суриб, қалтироқ қўллари билан хотинининг гупписи остини пайпаслай бошлади.

— Нима, нима бўлди сенга?

— Вой белим! Белгинам!

— Лат едимикин? Қани, келинлар!— деди Танабой ва дарҳол ёмғирпўшини ечиб берди. Сўнг унга Жайдарни ётқизишиб қўйхонадан олиб чиқишди.

Палаткага олиб бориб синчиклаб кўришди. Сиртдан қараганда лат емагандек эди. Аммо тўсин қаттиқ теккан экан. Оғриқ азобидан қимирлай олмасди.

Жайдар йиғлай бошлади.

— Энди нима бўлади? Шундай долзарб кунларда-я? Энди нима қиласизлар?

«Эй худо!— деди Танабой хаёлан.—Тирик қолганинга шукур қилсанг-чи. Қуриб кетмайдими бу ишлар! Фақат соғ қолган бўлсанг бас, боёқишим...»

У хотинининг бошини силай бошлади.

— Нима бўлди сенга, Жайдар, тинчлан. Соғайиб оёқ-қа туриб кетсанг бўлгани. Бу ишлар ҳеч гапмас, эплеймиз...

Шундан кейингина аёллар ўзларига келиб, бир-бирларига гап беришмасдан Жайдарга насиҳат қилиб, уни тинчлантира бошладилар. Жайдар ҳам энгил тортгандек, кўз ёши аралаш кулимсиради.

— Майли, бўлар иш бўлди. Хафа бўлманглар. Мен узоқ ётмайман. Бир-икки кундан сўнг туриб кетаман, ма-на кўрасизлар.

Аёллар унга ўрин солишга ва гулхан қалашга ҳозирлик кўрдилар. Танабой эса қўйхонага қайтиб кетди. У бахтсизлик ёндамалаб ўтиб кетганига ҳамон ишонмасди.

Тонг отганда ҳамма ёқни оппоқ момиқ қор босган эди. Қўйхонада Танабой тўсин остида қолган яна битта она қўйни топиб олди. Боя улар тўполонда буни кўришмаган экан. Қўзичоқ ўлиб ётган совлиқнинг елинини тум-

шуқчаси билан турткилаб ётарди. Буни кўриб Танабойнинг юраги орқасига тортиб кетди. Бироқ хотинининг омон қолганини ўйлаб, кўнгли бир оз таскин топгандек бўлди. Танабой кўзичоқни олиб, бошқа совлиқни излаб кетди. Сўнг тўсин остига деворга суяб тиргович қўя туриб, хотинининг аҳволдан хабар олиш учун бориш зарурлиги ҳақида ўйлади.

Ташқарига чиққанда яқингинада қор устида тентираб юрган қўйлар сурувига кўзи тушди. Бегона бир чўпон қўйларни бу томон ҳайдаб келаётган эди. Бу қандай ўтар бўлди? Нега у қўйларни бу ёққа ҳайдаб келяпти? Улар аралашиб кетади-ю, бу қандоқ бўлди энди? Танабой бу овсар чўпонга бегона жойларга келиб қолганини айтиб огоҳлантирмоқчи бўлди.

Танабой яқинроқ бориб, сурувни Бектой ҳайдаб келаётганини кўрди.

— Ҳой, Бектой, сенмисан?

Бектой ҳеч нима демади. Индамасдан қўйларини бу томон ҳайдаб келаверди, у таёқ билан қўйларнинг орқасига дўппосларди. «Ие, буғоз совлиқларга нега мунча азоб беряпти у!»— деб Танабойнинг жаҳли чиқди.

— Қаердан келяпсан? Қаёққа? Саломатмисан?

— Ўша ёқдан. Қаёққа келаётганимни эса, ўзингиз кўриб турибсиз,— деб Бектой унга яқин келди. У белини чилвир билан маҳкам боғлаб, қўлқопини қўйнига, ёмғирпўшининг остига тикиб қўйган эди.

Таёғини орқасида тутганича бир неча қадам нарида тўхтади, аммо саломлашмади. Жаҳл билан тупурди-да, қор устидаги тупугини оёғи билан эзғилади. Бошини кўтарди. Ўсиб кетган қоп-қора соқоли унинг ёш ва чиройли юзига худди ёпиштириб қўйилгандек эди. Чақнаб турган ўткир кўзлари қовоқ устидан хўмрайиб, нафрат ва адоват билан қарарди. У яна тупурди ва қўлида ушлаб турган таёғи билан қўйлар томон ишора қилиб, титраб-қақшаб шундай деди:

— Олинг уларни. Истасангиз сананг, истамасангиз ўзингиз биласиз, уч юз саксон беш бош.

— Нима учун?

— Кетаман.

— Кетаманинг нимаси? Қаёққа кетасан?

— Бошим оққан томонга.

— Ахир мен айбдорманми?

— Айбингиз шуки, сиз мени оталиққа олгансиз.

— Нима бўпти? Тўхта, тўхта дейман, қаёққа? Қаёққа отланяпсан?— деди у ва фақат шундан кейингина ўз оталиғидаги чўпоннинг ниятини англаб етди. Бошига қуйилиб келган қондан юраги сиқилиб, бутун вужуди қизишиб кетди.— Бу нимаси, а?— деди у бўшашиб.

— Бўлар иш бўлди. Қўлимдан келгани шу. Жонимдан тўйдим!

— Сен нималар деётганингни тушунаяпсанми? Бугун эрта совлиқларинг қўзилайди-ку. Шунақаям бўладими?

— Бўлади. Биз билан шундай муомала қилар эканлар, биз ҳам шундай қилишимиз керак. Хайр!—Бектой таёқни боши узра айлантириб бор кучи билан улоқтириб юборди-да, юриб кетди.

Танабой ҳайрон бўлиб турган жойида қотиб қолди. Бирон нарса дейишга сўз тополмади. У бўлса орқасига қарамасдан кетиб борар эди.

— Эсингни йиғ, Бектой!— деди Танабой ва унинг орқасидан югурди.— Бундай қилиш ярамайди. Нима қилаётиман, деб ўйлаб кўр! Эшитяпсанми!

— Қўйсангиз-чи!— Бектой кескин бурилди.— Буни сиз ўйлаб кўринг. Мен эса одамлар қандай яшаётган бўлса шундай яшашни истайман. Менинг бошқалардан бир ерим камми? Мен ҳам бошқалар сингари шаҳарда ишлаб, мояна олишим мумкин. Нега мен бу ерда қўйлар билан бирга нобуд бўлиб кетишим керак. Ем-хашак бўлмаса, қўйхона бўлмаса, бирон бошпана бўлмаса. Мени тинч қўйинг. Ишингизга бораверинг. Жонингизни жабборга бериб, гўннга ботиб юраверинг! Ўзингизга бир қаранг, кимга ўхшаб кетибсиз. Бу ерда ҳалок бўласиз. Сизга бу ҳам оз, яна шиорлар билан жар соласиз. Бошқаларни ҳам орқангиздан эргаштирмоқчи бўласиз. Етар! Меники бўлди!— деди-ю, оппоқ қор устидан шиддат билан юриб кетди ва унинг излари қорайиб сувга тўлиб қолди.

— Бектой, сўзимга қулоқ сол!— деди Танабой унинг кетидан етиб бориб.— Мен сенга ҳаммасини тушунтираман.

— Бошқаларга тушунтиринг, сизнинг сўзингизни тинглайдиган аҳмоқ йўқ энди!

— Тўхта, Бектой, гапиришиб олайлик.

Бектой унинг сўзларини эшитишни ҳам истамай жўнаб қолди.

— Судга тушасан!

— Бундан кўра судга тушган ҳам маъқул!— деб жавоб қайтарди Бектой жаҳл билан ва бошқа ўгирилиб қарамади.

— Сен қочқинсан!

У кетаверди.

— Бунақаларни фронтда отиб ташлашади!

У ҳамон тўхтамади.

— Тўхта, дейман!— деди-да, Танабой унга яна етиб олиб, қўлидан ушлади. У эса қўлини тортиб олиб, яна юришда давом этди.

— Бунга йўл қўймайман, кетишга ҳаққинг йўқ!— деди Танабой ва уни елкасидан буриб, ўзига тортди. Шу пайт тўсатдан кўз ўнги хиралашиб, атрофдаги оппоқ тепалар гир айланиб кетди. Кутилмаганда жағига келиб тушган мушт уни оёқдан қулатган эди.

У ҳушини йиғиб, бошини кўтарганда, Бектой аллақачон тепалик орқасида ғойиб бўлганди. Унинг ортида занжир ҳалқалари сингари ёлғиз оёқ излари қорайиб қолган эди.

— Соб бўлди бу йигит, кетди,— деб инграрди Танабой эмаклаб ўрнидан тураркан. Қўллари қор аралаш лойга ботган эди. Нафасини ростлаб олди. Бектойнинг қўйларини тўплаб, бошини қуйи солганча, ўз суруви томон ҳайдаб кетди.

## XVII

Овулдан чиққан икки отлиқ тоғ томон йўртиб келарди. Уларнинг бири саман отда, иккинчиси тўриқ отда эди. Отларнинг думи қаттиқ тугиб қўйилган бўлиб, афтидан, улар олисга кетишаётганди. Қор аралаш лой парчалари туёқ остидан шалошлаб отилиб чиқиб, атрофга сачрарди.

Гулсари жиловни тортиб йўртиб борарди. Хўжайин соғайгунча у қантариқда туриб дам олган эди. Бироқ ҳозир унинг устида хўжайини эмас, балки чарм пальто устидан кийиб олган брезент ёмғирпўшининг барларини ҳилпиратиб бораётган аллақандай нотаниш киши ўтирарди. Унинг кийимларидан бир оз краска ва резинка ҳиди келиб турарди. Жўра бўлак отда, унинг ёнида борарди. Йўрғани у райондан келган ўртоққа берганди. Гулсари устида ким ўтиргани билан энди иши йўқ эди. Йилқидан,

аввалги хўжайинидан ажратиб олганларидан бери унга кўп кишилар минганди. Ҳар хил одамлар — яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам, эгарда қулай ва ноқулай ўтирадиганлари ҳам бор эди уларнинг ичида. Олифталарнинг ҳам қўлига тушди. Улар отга мингандан кейин суюлиб кетишар эди! Улар отни чоптириб, бирдан жиловини тортиб тўхтатар, сапчитиб орқа оёқларида тикка турғизар ва яна уриб ҳайдар ва яна жиловини зарб билан тортганча уни таққа тўхтатар эдилар. Нима қилаётганини ўзлари ҳам билмасдилар, фақат ҳамма унинг Гулсарида кетаётганини кўрса бас. Ҳамма-ҳаммасига кўникиб қолган эди Гулсари. Уни отхонада сақлаб зериктириб қўймасалар бўлгани. У ҳамон аввалги ҳавас, иштиёқ билан яшарди: югуриш, югуриш ва яна югуриш керак эди унга. У кимни олиб кетяпти, бунинг унга аҳамияти йўқ эди. Бунинг фақат от устида бораётган киши учун фарқи бор эди. Саман йўрғани бериб қўйишибдими, демак уни ҳурмат қиладилар, ундан ҳайиқадилар. Кучли ва чиройли от эди Гулсари. Унга минган киши тинч, роҳат қилиб кетарди.

Бу сафар йўрғага колхозга вакил қилиб юборилган район прокурори Сегизбоев минган эди. Унга колхоз парторги ҳамроҳ бўлиб юрар ва бу катта ҳурмат эди. Парторг оғиз очмасди, эҳтимол чўчиётгандир. Чунки қўзилатиш ёмон аҳволда эди. Жуда ёмон эди. Шундай экан, оғиз очмагани, чўчигани маъқул. Қуруқ сўздан нима фойда. Пастки лавозимдаги киши юқори лавозимли кишидан ҳайиқмоғи керак. Акс ҳолда, ҳеч қандай тартиб-интизомнинг бўлиши мумкин эмас. Шундайлари ҳам бўладики, улар итоатларидаги кишиларни ўзлари билан тенг кўриб муомала қилишади, кейин эса ана шу кишилардан шунақа панд ейишадики, ҳасратларидан чанг чиқади. Ҳокимият катта иш, масъулиятли иш, уни бошқариш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Сегизбоев эгар устида йўрғанинг бир текисда қадам ташлашига монанд тебраниб, шуларни ўйлаб борарди, унинг кайфиятини ёмон деб ҳам бўлмасди, лекин ҳар ҳолда чўпонларни текширишга юборилаётган экан, у ерда эҳтимол кўнгилсиз аҳволга дуч келиши мумкин, буни у билар эди. Қиш билан баҳор тўқнаш келиб, бир-бирига ён бергиси келмасди. Бу тўқнашувда ҳаммадан ҳам қўйлар билан қўзичоқлар кўпроқ нобуд бўларди. Уларни сақлаб қолишнинг ҳеч имкони йўқ эди. Ҳар йили аҳвол шундай кечарди. Бундан ҳамма хабардор эди. Модоми-

ки, уни вакил қилиб юборишган экан, демак, у кимнидир жавобгарликка тортиши керак эди. Районда қўйларнинг кўплаб қирилиб кетиши энди унга қўл келишини ҳам у ичида билиб юрарди. Ахир, чорвачиликнинг оғир аҳволга тушиб қолганига у, район прокурори, райком бюросининг аъзоси эмас, балки биринчи секретари жавоб бериши керак эди-да. Ҳали янги, районга яқиндагина келган, бошқаларнинг азобини ҳам у чексин. Сегизбоев бўлса, четдан қараб туради, у ёқда юқоридаги ўртоқлар ҳам кўришсин, четдан янги секретарь юбориб, хато қилиб қўйишмадимикин... Янги секретарни тайинлашганда Сегизбоевнинг хуноби ошган, ўзини сайламаганларидан ғоят хафа бўлган эди. Прокурор бўлиб ишлаётганига ҳам неча йиллар бўлди. У ўзининг нималарга қодир эканлигини неча бор кўрсатди. Ҳечқиси йўқ, унинг дўстлари бор, бирон нима бўладиган бўлса, ҳимоя қилишади. Вақт етди, энди у партиявий ишга ўтиши керак, прокурорлик стулида узоқ ўтириб қолди... Йўрға яхши, лой демай, шилта демай кема сингари беозор кетиб борарди. Парторгнинг оти терлаб-пишиб кетган эди, ҳолбуки, йўрға эндигина тер чиқара бошлаганди...

Жўра эса ўз ўйлари билан банд. Унинг ранги-рўйи бир ҳолатда озиб, сўлғин юзи заъфарон тортиб, кўзлари киртайиб кетганди. Юрак касалидан неча йиллардан бери азоб чекарди. Вақт ўтган сари касали оғирлашиб борар, фикрлари мунгли эди. Ҳа, Танабой ҳақ эди. Раис бақирарди-чақирарди, лекин бундан нима фойда? Кўпинча районда қолиб кетар, доимо қандайдир иш билан банд бўлар эди. Партия мажлисига унинг масаласини қўйиш керак эди, районда бўлса орқага силтаб, кутиб туришни тавсия қилишарди. Нимани кутиш керак? Гўё Олданов ўз истаги билан кетмоқчи эмиш, эҳтимол, шунинг учундир? Тезроқ кетганда маъқул бўларди. Жўрага ҳам кетиш вақти етган эди. Ундан нима фойда? Доимо касал. Шомансур каникулга келган эди, у ҳам бу ишдан бўшашни маслаҳат берди. Кетиш-ку мумкин-а, виждон-чи? Шомансур ақлли бола эди — кўп нарсалар ҳақида отасидан кўра яхшироқ фикр юритарди. Қишлоқ хўжалигини қандай бошқариш ва ҳоказо — ҳаммасига ақли етарди. Уларга яхши таълим беришяпти, вақти келиб, улар ҳам таълим бераётган профессорларга етиб қолишар, бироқ, ҳали нима бўлади, нима қўяди, Жўра ўлиб кетадими! Аммо ўз ғам-аламларидан бош олиб кетолмайди. Ўзинг-

дан қочиб қутула олмайсан. Ҳа, одамлар нима дейишадди? Ваъда берди, ишонтирди. Энди бўлса колхозни қарзга ботириб, мушкул аҳволга солиб қўйиб, ўзи четга чиқиб олиб, тинчгина яшаяпти, дейишади? Йўқ, унга тинчлик йўқ, бўлмайти ҳам, яхшиси — охиригача туриб бериши керак. Ёрдамга келишар, шунча узоқ вақт ёрдамсиз қолдиришмас, фақат тезроқ келишса, келганда ҳам мановига ўхшамай, ҳақиқий ёрдам беришга келишса эди... Бу бўлса, иш барбод қилинганлиги учун суд қиламиз, дейди. Суд қилсанг қилавер! Ҳукм чиқариш билан ишни тузата олармидинг. Қовоғини солиб келишини қаранг: гўё тоғдагиларнинг бариси жиноятчилару, фақат угина колхоз иши учун жонкуяр... Унга буларнинг ҳаммаси бир пул, фақат хўжа кўрсингагина келиб кетади. Аммо шундай деб унинг ўзига айтиб кўр-чи...

## XVIII

Ғира-шира туман ичра улкан тоғлар қад кўтариб турарди. Улар қуёш нуруни кўрмай, қовоқ солганча, баҳайбат паҳлавонлар сингари мағрур тумтаярди. Баҳор ҳавоси рутубатли, туман, намгарчилик эди.

Танабой ўз қўйхонасида жон олиб, жон берарди, кун совуқ эди. Бирданига бир неча совлиқ кўзилаган, кўзичоқларни қўйишга жой йўқ, додини кимга айтишни билмасди. Қўй-қўзилар маърашарди, туртинишарди. Барчаси ейиш-ичишни истарди, пашша сингари қириларди. Бу ёқда эса бели шикастланиб хотини ётибди. Турмоқчи бўлди-ю, қадинни ростлай олмади. Майли, нима бўлса бўлар. Пичоқ бориб суякка қадалди.

Ҳамон хаёлидан Бектой кетмасди, бефойда ғазаб Танабойни руҳан эзиб, изтиробга солаётган эди. Бош олиб кетиб қолганлиги учун эмас (ўша ёқдан даф бўлсин), бошқаларнинг инига тухум қўйиб кетган какку қуш сингари ўз сурувини унга ташлаб кетганлиги учун ҳам эмас (чунки пировардида биронтасини юбориб, унинг қўйларини олиб кетишлари ҳам мумкин эди), балки бу муттаҳамнинг авра-астарини очиб ташлай олмагани, бир гап билан уни уялтириб ерга киргизиб юбормагани учун алам қиларди. Гўдак! Эси йўқ гўдак. Бутун ҳаётини колхоз ишига сарфлаган кекса коммунист Танабой бўлса унга бошлаб жавоб қайтариш учун сўз тополмас! Чў-



пөнлик таёғини улоқтирганича кетди бу она сути оғзидан аримаган тирранча. Танабой шундай воқеа юз беради деб сира ўйламаган эди.

«Бас!»— деб ўзини тўхтатарди у, аммо бир минутдан сўнг яна ўша ўйларга қайтарди.

Мана, яна битта совлиқ кўзилади, эгизак туғибди, қандай чиройли кўзичоқлар. Аммо уларни қаерга жойлаштириш мумкин? Қўйларнинг елини ҳам шалвираб ётибди, ҳа, уларда қаёқдан ҳам сут бўлсин? Демак, булар ҳам нобуд бўлади! Эҳ, фалокат! Ана, аллақачон у ерда совуқда қўй-қўзилар ўлиб ётишибди. Танабой ўлимтик кўзичоқларни йиғиб олиб чиқиб кетаётган эди, ҳаллослаганича қизи югуриб келди.

— Дада, бошлиқлар келишяпти.

— Майли, келишаверсин,— деди тўнғиллаб Танабой.— Сен бор, қизим, ойингга қара.

Танабой қўйхонадан чиқиб, икки отлиққа кўзи тушди. «Ў! Гулсари!»— деб қувониб кетди у. Қалбидаги эски тор яна бир карра овоз чиқариб қўйди.— Кўришмаганимизга қанча вақт бўлди! Унинг юришига қара, ҳамон ўшандай!..» Уларнинг бири Жўра эди. Йўрға отда келаётган чарм пальтоли кишини эса у танимади. Райондан келган биронтаси бўлса керак.

«Ҳа, ниҳоят келишди»— деб ўйлади у аламзадалиқ билан. Бу ерда унинг шикоят қилиши, ўз қисматини айтиб юрагини бўшатиб олиши мумкин эди, бироқ у бундай қилмайди, зорланмайди, майли, улар уялишсин, ўз қилмишларидан қизаришсин. Шундай ҳам бўладими! «Ўл» деб ташлаб қўйиб, ўзлари қораларини энди кўрсатишаётган бўлса...

Танабой уларнинг келишини кутиб турмай ҳаром ўлган кўзичоқларни қўйхона бурчагидаги уюмга олиб бориб ташлаш учун кетди. Шошилмасдан қайтиб келди. Улар бу орада кўрага киришган эди. Отлар оғир нафас оларди. Жўра ғуноҳкор ва аянчли бир қиёфада кўринарди. Демак, дўсти олдида жавобгарлигини сезган. Йўрға от уетидаги киши эса ғазабли, даҳшатли кўринарди. У ҳатто Танабой билан саломлашмади ҳам. Дарҳол тутақиб кетди:

— Бу қандай ҳол! Қаерга борма шу аҳвол! Бу ерда нималар бўлаётганини кўряпсанми!— деб ўшқирди у Жўрага юзланиб. Сўнг Танабой томон ўгирилди.— Бу нима қилганинг, ўртоқ!— деди у нобуд бўлган кўзичоқларни

Танабой олиб бориб ташлаган томонга ишора қилиб.—  
Чўпон — коммунист, қўйлар бўлса ўляпти.

— Улар, эҳтимол, менинг коммунист эканлигимни билишмас,— деб ачитиб гапирди Танабой ва шу заҳотиёқ гўё унинг ичида бир нарса шартта узилгандек, кўнгли вайрон бўлиб, ҳамма нарса унга фарқсиз кўриниб, кўз ўнги қоронғилашиб кетди.

— Бу билан нима демоқчисан?— деди Сегизбоев қизариб.— Социалистик мажбурият олганмисан?

— Ҳа, олганман.

— У ерда нима дейилган эди?

— Эслай олмайман.

— Мана шунинг учун ҳам сенинг қўзичоқларинг ҳаром ўляпти!— деди-да, Сегизбоев қамчи дастаси билан яна ҳалиги томонга ишора қилди ва бирдан узангидан кўтарилиб, бу сурбет чўпоннинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлди. Лекин у аввал Жўрага ўшқирди:— Сиз қаёққа қараяпсиз? Одамлар ҳатто ўз вазифаларини ҳам билмайдилар. Планни бузаяптилар, молларни ўлдирияптилар! Сиз бу ерда нима иш билан шуғулланыпсиз! Ўз коммунистларингизни қандай тарбиялаяпсиз! Қанақа коммунист у? Мен сиздан сўраяпман!

Жўра бошини қуйи солиб жим турар ва қўлидаги тизгинни ёғимлар эди.

— Бўлгани шу,— деди Танабой унинг ўрнига жавоб бериб.

— Ҳа, ҳа, бўлгани шу дегин. Сен зараркунандасан! Сен колхоз мулкини йўқ қилиб юборяпсан. Сен халқ душманисан! Сенинг ўрнинг партиядо эмас, турмада. Сен мусобақа устидан куляпсан.

— Ҳа, турмада, менинг жойим турмада,— деб тасдиқлади Танабой боягидек осойишталик билан. Унинг қалбини тимдалаган алам ва сабр косасини тўлдирган аччиқ ҳасратдан жилмайган лаблари пирпираб кетди.— Хўш, яна нима дейсан?— деди у ва лабларини қисиб, Сегизбоевга тикилиб туриб олди.

— Нега сен бунақа гаплашяпсан, Танабой?— деб гапга аралашди Жўра.— Нега? Ётиғи билан тушунтирсанг-чи.

— Шунақами! Ҳали сенга ҳам тушунтириш керакми? Сен нима учун бу ерга келдинг, Жўра?— деб бақирди Танабой.— Нега келдинг? Сендан сўраяпман? Менинг қўзиларимнинг ўлаётганини айтиш учунми? Бунга ўзим ҳам

биламан! Ёки томоғимгача гўнгнинг ичида кўмилиб ўтирганимни айтиш учун келдингми? Буни ҳам ўзим биламан! Мен колхозни деб жонимни жабборга берганим учун айбдорманми? Буни ҳам ўзим биламан...

— Танабой! Танабой! Эс-ҳушингни йиғиб ол!— деди Жўра ва ранги қув ўчган ҳолда сакраб эгардан тушди.

— Нар итур!— деб итариб юборди уни Танабой.— Мен ўз мажбуриятимга ҳам, бутун ҳаётимга ҳам тупурдим. Қоч! Менинг жойим турмада! Сен нима учун мано-ви чарм пальтоли янги манапни бошлаб келдинг? Мени хўрлаш, менинг устимдан кулиш ёки масхара қилиш учунми? Мени қамаш учунми? Қани, аблах, қама мени турмага!— деб Танабой бирор нарса олиш учун олазарак бўлиб турди ва қўлига деворга суёғлиқ паншаха илиниши билан Сегизбоевга ташланди.— Қани, кет бу ердан, аблах, йўқол!— деди у ва ўзининг нима қилаётганини идрок этмай паншахани силкита бошлади.

Қўрқиб кетган Сегизбоев йўрғанинг бошини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга тортар эди. Паншаха гангиб қолган отнинг бошига урилиб сапчиб кетар, шарақлаб яна унинг бошига келиб тушар эди.

Ғазабга тўлган Танабой нима учун Гулсари титраб бошини силкитаётганини, нима учун сувлуқ унинг қизариб кетган жағини йираётганини, нима учун унинг қинидан чиқиб кетай деб турган кўзларини ваҳима босиб, ола-кула бўлаётганини тушунмасди.

— Қоч, Гулсари, нари тур! Мен чармга ўралган мано-ви манапни тутиб олай,— деб бақирарди Танабой гуноҳсиз йўрғанинг бошига устма-уст тушириб.

Шошилиб келган ёш сақмончи аёл унинг қўлига осилиб, паншахани олиб олишга уринди. Лекин Танабой уни итариб юборади. Отига миниб олган Жўра:

— Қочайлик! Орқага қочайлик! Ўлдириб қўяди!— деб Танабой билан Сегизбоевнинг ўртасига ташланди.

Танабой паншаха билан унга ҳам ҳамла қилди. Иккала отлиқ ҳам қўрадан чиқиб қочиб қолишди. Ит отларнинг думига, узангисига сапчиб, ҳуриб, уларнинг орқасидан югурди.

Танабой бўлса қоқилиб-суқилиб уларнинг изидан чопар, ердан лой олиб орқаларидан отар ва ҳамон бақирарди:

— Менинг жойим турмада! Турмада! Йўқол! Йўқол бу ердан! Менинг жойим турмада. Турмада!

Кейин у орқага қайтди. Лекин ҳамон нафаси бўғзига тиқилиб, ўзича ғулдираб келарди: «Менинг жойим турмада, турмада!» Унинг ёнида ўз бурчини бажарганидан гердайиб кўппак ит чопиб келарди. У ўз хўжайинининг мақтовини кутарди, лекин хўжайин унга эътибор бермасди.

Қўрқувдан ранги ўчиб кетган Жайдар ҳассага суяниб оқсоқланиб рўпарадан келарди.

— Нима қилиб қўйдингиз? Нима қилиб қўйдингиз?

— Э, аттанг!

— Нимага аттанг деяпсиз? Албатта, аттанг, дейсиз.

— Йўрғани бекордан-бекорга урганимга ачинаман.

— Ақлингиз жойидами ўзи? Нима қилиб қўйганингизни биласизми?

— Биламан. Мен зараркунандаман. Халқ душманман,— деди у нафаси сиқилиб. Кейин жим бўлиб қолди ва қўллари билан юзини маҳкам бекитганича икки буқилиб, хўнграб юборди.

— Ўзингизни босинг, ўзингизни босинг,— деб ялинарди хотини, ўзи ҳам унга қўшилиб йиғларкан. Лекин Танабой ҳамон тебраниб йиғларди.

Жайдар ҳеч қачон Танабойнинг йиғлаганини кўрмаган эди...

## XIX

Шу фавқулодда ҳодисанинг учинчи куни район партия комитетининг бюроси бўлди.

Қабулхонада Танабой Бекасов ўзини кабинетга чақирришларини кутиб ўтирарди. Ичкарида у ҳақда гап борарди. Шу кунлар ичида у кўп ўйлади. Лекин айбдорми ёки йўқми, буни ҳозирча била олмасди. Ҳокимият вакилига қўл кўтариб, оғир жиноят қилганини тушунарди. Лекин гап фақат шундагина бўлганида-ку ҳамма нарса осонликча ҳал бўларди-я. У ўзининг ножўя хатти-ҳаракати учун ҳар қандай жазо беришларига тайёр эди.

Ахир у ғазабдан ўзини боса олмай, колхоз учун жон куйдириб қилган хизматларини шамолга учириб юборди, ўзининг бутун ташвиш ва эзгу ўйларини барбод қилди. Энди унга ким ишонади? Унинг аҳволини энди ким тушунади? «Эҳтимол, тушунишар?— деган умид учқунлари ҳам милтиллар эди унда. Ҳаммасини гапираман: бу йилги

қиш ҳақида, қўйхона, ўтов ҳақида, ем-хашак танқислиги ҳақида, уйқусиз тунларим ҳақида, Бектой ҳақида... Майли, текшириб кўришсин. Хўжаликни шундай бошқариш мумкинми?» Энди у бўлиб ўтган ишларга сира афсусланмасди. «Майли, мени жазоласинлар — деб ўйларди у.— Эҳтимол, шунда бошқаларга енгил бўлар, эҳтимол, шундан кейин чўпонларга қарашар, бизнинг турмушимиз, қийинчиликларимизга эътибор беришар». Лекин бир минут ҳам ўтмасдан у бутун кечмишларини эслаб, яна ғазабига чидай олмай, тиззалари орасида муштларини қисар, қайсарлик билан ўзиникини ўзи маъқулларди: «Йўқ, менинг ҳеч қандай айбим йўқ!» Кейин яна шубҳаланарди...

Қабулхонада негадир Иброҳим ҳам ўтирарди. «У нима қилиб юрибди бу ерда? Улимтик қидирган қўзғундек учиб келибди» — деб Танабойнинг жони ҳалқумига келиб, унга тескари қараб ўтириб олди. У ҳам бошини қўйи солиб, чўпонга қараб хўрсиниб, жимгина ўтирарди.

«Нега мунча чўзишяпти? — деб ўйларди стулда типирчилаб ўтирган Танабой.— Жазо беришадиган бўлса — беришмайдими!» Кабинетга деярли ҳамма йиғилиб бўлган эди. Бундан бир неча минут аввал ҳаммадан кейин Жўра кириб кетди. Танабой уни этигининг қўнжига ёпишиб қолган жундан таниди. Саман йўрғанинг сариқ жуни эди. «Жуда шошибди, Гулсари ҳам терга пишиб кетган бўлса керак» — деб ўйлади у. Лекин бошини кўтармади. Қўнжига жун ёпишган, от теридан бир оз намланган этик Танабой олдидан аста босиб ўтиб, эшик ортида кўздан ғойиб бўлди. Секретарь қиз кабинетдан чиққунча анча вақт ўтди.

— Киринг, ўртоқ Бекасов.

Танабой чўчиб ўрнидан турди-да, кабинет томон юра бошлади. Юрагининг гупиллаб уриши эшитилиб турарди. Унинг кўз олди қоронғилашиб кетди. У ерда ўтирган одамларни деярли бир-биридан ажрата олмасди.

— Утиринг.

Район партия комитетининг биринчи секретари Қашқатоев Танабойга узун столнинг охиридан жой кўрсатди. Танабой ўтирди. Оғирлашиб кетган қўлларини тиззасига қўйиб, кўз олдини босган қоронғиликнинг тарқашини кутди. Кейин столнинг нариги четига қаради. Биринчи секретарининг ўнг томонида кеккайиб Сегизбоев ўтирарди. Танабой бу одамга шундай нафрат билан боқдики, унинг кўз олдини ўраб турган қоронғилик бир зумда тарқаб

кетди. Энди унга стол атрофида ўтирганларнинг юзлари аниқ ва равшан кўринарди. Сегизбоевнинг қовоғи осилиб, қизариб-бўзариб кетган эди. Жўранинг рангпар юзи эса бутунлай қонсиз эди. У энг четда, ҳаммадан кўра Танабойга яқин ерда ўтирарди. Унинг ориқ қўллари столга ёпилган яшил мовут устида асабий титраб турарди. Жўранинг қаршисида ўтирган колхоз раиси Олданов аччиғланиб қаттиқ пишиллар ва атрофига хўмрайиб назар ташларди. У кўриладиган ишга ўз муносабатини яширмасди. Бошқалар, афтидан, нима бўлишини кутиб турардилар. Ниҳоят, биринчи секретарь папкадаги қоғозлардан бош кўтарди.

— Коммунист Бекасовнинг шахсий ишини кўришга ўтамиз,— деди у сўзларини чертиб-чертиб.

— Ҳа, агар уни коммунист деб аташ мумкин бўлса,— деди кимдир истехзо билан тиржайиб.

«Ёвузлар!— деб қўйди ўзича Танабой.— Улардан раҳм-шафқат кутма. Нима учун мен шафқат кутишим керак? Нима, мен жинойтчиманми?»

У ўзи ҳақидаги масаланинг ҳал қилинишида икки яширин рақиб томоннинг тўқнашиб қолганини ва уларнинг ҳар бири бу аянчли ҳодисадан ўзларича фойдаланишга тайёр эканликларини билмас эди. Биринчи томон Сегизбоев ва унинг тарафдорлари бўлиб, улар янги секретарнинг қаршилигини синаб кўриш ва агар иложи бўлса уни қўлга олишни ўйларди. Бошқа, иккинчи томон, бу — Қашқатоев эди. Қашқатоев ўз ўрнига Сегизбоев кўз тикаётганини билар эди. Шунинг учун у ўз обрўсини ерга ҳам урмаслиги ва бу хавфли одамлар билан бўлган муносабатини ҳам кескинлаштирмаслиги керак эди.

Райком секретари Сегизбоевнинг ахборот хатини ўқиб берди. Хатда «Оқтош» колхозининг чўпони Танабой Бекасовнинг ҳақоратлари ва қилган барча жинойтлари батафсил ёзилган эди. Ахборотда Танабой рад қилиши мумкин бўлган бирор ориқча ери йўқ бўлиб, фақат унинг ёзилиш оҳанги ва қўйилган айбларнинг баён этилиш тарзи унинг тарвузини қўлтиғидан тушириб юборди. У ўзининг мана шу даҳшатли қоғоз олдида мутлақо ожиз эканини тушуниб етди-ю, аъзойи баданидан тер чиқиб кетди. Сегизбоевнинг ахбороти унинг ўзидан ҳам даҳшатлироқ бўлиб чиқди. Бу қоғозга паншаха билан ҳам ҳамла қилиб бўлмасди, қаршилик ҳам кўрсата олмайсан. Танабой ўзини оқлаш учун нималарни айтишни мўлжаллаган бўлса, ҳам-

маси бир зумда пучга чикди. Ҳаммаси унинг кўз олдида ўз аҳамиятини йўқотиб, чўпоннинг ўз аҳволидан нолиб қилган аянчли арз-додига айланиб қолди. Унинг ўзи аҳмоқ. Бу даҳшатли қоғоз олдида ўзини оқлай олармиди? У ким билан олишмоқчи?

— Ўртоқ Бекасов, сиз бюро аъзоси ўртоқ Сегизбоевнинг хатида келтирилган фактларнинг тўғрилигини тан оласизми?— деб сўради Қашқатоев ахборотни ўқиб бўлиб.

— Ҳа,— деб жавоб берди Танабой бўғиқ овоз билан.

Ҳамма жим ўтирарди. Ҳамма бу қоғоздан ваҳимага тушиб қолгандек эди. Олданов, кўрдингизми, нималар бўляпти, дегандек стол атрофида ўтирганларга сурбетлик билан қараб қўйди.

— Ўртоқ бюро аъзолари, агар рухсат берсаларингиз, мен бу ишнинг туб моҳиятига аниқлик киритсам,— деб дадил гапира бошлади Сегизбоев.— Мен коммунист Бекасовнинг бу ишини шунчаки безорилик деб тушунмоқчи бўлган ўртоқларни дарҳол огоҳлантириб қўймоқчиман. Агар шундай бўлганда эди, менга ишонинг, бу масалани бюрога киритмаган бўлардим. Безорилар билан курашнинг бизда бошқа йўллари бор. Гап, албатта, менинг шахсиятимнинг таҳқирланишида эмас. Менинг орқамда район партия комитетининг бюроси турибди, билсангиз, бутун партия турибди. Мен унинг обрўсига путур етказишга, уни таҳқирлашга йўл қўя олмайман. Яна ҳам муҳими — бу иш коммунистлар ва партиясизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйилганидан, райкомнинг идеология соҳасида олиб бораётган ишидаги муҳим камчиликлардан дарак беради. Бизнинг ҳаммамиз Бекасовга ўхшаш коммунистларнинг мафкура-си учун жавоб берамиз. Яна бизга, уни ўзи ёлғизми ёки ҳамфикрлари ҳам борми, деган масалани аниқлашга тўғри келади. «Чарм пальтоли янги манап!» Бу билан нима демоқчи у? Пальтони бир четга қўйиб турайлик. Бекасовнинг фикрича, мен, совет кишиси, партиянинг вакили — янги манап, бойвачча, халқни бўғувчи эканман! Қаранг-а! Тушуняпсизми, бу нима деган гап? Нима маъно бор бу гапнинг тагида? Мен буни тушунтириб ўтириш ортиқча бўлса керак деб ўйлайман... Энди, масаланинг иккинчи томонига ўтайлик. «Оқтош»даги чорвачиликнинг ўтакетган даражада ёмон аҳволда эканидан хафа бўлиб, кўзимга ҳеч нарса кўринмай, ўз социалистик мажбуриятини

унутиб қўйган Бекасовнинг кишини ғазаблантирадиган сўзларига жавобан уни зараркунанда, халқ душмани, деб атадим ва унинг жойи партияда эмас, турмада, дедим. Тан оламан — ҳақорат қилдим ва унинг олдида кечирим сўрашга тайёр эдим. Энди билсам, ҳақиқатан ҳам шундай экан. Айтганларимни қайтиб олмайман ва дангал айтаман: Бекасов душманлик кайфиятидаги хавфли одам экан...

Танабой нималарни бошдан кечирмади. У бошдан-охиригача урушда бўлди. Аммо унинг юраги ҳозиргидек садо чиқариб уриши мумкинлигини у ҳеч қачон ҳаёлга ҳам келтирмаган эди. Қулоқлари остида болганинг зарбидек гурсиллаб эшитилаётган бу садо унинг руҳини эзар, қалбини тирнар, ўзини ўнглаб олишга имкон бермасди. «Тавба,— боши лўқ-лўқ қиларди Танабойнинг,— ҳаётимнинг бутун мазмуни, ишларимнинг бутун мазмуни қаёқда қолди? Мана энди келиб-келиб халқ душмани бўлдим... Қандайдир қўйхона учун, ўлимтик қўзичоқлар учун, йўлдан озган Бектой учун азоб чекапман. Бу ташвишларнинг нима кераги бор эди менга!..»

— Ахборотимдан келиб чиқадиган хулосаларни яна бир марта эслатиб ўтаман,— деб давом этди Сегизбоев сўзларини жой-жойига қўйиб.— Бекасов бизнинг тузумимизни, колхозни, социалистик мусобақани, бизнинг бутун турмушимизни кўролмайди — ҳаммасига тупуради. Буни унинг ўзи колхоз парторги ўртоқ Саёқов олдида ошкора айтди. Бундан ташқари, унинг ҳаракатларида ўз хизмат вазифасини ўтаб турган ҳукумат вакилига суиқасд қилиш каби жиноий жавобгарлик элементлари ҳам бор. Мени тўғри тушунишларингизни сўрайман, Бекасовни суд жавобгарлигига тортиш учун санкция беришларингизни ва бу ердан чиқиши биланоқ дарҳол қамоққа олинишини сўрайман. Унинг жиноятлари эллик саккизинчи моддага тамоман мос келади. Бекасовнинг партия сафида қолдирилиши ҳақида, менимча, гап ҳам бўлиши мумкин эмас!..

Сегизбоев ортиқча талаб қўйганини биларди. Лекин у шуни ҳисобга олган эдики, агар бюро Танабой Бекасовни жиноий жавобгарликка тортиш лозим деб топмаса ҳам, ҳар ҳолда уни партия сафидан чиқариши аниқ эди. Бу таклифни Қашқатоев қувватламай иложи йўқ эди. Ана шунда Сегизбоевнинг мавқеи янада мустаҳкамларди.



— Ўртоқ Бекасов, сиз ўз хатти-ҳаракатларингиз ҳақида нима дейсиз?— деб сўради Қашқатоев бир оз асабийлашиб.

— Ҳеч нарса. Ҳаммаси айтилди,— деб жавоб берди Танабой.— Демак, мен зараркунанда, халқ душмани эканман, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қоларканман. Шундай бўлгач, нима ҳақида ўйлаганимни билишнинг нима кераги бор? Сизлар ҳал қилинглар, ўзларингиз биласизлар...

— Сиз ўзингизни соф виждонли коммунист деб ҳисоблайсизми?

— Энди буни исбот қилиб бўлмайди.

— Сиз ўз айбингизни тан оласизми?

— Йўқ.

— Нима, сиз ўзингизни ҳаммадан кўра ақллироқ деб биласизми?

— Йўқ, аксинча, ҳаммадан кўра нодонроқ деб биламан...

— Рухсат беринг, мен гапирай, деб кўкрагига комсомол значоги таққан ёш йигит ўрнидан турди. У ўтирганлар ичида ҳаммадан ёш бўлиб, нимжонгина, чўзиқ юзли, кўринишидан ёш болага ўхшарди.

Танабой уни энди пайқаган эди.

«Фош қилавер, бола, аяма,— деди у ўзича.— Мен ҳам қачонлардир шунақа эдим, ҳеч аямасдим...»

— Гапиринг, Каримбеков,— деб бош ирғади унга Қашқатоев.

— Мен ўртоқ Бекасовнинг хатти-ҳаракатларини маъқулламайман. У қилмишига яраша партия жазосини олиши керак. Шунингдек ўртоқ Сегизбоевга ҳам қўшила олмайман.— Каримбеков овозидаги ҳаяжонли титроқни босиб давом этди:— Мен ўртоқ Сегизбоевнинг ўзини ҳам муҳокама қилиш керак деб ҳисоблайман.

— Ана холос!— деб унинг сўзини бўлди кимдир.— Нима, сизда, комсомолда тартиб шунақами?

— Тартиб ҳаммада ҳам бир хил!— деб жавоб берди Каримбеков яна ҳам ҳаяжонланган ҳолда қизариб. Лекин у шундай деб бир оз дудуқланиб қолди. Сўнг яна танг аҳволдан қутулишга уриниб сўз қидира бошлади ва бирдан ғазаб билан кескин гапира бошлади:— Колхозчи, чўпон, кекса коммунистни ҳақорат қилишга сизнинг нима ҳақингиз бор эди? Мана, мени халқ душмани, деб кўринг-чи... Сиз буни колхозда чорвачиликнинг аҳволи

ёмонлигидан хафа бўлганим, қайғурганим учун айтдим, деб исбот қилмоқчи бўласиз. Наҳот чўпоннинг сиздан ҳам кўпроқ қайғурганини тасаввур қила олмаган бўлсангиз? Сиз унинг олдига борганингизда унинг турмуш шароити билан, ишлари қандай бораётгани билан, қўзилар нега ўлаётгани билан қизиқдингизми? Йўқ! Сизнинг ахборотингизга қараганда, сиз тўғридан-тўғри уни ҳақорат қилишдан бошлагансиз. Ҳозир колхозларда қўзилатиш кампанияси оғир аҳволда экани ҳеч кимга сир эмас. Мен жойларда бўлиб тураман. Биз улардан талаб қиламиз, лекин амалда ҳеч қанақа ёрдам бермаймиз. Мен комсомол чўпонлар олдига жуда ноқулай аҳволда қоламан, тўғриси уяламан. Колхозларда қўйхоналар қай аҳволда эканини бориб бир кўринглар. Озуқа масаласи-чи? Менинг ўзим чўпон боласиман. Қўзичоқлар ўлганда қандай аҳвол юз беришини яхши биламан. Институтда бизни бошқа нарсаларга ўқитишган эди. Жойларда эса аҳвол эскича, кўриб жонинг ачийди...

— Ўртоқ Каримбеков,— Сегизбоев унинг сўзини бўлди,— раҳмдиллик уйғотишга уринмай қўя қолинг! Ҳис-туйғу — ҳар хил маънони англатадиган тушунча. Ҳис-туйғу эмас, фактлар керак, фактлар.

— Кечирасиз, бу ерда жиноятчи устидан суд бўлаётгани йўқ. Балки партия сафидаги бир ўртоғимизнинг иши ўртоқларча муҳокама қилинмоқда,— деб давом этди Каримбеков.— Коммунистнинг тақдири ҳал қилинмоқда. Келинлар, биргалашиб ўйлаб кўрайлик. Ўртоқ Бекасов нима учун шундай қилди. Албатта, унинг қилмишини қоралаш керак. Лекин бу ҳол қандай юз берди. Колхознинг энг яхши чорвадорларидан бўлган Бекасов қандай қилиб бу аҳволга тушиб қолди?

— Ўтиринг,— деди норози оҳангда Қашқатоев.— Сиз бизни масаланинг асл моҳиятидан четга тортяпсиз, ўртоқ Каримбеков. Менимча, бу ерда ўтирганларнинг ҳаммасига шу нарса аниқ равшанки, коммунист Бекасов оғир жиноий иш қилган. Ахир бу нимаси? Шунақаям бўладими? Биз ўз ходимларимизнинг обрўсини туширишга, бизнинг вакилларимизга панхаша кўтариб ҳамла қилишга ҳеч кимга йўл қўймаймиз. Ўртоқ Каримбеков, сиз қалб, ҳиссиёт ҳақидаги ўринсиз тортишувлар ўрнига комсомол ишларининг қандай бораётгани ҳақида ўйлаб кўрсангиз бўларди. Гап бошқа-ю, иш бошқа, ука. Бекасовнинг қилган иши бизга сабоқ бўлиши керак. Унга партия сафида

ўрин йўқ. Ўртоқ Саёқов, сиз колхоз парторги сифатида бу воқеаларнинг ҳаммасини тасдиқлайсизми?— деб сўради у кейин Жўрадан.

— Ҳа, тасдиқлайман,— деди ранги қув ўчган Жўра секин ўрнидан туриб.— Лекин мен бир нарсани айтмоқчи эдим...

— Нима демоқчисиз?

— Биринчидан, мен Бекасовни ўзимизнинг партия ташкилотимизда муҳокама қилишимизни сўрардим.

— Бу шарт эмас. Партия ташкилотининг аъзоларига райком бюроси қарори ҳақида ахборот берасиз. Яна нима керак?

— Шунини айтиб ўтмоқчи эдимки...

— Нимани, ўртоқ Саёқов? Бекасовнинг партияга қарши хатти-ҳаракатлари кўриниб турибди. Энди буни тушунтирадиган жойи йўқ. Сиз ҳам жавобгарсиз. Коммунистларни тарбиялаш соҳасида ишларни барбод қилганингиз учун сизга ҳам чора кўрамыз. Нима учун сиз ўртоқ Сегизбоевни бу масалани бюрога қўймасликка кўндиришга ҳаракат қилдингиз? Хаспўшламоқчимидингиз? Бемаънигарчилик! Утиринг!

Мунозара бошланди. МТС директори ва район газетасининг редактори Каримбековни қувватлаб чиқдилар. Ҳатто бир нафас улар Танабойни ҳимоя қилишлари мумкиндек кўриниб кетди. Танабойнинг эса руҳи тушган ва ҳаяжонланганидан ҳеч кимнинг гапини эшитмас эди. У ҳадеб ўз-ўзига савол берарди: «Менинг бутун орзу-умидларим қаёққа кетди? Бизнинг сурувларда, подаларда бўлаётган аҳвол билан бу ердагиларнинг ишлари ҳам йўқ. Мен аҳмоқ бўлиб юрган эканман. Ўз умримни колхозни деб, қўй-қўзиларни деб ўтказдим. Ҳозир эса буларни ҳисобга олмаяптилар. Энди мен хавфли одамман. Билганларингни қилинглар. Агар шу билан аҳвол яхшиланиб кетадиган бўлса ачинмайман. Қани, мени орқамга тепиб ҳайданглар, менинг куним битган, боплайверинглар, аяманглар...»

Колхоз раиси Олданов сўзга чиқди. Танабой унинг башараси ва ҳаракатларидан кимнидир қойиётганини сезди. Лекин кимни? У «Кишан... йўрға Гулсари...» деган сўзни эшитмагунча буни тушуниб етмади.

— ...Нима бўлди дейсизми!— деди Олданов жаҳл билан.— Биз отни тушовлаб қўйишга мажбур бўлганимиз учун у очиқдан-очиқ менга, бошингни уриб ёраман, деб

дўқ урди. Ўртоқ Қашқатоев, ўртоқ бюро аъзолари, мен колхоз раиси сифатида бизни Бекасовдан қутқаришларингизни сўрайман. Ҳақиқатан ҳам унинг жойи турмада. У раҳбар ходимларнинг ҳаммасини ҳам кўролмайди. Ўртоқ Қашқатоев, у ерда, эшик орқасида Бекасовнинг менга қилган дўқ-пўписаларини тасдиқловчи гувоҳлар ўтиришибди. Уларни бу ерга таклиф қилиш мумкинми?

— Йўқ, ҳожати йўқ,— деб жиркангандек юзини буруштирди Қашқатоев.— Шу ҳам етади. Утиринг.

Кейин овозга қўйишди.

— Ўртоқ Бекасов партия аъзолари сафидан ўчирилсин, деган битта таклиф киритилди. Ким қўшилади.

— Бир минут, ўртоқ Қашқатоев,— деди Каримбеков ва яна ирғиб ўрнидан турди.— Ўртоқ бюро аъзолари, биз бу билан оғир хатога йўл қўяётганимиз йўқми? Бошқа таклиф бор — Бекасовнинг шахсий делосига ёзиб қўйиш шарти билан, қаттиқ ҳайфсан эълон қилиш билан чегаралансин ва шу билан бирга коммунист Бекасовнинг партиявий ва инсонлик нафсониятини таҳқирлагани, райкомнинг вакили сифатида ярамас иш методи қўллагани учун бюро аъзоси Сегизбоевга ҳам ҳайфсан эълон қилинсин.

— Демагогия!— деб бақирди Сегизбоев.

— Тинчланинглар, ўртоқлар,— деди Қашқатоев.— Сизлар райкомнинг бюросида ўтирибсизлар, уйларингда эмас, тартибга риоя қилишларингизни сўрайман.— Бу ёғи энди райкомнинг биринчи секретарига боғлиқ эди. У масалани Сегизбоев мўлжаллаган томонга буриб юборди.— Бекасовни жиноий жавобгарликка тортишнинг менимча кераги йўқ. Лекин, у партия сафида қолишга лойиқ эмас. Бу масалада ўртоқ Сегизбоев бутунлай ҳақли. Овозга қўяман. Бекасов партиядан ўчирилсин, деган ўртоқлар қўл кўтарсин.

Бюро аъзолари етти киши эди. Учаси «ўчирилсин» деб қўл кўтарди, учтаси қарши чиқди. Фақат Қашқатоевнинг ўзи қолди. У бир оз ҳаяллаб, ўчирилсин, деб қўл кўтарди. Танабой ҳеч нарсани кўрмади. У ўз масаласининг ҳал қилинганлигини фақат Қашқатоевнинг секретарь аёлга айтган сўзларини эшитганидан кейингина билди:

— Протоколга ёзиб қўйинг. Райком бюросининг қарори билан ўртоқ Бекасов Танабой партия сафидан ўчирилди.

«Тамом!»— деди ичида Танабой, мурдадек оқариб.

— Мен Сегизбоевга ҳайфсан берилишини талаб қилман,— деди бўш келмасдан Каримбеков.

Буни овозга қўймаса ҳам бўларди. Лекин Қашқатоев овозга қўйиш керак, деган қарорга келди. Чунки бу ерда унинг ўзининг яширин мақсади ҳам бор эди.

— Ким ўртоқ Каримбековнинг таклифига қўшилади? Қўл кўтаришларингизни сўрайман.— Яна уч киши уни ёқлаб, уч киши қарши қўл кўтариб, Қашқатоев Сегизбоевни ҳайфсандан қутқариб қолди. «Лекин у буни билармикин, бундай хизматнинг қадрига етармикин? Ким билади буни... Маккор, қув».

Одамлар кетишга тайёрланиб, ўринларидан қўзғалишди. Танабой, энди ҳамма нарса тамом бўлди, деб ўйлаб, индамай ўрнидан турди ва ҳеч кимга қарамай эшик томон юрди.

— Бекасов, қаёққа?— деб тўхтатди уни Қашқатоев.— Партия билетингизни қолдириб кетинг.

— Қолдириб кетай?— нима ҳодиса бўлганини Танабой энди тушунган эди.

— Ҳа. Столга қўйинг. Энди сиз партия аъзоси эмасиз ва уни олиб юришга ҳақингиз йўқ.

Танабой партбилетини олиш учун қўйнига қўл солди. Орага чўккан жимликда у анча ивирсиди. Унинг партбилети фуфайкаси, костюми остидаги чарм халтачада бўлиб, буни Жайдар тикиб берган эди. Бу халтачани Танабой қайиш ўтказиб, елкасига осиб юрарди. Хуллас, у халтачани чиқариб, ундан кўксининг ҳарорати билан илиган партия билетини олди ва Қашқатоевнинг совуқ ярқироқ столи устига қўйди. Сўнг ҳатто ўзи ҳам совуққа қотгандек жунжикиб кетди. Кейин яна ҳеч кимга қарамасдан халтачасини қўйнига солиб кетмоқчи бўлди. Шу пайт яна унинг кетидан:

— Ўртоқ Бекасов,— деган Каримбековнинг овози эшитилди. Унинг юраги ачигани билиниб турарди.— Ўзингиз нима дейсиз? Ахир сиз бу ерда ҳеч гап айтмадингизку. Эҳтимол, сизга қийин бўлгандир? Биз ўйлаймизки, сизнинг юзингизга эшик ёпилгани йўқ, шундай экан, эртами, кечми яна партия сафига қайтишингиз мумкин. Шунинг учун, айтинг-чи, ҳозир нима ҳақда ўйлаяпсиз?

Танабой ҳали ҳам қандай бўлмасин унинг елкасига тушган ғам юкини енгиллатишга ҳаракат қилаётган нота-ниш йигитга ноқулай аҳволда алам билан қайрилиб қаради.

— Мен нима ҳам дердим? Бу ерда ҳаммасини гапириб бўлмайди,— деди у ғамгин.— Фақат бир нарсани айтишим мумкин. Агар қўл кўтарган бўлсам ҳам, ёмон гаплар айтган бўлсам ҳам, ҳеч айбдор эмасман. Буни мен сизларга тушунтира олмайман. Бор гапим шу.

Орага оғир жимлик чўқди.

— Ҳм. Демак, сен партиядан хафа бўляпсан!— деди Қашқатоев жаҳли чиқиб.— Лекин ўзинг биласан, ўртоқ. Партия сенга маслаҳат бериб, тўғри йўлга солди, сени суддан асраб қолди. Сен бўлсанг бундан рози эмассан, аксинча, хафа бўляпсан. Демак сен, ҳақиқатан ҳам партия аъзолигига муносиб эмас экансан. Бинобарин, бундан кейин сенга партия эшиги очиқ бўлиши даргумон энди.

Танабой райкомдан босиқ тортиб чиқди. У ҳаддан зиёд хотиржам кўринарди. Бу — ёмон аломат эди, албатта. Ҳаво илиқ, қуёш чарақлаб турарди. Кеч кирмоқда. Одамлар ўз ишлари билан кетиб боришар эди. Клуб олдидаги майдонда болалар югуриб ўйнашарди. Танабой буларга қараган сари ўз-ўзидан юраги эзиларди. Бу ердан тезроқ жўнаш керак. Тоққа — ўз уйига, бундан ҳам ёмонроқ ҳодиса юз бермасдан жўнаб қолиш керак.

От боғлайдиган ғов олдида унинг оти билан ёнма-ён Гулсари турарди. Танабой яқинлашиши билан катта, узун, бақувват от бир депсиниб қўйди ва қора, осойишта кўзлари ишонч билан унга қаради. Танабойнинг панхаша билан бошига урганини йўрға аллақачон унутган эди. Шунинг учун ҳам у от-да.

— Эсингдан чиқар, Гулсари, хафа бўлма,— деб шивирлади Танабой йўрғага.— Менинг аҳволим оғир. Жуда оғир.— У шундай деб отнинг бўйнидан қучоқлаб хўрсинди ва ўтиб турган одамлардан уялганидан ўзини зўрға йиғидан тийиб қолди.

Танабой отига миниб уйига жўнади. Александровка тепалигидан ўтганида Жўра унга етиб олди. Орқадан елиб келаётган йўрғанинг таниш туёқ дупурини эшитиши билан Танабой зарда билан лабини қимтиб, ўшшайди. Қайрилиб ҳам қарамади. Аламдан унинг кўнгли ғаш, кўз олди қоронғи эди. Энди Жўра бутунлай бошқа, аввалгига сира ўхшамасди. Мана бугун Қашқатоев бир бақириб бериши билан у худди интизомли ўқувчидек итоаткорона ўрнига ўтириб қолди. Кейин нима бўлади? Одамлар унга ишонишади, у бўлса тўғри гапни айтишдан қўрқади. Узини эҳтиёт қилади, ўйлаб гапирди. Буни унга ким ўргат-

ди? Майли, Танабой қолоқ одам, оддий колхозчи, у эса саводли, ҳамма нарсани билади, бир умр раҳбар бўлиб келади. Буларнинг ҳаммаси Сегизбоевлар ва Қашқатоевлар айтганидек эмас эканлигини наҳотки Жўра пайқамаса! Уларнинг сўзлари маъноликдек туюлса-да, аслида эса ёлғон ва сафсатадан иборат эканлигини наҳотки билмаса. У кимни алдаяпти, нима мақсадда?

Жўра унга етиб олиб, чопавериб қизиб кетган йўрғани жиловидан тортиб, ёнма-ён кета бошлаганида ҳам, Танабой унга ўгирилиб қарамади.

— Мен бирга қайтамыз деб ўйлаган эдим, Танабой.— деди у нафасини ростлаб.— Қарасам, сен жўнаб қолибсан...

— Сенга нима?— деди ҳамон унга қарамай Танабой.— Ўз йўлингга кетавер.

— Кел, гапиришиб олайлик. Юз ўғирма, Танабой. Дўстона, коммунистларча гапиришамиз,— деди унга Жўра ялингандек.

— Мен сенга дўст эмасман, бунинг устига энди коммунист ҳам эмасман. Ҳа, сен ҳам кўпдан бери коммунист эмассан. Тил ёғламалик қиляпсан.

— Сен буни жиддий гапиряпсанми?— деб сўради Жўра паст овоз билан.

— Албатта, жиддий. Сўз танлашни ҳам ўрганганим йўқ. Нимани, қаерда ва қандай гапиришни ҳам билмайман. Хайр бўлмаса, сен тўғрига кетасан, мен эса бу ёққа буриламан.

Танабой шундай деб отни йўлдан четга бурди, ўгирилмасдан ва дўстининг юзига бирон марта ҳам қарамасдан отини тўғри дала орқали тоққа ҳайдаб кетди.

У Жўранинг мурдага ўхшаб оқариб кетганини, қўлини чўзиб уни тўхтатмоқчи бўлганини ва кейин томирлари тортишиб, кўкрагини ушлаганича, йўрғанинг ёлига ётиб қолганини, оғзини каппа-каппа очиб нафас олаётганини кўрмади.

— Аҳволим чатоқ,— деб пичирлади Жўра, чидаб бўлмас оғриқдан ғужанак бўлиб.— Вой, аҳволим ёмон!— деб хирилларди у яна кўкариб кетган ҳолда нафаси қисилиб.— Тезроқ овулга, Гулсари, тезроқ овулга.

Йўрға қоронғи, кимсасиз даштда овул сари учиб борарди, устидаги одамнинг овози отни чўчитарди, бу овозда аллақандай қўрқинчли, ваҳимали бир нарса сезиларди. Гулсари чопиб бораётиб қўрқувдан пишқирар ва

қулоқларини чимирадди. Эгар устидаги одам эса азоб чекар, ғужанак бўлиб, титраган қўллари ва тишлари билан отнинг ёлига маҳкам ёпишиб олган эди. Тизгин чопиб бораётган Гулсарининг бўйнида осилиб борарди.

## XX

Кеч бўлиб қолган, Танабой ҳали йўлда тоққа кетаётган бир пайтда овул кўчаларида бир отлик чопиб юрар ва безовталанган итлар бетўхтов ҳуришар эди.

— Ҳой, бу ҳовлида ким бор? Бу ёққа чиқ!— деб чақирарди у ҳовли эгасини.— Идорага, партия мажлисига.

— Нима гап ўзи? Нега мунча шошилишч?

— Билмадим,— деб жавоб берарди хабарчи.— Жўра чақиряпти. Тезроқ келишсин, деди.

Жўранинг ўзи эса бу пайтда идорада ўтирган эди. У елкаларини стол четига тираб, ҳансираб нафас олар, панжаси билан кўйлаги остидан кўкрагини қаттиқ ғижимлар эди. Офриқдан инграб, лабларини тишларди. Кўкариб кетган юзларини совуқ тер босган ва кўзлари ичига ботиб кетган эди унинг. Баъзан ҳушидан кетиб, назарида яна қоронғи даштликда йўрға устида келаётгандек туюларди... Жўра ҳадеб Танабойни чақиритишни истарди, у эса наштардек ботадиган сўзларни айтиб, орқасига ҳам қарамай кетиб борарди. Танабойнинг сўзлари унинг юрак-бағрини чўғ бўлиб куйдирад эди...

Парторгни бу ерга қўлтиғидан суяб отхонадан келтиришган эди. У пичан устида ётиб бир оз дам олгач, пича ўзига келган эди. Отбоқарлар уни ҳовлисига олиб кетмоқчи бўлдилар, лекин у кўнмади. Коммунистларни чақириб келишга одам юбориб, энди уларни ана келади, мана келади деб кутарди.

Қоровул аёл чироқни ёқиб, Жўрани холи қолдирдида, даҳлиздаги печкага ўт ёқиш билан овора бўлди, у баъзан қия очилган эшикдан қараб, уҳ тортиб, бошини чайқаб қўярди.

Жўра одамларни кутарди, вақт эса имиллаб ўтар эди. Унга ато қилинган ва кўпгина қисмини яшаб бўлгандан кейингина Жўра қадрига өта бошлаган бу ҳаёт энди ҳар дақиқа сайин аччиқ ва аламли томчилар сингари томиб тугаб бораётгандек эди. У кўнлари ва йиллари қандай ўтганини пайқамай қолди. Ҳаш-паш дегунча мөҳнат би-



лан, ташвиш билан ўтиб кетди. Унинг кутган нарсасининг ҳаммаси рўёбга чиқмади, ҳамма нарса у истаганча бўлмади. Ҳаракат қилди, курашди, бироқ мушкулдан қутулиш учун, юриш бунчалик хатарли бўлмасин учун, четлаб ўтиш учун аллақоерларда чекинди ҳам. Аммо уларни четлаб ўтолмади. У тўқнаш келиб қолишдан қўрқиб юрган куч уни боши берк кўчага сиқиб қўйган эди, энди чекиниши мумкин эмасди, йўл тамом бўлганди. Эҳ, агар у ўз хатосини эртaroқ тушунганда, ҳаёт кўзига тик қарашга ўзини вақтliроқ мажбур этганда эди... Ҳаёт аччиқ ва аламli томчилар сингари томиб тугаб бораётганди. Одамлар тезроқ кела қолса бўлмайдими! Мунча узoқ куттиришяпти?

«Фақат улгурсам бўлгани,— деб ўйларди Жўра қўрқув аралаш.— Ҳаммасини айтишга улгурсам бас!— дерди у яна ва ўзини ташлаб кетаётган умр-ҳаётни унсиз шиддатли нидо билан ушлаб турарди. Ўзини дадил тутишга ҳаракат қилиб, сўнгги жангга ҳозирланарди.— Ишнинг қандай содир бўлганлигини, бюронинг қандай ўтганлигини, Танабойнинг партиядан қандай чиқарганликларини — ҳаммасини гапириб бераман. Билиб қўйишсин: мен райкомнинг бу қарорига қўшила олмайман. Билиб қўйишсин: мен Танабойнинг партиядан чиқарилишига рози эмасман. Олданов ҳақида қандай фикрда бўлсам, барисини айтиб бераман. Майли, мендан кейин унинг маърузасини эшитишсин. Майли, коммунистлар ҳал қилишсин. Мен ким эканлигимни батафсил сўзлаб бераман. Колхозимиз ҳақида, кишилар ҳақида гапираман... Фақат улгуриш керак, тезроқ келишса эди, тезроқ...»

Биринчи бўлиб хотини дори билан етиб келди. У жуда қўрқиб кетган эди, оҳ-воҳ қилиб йиғларди.

— Ақлинг жойидами ўзи? Наҳотки шу мажлисларга тўймаган бўлсанг? Юр уйга. Ранги-рўйингга қара. Ҳеч бўлмаса ўзингни ўйласанг-чи!

Жўра эшитишни истамасди. Дорини ича туриб қўл силтади. Тишлари стаканга урилиб, сув кўкрагига оқиб тушди.

— Ҳечқиси йўқ, энди ўзимни яхши ҳис қиляпман,— деди у бир марoмда нафас олишга ҳаракат қилиб.— Сен мени у ерда кутиб тур, кейин бошлаб олиб кетасан. Қўрқма, чиқавер.

Кўчада кишиларнинг оёқ товушлари эшитилиши билан Жўра қаддини ростлаб столдан турди, ўзининг сўнгги

бурчи деб ҳисобланган нарсани адо этиш учун оғриққа бардош бериб, бор кучини тўплади.

— Нима бўлди? Сенга нима бўлди, Жўра — деб сўрашарди коммунистлар ундан.

— Ҳеч нима. Ҳозир айтаман, ҳаммаси келишсин, — деб жавоб берарди Жўра уларга.

Умр аччиқ ва аламли томчилар сингари тугаб борар эди.

Коммунистлар тўпланишгач, парторг Жўра Саёқов столдан туриб, бошидан телпагини олди ва партия мажлисини очиқ деб эълон қилди...

## XXI

Танабой уйига тунда етиб келди. Жайдар ҳовлига фонус кўтариб чиқди. Кутавериб кўзлари тўрт бўлганди. У эрига кўзи тушиши билан аллақандай мусибат юз берганини англади. Танабой жимгина отининг сувлуғини чиқариб, эгарини олиб қўйди. Жайдар эса чироқни тутиб турарди. Танабой лом-мим демасди. «Районда ичиб олганида, эҳтимол, ўзини енгил сезармиди» деб дилидан ўтказди хотини. Танабой эса ҳамон гапирмасди. Унинг бу сукути тобора даҳшатлироқ бўлиб туюларди. Бечора Жайдар бўлса уни хурсанд қилмоқчи эди: райондан бир оз хашак, сомон ва арпа уни келтиришганди. Ҳаво ҳам анча исиб, қўзиларни яйловга чиқаришганди. Улар энди майсаларни чимтий бошлашган эди.

— Бектойнинг сурувини олиб кетишди, янги чўпон юборишди, — деди У.

— Э Бектойнинг ҳам, ўша чўпону сурувнинг ҳам падарига лаънат...

— Чарчадингизми?

— Нега чарчар эканман? Партиядан ҳайдашди!

— Секинроқ, сақмончилар эшитиб қолишади.

— Эшитса нима? Нега яширар эканман. Дайди итдек ҳайдаб юборишди. Шундай қилишлари керак эди. Сени ҳам шундай қилиш керак. Биздақангиларга бу ҳам оз, Нега туриб қолдинг? Мунча анграясан?

— Боринг, дамингизни олинг.

— Буни ўзим ҳам биламан.

Танабой қўйхона томон кетди. Қўйларни кўздан кечирди. Сўнг ўрға чиқиб қоронғида тентираб юрди-да,

яна қўйхонага қайтиб келди. Ўзини қўярга жой тополмасди. У овқатланишдан ҳам, гапиришдан ҳам бош тортган эди. Бир бурчакдаги сомон устига ўзини ташлаб, қимир этмай ётди. Тирикчилик, кундалик ташвиш, ҳадиксирашлар энди бир пул эди. Унинг кўнглига қил сиғмасди. Яшашни ҳам, ўйлашни ҳам, атрофдаги бирон нарсани кўришни ҳам истамас эди энди у.

У ёққа ағанар, бу ёққа ағанар, ухламоқчи, ҳамма нарсани эсдан чиқармоқчи бўларди. Бироқ унутиб бўлармиди? У яна Бектойнинг қай тарзда сурувини ташлаб кетганлиги, оппоқ қорда унинг қора излари қолганлиги, Бектойнинг сўзига жавобан оғиз оча олмаганлигини эслади... Яна Сегизбоевнинг йўрға отда туриб бақириб, оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан сўкканини, турмага жўнатаман, деб дўқ ургангани, район партия комитетининг бюросида Танабойнинг зарарли шахс ва халқ душмани деб атаганларини хаёлидан ўтказди... Шу билан энди ҳамма нарса ва унинг бутун ҳаёти тугагандек эди. У биронта жарга йиқилиб тушиб нобуд бўлмагунча паншахани ушлаб, қоронғи тун қаърига қараб чопишни ва бутун оламга жар солиб фарёд чекишни истарди.

У уйқуга кетаркан, бундай яшагандан кўра ўлган яхшироқ, деб ўйларди. Ҳа, ҳа, ўлим афзал!..

У уйқудан уйғонганида калласи ғовлар эди. Бир неча дақиқа ўзининг қаердалигини, нима бўлганлигини англай олмади. Ёнида қўйлар йўталишар, қўзичоқлар маърашарди. Энди билса қўйхонада ётган экан. Ҳовлида тонг ёришиб қолганди. Нега уйғонди? Нима учун? Ҳеч ҳам уйғонмагани маъқул эди. Улиш қолди холос, ўзини ўлдириш керак...

Кейин у ариқдан ҳовучлаб сув ичди. Юпқа муз пардаси қолаган сув ниҳоятда совуқ эди ва унинг қалтироқ бармоқлари орасидан шилдираб оқиб тушарди. У бўлса яна ҳовучини сувга тўлдириб шимиради. Бир оз нафасини ростлаб ўзига келди, фақат шундагина у ўзини ўлдириш ҳақидаги қарори аҳмоқона фикр эканлигини тушуниб етди. Инсонга бир марта бериладиган ҳаётдан қандай қилиб ўзни маҳрум этиш мумкин! Сегизбоевлар шунга арзийдимми? Йўқ, ҳали Танабой яшайди, ҳали у кўп ишларни қилади!..

Уйига қайтиб келиб милтиқ ва патронтошни секингина бекитиб қўйди ва шу куни кечгача тинмай ишлади. Хотини билан, қизлари ва сақмончи аёллар билан ширин

муомалада бўлмоқчи эди-ю, лекин хотинлар бирон нар- сани сезиб қолишмасин, деб ўзини тийди. Хотинлар эса гўё ҳеч нарса рўй бермагандек, ҳамма иш жойида экан- дек, ўз ишлари билан машғул эдилар. Танабой уларнинг бу қилиғидан мамнун эди. У индамай ишлаб юраверди. Яйловга бориб, қўйларни ҳайдаб келишга ёрдам берди.

Кечқурун ҳаво айнай бошлади. Қор ёки ёмғир ёғиши аниқ эди. Атрофдаги тоғларни туман қоплаб, кўк юзини эса қалин булутлар чулғаб олганди. Яна қўзичоқларни совуқдан асраш ҳақида бош қотириш керак эди. Яна қир- ғин бошланмасин учун қўйхонани тозалаб, остига сомон сочиш лозим эди. Танабой диққат бўлар, лекин ўтган во- қеаларни имконияти борича унутишга, умидсизликка тушмасликка ҳаракат қиларди.

Қоронғи туша бошлаганда қўрада бир отлиқ пайдо бўлди. Уни Жайдар қарши олди. Улар алланималар ҳа- қида гаплашишарди. Бу вақт Танабой қўйхонада иш билан банд эди.

— Ҳой, Танабой, бу ёққа қаранг,— деб чақирди уни хотини.— Овулдан бир одам келибди.

Танабой хотинининг сўз оҳангидан қандайдир кўнгил- сиз воқеа рўй берганини сезди.

У ҳовлига чиқиб, отлиқ билан кўришди. Келган одам қўшни овулнинг чўпони экан.

— Э, Айтбой, сенмисан? Отдан туш. Қаерлардан сў- раймиз?

— Овулдан келаётирман. Бир иш билан борган эдим. Айтишларича, Жўра қаттиқ касал экан. Сиз албатта унинг олдига борармишсиз. Шундай деб тайинладилар.

«Яна Жўра». Салгина бўлса ҳам унутила бошлаган ғам-аламлар яна қайтадан янгиланди. Лекин афсуски, Та- набой унинг дийдорини кўришни истамас эди.

— Нима, мен доктормидим? У ҳамиша касал. Усиз ҳам ташвишим бошимдан ошиб ётибди. Кўриб туриб- сан, ҳавонинг авзойи бузуқ.

— Борасизми, бормайсизми, бу сизнинг ишингиз, ўзингиз биласиз. Менга тайинлаган гапларини айтиб қўй- дим. Хайр, вақтим зиқ, кеч кириб қолди.

Айтбой отини йўлга бурди-ю, лекин яна жиловини тортиб деди:

— Танаке, яна бир ўйлаб кўринг. Аҳволи жуда оғир. Уғлини ўқишдан чақиртиришибди, вокзалга кутиб олгани кетишибди.

— Хабар келтирганинг учун раҳмат. Аммо мен бормайман.

— Боради,— Жайдар орланиб гапга аралашди.—Ташвиш тортманг, боради.

Танабой индамади. Аммо Айтбой бир оз узоқлашгач, хотинига ўшқирди:

— Сен бу одатингни ташла. Нега мен учун сен жавоб берасан? Нима қилишимни ўзим биламан. Бормайман, дедим, бормайман!

— Нима деётганингизни ўзингиз биляпсизми, Танабой?

— Ўйлаб ўтиришимнинг ҳожати йўқ. Етар энди. Андиша қила-қила шу даражага етдимки, партиядан ҳам ҳайдашди. Менинг энди ҳеч кимим йўқ. Мен касал бўлсам, бирон кимса кўргани келмай қўя қолсин. Бир ўзим пешонамдагини кўравераман!— деди у ғазаб билан қўл силтаб ва қўйхона томон кетди.

Лекин кўнгли ҳамон жойига тушмасди. Она қўйлар олдидан янги туғилган кўзичоқларни кўтариб олиб, уларни бир бурчакка элтар, маъраётган қўйларга ўшқирар, ўзича дўнғиллар эди:

— Ишдан олдинроқ кетганида бунчалик азоб тортмасди. Қачон қарасанг юрагини чангаллаб юради-ю, лекин эгардан тушмайди. Бошлиқ эмиш! Елкамнинг чуқури кўрсин сени. Хафа бўлсанг бўлавер, мен ҳам сендан хафаман. Ҳеч ким билан ишим йўқ...

Ҳовли қоронғи. Аста-секин қор ёға бошлади. Коинот шу даражада хомуш ва сокин эдики, ҳатто сийрак қор заррачаларининг ерга тушаётгани ҳам эшитилиб турарди.

Танабой ўтовга кирмади, хотини билан гаплашишдан ўзини олиб қочиб юрди. Жайдар ҳам унинг олдига келмасди.

«Уша ерда ўтирсанг ўтиравер,— деб ўйлади Танабой.— Лекин мени боришга мажбур этолмайсан. Энди мен учун буларнинг аҳамияти йўқ. Мен билан Жўра мутлақо бегона кишилармиз. Унинг йўли бошқа-ю, менинг йўлим бошқа. Олдин дўст бўлсак ҳам, энди бегонамиз. Агар мен унинг дўсти бўлсам шу маҳалгача у қаерда эди? Йўқ, энди мен учун бари бир...»

Ахир Жайдар унинг олдига келди. У эрининг ёмғирпўшини, янги этик, белбоғ, қўлқоп, ашиклик телпагини келтирганди.

— Кийимингизни кийинг,— деди у.

— Бекорга овора бўляпсан. Ҳеч қаерга бормайман.

— Вақтни ўтказманг, бирон нарса бўлиб қолса, кейин умр бўйи пушаймон қилиб юрасиз.

— Пушаймон ҳам қилмайман. Унга ҳам ҳеч нарса бўлмайди. Бир оз ётади-да, яна ишга чиқиб кетади. Биз уни энди кўряпмизми.

— Танабой, мен сиздан ҳеч вақт бирон нарса илтимос қилмаган эдим. Ҳозир эса илтимос қиляпман. Аламингизни менга қолдирингу, ўзингиз боринг, бир одамгарчилик қилинг!

— Йўқ!— деди Танабой қайсарлик билан бошини чайқаб.— Бормайман. Энди мен учун бари бир. Сен одоб ва одатни ўйлайсан. «Одамлар нима дейишади» деб ўйлайсан. Мен эса энди ҳеч нарса билан ишим йўқ.

— Эс-ҳушингизни йиғиб олинг, Танабой. Мен бориб ўчоқдан хабар олиб келай, яна кигизга чўғ тушиб кетмасин.

Жайдар эрининг уст-бошларини унинг олдида қолдириб кетди. Лекин Танабой ўрнидан қимирламади. Бир бурчакда хаёлга чўмиб ўтираверди, ўз қарорини бузишга журъат этолмади, Жўрага айтган сўзларини ҳам хотирасидан чиқариб ташлай олмасди. Энди-чи: «Ассалому алайкум, бир кўриб кетай, деб келдим, соғлигинг қалай? Бирон ёрдамим керак эмасми?» деб борсинми? Йўқ-йўқ, у бундай қила олмайди ва бунга одатланмаган ҳам.

Жайдар қайтиб келди.

— Ҳали кийинганингиз йўқми?

— Жонимга кўп тегаверма. Бормайман, дедим-ку, ахир сенга.

— Ўрнингдан тур!— деб бақирди Жайдар ғазаб билан. Танабой худди командирнинг буйруғини бажарган солдатдек ўрнидан сакраб турганини ўзи ҳам сезмай қолди. Жайдар яқин келиб, фонуснинг хира шуъласида ҳам чўккан ғазабли кўзларини эрига тикди.— Агар сен эркак бўлмасанг, инсон бўлмасанг, муштипар бир ожиза бўлсанг, сен учун мен бораман, сен эса лаб-лунжингни осилтириб ўтиравер! Ҳозироқ жўнайман. Бор, отни дарҳол эгарла!

Танабой хотинининг фармониغا бўйсуниб, отни эгарлагани кетди. Эшикда ҳамон майдалаб қор ёғарди. Зулмат гўё теран гирдобдаги сувдек атрофда ун чиқармай секин айланарди. Зим-зиё қоронғиликда ҳатто тоғлар

ҳам кўринмасди. «Энди бу кўргилик ҳам бор экан! Шундай қоронғи кечада танҳо ўзи қаерга боради?— деб дилдан ўтказди у қоронғида от устига эгар ташлар экан.— Кошки гапга кирса. Айтганини қилмасдан қўймайди. Ўлдирсанг ҳам қайтмайди. Йўлда бирон ҳодиса юз берса нима бўлади? Ўзидан кўрсин-э...»

Танабой отни эгарлар экан, ўзидан ўзи уялиб кетди. «Ростдан ҳам мен одам эмасман, ҳайвонман. Алаимдан ақлимни еб қўйибман. Алаимни ҳаммага намойиш қил-япман: мана кўринг, мен қандай бахтсизман, мушкулим оғир. Бечора хотинимни ҳам қийнаб юбордим... Унда нима гуноҳ? Нега уни бунчалик қийнайман? Бу ишим яхшиликка олиб бормади. Мен ярамас одамман. Ҳайвонман, ҳа, ҳайвон!»

Танабой иккиланиб қолди. Лекин ўз гапидан қайтиш ҳам осон эмасди энди унга. У бошини қуйи солганича қайтиб кирди.

— Эгарладингми?

— Ҳа!

— Бўлмаса отлан!— деди Жайдар унга ва ёмғирпўшини узатди. Танабой индамай кийина бошлади. У хотинининг биринчи бўлиб муросага келганидан хурсанд эди. Айни вақтда у хўжа кўрсинга саркашлик қилиб:

— Эртага борсам-чи?— деб қўйди.

— Йўқ, ҳозир йўлга туш. Кейин кеч бўлади.

Тун тоғда сокин гирдоб бўлиб айланарди. Лайлак қор секин-аста, бир маромда ерга қўнарди. Танабой қоп-қоронғи ён бағирлар бўйлаб ўзи рад этган дўстининг чақириғига танҳо кетиб борарди. Бошига, елкаларига, соқоли ва қўлларига қор учқунлари ёпишарди. Танабой эгарда қимирламай ўтирар, устидаги қорларни ҳам қоқмас эди. Шу зайлда унга хаёл суриш қулай эди. У Жўра ҳақида, узоқ йиллар давомида уларни бир-бирига яқинлаштирган нарсалар ҳақида ўйларди. Жўра унга савод ўргатган пайтларини, кейин эса биргаликда комсомолга, сўнгра партияга кирган кезларини ўйларди. Бир вақтлар Жўра билан канал қурилишида ишлаганларини, кунлардан бирида Жўра Танабойнинг сурати ва у ҳақдаги кичик мақола босилган газетани ҳаммадан олдин олиб келиб, ҳаммадан олдин Танабойнинг қўлини сиқиб табриклаганини эслади.

Танабойнинг кўнгли борган сари юмшар ва қалбини аллақандай ташвишли ҳис қамраб борар эди: «Аҳволи

қандай экан-а? Балки, ҳақиқатан ҳам аҳволи оғирдир? Бўлмаса ўғлини нега чақиртирди экан? Ёки унга бирон нарса демоқчимикин? Видолашмоқчимикин?..»

Тонг ёришиб қолган эди. Ҳамон чарх уриб қор ёғарди. Танабой отини елдириб ҳайдаб кетди. Ҳадемай анови тепаликлар этагидаги пастқамликда овул кўринади. Жўранинг аҳволи қалай экан? Тезроқ етиб борса эди.

Ногаҳонда тонг сукунатида овул томондан алланечук мунгли нола қулоғига чалинди. Кимнингдир фарёди эшитилиб, яна жимиб қолди. Танабой отнинг жиловини тортиб, шамол келаётган ўша томон қулоқ солиб турди. Ҳеч нарса эшитилмасди. Эҳтимол, унга шундай туюлгандир.

От Танабойни тепаликка олиб чиқди. Пастликда, қор остида қолган полизлар ва яланғоч дарахтлар орасида кимсасиз овул кўчалари чўзилиб ётарди. Ҳали эрта бўлгани учун кўчаларда ҳеч ким кўринмасди. Фақат бир ҳовли олдида одамлар тўдаси қорайиб кўринар, отлар дарахтларга қантариб қўйилган эди. Бу Жўранинг ҳовлиси эди. Нега у ерда одамлар бунчалик кўп? Нима бўлди экан? Наҳотки...

Танабой узангига оёқларини тираб, бўйини чўзиб, муздек ҳаводан энтикиб нафас олди-да, жимиб қолди ва шу заҳотиёқ отини пастликка қараб шитоб билан суриб ҳайдаб кетди. «Бўлиши мумкин эмас! Бу нимаси? Бўлиши мумкин эмас!» Унинг дили вайрон бўлди ва бутун вужудини кўнгиясиз хижиллик қоплаб олди. Гўё у ерда содир бўлган воқеа учун бу гуноҳкордек эди. Ягона дўсти абадий кўз юмиш олдида видолашмоқ учун уни чақирса-ю, у қайсарлик қилиб, ўжарлик қилиб аразлаб ўтирса. Энди у нима деган одам бўлди. Нега хотини унинг юзига «туф» демади? Ўлим тўшагида ётган кишининг охириги илтимосини бажо келтиришдан ҳам зарурроқ нарса борми бу дунёда?..

Танабойнинг кўз ўнгида яна Жўра йўрға саманда орқасидан етиб келган ўша дашт йўли намоён бўлди. Ушанда у Жўрага нималар деганди? Энди ўзининг бу гуноҳини кечира оладими?

Танабой ўз айби ва ор-номус юки остида эгилганича қорли кўчадан от устида нохуш кетиб борарди... Бирдан у Жўранинг ҳовлиси рўпарасида бир тўп отлиқларни кўрди. Улар ун чиқармасдан яқинлашиб келишарди. Кейин



бирдан ҳаммаси эгарда тўлганиб, бараварига дод-фарёд кўтаришди.

— Уйбой, бовримой! Уйбой, боврим!

«Қозоқлар келишибди»— деб ўйлади Танабой ва дўстидан жудо бўлганини энди билди. Дарёнинг нарёғидан келган қўшни қозоқлар Жўрани ўз оғайниси, қўшниси, яқин кишиси сифатида ҳамда бутун округда машҳур киши сифатида йўқсаб йиғлашар эдилар. «Раҳмат сизларга дўстлар,— деб кўнглидан ўтказди Танабой шу дақиқада.— Азалдан, ота-бобларимиз давридан бери сизлар шодлигимизга ҳам, ғам-андухимизга ҳам шериксизлар, тўй-ю улоқларда ҳам биз билан биргасизлар. Йиғланглар, биз билан бирга йиғланглар!»

Танабой ҳам уларга эргашди. Унинг аламли фарёди тонгги овулга таралди.

— Жўра-а-а! Жўра-а-а!

У от устида лўкиллаб, эгарнинг ҳали у, ҳали бу томонига оғиб борар ва бу дунёдан кўз юмган дўстини йўқсаб зор-зор йиғлар эди.

Мана, Жўранинг ҳовлисига ҳам етиб келди. Ана, уй олдида устига мотам ёпиғи ёпияган Гулсари турибди. Унинг сағрисига тушаётган қор учқунлари ўша заҳоти эриб кетар эди. Гулсари эгасиз қолди. Энди у қуруқ эгар билан турарди.

Танабой ўзини отининг бўйнига ташлар, қаддини кўтариб, яна ташланар эди. Атрофда одамлар худди тумандагидек аранг кўринар ва тинимсиз йиғи эшитиларди. У ғала-ғовур ичида кимнингдир:

— Танабойни отдан тушириб, Жўранинг ўғли ёнига олиб боринглар,— деганини ҳам эшитмади.

Бир неча жуфт қўл унга чўзилди ва унинг отдан тушишига ёрдамлашди. Сўнг қўлтиғидан суяшиб, одамлар орасидан олиб ўтиб кетишди.

— Мени кечир Жўра, мени кечир!— деб бўзлаб йиғларди Танабой.

Ҳовлида Жўранинг ўғли студент Шомансур уй дево-рига юзини қўйганича турарди. У Танабойга ўғирилди, кўзлари жикқа ёшга тўлган эди. Улар йиғлаб қучоқлашиб кўришишди.

— Сен отангдан, мен дўстимдан жудо бўлдики! Мени кечир, Жўра! Мени кечир!— деб энтикиб ҳўнграб йиғларди Танабой.

Сўнгра уларни ажратишди. Шу пайт Танабойнинг кўзи

хотинлар орасида турган Бибижонга тушди. У Танабойга қараб унсиз кўз ёши тўкарди. Танабой янада қаттиқроқ хўнграб юборди.

У Бибижоннинг яқинроқ келиб тасалли беришини, кўз ёшларини артишини истарди. Аммо у яқин келмади. Жойида турганича йиғлашда давом этди.

Танабойни бошқалар овутмоқчи бўлишарди:

— Бас қил, Танабой, йиғидан наф йўқ, ўзингни бос.

Бундай юпатишлардан у енгил тортмас, аксинча, дарди, алами янада кучаярди.

## XXII

Марҳумни пешиндан кейин олиб чиқишди. Қуёшнинг сўниқ гардиши ҳаракатсиз оқиш булутлар орасидан зўрға кўринарди. Ҳамон ҳавода юмшоқ хўл қор учқунлари сузиб юрарди. Дафн маросимига кетаётганлар оппоқ далада сокин қорамтир дарё каби оқиб боришарди. Бу дарё гўё бу ерда кутилмаганда пайдо бўлиб, биринчи дафъа ўзига йўл очиб бораётган эди. Олдинда бортлари очик машинада оппоқ наMATга маҳкам ўралган Жўранинг жасади борарди. Унинг ёнида хотини, болачақалари, қариндош-уруғлари ўтиришарди. Қолган бошқаларнинг ҳаммаси отларда боришарди. Танабой ва Шомансур машина орқасидан пиёда боришарди. Танабой марҳум дўстининг отини, эгарлоғлиқ Гулсарини етаклаб олган эди.

Овулдан чиқаверишда йўл юмшоқ қор билан қопланган эди. У от туёқлари остида топталиб, одамлар кетидан қора бир тасма сингари чўзилиб борарди. Бу йўл гўё Жўранинг сўнгги йўлини белгилаб бераётгандек эди. Йўл тепалик орқали қабристонга бурилди. У ерда энди Жўранинг йўли абадий тугар эди.

Танабой отни етаклаб борар экан, унга қарата дилида дер эди:

«Мана, Гулсари, икковимиз ҳам Жўрамиздан ажралдик. Энди у йўқ, энди уни топиб бўлмайди... Уша куни мени нега чақирмадинг, нега мени йўлда тўхтатмадинг? Худо сенга тил бермаган-да. Мен одам бўлсам ҳам сендан тубан эканман. Ўз дўстимни йўл ўртасида ташлаб кетдим, унга қайрилиб ҳам қарамадим, йўлимдан ҳам

қайтмадим, ўйлаб ҳам кўрмадим. Жўрани мен ўлдирдим, ҳа, сўз билан ўлдирдим, сўз билан...»

Танабой то қабристонга етгунча йўл бўйи Жўрадан кечирим сўраб борди. Гўрда ҳам Шомансур билан биргаликда лаҳадга тушиб Жўранинг жасадини мангу ётоғига қўяётиб деди:

— Алвидо, Жўра! Мени кечир, эшитяпсанми, Жўра, мени кечир!

Аввал одамлар кафтларида сиқимлаб тупроқ ташлашди. Сўнг чор тарафдан белкуракларда тупроқ тортиб туширишди. Бирпасда гўр тўлиб, тепалик устида янги қабр ҳосил бўлди.

Кечир, Жўра!..

\* \* \*

Фотиҳадан сўнг Шомансур Танабойни бир чеккага чақириб:

— Танаке, сизда ишим бор, гаплашиб олишимиз керак,— деди.

Улар самоварлар ва гулханлар тутаб ётган ҳовлидан ўтиб, боққа чиқишди. Ариқ лабидан юриб полизнинг нариги ёғидаги янги йиқитилган дарахт танасига бориб ўтиришди. Уртага бир зумлик жимлик чўкди. Улар ҳар қайсиси ўзича ўйлар эди.

«Инсон ҳаёти шу экан-да,— деб ўйларди Танабой.— Шомансур кечагина бола эди, бугун ажабтовур йигит бўлиб қопти. Ғам-ғусса уни яна улғайтириб қўйибди. Энди у Жўранинг ўрнига қолди. Энди бир-биримиз билан тенг одамлардек гаплашамиз. Шундай бўлиши ҳам керак. Уғиллар оталарининг ўрнини босишади. Уғиллар оталарининг ишини давом эттиришади. Илоҳим, отасидек бўлсин. Лекин бизлардан илгарилаб кетишсин, ақл-фаросатда, ишбилармонликда биздан баландга кўтарилишсин, халққа хизмат қилиб, ўзлари ҳам бахтли бўлишсин. Биз, оталар, биздан ўзиб кетсинлар, биздан кўра яхшироқ ишлаб, яхшироқ яшасинлар, деган умидда фарзанд ўстирамиз... Ҳа, бизнинг умидимиз шу...»

— Шомансур, сен энди оила бошлиғисан,— деди ниҳоят Танабой кексалардек соқолини силаб.— Энди сен Жўранинг ўрнини босасан. Мен эса сенинг гапларингни Жўрани тинглагандек эшитаман.

— Танаке, мен отамнинг васиятини сизга айтмоғим керак,— деди Шомансур.

Танабой Шомансурнинг талаффузида отасининг овозини, сўз оҳангини аниқ ҳис этиб, бир сөсканиб тушди. У, Шомансурнинг отасига, ёш йигит Жўранинг ёшлигига жуда ўхшашлигини ҳозир биринчи марта пайқади. Жўранинг ёшлик йилларини Шомансур билмасди, Танабой эса уни биларди ва эсда яхши сақлаб қолган эди. Уни билган кишилар тирик экан, инсон ўлмади, деб бекорга айтишмаган экан-да.

— Қулоғим сенда, ўғлим.

— Мен келганимда отам тирик эди, Танаке. Кеча тунда ўлиmidан бир соат илгари етиб келишга улгурдим. Охирги нафасига қадар эс-ҳуши ўзида эди. Сизни, Танаке, интизор бўлиб кутди. Ҳадеб: «Танабой қани? Келмадими?» деб сўрарди. Биз сизни йўлда, ҳозир етиб келарди, деб тасалли берардик. Афтидан, сизга нимадир айтмоқчи эди. Лекин улгурмади.

— Ҳа, Шомансур. Бизнинг бир-биримиз билан кўришишимиз жуда зарур эди. Бир умрга дилимда армон бўлиб қолди. Бунга мен айбдорман. Эртароқ етиб келолмадим.

— Айтгандек, отам менга бир нарсани тайинлади. Ўғлим, деди у, Танакенгга айтгин, кечирим сўрайман, гинакудрат сақлаб юрмасин, менинг партия билетимни унинг ўзи район партия комитетига олиб бориб топширсин. Менинг билетимни Танабойнинг ўзи, ўз қўли билан элиб топширсин, умўтиб қўйма тағин, албатта унга айт, деб айтди. Шундан сўнг ҳушидан кетди. Қийналди. Жон бераётганда ҳам кимнидир кутаётгандек қаради. Йиғи аралаш нималардир деди, аммо биз сўзларини англай олмадик.

Танабой индамай ўтирар, пиқ-пиқ йиғлаб, соқолини силарди. Жўра кетди. Ҳа, у Танабойнинг қалбининг ярмини, ҳаётининг бир қисмини олиб кетди.

— Сўзларинг учун раҳмат, Шомансур, барака топ. Отангга ҳам раҳмат!— деди ниҳоят Танабой ўзини қўлга олиб.— Лекин менинг кўнглимни бир нарса ғаш қилмоқда. Сен мени партиядан чиқарганларини биласанми?

— Биламан!

— Ахир мен, партиядан ҳайдалган одам, Жўранинг партия билетини қандай қилиб райкомга элтаман. Бундай қилишга ҳаққим йўқ-ку!

— Билмадим, Танаке. Ўзингиз биласиз. Мен отамнинг васиятини бажармоғим лозим. Мен сиздан яна ўтиниб сўрайман, отамнинг сўзини ерда қолдирманг.

— Мен жони дилим билан бажарар эдим. Аммо бошимга мусибат тушган. Ўзинг элтиб топширсанг дуруст бўлмасмикан-а, Шомансур?

— Йўқ, бўлмайди. Отам сўраган нарсасини ўзи яхши билган. Модомики, у сизга ишонибди, нега энди мен ишонмас эканман? Район партия комитетига бориб айтинг, отамнинг, Жўра Саёқовнинг васияти шундай экан, денг.

Ҳали тонг отганча йўқ эди. Танабой каллаи саҳарлаб туриб овулдан чиқди. У ўша учқур отга миниб олганди, ҳа, ўша яхши ва ёмон кунларида садоқатли йўлдош бўлган Гулсарининг устида ўтирарди. Саман йўрға йўл четига даги музлаб қолган ерни эзиб, парчалаб елиб борарди. У бу сафар марҳум дўсти коммунист Жўра Саёқовнинг махсус топшириғи билан районга бораётган Танабойни — ўзининг собиқ хўжайинини элтарди.

Олдинда, заминнинг кўзга кўринмас этакларида аста-секин тонг ёришиб келарди. Субҳ оғушида янги тонг отмоқда эди. У қўнғир туман орасида кенг тарқалиб борарди...

Йўрға от ўша шафақ нур томон, ҳануз осмон этагида ёлғиз ёғду сочаётган юлдуз томон дашт йўлларда дупур-дупур қилиб танҳо кетиб борарди. Танабой кўпдан бери саман йўрғани минмаган эди. Гулсари одатдагидек тез ва беозор йўрғалаб борарди. Шамол отнинг ёлини тараб, Танабойнинг юзларига уриларди. Гулсари ҳали ҳам кучдан қолмаган, бақувват от эди.

Танабой бутун йўл давомида хаёл суриб борди, лекин нима учун Жўра ўлими олдидан ўз партбилетини райкомга элтиб топширишни унга, партиядан чиқарилган Танабойга васият қилганига ақли етмас эди унинг. Жўранинг бундан мақсади нима экан? Ёки уни синамоқчи бўлдимикин? Ё, эҳтимол, бу билан Танабойнинг партиядан ҳайдалашига асло рози эмаслигини билдирмоқчимикин?.. Энди бу муаммо ҳеч қачон ечилмайди. Жўра энди ҳеч қачон ҳеч нарса дея олмайди. Ҳа, бу дунёда «ҳеч қачон!» деган каби даҳшатли сўзлар ҳам мавжуд. Шу билан сўз ҳам тамом...

Яна аллақандай фикрлар унинг миясини чулғаб олди.

Бутунлай хаелидан чиқариб ташламоқчи бўлган нарсалар яна жонлана бошлади. Йўқ, ҳали «тамом» дейишга эрта. Жўранинг васияти ёдида. У дўстининг билети билан районга боради. Дўсти ҳақида нимаики билса, ҳаммасини ёйтиб беради, халқ учун, Танабой учун Жўранинг қилган яхшиликларини бирма-бир айтиб беради. Узи ҳақида ҳам гапириб беради, чунки Жўра билан у—бир қўлнинг икки бармоғи эдилар.

Ҳа, уларнинг ёшлик кезларида қандай бўлганликларини ва қандай ҳаёт йўлини босиб ўтганликларини ҳамма билиб қўйсин. Зора, одамлар Танабойни Жўрадан тирик-лигида ҳам, ўлганидан кейин ҳам ажратиш инсофдан эмаслигига тушуниб етсалар. Фақат гапига қулоқ солсалар бас, кўнгил дардини изҳор этишга имкон берсалар бўлгани.

Танабой райком секретари қошига қандай кириб боришни, Жўранинг партия билетини унинг столи устига қўйиб, барча бўлиб ўтган воқеаларни қандай айтиб беришни ўйлаб борарди. У ўз гуноҳини бўйнига олиб кечирим сўрайди, ўзини яна партия сафига қайтаришни илтимос қилади, чунки у партиясиз яшай олмайди ва бусиз ўз ҳаётини тасаввур ҳам қила олмайди.

Борди-ю, партиядан ўчган шахснинг партиявий ҳужжатни келтиришга нима ҳаққи бор, дейишса-чи? «Сен коммунистнинг партбилетига қўл тегизмаслигинг, бундай ишларга аралашмаслигинг керак эди. Сендан бошқа одам ҳам топиларди!» дейишса-чи? Бироқ Жўранинг сўнгги истаги шу эди-да. У ўлими олдидан шундай васият қилган эди. Буни унинг ўғли Шомансур ҳам тасдиқлайди. «Хўш, нима бўлибди, ахир жон талвасасида, беҳушликда ётган одам нималар демайди?» дейишса-чи? Унда Танабой нима деб жавоб беради?..

Гулсари музлаб, қотиб қолган йўлдан тасирлатиб чопиб борарди. Мана у бепоён даштни орқада қолдириб Александровка тепалигига чиқиб олди. Гулсари Танабойни жуда тез олиб борарди. У район марказига қандай этиб борганини ҳам билмай қолди.

Район ташкилотларида иш куни эндигина бошланган эди. Танабой ҳеч қаерда тўхтамасдан, жиққа терга ботган йўрғани тўғри райком биноси томон ҳайдади. Отни қозиққа боғлаб, уст-бошини қоқди-да, юраги «дук-дук» уриб райком биносига кирди. Унга нима дер эканлар?

Қандай қабул қилишар экан? Коридорда ҳеч ким кўринмасди. Ҳали кишилар овулларида келиб улгурмаганди. Танабой Қашқатоевнинг қабулхонасига кирди.

— Салом,— деди у секретарь қизга.

— Салом!

— Ўртоқ Қашқатоев ўзларидами?

— Ҳа, ўзларида.

— Мен у кишининг олдига келдим. «Оқтош» колхозининг чўпониман, фамилиям Бекасов,— деди у қизга.

— Биламан, сизни танийман,— деди секретарь қиз кулимсираб.

— Ундай бўлса, кириб у кишига айтинг, партия ташкилотимизнинг секретари Жўра Саёқов вафот этди. У ўлими олдида партия билетини райкомга элтиб беришимни илтимос қилган эди. Шунга келган эдим.

— Майли. Бир зум кутиб туринг.

Секретарь қиз Қашқатоев кабинетида узоқ туриб қолмаган бўлса-да, уни кутиб Танабойнинг тоқати тоқ бўлди, ўзини қўярга жой топмади.

— Ўртоқ Қашқатоев банд эканлар,— деди секретарь қиз кабинетдан чиқиб эшикни жипслаб ёпар экан.— У киши Саёқовнинг партбилетини ҳисобга олиш сектори-га топширишингизни айтдилар. Ҳу ана, коридор билан борсангиз, ўнг қўлда.

«Ҳисобга олиш сектори... Коридор билан борсангиз, ўнг қўлда...» Бу нимаси?— Танабой тушунмасди. Кейин ҳаммасини бир йўла тушунди, руҳи ҳам бирдан тушиб кетди. Наҳотки шундай бўлса? Наҳотки ҳамма нарса шунақа жўнгина бўлса? У ўйлагандики...

— Менинг унга гапим бор. Илтимос, кириб айтсангиз, жуда зарур гапим бор.

Секретарь қиз истар-истамас кабинетга кирди ва қайтиб чиқиб:

— У киши жуда банд,— деди яна. Кейин хайрихоҳлик билан кўшиб қўйди:— Ахир сизнинг масалангиз ҳал бўлган эди-ку?!— Сўнг янада секин деди:— У сизни қабул қилмайди. Яخشиси, қайтиб кетаверинг.

Танабой коридордан юриб ўнгга бурилди. «Ҳисобга олиш сектори» деган ёзув. Эшикда дарча. Тиқиллатди. Дарча очилди.

— Нима дейсиз?

— Сизга партия билетини топшириш учун олиб кел-

дим. Парторгимиз Жўра Саёқов вафот этди. «Оқтош» колхозидан.

Танабой то камзули остидаги тасмали чарм халтачани олгунча, ҳисобга олиш секторининг мудури — аёл киши сабр билан кутиб турди. Танабой бу халтачада яқиндагина ўзининг партия билетини олиб юрган эди, бу сафар эса унда Жўранинг партия билетини олиб келди. Билетни дарчадан узатди: «Алвидо, Жўра!»

Аёл ведомостга Жўранинг партия билети номерини, фамилиясини, исмини, отасининг отини, партия сафига кирган йилини қандай ёзаётганлигига Танабой қараб турди. Булар унинг ҳақидаги охириг хотира эди. Аёл ведомостни қўл қўйишга узатди.

— Бўлдими?—деб сўради Танабой.

— Бўлди.

— Хайр.

— Хайр.

Дарча қаттиқ ёпилди.

Танабой кўчага чиқди. Йўрғанинг тизгинини еча бошлади.

— Тамом, Гулсари,— деди у отга, —вассалом.

Толмас йўрға уни орқага, овулга учуриб олиб кетди. Баҳорги кенг дашт от туёғининг дупур-дупури остида шамолдек ўтиб борар эди. Танабойнинг дилидаги оғриқ фақат отнинг чопишидангина барҳам топарди.

Шу куни кечқурун Танабой уйига, тоққа қайтиб келди.

Хотини уни жимгина кутиб олди. Отнинг жиловидан тутиб, эрининг қўлтиғидан ушлаб эгардан тушишга ёрдамлашди. Танабой ўгирилиб хотинининг кифтига ўзини ташлаб қучоқлади. Хотини ҳам йиғлаб уни қучоқлади.

— Жўрани дафн этдик! У йўқ орамизда, Жайдар. Йўқ менинг дўстим!— дерди Танабой яна кўз ёшларига эрк бериб.

Кейин у ўтов олдидаги харсанг тошда жимгина ўтирди. Якка қолишни истарди. Оппоқ қорли тоғнинг қиррали чўққилари орқасидан секин кўтарилиб келаётган ойнинг чиқишини кўришни истарди. Хотини ўтовда болаларни ётқизаётган эди. Учоқда ёнаётган оловнинг чирсиллаши эшитиларди. Кейин темир қўбизнинг юракни эзувчи титроқ оҳанги янгради. Гўё шамол алам билан инграётгандек, гўё бир одам далада мунгли ашула айтиб, йиғлаб чопиб кетаётгандек, атрофдаги ҳамма нарсалар эса нафасини ичига ютиб, жим тургандек, ҳамма нарса су-



кутга чўмгандек ва фақат инсоний қайғу-ҳасрат нола че-  
каётгандек эди. Гўё у югурар ва ўзининг қайғу-алами  
билан қаерга бош уришни, бу сокин ва кимсасиз ерда  
аламларини кимга айтиб, кўнглини қандай бўшатишни  
билмас ва унга ҳеч ким ҳам жавоб бермас эди. У йиғлар  
ва ўзини ўзи тингларди. Танабой хотинининг у учун «Кек-  
са овчининг қўшиғи» куйини чолаётганини англади...

Мен сени ўлдирдим, ўғлим Қорагул,  
Ҳолимга йиғлар ким, ўғлим Қорагул,  
Тақдир жазолади, ўғлим Қорагул.

Қисмат ўч олди, ўғлим Қорагул,  
Овчилик касбига, ўғлим Қорагул,  
Оҳ, нега ўргатдим, ўғлим Қорагул?

Қуш-ҳайвонни қийратдинг, ўғлим Қорагул,  
Жониворларни отдинг, ўғлим Қорагул,  
Ҳар бир тирик мавжудот, ўғлим Қорагул,  
Дастингдан ўлса наҳот, ўғлим Қорагул.

Ёлғиз қолдим оламда, ўғлим Қорагул,  
Ҳеч бир инсон шу дамда, ўғлим Қорагул,  
Йиғимга соямас қулоқ, ўғлим Қорагул,  
Мен сени ўлдирдим, ўғлим Қорагул,  
Жонингга қасд қилди қўлим, Қорагул...

... Танабой ўтов олдида ўтириб, қадимий қирғиз мар-  
сиясини тинглар, хомуш турган қоп-қора тоғлар ортидан  
ойнинг секин-аста кўтарилишини ва ўткир қиррали қор-  
ли чўққилар тепасида, бир-бирининг устига қалашиб кет-  
ган қоялар тепасида унинг муаллақ туриб қолганини та-  
моша қилар эди. Шунда у марҳум дўстидан кечирим сў-  
раб яна илтижо этарди.

Жайдар эса ўтов ичида қўбизда ҳамон улуғ овчи Қо-  
рагул ҳақидаги марсияни чоларди:

Мен сени ўлдирдим, ўғлим Қорагул,  
Ҳолимга йиғлар ким, ўғлим Қорагул...

### XXIII

Тонг отиб қолганди. Кекса Танабой гулхан ёнида, жон  
бераётган йўрға отнинг бош томонида ўтириб, шундан  
кейин бўлиб ўтган воқеаларни эслаб кетди.

Унинг ўша кунлари область марказига борганини ҳеч ким билмаган эди. Бу унинг охирги марта уриниб кўриши эди. У райондаги кенгашда нутқини эшитган обком секретарини кўргиси ва унга ўзининг ҳамма қайғу ва ҳасратларини сўзлаб бергиси келарди. Бу одамнинг уни тушунишга ва унга ёрдам беришига ишонарди. Жўра ҳам у ҳақда илиқ гаплар айтган эди, бошқалар ҳам уни мақташарди. Бироқ у бу секретарнинг бошқа областга ишга ўтказилганини обкомга келгандан кейингина билди.

— Эшитмовдингизми ҳали!

— Йўқ.

— Агар ишингиз жуда муҳим бўлса, мен янги секретаримизга айтаман, балки, у сизни қабул қилар,— деб таклиф қилди қабулхонадаги аёл.

— Йўқ, раҳмат,— деб рад этди Танабой унинг илтифотини.— Мен шунчаки, ўзимча шахсий иш билан келувдим. Мен ахир уни танирдим, у ҳам мени биларди. Бўлмаса, уни безовта қилиб ўтирмасдим. Кечирасиз, хайр.

У дилида аввалги секретарни яхши билганлигига, у ҳам буни — чўпон Танабой Бекасовни шахсан таниганлигига ишонган ҳолда қабулхонадан чиқди. Нега танишмасин ахир? Улар бир-бирларини танишлари ва ҳурмат қилишлари мумкин эди, у бундан шубҳаланмасди, шунинг учун ҳам шундай деди.

Танабой кўчага чиқиб, автобус станцияси томон йўл олди. Пиво дўкони олдида икки ишчи машинага бўш бочкаларни ортишмоқда эди. Кузовда турган шеригига бочкани ғилдиратиб чиқариб бераётган пастдаги ишчи ёнидан ўтиб кетаётган Танабойга тасодифан кўзи тушиб қолди-ю, туси ўзгариб кетди. Бу Бектой эди. У машина кузовига қия қилиб тираб қўйилган тахта устидаги бочкани ушлаб, Танабойга қисик кўзларини адоват билан тикканича, кутиб турарди.

— Ҳей, сенга нима бўлди, ухлаб қолдингми?— деди ғижиниб Бектойга машина устида турган шериги.

Бочка пастга думаламоқда, Бектой эса уни ушлаб, бочканинг оғирлигидан букчайиб, Танабойдан кўзини узмай қараб турарди. Лекин Танабой у билан саломлашмади. «Э-э, сен бу ерда экансан-да. Шу ерда экансан-да. Тузук, ишингни топибсан. Пиво корхонасига ўрнашибсан-да,— деб ўйлади Танабой ва тўхтамай ўтиб кетди.— Лекин у бу ерда нобуд бўлади!— деб ўйлади у яна қадамини секинлатиб.— Яхши одам бўлиши мумкин эди, ё гапла-

шиб кўрсаммикин?» У орқасига қайтмоқчи бўлди. Бектойга раҳми келди, унинг ҳамма гуноҳини кечиришга тайёр эди, фақат ақлу ҳушини йиғиб олса бас. Аммо бундай қилмади. Агар Бектой унинг партиядан ўчирилганлигини билса, суҳбатдан фойда бўлмаслигини тушунди. Танабой бу тили заҳар йигит олдида ўзини, ўз тақдирини, ўзи ҳамон содиқ бўлган ишини беобрў қилишни истамасди. Шундан кейин у индамай, шу бўйича кетди. Шаҳардан йўловчи машинада қайтди ва йўл бўйи Бектой ҳақида ўйлаб келди. Думалаб тушаётган бочканинг оғирлигидан унинг букчайиб турганлиги, ниманидир кутиб Танабойга тикилиб қараганлиги унинг кўз ўнгидан кетмади.

Кейинчалик Бектойни суд қилишганларида Танабой Бектойнинг сурувни ташлаб кетганинигина айтди. Бошқа ҳеч нарса демади. У Бектойнинг пировардида ўз хатосини тушуниб олишини ва тавбасига таянишини жуда хоҳларди. Лекин у тавба қилишни хаёлига ҳам келтирмайдиганга ўхшарди.

— Қамоқ муддатини ўтагач, менинг олдимга кел,— деган эди Танабой Бектойга.— Кейин нима қилишинг тўғрисида гаплашамиз.

У эса ҳеч нарса демаган, ҳатто бошини ҳам кўтармаган эди.

Танабой ундан нари кетди. Чунки уни партиядан чиқарганларидан кейин, у ўзига ишонқирамай юрадиган, ҳамманинг олдида ўзини гуноҳкордек ҳис этадиган ва негадир кўрқадиган, ҳадиксирайдиган бўлиб қолганди. У шунақа нарсалар юз беришини умрида ҳеч қачон хаёлига келтирмаганди. Тўғри, ҳеч ким бу ҳақда унинг юзига солмасди-ю, лекин бари бир у ўзини одамлардан четга олар, гап-сўзларга аралашмас, кўпроқ сукут сақлаб юрар эди.

## XXIV

Йўрға Гулсари калласини ерга қўйиб, гулхан ёнида қимир этмай ётарди. Ҳаёт уни аста-секин тарк этмоқда. Энди у хириллар, кўзлари олайиб, бўзрайганича оловга қараб ётар, таёқдек чўзилган оёқлари жонсизланиб борар эди.

Танабой йўрғаси билан видолашар, унга сўнгги сўзларни айтарди: «Сен ажойиб от эдинг, Гулсари. Сен ме-

нинг дўстим эдинг, Гулсари. Сен ўзинг билан бирга менинг энг эзгу хотираларимни олиб кетяпсан, Гулсари. Мен умрбод сени эслайман, Гулсари. Ҳозир ўз олдингда сени эсга олаётганимнинг боиси шуки, сен жон беряпсан, донгдор отим Гулсари. Биз албатта сен билан, қачонлардир сен билан у дунёда учрашамиз, Гулсари... Лекин мен у ёқда сенинг туёқларингнинг дупурини эшита олмайман. Ахир у ёқда йўллар йўқ, у ёқда ер йўқ, ўт-ўлан йўқ, у ёқда ҳаёт йўқ. Аммо мен тирик эканман, сен ўлмайсан, чунки мен сени эслаб юраман, Гулсари. Туёқларингнинг дупури мен учун севимли қўшиқ бўлиб қолди, Гулсари...»

Кекса Танабой шу тахлитда хаёл сурар ва ўзининг умри ҳам мана шу саман йўрғанинг чопиши сингари тез ўтиб кетганини, улар негадир тез қариб қолганликларини ўйлаб мунғайиб ўтирарди. Танабой ўзини қари деб ҳисоблашига балки ҳали эртадир... Лекин одам кексалигидан, ўзининг қариб бораётганлиги, даври ўтиб кетганлиги, энди фақат бундан буёнги умрини бир амаллаб ўтказишига қолганини ҳис этишдан ҳам қарийди.

Ҳозир ҳам, йўрға жон бераётган шу тунда ҳам Танабой ўзининг ўтган умрини кўз ўнгидан қайта ўтказаркан, қариликка бунчалик барвақт кўникаётганидан, уни унутмаган, қидириб топиб, ўзи олдига келган одамнинг маслаҳатига дарров кўна қолмаганидан афсусланди...

Бу воқеа уни партиядан ўчирганларидан сўнг етти йил ўтгандан кейин юз берганди. Танабой ўша вақтларда Сари ҳовуз дарасида колхоз экинзорларига назоратчи бўлиб ишлар ва у ердаги қоровулхонада кампири Жайдар билан бирга яшарди. Қизлари ўқишга кетишди, кейин эса кўёвга чиқишди. Уфли техникумни битиргач, районда ишга тайинланди, у ҳам энди оилали бўлди.

Ёз кунлардан бирида Танабой дарё бўйида ўт ўриб юрганди. Ҳаво очиқ, офтоб чарақлаб турарди. Пичан ўрадиган кун эди. Дара жимжит. Чигирткалар чирилларди. Қариялар киядиган оппоқ кенг иштони устидан кўйлагини тушириб олган Танабой ўтларни шифиллатиб ўриб, бир текисда ётқизиб кетаётган чолғи ўроқ ортидан завқ билан одимлаб борарди. У шунда сал нарироққа енгил машина — «Газик» келиб тўхтаганлигини ва машина ичидан икки киши чиқиб, у томон йўл олганлигини ҳам сезмай қолди.

— Ассалому алайкум, Танаке, ҳорманг! — деган сўз-

ларни эшитди у ён томондан ва қайрилиб боқиб, Иброҳимни кўрди. У ҳали ҳам уддабурон, икки бети қип-қизил, семиз, қорни қаппайган эди.— Мана биз сизни охир қидириб топдик, Танаке,— деди Иброҳим ва оғзи қулоғига етиб тиржайди.— Сизни кўргилари келиб райком секретарининг ўзлари келдилар.

«Ҳа, тулки-ей!—деб Танабой унинг ҳақида беихтиёр завқланиб ўйлади.— Ҳар қачон ҳам ўзига иссиқ ўрин топа олади. Қара, қандай хушомад қиляпти. Энг яхши оқ кўнгил одамдай-а. Ҳар қанақа одамга эш бўла олади, ҳар қанақа одамнинг кўнглига йўл топа олади!..»

— Ваалайкум ассалом,— деб Танабой уларнинг қўлини қисиб кўришди.

— Танимаяпсизми, ота?—деб сўради Иброҳим билан бирга келган киши хушмуомалалик билан Танабойнинг қўлини қўйиб юбормай.

Танабой жавоб беришга шошилмасди. «Қаерда кўрган эканман уни?»—деб ўйларди у ўзига ўзи савол бериб. Унинг олдида қандайдир жуда таниш, шу билан бирга, назарида жуда ўзгариб кетган одам турарди. У, ёш, соғлом, бақувват, офтобда қорайган, очиқ юзли, қарашлари дадил, кул ранг мовутдан костюм, похол шляпа кийган йигит эди. «Шаҳарлик биронтасидир-да»—деб ўйлади Танабой ниҳоят.

— Ахир, бу киши ўртоқ...—деб Иброҳим эсига солмоқчи эди.

— Тўхта, тўхта, ўзим айтаман,—деб тўхтатди уни Танабой ва ўзича кулиб деди:—Танидим, ўғлим. Танимай бўладими? Яна бир марта кўришиб қўяйлик. Сени кўрганимдан хурсандман.

Бу Каримбеков эди. Танабойни партиядан ўчираётганларида райкомда уни дадил ҳимоя қилган комсомол секретари эди.

— Агар таниган бўлсангиз, келинг, бир гаплашиб олайлик, Танаке. Юринг, соҳил бўйлаб бир айланиб келайлик. Сиз эса чолғини олиб, ўриб тура туринг,—деб таклиф қилди Каримбеков Иброҳимга.

Иброҳим камзулини ечиб, бажону дил розилик билдирди:

— Албатта, жоним билан, ўртоқ Каримбеков.

Танабой ва Каримбеков пичанзор бўйлаб юриб кетишди ва бориб дарё ёқасидаги тош устига ўтиришди.

— Мен сизнинг олдингизга қандай иш билан келган-

лигимни балки сезаётгандирсиз, Танаке,— деб сўз бошлади Каримбеков.—Кўриб турибман, сиз ҳамон илгаригидек тетиксиз, пичан ўряпсиз, демак, соғлигингиз жойида. Шунга хурсандман.

— Қулоғим сенда, ўғлим, мен ҳам сендан хурсандман.

— Гап шундай, сизга очиқ-равшан бўлсин учун шуни айтайки, Танаке, ҳозир, ўзингиз биласиз, кўп нарса ўзгариб кетган. Кўп нарсалар ўнгланиб келяпти. Бунга сиз ўзингиз ҳам, ҳар қалай, яхши билсангиз керак.

— Биламан. Гапинг тўғри. Колхозимиз ишларидан ҳам маълум. Ишлар юришиб кетгандек кўриняпти. Ҳатто ишонгинг ҳам келмайди. Яқинда мен Беш тол водийсида бўлдим. Хув ўша йили мен нақ шу жойда чўпонлик азобини тортгандим. Энди ҳавасим келиб кетди. Янги қўйхона — беш юз бош қўй сиғадиған шифер томли яхши қўйхона ва чўпонлар учун уй қуришибди. Ёнида эса сомонхона, отхона. Бизнинг вақтимиздагидек эмас, батамом бошқача бўлиб кетибди. Қўйлар қишлайдиган бошқа жойларда ҳам худди шундай. Овулнинг ўзида ҳам халқ уй-жой қуриб ётибди. Қачон борсам, кўчада янги уй қад кўтараётганини кўраман, илоҳим, бундан буён ҳам шундай бўлсин.

— Биз ҳам шунинг ғамида, шунинг ташвишида юрибмиз, Танаке. Ҳали ҳамма нарса ҳам кўнгилдагидек эмас. Аммо вақти-соати келиб ҳаммасини ҳам тўғрилаймиз. Мен сизнинг олдингизга бир иш билан келдим. Партияга қайтинг. Ишингизни қайта кўрамыз. Сиз ҳақда бюрода гап бўлди. Ҳеч бўлмаганидан кеч бўлгани яхши, дейишади.

Танабой индамади. Хижил бўлди. Қувониб ҳам кетди, алам ҳам қилди унга. У бутун кечмишларини хотирлади. Алам-изтироб унга чуқур ўрнашиб қолганди. Шунинг учун ҳам у ўтмишни титкилагиси ва у ҳақда ўйлагиси келмасди.

— Илиқ сўзинг учун раҳмат,— деб миннатдорчилик билдирди Танабой райком секретарига.— Чолни унутмаганинг учун раҳмат.— Сўнг бир оз ўйланиб очигини айтиб қолди:— Энди мен қариб қолдим. Партияга энди мендан нима фойда? Партияга мен нима қилиб бера олардим? Энди мен ҳеч нарсага ярамайман. Менинг даврим ўтган. Сен хафа бўлма. Ўйлаб кўришга рухсат бер...

Танабой анча вақтгача бир қарорга келолмади. Эртага бораман, индинга бораман, деб ишни пайсалга солди. Вақт эса ўтиб борарди. Довондан ошиб ўтиш қийин бўлиб қолган эди энди унга.

Ниҳоят бир сафар отни эгарлаб йўлга ҳам тушди, бироқ яна ярим йўлдан қайтиб келди. Нега? Нодонлик қилиб қайтиб келганини ўзи тушунарди. Ўзига ўзи «қариганда эс-ҳушимни йўқотиб, ёш болага ўхшаб қолдим» деди. Буларнинг ҳаммасига ақли етарди, лекин ўзини идора қилишга кучи етмай қолган эди энди унинг...

У бир куни даштда чопиб кетаётган йўрғанинг чангини кўриб қолди ва унинг Гулсари эканлигини дарҳол билди. Танабой энди уни камдан-кам кўрарди. Гулсари ёзги тақир даштликда оппоқ из қолдириб борарди. Танабой унга узоқдан қараб туриб, хафа бўлиб кетди. Илгари туёқлари остидан кўтарилган чанг-тупроқ йўрғага етиб ололмасди. У қўнғир учқур қуш сингари орқасида думга ўхшаш чангни қолдириб, ўзи олдинда учиб борарди. Энди бўлса йўрғани ҳадеб чанг-тўзон булутлари ўраб оларди. У олдинга ўтиб кетар, аммо бир нафас ўтмай яна ўзи кўтарган қуюқ чанг ичида ғойиб бўларди. Йўқ, энди у чанг-тўзондан ўзиб кетолмайди. Демак, жуда қариб қолибди, ҳолдан тойибди. «Аҳволинг чатоқ, Гулсари» деб йўлади Танабой алам билан.

Унинг чангда нафаси қисилаётганини, чопишга қийналаётганини, чавандознинг жаҳл билан уни қандай қамчилаётганини тасаввур қилди. У кўз ўнгида йўрғанинг саросимага тушиб қолган кўзларини, қуюқ чанг тумани ичидан чиқиб олишга бор кучи билан қанчалик уринмасин, лекин чиқа олмаётганлигини кўриб турарди. Масофанинг узоқлигидан унинг қичқирган овозини чавандоз эшитмаса ҳам, Танабой шунда: «Тўхта, отни қаттиқ ҳайдама!» деб қичқирди ва ўз отини чоптирганча унинг йўлини кесиб чиқмоқчи бўлди.

Бироқ етолмасдан, тезда тўхтади. Агар чавандоз уни тушунса-ку, яхши-я, борди-ю тушунмаса-чи? «Сенинг ишинг нима? Сендақа буйруқ берадигандан ўргилдим! Қандай истасам, шундай кетаман. Йўқол бу ердан, қари тентак!» деб жавоб қайтарса-чи?

Йўрға эса бу орада дам чанг-тўзон орасида кўринмай қолар, дам ундан отилиб чиқар, қийналиб чопиб,

узоқлашиб борарди. Танабой унинг орқасидан узоқ қараб турди. Кейин отини буриб, орқага қайтиб кетди. «Давримиз ўтиб кетди,— дер эди у.— Қаридик, Гулсари. Энди биз шу аҳволда кимга ҳам керакмиз? Энди менинг ҳам олдингидек куч-қувватим йўқ. Охирги кунларимизни кечириш қолди, Гулсари...»

Бир йилдан кейин Танабой йўрғани аравага қўшилган ҳолда кўрди. Танабойнинг яна кўнгли бузилди. У сафдан чиқиб қолган, эндиги қисмати бўйнига куя тушган бўйинча илиб, эски аравани тортишдан иборат бўлган қари йўрғага қараб туриш аянчли эди. Танабой қарашни истамай орқасига ўгирилди.

Танабой йўрғани кейин яна бир марта учратди. Унинг устида трусик ва йиртиқ майка кийиб олган етти ёшлардаги бола кўча бўйлаб борарди. У яланғоч оёқлари билан отни ниқтаб, уни ўзи бошқараётганидан қувониб мағрурланарди. Афтидан, боланинг отга биринчи марта мишиши эди. Шунинг учун ҳам уни жуда ювош ва итоаткор бўлиб қолган эски йўрға Гулсарига мингизиб қўйишганди.

— Бобо, менга қаранг!— деб мақтанарди у кекса Танабойга.— Мен Чапаевман! Мен ҳозир сойдан ўтаман.

— Қани-қани, ўтгин-чи, мен кўрайин!— деб маъқулади Танабой.

Бола от жilовини дадил ушлаб, сойни кечиб ўта бошлади. Аммо от нариги қирғоққа чиқаётганида бола ўзини тутолмай сувга шалоплаб йиқилиб тушди ва:

— О-йи!— деб қўрқувдан хўнграб йиғлаб юборди.

Танабой уни сувдан чиқариб олди ва отнинг ёнига келтирди. Гулсари сўқмоқ йўлда оғирлигини навбат билан дам у оёғига, дам бу оёғига ташлаб турарди. «Отнинг оёғи оғрияпти, демак аҳволи чатоқ» деб ўйлади Танабой. У болани қари йўрғага миндирди.

— Ҳайдайвер, энди йиқилма.

Гулсари йўлдан секин юриб кетди...

Шундан сўнг йўрға яна Танабойнинг қўлига келди. У отни парвариш қилиб оёққа турғизгандан сўнг, Гулсари уни охирги марта Александровкага олиб борган эди, ҳозир эса қайта ётиб йўлда ўлмоқда...

Танабой ўғли ва келининикига набира кўрганлиги, оилада иккинчи фарзанд туғилганлиги муносабати билан борган эди. Уларга совға қилиб бир нимта қўй гўшти,



бир қоп картошка ва хотини ёпган нон ҳамда бошқа ҳар хил емишларни олиб борганди. У Жайдарнинг касалман деган баҳона билан бормаганлигининг сабабини кейинчалик тушунди. У ҳеч кимга айтмаган бўлса-да, келинини ёқтирмас эди. Ўғли иродасиз, бўшанг йигит бўлиб, хотини эса шафқатсиз, ҳукмдор аёл эди. Уй бекаси бўлиб олган бу аёл эрини «гаҳ» деса қўлига қўнадиган қилиб олганди. Одатда арзимаган нарса учун кишини хафта қиладиган, ҳақорат қиладиган, фақат ўзини юқори тутиб, сўзини ўтказадиган одамлар ҳам бўлади. Келини ҳам худди шундайлардан эди. Унинг ўғлини юқори лавозимга кўтаришлари керак экан, аммо кейин негадир бошқа кишини тайинлашиб, уни эса четда қолдиришибди. Бунинг учун келини гуноҳсиз чолга вайсаб кетди.

— Бутун умрингиз чўпонликда, йилқичиликда ўтар экан, партияга киришнинг нима ҳожати бор эди сизга. Бари бир охирида ҳайдабдилар. Шу важдан ўғлингизга ҳам йўл йўқ энди. У энди юз йилгача бир лавозимда юраверади. Сизлар у ёқда, тоғда, ўз уйингиздасиз, сиз кексаларга бундан ортиқ нима керак! Бизлар бўлсак, мана, касофатларингизга қоляпмиз...

Қолган гаплари ҳам шу мазмунда эди.

Танабой келганига пушаймон бўлди. У келинини тинчлантириш мақсадида ишончсизлик билан шундай деди:

— Агар иш шундай бўладиган бўлса, балки мен яна партияга қабул қилишларини сўрайман.

— Сизга кўзи учиб турибди уларнинг. Сиздақа қариқартангларсиз иш битмас эмиш!— келини унга жавобан пиқиллаб кулиб юборди.

Агар у келини бўлмай, кимдир бошқа одам бўлганда Танабой шунақа гапларга чидаб ўтирармиди. Аммо яхшими, ёмонми, улар ўзингники бўлгандан сўнг нима ҳам қила олардинг. Чол индамай қўя қолди, гап кўпаймасин деди. Унинг эрини юқори лавозимга кўтармаганларига сабаб отасининг айбдор бўлганлиги эмас, балки ўзининг уқувсизлиги ва шунақа хотинга дучор бўлганлигидан эди. Ўз қадрини билган киши бундай хотиндан боши оққан томонга қочиб қутулиши керак: «Эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотин» деб бекорга айтмаган халқ. Бироқ чол яна ўғлини хотини олдида беобрў қилишни истамади. Майли, улар чол айбдор, деб ўйлаб юраверсинлар.

Шунинг учун ҳам Танабой ўғлиникидан тезроқ жўнаб кетди. Уларникида қолишга юраги безилларди.

«Аҳмоқсан, аҳмоқ!— дер эди у энди гулхан олдида ўтириб келинини сўкаркан.— Ажабо, қаёқдан ҳам бу ёруғ дунёга келаркан сендақа бетамизлар? На ор-номус, на иззат-ҳурмат, на бошқаларга яхшилиқ қилишни биласизлар. Фақат ўзларингизни ўйлайсизлар! Ҳаммани ҳам ўз газларинг билан ўлчайсизлар. Аммо сенинг ўйлаганингча бўлмайди. Мен ҳали одамларга керакман, керак бўламан...»

## XXV

Субҳидам. Тоғлар қорайиб кўрина бошлади. Дашт кенгайиб, равшанлашиб борарди. Жарлик ёқасидаги ўчиб қолган гулхanning қорайиб қолган чўғлари секин сўнар эди. Унинг ёнида елкасига пўстинини ташлаб, сочлари оқариб кетган чол турарди. Энди йўрғанинг устини пўстин билан ёпишга ҳожат йўқ эди. Гулсари нариги дунёга равона бўлганди...

— Алвидо, Гулсари!..

Танабой ўлган отга қараб туриб ҳайратда қолди — унга нима бўлди! Гулсари калласини орқага ташлаб ётар ва юганинг чуқур ботиб кетган ўрни кўриниб турарди. Тарс-тарс ёрилган туёқларидаги тақалари ейилиб, букилмас оёқлари чўзилиб ётарди. У энди бошқа юра олмайди, йўлларда ўз изларини қолдиролмайди. Кетиш керак эди. Танабой отга охириги марта эгилиб қаради ва унинг совиб қолган кўзларини беркитди. Сўнг юганини олди ва орқасига қарамасдан юриб кетди.

У даштлик орқали тоққа йўл олди. Чуқур ўйга толиб кетиб борарди. Қариб қолганлигини, куни битиб қолганлигини ўйларди. У қанотларидан ажралиб қолган ёлғиз қуш каби тез учар, шерикларидан орқада қолиб ўлишни йстамасди. У парвоз қила туриб ўлишни истарди.

«Шомансурга хат ёзаман,— деб жазм қилди Танабой. Хатга шундай деб ёзаман:— Йўрға Гулсари эсингдами? Албатта эсингдадир. Мен унга миниб райкомга отангнинг партбилетини олиб борган эдим. Сен ўзинг жўнатиб қўйган эдинг мени. Ўтган кечаси Александровкадан қайтиб келаётган эдим, йўлда менинг ажойиб йўрғам ўлиб қолди. Тун бўйи отнинг ёнида ўтириб, бутун ҳаётимни ўйлаб чиқдим. Йўрға Гулсари сингари мен ҳам йўлда ўлиб қо-

ламанми... Сен менинг партияга қайтишимга ёрдамлашинг керак, ўғлим Шомансур. Менинг sanoқли кунларим қолди. Илгари қандай бўлган бўлсам шундай бўлишни истаيمان. Отанг Жўра ўзининг партбилетини райкомга олиб боришни менга бекорга васият қилмаганини энди тушундим. Сен эса отангнинг ўғлисан ва мени, кекса Танабой Бекасовни яхши биласан...»

Танабой югани елкасига ташлаб, дашт бўйлаб кетиб борарди. Юзларидан оқиб тушаётган кўз ёшлари соқолини ҳўл қилиб юборганди. Лекин Танабой уни артмасди. Бу йўрға Гулсари учун тўкилаётган ёшлар эди. У кўз ёшлари орқали янги тонгга, тоғ этагига тез учиб бораётган танҳо кул ранг ғозга боқди. Ғоз ўз галасига шошиларди.

— Учавер, учавер!— деб шивирлади Танабой.— Қанотинг толмай, шерикларингга етиб ол.— Кейин яна хўрсиниб деди:— Алвидо, Гулсари!..

У кетиб борар, қулоғига яна қадимги қирғиз ашуласи эшитилар эди.

...Она туя бир неча кундан бери елиб-югуради. Боласини чақиради, излайди. Қайдасан, қора кўзли, бўталоғим? Жавоб бер! Елинимдан, тирсиллаб кетган елинимдан сут оқяпти, оёқларимдан оқиб тушяпти. Қайдасан? Жавоб бер. Елинимдан, тирсиллаб кетган елинимдан сут оқяпти. Оппоқ сут...

1966 й и л.

## МУНДАРИЖА

<b>Юзма-юз. Асил Рашидов таржимаси . . . . .</b>	<b>5</b>
<b>Жамила. Асил Рашидов таржимаси . . . . .</b>	<b>57</b>
<b>Бўтакўз. Асил Рашидов таржимаси . . . . .</b>	<b>115</b>
<b>Сарв қомат дилбарим. Асил Рашидов таржимаси . . . . .</b>	<b>155</b>
<b>Сомон йўли. Асил Рашидов таржимаси . . . . .</b>	<b>277</b>
<b>Алвидо, Гулсари! Асил Рашидов ва Абдураим Отаматов тар- жимаси . . . . .</b>	<b>371</b>

На узбекском языке

ЧИНГИЗ АЙМАТОВ

ТОПОЛЕК МОЙ В КРАСНОЙ КОСЫНКЕ

П о в е с т и

Перевод с ранее опубликованных изданий

Редактор С. Худойбергенов  
Рассом Э. Исҳоқов  
Расмлар редактори Н. Холиқов  
Техн. редактор В. Барсукова  
Корректор И. Қобилов

Босмахонага берилди 27/1—69 й. Босишга рухсат этилди, 5/VI-69 й, Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 17,0, Шартли босма л. 28,56, Нашр. л. 29,0, Тиражи 60000  
Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти,  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 203—68.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат кўмитетининг полиграфкомбинатида 2-қоғозга босилди,  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30, 1969 йил, заказ 804,  
Бёҳоси 1 с.

С  
А39

**Айтматов Чингиз.**

Сарв комат дилбарим. Қиссалар. (Қирғизчадан А. Рашидов таржимаси.) Т., Гафур Гулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1969.

544 бет. Тиражи 60000.

Айтматов Чингиз. Топлек мой в красной косынке. Повести.  
Индекс 7-3-3

С(Қирғ)